


ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ

(тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري)

Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг қарори билан ҳуқуқшунослик факультетларининг I курс талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. Гувоҳнома рўйхат рақами 107-65.

Тошкент
«Akademnashr»
2012

УДК: 340.1(100) (09)
КБК 67.400

Ушбу китоб чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи курсининг мавзуи, услуги масалалари, қадимги давлатлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти, ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқ манбалари, уларнинг умумий таърифи ҳамда сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ёдгорликларни ўрганишга бағишланган. Шунингдек, ўрта асрлардаги Франклар давлати, Англия, Франция, Германия каби Ғарбий Европа давлатлари, Араб халифалиги, Ҳиндистон каби Шарқ давлатлари ҳамда Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида ўрта аср давлати ва ҳуқуқининг асосий белгилари ёритиб берилган. Унда курснинг дастури тўла қамраб олинган бўлиб, янги ва энг янги даврда Англия, Франция, Германия, АҚШ, Россия Федерацияси давлати ва ҳуқуқи, Евроосиё давлатлари ва ҳуқуқи, қоллеверса, ҳуқуқнинг ривожланишидаги тенденциялар баён этилган. Китоб давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганишда ҳуқуқшунослик факультети талабаларига мўлжалланган бўлса-да, давлат ва ҳуқуқ тарихи билан қизиққан барча кишиларга ёрдам бериши мумкин.

Масъул муҳаррир:

А.Х. Саидов, юридик фанлари доктори, профессор

Муҳаррир:

Ш.Т. Акбаров

Тақризчилар:

Ҳ.Б.Бобоев, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
юридик фанлари доктори, профессор,

М.М.Қўлдошев, юридик фанлари номзоди, доцент,
Ф.Ҳ.Ҳайитбоев, юридик фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-389-52-6



© Зиёдулла Муқимов «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи».
© «Академнашр» 2012.

СУЗБОШИ

Кейинги йилларда Ватанимиз олий ўқув юртларида тарих фанини ўргатишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши, 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор мазкур фанни ўқитиш ишини янада яхшилашга қаратилган.

Олимларимиз жамият ва давр тарафидан қўйилган вазифаларга мос равишда янги тадқиқотлар яратаётган бўлсалар-да, ҳуқуқшунос-тарихчилар бу борада, айниқса, талабалар олдида қарздордирлар, чунки ҳозирги кунгача улар томонидан олиб борилаётган тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар кўлами ва салмоғи етарлича эмас.¹

Тарихий-ҳуқуқий фанлар, одатда, олий юридик таълим тизи-мида биринчи курсда ўрганилади. Асосан, учта ана шундай фан ва ўқув курси мавжуд бўлиб, улардан энг ҳажмли ва мураккаби «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи»дир. Республикамизда олий юридик ўқув юртлари бир нечта бўлса-да, ушбу курснинг ягона, тўлақонли дарслиги ёки ўқув қўлланмаси яратилган эмас. Ушбу фан муаммоларини тадқиқ этиш ва талабаларга ўқитишнинг аниқ бир дастури ҳам мукаммал ишлаб чиқилмаган.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги маъруза // Халқ сўзи. 2001 йил 30 август.

Ҳаммамизга маълумки, ҳуқуқ давлат сиёсати ифодаланишининг бир шакли, агар шундай бўлса, унинг тарихини ўрганиш ҳам давлат сиёсати даражасида турмоғи лозим. Ҳуқуқий фанлар тизимидаги тарихий-ҳуқуқий фанлар бўлғуси ҳуқуқшуноснинг маҳсус билимларни эгаллашида, унда юксак ҳуқуқий маданият ва дунёқарашни шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Ватанимизда ушбу фанларни ўқитиш, дастлабки ўқув услубий қўлланмаларни ёзишда¹ Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ўқитувчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Х.С.Саматова, акад. Ш.З.Ўразаев ва доц. У.М.Аҳмаджоновларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Республикамизда чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи борасида илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш лозим. Чунки олиб борилаётган изланишларни етарли деб бўлмайди. Яхши дарслик, ўқув қўлланмаси, маърузалар матнини яратиш эса чуқур тарихий-ҳуқуқий тадқиқотларсиз бўлиши мумкин эмас. Собиқ шўролар даврида чет мамлакатлар муаммолари билан ўнлаб илмий тадқиқот институтлари шуғулланар, ушбу ўқув курсининг дарслиги марказнинг олий юридик ўқув юртларида яратилиб республикаларга юбориларди.

Бугун, энг аввало, ушбу фанга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз, яъни ўқув курсининг дастурини мукаммал ишлаб чиқишимиз, бунда талабаларга етказилиши лозим бўлган чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи доирасини белгилаб олишимиз керак. Чунки ҳозирги кунда жаҳонда икки юздан ошиқ давлат мавжуд, барчасининг давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганиш имконсиз. Масалан, МДҲга кирувчи мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихини ёхуд Россия Федерацияси давлати ва ҳуқуқи тарихини унга қўшиб ўрганиш лозимми ёки йўқми, Яқин Шарқ давлатлари: Афғонистон, Эрон, Туркиянинг давлати ва ҳуқуқини қандай ўрганмоқ керак деган саволлар туғилади. Қолаверса, ушбу фаннинг дарслиги қайси тизимда тузилиши даркор?

Маълумки, илгари барча ижтимоий фанлар, уларнинг дарс-

¹ Саматова Х.С., Аҳмаджонов У.М. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1960.

лик ва ўқув қўлланмалари, коммунистик ғоявийликка оид барча адабиётлар тор доирада, ижтимоий-сиёсий тузум, ҳуқуқ манбалари, белгилари шаклида тузиларди. Бунда, албатта, жамият, синфлар, ижтимоий гуруҳ ва табақалар, уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, давлат тузуми ва ундаги тенгсизликка урғу берилар, фан ва ўқув курси ўта сиёсийлаштирилган тарзда тадқиқ этилиб, талабаларга етказиларди. Ҳозирги кунда ушбу фанни ўқитиш бўйича ўз концепциямизни аниқ белгилаб олишимиз ва барча ўқув-методик ҳужжатларни унга мослаб ишлаб чиқишимиз шарт.

Республикамызда бу борада ҳали мукамал ва тўлақонли дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалари яратилмаган бўлса-да, чет мамлакатлар, айниқса, Россия Федерациясида ушбу фан бўйича ҳар йили тўртта-бешта янги дарслик ва ўқув қўлланма, ҳужжатлар тўпламлари нашр этилиб турибди. Ҳозирда ҳам ўнлаб илмий тадқиқот институтларида мазкур фан муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Чунки у ҳозирги замон юридик таълим тизими асосида ётган фанлардан бири сифатида қаралади.

Айрим олимлар давлат ва ҳуқуқ тарихини ёритишга мамлакатлар ва даврлар бўйича ёндашиш ўқув курсининг ҳажмини ошириб юборди, уни талабаларга тўла етказиш мумкин эмас, мазкур фан бўйича дарслик фақат қиёсий ҳуқуқшунослик усулида ёзилиши лозим деб ҳисоблайдилар. Бизнинг фикримизча, қиёсий ҳуқуқшунослик усули билан ёзилган дарсликни тушуниши учун талаба маълум даражада фактлар йиғиндисига эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун мазкур дарсликни ёзишда даврлар бўйича ҳамда қиёсий таққослаш бўйича ёндашдик. Қолаверса, шу кунларда чет элларда нашр этилаётган дарсликларда давлат тарихи ҳуқуқ тарихидан ажратилган, гуруҳларга бўлинган ҳолда таҳлил этилмоқда, фикримизча, дарсликнинг тузилишига бундай ёндашиш курсни ўзлаштиришда маълум қийинчилик туғдиради. Ушбу дарсликни ёзишда мавжуд дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ҳужжатлар тўпламлари, ҳуқуқий ёдгорликлардан, мақолалардан фойдаландик, мазкур курсни кўп йиллик ўқитиш тажрибасига ҳам суяндик. Уни ёзишда олимлар К.А.Батыр, П.Н.Галанза, В.Г.Графский, Б.С.Громаков, О.А.Жидков, Н.А.Кра-

шенникова, О.А.Омельченко, Н.А.Селезнев, В.А.Савельев, Н.И.Страхов, В.Н.Струнников, А.И.Рогожин, К.Г.Федоров, З.М.Черниловский, С.В.Чиркин қатнашган ёки уларнинг таҳрири остида нашр этилган дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, М.И.Дьяконов, С.Э.Бўлатов, Л.И.Дембо, К.А.Попов, Е.Э.Лившиц, И.С.Перетерский томонидан турли тиллардан таржима қилинган ҳуқуқий ёдгорликлардан кенг истифода этилди. Шу билан бирга, дарслик ҳуқуқий-тарихий фанларнинг ютуқларига асосланган ҳолда янги манбалар билан бойитилди.

Ушбу иш камчиликлардан холи бўлиши мумкин эмас, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган кишиларга муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради (Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15).

1-МАВЗУ. ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа

1. Фаннинг предмети тушунчаси.
2. Фан, ўқув курсининг мақсад ва вазифалари.
3. Ўрганиш услублари ва тизими.
4. Фан ва ўқув курсининг манбалари ва номланиши.

Таянч иборалар

Тарихий-ҳуқуқий фан. Унинг ўзига хослиги. Аҳамияти. Предмети тушунчаси. Мақсад ва вазифалари. Ўрганиш услублари. Диалектик ва социологик ёндашувлар. Махсус ва умумий услублар. Тарихий-ҳуқуқий услуб. Ўқув курсининг тузилиши. Тизимли ёндашув. Цивилизацияли ёндашув. Ўқув курсининг ривожланиши ва номланиши.

1. Фаннинг предмети тушунчаси

Тарихни ўрганиш ижтимоий ҳаётни ҳар тарафлама билишнинг зарурий шартидир. Чунки тарих – ўтмишнинг йиғилган (концентрациялашган) тажрибаларини сақловчи, уни авлодларга етказиб берувчи фан. Ҳозирги замоннинг ҳеч бир йирик масаласи, ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида бўлмасин, жумладан, давлат ва ҳуқуқий қурилиш соҳасида ҳам, мавжуд бўлган тарихий тажрибаларни ҳисобга олмасдан, ундан унумли фойдаланмасдан, чуқур ўрганмасдан самарали ҳал этилиши мумкин эмас.

Талабанинг ҳуқуқий дунёқараши шаклланишида тарихий фанлар юксак аҳамиятга эга. Чунки ўтмиш воқеа-ҳодисаларини билмасдан туриб ҳозирги воқеликни тўғри тушуниш, келажакни қўра билиш имконсиз. Тарих фан сифатида жамият тараққиётининг объектив қонунлари ҳақидаги билимлар тизимини ўзида мужассамлаштиради, уларни тушуниш жамиятнинг келажакдаги риво-

жини кўра билишга имкон яратади. Шунинг учун жамият тарихи фанининг таркибий қисми сифатида мамлакатимиз олий ўқув юртларида фан тармоқлари бўйича турли тарихий фанлар ўрганилади. Масалан, иқтисод йўналишидаги олий ўқув юртларида иқтисод тарихи, маданият йўналишидаги олий ўқув юртларида маданият тарихи, меъморчилик йўналишидаги олий ўқув юртларида меъморчилик тарихи курслари ва ҳ.к. Олий ҳуқуқшунослик ўқув юртларида, олий милиция мактабларида ҳуқуқий характердаги тарихий-ҳуқуқий фанлар ўтилади. Давлат ва ҳуқуқ жамиятга оид ҳодисалар бўлганлиги учун, уларнинг тарихи жамият тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Жамият тарихи ва унга мос ҳолда давлат ва ҳуқуқ узлуксиз ривожланиш жараёнида.

Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи тарихий-ҳуқуқий характердаги **ижтимоий фандир**. Унинг мавзуи тушунчасини давлат, жамиятнинг ўз ҳокимиятини бутун мамлакат доирасида барчага ёядиган, мажбурий хоҳиш-ирода, эрка асосланган нормалар яратадиган махсус бошқарув ва мажбурлов аппарати ҳамда суверенитетга эга ягона ташкилот эканлиги, ҳуқуқнинг эса бошқа ижтимоий нормалардан (одоб, ахлоқ, удумлардан) фарқ қиладиган давлат томонидан санкцияланган, қонун сифатида мустаҳкамланган, суд қарори ва давлат ҳокимиятининг бошқа актлари тарзидаги умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларидан иборатлиги ҳақидаги назарий хулосадан келтириб чиқаришимиз лозим.

Мазкур **фан ва ўқув курсининг предмети** (ўрганиш мавзуи) тўғрисида олимлар томонидан берилган кўпгина таърифлар бор. Бизнинг фикримизча, проф. П.Н.Галанза томонидан 1963 йили айтилган таърифда фаннинг мавзуси биринчи бор аниқлаштирилган: «**Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи**» фанининг мавзуси мамлакатимизнинг ҳозирги чегарасидан ташқаридаги ҳар бир мамлакатда яшаётган халқларда маълум конкрет тарихий шароитда давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини алоҳида-алоҳида тарихан кетма-кетликда ўрганишдан иборатдир.¹

¹ История государства и права зарубежных стран. В 2-х томах. Т.1. – М.: Госюриздат, 1963. – С.8.

Ундан кейин берилган таърифлар мазкур фан мавзуининг у ёки бу қирраларига устунлик бериб, уни тўлдириб боради. Шундай қилиб, «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» фани (ҳамда ўқув курси) жаҳоннинг алоҳида олинган мамлакатларида, конкрет тарихий шароитда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиш жараёнини ушбу процессларнинг умумтарихий қонуниятларини ҳамда конкрет жамиятнинг ривожланишида муҳим босқич саналган ўша тарихий давр доирасида ҳаракатда бўлган қонуниятларни очиш асосида уларни хронологик кетмакетликда ўрганади.¹

Бу фан турли типдаги давлатларнинг вужудга келиши ва уларнинг сабаблари, ривожланиш даврлари, инқирози, конкрет давлатнинг ҳуқуқ тизими, унинг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб ўрганади. Давлатнинг ички ва ташқи фаолияти амалга оширилишидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатиб беради.

2. Фан ва ўқув курсининг мақсад ва вазифалари

Юридик фанлар тизимида ушбу тарихий-ҳуқуқий фан ва ўқув курсининг бошланғич курсларда ўрганилишидан мақсад ҳуқуқшунослик ихтисослигига кириб келаётган талабага давлат-ҳуқуқий масалаларни ўрганишга тарихан ёндашиш, тарихий тараққиётнинг турли даврларида вужудга келиб фаолият кўрсатган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши ва ҳуқуқи, ҳуқуқий ёдгорликлар ва атамалар билан таништириб, унда тарихий-ҳуқуқий билимларни шакллантириш ҳамда кейинги босқичлардаги умумкасбий ва ихтисослик курсларини ўзлаштиришда таянч билимларни ҳосил қилишдир.

Ҳуқуқ тарихининг биринчи навбатдаги вазифаси ҳуқуқни ўрганишнинг барча методларидан фойдаланган ҳолда алоҳида олинган юридик фактларни устун даражада, ҳуқуқда бўлган ўзгаришларни тушунтириб бериш, шунингдек, бу фактларнинг тарихий ўзаро алоқадорликларини, ҳуқуқни динамик тадқиқ этиш мақ-

¹ История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. В 2-х частях. Ч.1. – М.: Норма, 2001. – С.9.

садида воқеанинг ривожланиши сабабий боғланишини очиб бериш бўлса, унинг иккинчи вазифаси ўтмиш ҳуқуқини статик тарзда тадқиқ этишдир.

Биз позитив ҳуқуқдан (амалдаги) оладиган маълумотларимизни унга нисбатан догматик-норматив услубни қўллаб, ҳуқуқни статик тарзда тадқиқ этамиз.

Талаба бу фанни ўрганишда Осиё ва Африка, Фарбий Европа ҳамда Америка давлатлари ва ҳуқуқининг асосий манбалари билан яқиндан танишади. Бу фан ва ўқув курсининг **вазифаси**, энг аввало, тарихга нисбатан тўғри дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Уни ўрганиш талабаларнинг давлат ва ҳуқуқ масалаларидан умумий тайёргарлигини оширишга хизмат қилади, ҳуқуқшуносликнинг бошқа дарсларини чуқур ўзлаштиришга имкон яратади.

3. Ўрганиш услублари ва тизими

Фаннинг **методологик асослари**. Ҳозирги вақтда тарихга нисбатан монистик-материалистик қарашлардан воз кечиш, методологик кўп хиллик (плюрализм) тобора кенг ёйилмоқда. Бу фан ўрганадиган объектнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб унинг асосий методлари конкрет тарихий, қиёсий-ҳуқуқий ва тизимли ўрганиш усулларидан иборатдир. Шу билан бирга, мазкур фаннинг хусусий илмий ва махсус услублари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқнинг тарихий ривожланишини англамасдан сезиларли даражада тарихий шароит ва ўтмиш ҳуқуқининг таъсири бўлган ҳозирги замон позитив ҳуқуқини тадқиқ этиш мумкин эмас. Ҳар қандай тарих каби ҳуқуқ тарихида ҳам хусусийлик мавжуд, унинг ўзига хос белгиси ҳам шундадир. Бу шуни англатадики, ҳуқуқ тарихи вақт ва макон доирасида, бошқалардан ажратилган ҳолда конкрет хусусий воқеаларни тадқиқ этади ҳамда уни конкрет ҳолатларда тушунтиришга ҳаракат қилади. Бундай ҳолда турли-туман услублардан фойдаланилади ва ҳуқуқ тарихида қачон, қандай ҳолатда инсонлар қатнашаётган воқеалар ҳақида сўз боришига қараб барча реал, ҳақиқий усуллардан, энг олдин **социологик методдан** фойдаланилади. Социология тарихдан

фарқли ўлароқ умумлаштирувчи фан сифатида алоҳида ижтимоий воқеаларни ўрганган ҳолда уларни социологик жиҳатдан тушунтиришга, бир турли воқеаларни ўрганиш асосида алоҳида олинган воқеаларни тушунтириб бериш мумкин бўлган умумсоциологик қонуниятларни келтириб чиқаришга интилади. Шу мақсадда социологиянинг ўз предметини ташкил қилган социологик тушунтириш орқали социал тарих доирасида олинган натижалардан кенг фойдаланади.

Ҳуқуқ тарихи битта миллий ҳуқуқ тарихи ҳамда унинг бўлимларидан тортиб кўплаб халқларнинг ҳуқуқи тарихи, ҳуқуқнинг умумий тарихидан иборат, тор ёки кенг характерли ҳам бўлиши мумкин.

Ушбу фан давлат ва ҳуқуқ масалаларига уларни доимо тараққиётда, ривожланишда ва ўзаро алоқадорликда олиб диалектик услубда ёндашади.

Ўзаро алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлган бир неча миллий ҳуқуқий тизимларни, шунингдек, ҳуқуқнинг умумий тарихини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у бундай ўзаро алоқаларни ҳам, бир ҳуқуқий тизимнинг иккинчисига таъсирини ҳам ўрганади. Ана шу ўзаро мустаҳкам алоқада бўлган бир-бирига таъсир ва акс таъсир этадиган алоҳида олинган миллий ҳуқуқий тизимларни тушунтиришга ёрдам беради.

Тарихий-ҳуқуқий услуб комплекс метод ҳисобланиб, унинг элементлари ўз предметини – ўтмиш ҳуқуқини тадқиқ этиш туфайлигина бирлашади. У, тўласинча олганда, барча ҳуқуқий методлар: реал ва идеал методлар йиғиндисидан ташкил топади. Кўрсатилганидек, бу методлар ўзининг моҳиятига кўра, гарчи улар ўтмишнинг ҳуқуқий тизимларини ўрганиш учун қўллансада, ўзгармасдан қолади, чунки кўрсатилган ҳуқуқий тизимлар билан ҳозирги ҳуқуқ орасида ҳеч қандай фарқ, айирма, туб ўзгариш йўқдир. Ҳатто ҳуқуқдаги ўзгаришлар тадқиқ этилаётган вақтда ҳам, тарихий-ҳуқуқий метод қандайдир янги предметга дуч келмайди. Чунки бизнинг даврдаги позитив ҳуқуқнинг мазмуни, энг аввал, шундан иборатки, тарихий нуқтаи назардан янги ҳуқуқий тизимлар яратиш натижасида вужудга келган ўзгаришларни тушунтиради.

Тарихий-ҳуқуқий услуб ҳар бир юридик фан соҳасининг умумий тадқиқот услубларидан бири бўлиб, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини маълум бир давр ичида, тарихий тараққиётда олиб ўрганади. Яъни ўрганилаётган ҳуқуқий институт ва тушунчалар, ҳодиса ва фактларга тарихан ёндашиб, уларнинг келиб чиқишидан бошлаб ривожланиш босқичлари, маълум бир тарихий давр кесимида ҳодиса, воқеани ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилади. Бу услуб фикрлар, мулоҳазалар, тушунча ва категорияларни улар пайдо бўлган, шаклланган тарихий фактлар, ҳодисалар, жараёнлар билан танқидий таҳлил ва таққослашни назарда тутди.

Тарихий услуб ёрдамида: а) ҳозирда фаолият кўрсатаётган давлат ташкилоти ва ҳуқуқининг келиб чиқиши, унинг ҳозирги юридик ҳолатини тушуниш; б) тарихий ворислик, бу ворисликнинг ривожланиши ва унинг даражасини кўриш; в) қандай социал сабаблар ва фактлар, қайси даражада юридик институтлар ва ҳуқуқнинг ривожланишини белгилаб берганини; г) давлат ва ҳуқуқ жамият ҳаётига таъсир ўтказадиган услублар, йўллар ёки воситаларни аниқлаш каби назарий вазифаларни ўз ичига олади.

Муваққат фарқлар туфайли вужудга келадиган ягона ўзига хос хусусият тарихий-ҳуқуқий методни қўллаётган тадқиқотчи зарурий фактларни йиғиш вақтида катта қийинчиликларга дуч келади. Бундай қийинчиликлар, агарда у узоқ ўтмишга оид ҳуқуқий тизимларни тадқиқ этаётган бўлса, янада кучаяди. Чунки фактлар тобора йўқола боради, уларни билиш қийинчилик туғдиради. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, ҳуқуқ тарихчиси бўлган тадқиқотчи фактларни тадқиқ этишда кутилганига нисбатан ҳам маълумотларга кам эга бўлиб қолади. Шунинг учун тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар ўтказиш анча мураккабдир.

Хуллас, чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фани барча ижтимоий ҳодисаларга давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимот нуқтаи назаридан ёндашади.

Мазкур курс барча ўқув курслари сингари ўзининг маълум бир тизимига эга бўлса-да, аммо ягона фикрга келинмаган. Шунингдек, давлат ва ҳуқуқнинг типлари борасида ҳам яқдил, кўпчилик

томонидан тан олинган фикр ва у асосида берилган таъриф йўқ. Давлат тарихий ва назарий типологиясининг қуйидаги турлари ҳозирда кенг ёйилган:

1. Ижтимоий-иқтисодий формация типлари бўйича турлари: кулдорлик, феодал, капиталистик, социалистик давлатлар ва ҳуқуқ.

2. Цивилизация типлари бўйича: Қадимги Шарқ цивилизацияси, Қадимги Афина давлати, Қадимги Рим давлати, ўрта аср давлати, ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи.

3. Индустрлашган жамият, индустрлашган жамиятгача бўлган давлат, индустрлашган жамият давлати, янги (пост) индустрлашган жамият давлати ва ҳуқуқи. Бундан ташқари, янги типологик турлари тавсия этилиб, эксплуататор типидagi давлат ва ҳуқуқ, социал давлат ва ҳуқуқ типлари мавжудлиги келтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда давлатлар типологиясига цивилизациявий ёндашув тобора катта роль ўйнамоқда. «Цивилизация» тушунчаси ёрдамида тарихни ўрганиш асослари инглиз тарихчиси А.Ж. Тойнби (1889 – 1975) томонидан 1934 – 1961 йилларда чоп этилган ўн икки жилдлик «Тарихни англаш» номли асарда ишлаб чиқилган. У цивилизация география, миллий, диний ва бошқа белгиларнинг умумийлиги билан фарқланувчи жамиятнинг тор ва маҳаллий ҳолати деб билиб, шуларга боғлиқ равишда 21 цивилизацияни ажратади: Миср, Хитой, Фарбий, Узоқ Шарқ, православ, славян, араб, Американинг туб халқлари (мая, инклар, ацтеклар) цивилизациялари ва ҳ.к.

Тойнби шу асосда давлатни типологиялаштирмасдан жамиятнинг ўзига хос типологиясини амалга оширди. Умуман олганда, олимлар томонидан цивилизацияларнинг 15 – 20 тадан 30 тагача тури фарқланади. Шу билан бирга, давлат ва ҳуқуқ тарихи дарсликларида давлат ва ҳуқуқ типларга бўлинмасдан, тарихий даврларга бўлиб ўрганилмоқда.¹ Биз ана шундай ўрганишни замон талабига жавоб беради деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун мазкур дарслигимиз давлат ва ҳуқуқ типларига эмас: 1) қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи; 2) ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи

¹ Қаранг: История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2001.

тарихи 3) янги ва 4) энг янги тарих даври давлати ва ҳуқуқи тарихи каби даврларига бўлинган.

Ушбу ўқув курсида ўқув материаллари хронологик кетма-кетликда берилиб, давлат ва ҳуқуқ масалаларига таъриф қуйидаги тизим бўйича амалга оширилади: 1. Ўрганилаётган давлатнинг ижтимоий тузуми, яъни унинг социал анатомияси. 2. Унинг давлат тузуми, давлатнинг типи, бошқариш шакли, унинг таркибий тузилиш механизми, армия ҳамда суд тузилиши. 3. Ҳуқуқ манбалари ва унинг асосий белгилари.

Ҳуқуқ тармоқлари асосий институтлари ва ҳар бир мамлакат ҳуқуқ тизимидаги ўзига хос томонлар очиб берилади. Бундан кўриниб турибдики, сулолалар, қўзғолонлар, илму фан, маданият, меъморчилик ва ҳ.к. таърифи унинг мавзуга кирмайди. Бу ҳол мазкур фаннинг ўзига хос, махсус ҳуқуқшунослик фани эканини яна бир бор таъкидлайди. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи фани бир қанча **ҳуқуқий фанлар билан яқиндан алоқадор**, чунки уларнинг ҳам ўрганиладиган мавзуи давлат ва ҳуқуқдир. Бунга, биринчи ўринда, давлат ва ҳуқуқнинг умумий назариясини келтиришимиз мумкин. Лекин чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи ўзининг бош вазифаси – давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва ривожланишини конкрет тарихий даврда ўрганишни бажармасдан, умумий ва хусусий қонуниятларни очиш билан шуғулланганда эди, у давлат ва ҳуқуқ назариясига қўшилиб кетган бўларди. Давлат ва ҳуқуқ тарихини давлат ва ҳуқуқ назариясидан фарқлайдиган асосий белги мавзуни ўрганишда мантиқий усул билан диалектик бирликда бўлган тарихий ўрганиш усулидир. Фақат иккала усулнинг бирлиги давлат ва ҳуқуқ тарихига, тарихий жараённинг имкониятларини чуқур очишга шароит яратади. Бу иккала фан бир-бирининг хулосалари, ютуқлари асосида ривожланиб боради. Қолаверса, бошқа тарихий-ҳуқуқий фанлар Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан ҳам мустаҳкам алоқададир. Давлат ва ҳуқуқ тарихи фанининг тарих, археология, тарихий манбашунослик, семантика каби фанлар билан алоқасини ҳам кўрсатиб ўтмоқ лозим. Давлат ва ҳуқуқ тарихи мазкур фанлар бўйича олиб бориладиган илмий изланишлар, археологик тадққ

иқотлар натижасида янги материалларга эга бўлади, уларни тарихий-ҳуқуқий таҳлил қилади. Масалан, агарда француз олими М.Шампальон Миср миҳхатларини ўқиш усулини топмаганда ёки Женульяк экспедицияси подшо Хаммурапи қонунларини очмаганда, биз Миср ва Бобил давлатлари қонунчилиги бўйича жуда кам маълумотга эга бўлардик. Қадимги Миср ва Бобил, бошқа давлатларнинг қонунларини биринчи марта йирик тарихчи олимлар В.А.Авдеев, М.И.Дьяконов, В.В.Струве рус тилига таржима қилган.

4. Фан ва ўқув курсининг манбалари ва номланиши

Айтиш лозимки, ҳуқуқшуносликка нисбатан давлат ва ҳуқуқ тарихи фани анча ёш. У Фарбий Европада XVIII асрда вужудга келган бўлиб, ҳуқуқнинг умумий тарихи, ҳуқуқ ва ҳуқуқий институтлар тарихи, ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқий тизимлар панормаси каби номлар билан аталган. Россияда 1804 йили биринчи марта МДУ профессори П.Цветаев «Қадимда ва ҳозирда танилган халқларнинг ҳуқуқи» номли ҳуқуқ тарихини ўқиган. 1907 – 1908 йилларда профессор В.Г.Шеглов ҳуқуқнинг умумий тарихи бўйича биринчи дарсликларни нашр эттирган.

Ушбу ўқув курсининг ривожланишини тўрт даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр 1917 – 1936 йилларни ўз ичига олади. Бу йилларда чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи махсус ўқув курси сифатида ҳуқуқий таълим тизимидан ўрин олмаган бўлсада, таниқли ҳуқуқшунос олимлар П.И.Стучка, Б.Б.Пашуканис, С.В.Юшков ва бошқалар фаннинг фундаментал муаммолари бўйича асарлар яратдилар.¹

Иккинчи даври 1937 – 1959 йилларни ташкил қилади. Бу йилларда ҳуқуқнинг олий ҳамда ўрта таълим тизимини такомиллаштириш ҳақидаги тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий-тарихий фанларни янада ривожлантиришни рағбатлантиради. Тарих

¹ Қаранг: История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. Ч.1. – М.: Норма, 2001. – С.10.

дарсликлари ҳақида 1936 йил 26 январда ҳамда олий ўқув юртлиари устидан раҳбарлик ва олий ўқув юртлиарининг ишлари ҳақида 1936 йил 23 июндаги қарорлар чиқди. Мазкур ҳужжатлар олий ўқув юртлиари ўқитиш тизимида чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи курсини мустақил дарс сифатида жорий этишга асос солди. Республикамиз олий юридик ўқув юртлиарида ҳам ана шу йиллардан махсус курс сифатида ўқитила бошланди.¹

Унинг мавзуи тушунчасини биринчи бўлиб МДУ профессори П.Н.Галанза аниқлаштирди ва фаннинг биринчи ўқув қўлланмасини ёзди.² Кейинчалик И.С.Перттерский, Н.И.Плевако ва бошқалар томонидан курснинг турли бўлимлари бўйича дастлабки ўқув қўлланмалари яратилди.

Учинчи даврни 1960 – 1961 йиллар ташкил қилади. Бу даврда давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тарихини ўрганиш анча ривожланиб, монография ва рисоалар, мақолалар нашр этилди, П.Н.Галанза, З.М.Черниловский, К.Г.Федоров, Н.А.Селезнёв каби олимлар томонидан дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзилди.

Ҳозирда ушбу фан ва ўқув курси ўз тараққиётининг тўртинчи даврини бошдан кечирмоқда, янги-янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Улар орасида, айниқса, В.Г.Графскийнинг дарслиги ушбу фан ва ўқув курси бўйича айтилган энг янги сўз бўлса ажабмас.³ Унда давлат ва ҳуқуқ тарихи бўйича жуда кўп янги ғоя ва фикрлар келтирилган. Дарсликнинг тузилиши ҳам ўзига хос, яъни қадимги давр ҳуқуқи, миллий давлат ҳуқуқи (кодификацияланган ҳуқуқ) ҳамда ҳозирги замон ҳуқуқи бўлимларидан келиб чиқиб белгиланган. Унда аввалда қўлланилган син-

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Историко-правовая наука. – М.: Наука, 1978. – С.242 – 345.

² Қаранг: Галанза П.Н. Конспект лекций по курсу Всеобщей истории государства и права. Вып.1. – М., 1940.

³ Қаранг: Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. М.: Норма, 2002. – С.744.

фий моҳиятга эга атамалар: давлат ва ҳуқуқнинг типологияси, ижтимоий-иқтисодий формациялардан воз кечилган. Дарсликнинг тузилиши ҳам оддий, рус тилидаги замонавий дарсликлардан фарқли равишда тўрт қисмдан эмас, икки қисмдан иборат. Биринчи қисми Қадимги давр ва ўрта асрларда давлат ва ҳуқуқнинг тарихи деб номланган, унинг биринчи бобида қадимги даврдаги ҳуқуқ ва давлат, иккинчи бобида ўрта асрлардаги ҳуқуқ ёритилган. Иккинчи қисми Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи деб аталган, унда янги давр ҳуқуқи ва давлати (3-боб), энг янги давр ҳуқуқи ва давлати масалалари (4-боб) ёритилган. Яна шу нарса характерлики, китобнинг учинчи бобида давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузуми масалалари камроқ ёритилган, ёритилса ҳам, конституциявий тарихга боғланган. Шунинг учун мавзуларнинг номлари «XVIII – XIX асрларда АҚШнинг конституциявий тарихи» ёки «XVIII асрда Франциянинг конституциявий тарихи» ва ҳ.к. тарзида номланади. Ушбу дарслик жуда бой маълумотларга эга, илмий-методик жиҳатдан ўзига хос. Муаллиф китобнинг номини «Всеобщая история права и государства» деб номлаш билан бирга аввалги «давлатсиз ҳуқуқ бўлмади» каби қарашларни мустақил бандда таҳлил қилган, унинг эскирганини исботлаган, ҳуқуқ давлатдан ҳам қадимийлигини одат ҳуқуқлари орқали кўрсатиб берган. Муаллифнинг фикрича, давлат эмас, ҳуқуқ бирламчи ва олдин пайдо бўлган. Олим тўғри таъкидлаганидек: «Ҳуқуқий одатлар, давлат ҳокимияти томонидан ўрнатиладиган қонунлардан қадимийроқдир, шунинг учун ҳуқуқ давлатдан қадимий». Дарсликда энг қадимги халқларнинг ҳуқуқлари батафсил ёритилган.

Фикримизча, рус тилида ёзилган дарсликлар ичида ҳозирда мазмуни, тузилиши, маълумотларга бойлиги, ҳатто полиграфик хусусиятлари бўйича ҳам О.А.Омельченконинг иши диққатга сазовор. Китоб икки жилддан иборат. Тарихий-ҳуқуқий маълумотлар таҳлили қуйидагича жойлашган: 1. Қадимги Шарқ давлати ва ҳуқуқи. 2. Антик мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи (мил. ав. 1-мингйилликнинг иккинчи ярми – милонинг I асри биринчи ярми). 3. Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи (V аср ўталари – XV – XVI асрлар). 4. Янги давр (XVII – XX аср бошлари).



даврида давлат ва ҳуқуқ (XX аср бошларидан XXI аср бошларигача).¹ Ушбу фан ва ўқув курсини сиёсийлаштирмасдан шундай даврларга ажратиб таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Бу фаннинг республикамызда ўқитилишини такомиллаштириш ва биринчи ўқув-методик қўлланмани ёзиш тажрибаси ТошДУ ҳуқуқшунослик факультети доцентлари Х.С.Саматова ва У.М.-Аҳмаджановга тааллуқли.² Улар томонидан ёзилган қўлланма талабаларнинг мазкур фанни ўзлаштиришига катта ёрдам беради. Камина томонидан ёзилган ўқув қўлланма ҳамда дарсликлар ҳам талабалар томонидан илиқ кутиб олинди.³

1999 йил мамлакатимизда икки поғонали олий юридик таълим тизимига ўтилиб, янги ўқув режалари ва ўқув курслари дастурлари жорий қилинди. Шу йили «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилган ўзбек тилидаги дарсликнинг⁴ биринчи қисми эркин таржимадек кўринса-да⁵, аммо талабалар учун яхши туҳфа бўлди. Уни тўрт қисм ҳажмида нашр этиш назарда тутилмоқда. Учинчи қисми нашр арафасида. Мазкур дарслик эса янги ўқув режаси ва дастури асосида белгиланган бўлиб, у юқоридаги ишларни асло такрорламайди. Шунингдек, ўқув дастурида курс-

¹ Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. 4-ое издание. В 2-х томах. Т.1. – М.: Эксмо, 2006. – 592 с.; Т.2. – М., 2006. – 576 с.

² Қаранг: Саматова Х.С., Аҳмаджанов У.М. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1960.

³ Қаранг: Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи (Қадимги дунё ҳамда ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи тарихи): Ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 1992. – Б.180; Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 211 б; 2-китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 291 б.

⁴ Муҳаммедов Х. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. I қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – 333 б.

⁵ Қаранг: История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. Ч.I / Под ред. проф. А.О.Жидкова и проф. Н.А.Крашенниковой. – М.: Норма-Инфра, 1997. – 480 с.

тилган, аммо юқоридаги дарсликларга киритилмаган баъзи бандларни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу дарслик 2003 – 2004 йилларда «Янги аср авлоди» томонидан нашр этилган икки қисмли китобнинг иккинчи нашри бўлиб, уни ёзишда 2009 йил 27 октябрда Олий таълим вазирлиги томонидан (373-сонли қарор) тасдиқланган ўқув курси дастурини ва курснинг унда белгиланган ҳажмини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Аммо баъзан дастурда ҳуқуқ давлатдан ажратилиб, алоҳида мавзуда берилган. Бундай бўлиниш мақсадга мувофиқ эмас, биз давлат ва ҳуқуқ бир мавзуда ўтилиши керак деб ҳисоблаймиз, чунки ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши, давлат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга боғланган ҳолда ўтилганда, тушунилади ва ўзлаштирилади, маърузада такропларнинг олди олинади деб ўйлаймиз.

Номланиши ҳақида шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим олимлар уни «Чет мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи», айримлари «Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тарихи» деб номлашди. Шунинг учун у 1949 йилгача «Давлат ва ҳуқуқнинг умумий тарихи», 1963 йилгача «Давлат ва ҳуқуқ тарихи», 1963 йилдан «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» деб юритила бошланди. Ҳозирда чет эл олимлари томонидан «Ҳуқуқ ва давлатнинг умумий тарихи» деб аташ (В.Г.Графский) таклиф этилмоқда.

Мамлакатимизда 1999 йили ўқиш жараёнига жорий қилинган ўқув-услубий ҳужжатларда ва шу йили нашр этилган дарслик ҳам «Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» деб номланди.

Биз фан ва ўқув курсининг «Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи» деб аталишини мақсадга мувофиқ деб биламиз, чунки бу ном чет мамлакатлар устида гап бораётганига эътиборимизни жалб қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, собиқ Совет давлати ва жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий тузумида 90-йиллар бошларида юз берган ўзгаришлар, ўнлаб мустақил республикаларнинг ташкил топиши чет мамлакатлар тушунчасини, мазкур курс дастурини кенгайтириб юборди.

Назорат учун саволлар

1. Юридик фанлар тизимида тарихий-ҳуқуқий фанлар қандай ўрин тутди?
2. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи ўқув курсининг предмети нимадан иборат?
3. Ушбу ўқув курсининг қандай вазифалари бор?
4. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи курсининг умумий ҳамда хусусий ўрганиш услублари нима?
5. Тарихий-ҳуқуқий услуб нима?
6. Диалектик ёндашувни қандай тушунасиэ?
7. Курснинг тузилиши ва тизими.
8. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи курсининг юридик фанлар ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги аҳамиятини аниқ мисоллар билан тушунтиринг.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
2. История государства и права зарубежных стран: Учебник. 4-ое изд. / Под ред. проф. К.И.Батыра. – М.: Проспект, 2007. – 496 с.
3. Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.3 – 22.
4. Муҳаммедов Ҳ.М. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.3 – 44.
5. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. В двух томах. Том I. – М.: Эксмо, 2006. – С.37.
6. Библиография по всеобщей истории государства и права. 1918 – 1978. – М.: Госюриздат, 1979. – 134 с.
7. Ҳайитбоев Ф.П. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2007. – Б.94.
8. Хрестоматия по Всеобщей истории государства и права. Том 1 / Под ред. проф. К.И.Батыра и Е.В.Поликарповой. – М.: Юрист, 1996. – 392 с.

Луғат

Антик – қадимги.

Догматик – норматив (услуг) ҳаракатдаги ҳуқуқни расмий-мантиқий шарҳлаш.

Индустрлашган – саноатлашган, саноати ривожланган.

Позитив – ижобий, ҳаракатдаги ҳуқуқ.

Статик – айнан, қандай бўлса шундай.

Цивилизация – жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланганлик даражаси билан аниқланадиган моддий, маданий ва маънавий тараққиёт даражаси.

Хорижий – 1) ташқи, ташқаридаги, ўзга бегона; 2) чет эл, чет эл кишиси маъноларини англатади.

2 – 3-МАВЗУЛАР: ҚАДИМГИ ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ (ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ)

Режа

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида давлат ва ҳуқуқнинг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Миср давлати ва ҳуқуқи.
3. Бобил давлати ва ҳуқуқи.
4. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи.
5. Хитой давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Қадимги Шарқ давлатларида ибтидоий уруғчилик тузуми. Даврлари. Меҳнат тақсимооти. Давлатнинг вужудга келиши. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари. Илк шаҳар-давлатлар. Номлар. Патесиатлар. Патеси-лугальян. Шарқ деспотияси. Фиръавн. Коҳинлар. Подшо. Шаканакку. Исакку Нубанда. Ижтимоий тузум. Авилум. Мушкену. Ҳиндистонда касталар. Бобилда давлат бошқаруви. Қадимги Хитойнинг ижтимоий тузуми. Хан сулоласи. Миср ҳуқуқи. Хаммурапи қонунлари. Ману қонунлари. Дхармашастралар. Артхашастра. Хитойда конфуцийлик. Му кодекси.

1. Қадимги Шарқ мамлакатларида давлат ва ҳуқуқнинг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари

Инсоният тарихи икки асосий қатлам: ибтидоий жамият ва цивилизациядан ташкил топади. Археология фанининг ютуқлари бизга шуни кўрсатадики, инсоният жамияти милoddан миллион йиллар аввал пайдо бўлган эса-да, кишилик тарихида давлат ва ҳуқуқ бўлмаган даврлар ҳам мавжуд. Уруғдошлик тузуми ҳамда давлатнинг юзага келгунига қадар катта тарихий ривож-

ланиш жараёни босиб ўтилган. Давлат ва ҳуқуқ бўлмаган бундай жамият ибтидоий жамоа тузумидир, маълумотларга қараганда, у икки миллион йилни ўз ичига олади. Бу тузумнинг сўнги ривожланиш жараёнлари уч даврга бўлинади:

1. Ибтидоий одамлар тўдаси ҳамда уруғдошлик тузумининг ташкил топиши. Бу даврда инсонлар жамоасининг дастлабки шакли – ибтидоий одамлар тўдаси ташкил топади. Унинг ичида умумий меҳнат ва ишлаб топилган маҳсулотга умумий эгаллик қилиш мавжуд бўлиб, ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳали юз бермаган. Меҳнат қуроллари (тош қуроллар) жуда содда, оила шаклланмаган, никоҳ муносабатлари тартибсиз характерда. Аста-секинлик билан шу давр охирида уруғлар пайдо бўла бошлайди. Уруғ ичида никоҳ ман этилади.

2. Уруғчилик тузумининг ривожланиши – она уруғи даври (матриархат). Бу даврда меҳнат қуроллари ўсади, металл қуроллар пайдо бўлади. Ишлаб чиқаришнинг шакли уруғ аъзоларининг биргаликдаги меҳнати, уруғ жамоасининг умумий мулки ҳам қарор топади.

Бир-бирига яқин уруғлар иттифоқи: фратрия ташкил топади, улар қабилага бирлашадилар. Қабила ўз худуди, тили ва диний эътиқоди, сайлаб қўйилган уруғ оқсоқолига эга бўлиб, уларнинг ҳокимияти обрў-эътибор ва ҳурматга асосланарди.

Уруғдошлик жамиятида ҳам кишилар маълум ахлоқий-ҳуқуқий муносабатлар асосида яшаган, улар тегишли нормалар билан тартибга солинган. Ҳуқуқ тил, қон-қариндошлик алоқалари, социал ташкилот, магия, дин ва ибтидоий санъат билан бир қаторда ибтидоий маданиятнинг бир қисми ҳисобланган.

Ибтидоий жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқ – одат ҳуқуқлари давлат ҳокимияти вужудга келиб, қонунчилик фаолиятига ўтиш даврида қисман қабул қилинган. Бунда мавжуд бўлган асосий жазо уруғдош ёки қабиладошлар томонидан жамоатчилик фикри асосида жиноят содир этган шахсни қоралаш ёки хайфсан эълон қилиш бўлган. Хоинлик учун айбдор уруғ жамоасидан қувиб юборилган, у «уруғ ва қабиласиз эркин қуш»га айланган, уни ис-таган киши ўз хоҳиши бўйича худди ёввойи ҳайвондек ўлдириши мумкин эди. Қолаверса, бу даврда сеҳргарлик, динга қарши чиқиш, заҳарлаш, бевафолик қилиш, яқин қон-қариндошларнинг

жинсий алоқаси (қон аралашуви) ҳам жиноий ҳаракат деб топилиб, таъқиб этилган. Жазо тизимида қасос олиш, жарима солиш, уруғ, қабила яшаб турган жойдан қувиб юбориш (остракизм), яраштирувчи чоралар қўриш каби турлар бўлган.

3. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши. Бир оиланинг кучи билан ҳам мустақил хўжалик юритишга имкон туғилиб, оила пайдо бўлади. Хусусий мулк, табақа ва социал гуруҳлар, зиддиятлар юзага келади. Буларнинг бари ибтидоий жамоа тузумини емириб, унинг харобалари устида давлатнинг ташкил топишига олиб келди. Бу кишилиқ тарихидаги биринчи давлат ҳамда ҳуқуқ эди. Мил. ав. 4 мингинчи (айрим маълумотларга қўра ҳатто 5 мингинчи) йилларда ташкил топган Миср давлатини, мил. ав. 3-мингйилликда ташкил топган Шумер-Аккад, Оссурия, Бобил давлатлари, 2-мингйилликда ташкил топган Хеттлар давлати ҳамда Ҳиндистон ва Хитой давлатларини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Бу давлатлар Қадимги Шарқ давлатлари деб аталади, ўзига хос хусусиятларга эга. Қулдорлик ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий топган давлатлар: Афина ва Спарта (мил. ав. VIII аср) антик давлатлар деб юритилади.

Қадимги жамиятда икки асосий ижтимоий гуруҳ: қулдорлар ва қуллар (энг ҳуқуқсиз) мавжуд бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучлар қуллардан иборат эди. Ишлаб чиқариш муносабатларининг асоси ерга ҳамда қулларга нисбатан хусусий мулкчиликдир. Бу жамиятда қул жонли ишлаб чиқариш қуроли саналган. Қул ўзининг иш кучи билан биргаликда ўз хўжайинига бутунлай ва умрбод сотилган.

Жамиятда қулни айирбошлаш, сотиш, инъом қилиш, мерос қолдириш, ҳатто ўлдириш ҳам мумкин бўлган. Уларнинг бундай ҳуқуқсизлиги ўша даврнинг ҳуқуқий ёдгорликларида ўзининг яққол ифодасини топган. Гарчи қуллар ва қулдорлар асосий табақалар бўлсалар-да, жамиятнинг асосий зиддиятлари улар ўртасидаги зиддиятлардангина эмас, шунингдек, ҳукмрон доиралар билан ҳунарманд ва озод деҳқонлар ўртасидаги зиддиятлардан ҳам иборат эди. Бу давлатнинг вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини, давлат, хусусий мулкни қўриқлашдан ҳамда ташқи тажовузларга қарши мудофаани уюштиришдан иборат эди. Шу

мақсадда ўзининг ички ва ташқи фаолияти йўналишларига эга бўлган.

Унинг ички вазифаси қуллар ва озод аҳолининг ҳукмрон қулдорларга қаратилган қаршилигини бостириб туриш, уларни тобелиқда сақлаш, ташқи вазифаси янги-янги ҳудудларни босиб олиш, қуллар ва ер майдонлари сонини кўпайтиришдан иборат бўлган. Ҳуқуқнинг вазифаси эса иқтисодий ҳукмрон доираларнинг қуллар ва озод камбағаллар устидан ҳукмронлигини таъминлаш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эди.

Қадимги Шарқ давлатлари ўзига хос бир қанча хусусиятларга эга. Мана шу хусусиятларни очиш уларнинг моҳиятини тўғри тушуниб олишга катта ёрдам беради. Бу хусусиятларни ижтимоий, сиёсий тузуми ҳамда ҳуқуқ тизими бўйича кўриб ўтамиз.

1. Қадимги Шарқ давлатлари кишилиқ тарихидаги энг қадимги давлатлар бўлганлиги учун ҳам, уларда ибтидоий жамоа тузуми қолдиқлари сақланиб қолган.

2. Бизга маълумки, бу давлатлар, одатда, дарёлар ҳавзаларида (масалан, Миср Нил дарёси, Бобил Фрот ва Дажла, Ҳиндистон Ҳинд ва Ганг дарёлари) ташкил топган. Уларнинг ҳудудида деҳқончилик қилиш эса ботқоқликларни қуритиш, суғориш иншоотларини қуриш билан бирга борган.

Бундай ишлар уюшган жамоавий меҳнатни талаб қилган. Шунинг учун, қадимги антик давлатларда бўлгани каби, ерга нисбатан хусусий мулкчилик эмас, балки жамоа мулкчилиги сақланиб қолган. Бу ерда ернинг эгаси давлат ҳисобланиб, озод жамоачи деҳқонлардан ер учун махсус солиқ – рента олинган.

3. Шарқ қулдорчилиги, асосан, оила (патриархал) қулдорчилиги бўлиб, қуллар ўз оилаларига, ҳатто айрим мулкларга эга бўлганлар, уй хўжалигида кўпроқ қўл меҳнатидан фойдаланилган.¹

¹ Шарқ мамлакатлари ижтимоий тузумининг ўзига хос хусусиятлари олимлар ўртасида 1947 йилдан катта мунозарага сабаб бўлади. Бир гуруҳ олимларнинг фикрига кўра: а) қулчилик Шарқда тўғридан-тўғри хўжалиқ юритишнинг асоси бўлмаган; б) асосий қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариш районларида қулчилик ҳукмрон мавқени эгалламаган; в) Шарқ мамлакатларида уй қулчилиги хусусиятига эга эди.

4. Шарқ мамлакатлари ижтимоий тузуми ўзининг табақалашганлиги, айирмалилиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, Бобилда ҳукмрон доираларнинг ўзи иккига бўлинган ёки Ҳиндистонда кастали (тоифали) тузум мавжуд бўлган. Антик мамлакатларда эса биз бундай ҳолатни кўрмаймиз.

Давлат тузумида ҳам Шарқ мамлакатларининг ўзига хос хусусиятлари бор. Буларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Қадимги Шарқ давлатлари ташкил топган вақтдан бошлабоқ ҳуқуқи чекланмаган яккахукмронлик (деспотик) шаклидаги кулдорлик давлатлари бўлган. Давлат бошлиғи (подшо, фиръавн) ҳокимияти чекланмаган, унинг қўлида давлат ҳокимиятининг ҳамма таркибий қисмлари: олий қонунчилик, ижро, суд ҳамда ҳарбий ҳокимият тўпланган. **Деспотнинг** ўзига хос хусусияти яна шундаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам диний раҳбар ҳисобланади. Унга алоҳида унвон берилиши (Мисрда, Бобилда) худонинг ердаги ноиби эканини билдирган. Масалан, японларнинг анъанавий дини синтоизмда ой, кўёш, тоғлар, дарёлар, дарахтлар илоҳийлаштирилган. Жумладан, давлат бошлиғи бўлган император ҳам кўёш худосининг авлоди, тирик киши қиёфасини қабул қилган худо (архитогами) ҳисобланган. Хитойда эса император «осмон ўғли» (тянцзи) деб аталган, бу ном ўрта асрларда ҳам сақланган.

Шарқ мамлакатларининг давлат идораларида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бу ерда биз сайлаб қўйилган ташкилотларни кўрмаймиз. Давлатнинг эса марказлашган учта асосий муассасаси: молия маҳкамаси, ҳарбий маҳкама, жамоат ишларини ташкил қилиш маҳкамаси ривожланган тизимини кузатамиз.

Шу ўринда антик дунё кулдорлик давлатларининг давлат ту-

Шунинг учун Шарқда ишлаб чиқаришнинг осиеча усули сифатида алоҳида социал-иқтисодий формация деб қаралмоғи лозимлигини таъкидлашган. Бизнингча, Шарқ мамлакатларида ҳам кулчилик етакчи роль ўйнаган. Бу нарса ҳуқуқий ёдгорликларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳақда қаранг: Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М., 1970. – С.58 – 62; Никифоров В.Н. Восток и всемирная история. – М., 1975.

зумига тўхталсак, бутунлай бошқача ҳолнинг гувоҳига айланамиз. Бу ерда давлат ҳокимиятининг кўпгина сайлаб қўйилувчи ташкилотлари мавжуд эди, қулдорлик давлати хилма-хил шаклларда республика тизимида бўлган. Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқ тизимида ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлган. Аввало, шуни айтиш керакки, Шарқ мамлакатлари ҳуқуқи инсоният тарихидаги дастлабки ҳуқуқ тизимларидан. Қадимги Шарқ мамлакатлари ижтимоий уруғдошлик тузумидан сақланиб қолган қолдиқлар унинг ҳуқуқий тизимида акс этган. Бу ҳуқуқ тизими ўзининг маълум бир тартибда ишлаб чиқилмаганлиги билан кўзга ташланади. Қадимги Шарқ қонунларида ҳуқуқ маълум тармоқлар бўйича бўлиб ишланмаган. Унда моддий ва процессуал нормалар қўшилиб кетган. Ҳали қонли қасос олиш одатининг излари сақланган, жазо тизимида жамоа бўйича жавобгарлик, бир кишининг жинояти учун оила аъзоларининг жавобгарлиги, жазо тайинлашда талиония – «кўзга кўз, тишга тиш» принципини, суд юритиш ишларида ордалия – синаб кўриш мавжудлигини кўрамиз.

Антик қулдорлик давлатларда эса товар-пул муносабатлари анча ривожланади. Айниқса, Римда фуқаролик, оила, никоҳ ҳамда жиноят ҳуқуқлари мукамал ишлаб чиқилдики, рим ҳуқуқи Рим давлатидан кейин ҳам яна узоқ яшаб, бошқа давлатлар ҳуқуқига таъсир кўрсатди.

2. Миср давлати ва ҳуқуқи

Мил. ав. 4-мингйиллик иккинчи чорагида бу ерда уруғдошлик тузumi емирилиб, давлат вужудга кела бошлаган. Ушбу соҳани чуқур ўрганган олимларнинг фикрича (И.М.Дьяконов, В.А.Якобсон), Қадимги Шарқда энг қадимий давлатлар шаҳар-давлатлар, ҳудудий давлатлар ҳамда империялар босқичларига бўлинган, шаҳарлар илк жамиятлар даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади. Бу вақтдаги давлатлар деҳқончилик қилиш учун, ботқоқларни қуритиш, суғориш иншоотларини қуриш мақсадида бир қанча қишлоқ жамоаси бирлашмаларидан ташкил топган примитив тузилишга эга, улар «номлар»

дейилган. Уларнинг бошида турган киши «номарх» деб юри-тилган. Кейинчалик қулларнинг қаршилигини бостириб туриш ҳамда ижтимоий тадбирларни самарали уюштириш эҳтиёжи номларни бирлаштиришни заруратга айлантирган. Мил. ав. 4-мингйиллик ўрталарида ана шундай давлатларнинг бирлаши-ши натижасида, Юқори Миср ва Қуйи Миср подшоликлари ву-жудга келади. Мил. ав. 3100 йили бу икки подшолик ягона Миср подшолигига бирлашади.

Фанда Миср давлати (тарихи тўртта йирик даврга бўлиб ўрга-нилади: илк подшолик даври (тахминан мил. ав. 3100 – 2800 йиллар); қадимги подшолик даври (мил. ав. 2800 – 2250 йил-лар); янги подшолик (мил. ав. 1575 – 1087 йиллар); ундан кей-инги давр мил. ав. (1187 – 100 йиллар).¹

Қадимги подшолик даврида давлат қаттиқ марказлашган, под-шонинг чекланмаган ҳокимияти бюрократик жиҳатдан уюшган, кўп босқинчилик ва талончилик урушлари ҳамда улкан пирами-далар, суғориш иншоотлари қурилади. Шу даврнинг охири юзй-илликларида марказий ҳокимият сусаяди, айрим номлар сиё-сий мустақилликка эришадилар, ҳатто улар ўртасида урушлар келиб чиқади. Қадимги подшолик бўлиниб кетади. Аммо кўп ўтмай мамлакатнинг жанубида яна бирлаштириш ҳаракати вужудга келиб, Миср марказлашган давлатга айланди. Бу давр ўрта под-шолик даври деб аталади. Қайтадан суғориш иншоотлари қури-лади ва мамлакатни иш кучи билан таъминлаш мақсадида бос-қинчилик урушлари олиб борилади. Аҳоли ўртасида социал та-бақаланиш кучайиб, қишлоқларда жамоачи деҳқонлар билан бир қаторда бойлар (недзеси) вужудга келади, улар жамоаларнинг ерларига кўз олайтира бошлайди. Ҳукмрон доиралар томони-дан зулмнинг кучайиши озод деҳқонлар ва қулларнинг норози-лигига сабаб бўлади. Натижада мил. ав. XVIII асрда қулчилик тузумини ларзага солган жуда катта кўзғолон бўлиб ўтади. Маз-кур ҳодисалар Мисрнинг гиксослар (Осиёнинг жанговар кўчман-

¹ Қаранг: История государства и права зарубежных стран: Учеб-ник для вузов. Ч. I. – М., 2001. – С.26 – 67.

чи қабилалари) томонидан босиб олинишини осонлаштиради. Улар ҳукмронлиги 100 йилдан ошиқ давом этди.

Гиксосларга қарши кураш давлатнинг ҳарбий қудрати ошишига олиб келади. Фива номи бошчилик қилган кураш натижасида Миср нафақат озод бўлади, балки бошқа ҳудудларни ҳам қўлга киритади. Вужудга келган давлат янги подшолик деб юритилади. Бу даврда Миср яна қудратли давлатга айланади. Нубия, Сурия, Фаластинга қарши катта урушлар қилиниб, кўплаб асирлар қўлга киритилади. Мамлакатда хусусий мулкчилик анча кучаяди, армия мустаҳкамланади.

Бундан кейинги тўртинчи даврни Миср давлатининг инқироzi деб аташ мумкин. Уни мил. ав. 525 йили аҳамонийлар, мил. ав. IV асрда А.Македонский қўшинлари ва I асрда Рим империяси босиб олади.

Мамлакатнинг ижтимоий тузумига келсак, Миср жамиятининг юқори табақасини амалдорлар, қоҳинлар, ҳарбий бошлиқлар ташкил этган. Меҳнаткаш аҳоли озод деҳқонлар, қуллар, ҳунардорлардан иборат бўлган. Мирзалар табақаси ҳам мавжуд бўлиб, улар орасидан амалдорлар ажратиб олинган. Мамлакатда қоҳинларнинг роли жуда катта эди. Қоҳинларнинг ўзлари ҳам, ибодатхоналар ҳам катта ер-мулкларга эгалик қилган.

Қуллар кўпчиликни ташкил этиб, ўз оилаларига ҳамда мулкларга эга бўлганлар. Қулчиликнинг асосий манбаи урушларда асир олиш ҳисобланган. Масалан, янги подшолик даврида XVIII фиръавнлар сулоласидан бўлган фиръавн Аменхотеп II (мил. ав. 1465 йиллар) Сурия ҳамда Фаластинга қилган урушларида 101218 кишини асирга олиб, уларни қулга айлантирган. Қуллар давлат мулки ҳисоблансалар ҳам, амалда подшо амалдорлари ва ҳарбий бошлиқларга ер берилганда, маълум миқдорда қулларга ҳам улуш теккан.

Давлат тузуми. Миср давлати ўзига хос мутлақ монархия (деспотия) бўлиб, авлоддан-авлодга ўтадиган ижтимоий ҳокимият бир киши – фиръавн, яъни монарх қўлида тўпланган.

Давлат бошлиғи фиръавннинг ҳокимияти чекланмаган, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимият бошлиғи бўлган, у худонинг авлоди ҳисобланган. Масалан, IV фиръавнлар сулоласи давридан

қуёш худоси Рага сиғиниш бошланган. V сулоланинг биринчи подшолари давридаёқ Ра бутун Мисрнинг бош худосига айланди. VI сулола фиръавнлар исмларининг тартибига қуёш худоси Ранинг исми ҳам қўшилган. Улар Ранинг (қуёш худосининг) ўғли унвонини олганлар. Бу ўринда бир нарсага диққатимизни жалб қилишимиз мумкинки, кейинчалик фиръавн Аменхотеп IV даврида (мил. ав. 1424 – 1388 йиллар) кўпхудоликка ўтилганда ҳам, фақат қуёш худосига эътиқод тўғрисида гапирилган. Подшо диний ҳокимият билан бирга қонун чиқарувчи, суд, ижро ҳокимиятларини ўз қўлида тўплаган.

Ундан кейинги мансабдор шахс вазир (жати) ўз шахсида маъмурий ҳамда суд ҳокимиятини тўплаган бўлиб, бутун бюрократик аппаратни бошқарган. Умун олганда, вазир мамлакатни бошқариш билан боғлиқ барча ишларга раҳбарлик қилган. Ундан кейинда турган мансабдор шахслар сифатида подшо муҳрини сақловчи ҳамда бош хазиначини кўрсатиш мумкин. Уларнинг давлатдаги эътибори жуда катта бўлган. Буни қуйидаги мисол ҳам кўрсатади. Археологлар фиръавн Хемакнинг Саккарадаги (Миср) мақбарасини очишганда, у 50 дан ортиқ хоналардан иборат 1482 м² бино бўлгани аниқланган.

Суд идоралари. Қадимги подшолик даврида жойларда қадимги, жамоа судлари мавжуд бўлиб, уларни аста-секинлик билан подшо судлари сиқиб чиқара бошлаган. Подшо судьяси кўпинча маҳаллий бошқарувни амалга оширувчи номархнинг мансаби билан қўшилган, чунки суд маъмуриятдан ажралмаган. Шунинг учун номарх «Ҳақиқат худосининг коҳини» унвонини олган. Янги подшолик даврида шаҳарларда 30 судьядан ташкил топган олий суд коллегиялари вужудга келди. Мисрнинг пойтахт шаҳарларида олий суд босқичи бўлиб, у Олтиларнинг буюк уйи деб аталган. Олий суд ҳокимиятини подшонинг мамлакатни бошқариш бўйича биринчи ёрдамчиси – олий амалдор (жати) олиб борган. Барча қадимги давлатлардаги каби бу ерда ҳам ҳуқуқнинг дастлабки манбаи одат ҳуқуқлари ҳисобланган. Мил. ав. XIII асрда қонунчилик тараққий топа бошлаган. Масалан, фиръавн Рамзес II нинг армияни мустаҳкамлаш, тоифаларни белгилаш ҳақидаги қонунчилиги, мил. ав. VII асрда фиръавн

Бакхориснинг 8 китобдан иборат қонунлар тўпламини қўришимиз мумкин. Мазкур қонунларда қарздорларни қулга айлантириш қонун билан биринчи марта тақиқлаб қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқи. Юқорида айтганимиздек, ерлар расман подшога тегишли эди. Қолаверса, жамоа аъзоларига тегишли ерлар, ибодатхоналарга тегишли ерларга бўлинган. Мажбуриятларнинг шартномалардан келиб чиқиб савдо-сотик, қарз, ижара, ўртоқлик, сақлаб туриш каби турлари бўлган. Шартномалар дастлаб қонун олдида қасам ичиш билан оғзаки шаклда, кейинчалик ёзма шаклда тузилган.

Жинойят ҳуқуқи. Давлатнинг вужудга келиши билан, қонли қасос олиш бекор қилинган. Худога бағишланган ҳайвонларни ўлдириш, ўғирлаш, Нил дарёсига ахлат ташлаш, давлатга қарши қаратилган жиноятлар, сеҳргарлик, фолбинлик оғир жиноятлар ҳисобланган. Жиноий жазонинг қўйидаги турлари мавжуд бўлган: ўлим жазоси – ёқиб юбориш ва бошқа шаклларда, тан жазolari – қўл, бурун, оёқни кесиш, ахталаш, шунингдек, қулга айлантириш, таёқ билан савалаш. Жазо тайинлашда «кўзга кўз, тишга тиш» қондаси қўлланилган. Суд жараёнида ҳали фуқаролик ва жиноий ишларни қўриб чиқиш тартиби бир-биридан ажралмаган.

3. Бобил давлати ва ҳуқуқи

Қадимги Шарқ давлатлари ичида ўзининг тузилиши, ҳуқуқи, маданияти жиҳатидан Бобил катта ўрин эгаллайди. Бу давлат мил. ав. 3-мингйилликда Фрот ва Дажла дарёлари орасида вужудга келади. Мил. ав. 4-мингйилликдаёқ бу жойга кўчманчи чорвадор шумер ва аккад қабилалари жойлашган, товар айирбошлаш вужудга келиб, шаҳар-давлатлар (патесиатлар) ташкил топа бошлаганди. Шаҳар-давлатлар ҳали жуда содда шаклда бўлиб, доим бир-бири билан уруш олиб борганлар. Улардан йириклари Эриду, Ур, Лагаш, Шуруппа, Киш, Ашшур, Аккад ҳамда Бобилдир. Мана шундай курашлар натижасида мил. ав. 3-мингйиллик ўрталарида устунлик Лагашга, мил. ав. 3-мингйиллик охирида Аккад, кейинчалик Ур патесиатлари қўлига ўтди. Айниқса, Ур гегемонлиги даврида Месопотамиядаги халқларнинг моддий ва

маънавий маданияти гуллаб-яшнади. Кулдорлик муносабатлари чуқур илдиз отади. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик ҳам ривожлана бошлайди. Мамлакат ҳудуди кенгайиб, давлат бошқаруви марказлашади. Ур подшоси ўзининг ҳаётлиги давридаёқ худо деб эълон қилиниб, «тўрт иқлим подшоси» унвонини олади.

Мил. ав. 3-мингйиллик охирида аккад қабилаларининг янги шаҳри – Бобил сиёсий майдонга чиқади. Месопотамиядаги халқлар тарихида у катта роль ўйнаган. Бобилнинг гуллаб-яшнаган даври подшо Хаммурапи ҳукмронлиги йилларига (мил. ав. 1792 – 1750 йиллар) тўғри келади.

Ижтимоий тузум. Бобил жамияти кулдорлик жамияти бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти жамиятнинг юқори қатламида ҳам табақавий айирмалар мавжудлигидир. Улар авилиум (аккадча, одам, эр киши маъносида) ҳамда мушкену (аккад тилидаги лугавий маъноси майда кишилар)дан иборат бўлган. Биринчисининг Бобил жамиятида энг эътиборли гуруҳ эканига ҳеч шубҳа йўқ. Бу ҳол бизгача етиб келган қонунларда ҳам акс этган. Мушкену борасида турли фикрлар бор. Масалан, шарқшунос олимлардан И.М.Волков мушкенуни эркинликка қўйиб юборилганлар деб ҳисоблайди, В.В.Струве, С.Ф.Кечьян эса урушлар натижа-сида Бобилга қўшиб олинган давлат ва шаҳарлар аҳолисини назарда тутди.

Бизга шу нарса маълумки, мушкену ўзининг ҳуқуқий ҳолатига кўра авилиумга нисбатан Бобил жамиятида қўйи мавқени эгаллаган. Масалан, Хаммурапи қонунларида авилиумга тегишли молни ўғирлагани учун туланадиган жарима мушкенуниқига қараганда уч баробар ортиқ. Шунингдек, агар жабрланувчи авилиум бўлса, айбдорга оғирроқ жазо тайинланган ва ҳ.к. Бундан ташқари, кулдорларга тамкарлар – судхўрлар, савдогарлар ҳамда қоҳинлар кирган. Қоҳинларга катта мол-мулклар тегишли эди. Бобил жамиятининг энг ҳуқуқсиз кўп сонли қисми қуллар бўлиб, уларни сотиш, ҳадя қилиш, қарзга бериш, мерос қолдириш мумкин эди, 3-мингйиллик бошларида Месопотамияда қулнинг баҳоси 14 – 20 шекел кумуш (117 – 162 гр кумуш) атрофида бўлган. Шумерларда қул – «сач» дона, аккадларда «арлу» – бош деб юритилган. Эшнунна (шаҳарнинг номи) қонунларининг 40-мод-

дасида қулни, чўрини, қорамол ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни сотиш ҳақида гапирилади. Бошқача айтганда, қонун қулни уй ҳайвонлари ёки қимматбаҳо ашёлардан фарқламайди. Қул мулк эгалигининг бир объекти ҳисобланган. Уни ўлдириш ёки баданига шикаст етказиш хўжайинига зарар етказиш деб ҳисобланиб, сулҳ йўли билан ҳал этилган. Хаммурапи қонунларида қулни ўғирлаганлик учун эмас, балки яширганлик учун ҳам ўлим жазоси берилган.

Ўз хўжайинига озгина бўлса ҳам итоатсизлиги учун қонун тан жазосини назарда тутган. Масалан, Хаммурапи қонунларининг 282-моддасида қул ўз хўжайинига: «Сен менга хўжайин эмасан», – деса, хўжайин унинг қулоғини кесиши мумкинлиги тўғрисида гапирилади. Бобилда қулларни озодликка қўйиб юбориш мумкин бўлган. Бу Бобил қулдорлигининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Давлат тузуми. Дастлабки Шумер давлатлари – патесиатлар деспотик характерда эди. Давлат бошлиғи патеси, унинг ҳокимияти остига бир қанча шаҳарлар киргач, патеси лугальян деб аталиб, худонинг ердаги ўринбосари ҳисобланган. 3-мингйиллик охирларидан патесилар ўзини худонинг ердаги ноиби эмас, худо деб эълон қилиб, «тўрт иқлим подшоси» деб атай бошлаганлар. Подшо чекланмаган ваколатга эга. Ундан кейинги мансабдор шахс **нубанда** дастлаб сарой бошқарувчиси вазифасини бажарган, кейинчалик унинг ҳокимияти кенгайиб, барча ижтимоий ишларга раҳбарлик қилган, қўшинларга қўмондонлик қилган, молия билан шуғулланган. Қолаверса, **иссаку** – шаҳарлар бошқарувчиси ва бошқа мансаблар ҳам бўлган. **Суд ишлари** вилоятга тенглаштирилган ҳудудларда шаққунақулар 6 – 12 киши таркибида, шаҳарларда рабианумлар 4 – 8 оқсоқол кишилар таркибида кўриб чиқилган. Армия дастлаб халқ лашкарларидан иборат бўлиб, подшо Хаммурапи даврида мунтазам қўшин тузилади.

Ҳуқуқ манбалари. Шумер, Аккад ва Бобил давлатларининг ижтимоий-сиёсий хўжалик қурилишини, шунингдек, ҳуқуқнинг ривожланиши, суд тизимини ўрганишда ур сулоласи асосчиси (мил. ав. 3-мингйиллик охири) подшо Ур-Наммунинг қонунлари, Исина

подшолигининг ҳукмдори Липпид Иштарнинг қонунлари, Эшнунна подшолиги ҳукмдори Билалам қонунлари (мил. ав. 2-мингйиллик бошлари), Ўрта Оссурия қонунлари (мил. ав. 2-мингйиллик ўрталари) ҳамда подшо Хаммурапи (мил. ав. 1792 – 1750 йиллар) кодекси катта аҳамиятга эга. Бу қонунлар қадимги давр ҳуқуқий фикрлари ва ҳуқуқ тизимининг катта ёдгорлигидир. Кодекс 282 моддадан иборат, 1902 йили Эроннинг Суза районида француз археологи Женульяк томонидан топилган. «У ўзида Шумер ва Аккад ҳуқуқининг тажрибаларини мужассамлаштирган бўлиб, кўпгина халқларнинг ҳуқуқига, биринчи навбатда, хеттлар ва оссурияликларнинг (мил. ав. XII асрдаги Ўрта Оссурия қонунлари) ҳуқуқига катта таъсир кўрсатди». Уни биз шартли равишдагина кодекс дейишимиз мумкин. Чунки кўпроқ судларнинг қарорлари тўпламига ҳам ўхшаб кетади. Кодекс уч қисмга бўлинади: 1. Кириш. 2. Суднома тексти (ёки асосий қисм). 3. Хулоса. Кириш қисмда уни чиқаришдан мақсад мамлакатда адолат ўрнатишдир дейилади. Ундан кейин подшо ўзининг қилган ишларини санаб кўрсатади ва унвонларининг тўла номини келтиради.¹

Асосий қисмда жиноят ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ, мулк ҳуқуқининг бузилиши ва унга қўлланиладиган жазолар, оила ва никоҳ ҳуқуқлари, жангчиларнинг ҳуқуқлари ва бошқа муносабатлар тўғрисида гапирилади.

Хулоса қисмида подшо ўзининг халқ олдидаги хизматларини келтиради, бу қонунларни келгусида бажарадиган подшоларни ҳурматлаш, уларни бажармаган ёки бекор қилмоқчи бўладиган подшоларни лаънатлаш лозимлиги тўғрисида гапирилади.

Кодекс ҳуқуқ тармоқлари бўйича маълум бир тизимга эга эмас, уни нормалари мазмунига кўра шартли равишда қуйидаги тизимга бўлиш мумкин: суд ва суд процессига бағишланган нормалар, мулк ҳуқуқига бағишланган нормалар, никоҳ ва оила ҳамда мерос ҳуқуқига бағишланган нормалар, шахснинг соғлиғини ва ҳаётини ҳимоя қилиш, жиноят ҳуқуқи нормалари, меҳнат ҳамда меҳнат қуролларига бағишланган нормалар. Шундай қилиб, ҳуқуқ тармоқ-

¹ Қонунларнинг тўла матни ҳақида қаранг: Вестник древней истории. – М., 1958. – №3. – С.225 – 258.

лари бўйича унинг тизими қуйидагича: 1. Суд. 2. Мулк. 3. Оила ва никоҳ. 4. Шахсни ҳимоя қилиш. 5. Меҳнат ва меҳнат қуроллари.

Бобилда ер эгалиги, асосан, давлат ерлари, жамоа ерлари, ибодатхоналар ерларига бўлинган. Лекин ҳужжатлар хусусий ер эгалигининг ҳам анча ривожланганини кўрсатади. Подшо давлат ерларидан ўз аскарлари ва амалдорларига хизмат эвазига мулк ажратиб берган. Бу «илку» мулки деб аталиб, алоҳида ҳуқуқий тизимга эга бўлган, уни олиш, сотиш, гаровга қўйиш, васият қилиш, мерос қолдириш мумкин эмасди. Ер олган кишининг ўғли подшо олдида хизматини давом эттирса, ер унда сақланиб қолган (28-м.).

Жамоа ер мулки ҳам эътиборли. Жамоа аъзолари жойлашган ҳудуд майда бирликларга бўлинган. Сувдан ҳамкорликда фойдаланиш шарт қилиб қўйилган. Жамоанинг айрим аъзолари ерни бировга ўтказиши, сотиши ёки мерос қолдириши мумкин бўлмаган.

Бобилда хусусий мулк қатъий чоралар билан қўриқланган. Масалан, саройга тегишли қорамоллар ўғирланса, улар қийматининг 30 баробари, мушкенуга тегишли қорамоллар ўғирланса, ўғирланган молларнинг 10 баробари миқдорида жарима ундирилган. Уни тўлай олмаса, ўғри қатл қилинган (8-м.). Хаммурапи қонунларига кўра, шартномаларнинг савдо-сотик, айирбошлаш, ижара, қарз, мулкни сақлаб туриш, топшириқ, ўртоқлик каби турлари бўлган. Шартнома тузишда томонлар уни бажаришга қасам ичганлар, кейин шартнома тош тахтага ёзилган, шартномани бажармаган томон келтирилган зарарнинг 3 ёки 6 баробарини тўлаган.

Оила ва никоҳ ҳуқуқи. Никоҳ шартнома асосида бўлиб, шартномасиз у ҳақиқий ҳисобланмаган. Куёв бўлажак қайнотасига қаллиқ учун тўлов – тирхат, шунингдек, келиннинг оила аъзоларига совға – библу бериши, келин учун эса ўз отасидан тўй совғаси – шерикт олиши лозим бўлган. Никоҳ шакли моногамия¹ бўлиб, оилада ота ҳукмрон мавқега эга эди.

Жиноят ҳуқуқи. Хаммурапи қонунларида қонли қасос олиш гуғрисида эслатиб ўтилмайди. Аммо қонун матнидан шу нарса

¹ Якканикоҳлилиқ.

маълумки, унда ибтидоий жамоа тузумининг қолдиқлари сақланиб қолган. Жиноятчи номаълум жамоанинг ҳудудий жавобгарлиги (территориал жавобгарлик), ота-оналар қилган жиноятлари учун болаларнинг жавобгарлиги, жиноятчини яшаб турган жойидан қувиб юбориш (остракизм) ва, ниҳоят, жазо тайинлашда талиония қоидаларининг қўлланиши кабилар фикримизни тасдиқлайди. Хаммурапи қонунларида давлат ва диний жиноятлар тўғрисида алоҳида гапирилмаган. Лекин судьяларнинг жавобгарлиги (5-м.) масаласи кўрсатилган. Шуниси диққатга сазоворки, агар судья ўз қарорини тош тахтага ёзгандан кейин уни ўзгартирса, шу қарордаги даъво қийматининг 12 баробари миқдорида жарима тўлаши лозим бўлган. Кодексда жиноятларнинг қуйидаги турлари келтирилади: шахсга қарши қаратилган жиноятлар – одам ўлдириш, баданига шикаст етказиш ёки болаларни (озод кишиларнинг болаларини) ўғирлаш, мулкка қарши қаратилган жиноятлар – ўғрилик, оилага қарши қаратилган жиноятлар – яқин қон-қариндошларнинг жинсий алоқаси, хотин кишининг бевафоллик қилиши кабилар. Жазонинг қуйидаги турлари мавжуд бўлган: қатл этиш (сувга чўктириш, ўтга ташлаш ва ҳ.к.), аъзосига шикаст етказиш, тан жазоси, дарра билан уриш, бахтсизлик белгисини қўйиш, пул жаримаси, она юртидан қувиш. Жазо тайинлашда талион (кўзга кўз, тишга тиш) ҳамда рамзий (символик) талион: қайси аъзоси билан жиноят қилса, ўшани қирқиш қирқиш қўлланган. Масалан, отасини урган ўғилнинг, қайси қўли билан урган бўлса, ўша қўли қирқиб ташланган. Судда кўрилаётган жиноят ишлари билан фуқаролик ишлари ўртасида фарқ бўлмаган. Тергов жараёнида айрим жиноятлар бўйича ордалия, яъни сув, ўт, олов билан синаш тартиби амал қилган.

4. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи

Қадимги Ҳиндистон давлати мил. ав. 2-мингйиллик ўртала-рида, шимоли-ғарбдан келган орий қабилалари ҳинд-дравид қабилаларининг ҳудудини босиб олганларидан кейин, ташкил топган. Бу вақтда уруғ жамоаси – гана (юнонча, уруғ) мавжуд бўлиб, кейинчалик унинг ўрнини қишлоқ жамоаси – вишась

(қишлоқ) эгаллади. Суғориш иншоотлари қуриш кўп ишчи кучини талаб қилиши сабабли, урушларда олинган асирлар аста-секинлик билан худо Агни шарафига қурбонлик қилиш ўрнига қулга айлантирила бошланди. Ганадаги сайланадиган мансаблар меросий бўлиб қолди. Шундай қилиб, уруғдошлик тузуми аста-секин емирила бориб, унинг ўрнини давлат олади.

Қадимги Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи тараққиётини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва қулдорлик давлатининг ташкил топиши. Мил. ав. 2-мингйиллик иккинчи ярмида Ҳинд дарёси ҳавзасида кўплаб шаҳар-давлатлар ташкил топади. Улардан Мохенжо Даро ва Хараппа диққатга сазовор. Ана шу даврларнинг ёдгорлиги сифатида ҳиндларнинг муқаддас китобларига айланиб қолган ведалар етиб келган.¹

2. Ганг ва Ҳинд дарёлари ҳавзасидаги қулдорлик давлати. Мил. ав. 2-мингйиллик ва IV аср. Бу даврда Ҳиндистонда бир қанча подшоликлар, жумладан, мил. ав. VI асрда Магадха, Кошала подшоликлари мавжуд эди. Мил. ав. IV асрда Ҳиндистон худуди А.Македонский томонидан босиб олинади. Унинг вафотидан кейин Ҳиндистонда озодлик кураши бошланди. Бу курашга Чандрагупта бошчилик қилади. У мил. ав. 318 йили бутун Шимолий Ҳиндистонни бирлаштириб давлат тузади.

3. Бундан кейинги учинчи давр Мауря давлати. Мил. ав. IV – II асрлар. Бу даврдан бизгача Мауря империяси асосчиси Чандрагуптанинг маслаҳатчиси Кутилье томонидан ёзилган сиёсий трактат – Артахашастра етиб келган. Мауря империяси даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва ҳўжалиги анча ривожланади. Ашока даврида (мил. ав. 272 – 233 йиллар), Ҳиндистонни бирлаштириш охирига етказилди. Шу даврда буддавийлик давлат динига айланади.

4. Ҳиндистон давлатининг инқирози даври. Мауряларнинг сўнги авлодлари даврида Ҳиндистон сиёсий тарқоқ мамлакатга айланиб, уни мил. ав. 190 йилларда Юнон-Бақтрия подшола-

¹ Ҳиндларнинг муқаддас китобларини шарҳлайдиган, уларга ҳавола қилинадиган алоҳида адабий жанрдаги асар.

ридан Деметрий қўшинлари, 100 йилларда саклар (скифлар) босиб олади. Шимолий Ҳиндистонда Ҳинд-Скиф давлати вужудга келади.

Қадимги Ҳиндистонда давлат ва ҳуқуқ каби ижтимоий тузумнинг ҳам ўзига хос белгилари мавжуд: а) аҳоли ҳуқуқий нуқтаи назардан турли варналарга бўлинган; б) бу ерда катта патриархал оилалар бирлашмасидан иборат қишлоқ жамоасининг маъқеи анча кучли бўлган.

Қадимги Ҳиндистон аҳолиси қуллар ҳамда қулдорларга бўлинган. Озод аҳоли 4 варнага ажралган: брахманлар – кохинлар, олий мартабали руҳонийлар, кшатрийлар – ҳарбийлар, бу икки варна ҳукмрон табақа вакиллари бўлган. Вайшилар савдогарлар, хунармандлар, деҳқонлардан, шудралар камбағаллашган деҳқонлар ёки озодликка чиқарилган қуллардан иборат бўлиб, уларни имтиёзсиз варна деб аташ мумкин. Шудралар ўзларининг оилалари, мол-мулкларига эга бўлган, шахсан озод кишилар, уларни ярим қул, ярим озод кишилар дейиш мумкин. Лекин улар қул эмас. Қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да варналар шундай талқин қилинади:

*Брахман табақаси қўшин узра доим бош,
Бош эгар брахманга барча аскар, кекса-ёш.
Савдогар, брахманни, жангчини кўп қадрлар
Уч варнага сидқидил хизмат этиб шудрлар.*

Қулларнинг аҳволи шудраларнинг аҳволидан жуда кам фарқланган. Улар ҳам ўз оиласига эга бўлишлари, мулкка эгалик қилишлари, мерос қолдиришлари мумкин бўлса-да, шудра варнанинг аъзоси сифатида қулдан юқори турган. Подшо Ману қонунларида қулчилик вужудга келишининг етти тури кўрсатилган (VIII, 415): а) жанг вақтида асир қилиб олиш; б) боқиб турганлик учун қулга айлантириш; в) уйда қулдан туғилиш; г) қул тарзида сотиб олиш; д) совғага олиш; е) мерос тариқасида олиш; ж) жазо бериш орқали қулга айлантириш. Қадимги Ҳиндистонда қулнинг ўлими ёки ҳаётини ҳал қилиш хўжайин учун умум тан олган ҳуқуқ ҳисобланган. У ҳуқуқнинг субъекти эмас, шунинг учун

у тузган битим ҳақиқий ҳисобланмаган (VIII, 16,3 ва ҳ.к.). Милондинг биринчи асрларида Ҳиндистонда ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топа бошлайди. Бу даврда варналарнинг каста (табақа)ларга айланиш жараёни вужудга келди. Касталар ижтимоий гуруҳларга – табақаларга айланди.

Давлат тузилиши. Қадимги Ҳиндистон давлатида давлат бошлиғи подшо (шунингдек, князликлар доирасида рожа) бўлиб, брахманлар таълимотига кўра, у инсон қиёфасидаги худо, олов ва нур, қуёш ва ой, жазо ва эзгулик манбаидир. У ижтимоий ҳокимиятга тўла эгаллик қилган, аммо диний ҳокимият брахманларга тегишли бўлган. Бу – қадим Ҳиндистонни бошқа давлатлардан фарқлайдиган белгилардан бири. Подшо ҳузурида кенгаш – мантипаришад мавжуд бўлиб, унинг таркибига жамиятдаги зодагонларнинг юқори мансабли амалдорлари кирган. Мамлакатни бошқариш учун 7 – 8 вазир томонидан бошқариладиган идора органи ташкил қилиниб, унга, Ману қонунларига кўра, ҳарбий ишда тажрибали, синалган, келиб чиқиши бўйича мулкдорларга мансуб кишилар тайинланган.

Маҳаллий бошқарув ўнлик тизими асосида олиб борилган. Қадимги давлатлар вужудга келиши биланоқ, ҳарбий ва суд органлари қарор топган. Армия касбий жангчилардан иборат бўлиб, отлиқ аскарлар, пиёдалар, аравада юривчи аскарлар ҳамда филбонларга бўлинган. Тинчлик вақтида армия гарнизонларга жойлашган.

Бизгача Қадимги Ҳиндистоннинг кўпгина ҳуқуқ манбалари етиб келган. Улар ичида, айниқса, дхарма шастралар тўпламлари аҳамиятли. **Дхарма** қадимги ҳинд ҳуқуқининг илк манбаларидан бўлиб, барча ашёларни биргаликда қамраб оладиган ва кўллайдиган ягоналик деган фикрлардан келиб чиққан «Фазовий абадий тартиб ва қонун», «Бурч ва виждон қонуни» (Ж.Неру)дир. Табиий, ахлоқий, одат ҳуқуқи нормалари, шунингдек, давлатнинг уларга зид келмайдиган кўрсатмаларини ўз ичига оладиган, шеърӣй шаклда баён қилинган афоризмлар даражасидаги қоидалар тўплами. Шунингдек, дхарма шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳақиқий қонунлари (В.Г.Графский) сифатида ҳам тушунилади (масалан, манна ва дхармашастра Манунинг дхар-

малардаги таълимоти). Дхармалар диний, дунёвий, барча варналар ёки алоҳида варналар учун дхармаларга бўлинган. Уларнинг дастлабкилари мил. ав. 1-мингйиллик ўрталарида вужудга келган бўлиб, Гаутама, Баудхаяна, Апастамба, Васшитха кирди, улардан кейинчалик Ману қонунларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ҳуқуқнинг дин ва ахлоқ билан мустаҳкам боғлиқлиги қадимги ҳинд ҳуқуқининг асосий характерли хусусиятини белгилаб беради. Уларда ҳам Ҳиндистондаги варна тизими ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, Нарада ҳуқуқ тўғрисидаги трактат бўлиб, фуқаролик, жиноят ҳуқуқлари ҳамда суд тузилишига оид нормалар йиғиндисидан иборат. Шунингдек, Артхашастра каби сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий трактат кўпроқ давлат қурилишига оид нормаларни ўз ичига олган.

Қадимги Ҳинд қонунчилигида мил. ав. III асрда тузилиб, милоднинг III асрларида таҳрир қилинган Ману қонунлари алоҳида ўрин тутади.¹ Бу қонунлар брахманизм мактабларидан бири томонидан тузилган, у брахманларнинг диний маросимлар (дхармасутр) ва ҳуқуқий компеляцияларидан (дхармашастра) иборат бўлиб, унга диний, бузилмас куч бериш мақсадида афсонавий подшо Ману номи билан аталган. Ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборат.

Ману қонунлари (мана ва дхармашастра) – қадимги ҳинд ҳуқуқининг дхармаларда ифодаланган йирик тўплами. Унинг сўнгги таҳрири милоднинг II асри ўрталарида вужудга келган. Ману қонунлари 12 боб, 2685 та шеърий дхармадан иборат. Унинг 1-боби дунёнинг яратилиши, тўрт асосий табақа – варналарнинг вужудга келиши, брахманларнинг раҳбарлик мавқеи ҳақида; 2-боби тўғри йўлга кирган ҳиндни ведалар билимлари асосида тарбиялаш, одат ва удумлар, муқаддас билимларни ўзида ифода этган дхармашастралар ҳақида; 3-боби оилавий ҳаёт борасидаги асосий талаблар, тўғри ва нотўғри никоҳлар

¹ Унинг ёзилган даври масаласида ҳуқуқий адабиётларда бошқача маълумотлар ҳам мавжуд. Бу ҳақда қаранг: Черниловский З.М. Всеобщая история государства и право. – М., 1970. – С.51; История государства и права зарубежных стран. – Л.: ЛГУ, 1977. – С.20.

ҳақида; 4-, 5-, 6-боблари тақиқланган ҳаракатлар, кундалик гигиена, тозаланиш усуллари ҳақидаги қоидалар; 7-боби подшо дхармалари, жазо ва судловнинг роли, маъмурий, солиқ ва ҳарбий ишлар, тартибни сақлаш бўйича маслаҳатлар; 8-боби мурожаат қилиниши лозим бўлган 18 ҳолат (шартнома шартларини бузиш, ўғрилиқ, зўравонлик, тухмат, ҳаракати билан ҳақорат қилиш, ошиқ ўйнаш, бевафолик, маст қилувчи ичимликларни ичиш, диний раҳбар – гурунинг жойини булғаш кабилар), жазо тайинлаш ҳақида қарор чиқариш, судда иш юритиш қоидалари; 9-боби оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ворислик, подшонинг жазо тайинлашдаги роли, яъни «эр ва хотин учун абадий қонунлар»га бағишланган.

10-боб «икки марта қайта туғилган» учта варна учун (вайшилар, кшатрийлар, шудралар) умумий бўлган қоидалар, мулкка қонуний эга бўлишнинг етти йўли, яшашнинг ўн та йўли ва бошқалар ҳақида; 11-боб «дахлсизлар» тоифаси ҳаётига оид қоидалар; 12-боб эътиқод ва маросимлар ҳамда улар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқ тармоқларига нисбатан олганимизда: 1. брахманларнинг диний ақидалари; 2. давлат ҳокимиятини ташкил қилиш ҳамда давлатнинг фуқаролар билан муносабатини белгиловчи нормалар;

3. фуқаролик ҳуқуқий нормалари; 4. жиноят ҳуқуқий нормаларига бўлишимиз мумкин. Қадимги Ҳиндистоннинг **фуқаролик ҳуқуқига** кўра, ерга нисбатан давлат ва жамоат мулкчилиги мавжуд бўлган. Ману қонунлари мулк ҳуқуқи вужудга келишининг етти йўлини билади: мерос олиш, топиб олиш, сотиб олиш, қазиб олиш, ссуда фоизи олиш, ишни ижро этиш, совға сифатида олиш (X боб, 115-м.). Мулк эгалигида аёллар, болалар ҳамда қулларнинг эгалик қилиш ҳуқуқи чеклаб қўйилган (VIII боб, 416-м.). Шартномаларнинг совға-сотик, сақлаб туриш, қарз каби турлари мавжуд. Ману қонунлари, айниқса, қарз шартномасига катта эътибор берган, бунда томонларнинг социал ҳолати эътиборга олинган, жумладан, қарз учун ссуда фоизи брахман учун 2, кшатрий учун 3, вайши учун 4, шудра учун 5 фоиз миқдорида белгиланган.

Никоҳ ва оила ҳуқуқи. Оилада эрнинг ҳукмронлиги тула урна-тилган, аёл киши доимо эркак кишининг ҳомийлигида бўлиши назарда тутилган. Никоҳга киришда вояга етмаганларнинг никоҳга киришлари рағбатлантирилмас-да, лекин рухсат этилган. Хотин-қизлар учун 12 ёш, эркаклар учун 16 ёш никоҳ ёши этиб белгиланган. Никоҳни бекор қилиш хотин кишининг ташаббуси билан мумкин эмас. Эр қуйидаги ҳолларда никоҳни бекор қилиш-ни талаб этиши мумкин: агар хотини уни ёмон кўрса, бола туғ-майдиган хотин билан 8 йилдан кейин, ўлик бола туғадиган хо-тин билан 10 йилдан, фақат қиз бола туғадиган хотин билан 11 йилдан сўнг.

Жиноят ҳуқуқи. Қадимги давр дхармасутраларида, асосан, химса тушунчаси билан аталган деликт жиноятлар: одам ўлди-риш, бевафолик, ҳақорат қилиш, ўғрилиқ назарда тутилган бўлса, кечки дхармашастраларда кўпроқ мулкӣ ва шартнома муноса-батларини бузиш учун жавобгарликка эътибор қаратила бошлан-ди. Жиноятнинг давлатга қарши қаратилган, шахсга қарши қара-тилган, мулкка ҳамда оилага қарши қаратилган турлари мавжуд бўлган. Жазонинг хилма-хил турлари бор эди: қатл этиш (ёқиб юбориш, каравотга боғлаб қуйдириш, филнинг оёқлари остига таш-лаш), тан жазоси, қамоқхонага қамаш, оёғига кунда уриш, жарима, хайфсан эълон қилиш ва ҳ.к. Масалан, тунги ўғрилиқдан таш-қари ҳамма турдаги ўғрилиқ учун тан жазоси ёки ўғирланган мулк қийматининг икки баробари миқдорида жарима солиш назарда тутилган. Жазо тайинлашнинг асосий ўлчови айбдорнинг ижтимо-ий ҳолати ҳисобланган. Баъзи адабиётларда талион принципи ҳинд жиноят ҳуқуқига хос ҳодиса эмас, бу ҳол ҳинд жиноят ҳуқуқининг ўзига хос томонини кўрсатади деган фикрлар учрай-ди, аммо бу унчалик тўғри эмас, «шудра брахманни танасининг қайси қисми билан урган бўлса, шу қисми кесиб ташлансин» (Арт-хашастра III, 19(8) деган иборанинг учраши унинг мавжуд бўлган-ини кўрсатади. **Процессуал ҳуқуқ**да ордалия (синаш) мавжуд бўлиб, ҳинд процессуал ҳуқуқи беш хил синаш усулларини била-ди: тарози билан синаш, икки марта тортиб кўрилган, иккинчисида енгил чиқса, у айбдор ҳисобланган, олов билан, сув билан, заҳар билан ҳамда қасам билан синаш кабилар.

5. Хитой давлати ва ҳуқуқи

Қадимги Хитой Шарқ давлатларининг барча характерли белгиларини ўзида жамлади. Бу ерда давлатнинг пайдо бўлиши мил. ав. XVIII асрда шан ёки ин деб аталган Хитой қабила иттифоқининг бошқа қабилалар иттифоқлари ҳудудини босиб олиб, ғолиблар бошлиғи подшо бўлганлиги билан боғланади. Дастлабки шаҳар типдаги цивилизация Қадимги Хитойда милоддан 2 минг йил илгари Хуанхе дарёси ҳавзасида ўтроқ ҳаётга ўтган қишлоқ хўжалиги билан шуғулланаётган ин қабилаларида юз берган.

Хитой давлати ва ҳуқуқи тарихи куйидаги даврларга бўлинади:

1. Қадимги Хитой давлатининг ташкил топиши. Шан (Ин) давлати (мил. ав. XV – XI асрлар).

2. Марказлашган Хитой давлати Чжоу (мил. ав. XI – III асрлар) даври.

3. Цинь даври хан сулоласи (мил. ав. III аср – милодий III аср).

Хитойда уруғдошлик емирилиб, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши Шан даврига тўғри келади. Чжоу даврида мамлакатни бирлаштирган катта яккаҳокимлик давлати ўзининг мураккаб бюрократик аппарати билан ташкил топди. Мил. ав. III аср охирида Хитой жамияти ривожланишида икки тенденциянинг бир-бири билан кураши вужудга келади. Биринчидан, ерга нисбатан кенг хусусий мулкчилик ривожланиб, ижарачи деҳқонлар, ёлланма ишчилар ва қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилади. Иккинчидан, бевосита давлатга солиқ тўловчи ва унга бўйсунувчи деҳқонлар пайдо бўлади. Бу икки ҳолат ривожланишнинг икки йўлини белгилади: 1) ерга нисбатан йирик хусусий мулкчиликнинг ғалабаси орқали бу йўл сиёсий тарқоқлик, ўзаро урушлар йўли эди; 2) ягона марказлашган давлатни тузиш – ерга нисбатан давлат мулкчилигини мустаҳкамлаш йўли. Цин сулоласи даврида ана шу иккинчи йўл қарор топади. Бу ерда қулдорлик муносабатлари жуда тез ривожланиб, қишлоқ жамоаси тез емирила бошлаган. Қуллар «фу» деб юритилган бўлиб, хан сулоласи даврида қулларга эгаллик қилиш ҳуқуқини чеклашга уриниб кўрилган.

Давлат бошлиғи. «Осмон ўғли» унвонига эга подшо ван деб аталиб, унга ташкилий жиҳатдан уюшган амалдорлар армияси бўйсунган. Давлатни бошқаришнинг маркази подшо саройи ҳисобланиб, унинг ҳузурида бир неча мансабдорлар: **цзай** – сарой бошқарувчиси, **шанфу** – подшонинг шахсий хизматкори ва унинг алоҳида топшириқларини бажарувчи ва ҳ.к. бўлган.

Мил. ав. III асрда, Цин Шихуанди императорлиги даврида, мамлакат 36 маъмурий-ҳудудий вилоятга бўлинган. Раҳбарлик қилиш учун иккита амалдор: фуқаро амалдори ва ҳарбий губернатор тайинланган.

Хитойда ҳам худди Мисрдаги каби вазирлик мансабига ўхшаб кетадиган подшонинг биринчи ёрдамчиси мансаби бўлиб, унга уч оқсоқол деб номланувчи коллегия бўйсунган. Уларнинг бири кўпчиликнинг бошлиғи деб юритилиб, мамлакатдаги барча хўжалик ишларини ташкил этишга, савдо-сотик ишларини назорат қилишга масъул эди, иккинчиси подшо ерининг кўшин бошлиғи деб аталиб, мамлакатдаги ҳарбий бошқарувни ўз қўлида тўплаган, учинчиси жамоат ишлари бошлиғи деб аталиб, унинг қўлида суғориш иншоотлари устидан олий назоратни амалга ошириш ҳуқуқи тўпланган. Кейинчалик уч оқсоқол коллегияси билан бир қаторда яна учта катта амалдорлик мансаби ажралиб чиққан. Биринчиси подшо саройи ва хазинаси бошқарувчиси, иккинчиси суд ишлари бошқарувчиси, учинчиси бош қоҳин. Мил. ав. VII асрда улар ичидан биринчиси подшонинг бош ёрдамчисига айланган. Хитойда цин сулоласи даврида давлат бошлиғи император (ди) унвонини олади. Олий ҳарбий, қонунчилик ва суд ҳокимиятини ўз қўлида тўплайди. Империянинг марказий давлат аппарати молия, ҳарбий, суд, маросимлар, император саройи ишлари, саройни қўриқловчи муассасалардан ташкил топади.

Хан сулоласидан бўлган ҳукмдорлар давридан (мил. ав. III асрдан милоднинг III асригача) узоқ йиллардан бери мавжуд мансабларни имтиҳон топшириб эгаллаш ўрнига уларни сотиб олиш тартиби қўллана бошлади. Бу ҳол, албатта, савдогарлар, бойиган ҳунармандларга давлат аппаратиغا суқилиб киришга имкон беради. Мил. ав. III аср охирларида Хан империясида амалдорларнинг 20 даражаси яратилиб, улар ана шу даража-

ларга мос ҳолда маош олардилар. Армия Қадимги Хитойда катта мавқега эга бўлган. Шан-Ин даврида 14 армия бўлиб, у ванга бўйсунган. Қумондонлик мансаблари меросий, отадан ўғилга ўтиб борган. Цин даврида қурилиш, от-арава, улов мажбурияти билан бирга ҳарбий хизмат мажбурият ҳам бўлиб, бир йил мобайнида тайёргарликдан ўтиб, кейин гарнизонда ва тураржойдаги қисмларда ўташ лозим эди. Босқинчи ва талончиларни қидириб топиш ва тутиш ҳам ҳарбий муассаса ваколатига кирган.

Чжоу даврига келиб Хитойнинг суд тизими ривожланади. Бош жиноий ишлар суди ташкил топади. Цин сулоласи даврида империянинг махсус суд муассасаси бўлиб, унинг бошлиғи – **тин-вэм** ҳамда барча маъмурий идоралар ўз йўналиши бўйича суд идораси вазифаларини ҳам бажариши мумкин саналган.

Тарихий удумларга кўра, биринчи ёзма қонунлар Хитойда Шан даврида вужудга келган. Мил. ав. X асрда, Чжоу даврида, 3 минг моддадан ошиқ жиноят кодекси бўлган. Бизгача етиб келган ёзма қонунларнинг намунаси мил. ав. 536 йилга тааллуқли бронза тахтага ёзилган «Қонунлар ҳақидаги маълумот»дир, унда жиноятлар бешта жазо: бурунни қирқиш, битта ёки иккала оёғини қирқиш, ахталаш, тамғалаш ҳамда қатл этиш қўлланилиши ҳақида гапирилган. Мил. ав. V – VI асрларда «Вэй подшолиги қонунлари тўплами» номли биринчи тўплам вужудга келган. У олти бўлим: ўғрилар ҳақидаги қонун, талончилар ҳақидаги қонун, зиндонга ташлаш, жиноятчиларни тутиш, қатл этиш ва азоблаш қуроллари ҳақидагилардан иборат бўлган. Мазкур қонунлар табақавий жамиятнинг бузилмаслигини ҳуқуқий кафолатлайдиган, подшо шахсининг дахлсизлигини таъминлайдиган қонунлар эди. Қадимги Хитой ҳуқуқи, асосан, **жиноят ҳуқуқи** сифатида ривожланиб, фуқаролик ва оила-никоҳ муносабатларини ҳам ўз ичига олган. Манбаларнинг кўрсатишича, Чжоу даври қонунчилиги 500 дан ошиқ жиноят турларини билган. Умуман, Қадимги Хитойда ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган нормалар иккига бўлинган: аниқ белгилаб қўйилган ахлоқий нормалар «Ли» ва «Фа» қонунлари. Ана шундай қонунлар тўпламларидан бири подшо Му томонидан тузилган жиноят кодексидир. У тўпланган суд қарорлари билан биргаликда 3 минг моддани ташкил қил-

ган. Бу кодекс ўзининг жазо тизими билан ажралиб туради. Мазкур жазолар орасида қатл этиш, ахталаш (кастрация), қамок, оёқни қирқиш, бурунни қирқиш, юзига қора татуировка йўли билан тамга босиш (оғир жиноятларга берилган). Бошқа жазолар ҳам бўлган. Цин сулоласи даврида (мил. ав. 556 – 306 йиллар) марказлашган давлатнинг мавжудлигига хавф соладиган китобларни асрашда айблаб 460 олимни тириклайин кўмиш ҳоллари учраган. Хитой жиноят ҳуқуқида бундай оғир жазоларнинг мавжудлиги ўша вақтларда сиёсий курашнинг жуда чуқур илдиз отганидан далолат беради.¹

Назорат учун саволлар

1. Шарқ мамлакатларида ибтидоий уруғчилик тузумидан давлатчиликка ўтиш қандай юз берган?
2. Шарқ мамлакатлари сиёсий тузумининг қандай ўзига хос хусусиятларини биласиз?
3. Шарқ мамлакатларида ижтимоий тузумнинг қандай хусусиятларини биласиз?
4. Бобил давлати қай тариқа вужудга келган?
5. Шарқ мамлакатларининг ҳуқуқий тизимида қандай ўзига хос хусусиятлар бор?
6. Хаммурапи қонунларига умумий таъриф беринг.
7. Ҳиндистонда дхармалар қандай аҳамиятга эга?
8. Қадимги Хитойдаги Му кодексининг умумий мазмунини гапириб беринг.
9. Қадимги Шарқ мамлакатларида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши билан Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқининг вужудга келиши ўртасида ўхшашликлар борми?

¹ Шарқ мамлакатлари ҳуқуқининг асосий белгилари янгича, кенгайтирилган шарҳи ҳақида қаранг: История государство и право зарубежных стран. Ч.1. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.71 – 128.

Ҳуқуқий масала (казус) №1

Мен... Худоларни иззат-икром этувчи ғамхўр ҳукмдорни мамлакатда ва адолатнинг қарор топиши, ёвузлик ва жиноятчиликка барҳам бериш, кучлилар кучсизларга зулм қилмасликлари учун, ... улар устига кўтарилиб, мамлакатни мунаввар этгани каби, ... мени халқ манфаатларини ҳимоя қилишга чорладилар.

Ушбу матндаги тушириб қолдирилган сўзларни топиб ўз ўрнига қўйинг. Айтинг-чи, бу сўзлар қайси давлат қонунлари, унинг қайси қисми, кимнинг сўзларидан келтирилган?

Ҳуқуқий масала №2

Бобиллик бир баирум (...) олис мамлакатга ҳарбий юришларга жалб этилди. Унинг хизмат эвазига олган ери ва боғлари бор эди. Аммо у бир йилдан кейин ҳарбий хизматдан бўйин товлади. Орадан тўрт йил ўтгач, у ўз мулкини талаб этиб судга мурожаат қилди. Суднинг қарори қандай бўлиши керак?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2 қисмли. 1-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.23 – 42.

2. Муҳаммедов Ҳ.М. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.39 – 184.

3. Омельченко В.О. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2005. – С.53 – 105.

4. История государства и права зарубежных стран: Учебник. В двух частях. Часть 1. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.71 – 128.

5. Очерки древнеегипетского права. XVI – X вв. до нашей эры. Памятники и исследования. – М., 1960.

6. Законы Вавилонского царя Хаммурапи // Хрестоматия по истории Древнего Востока (Полный перевод текста с прологом и эпилогом). Ч.1. – М., 1980. – С.173 – 186.

7. Законы Ману. – М., 1992 (Глава VIII, IX).

8. Артхашастра. – М.-Л., 1993 (Книга 3).
9. Васильев Л.С. История Востока. В 2-х т. Т.1. – М., 1993 (гл.11 – 12).
10. Всемирное писание: Сравнительное антология священных текстов. Пер. с англ. – М., 1995 (гл. 20).

Луғат

Артхашастра – сиёсат ҳақидаги фан, шу соҳадаги ҳуқуқий нормалар тўплами.

Варна – тоифа, каста.

Ордалия – «Худо суди», турли усуллар ва нарсалар восита-сида судланувчини синаб кўриш.

Трактат – рисола, брошюра.

Талиония – Қадимги Шарқ ҳуқуқида жазо тайинлаш усули. «Кўзга кўз, тишга тиш» маъносида.

4 – 5-МАВЗУЛАР. АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (ЮНОН-РИМ АНТИК ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ)

Режа

1. Греция давлати ва ҳуқуқи.
2. Спарта давлати ва ҳуқуқи.
3. Афина давлати ва ҳуқуқи.
4. Рим давлати ва ҳуқуқи.
- 4.1. Рим давлатининг ташкил топиши ва унинг даврларга бўлиниши.
- 4.2. Республика даврида Римнинг ижтимоий-сиёсий тузуми.
- 4.3. Империя ёки монархия даврида Рим давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми.
- 4.4. Рим ҳуқуқи манбалари.

Таянч иборалар

Қадимги Грецияда ижтимоий тузум. «Гомер Грецияси». Фила. Фратрия. Халқ мажлиси. Спарта давлати. Ижтимоий тузум. Подшо. Герусия. Апелла. Афина шаҳар-давлати. Полислар. Солон, Клисфен ислохотлари. Ареопаг. Гелизэ, архонтлар. Халқ мажлиси. Ликруга қонунлари. Драконт қонунлари. Атимия. Ордалия. Римда республика даври. Патриций ва плебейлар. XII жадвал қонунлари. Халқ кенгаши. Комициялар, Серви Туллий ислохотлари. Центуриялар. Принципат ва доминат. Сенат. Магистратура. Консуллар. Претор. Рим ҳуқуқининг даврлари. Квиритлар ҳуқуқи, претор ҳуқуқи. Одат ҳуқуқлари. Юстинианнинг фуқаролик қонунлари тўплами. Рим ҳуқуқининг рецепцияланиши.

1. Греция давлати ва ҳуқуқи

Грек қабилалари мил. ав. 2-мингйилликда Болқон яримориги кўчиб ўта бошлаганлар. Мил. ав. XI – X асрларда уруғдош-

лик тузумида яшаган бу қабилаларда ижтимоий меҳнат тақсимооти юз берди, деҳқончилик овчиликни сиқиб чиқариб, хўжалик юриштининг асосий соҳасига айланди. Хунармандчилик мустақил касбга айланиб, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг ташкил топиш жараёни грек қабилалари яшайдиган бутун ҳудудларни қамраб олди. Уларнинг ижтимоий тузуми бу вақтда ҳарбий демократия шаклида бўлиб, ҳали давлат вужудга келмаган, унинг ўрнида бошқарув органлари: халқ мажлиси, оқсоқоллар кенгаши ва ҳарбий доҳий – базилевс ҳисобланган. Аҳоли қабилаларга (фила, фратрия) ва уруғга бўлиниб яшаган. Вақт ўтиб мулкий табақаланиш жамоа ер эгаллигининг бузила бориши, асосий халқ оммасининг бирлашуви, уруғ зодагонларининг бойиши, камбағалларнинг бой қўшниларига иқтисодий қарамлиги кучайиб боргани сари, қулчилик ривожланиб, халқ мажлисининг роли сусаяди. Базилевс аста-секин муайян бир зодагонлик уруғида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган мансабга айланади. Бу давр Греция давлати ва ҳуқуқи тарихида уруғдошлик тузумининг емирилиши ҳамда давлатнинг пайдо бўлиши давридир, шу даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари грек шоири Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» дostonларида ўз аксини топган. Шунинг учун мазкур давр «Гомер Грецияси» даври деб атаб келинган.

Мил. ав. VIII асрдан VI асргача бўлган даврда грек жамияти кичик-кичик давлатлар – полислар, яъни шаҳар-давлатлар ташкил топди. Грециядаги ҳукмрон натурал хўжалик бу давлатларнинг ташкил топиши ва кўп сонли бўлишига имкон туғдирган. IV асрдаги файласуф Аристотелнинг ўз шогирдлари билан грек давлатлари сиёсий тузилишини ёритиб берувчи 158 полития сиёсий трактат ёзганлиги маълум.¹ Қадимги Греция давлатлари ичида Спарта ва Афина ўзига хос ўрин тутди.

2. Спарта давлати ва ҳуқуқи

Мил. ав. XII – XI асрларда ахей қабилалари томонидан илгари босиб олинган кичкинагина Пеллепоннесдаги Лаконика деб

¹ Қадимги дунё тарихи. – Тошкент, 1975. – Б.9.

вталувчи вилоятга дорий қабилалари бостириб киради. Натижада улар ўртасида битим тузилиб, икки қабилла қўшилишидан Спарта жамоаси ташкил топади. Лаконика уларга торлик қилиб қолгач, қўшни Мессинияга юриш қилиб унинг ҳудудини босиб оладилар ҳамда аҳолисини қуллар – илотларга, ерларини эса умумий мулкка айлантирадилар. Босиб олинган ердаги аҳоли сони босқинчилардан бир неча баробар кўп эди. Бундай шароитда босиб олинган ерларни бошқариш учун давлат ҳокимияти лозим бўлиб қолади. Спарта жамоасида эса ҳали уруғчилик тузуми бузилмаганди. Улардаги ижтимоий-тарихий ривожланиш ўзга халқлар ерларини босиб олиш билан анча тезлашади. Уруғчилик тузумига маълум бўлмаган «алоҳида ташкилот» талаб қилинади.

«Натижада туб халқни чекланмаган тарзда эзиш ва бостириб туришни амалга оширувчи кучли давлат ҳокимияти билан, мулк эгаллиги шаклларига, оилага, давлатга ҳамда жамиятнинг ташкилий шаклига кучли таъсир этган ибтидоий жамоа тузуми элементларининг ўзига хос тарзда қўшилиши вужудга келади»¹, – деб ёзади проф. З.М.Черниловский. Бу Спарта ижтимоий ҳамда давлат тузумининг ўзига хос бош хусусиятларини ташкил қилади.

Спартанинг ижтимоий тузуми унда узоқ давргача ибтидоий жамоа тузуми қолдиқлари сақланиб қолгани билан фарқланади. Унда барча ерларга жамоа мулкчилиги асосида эгалик қилиниб, 10 минг тенг бўлақларга бўлинган. Мазкур бўлақларга фақат Спартанинг тўла сиёсий ҳуқуқли фуқаролари – спарталиқлар эгалик қилган. Спарталиқлар ер ва уни ишловчи илотлар билан таъминланиб, жамоа ишларини бошқариш учун ҳар ойда натура билан улуш тўлаганлар. Камбағаллиги туфайли улушни тўлолмаган спарталиқлар ердан маҳрум бўлиб, гипомейонларга (камбағалга) айланган. Спарталиқларнинг асосий касби жангчилик эди, улар 8 ёшдан 20 ёшгача ҳарбий ишга жалб қилинган, 20 ёшдан 60 ёшгача армия хизматида бўлишган.

Қуллар сон жиҳатдан кўп эди. Проф. З.М.Черниловскийнинг маълумотига қараганда, Спартада 200 мингдан ошиқ илотлар –

¹ История государства и права. – М.: Госюриздат, 1959. – С.131.

қуллар мавжуд бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. 1. Қуллар давлат мулки бўлган. 2. Улар мамлакатнинг туб фуқаролари ҳисобланар ва илгари ўзларига тегишли ерларни ишлаганлар. 3. Улар ўз уйларида, посёлкаларида яшаб, ўзларини идора қилганлар. 4. Спарталикларга қайта тақсимланган ўз ерларида ишлаб, ҳосилнинг 50 фоизини уларга берганлар. Спарта жамиятида, бундан ташқари, савдо, ҳунармандчилик билан шуғулланган кишилар – периклар ҳам бўлган.

Давлат тузуми бўйича Спарта Афинадан фарқ қилиб, у ҳарбий зодагонларнинг шаҳар республикаси шаклидаги полис эди. Давлат органларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Халқ мажлиси – **апелла** баҳор ойларида бир марта чақирилиб, унда ўз ерига эга бўлган 30 ёшдаги кишилар қатнашган, эфораларни сайлаган, айрим ҳолларда суд вазифасини ҳам бажарган.

Подшолар. Спартада бир вақтнинг ўзида иккита подшо бўлиб (Спарта жамоасининг икки қабила бирлашмасидан ташкил топгани туфайли), улар кўпроқ ҳарбий бошлиқ вазифасини ўтаганлар.

Оқсоқоллар кенгаши – **герусия** 60 ёшга етган кекса киши ва икки подшо таркибида тўпланиб, халқ мажлисида кўрилиши лозим бўлган ишларни олдиндан қараб чиққан, ташқи муносабатларни бошқарган. Спартада барча муассасалар устидан назоратни олий мансабдор шахслар – эфоралар олиб борган, ҳар йили 5 эфора сайлаб қўйилган. Эфоралар суд функциясини ҳам бажарган. Спарта давлати мил. ав. 146 йили, Греция Римга қўшиб олиниши билан, сиёсий мустақиллигини йўқотади.

Спарта давлатининг ҳуқуқига келсак, асосан, узоқ вақтгача бу ерда ёзилмаган одат ҳуқуқларидан иборат бўлиб келган. Мазкур ҳуқуқ илотларнинг ҳуқуқсизлигини, Спарталикларнинг имтиёзларини мустаҳкамлайди. Спартада ёзма қонунчиликнинг вужудга келиши афсонавий қонун ижодкори Лекруганинг номи билан боғланади. Унинг қонунчилиги «Ретра» деб номланган ҳужжатларда баён қилинган. Ўша давр тарихчиси Ксенофонтнинг маълумотларига қараганда, Лекруга спарталикларнинг савдо ишлари билан шуғулланишини тақиқлаш тўғрисида қонунлар чи-

қарган. Оила, никоҳ ҳуқуқида аёллар Спарта жамиятида катта мавқега эга эди. Никоҳ, асосан, жуфт (моногамия) шаклда бўлган. Жиноят ҳуқуқида у ёки бу ҳаракатнинг жазоланиши тўғрисида гапирилади. Жазо тизимида пул жарималари, қатл этиш, қувиб юбориш, ҳуқуқлардан маҳрум қилиш – атимия каби ўзига хос жазолар бўлган. Атимия кўпинча уруш майдонидан қочганларга қўлланган, айбдор шахс давлат муҳофазасидан маҳрум бўлиб, судга шикоят қилолмаган. Чунки судсиз, терговсиз қатл этилган.

3. Афина давлати ва ҳуқуқи

Қадимги Рим ҳамда германларда давлатнинг вужудга келишини тезлаштирувчи сабаблар бўлгани ҳолда, Афинада давлатнинг ташкил топиши энг соф, энг классик шаклни ташкил этади, яъни бу ерда давлат бевосита уруғдошлик жамиятининг ўз ичидан ривожланаётган зиддиятлар орқали, ислохотлар ўтказиш йўли билан вужудга келади. Бу эса Афина давлати ташкил топишининг ўзига хос хусусиятидир.

Афина полис типигадаги қадимги грек давлатларидан бири бўлиб, унинг милоддан аввалги тарихини уч асосий даврга бўладилар:

1. Афина давлатининг вужудга келиши (мил. ав. VII – VI асрлар).

2. Афинанинг ривожланиш даври (VI – V асрлар).

3. Афинанинг инқироzi ва емирилиши (IV аср охири ва III аср).

Афина давлатининг ташкил топиши томон ташланган биринчи қадам халқ қаҳрамони Тецей томонидан ўтказилган ислохот билан боғланади. Мил. ав. VIII асрда ҳали Афина (Аттика)да уруғдошлик тузуми емирилмаганди. Аҳоли 12 қабилага бўлинган ҳолда яшарди. Тецей ана шу қабилаларни Афина атрофида бирлаштирди. Шу муносабат билан Афинада умумий халқ ҳуқуқи пайдо бўлди, у эса айрим қабила ва уруғдошларнинг ҳуқуқий урф-одатларидан юқори турарди. Афинада илгари қабилалар томонидан бажариладиган ишларнинг бир қисми тўпланиши марказий бошқарув идоралари вужудга келишига олиб келди. Халқ, ўзининг қайси қабила ёки фратрияга тегишлилигидан

қатъи назар, 3 гуруҳга: эвпатридлар – аслзодалар, геоморлар – ер эгалари ҳамда демурғлар – хунармандларга бўлинади. Бунда эвпатридларга мансабларни эгаллашда имтиёзли ҳуқуқ берилди.

Давлатнинг ташкил топиши учун иккинчи қадам бу уруғ саркардаси (басилевс) мансабини тугатиб, унинг ўрнига архонтлик мансабларининг таъсис қилиниши бўлди. Архонтлар дастлаб умрбод, VIII асрдан 10 йилга, 683 йилдан бир йилга (ҳар йили 9 архонт) сайланадиган бўлган. Уларнинг ичида биринчи архонтнинг ваколоти катта бўлиб, у коллегияга раҳбарлик қилган, ички бошқарув ҳамда оилавий ишлар бўйича суд ишлари устидан назорат олиб борган.

Давлатнинг ташкил топишига таъсир этган учинчи ҳодиса қабила оқсоқоллари кенгашининг ҳукумат органи – бой оилалар вакилларидан ташкил топадиган **ареопаг** томонидан сиқиб чиқарилиши эди. Ареопаг аста-секинлик билан архонтларни сайлайдиган бўлди. Шундай қилиб, ҳокимият эвпатридлар қўлида тўпланган. Савдо ва хунармандчиликнинг ривожланиши уруғдошлик тузумини борган сари ларзага солди. Иккинчидан, бир гуруҳ кишиларнинг қашшоқланиши Афинада қарз бадалига қулликка айлантиришни кучайтириб, унинг кўп фуқаролари чет элларга қул қилиб сотиб юборилди. Кўп ерлар савдо-саноат аҳлига гаровга қўйилди, озод деҳқонлар ҳам қарзга ботиб, хонавайрон бўлди. Ана шу зиддиятлар натижасида VII асрда уруғ зодагонларига қарши катта кўзғолон кўтарилиб, сиёсий кураш майдонига 594 йили Солон чиқди. У биринчи архонтликка сайлангач қарз ҳуқуқини ислоҳ қилишга (сисахфия) киришади. Барча қарзлар, келгусида қарздорларнинг гаровга қўйилган барча мажбуриятлари бекор қилинди, улар озод этилиб, четга қул қилиб сотилганлар қайта сотиб олинди.

Шу билан бирга, Солон Афинанинг барча фуқароларини мулкӣ ҳолатига қараб 4 гуруҳга бўлди. Биринчи гуруҳга йилига 500 медимен (1 медимен – 52,5 литр), иккинчисига 400 медимен, учинчисига 200 медимен дон даромади ёки унга тенг бошқа маҳсулотлар олувчи кишилар киритилади, тўртинчи гуруҳга қолганлар киритилиб, улар фетлар деб аталган. Булар ичида фақат

учта юқори гуруҳга мансуб фуқароларгина давлат мансабларини эгаллашлари, тўртинчи гуруҳ эса халқ мажлисидагина қатнашиши мумкин эди. Энди фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг мол-мулки қиймати билан белгиланадиган бўлди.

Солон ўтказган тадбирлардан кейингиси давлатнинг янги бошқарув органи – **тўртюзлар кенгашининг** (тўртта қабиладан юзтадан) таъсис қилиниши бўлди. Қолаверса, у тўртала даража фуқаролари ҳам қатнашиши мумкин бўлган суд органи – қасамхўрлар суди **гелизьяни** тузди. Солон давридан кейин Афинада Псисстрат ва унинг авлодлари псисстратлар даврида (560 – 527 йиллар) қисқа вақтга **тирания** вужудга келди. Аммо бундай якка-ҳоқимликка асосланган давлат тузуми Афина учун характерли эмасди. Шунинг учун қулдорларнинг норозилигига сабаб бўлади. **Тиранларга** қарши курашга Клисфен бошчилик қилади. У 509 йили бир қанча ислохотлар ўтказди. Аҳолининг тўртта қабилага бўлинишини бекор қилиб, ҳудудий белгиларга қараб **10 ҳудудий филага** ажратади. Энди уруғчилик ташкилотларига тааллуқлилиқ ўз аҳамиятини йўқотиб, ҳал қилувчи ролни фуқароларнинг яшаб турган жойидаги ташкилотлар ўйнай бошлади. Ҳар бир фила учта **триттига** бўлиниб, уларнинг биттаси шаҳардан, иккинчиси денгиз бўйидан, учинчиси мамлакатнинг ўртасидан жой олганди. Триттиллар ҳам, ўз навбатида, демаларга бўлиниб, бошида сайлаб қўйилувчи оқсоқол – демарх турган. Мазкур ислохотларнинг моҳияти илгари уруғдошлиқ тузуми даврида бўлмаган ва фақат давлатга хос маъмурий-ҳудудий бўлиниш жорий этилишидир.

Клисфен ислохотларидан яна бири тўртюзлар кенгашини бекор қилиб, **бешюзлар кенгаши** (яъни ҳар бир филадан 50 тадан аъзо)ни ташкил этиш бўлди. Шундай қилиб, бу ислохотлар Афинада қабила-уруғчилик тузумига энг сўнгги зарбани берди, давлатнинг мустақкамланишига олиб келди.

Мил. ав. V асрда грек давлатларига Эрон қўшинлари бостириб кирди. Уларга зарба беришда Афина катта роль ўйнади. Натижада Афина бошчилигида грек давлатларининг денгиз иттифоқи вужудга келади. Урушдан кейинги даврларда Афинанинг давлат тузуми демократлаша бошлайди. Архонтларни қуръа таш-

лаб сайлашнинг жорий қилиниши натижасида, 2 даража кишилари ҳам архонт этиб сайланадиган бўлади. Афина фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари кенгайди. Булар Эфиальт ва Периклнинг ислохотларида ўз ифодасини топади. Эфиальт (462) ареопагнинг халқ мажлиси қарорларига вето қўйиш ҳуқуқини бекор қилди. Мансабдор кишилар фаолиятини назорат қилиш вазифаси халқ мажлиси ҳамда бешюзлар кенгашига берилди. Афина давлати мил. ав. 388 йили, македониялик Филипп қўшинлари томонидан босиб олиниши билан, ўз мустақиллигини йўқотди.

Ижтимоий тузум. Афина жамиятининг социал таркиби тўла ҳуқуқли фуқаролардан, метэklar ёки Афина ҳудудига кўчиб жойлашган ажнабийлар ҳамда қуллардан иборат бўлган. Тўла ҳуқуқли фуқаролар 18 ёшдан 20 ёшгача ҳарбий таълимни ўтаб, 20 дан 60 ёшгача армияда хизмат қилганлар. Метэklar қўзғалмас мулкларга эгаллик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, уларнинг Афина фуқаролари билан никоҳлари ҳам ҳақиқий ҳисобланмаган, болалари эса Афина фуқаролигини ололмаган.

Афина жамиятининг энг кўп қисмини қуллар ташкил қилган, унинг 21 минг фуқаросига 400 минг қул тўғри келган. Қуллар жамиятнинг ҳуқуқсиз аъзолари эди, улар ҳуқуқнинг субъекти эмас, балки хўжалик ашёси ҳисобланган. Қулни ўлдирганлик учун унинг хўжайинига келтирилган зарарни қоплаш мақсадида жарима тўлаш назарда тутилган.

Давлат тузumi. Афина республика шаклида бўлиб, бошқариш шакллари ўзгариб турган. Давлат ҳокимиятининг муҳим органлари сифатида бешюзлар кенгаши, халқ мажлиси, сайлаб қўйилувчи мансабдор кишилар: **стратеглар, архонтлар**, бошқарув устидан назорат қилишда қатнашадиган органлар: **ареопаг ва гелиэя**ни кўрсатиш мумкин. Бешюзлар кенгаши – **буле** Афинанинг олий ҳокимият ва маъмурий органи бўлиб, халқ мажлисида кўриладиган масалаларни тайёрлаган, унинг қарорларини ижро қилган, молия бошқарувини олиб бориб, давлат даромадлари манбаларини аниқлаган, солиқ ва йиғимлар тушиши устидан назорат ўрнатган. Шунингдек, кенгаш ташқи давлатлар билан бўладиган дипломатик муносабатларни ҳам бошқариб турган.

Халқ мажлисида Афинанинг 25 ёшга кирган, эркак, тўла ҳуқуқли фуқаролари иштирок этиши мумкин бўлган. Унинг вазифаси қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, мансабдор шахсларни сайлаш, улар фаолиятини текшириш, мудофаа, озиқ-овқат масалаларини ҳал этиш эди. Айрим ҳолларда Афина ҳудудидан ўн йилга қувиб юбориш (остракизм) жазоси назарда тутилган ишлар бўйича суд вазифасини ҳам ўтаган. Мажлис тўрт ойда бир чақирилган. Афина қадимги қулдорлик демократик давлати бўлганлиги учун, ундаги қонунчилик жараёни шу кунларда ҳам қизиқиш уйғотади. Мазкур жараён қуйидаги босқичлардан иборат: а) қонунчилик ташаббуси тартибида халқ мажлисига қонун лойиҳаларини киритиш. Бундан Афинанинг ҳар бир тўла ҳуқуқли фуқаролари фойдаланиши мумкин эди; б) қонун лойиҳасини дастлаб бешюзлар кенгашида кўриб, халқ мажлиси учун хулоса бериш; в) халқ мажлиси томонидан қонун лойиҳасини қабул қилиш; г) гелиэя қабул қилинган лойиҳаларни назорат тартибида кўриб, лозим топса рад қилиши мумкин бўлган.

Афина давлатининг ўзига хос органларидан бири бу **архонтлар коллегияси** бўлиб, юқорида айтганимиздек, улар қуръа ташлаш йўли билан сайланган. 9 архонт (**басилевс**) диний ишларни олиб борган. Учинчи архонт **полемарх** деб аталиб, метэklar устидан назорат ўрнатган. Қолган олтига архонт **фесмофетлар** деб аталиб, гелиэяга тааллуқли ишларни тайёрлаган.

Гелиэя Афина давлатининг олий суд органи бўлиб, 5000 доимий ва 1000 захирадаги судьядан, яъни 6000 кишидан иборат эди. Гелиэя аъзолари 30 ёшга тўлган фуқаролардан қуръа ташлаш йўли билан бир йилга сайлаб қўйилган. Унинг таркибида 10 коллегия бўлиб, ҳар бирида 500 доимий, 100 захирадаги судья бўлган. Мансабни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш мақсадида, коллегияларнинг қачон иш кўришлари номаълум бўлиб, бу суд мажлиси кунида қуръа ташлаш йўли билан ҳал этилган. Гелиэя давлат жиноятлари учун биринчи инстанция суди, бошқа судлар кўриб ҳал этган ишлар бўйича апелляция инстанцияси билан ҳам таъминлан-

ган, халқ мажлиси у қабул қилган қонун шарҳларини рад этиши мумкин эди.¹

Афинада давлатнинг бош мансабдорлари стратеглар ва архонтлар бўлиб, мансабларни эгаллашнинг асосий принциплари сайлаб қўйилиши, муддатлилиги, маошсизлиги, коллегиялилик ва ҳисобдорлик кабилар саналган.

Ҳарбий бошқарувга келсак, Афинада у ўнта аъзодан иборат **стратеглар коллегияси** томонидан олиб борилган.

Милоднинг V асригача бўлган даврда **ареопаг** давлат ҳокимияти органлари ичида муҳим роль ўйнаб, унинг аъзолари архонтлар ва илгари архонт бўлиб ишлаган кишилар эди. V асрдан бошлаб ареопаг ўз аҳамиятини йўқотиб, асосан, қасддан одам ўлдириш ишлари бўйича суд босқичига айланади. Унинг суд органлари: қасдсиз одам ўлдириш жиноятлари билан боғлиқ ишларни кўрадиган эфталар суди, ўғрилик, талончилик, одам ўғирлаш каби ишларни кўрадиган ўн бирлар коллегияси суди, фуқаролик ишлари бўйича ҳакамлар судлари мавжуд бўлган.

Ҳуқуқ манбалари. Афинада ҳам ҳуқуқнинг манбаи одат ҳуқуқлари бўлган. Мил. ав. 611 йилларда архонт Драконт даврида биринчи марта ёзма қонунчилик вужудга келган. Бу қонунлар бизгача сақланмаган, у ўзининг қаттиқ жазо тизими билан машҳур эди. VI асрда, Солон даврида, кўплаб қонунлар қабул қилинган. Солон ўз қонунларини 16 ёғоч тахтага ёздириб қўйган. Аммо улар бизгача етиб келмаган. V – IV асрларда қонунчилик фаолияти кенгайиб, халқ мажлисининг умумий аҳамиятга эга қарорлари қонун кучига эга бўлган.

Қадимги Афина **фуқаролик ҳуқуқи** ерга, қулга, иш ҳайвонларига нисбатан хусусий мулкчиликнинг ривожлангани билан фарқланади, мулклар кўринувчи (ерлар, уй ва қуллар), кўринмас (пул ва қимматбаҳо буюмлар) мулкларга бўлинган. Шунингдек, Афина давлат мулкчилиги ҳам мавжуд бўлиб, унинг объекти турли ашёлар эди. Шартномаларнинг савдо-сотиқ, мулк ижараси, ўртоқлик, сақлаб туриш каби турлари мавжуд бўлган.

¹ История государства и права зарубежных стран. Ч.I. – М., 1997. – С.114.

Оила-никоҳ ҳуқуқида аёллар ва болаларнинг ҳуқуқсизлиги, оилада ота ҳукмронлиги мустаҳкамланиб, оиланинг бошқа аъзолари ўз номидан битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Афина **жиноят ҳуқуқи**да уруғдошлик тузуми қолдиқлари сақланган, «қонли қасос» мавжуд бўлган. Давлатга хиёнат қилиш, ёлғон хабар, судда ёлғон кўрсатма бериш, халқни алдаш, худоларни ҳақорат қилиш оғир жиноятлар ҳисобланган. Қасддан ва эҳтиётсизлик билан одам ўлдириш бир-биридан фарқланган. Уларга алоҳида-алоҳида жазо тайинланган. Бундан ташқари, Афина ҳуқуқида кўрқоқлик, бўйсунмаслик, жанг майдонидан қочиш каби жиноятлар ҳам бўлган. Жазонинг қатл этиш (бунда маҳкумга заҳар ичиб ўзини ўзи ўлдиришга рухсат берилган), қулликка сотиш, тан жазолари, мол-мулкни мусодара қилиш, **атимия** ҳуқуқларидан маҳрум қилиш турлари мавжуд бўлган. **Суд жараёни** тортишувли характерга эга бўлиб, иш архонт ёки мансабдор кишилар томонидан тергов қилиш билан бошланган. Иккала томонга ҳам маълум вақт берилган, ундан кейин қасамхўрлар суди вердикт – ҳукм чиқарган.

4. Рим давлати ва ҳуқуқи

1. Рим давлатининг ташкил топиши ва уни даврлаштириш

Рим Италиянинг лотин қабилалари иттифоқига кирган шаҳар-давлатлардан бири бўлиб, бу давлат ҳам қишлоқ жамоаларини бирлаштириш натижасида вужудга келган. Унинг социал таркиби табақаланиб, Римнинг тўла ҳуқуқли фуқаролари патрицийлар ва уларга наслий қарам бўлган клиентларга ҳамда шахсан озод плебейларга бўлинган.

Плебейлар ўз ерларига эга бўлиб, фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланганлар. Рим жамиятининг энг ҳуқуқсиз аъзолари қуллар эди, улар жуда кўпчиликини ташкил қилган.

Рим халқи, анъанага биноан, 300 уруққа бўлиниб, унта уруғ 1 курияни, унта курия бир трибани ташкил қилган. Давлат тузумида сенатнинг роли катта эди, у 300 уруғ оқсоқолларидан ташкил

толган, подшо ҳузурида маслаҳат органи ҳисобланган ҳамда муҳим масалаларни ҳал қилган.

Муҳим ҳокимият идораларидан бири халқ мажлиси (курия комицияси) ҳисобланиб, у Грециядагидан фарқ қилган, халқ куриялар (ўнта уруғ бирлашмаси) бўйича тўпланган. Ҳар бир курия бир овозга эга бўлиб, бунда фуқароларнинг овози эмас, балки курияларнинг овози билан у ёки бу қарор қабул қилинган. **Комиция кенгаши сенат** таклифларини қабул қилган ёки рад этган, мансабдор кишиларни сайлаган, уруш эълон қилган. Қолаверса, подшо Рим халқининг доҳийси бўлган, унинг ваколоти абсолют монархникидек эмасди, балки ҳарбий бошлиқ, олий диний ҳамда суд вазифасини бажарар, халқ мажлиси томонидан сайлаб қўйиларди. Социал табақалаш ҳамда турли зиддиятлар Римда патрицийлар билан плебейлар ўртасида курашни келтириб чиқаради. Плебейлар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларини патрицийларники билан тенглаштиришни талаб қиладилар. Бу кураш мил. ав. VI асрда подшо Серви Туллийнинг ислоҳот ўтказиши билан якунланади. «Подшо Серви Туллий конституцияси» деб номланадиган ва грек қонун намуналарига, айниқса, Солонга таянадиган бу ислоҳот янги халқ мажлисини вужудга келтирди. Халқ ва плебейлар мажбурий ҳарбий хизматни бажарсалар халқ мажлисида иштирок этардилар, бажармасалар иштирок этмасдилар, бу жиҳатдан улар ўртасида тафовут йўқ эди. Ислоҳотга кўра, ҳарбий хизмат қилишга мажбур бўлган ҳамма эркаклар мол-мулкига қараб олти даражага бўлинган. Беш даражанинг ҳар бири учун белгиланган мол-мулк миқдори қуйидагича эди. Биринчи даража 100000 асс, иккинчи даража 75000 асс, учинчи даража 50000 асс, тўртинчи даража 25000 асс, бешинчи даража 11000 асс. Бу тахминан 14000, 10000, 7000, 3600 ва 1570 герман маркасига баробар эди. Олтинчи даража йўқсиллар деб аталиб, хизмат қилмайдиган ва солиқ тўламайдиган кишилардан иборат бўлган. Серви Туллийнинг ана шу ислоҳоти натижасида **центуриялар мажлиси** (центурия комицияси) деб аталадиган халқ мажлиси вужудга келди. Унга кўра, халқ мажлисида барча фуқаролар юқоридаги даражаларга тааллуқлилигига

қараб ҳар бир центурияда 100 тадан бўлиб, худди қўшинлар сингари саф тортиб турган. Лекин биринчи даража 80 центурия, иккинчиси 22, учинчиси 20, тўрттинчиси 22, бешинчиси 30, олтинчиси эса 1 центурия ҳамда фуқаролар орасидан олинган отлиқ аскарлар 18 центурия берарди. Ҳар бир центурия бир овозга эга эди.

Жами 193 центурия бўлиб, қарорни қабул қилиш учун 97 центурия овоз бериши шарт эди. Мазкур ислохотнинг социал моҳияти халқ мажлисида мулкдорларнинг устунлигини таъминлаб, ҳокимиятни амалда улар қўлига олиб беришдан иборатдир. Агарда мажлисда отлиқ аскарлар ўз овозларини биринчи даражадагилар овозлари билан бирлаштирсалар, бошқаларнинг хоҳиши талаб қилинмасди. Бу воқеалар Рим давлатининг ташкил топиши учун тезлаштирувчи омиллар бўлиб хизмат қилди.

Рим ўз таркибида ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларидаги кўпгина халқларни бирлаштириб, қулдорлик жамиятининг классик давлатига айланди. Унинг идора этиш шакли минг йиллар давомида ўзига хос тарзда ўзгариб борди. Қулдорлик жамияти ва ҳуқуқининг классик, намунавий шакллари яратди. Унинг давлат ва ҳуқуқ тарихи бир неча даврларни ўз бошидан кечирди. Римнинг минг йилдан ошиқ вақтни ўз ичига оладиган тарихи бир неча даврларга ва босқичларга бўлинади.

1. Рим жамиятининг энг ривожланган даври республика даври, мил. ав. 509 – 27 йиллар. Республика даврининг ўзи ҳам икки босқичга: илк республика (мил. ав. V – III асрлар) ва кечки республика (мил. ав. III – I асрлар)га бўлинади.

2. Монархия даври (мил. ав. 27 йилдан милоднинг 475 йилигача). Бу давр ҳам иккига: **принципат** (мил. ав. 27 йил – милоднинг 284 йиллари) ҳамда мутлақ монархия – **доминат** (милоднинг 284 – 475 йиллари) босқичларидан иборат. Бундан кейинги давр Рим давлатининг инқирози даври бўлиб, милодий 476 йили Фарбий Рим империясини герман қабилалари босиб оладилар. Шарқий Рим эса яна деярли 10 аср давомида Византия номи билан, усмоний турклар 1453 йили Константинополни босиб олгунларига қадар, яшайди.

2. Республика даврида Римнинг ижтимоий-сиёсий тизими

Илк республика даври ижтимоий ва давлат тузумига плебейлар билан патрицийлар ўртасидаги ер учун, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни тенглаштириш учун кескин кураш характерлидир. Мазкур кураш натижасида мил. ав. III асрда плебейлар ўз ҳуқуқларини патрицийларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштиришга эришдилар. Мил. ав. III асрда Римнинг озод аҳолиси янада социал табақаланиб, патрицийларнинг камбағаллашган ва плебейларнинг бойиб кетган қисмидан янги табақа – нобиллар, шунингдек, чавандозлар вужудга келади. Улар номининг аввалги мазмуни йўқолиб (отлиқ аскарлар), энди савдо ва судхўрлик билан шуғулланувчи савдо-саноат зодагонларига айланди. Илк республика даврида Рим давлатининг бошқариш шакли зодагонлар республикаси бўлиб, давлатни бошқариш марказий идораларининг асосий тизими **халқ мажлиси, сенат, магистратурадан** иборат бўлган. Шунинг учун зодагонлар давлатида ҳал қилувчи ролни патрицийлар ўйнаган, **сенат** ҳам улардан таркиб топганди.

Мил. ав. VI асрда Рим зодагонлар республикаси ҳаётида жуда катта ўзгаришлар юз беради. У Италиядаги кенг ҳудудларни ўзига бўйсундириб олди. Мана шу босиб олинган ерларнинг бир қисмида, Рим фуқароларининг ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида, мустамлакалар тузилган. Иккинчи бир қисмидаги ерлар эса давлат ер фондига қўшиб олиниб, бундан Рим фуқаролари турли шароитларга асосан ер билан таъминланди. Қўшиб олинган ерларда қуйидаги ҳуқуқий тизим ўрнатилди. Айрим ҳолларда мазкур ерларнинг фуқаролари Рим фуқароларининг барча ҳуқуқларидан фойдаланса, бошқа ҳолларда фақат фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланганлар, учинчи бир ҳолда эса бу фуқаролар Рим фуқаролари ҳисобланмасдан, ўз мамлакатларининг фуқаролари ҳисобланиб, улар **перегринлар** деб юритилган. Уларга Рим фуқароларининг ҳуқуқлари ёйилмасди, уларнинг ҳуқуқи билан шуғулланувчи **преторлик** мансаби жорий қилинган. Римда шу турдаги аҳоли учун махсус ҳуқуқ ишлаб чиқилган,

бу *jus gentium*, яъни «халқ ҳуқуқи» деб аталган. Республика даврида давлат ҳокимиятининг марказий органи – **халқ кенгаши** 3 кўринишда чақарилган: а) **центурия комицияси** – кенгаши, у қонун лойиҳаларини қабул қилган, магистратларни сайлаган, бу даврда ислоҳот ўтказилиб, центурияларнинг сони 373 тага етказилган, ҳар бир даражалар 70 центурия ва шунга мос ҳолда 70 овозга эга бўлган. 18 чавандозлар центурияси билан биргаликда 2 ҳарбий хунармандлар, 2 ҳарбий мусиқачилар центуриялари вужудга келтирилиб, овозлар сони тенглаштирилади; б) **триба кенгаши**, у икки турда: плебей ва патрицийлар иштирокида ҳамда фақат плебейлар иштирокида бўлган. Бу кенгашда **квесторлар** ҳамда 26 қўйи **магистратлар** сайланиб, унинг қарорлари бутун халқ учун мажбурий бўлган; в) **куриялар кенгаши** уруғдошлик тузуми қолдиқларидан бўлиб, халқ кенгашга куриялар орқали қатнашган. Кейинчалик бу кенгаш **30 лектор** йиғилиши билан алмаштирилиб, асосан, васият, ўғил қилиб олиш каби масалаларни ҳал этган. Рим давлатида **сенатнинг** роли юқори эди, у дастлаб **консуллар** томонидан тайинланадиган, VI асрда эса **цензорлар** томонидан тайинланадиган 300 кишидан иборат бўлган. Расман **магистрат** ҳузурида маслаҳат органи ҳисобланса-да, унинг ваколати кейинчалик кенгайиб кетган, халқ мажлиси қабул қилган қонунни тасдиқлаган, давлат бюджетини тақсимлаган, унинг бажарилиши устидан назорат қилган, халқаро алоқаларни олиб борган, унинг қарорлари **сенатус-консулт** деб юритилган. 444 йиллардан кейин, плебейларнинг узоқ давом этган курашларидан сўнг, унинг таркибига плебейлардан ҳам вакил киритилган. **Магистратура** фақат Рим давлатига хос давлат ҳокимият органи ҳисобланган. Мазкур идора давлат номидан бошқариш ва судловни амалга оширувчи идора эди, у қўйидагилар билан характерланган: а) сайлаб қўйилиши; б) коллегиялик; в) хизматнинг қисқа муддатли эканлиги; г) халқ олдида жавобгарлик; д) хизматни ўташ текинлиги. Магистратлар (цензордан ташқари) халқ мажлиси томонидан 1 йилга сайлаб қўйилиб, ўз ҳаракати устидан ҳисоб берган. Ҳар бир доимий иш олиб боровчи **магистрат** бошида сайлаб қўйиладиган икки **консул** турган (биттаси патрицийлардан, биттаси плебейлардан). **Кон-**

суллар олий қумондонлик, Рим фуқароларини армияга чақириш ва бу ишларга раҳбарлик қилиш, армиянинг қумондон таркибини тасдиқлаш, ҳарбий судлов ишларини олиб бориш, ҳарбий ўлжани тақсимлаш, сулҳ тузиш каби ҳуқуқлар билан таъминланган. Бундан ташқари, Рим давлатида **преторлар** (суд ишларини амалга оширувчи мансабдор кишилар), **цензорлар** (асосан, 4 кишидан иборат бўлиб, полиция хизматини бажарган), **квесторлар** (жиноят ишлари бўйича тергов ишларини олиб боровчи мансабдор шахслар) мавжуд бўлган.

Суд тизими. Суд вазифасини дастлабки вақтларда подшо бажарган. Республика даврининг иккинчи ярмида **преторлар** ва **консуллар** томонидан бажарила бошланган. 509 йиллари, Валерия қонунига биноан, қатл этиш тўғрисидаги ҳукм консуллар томонидан чиқарилиб, центурия кенгашида тасдиқланган. Қўзғолон, фитнес каби жиноятларда сенат суд вазифасини бажарган. Рим армиясига 5 югер ери ёки 11000 асслар мулки бўлган тўла ҳуқуқли фуқаролар қабул қилинган.

Мил. ав. I асрда Рим республикаси инқирозга учрай бошлади, бунинг сабаби III асрдан юз берган ижтимоий-социал ўзгаришлардир. Бу даврда қулдорлик ишлаб чиқариш тизими ўзининг энг юқори нуқтасига чиқди. Ишлаб чиқаришда қул меҳнатининг жуда кенг қўлланиши, бир томондан, қуллар билан қулдорлар ўртасидаги курашни, иккинчи томондан, қулдорлар билан ишсиз озод фуқаролар ўртасидаги курашни авж олдириб юборди. Шу билан бирга, босиб олинган мамлакатлар халқлари билан Рим давлати ўртасидаги кураш ҳам вужудга келди.

Мил. ав. I асрда Рим ҳудуди ниҳоятда кенгайди. Мана шу ҳудудларни бошқариш учун ҳукмрон доиралар демократик тартибларни тугатишдан манфаатдор эди. Бу курашнинг кучайиши иккита сиёсий ташкилотнинг: нобилитет манфаатини ҳимоя қилган **оптиматлар** ва халқ манфаатини ҳимоя қиладиган **популярлар**ни вужудга келтирди. Бу давр Рим давлати тарихида кечки республика даври деб аталиб, монархиянинг ўзига хос кўриниши – **цезаризм** ташкил топади. Мил. ав. 83 йили биринчи марта шу турдаги ҳарбий ҳукмронлик **оптиматлар** бошлиғи Сулла **диктатураси** вужудга келади. Сулла ҳукмронлиги даврида, гарчи вақ-

тинчалик деб белгиланган бўлса-да, у жуда кенг ҳуқуқлар олди. Шу жумладан, унга қонунлар чиқариш ҳуқуқи бир маротаба берилиб, трибунлар ветоси унинг ҳокимиятига ёйилмайдиган бўлди.

Мил. ав. 60 йилларда 3 саркарда иттифоқи – **биринчи триумвират** (Помпей, Цезарь, Красс) вужудга келиб, 44 йили центуриялар кенгаши Гай Юлий Цезарни доимий диктатор қилиб сайлади. Цезарнинг зодагонлар республикаси тарафдорлари томонидан ўлдирилиши муносабати билан, иккинчи **триумвират** (Октавиан, Антоний ва Лепид) вужудга келди, уларнинг ҳокимияти беш йилгача белгиланди. Антонийнинг мағлубиятга учраши натижасида, ҳокимият амалда Октавиан қўлига ўтиб, Римда мил. ав. 27 йилдан монархия, яккаҳокимлик шакли ўрнатилди бошлади. Мана шу даврда давлат органларида айрим ўзгаришлар ҳам бўлди. Сенат ва консулларнинг ҳокимиятдаги ўрни сусайиб, сенатнинг таркиби 400 дан 600 гача (Сулла даври), Цезарь даврида эса ҳатто 900 га кўпаяди. Бу, албатта, **диктаторларнинг** сенат таркибига ўз тарафдорларини киритиш учун уринишлари натижаси эди.

3. Империя ёки монархия даврида Рим давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми

Монархия даврининг биринчи босқичи бўлмиш **принципат** даврида гарчи республика органлари сақланиб қолган бўлса-да, улар ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Принципатнинг ўрнатилиши билан, Римдаги жамият, озод аҳоли янада табақаланиб, биринчи гуруҳга бир миллион сестерцийдан ошиқ мулкка эга кишилар киради. Уларга давлат мансабларини эгаллашга ҳамда сенат таркибига киришга йўл очиқ ҳисобланади, шу тартибда **сенаторлар** табақаси ажралиб чиқа бошлайди. Иккинчи гуруҳга 400 сестерцийдан ортиқ мулки бўлган озод фуқаролар кириб, улар **чавандозлар** деб юритилган. Улар орасидан, асосан, амалдорлар тайёрланган. Учинчи гуруҳга йўқсиллар, ҳунармандлар ва **клиентлар** ҳамда майда савдогарлар кирган. Бу даврда халқ кенгашининг роли сусая бошлаган. Милодий 98 йили охири халқ мажлиси чақирилган.

Сенат давлат бошлиғи – **принципсни** сайлаган. Унга алоҳида ҳокимият (*imperium*) тегишли эди. Армияга қўмондонлик қилган, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиб, халқаро шартномаларни тасдиқлаган, қонун кучига эга актлар чиқариб, қонунларни шарҳлаган, олий фуқаролик ва жиной судловни амалга оширган. Бундан ташқари, ҳамма магистрат актларига вето қўйиш ҳуқуқига эга эди. Унинг ҳузурида кенгаш – **консилиум** бўлган.

Милоднинг IV – V асрларидан Ғарбий Рим салтанатининг ижтимоий ва давлат тузумида муҳим ўзгаришлар юз беради. Рим жамиятида ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари ривожлана бошлайди. Қул меҳнатига асосланган латифундия ер эгалиги ўрнини аста-секин **колонлар** ҳамда ерга бириктирилган деҳқонлар меҳнатига асосланган йирик феодал ер эгалиги ташкил қила бошлайди. 332 йили император Константиннинг колонларни (ярим қуллар) ерга бириктириб қўйиш тўғрисидаги қонуни (эдикти) чиқиши феодал ер эгалигининг бошланиши эди. Шу даврларда социал табақалардан бири бўлган **чавандозлар** умуман йўқолиб, **сенаторлар** табақаси феодал зодагонларга айланади.

Қуллар исёнлари, қулдорлик тузумининг емирила бориши, герман ҳамда славян қабилаларининг сиқуви Римда принципатнинг ҳарбий-бюрократик мутлақ монархияга айланишига катта таъсир кўрсатади. Бу монархиянинг расмийлаштирилиши император Диоклетиан (284 – 305) даврида ўзининг юқори нуқтасига чиқди. Энди император қонунидан юқори турувчи мутлақ якка-ҳоким (яъни у принципатда бўлганидек биринчи мансабдор шахс эмас), фуқаролар эса унинг фуқароларига айланди. Христиан дини давлат дини даражасига кўтарилди. Император худонинг ердаги вакили деб тан олинди.

Бу даврга келиб **магистратура** ҳеч қандай роль ўйнамай қолди. Император ҳузурида давлат органи бўлган қонунчилик ҳамда бошқарув масалаларини ҳал қилувчи янги орган – Давлат кенгаши ташкил қилинади. Миршаблик ҳокимияти кучайтирилади. Армияни ташкил қилишда Рим фуқаролари учун умумий ҳарбий хизмат салтанатнинг барча даврларида расмий мажбуриятга айланиб қолади. Шу билан бирга, легионга кириш, эски сиё-

сий анъанага кўра, хоҳиш билдирганларни рўйхатга олиш асосида бўлган. Аскар шунинг учун йигирма йилгача армиядан кетолмасди, чунки у императорга содиқлик учун қасамёд қиларди. Император Адриан давридан **легионерлар** вилоятлардан ҳам олина бошланди.

Чегара туманларида аскарларнинг ўғиллари мажбурий тартибда ҳарбий хизмат ўташи лозим эди. Ана шундагина отасининг ҳарбий хизмати учун олган ери ўғлига тегарди. Шу тарзда IV асрга келиб салтанатда авлоддан-авлодга ўтадиган ҳарбий табақа қарор топади. III асрдан Рим армиясининг каттагина қисмини варварлар – герман рекрутлари ташкил қила бошлайди.¹ Улар чегара районларда ҳарбий хизматни ўтаб, эвазига ер олганлар. Рим империяси милодий IV аср охиригача чорагида икки қисмга – Шарқий ва Ғарбий Рим империясига бўлинган. Ғарбий Рим 476 йили герман қабилалари томонидан босиб олинади. Шарқий Рим (Византия) яна узоқ йиллар мобайнида яшайди.

4. Рим ҳуқуқи манбалари

Бу ҳуқуқ қулдорлик жамиятининг иқтисодий асосини мустаҳкамлашда, қуллар меҳнатидан фойдаланишда, йирик хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланишида ҳамда товар-пул муносабатларининг кенг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Рим ҳуқуқшунослари жамиятда ишлаб чиқариш қурол-воситаларига бўлган хусусий мулкчиликка асосланган энг мукамал ҳуқуқ тизимини вужудга келтирганлар.

Рим ҳуқуқи хусусий мулкчиликка асосланган, такомиллашган, соф хусусий мулк ҳукмрон жамият, зиддиятларнинг ва ҳаёт шароитининг классик ҳуқуқий ифодаси бўлиб, кейинги ҳамма қонуншунослик унга бирорта ҳам туб ўзгариш киритолмаган. Гарчи Рим давлати инқирозга учраган эса-да, мазкур ҳуқуқ яна узоқ йиллар кўпгина давлатларда ҳаракатда бўлди. Янги тарих даврида Ғар-

¹ Игнатенко А.В. Армия в Риме в период кризиса III века // Правовые идеи и государственные учреждения (историко-правовое исследование). – Свердловск, 1980. – С.24.

бий Европа мамлакатларида буржуазия фуқаролик ҳуқуқининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатди.

Рим ҳуқуқи тарихи Рим давлати тарихига нисбатан бошқачароқ бўлиб, унинг ривожланиши, асосан, уч даврга бўлинади:

1. Қадимги давр. Рим давлати ташкил топганидан мил. ав. III асргача. Бу даврда **квиритлар**, яъни Римнинг туб фуқаролари ҳуқуқи қарор топди. Ҳали уруғчилик тузуми қолдиқлари кучли бўлиб, унинг манбаи одат ҳуқуқи ҳисобланади. Кейинчалик эса, мил. ав. тахминан 450 йилларда, ҳуқуқ манбаи сифатида XII жадвал қонунлари вужудга келади.

2. Классик давр. Мил. ав. III асрдан милонинг III асригача. Рим ҳуқуқи жуда ҳам тараққий этиб, **квиритлар** билан бирга **претор ҳуқуқи** – халқлар ҳуқуқи ҳам вужудга келади. Бу ҳуқуқ Рим фуқаролари билан келгиндилар ўртасидаги муносабатларни тартибга соларди. Мил. ав. 212 йили ҳуқуқнинг бундай иккига бўлиниши император Каракалла **эдикти** билан бекор қилинган.

3. Постклассик, янги классик давр. Рим қулдорлик тузумининг инқирози, феодал муносабатларнинг ривожланиш даври. Императорлар қонунлар чиқаришни тамоман ўзлаштириб оладилар. Рим ҳуқуқининг тўпламлари тузилиб, у кодификацияланади.¹ Рим ҳуқуқини ишлаб чиқишда Рим ҳуқуқшунослари, айниса, **5 корфейи даҳоси**: Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай ва Модестиннинг роли юқори эди. Уларнинг асарларига қонун кучи берилган, маслаҳатлари давлат ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий эди.

426 йилги қонунларга мувофиқ, бошқа Рим ҳуқуқшунослари: Сцевола, Сабин, Юлианнинг қарашлари ва кўрсатмалари фақатгина юқоридаги беш даҳонинг фикрига зид келмаса, эътиборга олинган. Ана шу тарзда Римда буюк ҳуқуқшуносларнинг маслаҳатларига қонун кучи берилган. Рим ҳуқуқи ўзининг турли хил ҳуқуқий институтлари фаолияти жуда ҳам аниқ кечиши лозим бўлган қоидаларни атрофлича ишлаб чиққани, аргументация ва

¹ Рим ҳуқуқининг ривожланиши тарихий даврлари масалаларида фанда бошқа фикрлар ҳам кўп. Бу ҳақда қаранг: Косарев А.И. Римское право. – М.: Госюриздат, 1986. – С.9 – 10.

жумлаларнинг аниқлиги, юсак даражадаги ҳуқуқий техникаси билан яққол ажралиб туради.

Рим ҳуқуқи манбалари жуда хилма-хил. Энг қадимги даврда Рим ҳуқуқининг манбаини **одат ҳуқуқлари** ташкил қилган. Подшо Серви Туллий давридан ёзма қонунлар пайдо бўлган деб ҳисобланади. Жумладан, унинг даврида 50 қонун қабул қилинган деган маълумотлар бор. Аммо мазкур қонунлар бизгача етиб келмаган. Мил. ав. V асрда Рим фуқаролари: **плебейлар ва патрицийлар** ўртасида ҳуқуқларни бир-бирига тенглаштириш учун тинимсиз кураш бўлиб турган. Бу курашда плебейлар катта ғалабага эришиб, ўзларининг одат ҳуқуқларини тўплаб, уларнинг ёзиб қўйилишига эришишган.¹ Мил. ав. 451 йили 10 патрицийдан иборат комиссия тузилган, мазкур комиссия ёзма қонунлар мажмуасини тузиши лозим эди. Аммо у бир йил ичида бу ишни қилиб улгурмаган ва мил. ав. 450 йили яна 10 та децемвир (5 таси патрицийлардан, 5 таси плебейлардан) комиссия таркибига сайланган. Улар амалдаги ҳуқуқ нормаларини йиғиб тартибга солганлар. Мил. ав. 449 йили 12 мис лавҳага ўйиб ёзилган қонунлар **форумга** қўйилган.²

XII жадвал қонунларининг қабул қилиниши Рим плебейларининг катта ғалабаси эди. Бу қонунлар Рим давлати қадимги даврининг ҳуқуқ манбаларидан биридир. Патрицийлар ва плебейлар учун умумий қонунлар плебейларни патрицийларнинг ўзбошимчалигидан қўриқлаши лозим бўлган. XII жадвал қонунларининг тўла матни бизгача сақланмаган. Павел, Папиниан, Ульпиан, Гай, Модестин каби Рим ҳуқуқшуносларининг асарлари орқали етиб келган. Шунга қарамай, мил. ав. 451, 450 йиллар қонуни сифатида қимматли манбадир, унда ҳали уруғдошлик тизимининг таъсири сезилиб туради, республика жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганишга ёрдам беради. XII жадвал қонун-

¹ Саматова Х.С., Аҳмаджанов У.М. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1970. – Б.17 – 18.

² Қадимги Римда бош майдон, шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий маркази, бу ерда халқ мажлислари ўтказилган, претор суд функцияларини амалга оширган.

лари Рим ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олмасдан, кўпроқ **фуқаролик ва жинойт ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ** масалаларини ўз ичига олади. Унинг характерли томони қарздорларга нисбатан қаттиқ қоидаларнинг ўрнатилишидир.

XII жадвал қонунларининг манбалари **одат ҳуқуқлари** ва **Афина ҳуқуқи** ҳисобланган. Мазкур қонун амалда одат ҳуқуқларининг ёзма шаклидан иборатдир. Унга биноан, агарда қарздор ўз қарзини тўлолмаса ёки шу қарз учун бирор нарсани гаровга қўёлмаса, кредитор уни чет элга сотиб юбориши ёки ўлдириши мумкин эди. Бу қуйидагича ҳал қилинган. Қарздорга 30 имтиёзли кун берилган, ана шу кунда у қарзини тўлолмаса, уни бошига қўлини қўйиб судга олиб келишган. Суднинг қарорини бажармаса, кредитор уни уйига олиб кетиб 15 фут оғирлигидаги ғулни бўйнига солган. Агарда улар келишолмасалар, қарздор 60 кунгача кредиторникида сақланган. Шу кунлар ичида уч бозор куни бозорга келтирган, учинчи мартада у ёки чет элга сотиб юборилган, ёки бўлақларга бўлиб қатл этилган (XII жадвал қонунларининг III жадвал 1-, 2-, 5-, 6-бандлари).

Шундай қилиб, Рим қонунчилиги қарздорни кредитор оёқлари остига ташлаган. Фақат мил. ав. 326 йилдагина, Петелия қонунига кўра, римликларни қарз бадалига сотиб юбориш тақиқланган. Улар қарздорлар олдида фақат ўз мулки билан жавоб берадиган бўлдилар.

Қонунлар хавфлироқ жинойтларни санаб кўрсатади. Бундай жинойтларга давлатга қарши жинойт, мулкни ёқиб юбориш, ҳосилни яширин ҳолда ёқиб юбориш, йўқотиш, судьяларнинг пора олиши, ашаддий тўхматчилик, алоҳида хавфли ҳолларда ёлғон гувоҳлик бериш кирган. Тунги ўғрилиқ ёки қурол-яроғ воситаси билан ўғрилиқ қилганликда айбдорни қўлга туширишса, ўша жойда ўлдириш назарда тутилган (VIII жадвал 11-, 12-бандлари).

Баданга жароҳат етказиш Қадимги Римда ҳақорат деб тушунилган. Баданига ва бошига шикаст етказганлиги учун, масалан, қўл билан ёки таёқ билан уриб синдирганлик учун, озод киши бўлса, 300 асс, қўлга ана шундай зарар етказилса, 150 асс миқдориди жарима солинган (VIII жадвал 3-, 4-бандлари).

Юқоридаги моддадан кўриниб турибдики, Қадимги Римнинг

дастлабки қонунларидаёқ ижтимоий тенгсизлик расмийлаштирилган. Жиноий ҳаракатнинг қасддан бўлиши айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланган. Римнинг озод фуқароси қатл этиш жазоларидан пул тўлаб қутулиб қолиши мумкин эди, унга бу жазо **центурия кенгаши**дагина берилган, қул эса жазодан пул тўлаб қутулиши мумкин бўлмаган.

Қонунларнинг VI жадвали никоҳ шаклларига бағишланган. Қадимги Римда никоҳнинг икки шакли мавжуд: **кум ману** – хотин кишининг эр ҳокимиятига ўтиши; **синэ ману** – эрнинг ҳокимияти остига ўтиши назарда тутилмайдиган никоҳ. Агарда хотин киши ўзи устидан эркакнинг ҳокимияти ўрнатилишини истамаса, у бир йилда 3 кун эриникидан кетиши, шу билан эр ҳокимияти сақланиши муддатини бир йилга узиши лозим эди.

Қонунларда, шунингдек, гаров шартномалари тўғрисида ҳам гапирилган. Масалан, ўзини гаровга қўймоқчи бўлган шахс 5 гувоҳ ва тарозибон олдида бирон нарса деса, ўша сўз бузилмас деб ҳисобланган. Ерга нисбатан эғалик қилиш 2 йил, бошқа ашёларга эғалик қилиш учун 1 йил муддат белгиланган. Қарз шартномалари бўйича ссуда олиш қонунда чеклаб қўйилган. «Ҳеч кимнинг берилган қарздан бир фоиздан ошиқ ссуда олиши мумкин эмас», – дейилади қонуннинг VIII жадвал 18^a-моддасида.¹ Ўғрилик учун (кам аҳамиятли) ўғирланган буюмнинг икки баробари миқдоридан, ссудани ошиқча олганлик учун судхўрдан олинган фоизни тўрт баробар ошиғи билан ундириб олиш назарда тутилган. XII жадвал қонунларида **жиноят жараёни** ҳуқуқига бағишланган қоидалар ҳам мавжуд. Масалан, судга чақирилган киши дарҳол келиши лозим. Агарда келмаса, уни чақирган одам гувоҳлар олдида чақирилганини тасдиқлаб, зўрлик билан олиб бориши мумкин. Агар томонларнинг иккиси ҳам судга келишса, ишни судья, кун ботгунча, дарҳол кўриб чиқиши лозим. Ёлғон гувоҳлик берганлик учун қонунлар жуда қаттиқ жазони – Тарпей қоясидан улоқтириб юбориш билан қатл этишни назарда тутди (VIII жадвал, 23-модда). Судсиз бирон-бир кишини ҳаётидан маҳрум қилиш

¹ Хрестомотия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984. – С.51.

тақиқланган (XI жадвал, 6-модда). Рим ҳуқуқи тарихининг биринчи даврида жинойий жазоларнинг Тарпей қоясидан улоқтириб ўлдириш, бўғиб ўлдириш, бошини қирқиш, ёқиб юбориш, сувга чўктириб ўлдириш каби турлари бўлган.

Қадимги давр **фуқаролик ҳуқуқи**. XII жадвал қонунлари ашёларни икки гуруҳга бўлади. Биринчисига ер мулки, қуллар, иш ҳайвонлари, қурилмалар ҳамда **ер сервитутлари** кириб, **маниципация қилинадиган** ашёлар, қолган ҳамма ашёлар **маниципация қилинмайдиган** деб юритилган. Бундай бўлиниш мулкни тасарруф этишда, яъни сотиш ва совға қилишда муҳим роль ўйнаган. Мулкни бегоналаштириш қонунда кўрсатилган шаклда бўлиб, бу маниципация деб аталган. Унга кўра, сотувчи ва харидор 5 гувоҳ ҳамда тарози таклиф қилиб (тарози рамзий ифода бўлган), харидор сотиб олинувчи мулкка бир қўлини қўйгани ҳолда: «Мен қвиритлар ҳуқуқи бўйича тасдиқлайманки, бу мулк менга тегишли, уни мана шу мис (қўйма) эвазига сотиб олдим», – деб мис қўймани тарози палласига ташлаган. Сотувчи эса ўз розилигини жим ўтириш билан билдирган. Гувоҳлар мазкур маросимни ёдларида сақлаганлар ва лозим бўлган вақтда унинг қонунийлигини тасдиқлаганлар.

XII жадвал қонунлари чиқарилганидан кейин, плебейларнинг патрицийларга қарши кураши янгидан авж олди. Мил. ав. 449 йили, Валерий билан Горацій консуллиги даврида, қабул қилинган қонунларга мувофиқ, плебейлар янги сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар. Ўлим жазосига ҳукм этилган ҳар бир киши халқ мажлисига шикоят қилиши мумкин бўлган. Халқ трибунларининг дахлсизлиги таъминланган.

Мил. ав. 445 йилги халқ трибуни Капулейнинг таклифи билан қабул қилинган қонунда илгари патрицийлар билан плебейлар ўртасида никоҳнинг тақиқланиши бекор этилган. Плебейларнинг олий магистр, консуллик лавозимини эгаллашларига йўл қўйиш тўғрисидаги таклиф билдирилган қонун лойиҳаси рад этилган. Аммо мил. ав. 444 йилдан эътиборан консул ҳокимиятига эга ҳарбий трибун сайланадиган бўлди.

XII жадвал қонунлари Қадимги Рим ҳуқуқи намунаси бўлиб, у ижтимоий тенгсизликни расмийлаштирган. Уни тузишда одат

ҳуқуқларидан кенг фойдаланилган. Шунинг учун уни одат ҳуқуқлари кодекси ҳисоблашимиз мумкин. Мазкур қонунлар қадимги давр фуқаролик ва жиноят ҳуқуқини ўрганишда жуда катта аҳамият касб этади.

Иккинчи давр **классик давр** деб аталиб, бунда Рим ҳуқуқи ўзининг асослари: диний анъана ва одатларга таянишдан қутулиб, илғор дунёқараш бўлган грек фалсафасидаги табиий ҳуқуққа таянади. Грек фалсафаси Рим ҳуқуқшунослигига мантиқий изчиллик бағишлайди. Ҳуқуқ тўла дунёвий характерга эга бўлади. Ҳуқуқий кўрсатмаларни ижро этиш давлат **санкциялари** (ижозатлари) орқали амалга оширилади. Рим классик ҳуқуқига асосланганлик, аниқлик, ҳуқуқий нормалар баён қилинадиган юксак услуб хосдир.

Рим ҳуқуқи манбаларидан бири император ҳокимиятининг ҳужжатлари – император конституциялари бўлиб, улар қуйидаги шаклларда чиқариларди: а) **эдиктлар** – император ҳокимиятига таянган умумий қоидалар ва фақат уни чиқарган император ҳаётлигидагина ҳаракатда бўладиган актлар. Лекин мил. ав. II асрдан уларнинг ворислари томонидан ҳам бажариладиган бўлди; б) **рескриптлар** – императорга юридик маслаҳат сўраб мурожаат этган шахслар ва магистратга берилган жавоб ҳамда маслаҳатлар; в) **декретлар** – императорнинг суд ишлари бўйича чиқарган қарорлари, кейинчалик улар асосида мустақил **император юриспруденцияси** ташкил топган; г) **мандатлар** – провинция, вилоят ҳукмдорларига юборилган кўрсатмалар, қатор ҳолларда **перегинларга** ҳам қўлланиладиган фуқаролик ва жиноят ҳуқуқларини ўзида ифода этган ҳужжатлар.

Дастлабки вақтларда **император конституциялари** фақат **оммавий** ҳуқуққа дахлдор бўлса, кейинчалик ҳуқуқий тартибга солишнинг барча сферасига алоқадор Рим ҳуқуқшунослигидаги беш даҳонинг ижоди ҳам шу даврга тўғри келади. Айниқса, рим фуқаролик ҳуқуқи ўзининг энг юқори даражасига эришган.

Агарда қадимги давр рим ҳуқуқи юридик шахсларни билмаса, классик даврда жисмоний шахслар билан биргаликда шаҳар жамоаларининг, юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати масаласи ҳам пайдо бўлади. Рим ҳуқуқида, айниқса, хусусий мулкчилик

ҳуқуқи анча ривожланган. Мулк ҳуқуқи ашё устидан тўла ҳамда қатъий ҳукмронлик қилиш, ундан фойдаланиш, эгалик қилиш ва тасарруф этишни ўз ичига олади. Мажбурият тизими 4 гуруҳдан иборат бўлиб, **шартнома мажбурияти**, ҳуқуқий бузилиш натижасида келиб чиқадиган **деликт мажбурият**, **ўхшаш шартномалар мажбурияти**, **ўхшаш деликтлар мажбурияти**дир. Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳам 4 га бўлинган: **вербал контрактлар**, **литераль контрактлар**, **реал ҳамда консенсуал контрактлар**. Контрактлар йўқлари эса **пакетлар** деб юритилган. Реал **контрактларга** қарз, ссуда, сақлаб туриш, гаров шартномалари; топшириқ шартномалари кирган. **Деликт мажбуриятлар** деганда бирор шахсга объектив зарар келтирган айбдорнинг эҳтиётсизлик ёки қасддан қилган қонунсиз ҳаракатидан келадиган мажбуриятлар тушунилади.

Агнатлар уй эгасининг қўли остидаги шахслар ҳисобланган. Қон-қариндошлар **когнатлар** деб аталиб, меросдан маҳрум қилинган. Император Юстиниан даврида когнатлар ҳам қонуний меросхўр ҳисоблана бошлаган.

Жинойт ҳуқуқи. Давлатга қарши жинойтларга сотқинлик, душман билан тил бириктириш, ҳукуматга қаршилиқ кўрсатиш, хизмат сохтакорлиги; диний жинойтларга худосизлик, даҳрийлик; ахлоққа қарши жинойтларга бегона хотинлар билан бирга яшаш, эрга чиқмаган хотинлар билан никоҳсиз яшаш, яқин кишиларга уйланиш, кўп эр қилиш ва гомосексуализм; хусусий жинойтларга ўғрилиқ, талончилик, баданга шикаст етказиш, шахсни ҳақорат қилиш, шахсий мулкка зарар етказиш кирган. Рим жинойт ҳуқуқи бир хил жазони Рим фуқароларига алоҳида, бошқаларга алоҳида қўлларди. Юқори табақалар куйи табақаларга нисбатан юмшоқроқ жазо оларди. Масалан, қотиллик учун зодагонлар сургун қилинса, куйи табақалар ҳайвонларга ем қилинарди. Жазо тизимида қатл этиш жазоси, қувиб юбориш ва сургун, тан жазолари, жарима солиш, мулкни мусодара этиш каби жазолар мавжуд эди.

Милонинг II асригача **жинойт процесси**да судлов қоидалари ўрнатилмаган. Магистратлар уни ўз хоҳишларича олиб борардилар. **Фуқаролик процесси**да **легисакцион процесс** қўлла-ниб, иш ҳакамлар суди тартибида кўриларди. Ишни қўзғатиш та-

шаббуси манфаатдор кишиларнинг ўзларида эди. Милоднинг II асрдан судловга бағишланган махсус инструкциялар чиқарилиб, судловни доимий **суд комиссиялари** амалга оширадиган бўлди, кейинчалик магистратларнинг ёзма шакли билан ишлар **қасамхўрлик судида** кўриладиган бўлиб, бундай тартиб **формуляр жараён** деб юритила бошланди. Монархия даврида тергов ҳамда суд функциялари бирлаштирилди, сўроқда азоблаш, инквизицион усуллар кенг қўлланила бошланди. Ишни бевосита **преторларнинг** ўзи кўрадиган бўлди. **Формуляр процесс** фақат давлат органлари томонидан амалга ошириладиган жараёндан **экстраординар жараёнга** айланди. Бу процесс формуляр процессга нисбатан бюрократик характерга эга бўлиб, процессни техник жиҳатдан бошқариб бориш такомиллаштирилди.

Янги классик (постклассик) давр. Рим давлатининг ичида катта ўзгаришлар бориши билан характерланади. Қулчилик узил-кесил емирилади. Колонлар ва озодликка кўйиб юборилганлар гарчи мустақилликка эга бўлсалар-да хўжайинларига қарам бўлиб, ҳосилнинг бир қисмини уларга берардилар. Бу даврда рим ҳуқуқининг **квиритлар, претор** ҳамда **халқаро ҳуқуққа** бўлиниши ўз аҳамиятини йўқотади. Милодий III асрдан хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланиши тўхтайди. Рим ҳуқуқига маҳаллий халқлар: греклар, сурияликлар, болқон халқларининг ҳуқуқий нормалари кириб келади.

Унинг манбаларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади, халқ мажлисларининг қонунлари деярли учрамайди. Сенатус-консул்தлар ўрнига **императорлар фармойишлари** ҳуқуқнинг муҳим манбаига айланади.

Милодий 130 йиллариёқ ҳуқуқни тўпламлаштиришга (кодикификация) уринилган. 438 йили император Феодосий II кодекси вужудга келди. У император Юстиниан кодификациясигача амалда бўлган. Юстиниан қонунлар тўплами Византияда вужудга келган бўлса-да, уни рим ҳуқуқи (қисман рим-грек ҳуқуқи) манбаи сифатида билмоқ лозим.

Юқоридан кўриниб турибдики, инсоният тарихида давлат билан ҳуқуқ бўлмаган даврлар ҳам бўлган. Давлат ва ҳуқуқ жамият тараққиётининг маълум босқичи маҳсулидир. Уларнинг юзага

келганига 6 минг йиллар чамаси вақт бўлган. Қадимги Шарқ давлатлари ва ҳуқуқи жамият тарихида биринчи давлат ва ҳуқуқдир. Бу давлатлар турли бошқариш шакллари: деспотия, монархия, республика (олигархик, аристократик, демократик, ҳарбий-демократик республикалар)га эга бўлган.

Қадимги даврдаги давлат ва ҳуқуқ турли халқларда турли даврларгача давом этди. У, айниқса, Шарқ мамлакатларида узоқроқ сақланди ва кеч емирилди. Бу жамият Қадимги Римда ўзининг классик шаклига эришди. Ғарбий Европа мамлакатлари (Франклар, Англия, Франция, Германия ва бошқалар) ўз бошидан бу даврни кечирмади. Чунки уларда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши вақтида, бошқа халқларда қулдорлик ишлаб чиқариш муносабатлари емирила бошлаб, ўрта аср ер муносабатлари қарор топаётганди.

Бу жамият қуллар қўзғолонлари ва бошқа зиддиятлар натижасида емирилади. Унумсиз қул меҳнати бекор бўлиб, унинг ўрнига крепостной деҳқон меҳнати келди. Аста-секинлик билан мазкур жамият ўз ўрнини ўзидан кўра илғорроқ жамият – ўрта аср жамиятига бўшатиб берди.

Қулдорлик жамияти инқирозга юз тутган бўлса-да, унинг ҳуқуқи, айниқса, рим ҳуқуқи яна узоқ йиллар давомида кўпгина мамлакатларда ҳуқуқнинг ривожланишига таъсир кўрсатди. Чунки у товар-пул муносабатлари юксак ривожланган Рим империясида вужудга келганди. Рим ҳуқуқи ўрта асрлар ва янги тарих даврида Ғарбий Европанинг кўпгина давлатлари томонидан қабул қилинди (рецепция қилинди). Аммо у тўғридан-тўғри ўзгаришларсиз қўлланмасдан, янги ҳаёт шароитларига, эҳтиёжларга мувофиқ ҳолда қайта ишланди. Рим ҳуқуқи **рецепцияси** дастлаб XI – XII асрларда Италияда бошланади, чунки бу ерда иқтисодий ўзгаришлар рим ҳуқуқига мурожаат қилишни тақозо этарди. V – XII асрларда, шунингдек, буржуа инқилоблари даврида товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан, рим ҳуқуқи рецепцияси кучайди. Бунга 1804 йилги Наполеон фуқаролик кодекси ва 1900 йилги Германия фуқаролик қонунлари яққол мисол бўла олади.

Назорат учун саволлар

1. Антик дунё мамлакатларида давлат ва ҳуқуқ ташкил топшининг қандай хусусиятини биласиз?
2. Спартанинг давлат тузилиш шакли қандай бўлган?
3. Спартада ёзма қонунчилик кимнинг номи билан боғланган?
4. Афинада полисларнинг шакллари ҳақида нима биласиз?
5. Гелиэя суди қандай суд эди?
6. Афина ҳуқуқидаги остракизм жазоси нимани англатади?
7. Римда XII жадвал қонунлари вужудга келиш ҳолатини гапириб беринг.
8. Рим ҳуқуқининг даврлари ҳақида нималарни биласиз?
9. Рим ҳуқуқини тўпламлаштириш қачон ва ким томонидан ўтказилган?
10. Рим ҳуқуқининг рецепцияланиши нима?
11. Рим ҳуқуқининг мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимига таъсири бўлганми?

Ҳуқуқий масала №3

Римнинг озод фуқароси Геллий ўғрилиқ содир этиш вақтида шахсан ушлаб олинди. Қонунларга кўра, суд (претор) унга нисбатан қандай жиноий жазолар қўллаши мумкин? Агар шундай жиноятни қул содир этган бўлса-чи? Вояга етмаган озод Рим фуқароси содир қилган бўлса-чи? Суд қандай ҳукм чиқаради?

Ҳуқуқий масала №4

Ер майдонлари ёнма-ён жойлашган Рим фуқаролари ўзаро келишиб бири иккинчисининг ери орқали ўз ерини суғориш ва фойдаланиш учун ариқ ўтказдилар. Орадан бир йил ўтгач, еридан ариқ ўтказилган ер эгаси қўшнисининг қазиган ариғидан уй-жойи, ери катта зарар кўрганини даъво қилиб судга мурожаат этди. XII жадвал қонунларига кўра, суд (претор) қандай қарор қабул қилади? Ушбу казус рим ҳуқуқининг қайси тармоғи ва институтига тааллуқли?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.42 – 72.
2. Муҳаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.184 – 316.
3. Қўлдошев М. Рим ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тафаккур, 2010. – 184 б.
4. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 1. – М.: Эксмо, 2005. – С.105.
5. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 1. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.129 – 245.
6. Покровский И.А. История Римского права. – СПб., 1998.
7. Дигесты Юстиниана / Избранные фрагменты в переводе и с примечаниями И.С.Перетерского. – М.: Наука, 1984. – С.455.
8. Памятники Римского права: Законы XII таблиц, Институция Гая. Дигесты Юстиниана. – М.: Зерцало, 1997. – 680 с.

Лугат

Гелизя – Қадимги Грециядаги демократик халқ суди, қасам-хўрлар суди.

Глосса – рим ҳуқуқига Византия ҳуқуқшунослари томонидан берилган изоҳлар, шарҳлар.

Дигеста – Юстиниан кодификациясининг асосий қисми. Айнан «тўпланган», «тартибга келтирилган» маъноларини англатади.

Демург – Қадимги Грециядаги озод кишилар, ҳунармандлар.

Демократия – халқ ҳокимияти, халқчил ҳокимият.

Декрет – Римда император ва олий ҳокимият органининг қонун кучига эга бўлган қарорлари.

Децемвир – ўн кишидан иборат ҳукумат коллегияси.

Труимвират – уч саркарда иттифоқи.

Империмум – Римда тўла ҳокимият тушунчаси, император шу сўздан олинган.

Остракизм – турар жойидан, қабиладан қувиб юбориш, жазо тури.

6-МАВЗУ: ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ

Режа

1. Франклар давлати ва ҳуқуқи.
2. Англия давлати ва ҳуқуқи.
3. Франция давлати ва ҳуқуқи.
4. Германия давлати ва ҳуқуқи.
5. Византия давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Ўрта асрлар жамияти. Мулкчилик. Феодал рента. Сюзеренитет, вассалитет, сеньориал монархия. Ҳуқуқ тарқоқлиги. «Имтиёзлилар ҳуқуқи». Табақавий ҳуқуқ. Каноник ҳуқуқ. Илоҳий трибуналлар. Цех тузилиши. Франклар. Ижтимоий тузум. Майордом. К.Мартел ислоҳотлари. Аллод ва бенефиций. Қирол кенгаши. Рахинбурглар суди. Сарой вотчина тизими. Ҳақиқатлар. Англияда ижтимоий тузум. Коммендация. Ольдерман. Шерифлик. Генрих II ислоҳотлари. «Эркинликнинг буюк хартияси». Қирол кенгаши. Сайёр судлар, қасамхўрлар, ассизлар судлари. Одат ҳуқуқи. Буюк Альфред судномаси. Умумий ҳуқуқ. Статут ҳуқуқи. Фелония. Месдиминор турдаги жиноятлар. Франция, сеньориал монархия. Инвеститура. Баналитет ҳуқуқи. Қирол курияси. Генерал штатлар. Одат ҳуқуқлар тўпламлари. Германияда сиёсий тарқоқлик. «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси». Саксония зерцалоси. «Олтин булла». «Каролина» кодекси. Византия. Ижтимоий-сиёсий тузилиш. Юстиниан кодификацияси.

Ғарбий Европада ўрта аср давлатларининг хусусиятлари

Ғарбий Рим империясининг қулаши қадимги давр сиёсий-ҳуқуқий тартиблари ва цивилизацияси емирилишини бошлаб берди. Киши-

лик тарихидаги дастлабки жамият ибтидоий уруғчилик ҳам, милонинг V – VI асрларида унинг иқтисодий асосларида юз берган ўзгаришлар натижасида, емирила бошлади. Энди ўсиб келаётган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланиши учун мажбурий қул меҳнати унумсиз бўлиб қолди. Бу жамият вужудида юз берган турли зиддиятлар ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожланиш натижасида, у ўз ўрнини инсоният тараққиётидаги янги ижобийроқ давр – ўрта асрлар жамиятига бўшатиб берди.

Мазкур жамиятнинг иқтисодий асосларини ерга бўлган феодал хусусий мулкчилик ташкил этади. Лекин ер эгаси энди деҳқонга нисбатан тўла эгалик ҳуқуқига эга эмас. Деҳқоннинг шахси озод, у ҳуқуқнинг субъекти. Лекин унинг қўлида ишлаб чиқариш воситалари, жумладан, ер йўқ. Улар крепостной қарамликка ташланган бўлиб, феодал рентани бажарадилар. Бунинг шакллари 3 хил кўринишга эга: ишлаб бериш рентаси (баршчина), натурал рента – озиқ-овқатлар билан тўлаш (оброк) ва пул рентаси. Ўрта аср ишлаб чиқариши ривожланишининг дастлабки даврларида ишлаб бериш ва натурал рента анча ривожланган.

Одатда, ўрта аср сиёсий-ҳуқуқий тартибларига ўтиш икки йўл билан вужудга келган: 1) қадимги давр вужудида янги ижтимоий-иқтисодий тартиблар, ишлаб чиқариш муносабатларининг ташкил топиши ҳамда уларнинг янги ўрта аср ер муносабатларига ўсиб ўтиши билан (кўпинча Шарқ халқлари); 2) уруғдошлик тузумининг емирилиши, феодал муносабатларнинг ривожланиши йўли билан (масалан, Араб халифалиги, Германия, Франция, Англия ва бошқалар).

Лекин ҳар иккала ҳолда ҳам қишлоқ жамоаси ҳамда жамоа мулкчилиги емирилиб, йирик ер эгалиги ва мулкдорлар ташкил топади, илгариги жамоачи ва мустақил бўлмаган деҳқонларнинг феодал қарамликка ташланиши юз беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Фарб ва Шарқ мамлакатларида феодал ер мулкчилигини қадимги даврдаги мулкчиликдан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятлар бор: масалан, Фарб мамлакатларида ернинг эгаси монарх (князь, қироль, император) ҳисобланиб, бошқа феодаллар ундан хизмат эвазига ёки бошқа шартлар билан ер олганлар. Улар эса бу ерни учинчи шахсларга маъ-

лум шартлар эвазига берганлар. Ер берган феодал сюзерен, олгани эса вассал деб аталган. Шундай қилиб, Фарбий Европа мамлакатларида ерга эгалик қилишнинг ўзига хос хусусиятлари унинг иерархик (поғонама-поғона) характери бўлиб, бу ҳодиса махсус шартномаларда (инвеститура) ифодаланган, сюзеренитет-вассалитет муносабатларини туғдирган. Яъни бу ерда крепостнойлар ва феодаллар, вассаллар ва сюзеренлар, дунёвий кишилар ва руҳонийларнинг барчасини, қарам бўлган кишиларни кўриш мумкин. Ҳозирги кунда сюзеренитет-вассалитет муносабатларига асосланган IX – XIII асрларни, давлат кўплаб поместьелардан иборат бўлганлиги учун, сеньориал монархия шаклидаги давлатлар даври деб аташмоқда.

Шарқ мамлакатларида бундай эгалик йўқ, бу ерда ер давлат мулки ҳисобланган. Деҳқонлар ва хунармандлар бевосита давлатга рента тўлаганлар.

Ерга нисбатан давлат мулкчилигининг мавжудлиги ўрта аср Шарқида давлатнинг нисбатан марказлашишида муҳим зарурий шарт ҳисобланган, лекин у XVI – XVIII асрларга келиб янги ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига тўсиқ бўлиб қолган.

Жамиятнинг асосида феодал муносабатлар ўрин олгач, унинг сиёсий тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Қадимги давлатнинг ўрнини ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи эгаллайди. Бу давлатнинг ўзига хос белгиси ер эгалиги билан сиёсий ҳокимиятнинг чамбарчас боғлиқлигидир. Яъни эгаллаб турилган ери қанча катта бўлса, ҳокимияти ҳам шунча кенг бўлган. Давлатнинг бошқариш шакллари гарчи турлича, ҳатто республика бўлса ҳам (масалан, шаҳар республикалар), лекин унга ягона ҳокимлик бошқариш шакли хос. Баъзан монархик ҳокимият ўзининг сиёсий тарқоқлиги билан, абсолютизм даврида марказлашиши билан характерланади. Янги давлат тизими билан янги ҳуқуқий тизим ҳам пайдо бўлади. Унинг вазифаси, албатта, ўрта аср жамиятидаги барча ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш эса-да, асосан, ер ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлиб қолади.

Тарихий-ҳуқуқий фанларда ўрта асрлар ҳуқуқининг ўзига хос

томонлари очиб берилган. Жумладан: а) бу ҳуқуқда ер муносабатларига бағишланган қоидалар етакчи роль ўйнаган; б) турли табақалар тенгсизлигини расмийлаштирадиган «имтиёзликлар ҳуқуқи» дир; в) ўрта асрлар ҳуқуқи бизга маълум ҳуқуқ тармоқларига эмас, табақавий қоида асосида (масалан, шаҳар ҳуқуқи, лен ҳуқуқи, черков каноник ҳуқуқи ва бошқаларга) бўлинган; г) айрим ҳолларда ҳатто дунёвий кишиларга ҳам ёйиладиган каноник ҳуқуқ нормалари бунда катта аҳамиятга эга; д) ҳуқуқнинг тарқоқлиги (ёки партикуляризми) мавжуд; е) Фарбий Европа давлатларида рим ҳуқуқи рецепцияларининг кенг қўлланилганлиги.¹

Фарб ва Шарқ мамлакатларининг ўрта аср ҳуқуқи бир-биридан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади: 1. Фарб мамлакатларида дунёвий ҳуқуқ манбалари каноник ҳуқуққа нисбатан кенгроқ. Шарқ мамлакатлари, айниқса, мусулмон Шарқида диний ҳуқуқ дунёвий ҳуқуқдан устун турган, фармонлар ва қонунлар шариатга зид келмасагина ҳуқуқнинг манбаи бўлиб хизмат қилган. 2. Фарбда черков судловининг таъсири жуда кучли бўлиб, давлат судловидан мустақил, айрим ҳолларда ҳатто устун эди. Шарқ мамлакатларида эса диний ва дунёвий судлов бир-бири билан чамбарчас боғланган.

Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи қуйидаги даврларга бўлинади: 1. Илк ўрта аср монархияси давлати ва ҳуқуқи (V – XIII асрлар). 2. Феодал сиёсий тарқоқлиги, сеньориал монархия даврида давлат ва ҳуқуқ (IX – XIII асрлар). 3. Тоифавий-вакиллик монархияси даврида давлат ва ҳуқуқ (XIII – XV асрлар). 4. Мутлақ монархия даврида давлат ва ҳуқуқ (XVI – XVIII асрлар).²

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, ўрта аср Шарқ давлатлари ўз тараққиётида бундай даврларни босиб ўтмади. Улар ташкил топган вақтидан бошлабоқ мутлақ монархия шаклида бўлиб, бу давр жуда узоқ давом этган.

¹ Историко-правовая наука: Очерки становления и развития. – М.: Наука, 1987. – С.261 – 664.

² История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. Ч.1 / Под ред. проф. О.И.Жидкова и Н.А.Крашенинковой. – М.: Норма-Инфра, 2001. – С.247 – 248.

Ўрта аср жамиятида ва унинг сиёсий ташкилотларида черков мафкураси катта роль ўйнаб, руҳонийлар имтиёзли табақа ҳисобланган. Шарқий ва Ғарбий Европада христианлик, Осиёнинг бир қанча мамлакатларида ислом, Хитой, Японияда конфуцийлик ва буддавийлик ҳукмрон диний мафкура саналган.

Христианлик Европада асосий дин бўлиб, у кишиларнинг бутун ҳаётини бўйсундирган, кишилар туғилгандан то вафот этгунларига қадар черков назорати остида бўлган. Христианлик гарчи камбағал ва қулларнинг дини сифатида вужудга келган эса-да, кейинчалик у бутун Ғарбий Европага ёйилди. 325 йили христиан черковининг биринчи йиғилиши чақирилган. 1054 йили Рим ва Константинополь черковлари ўртасидаги асрий низолар тугаб, узил-кесил иккита черков, иккита мазҳаб: православие ва католицизм қарор топди. 1232 йили Рим папаси даҳрийларга оид ишларнинг барчасини Доминикан монахлар ордени ҳал этиши тўғрисида фармойиш чиқарди.

1252 йили ташкил топаётган черков судига тергов қилишда азоблаш усулини қўллашга рухсат берилди. Ана шу тартибда ўрта аср черков инквизицияси (суди) ташкил топди ва у даҳрийлик, фолбинлик, диндан қайтиш, қон-қариндошларнинг никоҳга кириши, бевафолик қилиш, ёлғон гувоҳлик бериш, туҳмат, ҳужжатларни сохталаштириш, оғирлик ва узунлик ўлчовларини сохталаштириш, судхўрлик, шунингдек, оила-никоҳ муносабатларидан ҳамда мажбурият муносабатларидан келиб чиқадиган барча ишларни ўз ичига олди. Инквизиция суди, айниқса, ўрта аср Испаниясида кўплаб одамларни ёқиб юборишга ҳукм этди.¹

1481 йили Испанияда «илоҳий трибунал» тузилган. Бош инквизитор Чорквемада фаолият кўрсатган 15 йил ичида 8220 киши даҳрийликда айбланиб ёқиб юборилган. 89326 киши бошқа жазоларга ҳукм қилинган. Вольтернинг маълумотларига қараганда, Ғарбий Европада 100 мингдан ортиқ киши фолбинлик, худосизликда айбланиб ёқиб юборилган. Уларнинг ичида Франциянинг миллий қаҳрамони Жанна д'Арк, уйғониш даврининг буюк

¹ Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961. – С.505.

олими Жордано Бруно, чех гуманисти Ян Гусь ва бошқалар бор.¹ Бундай ишларни кўриш черков ва дунёвий кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун яратилган ҳуқуқий ва диний қоидалар йиғиндисидан иборат черков каноник ҳуқуқига асосланган. **Каноник ҳуқуқнинг** манбаи Рим папасининг булла, бреве, энцлик, рескриптлари бўлиб, улар ичида бош ўринни папа конституциялари эгаллаган. 1234 йили черков ҳуқуқи расмий кодификацияланган. Каноник ҳуқуққа ўтишда ҳал қилувчи ролни 1140 – 1141 йилларда папа Грациан томонидан чиқарилган «Мувофиқлаштирилган канонлар гармонияси» номли декрет ўйнаган, унда 3800 каноник матн бирлаштирилган. Унинг кодификация қилиниши натижасида, 1500 йили каноник ҳуқуқ тўплами вужудга келди ва 1580 йилдан Рим католик черковининг расмий ҳуқуқи ва «каноник ҳуқуқ тўплами» номини олди. Каноник ҳуқуқ ўзига рим ҳуқуқини сингдириб олиб, кейинги авлодга унинг кўпгина қоидаларини, тилини етказиб борди. Бу нарса «черков Рим қонунлари билан яшайди» деган жумлада ўз ифодасини топди.

Шундай қилиб, феодал давлати ичидаги «мустақил бир давлат» бўлмиш черков ва унинг суди феодал ҳукмронлигини таъминлашда ва илғор фикрли кишиларга қарши курашишда ҳукмрон доиралар кўлидаги қурол бўлиб хизмат қилди. Инквизиция шарофати билан черков абсолютизмнинг емирилмас қуролига айланганди. XVI асрдаги реформациягина католик черкови ҳамда каноник ҳуқуқнинг таъсирини пасайтирди.

Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқига таъриф берганда шаҳарларни четлаб ўтиб бўлмайди, шаҳарлар X – XI асрларда савдо ва ҳунармандчиликнинг маркази сифатида майдонга чиқади. Шаҳарлар дастлабки вақтларда диний ва дунёвий феодаллар ерларида ташкил топганлиги учун ҳам уларга қарам эди. Кўп ўтмасдан шаҳарлар кураш натижасида мустақилликни кўлга киритадилар. Айримлари ҳатто республика шаклидаги шаҳар давлатларга айланди (Италия), баъзилари ўз-ўзини бошқариш

¹ Анашкин Г.С. Смертная казнь в капиталистических государствах: Историко-правовой очерк. – М.: Госюриздат, 1971. – С.25.

ҳуқуқини қўлга киритди (Англия), бошқалари эса империя эркин шаҳарлари мақомини олди (Германия). Шаҳарларнинг энг муҳим ютуғи барча фуқароларнинг озодлиги тан олиниши ҳисобланган.

«Агар ер эгасига қарам деҳқон (крепостной), – дейилган шаҳар ёрлиқларида, – шаҳарда бир йилу бир кун яшаса, шу вақтда унинг хўжайини унга бўлган эгалик ҳуқуқини даъво қилмаса, у озод ҳисобланади». Дворянлардан ўзини ҳимоя қилиш ҳамда шаҳар солиқларини кенгроқ тақсимлаш мақсадида шаҳар аҳолиси иттифоқларга бирлашган. Ҳунармандлар ўзларининг цехлари, савдогарлар эса гильдияларини тузганлар. Ўрта аср цехлари бир касбдаги ҳунармандларнинг иттифоқидир. Ҳар бир цех, гильдия ўзининг уложенияси ҳамда оқсоқолига, шунингдек, судига эга бўлган. Цех тузилиши ўрта асрлардаги шаҳарлар ривожланишининг қонуний натижасидир. Шунинг учун у фақат Фарбий Европа мамлакатларидагина эмас, балки Япония, Хитой, ҳатто Ўрта Осиёда ҳам ўзига хос кўринишда учрайди.

1. Франклар давлати ва ҳуқуқи

Франклар герман қабиласи бўлиб, улар Рейн дарёсининг ўнг қирғоқларида, Майн ҳамда Шимолий денгиз ўртасида яшаганлар. Шунинг учун улар салилар (Salium – лот. денгиз) ва рипуар (riра – қирғоқ) деб аталган. Рипуарлар Рейн дарёси бўйида яшаган. Милоннинг IV асриданок франклар ўз қироллигини барпо қилдилар. Яъни бу ерда давлат ўзга халқларга қарашли улкан ҳудудларни истило қилиш натижасида пайдо бўлади. Чунки уруғдошлик тузуми бу доиралар устидан ҳукмронлик қилиш учун ҳеч қандай восита бермасди. Аммо бу ерда уруғдошлик тузуми бирдан йўқолиб кетмади. Чунки босиб олинган ҳудудлардаги иқтисодий даража билан франкларнинг ишлаб чиқариш даражаси деярли бир хил эди. Шунинг учун Германияда уруғдошлик тузуми марка – ўзгарган ҳудудий жамоа шаклида бир қанча аср яшай олди.

Франкларга босиб олинган ерларни идора этиш учун махсус ташкилот, ҳокимият зарур эди. Эски уруғдошлик органлари (оқсо-

қоллар кенгаши, халқ лашкарбошилари) эса бу мақсадга жавоб беролмасди. Истилочи халқларнинг етказчи намояндаси аскарбоши бўлиб, истило қилинган ўлкани ички ва ташқи томондан қўриқлаш зарурати лашкарбошининг ҳокимиятини кучайтиришни талаб этарди.

Оддий олий лашкарбошидан ҳақиқий яккаҳокимга айланган қиролнинг биринчи иши халқ мулкини қирол мулкига айлантириш, уни халқдан олиб, ҳадя ва мукофот тариқасида ўз аскарлари ва хизматкорларига улашиб беришдан иборат бўлади.

Шундай қилиб, Франклар давлати ташкил топишининг ўзига хос хусусияти унинг Рим империяси ерларини босиб олиши, давлатнинг ташкил топишида тезлаштирувчи сабаб бўлиб хизмат қилган. Аммо давлат ташкил топишининг асосий сабаби уларда ҳам франклар жамиятининг ичидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва уруғдошлик тузумининг емирилиши эди.

Меровинглар сулоласидан бўлган сапилар қироли Холодвиг 481 йили ҳамма франк қабилаларини бирлаштирди ва Бургундияни ўзига қарам қилди. Унинг авлодлари эса баварлар, тюринглар, саксонларни ҳам бўйсундирди. Холодвиг вафот этгач, унинг давлати даставвал тўрт ўғли томонидан, кейинчалик эса набиралари томонидан бўлиб олинди. VII асрда меровинглар монархиясининг бўлимлари бўлган 3 мустақил давлат: Бургундия, Нейстрия, Австразия вужудга келди.

Қирол Дагоберт томонидан мамлакатнинг қисқа муддатга бирлаштирилишига қарамай, франклар монархияси инқирозга юз тута боради. Қиролнинг давлат ерларини ўз аскарларига тақсимлаб беравериши натижасида, унинг ҳокимияти кучсизланиб, катта ер эгалари бўлган зодагонларнинг ҳокимияти кучая боради ва давлатни бошқаришда майордомлар – сарой бошқарувчилари ҳал қилувчи ролни ўйнай бошлайдилар. Мамлакатни тарқалиб йўқ бўлиб кетишдан асраб қолишда Австразия майордомлари – пипинидлар катта роль ўйнайди. Унинг қайта бирлаштирилишида майордом Карл Мартел (715 – 741)нинг хизмати катта. У қирол ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча ислохотлар ўтказди. Мазкур ислохотлар дастлаб қирол ҳокимияти кучайишига, франклар жамиятининг кенгайишига хизмат қил-

ган бўлса, кейинчалик Франклар давлатининг қулашига олиб келди.

751 йили Карл Мартелнинг ўғли Пипин Пакана ўзини қирол деб эълон қилиши билан, Франклар давлатида янги сулола – каролинглар сулоласига асос солинди. Пипин Пакананинг ўғли Буюк Карл даврида эса Франклар давлати чегаралари ниҳоятда кенгайиб кетди. 800 йили Римда Карлга императорлик тожи кийгизилиб, ўзи император деб атала бошланди. Аммо шуни айтиш керакки, бу салтанат мустаҳкам эмасди. Деҳқонларнинг сон жиҳатдан ўсиши, йирик ер эгаларининг вужудга келиши, сиёсий тарқоқликнинг кучая бориши салтанатнинг қулашига сабаб бўлди.

Ижтимоий тузум. Франкларда ибтидоий-уруғдошлик тузумининг емирилиши билан бирга ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган жамиятнинг ҳам илдизлари пайдо бўла бошлаган. Тўғридан-тўғри ўрта аср ишлаб чиқаришига асосланган жамиятга ўтиш франклар ижтимоий тузумининг ўзига хос хусусиятидир. Бу жараён V асрдан маҳаллий халққа нисбатан кенг ҳокимият билан таъминланган ер эгаларини вужудга келтиради.

Озод деҳқонлар жамоа аъзолари йирик ер эгаларига қарам бўла боради. Босқинчилик натижасида қўлга киритилган ерларни қирол сарой хизматчилари ва дружиначиларига бўлиб бера бошлаши натижасида, бу ер мерос тариқасида қолдириш мумкин бўлган, қирол ҳузурида бирор-бир хизматни бажариши назарда тутилмаган. Бундай тартибдаги ер эгаллиги шакли **аллод** деб юритилади. Черков турли найрангбозликлар орқали деҳқонларнинг ерларини эгаллаб олиш ҳамда давлат инъомлари ҳисобига катта ер эгасига айланди.

Давлат ҳокимиятининг йирик ер эгалари қўлига ўтганлиги тан олинади. Улар дастлаб қирол ҳисобига солиқ йиғиб, унинг номидан суд қилсалар, кейинчалик ўз номидан, ўз фойдасига солиқ йиға бошлайдилар. Бу ҳукуқни қирол айрим ҳолларда иммунитет ёрлиғи билан мустаҳкамлаб берарди.

VI асрдан ёрликларни бериш жуда кенг ёйилиб, ҳатто черковлар ҳам ола бошлайди. Мазкур давр сеньориал монархия даври бўлиб, зодагонларнинг ёрлиқ олган ерларига ҳатто қиролнинг амалдорлари ҳам кириши мумкин эмасди. Бу эса

қирол ҳокимияти заифлашишига олиб келди. Мана шунинг олдини олиш учун майордом Карл Мартел ер ислоҳоти ўтказди. Унга биноан, ерлар маълум бир хизмат эвазига мукофот тариқасида **бенефиций** қилиб берилди бошланди (лотинча, хайр-эҳсон). Агар қирол ҳузурида маълум бир хизмат бажарилмаса, ер қайтариб олинган. Шундай қилиб, ер фақат хизмат эвазига берилиб, унинг эгалари қиролга хизмат қилишга мажбур эди. Илгари қирол амалдорлари бошқарадиган айрим ишлар уларнинг зиммасига тушди. Чунки катта-катта ерларни хизмат эвазига олганлар ўзларини бора-бора мустақил ҳис қила бошладилар.

Франклар жамиятининг юқори қисмини олий мансабдаги кишилар ва руҳонийлар ташкил қилиб, уларга озод франклар қарама-қарши турган. Улар аста-секинлик билан йирик ер эгаларига қарам бўла борадилар. Ер жамоаси шу даврда сақланиб қолиб, аста-секинлик билан қўшни жамоа – маркага айланди. Қуллар жуда кўпчиликни ташкил қилган, уларни ўлдириш, сотиш, олиш жиноят ҳисобланмаган. Франкларда қулдорликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, озод киши чўри билан никоҳга кириши мумкин бўлган, қулларни озодликка қўйиб юбориш ҳоллари кузатилган. Улар ярим озод кишилар – **литлар** билан барабар ҳуқуққа эга эдилар.

Франклар давлати ўрта аср яккаҳокимлиги шаклида бўлиб, давлат бошида қирол турган, қироллик авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтган. Қирол фармойишлар (*bonni*) чиқарган ва олий суд ҳокимиятини амалга оширган. Лекин йирик ер эгаларининг эътибори кучайиши билан, қиролнинг ҳокимияти сусайиб борган. Қирол антирустиони (соқчиси)ни ўлдирганлик учун 3 марта оширилган **вергельд** (бадал) тўланган. Қирол ўз қонунларини **қирол кенгаши** деб аталмиш кенгаш билан бирга қабул қилган. Бу қонунлар ҳар йили март ойида ва қўшинлар қуриги вақтида майдонда эълон қилинган.

Қирол ҳузурида давлатни бошқарувчи маъмурий аппарат бўлиб, уларда мансабдор кишилар – **министрлар** ишлаган. Қирол маъмурияти, асосан, ўзига хос иккита белгига эга эди:

а) давлат органлари ўртасида аниқ ажратма йўқ бўлиб, бир

орган бир вақтнинг ўзида суд ва ҳарбий ишларни бир неча киши иштирокида олиб бораверган;

б) қирол хизматчилари уларнинг фойдасига солиқ ва йиғимлар берадиган ерлар билан мукофотланганлар.

Қиролдан кейинги бош мансабдор шахс **майордом** бўлган, дастлаб у фақат қирол саройининг бошқарувчиси ҳисобланган, кейинчалик унинг ҳокимияти кучайиб, биринчи министр даражасига эришди. Аввал қирол томонидан тайинланган бўлса, кейин ер магнатлари томонидан сайлаб қўйиладиган бўлди.

Майордом саройга тегишли ҳамма ишлар бўйича фармойиш бериб, сарой амалдорлари устидан суд ҳокимиятини амалга оширган, қирол йўқ вақтида, қирол судига раислик қилган, армияга раҳбарлик қилиб, солиқлар тушиши устидан назорат олиб борган, **граф ва герцогларга** фармойишлар берган. Қолаверса, **снешал** – қиролнинг шахсий ишлари бошқарувчиси, **маршал** – отлик аскарлар бошлиғи, **камерарий** ва **тезурари** – қирол мулки бошқарувчилари, **сарой графи** – судга тааллуқли вазифаларни амалга ошириб, қирол судининг ҳукмини эълон қилувчи ва суд қарорининг ижросини текширувчи, **референдарий** – қирол актларини расмийлаштирувчи каби мансабдор шахслар бўлган.

Каролинглар сулоласи даврида **майордом** мансабининг тугатилиши муносабати билан, сарой графининг роли оша борди, диний ишлар билан шуғулланувчи янги мансаб – **архикапеллана** вужудга келди. Унга кейинчалик девонхона (**канцелярия**) ҳам бўйсундирилган. Бу мансабдор фармон тайёрлаш, уларни сақлаш ишлари билан шуғулланган, унинг энг биринчи ёрдамчиси **канцлер** ҳисобланган.

Қироллик округларга (**паги**), **графликларга**, графликлар **юзликларга** бўлинарди. Суд функциясини **тунгинлар** амалга оширган, улар илгари уруғ-қабилалар раҳбарларининг авлодлари ҳисобланган, кейинчалик уларнинг вазифаси графларга ўтган.

Чегара районларда мудрофаа қўшинлар тайёргарлигини уюштириш учун **қирол** (2 – 12 графликка) **герцог** тайинлаганди. Унинг асосий вазифаси мудрофаани ташкил қилиш ва мамлакатда тинчликни сақлаш бўлган. Каролинглар сулоласи даврида маҳал-

лий идора органларининг ишини текшириш учун ҳар йили икки кишидан иборат элчилар юборилган.

Ҳамма озод аҳолининг судга қатнашиши мажбурийлиги бекор қилиниб, сайлаб қўйиладиган **рахинбурглар тайинланувчи скабинлар** билан алмаштирилади. Скабинларни қирол элчилари тайинлаган, улар графлар бошчилигида иш кўрган.

Карл даврида диний судлар ва аралаш таркибдаги судлар ҳам вужудга келган.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари. Ёзма правдалар Рим империяси ҳудудида жойлашган кўпгина қабилаларда V – VI асрларда вужудга келган. V асрда вестогларнинг ёзма ҳуқуқи, бундан ташқари, Бургунд правдаси, Рипуар, Аллеман, Бавар ва Саксон правдалари ҳам бўлган. Сали правдаси V – VI асрларда меровинглар сулоласи даврида франк қабилалари ижтимоий ва давлат тузумининг ўзига хос муҳим манбаси бўлиб, Галлияда ўрнашиб олган ҳамда ўз қиролликларини ташкил қилган франкларнинг оғиздан-оғизга ўтиб юрган одат ҳуқуқларининг ёзма нусхаси, яъни одат ҳуқуқлари бўлган **жиноят ва процессуал** нормалар тўпламидир. Ҳақиқат унвонларга (110 га яқин), унвонлар (сарлавҳа) эса моддаларга бўлинади.¹

Правдалардан ташқари франклар **ҳуқуқининг манбаи** қирол томонидан чиқарилган **эдиктлар, декретлар, капитул ва капитулярийлар** ҳисобланади, улар қирол Хлодвиг даврида умумий масалалар бўйича ҳамда айрим масалалар бўйича чиқарила бошланиб, Сали правдасини тўлдирди борган. Тўплам қоидаларини уларнинг мазмунига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: фуқаролик, жиноят, суд ва суд жараёнига бағишланган нормалар. Фуқаролик ҳуқуқига бағишланган бир неча унвон бўлиб, уларда кишиларнинг Франклар давлати доирасида кўчиб жойлашиш тартиблари, мулк ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказиш тартиби, шартсиз ер эгаллиги бўлган аллодни меросга қолдириш, қон-қариндошлик мажбуриятларидан воз кечиш тартиблари, мажбуриятлар ҳақидаги қоидаларни ўз ичига олади. Жумладан, мажбури-

¹ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984. – С.72 – 87.

ятлар кўрсатилган муддатда ижро этилмаса, судга шикоят қилиш учун 40 кун муддат ўрнатилган. Айниқса, жиноят ҳуқуқи диққатга сазовор, у қуйидагилар билан характерланади: 1. Тўплам илк монархия даврининг ёдгорлиги бўлганлиги учун, унда уруғдошлик даври қолдиқлари ўз ифодасини топган. Масалан, суд жараёнида айбдорни синаб кўриш мавжуд бўлиб, унинг шакли қайнаб турган сувга қўлини тиқиш ҳисобланган. Аммо айбдор қўлини иссиқ сувли идишга тиқишдан 3 – 6 ёки ижтимоий ҳолатларига қараб **30 солид** (олтин танга) жарима эвазига сотиб олиши ҳам мумкин эди. 2. Содир қилган жиноятларга тайинланадиган жазолар композиция – қоплаш қоидасига асосланган пул жарималаридан иборат бўлган. Унинг энг оз миқдори 3 солид, кўп миқдори 1800 солид этиб белгиланган. 3. Франк жамияти болалар, айниқса, ҳомиладор аёлларни оғир мулкый жазо таҳдиди билан ҳимоя қилган. Агар озод франк ўлдирилса, 200 солид, 10 ёшга тўлган бола ўлдирилса, 600 солид, ҳомиладор аёл ўлдирилса, 700 солид жарима солинган. 4. Жазо тури ва даражасини танлаш айбдорнинг ижтимоий ҳолатига боғлиқ эди. Агар қул томонидан озод киши ўлдирилса, 15 солид жарима тўлаши лозим бўлган, ўғрилиқ содир этилса, қулга 120 қамчи урилган, агар озод киши бўлса 45 солид жарима тўлаган, қул жиноят содир этса ва ўзи шунга иқрор бўлса, у қатл этилган. Шунингдек, кимда-ким озод франкни ўлдирса 200, Рим фуқаросини ўлдирса 300, қирол хизматидаги кишини ўлдирса 600 солид жарима тўлаган. 5. Илк ўрта аср яккаҳоқимлигида диний ҳокимият дунёвий ҳокимиятга қараганда ҳам кучли бўлган. Бу ҳолни қуйидагилардан кўриш мумкин. Графни ўлдирганлик учун 600 солид жарима ундирилгани ҳолда, епископ учун 900 солид жарима ундирилган. Жиноятларнинг ўғрилиқ, экинларни пайҳон қилиш, озод аёлнинг, чўрининг номусига тажовуз қилиш, одам ўлдириш (энг юқори **вергельд** – хун ундирилган), гуруҳ бўлиб уйга бостириб кириш, судга қарши қаратилган жиноятлар, ёлғон гувоҳлик, судга келмаслик каби турлари бўлган. Шуниси диққатга сазоворки, ўғрилиқнинг ўзидан ҳам (15 – 45 солидгача жарима) далолат қилишга оғирроқ жарима (62,5) белгиланган. **Суд жараёни** тортишувли характерга эга эди.

Агар бирор киши **тунгин** ёки **рахинбурглар** судига чақирил-

са-ю, узрсиз сабаблар билан келмаса, ёлғон гувоҳлик берса, 15 солид жарима ундирилган. Қирол судида гуноҳсиз кишини била туриб айблаш учун оширилган жарима белгиланган. Сали ҳақиқати Франклар давлати таркибидаги халқларда ҳам ҳуқуқнинг ривожланишига маълум давражада таъсир кўрсатди.

2. Англия давлати ва ҳуқуқи

Англия давлатининг ўзига хос бир неча хусусияти мавжуд. Унинг биринчиси Англия, уруғдошлик тузумининг емирилиши билан, ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари пайдо бўла бошлаган давлатдир; иккинчидан, бу ерда Франция ва Германиядаги сиёсий тарқоқлик жараёнини кўрмаймиз, чунки Англияда феодаллар эгаллаши мумкин бўлган бўш ерлар йўқ эди. Қирол ўз аскарлари ва отлиқларига фақат урушларда ҳалок бўлган англ-сакс задогонлари ерларини бўлиб бериши мумкин эди.

Дарслик ва қўлланмаларда Англия давлатининг ўрта асрлардаги ривожланиши қуйидаги асосий даврларга бўлиб таҳлил этилади: 1. Англ-саксларнинг илк монархия давлати – IX – XII асрлар. 2. Марказлашган сеньориал монархия – XI – XIII асрлар. 3. Тоифавий-вакиллик монархияси даври – XIII асрнинг иккинчи ярми ва XV аср. 4. Мутлақ монархия – XV аср охири ва XVIII аср ўрталари.

Англия давлати V – X асрларда ташкил топган ва Англ-сакслар давлати деб номланган. Унинг ижтимоий-сиёсий тузumi Франклар давлатиникига ўхшаш эди. Аҳоли озод (эрллар), ярим озод (лэт) ва қуллардан иборат бўлган. Бундан ташқари, кам ерли деҳқонлар (кэрллар) ҳам бўлиб, улар XI асрга келиб крепостной қарам деҳқонларга айланган. Ер эгалигининг вужудга келиши ва унинг ривожланиши билан, **коммендация**; яъни деҳқонларнинг у ёки бу феодал қарамоғида бўлишга мажбурийлиги юзага келди.

Давлат тизими. VII асрда Англия ҳудудида 7 та мустақил давлат бўлиб, улар XI асрда битта давлатга бирлашди. Давлат бошлиғи расман қирол ҳисобланса-да, аммо у ҳали кучсиз эди. Қиролга ҳарбий ва суд ҳокимияти тегишли бўлган.

Давлатнинг муҳим ташкилотларидан бири донишмандлар кенгаши (витаногемот) бўлиб, уруғдошлик тузумидаги халқ йиғилиши ўрнига юзага келган. Бу орган қонун лойиҳаларини муҳокама қилган, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этган, янги солиқлар таъсис қилган.

Мамлакат графликларга бўлиниб, унинг бошида қирол вакили – олдерман турган. Аста-секинлик билан мазкур мансабнинг ўрнига шериф мансаби жорий қилина бошлаган. У дастлаб қирол хазинасига тушган солиқларни йиғиш билан шуғулланиб, молиявий ва суд ишларида қирол номидан қатнашган, полициячилик функциясини ҳам бажарган. Графликда бир йили икки марта чақириладиган граф кенгаши муҳим орган эди. Суд ишлари қирол судлари, граф кенгаши, юзлар мажлиси томонидан олиб борилган.

XI асрда Британияни норманд қироли Вильгельм I босиб олиши билан, феодал муносабатлар бу ерда узил-кесил қарор топади. Вильгельм ўз давлатини Англ-сакс давлатининг давоми деб эълон қилади. Қирол ҳокимияти мустақамланиб боради. Бу давр Англия тарихида илк сеньориал монархия деб аталади.

Мазкур даврнинг асосий тоифа ва табақалари феодаллар бўлиб, улар икки гуруҳга бўлинган: 1) қиролнинг вассаллари, яъни буюк баронлар, кичик баронлар; 2) вассалларнинг вассалларига ўз ерига эга англ-сакс феодаллари, майда рицарлар кирган.

Кўп сонли ҳуқуқсиз табақаларни крепостной қарам деҳқонлар ташкил қилган. XIII асрда куллар социал гуруҳ сифатида йўқолиб, ижарачи деҳқонлар – вилланларга кўшилиб кетади. XI асрда деҳқонларнинг бир қисми крепостной қарамликка ташланди. 1086 йили ер мулкларини ва аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди. Унинг материаллари эса қирол Вильгельм I нинг «Даҳшатли суд китоби» учун асос бўлиб хизмат қилган. Шу китобга кўра, мамлакатнинг 1,5 млн аҳолисидан бир неча мингигина озод аҳоли бўлган.

Мазкур даврда мамлакатда, бир томондан, норманд босқинчилари билан англ-сакс зодагонлари ўртасида, иккинчи томондан, дунёвий феодаллар билан диний феодаллар ўртасида чуқур зиддиятлар бор эди. Бу нарса Англияда қирол ҳокимияти мустақамланишига олиб келди. Чунки қирол халқни ер эгалари

зулмидан асрагувчи бўлиб кўринарди. Кучли қирол ҳокимиятининг вужудга келиши қўйидагилар билан характерланади: а) мамлакатдаги ер ва ер эгалари устидан қиролнинг олий ҳуқуқи таъминланиши; б) қирол қўлида қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятининг тўпланиши; бу даврда канцлер, юстицар каби бир қанча янги органлар вужудга келди. Қирол курияси гарчи қонунчилик органи бўлса-да, у қирол ҳузурида маслаҳат бериш ҳуқуқига эга эди, шунингдек, унда ҳукмрон доираларни қизиқтирувчи масалалар, қирол вассаллари орасидаги низоларни, маҳаллий судлар қарорларига берилган норозилик шикоятлари олий суд органи сифатида кўриб ҳал этилган. Унинг таркиби бошқарув органларида ишлаётган қиролга яқин кишилардан тузилган. XII асрга келиб қирол куриясининг ишлари мураккаблашиб кетиши муносабати билан, унда молиявий ишларни кўриш билан шуғулланувчи **шахмат тахтаси палатаси** ажралиб чиққан. Илк феодал яккаҳокимлиги даврида диний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятга нисбатан устунликка эришишга интилиши, шунингдек, маҳаллий ер эгаларининг норманд феодалларига қарши уруш олиб боришлари қирол Генрих II даврида бир қанча ислоҳотларнинг ўтказилишига сабаб бўлди. Бу ислоҳотлар қўйидагилардан иборат:

1. Ҳарбий ислоҳот. «Қалқон пули» деб аталган тўловга биноан, ер эгаларининг қирол ҳузуридаги шахсий хизмат мажбуриятлари пул мажбурияти билан алмаштирилади, натижада қирол ҳам феодалларнинг қўзғолонидан қутулди, ҳам унинг хазинаси маблағга эга бўлди. 1181 йили «Қуролланиш ҳақида»ги ассиза чиқарилиб, ҳарбий хизмат фақат озод кишиларгагина жорий қилинадиган бўлди. Мазкур ислоҳотлар натижасида Англияда доимий армия ташкил қилинди.

2. Диний ислоҳот. Қирол Вильгельм I давридаги суд ислоҳотига кўра, дунёвий судлар диний судлардан ажратилган, феодалларнинг хусусий судлови қисман чекланганди. 1164 йили Кларендон конституцияси номли ҳужжат қабул қилинди. Бу актининг иккинчи моддасига биноан, руҳонийлар ер билан боғлиқ муносабатларнинг барчасида қирол суди ва амалдорларининг талабларига жавоб бериши ва тегишли хизматларни олиб бориш-

лари керак эди. Шундай қилиб, диний ҳокимиятдан дунёвий ҳокимиятнинг устунлиги таъминланди.

3. Суд ислоҳоти. 1176 йили Генрих II нинг Нордгемптон (вилоятнинг номи) ассизаси (фармойиш) чиқиб, мамлакат 6 суд графлигига бўлинади, ҳар бирига 3 тадан сайёр судлар тайинланади. Улар суд вазифасидан ташқари амалдорлар устидан солиқ тўплаш бўйича назорат олиб борардилар. Бу фармойиш билан талончилик, одам ўлдириш, тангаларни сохталаштириш, босқинчилик каби жиноят ишларини кўриш сайёр судлар ваколатига кириши кўрсатилади. Ер эгаллиги ва бошқа турдаги мулк эгалари билан боғлиқ ишларда 12 озод фуқаро ёки рицарнинг кўрсатмалари тингланиши мустаҳкамланди. Улар ўз кўрсатмалари билан бирор жиноятни ёки фитнани қасам ичиб тасдиқлаганлар, ана шу тартибда **қасамхўрлар суди** пайдо бўлди. Сайёр судлар ишларни кўриш мобайнида норманд, англ-сакс одат ҳуқуқларини шарҳлаб, Англия учун ягона **умумий ҳуқуқни** вужудга келтирганлар. Шундай қилиб, суд ислоҳоти натижасида касбий судьялардан иборат **қирол суди** вужудга келди, мамлакатнинг марказлашуви кучайди, қасамхўрлар судлари ташкил топди, суд жарималари орқали қирол хазинасига тушадиган даромадлар миқдори ошди.

Бадавлат кишиларгина қасамхўр судья бўлиши мумкин эди. 1285 йилги иккинчи Вестминстр уложениясига кўра, бир йилга ўз мулкларидан камида 20 – 40 шиллинг даромад олган бўлиши талаб қилинарди. 1291 йили бу ценз 5 фунт стерлингга қадар кўтарилди. XIII асрга келиб Англия феодал хўжаликларидан натурал хўжалик ўрнини товар хўжалиги эгаллай бошлайди. Феодаллар аста-секинлик билан ёлланма меҳнатдан фойдаланишга ўтадилар. Натурал тўловлар ўрнини пул тўловлари олди, савдонинг ўсиши шаҳарларнинг ривожланишига туртки берди, жамиятнинг тузилиши ҳам ўзгарди, аҳоли орасида табақаланиш кучайди, йирик ер эгалари – **лордлар ва рицарлар** (майда ер эгалари) графликларда катта роль ўйнай бошладилар. Ана шу ер эгалари орасидан XV асрларга келиб янги дворянлар табақаси – **жентри** вужудга келди. Англия деҳқонлари ерга эгалик қилишларига қараб икки гуруҳга: ерга озод эгалик қилувчи деҳқ-

онлар – фригьольдерларга ҳамда крепостной деҳқонлар – вилланларга бўлинган. 1381 йилги У.Тайлер кўзғолони натижасида деҳқонлар крепостной қарамликдан озод бўла бошладилар.

XV асрда деҳқонларга пул билан ҳақ тўлаш жорий қилинди. Натижада кўп деҳқонлар озодликни сотиб олишлари мумкин бўлди. Мана шу даврда илк ўрта аср монархияси тоифавий-вакиллик монархиясига айланди. 1204 йили Франция қироли Филипп II Англиядаги феодалларнинг ички зиддиятларидан фойдаланиб унинг бир қанча вилоятларини босиб олди. Уларни қайтариб олиш учун қирол Иоан ерсиз янги солиқлар таъсис қилди. Бу эса аҳолининг норозилигига сабаб бўлди. Мазкур кураш 1215 йили «Эркинликнинг буюк хартияси» номли ҳужжатнинг қабул қилиниши билан якунланди.¹ Бу хартия баронлар билан қирол ўртасидаги келишувдан иборат шартнома бўлиб, қирол ҳокимиятини чеклашга қаратилган.

Хартия Англия қироли билан унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган 68 моддадан иборат эди, унинг 30 моддаси баронлар, 7 таси рицарлар ва озод ер эгалари, 3 таси шаҳарликлар манфаатини ҳимоялашга қаратилган, мамлакатнинг асосий табақалари бўлган вилланларга эса у ҳеч нарса бермади. Бу ҳужжат антиқирол иттифоқи иштирокчиларининг муваққат битимини мустаҳкамлади, холос. Муваққат деганимизнинг сабаби шундаки, у кейинчалик бир неча марта кўриб чиқилган (масалан, қирол Генрих VI даврида 1422 – 1461 йилларда 37 марта қараб чиқилган).

Хартия вилланларга жарима солишда унинг деҳқончиликка оид асбоб-ускуналари дахлсиз қолишлигини (20-м.), граф ва баронларга фақат уларга тенг бўлган пэрларнинг суд қилиб жазо тайинлаши мумкинлигини (21-м.), яъни табақавий суднинг тузилишини, вассаллик муносабатларининг аниқлаштирилиши (16-м.), ўрмон; сув, дарёларга қирол мулкчилигини (47 – 78-м.), ҳамма савдогарларнинг Англияга кириш эркинлигини (41-м.), Ан-

¹ Қаранг: Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961. – С.128 – 139; Сборник документов по всеобщей истории государства и права. – ЛГУ, 1977. – С.30 – 34.

ғияда ягона оғирлик, узунлик ўлчов бирликларини ўрнатди. Унинг маъмурий ҳокимиятдан суд ҳокимиятини ажратиш ҳақидаги қоидалари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Хартияни Англия тараққиётида олға босилган бир қадам деб баҳолаш мумкин, чунки унинг ижобий қоидалари, меъёрлари асосида Англия тоифавий-вакиллик яккаҳокимлигига қадам қўйди. Унинг 12, 14-моддалари (Қирол кенгашини ташкил қилиш тўғрисида) қирол ҳокимиятини чеклашга қаратилганлиги туфайли, 1217 йили хартиядан чиқарилади. Лекин XIII асрда урушда қатнашган Англиянинг молияси издан чиқа бошлаганди. Қирол хазинаси эса янги йиғимлар ҳисобигагина тўлиши мумкин эди. Шунинг учун рицарлар ва шаҳарликларнинг сиқуви остида 1264 йили биринчи марта қирол кенгаши чақирилди. Унинг таркибига йирик диний ва дунёвий феодаллар билан биргаликда графликлардан сайланган 2 – 4 рицарлар ҳам кирди. У дастлаб фақат руҳонийлар ва дворянлар табақаларинигина ўз ичига олди. 1265 йили ер эгаларининг қиролга қарши урушига раҳбарлик қилган Симон Монфорскийнинг ғалабасидан кейин бу кенгашга бир қатор шаҳарлардан ҳам иккитадан вакил таклиф қилинади. 1295 йили қирол Эдуард I томонидан чақирилган парламент «кўргазмали парламент» деб аталиб, диний ва дунёвий феодаллардан ташқари 37 графликдан 2 тадан, шунингдек, шаҳардан ҳам 2 тадан вакил қатнашган. XIV асрнинг биринчи ярмидан парламент 2 палатага: юқори палата – лордлар, қуйи палата – жамоа палатасига бўлинган.

Англия парламентининг ўзига хос хусусияти шундаки, у иккига ажралгандан сўнг, шаҳар ва графлик вакиллари бир палатага, диний ва дунёвий зодагонлар бошқа палатага ўтди.

1352 йилдан бошлаб иккала палата алоҳида-алоҳида мажлис ўтказадиган бўлди. Шундай қилиб, Англияда кейинчалик парламент номини олган тоифавий-вакиллик органи пайдо бўлди, у ўрта асрларда қуйидаги ҳуқуқларни эгаллаб олди: а) қонунларни чиқаришда қатнашиш; б) қирол хазинасига тушадиган солиқлар миқдорини белгилаш; в) юқори мансабдор шахслар устидан назоратни амалга ошириш; г) алоҳида ҳолларда суд органи сифатида чиқиш. Қирол Эдуард III даврида парла-

мент узил-кесил қонун чиқариш ваколатини эгаллади. Дастлаб парламентнинг жамоа палатасига одат ҳуқуқлари бўйича сайловлар ўтказилган, кейинчалик сайлаш ва сайланиш (актив ва пассив) сайлов ҳуқуқлари вужудга келди. 1423, 1429, 1832 йилларда парламентга шартли – **цензли сайловлар** ўтказишни ўрнатадиган қонунлар қабул қилинди. Бу даврда Англиянинг **суд тизими** ниҳоятда ранг-баранг эди. Олий суд тизимининг ўзи 3 идорадан иборат бўлган: 1. Қирол курсиси бир неча юстицарлардан тузилиб, қирол тинчлигига оид ишларни кўрган. 2. Умумий тортишувли суд, бу суд даъвоси 40 шиллингдан кам бўлмаган фуқаролик ишларини кўрган. 3. Графликларда бир йили 3 марта келиб **12 қасамхўр судья** иштирокида давлат жиноятлари ва қасддан қилинган жиноий ишларни кўрадиган сайёр судлар. Маҳаллий судларга **ассизлар суди, келиштирувчи судлар** (3 та ҳурматли кишилар таркибида иш кўрувчи келиштирувчи суд), қасамхўрлар суди (бу суд 12 ва 23 киши таркибида иш кўрган). Бундан ташқари, лордлар палатаси суди ҳам мавжуд бўлиб, у палата аъзоларининг жиноятлари билан боғлиқ ишларни кўрган.

Кўришиб турибдики, тоифавий-вакиллик яккаҳоқимлиги даври Англия суд тузилиши хилма-хил судларнинг мавжудлиги билан характерланади.

XIV асрда Англия юнгига бўлган талаб феодал хўжалигининг товар хўжалигига айланишига олиб келади. Англияда янги давр – саноат ишлаб чиқариши муносабатларининг вужудга келиши XIV асрнинг охиригача чораги – XV аср бошларидир. Бу янги ижтимоий тузумнинг 2 белгиси: озод ишчи кучи ҳамда озод маблағ билан характерланади. Жаҳон бозорида Англия юнгига бўлган талаб кенг равишда юнг саноатининг ривожланишига, бу эса судхўрлик ҳамда савдо маблағининг жамғарилишига олиб келди. Англияда вужудга келаётган янги, саноат ишлаб чиқаришига асосланган муносабатларнинг ўзига хос томони шундаки, бу ердаги мазкур енгиллик шаҳарга қараганда қишлоқларга анча эрта кириб борди. Шу муносабатларнинг вужудга келиши жараёнида Англия ўрта асрлар давлати мутлақ монархия – абсолютизмга ўтди. Мазкур монархия ўзига хос бўлиб, бу ерда тоифавий-ва-

киллик органи бўлган парламент сақланиб қолган. Янги дворянлар саноат буржуазияси билан иттифоққа уюшиб, қирол ҳокимиятининг феодаллар ва черковга қарши курашида қўллаб парламентни ривожлантиришди.

Англиянинг бу даврдаги ижтимоий тузуми, иқтисодийнинг ўзгариши, эски дворянларнинг йўқ бўлиб кетиши ва қўйчилик билан шуғулланувчи янги дворянлар – **жентрининг** ташкил топиши билан характерланади. Деҳқонлар икки турга бўлинган: копиголдерлар, улар крепостной деҳқонларнинг авлодлари бўлиб, ерга эгалик ҳуқуқлари суд қарори нусхасига боғлиқ эди, фриголдерлар – озод ер эгалари.

Давлатнинг олий органларига қирол, яширин мажлис ва парламент кирарди. Яширин мажлиснинг бош вазифаси монархнинг ҳокимиятига ҳар қандай қарши чиқишлар билан курашиш эди. Унинг таркибига лорд-канцлер, лорд-хазиначи, қирол муҳрини асровчи, лорд адмирал, жами 20 та олий мартабали мансабдор кирган. Яширин кенгаш фармонлар, регламентлар, инструкциялар, манифестлар, прокламациялар чиқариш билан марказий ва маҳаллий давлат идоралари устидан назоратни амалга оширган. Кейинчалик бу кенгаш фуқаролик ва жиноий ишларни кўрувчи фавқулодда суд органи вазифасини бажарувчи Юлдуз палатаси органини тузди.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари. Урта аср Англияси ҳуқуқи ўз манбаларининг хилма-хиллиги билан фарқланади. Англ-сакс давлати даврида ҳуқуқнинг **одат ҳуқуқлари**, уларнинг тўпламлари – **ҳақиқатлари** етакчи роль ўйнаган. Уларга Этельберт, Инэ ҳақиқатлари, Буюк Альфред судномаси, Этельстен ҳамда Кнут қонунларини мисол тариқасида кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Этельберт ҳақиқати 600 йилларда вужудга келган бўлиб, 90 моддадан иборат. Унда тинчлик ҳақидаги, босқинчиликка қарши курашиш, одам ўлдириш, номусга тегиш жиноятлари учун жавобгарлик, оила-никоҳ ҳуқуқи, зарар етказиш, ворислик билан боғлиқ нормалар мавжуд. Ҳақиқат тузилган вақтда Англ-сакс давлатида черковнинг роли дунёвий ҳокимиятга қараганда кучли бўлган. «Агар, – дейилади ҳақиқатнинг 2 моддасида, – озод киши қиролнинг мулкани ўғирласа, қийматининг 9 баробар ҳажмида

жарима тўласин». ¹Черков мулки эса худо мулки деб аталиб, ўғирланган мулк қийматининг 12 баробари, епископники учун 11, руҳонийники учун 9, дьяконники учун 6, клеркники учун 3 баробар миқдорида жарима ундирилган.

Ине ҳақиқати 690 йилларда вужудга келган черков ва одат ҳуқуқларининг ёзма ифодасидир. У 74 дан ортиқ моддани ўз ичига олади. Буюк Альфреднинг IX аср 90-йилларида ўзигача бўлган одат ҳуқуқлари тўпламларини тизимлаштириши натижасида юзага келган. Кириш қисми 49 моддадан, асосий қисми 77 моддадан иборат. Унинг 41-моддаси ерни фақат қирол актини олган кишиларга бириктиради. Бундай ерлар **бокленд** деб аталади. Мазкур суддебник қирол, ольдерманлар, черков тинчлигини ҳимоя қилиш, қонли қасос олишга қарши курашиш билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олади. Фикримизча, Этельберт, Ине ҳақиқатлари кўп ҳолларда жиноятга бир хил жазо – **вергельд** (хун) тариқасида белгиланадиган жарималар билан Сали ҳақиқатига ўхшаб кетади.

927 – 937 йилларда қирол Этельстен қонунлари вужудга келди, улар, асосан, олтита эди: 1. Қиролнинг ўнликлар ҳақидаги қарорлари. 2. Зодагонлар йиғилишида қабул қилинган қонунлар. 3. Қирол тинчлигини сақлаш тўғрисидаги декрет. 4. Тинчликни сақлаш ҳақида епископлар ва Кентнинг бошқа донишманд кишилари қарорлари. 5. Англия донишмандларининг маслаҳати билан қирол қабул қилишга декретлар. 6. Лондон шаҳар судномаси.

Кнут қонунлари, 1017 йилларда Англиянинг Дания қироли Кнут томонидан босиб олиниши натижасида, вужудга келган. Кнут ўз қонунларига Англия қонунлари билан тенг ҳуқуқ беради. Қонунсизликка қарши курашга, мамлакатдаги жиноятларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Шу давр жиноят ва жазо тизимида давлатга, шахсга ва мулкка қарши қаратилган жиноятлар бир-биридан фарқланган. Жазо тайинлашда ижтимоий мавқега эътибор берилган. Масалан, Этельберт ҳақиқатига кўра, озод кишини

¹ Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961, – С.92.

ўлдирганлик учун 100 шиллинг вергельд, лэт учун 40 – 80 шиллинггача, қулни ўлдирганлик учун 6 шиллинг вергельд тайинланган.

Ўғрилиққа қарши жуда оғир жазолар тайинланиб, айрим ҳолларда ўғрининг ўзини ўлдириб, оила аъзоларини қул қилганлар. Озод хотин ўғрилиқ қилса, уни ўтда куйдирганлар. Кнут қонунларининг 26-моддасига кўра, ўғри ўз ҳаётини асраш учун ҳеч бир жойда ҳимоя тополмаслиги, у сотқинга тенглаштириб қатл этилиши лозим бўлган. Суд жараёнида **ордалия** – исботлаш воситаси ҳисобланган.

Бизгача Англ-сакс давлатида 938 – 1000 йилларда қабул қилинган қизиган темир ва қайноқ сув билан ордалия қилиш ҳақидаги қонун етиб келган. Мана шу қонунга кўра, агарда айб энгил бўлса, гумондорнинг бармоқлари қайноқ сувга тикилган, айб оғирроқ бўлса, 3 баробар ордалия белгиланиб, гумондорнинг билагигача ботирилган. Ордалия ўтказиш ҳам ижтимоий ҳолатга боғлиқ эди. Масалан, қонун ордалиядан бўйин товланганлик учун 120 шиллинг жарима белгилайди.¹ Камбағаллар, албатта, бундай жаримани тўлаш имконига эга бўлмаган.

Ўрта аср Англия процессуал ҳуқуқида суд буйруқлари алоҳида ўрин эгаллайди. Англия умумий ҳуқуқига кўра, барча фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича даъво фақат қирол девонхонасининг махсус фармойиши билан қўзғатилган, бу буйруқлар суд буйруқлари деб юритилган. 1267 йилларда суд буйруқлари сони 121 дан ошиб кетди. Мана шу актлар қирол судловининг қандай ишларга ёйилиши ва қирол судининг сеньориал судлар фаолиятига аралashiши ҳолларини кўрсатди.

XII асрда Генрих II қирол судловини мустаҳкамлай бориб суд ислоҳоти ўтказди. Мазкур ислоҳот бир неча йил мобайнида ассизалар (фармойиш) чиқариш йўли билан амалга оширилди. Уларнинг ичида Буюк ассизалар ва Кларендон (вилоятнинг номи) ассизалари катта ўрин эгаллайди.

Буюк ассизаларга кўра, озод ер эгалари, ўзларининг ҳуқуқла-

¹ Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961. – С.62.

ри бузилган ҳолда, илгариги сеньориал судлардаги каби фақат суд тўқнашуви йўли билан ҳал этиш ўрнига энди қирол судларида қатнашадиган қасамхўрлар иштирокида тафтиш (тергов) ўтказиш имконига эга бўлдилар. Бу нарса қирол судловининг сеньориал судлар ҳисобига кўпайишига олиб келади. Кларендон ассизасида ҳам жиноят процессига ўзгаришлар киритилди. «Худо суди» расман бекор қилинмасдан, «катта жюри» деб номланувчи «айбловчи қасамхўрлар» институти вужудга келтирилди. Юзлик ҳамда графликларда жиноят содир қилишда гумондор деб ҳисобланган кишиларнинг ишлари қирол судларида кўриладиган бўлди. Қолаверса, ассиза шерифларга жиноятчиларни ахтариб феодалларнинг дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи иммунитетли ерларга ҳам кириш ҳуқуқларини берди.

Илк феодал монархияси даврида Англия қироллари жуда кўплаб қонунлар, ассизалар, конституциялар чиқардилар. Лекин янги ҳуқуқий қоидаларни яратишда энг катта ролни сайёр судьялар ўйнайди. Улар томонидан норманд, англ-сакс одат ҳуқуқларидан бутун Англия учун ягона бўлган **умумий ҳуқуқ** (common law) яратилди.¹ Умумий ҳуқуқ суд ҳуқуқи ҳам дейилади, чунки у қонун сифатида ҳам ташкил топди.

Судлар қонунчилиги етарли равишда тартибга солинмаган, низоли (казус) ишларда ўзларининг фикрларига таяниб хусусий қарор ва қоидалардан келтириб чиқариб ҳал этишлари мумкин бўлган. Бундай ҳолда судья барча ҳоллардаги ҳуқуқ нормасини қўллайди деган қоидадан фойдаланилган. Шундай қилиб, улар томонидан ўрнатилган принцип суд одатига айланган, у барча судлар учун бажарилиши мажбурий бўлиб, фақат юқори суд органлари томонидангина бекор қилиниши мумкин эди. Бу ўрта асрлар ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидир. Шундай қилиб, чиндан ҳам умумий ҳуқуқнинг кўп қисми Англия судларининг суд-ҳуқуқий ижоди маҳсули.² Одат ҳуқуқлари кўплаб вужудга келиши

¹ Ҳозирги «умумий ҳуқуқ» кўпроқ суд қарорлари ва даъволари билан боғлиқ бир гуруҳ ҳуқуқ манбаларини англатади.

² Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. – М.: Госюриздат, 1969. – Б.34.

билан, уларни тўпламлаштириш ёки ягоналаштиришга бағишланган асарлар пайдо бўлган.

Ўрта аср Англияси ҳуқуқларини ўрганишда бир неча йил мобайнида қиролнинг сайёр судларида ишлаган ҳамда қирол олий судининг аъзоси ҳисобланган Г.Брактоннинг 6 томдан иборат «Англия қонунлари ва одатлари ҳақида» трактати, шунингдек, қирол судларининг 2000 дан ошиқ намунавий суд қайдномаларидан иборат «Генри Брактоннинг ён дафтари» муҳим манба бўлиб хизмат қилади. «Ҳамма жойда ва ҳамма мамлакатларда ёзма қонунлар қўлланилгани ҳолда, – деб ёзади Г. Брактон, – фақат Англиядагина ёзилмаган қонунлар ва одатлар амалдадир. Одат бу – айрим, узоқ жойларда, узоқ муддат фойдаланиб келинганлиги натижасида қарор топган ва қонун сифатида ижро этиладиган нарсадир».¹

Давлатнинг тоифавий-вакиллик монархияси даврига ўтиши билан, Англияда умумий ҳуқуқдан ташқари ҳуқуқнинг янги манбаи – **статут ҳуқуқи** (Statut Low) пайдо бўлди. Бунга сабаб парламентнинг вужудга келиши эди. Парламент қарорлари статут ҳуқуқининг асосига айланиб борди. Қолаверса, ордонанслар пайдо бўлди. Ордонанслар қирол кенгаши ёки лордлар палатаси розилиги билан чиқарилган актлардир.

Фуқаролик ҳуқуқини ерга нисбатан феодал мулкчилик ва эгалик қилиш ташкил этади, 1290 йилги қирол Эдуард I нинг даврида чиқарилган Вестминстр уложенияси ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг ёйилишини бошлаб берди, ер эгалари ерни сотишлари мумкин бўлди. Бундай ҳолда ерни сотган кишининг то сотгунга қадар бўлган феодал мажбуриятлари ҳам ерни сотиб олган кишига ўтган.

X асрдан Англия жиноят ҳуқуқида мулкни мусодара қилиш назарда тутилган ҳамма жиноятлар **фелония** деб аталган. Бунга одам ўлдириш, баданга жароҳат етказиш, номусга тегиш, ўғрилиқ ва ўт қўйиш жиноятлари кирган. XIV – XV асрлар жиноят қонунчилиги бундай жиноятларга оғир жазолар белгилаган.

¹ Хрестоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961. – С.144.

XIV асрда Англия жиноят ҳуқуқида жиноятларни удумларга кура уч гуруҳга бўлиш расмийлаштирилган: **хоинлик, фелония, месдиминор**. Хиёнатнинг икки тури бўлиб, бир-биридан фарқланган: а) қирол шахсига ва унинг ҳуқуқларига хиёнат; б) айбдорнинг бўйсунishi лозим бўлган кишиларга нисбатан хиёнати. Бундай жиноятларга қаттиқ жазо берилган. Месдиминор фелониядан ўзининг кам аҳамиятли хатти-ҳаракат характериға эғалиги билан фарқланади. Месдиминор бўйича процесс кўпроқ фуқаролик ишларига ёндашиб келган. XVI асрга келиб Англия жиноят ҳуқуқида жиноятлар узил-кесил уч гуруҳга бўлинган: хиёнат билан боғлиқ жиноятлар, оғир жиноятлар, унча оғир бўлмаган жиноятлар.

Мутлақ монархия даври Англияда янги ишлаб чиқариш муносабатлари туғилиб келаётган давр эди. Саноат ишлаб чиқаришининг қишлоқларга тез кириб келиши, қўйчилик билан шуғулланувчи янги дворянларнинг турли найранглар билан деҳқонларнинг ерларини қўлга киритиши натижасида, кўплаб деҳқонлар хонавайрон бўлиб, Англиянинг шаҳар ва қишлоқларини оч-яланғочлар, дайдилар, гадойлар босиб кетади. Уларга қарши бир қанча қонунлар қабул қилинди, улардан биринчиси 1495 йилги «Дайди ва тиланчиларга қарши» қонун эди. Шу қонуннинг 1-моддаси шериф ва мэрларга ўшандай кишиларни излаб топиб, биринчи марта оёғига кунда уриб 3 суткага, иккинчи марта 6 суткага қамаш ҳақида кўрсатма берган.

Генрих VIII ва Елизавета I даврида кўплаб мана шундай қонунлар чиқарилдики, улар гадойлар, тиланчилар ва дайдиларга нисбатан жуда оғир жазолар белгилагани билан характерланди. 1530 йилги қонунга кўра, шундай кишилар биринчи марта қонга ботириб урилган, иккинчи марта қулоғи қирқилган, учинчи марта эса қатл қилинган. Бундай қонунчилик Англия тарихида «қонли қонунчилик» номини олди. Мазкур давр Англия тарихида ўрта аср муносабатларининг емирилиши ва янги давр саноат ишлаб чиқариш муносабатларининг туғилиши даври эди.

«**Эркинликнинг буюк хартияси**» қуйидаги моддаларини атрофлича шарҳлаб, мазмунини очиб беринг:

21. Графлар ва баронлар содир этган хатти-ҳаракатларига

мос ҳолда ўзларига тенг шахслар орқалигина жаримага тортиладилар.

39. Бирорта озод кишининг мамлакат қонунларига мос ҳолда ўзига тенг бўлган шахслар томонидан чиқарилган ҳукмсиз қамоққа олиниши, қамоқхонага ташланиши, мулкдан маҳрум этилиши ёки бошқа усуллар орқали ҳиссадан маҳрум этилишини биз хоҳламаймиз, ҳеч қачон бунга йўл қўймаймиз.

40. Ҳеч кимга ҳуқуқ ва адолатни сотмаймиз, уни рад ҳам этмаймиз ёки уни кечиктириб, пайсалга ҳам солмаймиз.

3. Франция давлати ва ҳуқуқи

Ижтимоий тузум. 843 йили франк қироли Буюк Карлнинг авлодлари Верден шаҳрида ҳокимиятни бўлиб олиш бўйича бирор фикрга кела олмаганларидан кейин империянинг ўзини учга бўлиб олдилар. Учала қисмдан Франция, Германия ва Италия вужудга келди. Франция ўрта аср давлати ривожланишининг барча босқичларида классик шаклларни вужудга келтирган давлатдир, у X асрдан Франция деб атала бошлаган. Унинг тарихий ривожланишини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин: а) сеньориал монархия – IX – XIII асрлар; б) тоифавий-вакиллик монархияси – XIV – XV асрлар; в) мутлақ монархия – XVI – XVIII асрлар.¹

Бу ерда XI – XIII асрларда феодаллар томонидан деҳқонларнинг ерларини эгаллаб олиш охирига етказилди. Сиёсий тарқоқлик даврида Франциянинг асосий зиддиятли ижтимоий гуруҳлари феодаллар билан уларга боғлиқ бўлган меҳнаткаш аҳолидан иборат эди.

Феодаллар ўзлари эгаллаб турган ерлар – сеньорийларнинг ҳажмига қараб табақалашган. Катта сеньорий эгаларига герцоглар, графлар, йирик монастирларнинг аббатлари, епископлар кириб, улар дастлаб ўзларини қирол билан тенг пэрлар деб юритганлар. Уларнинг вассаллари: баронлар, виконтлар, вице-граф-

¹ История государства и права зарубежных стран. Ч.1. – М.: Норма, 2001. – С.281.

лар иккинчи гуруҳ ер эгаларини ташкил қилган. Учинчи гуруҳга рицарлар мансуб эди. Учала гуруҳ ўртасида сюзеренитет-вассалитет муносабатлари мавжуд бўлган. Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, бошқа мамлакатларда мазкур муносабатлар Франциядагидек яққол кўзга ташланмайди. Бу муносабатлар махсус шартнома орқали расмийлаштирилган. Вассал сеньорга содиқлик ҳақида қасам ичиб, унинг олдида тиз чўккан (оммаж деб аталган). Сеньор эса вассалга ерни (феод) бериб, рамзий таёқча ёки ўз қўлқопи, ёки найзани узатган. Бу **инвеститура** деб аталган. Вассалнинг ўз сеньорига қиладиган хизмати турлича бўлган. Масалан, вассал сеньор томонидан уюштирилган юришларда 40 кунгача қатнашиши лозим эди. Феодалга қарам кишилар сервлар ва вилланларга бўлинган. Сервларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ белгилаб қўйилмаган. Уларни ер билан бирга ёки ерсиз сотиш мумкин бўлган. Улар бирор нарсани сотишда ҳар сафар ўз хўжайнининг розилигини олиши лозим эди. Сервлар қўллардан ҳамда мажбуран серв ҳолатига тушиб қолган озод кишилардан келиб чиққан қарам деҳқонлар бўлиб, улар барча деҳқонлар томонидан тўланадиган солиқлардан ташқари тўғри солиқ – **таль**, жон бошига тўланадиган солиқ – **шеваж** тўлаган, қолаверса, бир неча кун баршчина ишлаб берган.

Вилланлар пул билан худди ижара ҳақига ўхшаган ер рента-си – чиниш ҳамда барча ҳосилдан бир қисмини (масалан, дондан, пичандан, мевадан) шампар деб аталувчи солиқ тўлаганлар. **Сервлар ва вилланлар** ўртасидаги фарқни ўрта асрга хос «Сервнинг мажбурияти унинг шахсида, вилланники эса унинг ерида ётади» деган иборадан яққол кўриш мумкин.

Деҳқонлар бажарадиган барча мажбуриятларга яна сеньорнинг муҳофазаланган ҳуқуқи ёки **баналитет** қўшилган. Бунга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: деҳқонларнинг фақат сеньор тегиримонида ун тортишлари, унинг печкасида нон ёпишлари, тузни фақат сеньордан сотиб олишлари (бир йили бир деҳқон 7 фунт туз сотиб олишга мажбур бўлган) ва бошқалар.

XIV – XV асрларга келиб товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан, феодаллар деҳқонларнинг маҳсулот билан тўлайдиган солиқларини пул-оброк солиқлари билан алмашти-

ра бошладилар. Ривожланган иқтисодий туманларда эса шахсан озод меросий ер мулки – **цензива** эгаси бўлган деҳқонлар мавжуд эди. Бундай деҳқон ўз хўжайнига ер учун ҳар йили мустақил белгилаб қўйилган бадал тулаб, айрим мажбуриятларни бажариб турган. Цензива аста-секинлик билан сервларнинг йўқолишига сабаб бўлиб, деҳқонлар ердан фойдаланишининг асосий шаклига айлана борди. Аммо Франция деҳқонларининг қарамликдан қутулишининг асосий сабаби уларнинг антифеодал курашидир (масалан, XIV асрда Жакерия қўзғолони). Сервларнинг кўплари озодликни сотиб олиш йўли билан қарамликдан чиқдилар. Шундан кейин бутун Франция аҳолиси уч табақага бўлинди: руҳонийлар, дворянлар ва барча озод кишилар. Руҳонийлар ва дворянлар имтиёзли табақа эди. XVI асрга келиб Франциянинг ижтимоий-сиёсий тузумида туб ўзгаришлар юз бера бошлайди. Саноат ишлаб чиқаришининг биринчи босқичи бўлган мануфактуралар ташкил топди.

Людовик XIV даврида ноқ доимий равишда маблағга эҳтиёж сезиб турган давлат суд ёки давлат мансабларини сота бошлайди. Сотиб олинган мансаб эса ўғлига ўтказилиши мумкин бўлади. Ана шунинг учун илгариги наслий дворянлар билан бирга мантия дворянлари юзага келади. Айрим мансабларни эгаллаш дворянлик унвонини берарди.

Мутлақ монархия даврида деҳқонлар таркибида сервлар тамомила йўқолиб кетади. Майда деҳқон (цензитарий) хўжаликлардан сиқиб чиқарилган маблағ ҳукмрон доиралар кун кечириши учун асосий манба бўлиб қолди. Янги ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши билан, ишчилар синфи юзага кела бошлади. Уларнинг аҳволи ниҳоятда оғир бўлиб, 11 – 12, ҳатто 15 – 16 соатлаб ишлардилар.

Давлат тузуми. IX асрда, феодал-сиёсий тарқоқликнинг дастлабки вақтларида, Франция қироли каролинглар сулоласига мансуб кишилардан эди. X аср ўрталаридан Франция тахтига Гуго Капетнинг сайланиши билан, янги сулолага асос солинди. Лекин Капет даврида ҳам қирол ҳокимияти унча кучли эмасди. Расман қирол Франциядаги барча ерларнинг эгаси ҳисобланган, аммо бу ерларнинг кўпчилиги йирик **феод** сифатида ер эга-

лари қўлида эди. Улар билан қирол ўртасидаги муносабатлар сюзеренитет-вассалитетга асосланганди.

Қирол вассалларининг энг биринчи мажбурияти унинг қўши-нида хизмат қилишдан иборат эди. XII аср охирларидан хизмат муддати бир йилу 40 кун этиб белгиланган. Қирол бу даврда фақат ўз мулкидагина тўла ҳуқуқли бўлган. Давлатни марказлаш-тиришга қаратилган ҳаракат натижасида **Қирол курияси** (ёки кенгаши) вужудга келган, у умумдавлат миқёсидаги ягона орган бўлиб, ер эгаларининг ўзига хос съездидан иборат эди.

Қиролга тааллуқли ҳуқуқлар ичида суд ваколати алоҳида роль ўйнайди, судлов ҳуқуқи у ёки бу шахснинг феодал жамия-тнинг қай поғонасида туришига боғлиқ бўлган. Масалан, қирол-нинг вассаллари ўзларига тенг вассаллар томонидан суд қили-ниши мумкин эди. Қолаверса, барча озод кишилар ва шаҳар аҳолиси ҳам ўзига тенг кишилар томонидан суд қилинган. Бун-дан фақат **сервлар** мустасно бўлган, холос. Улар ўз сеньорла-ри томонидан суд қилиниб, бу ерда ер эгалари судлови амал-да бўлган.

Суд ҳокимияти маъмурий ҳокимиятдан ажратилмаган, суд муассасалари ваколатида давлат бошқарув органлари доираси-га кирадиган ишлар ҳам топширилганди. Суд юритишда черков ҳам катта ваколатга эга бўлиб, руҳонийлар ва черков билан у ёки бу даражада боғланган кишиларнинг барча жинойи ва фуқа-ролик ишлари унга тааллуқли эди.

XIII аср охирларида шаҳар аҳолисининг феодал-сиёсий та-рқоқлигига қарши шаҳарларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилот-лари – коммунал жамоалар тузиш учун кураши вужудга келди. Чунки савдо-саноатнинг ривожланишига феодал-сиёсий тарқ-оқлик тўсиқ эди. Бу қирол билан шаҳарлар ўртасида иттифоқни вужудга келтириб, қирол ҳокимиятининг кучайишига туртки бер-ди.

XIII аср бошларида қироллик авлоддан-авлодга меросий ўта бошлайди. Қирол Людовик IX томонидан ўтказилган ислоҳотлар унга катта таъсир кўрсатди.

1. Суд ислоҳотига кўра, қирол ўз мулкида у ёки бу ишларни ҳал этиш воситаси сифатида сиёсий урушларни ман қилади.

Низолашаётган томонлар қирол судига мурожаат этишлари лозим. Бошқа сеньорийларда эса қиролнинг 40 куни жорий этилиб, томонлар низони ҳал қилиш учун қирол судига мурожаат қилишлари, суд ишнинг моҳиятини кўриб чиқиши, агарда у ҳал этолмаса, шундагина хусусий тўқнашишга рухсат этилиши мумкин эди.

Қирол судловининг кучайиши билан, қирол курияси иккига бўлиниб, молиявий ишларни кўрадиган **ҳисоб палатаси** ва суд ишларини кўрадиган **парламент** вужудга келди. Парламент касбий ҳуқуқшунослардан (рим ҳуқуқи руҳида тарбияланган легистлар) иборат эди. Демак, бу ислоҳотга кўра: а) қирол хазинасига суд жарималари, ўлпонлар сифатида тушадиган йиғимларнинг миқдори ошди; б) суд органларида касбий судьялар (легитимистлар)нинг ишлаши кенгайди.

2. Ҳарбий ислоҳотга кўра, ер эгаларининг қўшинлари ёлланма қўшин ва шаҳар милицияси билан алмаштирилди.

3. Пул-кредит ислоҳоти ўтказилиб, қиймати анча оширилган, бутун мамлакат учун ягона олтин танга зарб қилина бошланди.

XIII асрда Франция давлатини бирлаштириш ва қирол ҳокимиятини мустаҳкамлаш тадбирлари доимий равишда қирол хазинасига тушиб турадиган солиқларни талаб қиларди. Мана шундай солиқларни таъсис этиш учун қирол кўпроқ табақалар мажлисига мурожаат қиладиган бўлди. Бундай мажлислар дастлаб вилоятларда вужудга келди. 1302 йили биринчи марта умумфранцуз тоифавий-вакиллик органи – **Генерал штатлар** (бош табақалар мазмунини англатади) чақирилди. Бунга сабаб Рим папаси Бонифаций VIII билан қирол Филип IV ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этиш эди. Табақалар қирол фойдасига қарор чиқардилар. Француз руҳонийлари ҳар йили Рим папасига жўнатадиган солиқларнинг бир қисми қирол хазинасига тушадиган бўлди. Генерал штатларнинг феодал давлат органлари ичида муҳим ўрин олиши Франция феодал давлатининг тоифавий-вакиллик монархияси даврига қадам қўйганидан далолат беради. Генерал штатларда руҳонийлар, дворянлар ва «учинчи табақа» (асосан, шаҳарликлар) қатнашган, улар учта палатада алоҳида-алоҳида мажлис қилиб қарор чиқарганлар. 1357 йили «Буюк март

ордонанси» номли ҳужжат¹ қабул қилинди, унга кўра, Генерал штатлар ваколоти, чақирилиш тартиблари қонуний мустаҳкамлаб қўйилган. Генерал штатлар қиролнинг розилиги билан чақирилган. Улар янги солиқлар таъсис этиш ва қиролнинг молияси устидан назорат қилиш ваколатини эгаллаб олдилар. XV асрда Генерал штатлар, ўз тарихий вазифасини бажаргани учун, чақирилмай қўйди. Унинг ўрнига қирол ўз хоҳишича таниқли зодагонлар кенгашини (нотабиллар) чақиришни мақсадга мувофиқ деб билди.

Давлат бошқарув органи. Тармоқлар бўйича бошқаришга умумий раҳбарлик ҳамда назоратни амалга оширадиган **давлат кенгаши**, олий молиявий бошқарув органи – **ҳисоб палатаси**, олий суд органи – **парламент** мавжуд эди. Қолаверса, мансабдор шахслар устидан назоратни амалга оширувчи **канцлер**, отлик рицарлар қўшини кўмондони – **констебль**, қирол хазинаси бошлиғи – **камерарий**, қирол маслаҳатчилари – **палатинлар** каби мансабдор шахслар бўлган. Маҳаллий бошқарувда қирол мулки бир-бири билан тенг маъмурий-доиравий бирлик – **бальяжга бўлинган** (масалан, Филипп II дан кейин 20 бальяж мавжуд бўлган), улар **бальи** деб аталган мансабдорлар томонидан бошқарилган.

Суд тизимида парламент қирол актларини рўйхатга олиш ҳуқуқини эгаллаб ола бошлади. Марказий парламент билан бирга жойларда ҳам парламентлар ташкил топди. Қуйи суд ваколатларини **бальи**, **снешал**, **преволар** олиб борган. XIV асрда махсус айблов органи – **прокуратура** вужудга келади. Улар давлат манфаатларига дахлдор суд ишларида қатнашганлар.

XIV аср бошларига келиб француз жамиятининг социал тузилишида ўзгаришлар юз берди, давлатнинг марказлашуви кучайди, Франция ягона давлатга айланиб, унинг бошқариш шакли мутлақ монархия тусини олади.

Францияда мутлақ монархия қарор топиши қирол Генрих VI (1589 – 1610) ва Людовик VIII (1610 – 1643) даврига тўғри келади.

¹ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984. – С.112.

Бунда Людовик XIII нинг биринчи министри бўлган кардинал Ришелье ҳам катта роль ўйнаган. У марказий давлат аппаратини яратишни охирига етказиб, вилоятларда қиролнинг вакили сифатида тайинлаб қўйиладиган ҳарбий таъминотчилик мансабини қайта тиклаган. Мутлақ монархия Людовик XIV даврида ўзининг энг юқори чўққисига эришди. У парламентнинг қирол актларини рўйхатга олиш, уни тўхтатиш ҳуқуқи (ремонастрация)ни бекор қилди. Унинг парламент аъзоларига қарата айтилган қуйидаги сўзлари абсолютизм учун характерлидир: «Сизлар давлат бу биз деб ўйлайсизларми? Йўқ! Давлат бу меъ!» Полиция ҳокимияти кучайтирилди. Ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари устидан маъмурий назорат ўрнатилди. Католик черковининг давлатга бўйсундирилиши тугалланди. Доимий армия вужудга келтирилди. XVIII аср бошларида 46 пиеда ва отлиқ аскарлар полклари мавжуд эди.

Бу даврда илгариги давлат идораларидаги мансабларнинг сотиб олиниши натижасида, авлоддан-авлодга ўтиб келган муассасалар билан бир қаторда янги қирол томонидан тузиладиган, юқоридагиларга нисбатан муҳимроқ вазифаларни бажарувчи органлар вужудга келди.

Франциядаги мутлақ монархиянинг XVI – XVII асрнинг биринчи ярмидаги Германия ёки шунга ўхшаш мамлакатлардагидан фарқли хусусияти бор. Яъни абсолютизм даврида мамлакатнинг парчаланишига қарши кураш олиб борилиши, бирлаштиришга кўмаклашиш ҳамда янги муносабатларнинг ривожланишига ёрдам бергани. Аммо у XVIII аср охирларига келиб ўзининг вужудида ташкил топган янги муносабатларнинг ривожланишига, мамлакатнинг кейинги тараққиётига тўсиқ бўлиб қолди.

Ҳуқуқининг асосий белгилари. Франция ўрта асрлар ҳуқуқи ўз манбаларининг хилма-хиллиги билан характерланади. Айниқса, сиёсий тарқоқлик даврида ҳар бир ҳудудда илгариги қабила одатлари ўрнига маҳаллий одатлар – кутюмлар ташкил топган. Бу ҳолни характерлаб: «Ҳар сафар почта отини ўзгартирганинда қонуннинг ўзгарганини кўрасан»¹, – деганди буюк француз олими Ф.Вольтер.

¹ Федоров К.Г. История государства и права зарубежных стран. – Л.: ЛГУ, 1977. – С.85.

Ҳаракатдаги ҳуқуқ манбалари иккига бўлинган. Луара дарёсининг жануб томони «ёзма ҳуқуқ мамлакати» деб аталиб, бу ерда маҳаллий одатларга асосланган рим ҳуқуқи амалда бўлган. Шимолда эса худудий одат ҳуқуқлари асосий манба ҳисобланиб, «одат ҳуқуқи мамлакати» деб аталган. Людовик IX давридан одат ҳуқуқларини тўплаш ҳаракати бошланади. XIII асрда вужудга келган одат ҳуқуқлари тўпламида Париж, Орлеан, Труа, Анжуй ва Мэн одат ҳуқуқлари тўпланганди. 1453 йили Карл VII даврида кутюмларни тўплаш бўйича катта ишлар олиб борилди. Натижада қонун кучига эга 300 маҳаллий кутюмлар ва 60 катта тўплам вужудга келди.

Бундан ташқари, кутюмларнинг расмий бўлмаган тўпламлари ҳам мавжуд, улар орасида бальи Ф.Боманурнинг «**Бовезия кутюмлари**» ҳамда Граф Жак Д.Аблайгнинг 1389 йили тузилган «**Франция одатларининг катта тўплами**» кабилар диққатга сазовор. Ёзма ҳуқуқнинг манбалари қиролнинг норматив актлари: ордонанс (агар Генерал штатлар иштирокида тузилган бўлса), эдикт (шахсан қирол ўзи тузган бўлса) ва декларациялар (илгари эълон қилинган қонунларни шарҳлаш) ҳисобланган.¹ Айниқса, мутлақ монархия даврида, XVII – XVIII асрларда, қирол актларининг роли кучайган. Бунга 1670 йилги жинойт ҳуқуқи жараёнига бағишланган, 1731 йилги совға қилиш, 1735 йилги васият қилиш тартибига бағишланган ордонансларни кўрсатиш мумкин.

Франция феодал ҳуқуқида бир кодекс борки, уни айтиб ўтмаслик иложсиз. Эҳтимол, бу мустамлакаларда қул меҳнатига бағишланган ягона кодексдир. 1685 йили «қора кодекс» Франциянинг Шимолий Америкадаги Гаити ва бошқа жойлардаги барча мустамлакаларида қулчиликни ривожлантирган², уларнинг

¹ Саматова Х.С., Ахмаджанов У.М. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 1970. – С.25.

² Кодекснинг чиқарилган йили бир қатор дарслик ва ўқув қўлланмаларида нотўғри (1785) кўрсатилган (История государства и права. – М., 1949. – С.321; История государства и права зарубежных стран. – М., 1963. – С.390; История государсва и права зарубежных

ҳуқуқсизлигини расмийлаштирган. У бош молия назоратчиси Жан Батист Кольбер (1619 – 1683) томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 60 моддадан иборатдир. Унинг нормалари 1848 йилгача амалда бўлиб, негр қулларга бир ашё сифатида қараб, уларнинг меҳнатидан чексиз фойдаланишни қонунийлаштирган. Бундан ташқари, 1681 йили денгиз ордонанси, 1673 йили Кольбер иштирокида савдо устави (ёки кодекс) кабилар ишлаб чиқилиб қабул қилинган.

Ўрта асрларда Франция **фуқаролик ҳуқуқи** франклар ҳуқуқидан йирик феодал ер эгалиги шакллари – аллод ва бенефицийни мерос қилиб олган. IX асрга келиб бенефиция меросий ер эгалигига айланади ва **феод ёки лен** каби номларни олади. Бундай ерлар то XII асргача **майорат** асосида оилада фақат катта ўғилга мерос қолдирилиши мумкин бўлган. XII – XIV асрлардан ҳар иккала жинсдаги кишилар ҳам мерос тариқасида олишлари мумкинлиги тўғрисидаги одат юзага келди.

Деҳқонларнинг ер эгалиги шакллари. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, у **цензива** шаклида бўлган. Мажбурият ҳуқуқида мажбуриятлар сеньор ва вассал ўртасидаги шартномалардан, савдо-сотик, қарз, гаров, XVII – XVIII асрларда сақлаб туриш, ҳадя, ер ижараси шартномаларидан вужудга келади. 1566 йилги ордонансга кўра, кўзғалмас ашёларни олиб сотиш шартномаси нотариал тартибда тузилиши белгиланган. 1771 йили Людовик XV махсус фармойиш чиқариб, гаров ҳуқуқини ислоҳ этиб, кўзғалмас мулкларни гаровга қўйишни бекор қилди.

Оила ва никоҳ муносабатлари. Улар, асосан, черков ҳуқуқи ва одат ҳуқуқи – кутюмларга биноан тартибга солинган. Никоҳга кириш учун эркаклар ёши 13 – 14, аёлларники 12 га етган бўлиши ва ота-оналари розилиги талаб қилинган. 1639 йили Людовик XIII ордонанси чиқиб, ота-оналарининг розилиги фақат 30 ёшга тўлмаган ўғиллар ва 25 га тўлмаган қизлар учун жорий қилин-

стран. – М., 1980. – С.288). Аслида, у 1683 йил Кольбер томонидан ишлаб чиқилган ва ўлимидан кейин нашр этилган. Қаранг: Хрестоматия феодального государства и права. – М., 1961. – С.622 – 637; История Франции. Т.I. – М.: Наука, 1972. – С.264.

ди. Дастлаб никоҳ ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган. 1545 йилдан бошлаб черков тартибларисиз тузилган никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаган. Хотин эрининг вафотидан кейин ворис ҳисобланмаганидек, эр ҳам хотинидан кейин ворис саналмаган.

Черков ҳуқуқи никоҳни бекор қилишни, иккинчи никоҳга киришни тақиқлаган. Лекин 1569 йили чиқарилган эдикт Юстиниан кодификациясининг асосий қоидаларини қабул қилиб, тақрорий никоҳга кенг йўл очилди.

Жинойт ва жазо тизими. Бунда дастлаб Франклар давлати давридаги композиция (қоплаш) тизими амалда бўлган, XIII асрдан жиноят мазкур ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар деган тушунча шакллана бошлаган. «Бовезия кутюмлари»да жиноятлар тайинланадиган жазоларига қараб уч гуруҳга: 1) ўлим жазоси бериладиган жиноятлар; 2) мулкни мусодара қилиб, узоқ муддатли қамоқ жазоси бериладиган жиноятлар; 3) фақат мулкни мусодара қилиш жазоси бериладиган жиноятларга бўлинган.¹

Қирол ҳоқимияти кучайиши билан, жиноят қирол тинчлигини, фармойишларида ўрнатилган тартибларни бузиш маъносини ҳам англата бошлайди. Жиноятлар, асосан, уч гуруҳга бўлинади; а) диний жиноятлар: даҳрийлик, худосизлик, фолбинлик ва ҳ.к.; б) давлатга қарши жиноятлар: қиролга, унинг хонадони вакилларига суиқасд қилиш, уни ҳақоратлаш ва ҳ.к.; в) хусусий кишиларга қаратилган жиноятлар. Жазонинг қатл этиш, аъзосига шикаст етказиш, қамоқ, уят устунига боғлаб қўйиш, жарима солиш, каторгага юбориш ва бошқа турлари бўлган.

Судлов жараёнида далиллар: айбдор ёки жавобгарнинг тан олиши, ордалия (XIII асргача), гувоҳларнинг кўрсатмалари, суд тўқнашуви (судда иккала томоннинг кураши, жанг қилиши) ҳисобланган. Франция судлов жараёнининг характерли томони шундаки, XIII асрлардаёқ бу ерда судда вакиллик ва ҳуқуқий ҳимоя пайдо бўлган. «Бовезия кутюмлари»нинг 5-боби адвокатларга бағишланган қоидаларни ўз ичига олган. Агарда феодал-сиёсий тарқоқлик даврида судлов жараёни айблов шаклида бўлса, кей-

¹ Боманур Ф. Кутюмы бовези // Херостоматия памятников феодального государства и права. – М.: Госюриздат, 1961. – С.823.

инчалик тергов-қидирув инквизицион таъқиб этувчи жараёнлар вужудга келади.

1498 йили Людовик XII нинг «Суд ва қиролликда тартибни сақлаш ҳақида»ги ордонанси чиқади. 1670 йилги «катта ордонанс»га кўра, фуқаролик процесси жиноят процессидан ажралиб чиқади.

4. Германия давлати ва ҳуқуқи

IX аср ўрталарида Франклар давлатининг емирилиши унинг шарқий қисмида мустақил Франклар қироллиги учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Дастлаб мазкур қироллик Шарқий Франция, XI асрдан Тевтонлар, кейинчалик Германия деб атала бошлади.

Германия давлати ва ҳуқуқининг ташкил топиши, шунингдек, ўрта асрларда ривожланишининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунга қуйдагиларни киритишимиз мумкин:

1. Герман давлати, уруғдошлик тузуми емирилиши натижасида, пайдо бўлмасдан, балки феодализмни ўз бошидан кечираётган давлат – Франклар давлати емирилиши натижасида, унинг бир қисмида пайдо бўлган.

2. Бу ердаги жамоа – марка славянлар ва франклардагига нисбатан анча турғун бўлиб, деҳқонларни қарамликка ташлаш жараёни анча чўзилган.

3. Товар-пул муносабатлари ишлаб чиқаришнинг натурал характери дарахл бузиб юборади. Германиянинг султ ривожланишига қарамай, XI – XII асрларда феодаллашиш жараёни охирига етиб, икки асосий гуруҳ: феодал ер эгалари ва меҳнаткаш аҳоли ташкил топади.

4. Ижтимоий тузумида аҳоли жуда табақаланиб кетганини кўра-миз, масалан, рицарларнинг (чавандозлар, отлиқ аскарлар) ўзи 7 даражага бўлинган.

5. XIV асрга келиб Англия ва Францияда сиёсий тарқоқлик тугатилиб, марказлашув юз бераётган бўлса, Германияда бунинг тескариси – сиёсий тарқоқлик кучаяётганди. Фикримизча, бунинг асосий сабаби Германияда ўзига хос тоифавий-вакиллик монархиясининг вужудга келишидир.

Германия давлати ва ҳуқуқининг ўрта асрлардаги ривожланишини қўйидаги даврларга бўлиш мумкин:

I. Илк феодал яккаҳоқимлиги. «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» ташкил топиши (X – XIV асрлар).

II. Кюрфюрислар (сайловчилар) ҳукмронлиги ҳамда тоифавий-вакиллик монархияси (XIV – XVII асрлар).

III. Князларнинг мутлақ яккаҳоқимлиги (XVII – XVIII асрлар).

Янги дарслик китобларида икки даврга бўлиб ҳам кўрсатилмоқда:

1. Империя доирасида (X – XII асрлар) нисбатан марказлашган илк феодал монархиянинг ташкил топиши.

2. Германиянинг ҳудудий тарқоқлиги (XII – XIX асрлар), герман князликларининг автоном ривожланиши.

Германияда X асрда бир неча мустақил вилоятлар ташкил топиб, улар расмангина қирол ҳокимиятини тан оларди. Чунки қирол мансаби уруғдошлик тузуми давридан бери одат ҳуқуқларига биноан сайлаб қўйиларди. Фақат қирол Оттон I давридан (936 – 973) бу ҳолат ўзгариб, қирол ўз қўлида жуда катта бойликларни тўплади. Натижада ҳатто руҳонийлар ҳам қирол ҳокимиятини тан ола бошлади. Қолаверса, Оттон I бир қанча тадбирларни амалга оширдики, уларнинг бари руҳонийларнинг қирол ҳокимиятига тобелигини кучайтирди.

962 йили Оттон I Рим папасига ёрдам бериш ниқоби остида унинг ҳузурига бориб, императорлик тожини кийди. Бундан мақсад руҳонийлар устидан ўз ҳокимиятини кучайтириш, католик черкови маркази бўлган Римни олиш эди. Бу Карлнинг қулаган салтанати Оттон I томонидан тикланишини билдириши лозим эди. Шундан кейин герман императорлари ўзларини Рим цезар (император)ларининг ворислари деб ҳисоблай бошладилар. Кейинчалик Герман давлати «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» номини олди ва бу ном 1806 йилгача сақланди. Муқаддас деб аталишининг асосий сабаби шунда эдики, давлат бошида расман император ва папа турган. Амалда эса бутун ҳокимият император қўлида тўпланган.

Мана шу пайтдан герман императорлари жаҳонга ҳукмронликни даъво қила бошладилар, ҳатто айрим ҳуқуқшунослар гер-

ман императорларини «жаҳон ҳукмдорлари» деб атаб, бу даъвои назарий жиҳатдан асосламоқчи бўлдилар. Масалан, Болонья ҳуқуқ мактабидан Фридрих Барбаросса Германиядан бошқа Европа мамлакатларининг қироллари германлар салтанати бўлакларигагина ҳукмронлик қилишлари мумкин деб даъво қилган. Бу каби тарихий уйдирмалар Иккинчи жаҳон уруши арафасида фашистларнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳақидаги телбаларча режаларида фойдаланилди.

XI – XII асрларга келиб Германия ўзининг босқинчилик урушини кенгайтирди, Италия, Бургундия, Чехия ҳамда Венгрияни, шарқда Бранденбург, Мейсен, Лепиц, Австрияни босиб олди.

Германиянинг ижтимоий тузуми. X асрда озод аҳоли икки гуруҳга: солиқ тўловчи табақа – деҳқонларга ҳамда ҳарбий табақа – рицарларга бўлинган. Рицарлар ўз қўлида бошқариш ҳамда ҳарбий ишни тўплаб олган бўлиб, ҳукмрон табақага айланган, деҳқонлар эса уларга хизмат қилган. XIII асрга келиб рицарлик ёпиқ табақа сифатида авлоддан-авлодга ўтган. Гарчи ери бўлмаса-да, ўзидан аввалги авлодининг рицарь бўлиб ўтганини исботлолса, рицарь ҳисобланиб, лен олиши мумкин бўлган. Саксония зерцалосига кўра, рицарлар ўзларининг мулкига, обрў-эътиборига қараб бўлинган: 1) 1-даражада қирол (император) турган; 2) императорнинг вассаллари – олий мартабали руҳонийлар: аббатлар, архиепископлар; 3) императорнинг бевосита дунёвий вассаллари – князлар, герцоглар, графлар, маркграфлар, ландграфлар; 4) князларнинг вассаллари; 5) «озод жаноблар» – графларнинг вассаллари; 6) мана шу «озод жаноблар»нинг вассаллари; 7 – 6-даражага қарам рицарларнинг вассаллари кириб, улар вассалга эга бўлмаган.

Булардан қуйи гуруҳни шахарликлар (бюргерлар), озод деҳқонлар ташкил қилган. Шунини айтиб ўтиш лозимки, шахарликлар алоҳида ҳуқуқлардан ҳамда мустақилликдан фойдаланишган. Масалан, солиқларни жамоа бўлиб тўплашган.

Озод бўлмаган кишилар гуруҳига крепостной деҳқонлар ҳамда қароллар кирган. Крепостной деҳқонлар ер эгаларига пул ҳамда маҳсулотлар билан ишлаб тўланадиган мажбуриятларни бажарганлар, баршчина ўтаганлар. Қароллар ўз хўжайинлариникида

яшаган, уларга қарам бўлганлар. Улар билан хўжайин ўртасидаги муносабатлар одат ҳуқуқлари асосида ҳал этилган, лекин крепостной қарамликка ташлана бошлаганлар. Ўрта аср Германиясида бошқаришнинг сарой-вотчина системаси ҳамда муҳим масалаларни ҳал этишда маслаҳат органи бўлган феодаллар съезди – **рейхстаг** ташкил топди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, марказий ҳокимиятнинг заифлиги Германия феодал яккаҳокимлигининг ўзига хос хусусиятидир.

Одил судлов манбаи бу вақтда император ҳисобланса-да, ижтимоий муносабатларнинг ривожлана бориши натижасида, қирол судлови князлар судлови ҳисобига чеклана бошлаган. Ўрта аср табақаларига мос ҳолда феодаллар судлови олий ва қуйи поғонага бўлинган. Қолаверса, черков судлови ҳам бўлган. Жойларда ўз-ўзини суд қилиш ва «муштумзўрлар» суди амалда эди. 1285 йили Фридрих II ўз-ўзини суд қилиш фақат суд қароридан қаноатланмаган тақдирдагина қонунийлигини ўрнади.

XVI асрдан Германия иқтисодиётида кўтарилиш бўлиб, цех ҳунармандчилиги ҳамда савдо анча ривожланди. Ижтимоий тартибларда ўзгаришлар юз бериб, олий зодагонлар орасидан императорга деярли қарам бўлмаган, кенг ҳуқуқларга эга князлар вужудга келди. Рухонийлар олий ва қуйи табақаларга ажралди. Шаҳар аҳолиси ўртасида ҳам табақаланиш кучайди. Князларнинг ҳар тарафлама кучайиши мамлакатни сиёсий тарқоқликка, император ҳокимиятининг заифланишига олиб келади. XIII аср охирларида мамлакат амалда 7 йирик княз томонидан бошқарила бошланди, улар кюрфюрислар (сайловчилар) деб аталиб, кўпчилик овоз билан императорни сайлардилар. Бу кейинчалик, 1356 йили, император Карл IV томонидан чиқарилган «Олтин булла» қонунида янада мустақкам ифодасини топди.

Бу қонунга биноан, ҳар йили муҳим аҳамиятга эга масалаларни ҳал этиш учун кюрфюрислар съезди чақирилиши белгиланиб, мазкур съезднинг таркибига 7 йирик князь киритилди. Уларнинг мулклари тоғ-кон бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқлари, ўлпон йиғиш, танга зарб қилиш каби (регалия) ҳуқуқларини

Ўзларида сақлаб қолдилар. Уларга кенг судлов ҳуқуқи берилиб, умумимперия судида қатнашганлар ҳамда ҳуқуқий дахлсизликдан фойдаланганлар. Кюрфюрис тлар аста-секинлик билан императорни сайлашда унинг олди га махсус талаблар қўйишга киришди, бу талаблар «сайлов капитуляцияси» номини олди. Мана шундай талаб биринчи марта 1516 йил 3 июлда Карл V ни сайлашда, охи рги марта 1792 йили Франц II ни сайлашда қўйилди.

Бу давр давлат тузумида империя суди ва рейхстаг ҳам катта роль ўйнади. Рейхстаг **империя сейми** деб ҳам аталиб, 3 та: кюрфюрис тлар, графлар, князлар ҳамда озод хўжайинлар коллегияси, шаҳарликлар коллегияларидан иборат эди, улар алоҳида-алоҳида мажлис ўтказишган. XVII асрдан коллегиялар империя амалдорлари ёки табақалари номини олади.

Империя суди ҳам давлатнинг марказий органлари тизими га кирган, бунда, асосан, рим ҳуқуқининг қабул қилиб олинган қоидалари қўлланган, немис ҳуқуқи иккинчи даражали роль ўйнаган.

Бизга маълумки, XVI асрда Германия жуда кўп давлатлардан иборат эди. Мазкур давлатларда ҳам табақалар (руҳонийлар, рицарлар ва шаҳарликлар) ва тоифавий-вакиллик ташкилотлари – **ландтаглар** вужудга келади. XVII асрда Германия давлатида мутлақ монархиянинг ўсиши билан, **ландтаглар**нинг аҳами яти йўқола боради.

Германия шаҳарлари. XIV ва XV асрларда ўзининг сиёсий тобелиги га қараб империя шаҳарларига (Любек, Бремен, Гамбург, Аугсбург) ва князларга тегишли ёки маҳаллий шаҳарларга (Майнц, Вормс) бўлинган.

Мамлакатнинг текис бўлмаган иқтисодий ривожланиши туфайли Германияда мутлақ монархиянинг ташкил топиши ўзига хос. Яъни бу ерда, сиёсий тарқоқлик тугатилмасдан, мутлақ монархия вужудга келди. Бунга XVI – XVII асрлардаги йирик воқеалар: реформация ҳаракати, 1525 йиллардаги деҳқонлар қўзғолони, 1618 – 1648 йиллардаги 30 йиллик уруш ҳамда бу урушдан кейин тузилган Вестфалия сулҳи сабаб бўлди. Бу сулҳда Германиядаги князларнинг олий ҳуқуқлари тан олиниб, улар бошқа дав-

латлар билан иттифоқ ва шартномалар тузиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Агар Англия ва Францияда абсолютизм ўзининг биринчи босқичида ягона, марказлашган давлатнинг ташкил топишида ижобий роль ўйнаган бўлса, Германияда салбий роль ўйнаб, сиёсий тарқоқликни мустаҳкамлади. Яъни Германияда мутлақ монархиянинг ижобий даври бўлмаган.

XVIII асрда герман давлатлари ичида Пруссия ривожланиб, мутлақ монархиянинг барча белгиларини ўзида ифодалади. Прусс қироллари ўз тузумини «**маърифатли абсолютизм**» ниқоби билан пардалашга ҳаракат қиларди (масалан, қирол Фридрих II даврида). Прусс монархияси бошида қирол турган, унинг ҳузурида 3 та бўлимдан иборат яширин кенгаш (ташқи ишлар, ички ишлар ҳамда адлия) бўлиб, у олий бошқарув идораси ҳисобланган. Яширин кенгашга учта: директория, молия, ҳарбий ишлар ва мулклар бўйсундирилган. Иттифоқдаги энг кучли давлатлардан Австрия ва Венгрияда ҳам мутлақ монархия маориф пардаси билан ниқобланган.

Ҳуқуқнинг асосий белгилари. Германия ҳам худди Франция каби ҳуқуқий тизим ва манбаларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ҳатто ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз ҳуқуқига эга бўлган. Хуллас, ҳуқуқий ёки юридик тарқоқлик мавжуд бўлган. Немис ҳуқуқида дастлабки етакчи ўринни одат ҳуқуқи эгаллаган. Одат ҳуқуқлари ёзилмаган бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган. Шеффенлар судининг қарорлари уларни суд одатлари сифатида тўлдириб борган.

XIII асрга келиб немис одат ҳуқуқини **кодификация** қилишга уриниб кўрилди. 1230 йилларда рицарь ва судья Эйке фон Репкоф ана шундай тўпламни тузади. Мазкур тўплам Саксониянинг шарқий қисми одатларидан иборат бўлиб, лотин тилида тузилган, кейинчалик немис тилига таржима қилинган.

Саксон зерцалосининг асосий ғояси сиёсий тарқоқликни тугатишга қаршилик кўрсатган ҳамда ўзбошимчаликка чек қўйишини хоҳламаган феодалларнинг манфаатларини ифодалашдан иборат эди. У Магдебург учун ҳам ҳуқуқ манбаи бўлиб хизмат қилган. Саксон зерцалоси қулчиликка қарши курашгани ҳолда,

феодаллар томонидан асоратга солинган меҳнаткашлар омма-си тенгсизлигини мустаҳкамлаган.¹

Саксония зерчалоси ҳуқуқий маданиятнинг йирик ёдгорлиги, Шарқий Саксонияда асрлар мобайнида вужудга келган одат ҳуқуқи нормаларининг ёзма тўплами бўлса-да, унда, албатта, уни тузган киши Эйке фон Репкофнинг илғор ижтимоий-сиёсий қарашлари ўз ифодасини топган. «Худди ойна аёллар қиёфасини ўзида акс эттирганидек, зерцало ҳам сакслар ҳуқуқини шундай тўғри акс эттирсин», – деб ёзади бу ҳақда Репкоф зерцалога шеърий кириш сўзида. Зерцалонинг хотин-қизлар, кул хотинлар ва бошқаларнинг қадр-қимматини суд йўли билан ҳимоя қилиш, славян ва немис деҳқонларининг тенгҳуқуқчилиги, немис тилини билмайдиган судланувчининг таржимонга бўлган ҳуқуқи, азоблаб кўрсатма олишга интилишни чеклаш, барча судларнинг сайлаб қўйилиши тўғрисидаги нормалари – булар ўз даврининг ҳуқуқшунослигида ижобий ғоялар эди. У немис тилидан проф. Л.И.Дембо томонидан рус тилига таржима қилинган.² Зерцало икки қисмдан иборат, 460 моддани ўз ичига олади. Иккала қисми ҳам ўзаро ички боғлиқликка эга ва маълум маънода ўша давр герман ҳуқуқи тизимини ўзида акс эттиради.

Биринчи қисм **Земский ҳуқуқи** деб аталади, уч китоб ва 234 моддадан иборат. Унинг биринчи китоби 71 моддадан ташкил топган, суд тузилиши, суд процесси, суд мажбуриятлари, суд мажлиси ва мажлисларда қатнашиш, қуроли тўқнашув масалаларига бағишланган қоидаларни қамрайди. Зерцалонинг қизиқ нормаларидан бири шуки, унга кўра, ер эгалари **суд мажбуриятига**, яъни суд ишларида иштирок этиш мажбуриятига эга.

Иккинчи китоб сервитутлар, яъни ердан фойдаланиши билан боғлиқ мажбуриятлар, жиноят ва жазо масалалари, процессуал ҳуқуқ, қисман ворислик масалаларига бағишланган қоидаларни ўз ичига олган.

¹ 1980 йили Лейпцигдаги Саксония фанлар академияси Репкоф туғилган куннинг 800, Саксония зерчалосининг 750 йиллигини кенг нишонлади.

² Саксонское зерцало (памятник, комментарии, исследования) / Отв. ред. акад. В.М.Корецкий. – М.: Наука, 1985.

Зерцалога кўра, инсон ўзидан кейин нима қолдирган бўлса, унинг ҳаммаси мерос ҳисобланади. Меросхўрдан, биринчи навбатда, хизматкорлар ўз хўжайинлари вафот этган кунгача ҳақини тўлашини талаб қилмоғи лозим. Агарда ворис уларнинг ўз ишларини давом эттиришларини хоҳламаса, бошқа иш топгунларича, 30 кун боқиб туриши лозим. Албатта, мазкур қоида ўз давридаги илғор нормалардан деб ҳисобланмоғи лозим.

Ворисликда ҳарбий буюмлар вояга етмаган катта ўғилга, агар бундай ўғил бўлмаса, қилич тутишга лойиқ қариндошига ўтиши керак эди.

Фуқаролик ҳуқуқи. Ер мулкига нисбатан ҳуқуқини 31 йилу 6 ҳафта 3 кун даъво қилмаган бўлса, ушбу ҳуқуқини йўқотган. Давлат ер мулки, шунингдек, швабларнинг ер мулкларига бўлган ҳуқуқлари муддатсиз бўлган, чунки улар ўз ҳуқуқларини гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида исботлашлари мумкин эди.

Жиноят ҳуқуқи. Зерцалода давлатга қарши чиқиш оғир жиноят ҳисобланган. «Агар сеньорлар қасам ичиб, тил бириктирган ҳолда империяни рад этсалар, улар империяга қарши ҳаракат қилган бўладилар», – дейилади иккинчи китобнинг биринчи моддасида. Номусга тегиш оғир жиноятлардан бўлиб, унда қатнашган ҳар бир кишининг боши танидан жудо қилинган. Шундай жиноят содир этилган уй ҳам суд қарори билан бузиб ташланиши лозим эди.

Ўғрилиқ учун осиб ўлдириш жазоси белгиланган. Агарда кундузи 3 шиллингдан ошиқ бўлмаган қийматга эга ўғрилиқ содир этилса, ўша куннинг ўзида унга тан жазоси берилиши, сочини қирқиб ташлаш ёки пул тўлаш эвазига жазодан озод қилиниши мумкин. Аммо ўғри барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинган. Ўғирланган катта миқдордаги мулкни яширганлар бошини танидан жудо қилиш йўли билан қатл этилган. Зерцалога кўра, иш ҳайвонлари бўлган отлар, ҳўкизларни ўғирлаганлар, тегирмон, черков, қабристонларни талаганлар, ўт кўювчилар, қотилларга нисбатан ғилдиракка боғлаб қатл этиш жазоси назарда тутилган.¹

Вояга етмаган шахслар (21 ёшга тўлмаган) одам ўлдирсалар,

¹ Саксонское зеркало. – М.: Наука, 1985. – С.55.

уларга нисбатан тан жазолари, ҳаётдан маҳрум этиш, қатл этиш жазолари қўлланилмасдан, мулкларидан хун (вергельд) ундирилган. Ўғил отасининг вафотидан кейин у содир қилган жиноят учун жавоб бермаган. Аъзоларига шикаст етказганлик, ишдан чиқарганлик учун ярим хун (вергельд) ундирилган. Қатл қилиш ёки аъзога шикаст етказувчи жазоларни вергельд тўлаш, сотиб олиш йўли билан алмаштириш мумкин эди. Вергельд 12 ҳафта ичида тўланиши шарт бўлган.

Агар ўғри ёки талончи жиноят устида қўлга тушса, суд қилиш учун камида учта қишлоқдан биттадан учта **гограф** (парча ери бор озод киши) сайлаш ва гограф суди тузиш лозим. Қиролдан буйруқ олмасдан ёки сайланмасдан қирол номидан суд қилганлар тилини кесиш ёки вергельд ундириш билан жазоланган. Судга келиши лозим бўлган кишилар судга чақирилса-ю, узрсиз сабаблар билан келмаса, унга нисбатан суд жаримаси белгиланиб, 6 ҳафта ичида ундириб олинishi лозим бўлган. Кимдир бирор ашёнинг ўғирланиши муносабати билан айбланса-ю, ўша ашё ундан чиқмаса, у кишига қасам ичиб ўзини тозалаш ҳуқуқи берилган. Агарда ашё унда эканлиги исботланса, сўзсиз жавоб бериши лозим бўлган.

Қонунда гувоҳлар келтириш турли масалалар бўйича турлича, кўпроқ 7 кишининг гувоҳлик бериб тасдиқлаши тўғрисида гапирилган. Суд ижрочисининг гувоҳлиги етти кишининг гувоҳлиги талаб қилинадиган жойларда икки кишининг гувоҳлигига ўтган. Судларнинг қарорларидан қаноатланмаган томонлар юқори судларга, ҳатто қирол судига ҳам шикоят қилиши мумкин эди. Жиноят учун жиноятчига берилиши лозим бўлган жазога тортиш курсатилган.

Учинчи китоб 91 моддадан иборат бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи масалаларидан кафолат, кафиллик, даъволар, жазо, вергельд (хун) ва унинг миқдорлари, давлат ҳуқуқи масаларидан қиролни сайлаш, суд, суд иштирокчилари, аббатларни сайлаш тартиби, маъмурий бўлиниш масалаларини ўз ичига олади.

Қонун китобининг иккинчи қисми ўн бобга бўлиниб, 226 моддани ўз ичига олади. **Лен ҳуқуқи** деб аталиб, шартли ер эгалиги борасидаги муносабатларни тартибга солишга бағишланган. Лен

ҳуқуқидан фойдаланувчи ер эгалари учун ёзилган бўлиб, унда лен ерини олиш ва бошқа бир шахсга ўтказиш шартлари, уларга эгалик қилиш, лен ер мулкани меросга ўтказиш тартиби, вассаллик мажбуриятларини бажариш, лен ер мулки эгалик ҳуқуқларини суд ва бошқа йўллар билан ҳимоя қилиш масалалари тартибга солинади.

Лен ҳуқуқидан клерклар, аёллар, деҳқонлар, савдогарлар, ҳуқуқдан айрилганлар, қонуний никоҳсиз туғилганлар, шунингдек, отаси томонидан рицарлик унвонига эга бўлмаганлар маҳрум этилган.

Ворис бўлган ўғил лен ер мулкига ҳам ворис ҳисобланган, шунинг учун у ўз хўжасидан лен ҳуқуқини тасдиқлашини сўраши шарт ҳисобланмаган. Лекин бир йилу олти ҳафта ичида лен эгасининг ҳузурига бориб ўзини вассал деб танишлигини сўраши лозим эди. Мазкур илтимосга лен эгаси индамаса, меросхўр ленга мажбуриятсиз эгалик қилиши мумкин бўлган.

Мазкур қисмда сюзеренитет-вассалитет муносабатлари бузилганда, **лен судида** (ер эгасининг суди) ишни кўриш тартиблари, шаҳарлардаги лен ер мулклари, эгасининг ҳуқуқ ва бурчлари, уни бажармаганлик учун жавобгарлик масалалари тўғрисидаги қоидалар мавжуд.

Саксонларнинг ҳуқуқ китоби ўзининг илғор қоидалари билан нафақат Германия, балки бошқа кўшни мамлакатлар ҳуқуқи ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатди. Деярли 600 йил мобайнида судлар томонидан қўлланиб келинди. Шунингдек, Австрия, Голландия, Швейцария, Польша, Чехославакия, Болтиқбўйи, Белоруссия, ҳатто Украинанинг бир қисмида ҳам ҳуқуқнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Одат ҳуқуқларининг иккинчи тўплами – Шваб зерчалоси Швабия вилоятининг қонун китоби бўлиб, у 1273 – 1282 йилларда номаълум киши томонидан тузилган, уни тузишда Бавар ҳамда Аллеман ҳақиқатларидан, шунингдек, каноник ҳуқуқдан, Библия (Таврот), қисман одат ҳуқуқларидан манба сифатида фойдаланилган. Императорнинг ҳуқуқлари ҳақида батафсил гапирилганлиги учун, император ҳуқуқи ҳам деб юритилади ва кўпроқ Жанубий Германияга ёйилган.

Германияда сиёсий тарқоқлик давридаги ҳуқуқ манбаларига, шунингдек, қирол Фридрих II феодалларга берган ҳуқуқларини мустаҳкамлаган 1220 йилги «Рухоний князларнинг ҳуқуқлари ҳақида»ги конституцияларни ҳам кўрсатиш мумкин.

Ер эгалиги масаласида мулкий ҳамда оилавий ҳолатлар билан белгиланувчи тартиблар ҳукмрон эди. Лен олган вассал уни бегоналаштириши мумкин эмасди. У вассалга ўтказилганда, **инвеститура** (маросим) уюштирилган. 1307 йили қирол Конрад II қонун чиқариб, ленни меросий эгаликка ўтказиш мумкинлигини эълон қилди.

Етти князь ҳукмронлиги даврида Германия **фуқаролик ҳуқуқида** ҳам айрим ўзгаришлар юз берди. Мазкур ўзгаришлар кўпроқ мулк эгалигининг феодал чеклашларидан озод бўла бориши, деҳқонларнинг қарамликка ташланиши, феодалларнинг жамоа ерларини талашлари натижасида, **марка** жамоанинг емирила бориши билан характерланади.

Жиноят ҳуқуқи соҳасида герман ҳуқуқи тарихида катта роль ўйнаган ҳуқуқий ёдгорлик 1532 йилги «Каролина»дир. Бу кодекс император Карлнинг топшириғига биноан тузилган, у жиноят ҳуқуқи ва жиноят судлов жараёни ҳуқуқи нормаларини ўз ичига олади, унда туғилиб келаётган мутлақ монархиянинг ўзига хос томонлари ўз ифодасини топади. Мазкур кодекс жами 219 моддани ташкил қилади. Кодекс охирида фойдаланишга қулай бўлиши учун моддалар рўйхати – реестр берилган. Унда қайси моддада нима ҳақида айтилгани тўғрисида гап боради.

Ўзининг мазмунига кўра «Каролина» кўпроқ жиноят судлов жараёни кодексиدير. Гарчи Германия миллий ҳуқуқи ёдгорлиги бўлса-да, унда рим ҳуқуқининг таъсири яққол сезилиб туради. 142 моддаси жиноят-процессуал нормалардан, 78 моддаси эса жиноят ҳуқуқи қоидаларидан иборат. У жуда чалкаш, моддий ҳамда суд юритишга оид ҳуқуқ қўшилиб кетган. «Каролина»га кўра, жазонинг мақсади қўрқитишдан иборат бўлиб, унинг ишлаб чиқилиши ижтимоий кураш – 1525 йилги деҳқонлар кўзғолони натижаси эди. Ягона кодекс ишлаб чиқиш масаласи 1498 йил Фейбург сеймида, 1527 Вормс рейхстагида, 1524 йил Нюрнберг рейхстагида муҳокама этилиб, унинг кўп лойиҳалари рад қилин-

ди. 1539 йили Шпейр рейхстаги 3 лойиҳани ҳам рад этади. 1532 йили Регенсбург рейхстаги ҳам (қонунчилик мажлиси) кодексни тасдиқлайди.¹

Унда 9 хил ўлим жазоси, 4 хил тан жазоси берилиши ҳоллари кўрсатилган (чўктириб ўлдириш, тўрт бўлакка бўлиб ташлаш, бошини қирқиш, филдиракка боғлаш ва ҳ.к., қулоқни қирқиш, бурунни қирқиш, кўзни чиқариш). Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кодекс ўзининг даҳшатли жазолари билан характерланади. Энг қаттиқ жазолар давлатга қарши жиноятларга: хиёнат, сотқинлик, сохта пул ясаш ва бошқаларга қўлланилган.

Сохта пул ясаш жинояти кодексда учга бўлинган: 1. Тангага тегишли бўлмаган қийматни зарб этиш. 2. Унга тегишли бўлмаган металлни қўшиш. 3. Қасддан унинг оғирлигини камайтириш. Юқоридаги жиноятларга, шунингдек, сохта ҳужжат ва муҳрни ясашга ҳам қатл этиш жазоси берилган. Мулкка қарши қаратилган жиноятлардан талончилик (қилич билан қатл этилган), ўғрилик оғир жиноятлар ҳисобланган.

Ўғрилик учга бўлинган: а) синдириш билан боғлиқ ўғрилик; эркак киши осиб ўлдириш, аёл киши чўктириб ўлдириш билан жазоланган ёки судлар шароитига қараб бир кўзини чиқариш, бир қўлини қирқиш билан алмаштириши мумкин эди; б) 2-марта ўғрилик (майда ўғрилик) «уят ёғочи»га боғлаб қўйиш ва мамлакатдан қувиб юбориш билан жазоланган; в) 3-марта ўғриликда эркак киши осиб ўлдириш, хотин киши чўктириб ўлдириш билан жазоланган. Майда ўғрилик биринчи марта содир этилса, 5 гульденгача жарима солинган.

Оилага қарши қаратилган жиноятлар: номусга тегиш қилич билан қатл этиш, икки никоҳлилик қатл этиш, эрга ёки хотинга хиёнат, аёл киши томонидан боласини ўлдириш тириклайин кўмиб, устидан қозиқ қоқиш билан, шунингдек, табиий жинсий алоқага хилоф жинсий алоқа қилиш (гомосексуализм) ёқиб юбориш билан жазоланган, 14 ёшли ўғрилarga фақат тан жазоси берилган.

¹ История государства и права зарубежных стран. Ч.1. – М., 1963. – С.431.

Диний жиноятларга даҳрийлик учун қатл қилиш, фолбинлик жиноятлари учун ёқиб юбориш жазоси қўлланилган.

«Каролина» 300 йил мобайнида Германия империясининг жиноят ва процессуал қонуни бўлиб келди. У босилиб чиққан вақтда, Германия «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» деб аталиб, турли герцоглик ва қиролликлар: Венгрия, Австрия, Сардиния, Фландрия, Бургундия, Иерусалим ва ҳ.к. унинг таркибига кирган. «Каролина» ҳарбий жиноятлар ҳақидаги қонунлар сифатида Швейцария лейб-гвардияси полкларида, бутун Ғарбий Европада қўлланилган. Рус императори Петр I ҳам «Ғарбий артиклар»ни тузишда уни ўрганган. Кодекс империянинг барча қисмлари учун мажбурий бўлмасдан, балки намуна сифатида тақдим қилинган.

Судлов жараёни дастлабки терговга, суд муҳокамасига: умумий ва махсус терговга бўлинган. Биринчисининг вазифаси жиноят бўлганини аниқлаш, иккинчиси гумондорни ҳамда иштирокчиларни сўроқ қилиш, азоблаш усулларини қўллаш билан фош этишдан иборат эди. Ҳукм уч хил: айблаш, оқлаш, гумондор қилиб қолдириш каби шаклларда чиқарилган.¹

Мутлақ монархия даврига келиб Германияда алоҳида давлатларнинг ҳуқуқи билан бир қаторда Рим ҳуқуқи қоидалари ҳам амалда бўлди. Умумгерман ягона кодекси «Каролина» бўлиб қолди. Қолаверса, асосан, полиция хизмати мақсадларини кўзда тутган бир қанча умумимперия қонунлари ҳам қабул қилинди. Айрим давлатларда ҳуқуқни кодификациялаш ишлари амалга оширилди.

1794 йил 1 июнда Пруссия фуқаролик уложенияси нашр қилинди. Германиядаги муносабатларнинг ярим феодаллигидан қатъи назар, низомда ўсиб келаётган саноат буржуазиясининг хос ғоялари баён қилинганди. Масалан, мулк эгалигига шахснинг энг муҳим ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқининг асоси сифатида қаралади. Шу билан бирга, низом қиролнинг яккаҳоқимлигини, полиция тузумини, деҳқонларнинг қарамлик ҳолатидаги муносабатларини мустаҳкамлайди.

¹ Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984. – С.132 – 152.

XVIII асрда герман давлатларидан яна бири Австрияда ҳам қонунларни тўпламлаштириш ишлари ўтказилиб, 1769 йили Мария Тереза (Терезиана) жиноят қонунлари тўплами, 1781 йили умумфуқаро қонунлари тўплами, 1788 йили янги жиноий суд юритиш низомномалари қабул қилинди. XVIII аср иккинчи ярмида Пруссия ва Австрия маорифли мутлақ монархия сиёсатини олиб борди.

5. Византия давлати ва ҳуқуқи

Ижтимоий-сиёсий тузумининг асосий белгилари. Милодий 395 йилидан Рим империяси иккига: ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди. Ғарбий Рим V асрларга келиб герман қабилаларининг истилолари натижасида емирилди. Шарқий Рим – Византия эса деярли яна минг йил мобайнида яшади.

Византиянинг қишлоқ хўжалигида йирик қулдорлик ер мулклари эмас, балки майда деҳқон хўжаликлари етакчи ўрин олади. Хунармандчиликда ҳам қуллар эмас, балки озод хунармандлар катта роль ўйнай бошлади. Аммо бу ерда ўрта аср муносабатлари Ғарбий Европадагига қараганда секинроқ боради. Византияшунос олимлар орасида бу ерда ўрта аср давлатининг пайдо бўлиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Византия VII асрдан ўрта аср феодал муносабатларига ўта бошлаган десалар, айримлари IV – V асрларни ўтиш бошланган давр ҳисоблайдилар (масалан, Е.Э.Липшиц). Кўзга кўринган тарихчи-ҳуқуқшунослардан З.М.Черниловский эса ҳуқуқий манбаларни таҳлил қилиб ҳамда колонлар (ярим озод деҳқон)нинг ерга бириктириб қўйилиши жараёнини эътиборга олиб мазкур жараён IV аср бошларидир деган фикрни илгари суради.

VI – VII асрларда Византия ҳудудига славянлар бостириб кирди. Ғарбий Рим ҳудудининг герман қабилалари томонидан босиб олиниши натижасида, қулдорлик муносабатлари емирилиб, ўрта аср давлатлари пайдо бўлганди. Византияда ҳам славянлар босқини худди шундай жараён боришига кўмаклашди дейиш мумкин. XIII асрда, палеологлар сулоласи даврига келиб, бу

ерда йирик феодал ер эгалиги қарор топди. Профессор И.Д. Мартисеевич кўрсатиб ўтганидек, мазкур давр Византия ўрта асрининг олтин давридир. Бу улкан давлат, жойларда диний ва дунёвий феодалларнинг сиёсий-иқтисодий ҳокимияти кучайиши, ҳокимиятнинг марказлашуви сусайиши натижасида, заифлаша бошлайди. 1453 йили турк султони Меҳмед II нинг Константинополни босиб олиши билан, Византия салтанати кулади. Константинополь Истанбул номи билан Туркия давлати пойтахтига айлантирилди.

Византиянинг ижтимоий тузуми. Унинг аҳолиси ўзининг ижтимоий ва наслий ҳуқуқларига кўра икки даражага бўлинган: юқори ва қуйи. Куллар энг ҳуқуқсиз кишилар бўлганлиги учун ҳам табақалардан ташқари эди. Аҳолининг энг юқори даражасини **сенаторлар** ташкил қилиб, проф. З.М.Черниловский фикрига кўра, уларнинг ўзи ҳам 18 даражага бўлинган. Юқори даражага тааллуқли сенаторлар катта мансабларни эгаллаган. Сенаторлар йирик молия ва ер магнатлари бўлиб, саройнинг барча аъёнлари, ҳатто олий диний мансаблар ҳам улар томонидан эгалланган. Сенаторлар имтиёзли табақа ҳисобланган, мажбуриятлардан озод, ўз аскарий қисмларига ҳам эга бўлганлар. Шунингдек, ҳуқуқий дахлсизликдан фойдаланганлар. Уларга нисбатан чиқариладиган ҳукм фақат императорнинг тасдиғидан кейингина кучга эга бўлган. Шаҳар курияси мажлиси таркибига кирадиган ўрта даражадаги ер эгалари сенаторлардан кейинги мавқеда турган, улар куриаллар деб аталган. Булар ҳам имтиёзли табақа ҳисобланиб, аҳолидан солиқлар йиғиб олиш ҳуқуқига эга эди. Сенаторлик унвонига эга бўлмаган хизмат қилувчи вакиллар ҳамда йирик руҳоний зодагонлар динатлар – буюклар, кучлилар деб аталган. Руҳонийларга ҳам айрим муҳим давлат ишларини бажариш ҳуқуқи берилган, улар ҳам баъзи мажбуриятлардан озод этилганлар. Византияда жуда муҳим маҳсулотлар билан савдо қилиш давлат монополияси ҳисобланиб, турли уюшмаларга уюшган савдогарлар қўлида бўлган. Византия жамиятининг энг қуйи поғонасида хунармандлар, деҳқонлар ва куллар турган. Деҳқонлар уч гуруҳга бўлинган: а) озод майда ер эгалари; б) ер эгаларининг ерларини ижарага олиб фойдаланадиган

озод колонлар; в) крепостной ёки маълум ерга бириктирилган, ўз хўжайининикидан кетиши мумкин бўлмаган қарам деҳқонлар.

Деҳқонлар VII асрларда камбағаллашган деҳқонлар – **апорлар**, ҳосилининг ўндан бирини ер эгасига тўлаш шарти билан ер ижарага олган деҳқонлар – **мортитлар**, хусусий ҳамда давлат ерларига бириктирилган қарам деҳқонлар – **актимонларга** бўлинган.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, IV – V асрларда ҳуқуқий дунёқарашда катта ўзгаришлар бўлиб, рим классик ҳуқуқига эллинистик (греклар) дунёнинг удумларига асосланган кундалик одат ҳуқуқлари элементлари кириб келди. Бу даврда шахс масаласи ҳуқуқ манбаларида дастлабки ўринлардан бирини эгаллади. Классик давр ҳуқуқшуносларидан Флорентин: «Қулдорлик бу – халқлар ҳуқуқи билан ўрнатилган нарса, ўзга кишилар ҳукмронлигига бўйсунуш», – деганди.

«Фуқаролик ҳуқуқида қуллар гарчи ҳеч ким ҳисобланмаса-да, – деганди Ульпиан, – табиий ҳуқуқ бўйича кишилар тенгдир».

Византия ҳуқуқшуноси Трофининг сўзларига кўра, табиий ҳуқуқ озодлик деган тушунчага ҳам эга, ҳукмронлик қилиш тушунчаси эса халқлар ҳуқуқи билан киритилган тушунчадир.

IV – V асрларда гарчи император қулларининг аҳволини у ёки бу тарзда ўзгартирадиган қонунлар қабул қилинган бўлса-да, жамиятнинг қуллар ва озод кишиларга бўлиниши ўзгаришсиз қолаверди. **Қуллар** Византия жамиятининг энг ҳуқуқсиз қисми бўлиб, X – XI асрларда зодагонлар оиласида, қишлоқ хўжалигида ҳамда ҳунармандчиликда қул меҳнатидан фойдаланилган. Аста-секинлик билан қулларни ўлдирганлик учун жавобгарлик белгилана бошланган, озодликка чиқариш қўлланилган. XIII асрга келиб қуллар йўқолиб, **парикларга** айланиб кетдилар.

Византия ўрта аср давлати бўлганлиги учун ҳам, давлат бошлиғи барча ер эгалари ичидаги биринчи ер эгаси эди. Чунки унинг қудрати ва ҳокимияти мулкининг ҳажмига қараб белгиланарди.

Император ерларини амалдорлар бошқариб, ижарачи деҳқонлар уларга экин экарди.

Византия империясининг давлат бошлиғи турлича аталган: **император, подшо, автократ, базилевс, аслида, у расман**

сенат томонидан сайланиши лозим бўлган, амалда унинг ҳокимияти жуда кучли кураш натижасида авлоддан-авлодга ўтиб борган. Византия давлат тузилишининг ўзига хос хусусиятларидан бири императорнинг кучли ҳокимияти ва империяда турғун марказий раҳбарликнинг мавжудлигидир. Унинг ҳузурида маслаҳат органи – **сенат** (ёки санклит) бўлиб, у ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим масалаларини ҳал этган, юқори мансабдор шахсларни тайинлаган ва қонун лойиҳаларини муҳокама қилган, муҳим ишлар бўйича суд ваколатини ҳам бажарган.

Давлат кенгаши ҳам император ҳузуридаги маслаҳат органи бўлиб, давлат бошқарувига оид барча масалаларни ҳал этган. Юқори мансабдор шахсларга иккита **префект преторий**: биринчиси (Кичик Осиё, Понт, Фракияни бошқарган) Шарқ преторийси; иккинчиси Иллирия префект преторийси (Болқон яриморолини бошқарган) кирган. Бундан ташқари, **пойтахт префекти, сарой бошлиғи, иккита молия комитети** (биттаси давлат хазинаси бўйича, иккинчиси император мулкни бошқариш бўйича) ҳамда иккита **армия магистри** (бири пиёда аскарларга, иккинчиси отлик аскарларга қўмондонлик қилган) бўлган. Префект преторийлар қўлида ўзларига топширилган ерлардаги молия, маъмурий-суд ҳокимияти тўпланган. И.Д.Мартисеевичнинг кўрсатишича, VII асрда давлат бошқарувининг марказий тизимига катта ўзгариш киритилиб, Византиянинг барча амалдорлари 60 даражага бўлиниб, юқори мансаб эгалари **логофет** деб аталган. Византиянинг маҳаллий бошқарув тизими худди Римникига ўхшаб кетади. У **префектура, 7 диоцезларга** ҳамда вилоят ва жамоаларга бўлинган. Ҳар бир **диоцез 50 тумандан** иборат бўлган. VII асрда чет эл босқинининг кучайиши билан, чегара туманларида маҳаллий бошқарув ҳарбий бошлиқлар қўлига берилган. Ана шу боис ҳарбий округ – **фемалар** қарор топган. Унинг бошлиғи – **стратег** қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти тўпланган.

Византияда кучли армия тузилган, у фақат мамлакат худудини ҳимоя қилиб қолмасдан, балки қўшни халқларнинг ерларини ҳам босиб олган. VII асрда жамоачи деҳқонлардан алоҳида қўшин – **стратеглар** (жангчилар) ташкил қилинди. Улар хизмат эвазига ер участкаси олиб, давлат ҳисобига тўланадиган нату-

рал солиқлардан озод қилинган. XI асрда шартли феодал ер эгаллиги – **прония** вужудга келди.

Византиянинг **суд органлари** мавжуд ўқув қўлланмалари ва дарсликларда етарлича ёритиб берилмаган. Эҳтимол, бунга сабаб биринчи манбалар асосида яратилган илмий изланишларнинг камлигидир? Византияшунос олима Е.Э.Липшицнинг асарлари бу борада диққатга сазовор. Чунки унинг ишлари папирология¹ ютуқларини таҳлил қилиб ўрганиш асосида ёзилган.

III – VI асрларда суд органлари тизимида айрим ўзгаришлар юз беради. Бунда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Диоклетиан томонидан ўтказилган маъмурий-ҳудудий ислохот натижасида туманлар ҳажми қисқартирилиб, ҳуқуқлари тенглаштирилди. Янги туманлар ҳукмдори биринчи даража судига айланди. Мазкур судларнинг қарорлари устидан император ёки унинг вакилига шикоят қилиш мумкин эди.

2. Константинополь учун алоҳида суд тизими белгиланиб, суд ҳокимияти претор кўлидан **шаҳар префектига** олиб берилди. Олий суд органи **император суди** ҳисобланиб, биринчи босқич тариқасида энг муҳим давлатга қарши жиноят ишларини (кўзғолон, императорга қарши фитна) кўрган. Давлат судларидан ташқари черков судлари ҳам бўлиб, улар кўпинча руҳонийларнинг ишларига ҳамда динга, оилага, никоҳга, ахлоққа қарши қаратилган ишларни кўрган.

Рим-Византия ҳуқуқи манбалари. Византия империяси ўз тараққиётининг дастлабки даврларида ўзининг маҳаллий ҳуқуқ ва одат, удумларига эга бўлган ҳамда латин тилида эмас, балки грек, сурия, миср ва арман тилида сўзлашувчи Сурия, Миср, Кичик Осиё, Греция ва Франция каби мамлакатларни, шунингдек, Фаластин, Месопотамия халқларини ўз таркибида бирлаштирганди.

Византия антик ва классик даврларда яратилган рим ҳуқуқини мерос қилиб олди. Византия хаттотлари, ҳуқуқшуносларнинг фаолияти натижасидагина бизга Рим салтанатининг ҳуқуқ манбалари етиб келган. «Албатта, бу халқлар рим ҳуқуқига таъсир

¹ Папирусга ёзилган ҳужжатларни ўрганадиган фан.

этмасдан қолмаганлар, шунинг учун Византия салтанатида мавжуд бўлган ҳуқуқни «Рим ҳуқуқи» деб аташ унча туғри бўлмайди, – деб ёзади византияшунос Е.Э.Липщиц, – балки «Византия ҳуқуқи» дейиш мақсадга мувофиқ». ¹ Ҳақиқатан ҳам, бу жуда қизиқ масала. Айрим дарсликларда, ўқув қўлланмаларида Юстинианнинг қонунларни тўпламлаштириш ишлари (кодификацияси) Рим ҳуқуқи тарихига, айримларида Византия ҳуқуқи тарихига киририлган. Бизнинг фикримизча, император Юстиниан даврида Византияда кодификация қилинган антик Рим ҳуқуқи қисман ўз даврига қараб мослаштирилганди. Шунинг учун Византиянинг V – VI асрлардаги ҳуқуқини Рим-Византия ҳуқуқи ва VI асрлардан кейингисини Византия ҳуқуқи деб аташ мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, рим ҳуқуқи Византия учун маълум даражада эскириб ҳам қолганди, чунки Византияда ўрта аср муносабатлари ривожланаётган бир даврда, антик қўлдорлик ҳуқуқи бу давр талабига жавоб бермасди. Рим-Византия ҳуқуқи Византиянинг ҳалокатидан кейин ҳам ўнлаб давлатларда амалда бўлди. Германияда эса расман унинг ҳаракати XX аср арафасидагина бекор қилинди.

III асрда Рим жамиятида юз берган инқироз натижасида, худди Рим давлати тизимида бўлгани каби, Рим ҳуқуқида ҳам туб қайта қурилишлар амалга оширилди. Индивидуализм ва алоҳида шахсларнинг эркин ташаббус фикрларига асосланган классик ҳуқуқ тизими ўтмишга айланди. Давлат тузумида бюрократик тизимнинг узил-кесил ўрнатилиши, хўжалик тўнтаришининг юз бериши, социал қатламларнинг силжиши, **формуляр процесс**нинг расмий бюрократик процесс билан алмашишига эски ҳуқуқий дунёқараш қарши туролмасди. Ҳуқуқий дунёқарашдаги мазкур ўзгаришлар Византия жамиятининг туғилиши жараёни билан мустаҳкам алоқададир.

Феодосий ва Юстиниан тўпламларини тузишда қатнашган Византия юристлари классик ҳуқуқшуносларнинг асарларини ўз даврига мослаштиришда, улардан фойдаланишда уларга

¹ Липщиц Е.Э. Право и суд в Византия в IV – VIII вв. – Л.: Наука, 1976. – С.3.

қўшимчалар, кўчирмалар, қисқартириш ва тўлдиришлар киритганлар. Мана шундай тўлдиришлар биринчи марта Юстиниан Дигестасида кузатилади.

Феодосий кодексида дастлаб фақат Папиниан, Павел, Ульпиан, Модестин ва Гай фикрларидан фойдаланиш белгиланган. Улар ўртасидаги турли фикрлар бўлса (асарларида), кўпчиликники ҳақиқий ҳисобланган. Овозлар тенг келса, Папиниан қайси томонда бўлса, ўша томоннинг фикри ҳал қилувчи ҳисобланган. Кейинчалик мана шу беш классик юрист ўз асарларида ҳавола қилган ҳуқуқшуносларнинг асарларидаги фикрлар ҳам инобатга олинган. Бу VI асргача давом этиб, Дигеста нашр қилинган, унга киритилган ҳуқуқшуносларнинг асарларигагина ҳавола қилиш мумкин бўлди.

Умуман, Рим империясида ҳуқуқни кодификациялашнинг биринчи тажрибалари III – IV асрларга оиддир. Кўпгина муаллифларнинг кўрсатишича, дастлабки қонунлар тўпламлари империянинг шарқида вужудга келган. Уларни тузувчилар – Григорий ва Гермогениан император Диоклетиан замондошлари бўлган. Улар тузган тўплам бизгача тўла ҳолда етиб келмаган, балки Юстиниан Юрист корпуси орқали унинг айрим асосий қонунлари билан танишишимиз мумкин. Е.Э.Липщицнинг кўрсатишича, Григориан кодекси 19 китобдан иборат, 295 йиллар арафасида вужудга келган бўлиши мумкин.

Биринчи расмий қонунлар тўплами 438 йили тузилган Феодосий кодекси ҳисобланади. Бунга император Константин давридан чиқарилган барча қонун ва фармойишлар киритилган, Феодосий кодексига киритилмаган барча қонунлар 439 йил 1 январдан ўз кучини йўқотди. Ана шу даврга келиб энди юксак обрўли ҳуқуқшуносларнинг фикрлари бирор-бир хулосани асослаш учун манба бўлмай қолди.

Мазкур давр постклассик (янги классик) ёки илк Византия даври деб аталади. Бюрократлаштириш Византия ҳуқуқий тизимининг барча бўғинларига чуқур кириб борди.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, республика даврида ҳам, салтанат даврида ҳам атоқли ҳуқуқшунослар **адвокатлик, риторликдан** узоқда турганлар, яъни улар судда қатнашмаган-

лар. Чунки риторлар элементар юридик тайёргарликкагина эга бўлган.

Аммо IV асрдан Византияда бу нарса тубдан ўзгариб, судда қатнашадиган ҳуқуқшунослар Байрут ҳуқуқ мактабида тайёрланадиган бўлган.

Император Лев I нинг 460 йилги конституциясига кўра, адвокатлик амалиётига кирувчи ҳуқуқшунослардан уларнинг профессорлари томонидан тузилган ва қасам билан мустаҳкамланган аттестация талаб қилинган. Машҳур Рим ҳуқуқшуносларининг асарлари Рим ва Византия ҳуқуқи ривожланишига катта таъсир кўрсатди, уларга қонун кучи берилган. Уларга қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатишимиз мумкин:

Гай институцияси (уч китобдан иборат қўлланма), айрим олимлар фикрича, бизга тўла ҳажмда етиб келган классик ҳуқуқшуносларнинг ягона асари бўлиб, унинг 9 хил кўриниши ёки таҳрири мавжуд эди;

«Респонса» Папианнинг асари, юридик амалиётдагина мураккаб ва чалкаш масалалар тизимли равишда ўрганилади. Бу асар ўқув қўлланмаси сифатида ҳам хизмат қилган;

Ульпианнинг «Респонса» номли 83 китобдан иборат асари, у ҳам ўқув қўлланма, ҳам шарҳ сифатида хизмат қилган. Ана шу асар Юстиниан Дигестасини тузишда ҳам бош қўлланма ва манба бўлган.

Византиянинг кўзга кўринган ҳуқуқшуносларидан бири Патрикий «умум муаллим» деб аталган, кўплаб классик ҳуқуқшуносларнинг асарларига, шунингдек, қонунларига, масалан, прокураторлар¹ ҳақидаги қонунларга шарҳлар ёзган.

Прокураторлар ўз хўжайинларининг ишончли шахслари ҳисобланиб, улар йўл қўйган қонунга хилоф ҳаракатлари учун қаттиқ жазога тортилган. Шунга қарамай, давлат хизматидаги ва хусусий кишилар хизматидаги прокураторлар катта роль ўйнаганлар. Император Зеноннинг 478 йили қабул қилинган қонунига кўра, олий мартабали кишилар ўзларига етказилган зарар ва

¹ Ана шу институтдан XIV асрда прокуратура дастлаб Францияда ташкил топди.

ҳақоратлар учун жиноий тарзда **прокураторлар** орқали даъво иши кўзгатиши ва улар воситасида судда жиноий ишлар бўйича жавобгар сифатида қатнашишлари мумкин эди. Худди шундай кўрсатма Юстиниан институциясида ҳам учрайди.¹

Юстиниан кодификацияси. Рим ҳуқуқида Юстиниан корпуси сингари улкан қонунлар тўплами VI асргача яратилмаган. Класик ҳуқуқшуносларнинг асарлари ҳамда императорлар фармойишлари сифатида жуда катта ҳуқуқий манбалар Юстиниан даврига келиб тўпланиб қолганди. 528 йил 13 февралда биринчи нашр қонунлар тўплами ишлаб чиқилиб чоп қилинди. 10 кишидан иборат комиссияга Григориан, Гермогениан ва Феодосий тўпламларини алмаштириш мақсадида барча император фармойишларини жамлаш вазифаси топширилганди. Уларга бир масала юзасидан қабул қилинган бир неча қонунларни ягоналаштириш, конституцияларнинг кириш қисмларини тушириб қолдириш, гуруҳлаш каби ваколатлар берилган. Комиссия таркибига кўзга кўринган ҳуқуқшунослар ва мансабдор шахслар киритилган, улардан баъзиларини санаб ўтамиз: Леонтий – қўшинлар магистри, преторий экспрефекти, консул ва патрикий; Фока – қўшинлар магистри, консул ва патрикий; Василид – Шарқ преториясининг экспрефекти ва патрикий; Трибониан – ҳуқуқ профессори.

Бу кодекс бизгача етиб келмаган, у 529 йил 7 апрелда кучга киритилиб, шундан кейин илгариги қонунларга ҳавола қилиш тақиқланди.

Бу тўпламдан ташқари Дигестани ишлаб чиққунча бўлган даврда иккита конституциявий тўплам бўлганлиги маълум, лекин улар бизгача етиб келмаган. Биринчиси «50 қарор» тўплами деб аталган. Иккинчиси қисқартирилган ҳолда «экстравагант конституциялар» деб аталиб, Юстинианнинг иккинчи нашр кодексидаги маълумотлар орқали бизга маълум.

Византияшунослар олим Е.Э.Липшицнинг кўрсатишича, «50 қарор»: 1) битта тўпламга бирлаштирилган қарорлардир; 2) улар-

¹ Қаранг: Липшиц Е.Э. Суд и право Византия IV – VIII вв. – СПб., 1976. – С.27.

да классик ҳуқуқшуносларнинг фикрлари турлича бўлган низоли масалалар император томонидан ҳал этилган; 3) ўз аҳамиятини йўқотган институтлар расман бекор қилинган; 4) «50 қарор» биринчи нашр кодекси ва институция орқасида нашр этилган.¹

Шуниси диққатга сазоворки, мазкур қарорларнинг биронтаси ҳам классик даврдаги рим ҳуқуқига тааллуқли бўлмасдан, пост-классик (илк Византия) даврида Византияда вужудга келган. Иккинчи гуруҳдаги конституциялардан 24 таси ворислик ҳуқуқи масалаларини ўз ичига олади.

530 йил 15 декабрда Юстиниан махсус фармойиш билан Трибонианга Дигеста нашр қилиш тўғрисида фармойиш берди. Трибониан бошчилигидаги обрўли комиссия таркибига **Константинополь ва Байрут** ҳуқуқ мактабларидан иккитадан ҳуқуқ профессорлари, 21 адвокат (ритор) ҳамда юқори мансабли амалдорлар киритилди. Дигеста² деан ном янгилик эмас. Биринчи марта ана шундай асарни мил. ав. II асрда Рим юристи Сальвий Юлиан ёзган, у 90 китобдан иборат бўлган. Дигеста деб аталишининг сабаби Юлианнинг асарларидан парчалар киритилган. Мазмунига кўра классик даврдаги Рим ҳуқуқшуносларининг хусусий ҳуқуқ борасидаги фикрларидан (сўзларидан) иборат. Бу ўринда бир нарсани унутмаслигимиз керак, Дигеста фақатгина Рим классик ҳуқуқшунослигини ўрганиш манбаигина эмас, балки Византияда Рим ҳуқуқшунослари асарларидан олинган парчаларга жуда кўп ҳолларда ўзгаришлар киритилган. Дигестанинг кириш қисмида гарчи комиссия 2000 дан ошиқ китобдан фойдаланганлиги тўғрисида гапирса-да, олимларнинг ҳисобига кўра, 1625 китобдан фойдаланилган. У 7 катта қисмдан ҳамда 50 китобдан иборатдир.

¹ Липшиц Е.Э. Право и суд Византии в IV – VIII вв. – СПб., 1976. – С.82.

² Дигеста ҳуқуқни тизимли тарзда баён қилиб жойлаштирадиган асар, ҳуқуқ тизимидир.

Дигеста ўғитларидан

Давлат қудратнинг, ҳуқуқ эса ироданинг тимсолидир.

Ҳуқуқ ҳушёр кишилар учун ёзилган.

Бутун қонунни назарда тутмай, унинг бир қисмига асосланиб жавоб ва маслаҳатлар бериш, ишни ҳал этиш нотўғридир.

Зўрлик куч билан қайтаришга имкон тугдиради.

Қонунларни билиш унинг сўзларига ёпишиб олиш деган нарса эмас, унинг кучи ва аҳамиятини тушунишдир.

Қонунлар иш бермай қўйган жойда зўравонлик, ўзбошимчилик бошланади.

Дунё қулаб кетса ҳам, қонун галаба қилса бас.

Қонун – ҳамма сизиниши шарт бўлган худо.

Эркин бўлиш учун қонунларнинг қули бўлиш керак.

Давлатни қонун бошқариши зарур.

Ёлгон ҳукмлар жуда кўп бўлиши мумкин, ҳақиқат ҳаминиша битта.

533 йил 21 ноябрда махсус дарслик сифатида Юстиниан институцияси нашр қилинди. Гарчи дарслик китоб бўлса-да, унинг асосий қоидаларига қонун кучи берилган. Дарслик, асосан, Константинополь ҳуқуқ мактаби профессори Феофил ва Байрут мактаби профессори Дорофей томонидан ёзилган, 533 йил 30 декабрда Дигеста билан биргаликда қонун кучига эга бўлган.

Институциянинг биринчи китобида ҳуқуқ ҳамда адлия ҳақидаги умумий маълумот, табиий ҳуқуқ ва халқлар ҳуқуқи ҳақида, озод кишилар ва қулларнинг ҳуқуқлари, оила ва никоҳ ҳуқуқлари ҳақида гапирилади.

Иккинчи китобда ашёларни бўлиш, мажбуриятлар, узуфкрукт, эгалик қилиш муддатлари, совға, васият ҳамда легатлар ҳақида сўз боради.

Учинчи китобда васиятсиз ворислик, агнатлар ва когнатларнинг ворислиги, ўғил қилиб олиш, асранди ўғилларнинг ворислиги, мажбуриятлар ҳамда уларнинг пайдо бўлиш шакллари тўғрисида нормалар мавжуд.

Тўртинчи китоб жиноий ҳаракатдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шахслар ҳақида, даъволарни таъминлаш, даъволарга эътироз билдириш, судьяларнинг мажбуриятлари масалаларига бағишланган. Институтция беш йиллик юридик мактабларда ўрганилиши мажбурий бўлган курс ҳисобланиб, 1-курсда Дигеста билан биргаликда ўқитилган.

534 йил 16 ноябрда қайта ишланган ва қисман ўзгартирилган иккинчи нашр кодексини чиқариш тўғрисида фармойиш қабул қилинди. Уни тайёрлаш учун тузилган комиссия таркибига Байрут ҳуқуқ мактаби профессори Дорофей, шунингдек, Мена, Константин ва Иоанн каби машҳур адвокатлар киритилади, комиссия ишларига Трибониан раҳбарлик қилади. Комиссиянинг вазифаси биринчи нашр кодекси чиққандан кейинги даврларда қабул қилинган барча қонунларни унга киритиш, шунингдек, эски конституцияларни янгиси билан алмаштиришдан иборат эди.

Кодекснинг 12 китоби Византиянинг фуқаролик, процессуал, жиноят ва давлат маъмурий-ҳуқуқий нормаларини ўз ичига олади. Дигестага қараганда иккинчи нашр кодекси Византиядаги ҳуқуқий фикрларнинг рим классик ҳуқуқига нисбатан анча мустақил эканлиги тўғрисида бой материал берди.

Юстиниан қонунлар тўпламининг тўртинчи қисми **Юстиниан новеллалари** деб аталиб, иккинчи нашр кодекси чиқарилгандан кейин қабул қилинган қонунларнинг хусусий тўпламидан иборатдир. 168 новелладан иборат бўлиб, унга нафақат Юстиниан, Юстин II ва Тибериий II конституциялари ҳам киритилган.

Уларда фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим масалалари, қонунларда рухсат этилган ҳужжатлар шакллари, черков маъмурияти, черков ҳуқуқи, черков ва монастырларнинг мулклари ҳақидаги нормалар, шунингдек, солиқлар солиш, жиноят ҳамда процессуал ҳуқуққа бағишланган нормалар мавжуд.

Византия ҳуқуқининг VI – VIII асрлардаги ривожланиши ва кодификация тарихини ўрганишда VI асрдаги кўзга кўринган ҳуқуқшуносларнинг фаолиятини кўрсатиб ўтиш муҳим. Улардан бири Константинополь университетининг ҳуқуқ фанлари бўйича доктори ва профессори (антицессор) Феофил бўлиб, унинг бизгача Юстиниан институтциясига грек тилида ёзилган **пара-**

фразаси (шарҳи) етиб келган. Асарнинг жуда кўп қўлёзма вариантлари мавжудлиги унинг машҳур бўлганлигини билдиради. Феофил Трибониан билан биргаликда Юстиниан кодификация комиссиясида қатнашган. Унинг мазкур асари 534 йилларда ёзилган, кейинги кодификация ишларида жуда катта роль ўйнаган. Фанда ҳукмрон фикрларга қараганда, парафраза Феофил ўқиган лекция бўйича ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилган.¹

Дорофей ҳам кодификация комиссияси таркибида ишлаган, Байрут ва Константинополь университетлари профессори бўлган. У Дигестага шарҳлар ёзган, асарлари ҳуқуқ мактабларида дарслик сифатида ўтилган. Кодексга ёзилган шарҳлар орасида Байрут университети профессори Антоний томонидан ёзилгани машҳур эди. Фалелей ҳам таниқли ҳуқуқшунослардан бўлиб, қонунларнинг билимдони сифатида катта эътибор қозонган. Уни «қонуннинг кўзи» деб аташган. У ҳам Юстинианнинг биринчи ва иккинчи кодексларига шарҳлар ёзган. Унинг асаридан ҳатто XI – XII асрларда Византия юристлари қонунлар тўплами тузишда кенг фойдаланган.

VIII – XIV асрларда Византия ҳуқуқининг ривожланиши. VII асрга келиб Византия империяси ўзининг бир неча иқтисодий ва маданий қисмларини йўқотади. Шу билан бирга, илгари машҳур бўлган Байрут, Александрия ҳуқуқ мактаблари ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. Шунга қарамай, VII – VIII асрларни биз ҳуқуқ тарихидаги тушкунлик даври деб атолмаймиз. Бу даврда ҳам, асосан, грек тилида ёзилган асарлар, масалан, Евстафий қаламига мансуб муддатлар ҳақидаги асар етакчи роль ўйнайди.

Византия қонунчилиги ривожланишида 726 йил 31 мартда нашр қилинган император Лев III ва Константиннинг фармойишларидан иборат эклогани кўрсатиш мумкин. Эклоганинг мақсади Юстиниан қонунлар тўпламини бекор қилиш эмас, балки унинг айрим жойларини янада ривожлантиришдан иборат эди. Суд амалиёти эҳтиёжлари учун чиқарилган қисқа тўплам бўлган.

¹ Липщиц Е.Э. Право и суд в Византии в IV – VIII вв. – СПб., 1976. – С.97.

Эклога нормаларининг кўпроқ қисми фуқаролик ҳуқуқи масалаларига, айниқса, оила-никоҳ ҳуқуқига, унинг учта унвони никоҳга кириш, никоҳ, никоҳ совғасига бағишланган.

Кейинги учта унвони васият ва қонун бўйича ворислик, кейинги унвонларда васийлик ва ҳомийлик, қулликдан озод қилиш, эркинликка қўйиб юборилганлар ҳақида гапирилади. Бир неча унвон савдо-сотиқ, қарз, сақлаб туриш, эмфитевзис битимлар каби шартнома муносабатларига бағишланади. Охириги иккита унвони ҳарбий мулк ва ҳарбий ўлжаларга доир.

Эклога кейинги қонунчиликнинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди. У славян тилига тўла таржима қилиниб, Болқон яриморлида яшовчи славянларда ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан бирига айланган.

Эклоганинг турли хил қўлёзмаларига илова тарзида учта қонун: қишлоқ хўжалиги қонуни, денгиз ва ҳарбий қонунлар учрайди, ammo уларнинг келиб чиқиши масаласи узил-кесил ҳал этилмаган.

Қишлоқ хўжалиги қонунининг пайдо бўлишига, славянларнинг Византияга бостириб киришлари натижасида, озод деҳқонлар жамоалари мавқеи оша бориши сабаб бўлиши мумкин. И.Д.Мартисеевичнинг кўрсатишича, мазкур қонун славянлар орасида «славянлар қонуни» сифатида кенг тарқалган. У қишлоқ хўжалиги борасидаги муносабатларни тартибга солиб, дон, ёғоч, меваларни ўғирлаш, экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарликни назарда тутган.

IX асрда Византияда македониялик императорлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлайди. Император Василий I Юстиниан қонунларининг эскириб қолган моддаларини бекор қилиб, ун янги нормалар билан бойитиб, 879 йили **Прохирон** деб номланувчи янги тўпламни нашр эттирди. Унда фуқаролик, жиноят, суд ҳамда черков нормалари қисқа, ихчамлаштирилган тарзда берилди.

888 – 889 йилларда император Василий I нинг ўғли Лев Дошишманд янги қонунлар тўплами – 60 китобдан иборат Василиклар (подшо қонунлари)ни эълон қилди. У Юстиниан қонунлари тўпламидан фарқли равишда бир масала бўйича айтилган бар-

ча нормаларни бир жойга тўплаган. Шу тарзда барча асосий ҳуқуқий нормалар ягона тизимга келтирилди.

Юстиниан тўпламининг эскирган нормалари Василикларга киритилмаган. Василикларнинг қоидалари озод жамоачи деҳқонларни қарзга ботириш ва қарамликка ташлашга ёрдам берди.

Бундан ташқари, Византия ҳуқуқи манбаларига 884 – 836 йилларда тузилган судьялар учун қўлланма – **Эпанагогани**, умумчерков соборлари тўпамидан иборат бўлган **Номаканонларни** (уларнинг таржималарини Россияда раҳбарий китоблар деб аташган) ҳамда императорнинг бир масала юзасидан чиқарган новеллалари – хрисовулларни кўрсатиш мумкин.

Византия ҳуқуқини хусусий тўпламлаштириш борасида 1345 йили фессалиялик ҳуқуқшунос судья Арменопулнинг «Олти китоби» машҳурдир. У Византия фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи қоидаларидан иборат бўлиб, фақатгина Византияда эмас, балки Греция, Молдавия, Валахияда ҳам қўлланилган.

Византия ҳуқуқининг асосий белгилари. Рим фуқаролик ҳуқуқининг асосий бўлим, соҳалари Византия қонун тўпламларида ҳам сақланиб қолган. Уларда мулк сервитутлари, шаҳар сервитутлари, гаров ҳуқуқи ҳақида гапирилади. Византия кодексларида эмфитевзис – наслий ижара тўғрисидаги қарорлар ҳам мавжуд. Шу даврдаги кўплаб черков муассасалари ва у билан боғлиқ муассасалар фуқаролик ҳуқуқи лаёқати билан таъминланган бўлиб, ҳуқуқнинг субъекти деб қаралади.

Фуқаролик ҳуқуқи. Қулчилик Византия салтанатининг сўнги кунигача давом этди. Аммо улар аста-секинлик билан озодликка қўйиб юборила бошланди. 530 – 531 йиллардаги фармойишлар қўлларни озодликка қўйиб юборишни рағбатлантирди. Озод кишилар меҳнатидан фойдаланиш, колонат кучая боради. Колонлар қўллар сингари ҳуқуқнинг фақат объектигина эмас, гарчи муомала лаёқати анча чекланган бўлса-да, субъекти ҳам ҳисобланарди.

Византия ҳуқуқининг ривожланиши. Дастлабки вақтларда диний эътиқодига қараб шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати чеклаб қўйилган. Масалан, яҳудийлар ва оташпарастларнинг давлат мансабларини эгаллаши тақиқланган, ҳукмрон черковни рад қилганлар,

диндан қайтганлар васият қилишлари, гувоҳ сифатида судда қатнашишлари мумкин бўлмаган ҳамда уларнинг ворислик ҳуқуқлари чекланган. Даҳрийлар қонун билан таъқиб этилган.

Классик даврдаги рим фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқига тушунча берилмаган. Аммо унинг қуйидаги харктерли белгилари мавжуд эди: 1. Ашёга ички чекланмаган мутлақ ҳукмронлик. 2. Мулк ҳуқуқининг умум мужассамлашганлиги. Ер мулкига унга тааллуқли барча нарсалар: сув, металллар, хазиналар, қурилмалар, конлар ҳам кириши. 3. Рим ер мулкининг барча солиқ йиғимларидан озодлиги. 4. Мулкнинг диний характерга эгалиги.

Мулк ҳуқуқи. IV – VII асрларда Византия ҳукумати озод деҳқонларнинг ер эгалигини ҳимоя қилган бўлса, IX – X асрлардан озод ва майда ер эгаларига, қишлоқ жамоаси ерларига ҳукумат ҳужумга ўтиб, уларнинг ерларини хизмат қилувчи табақаларга умрбодга бера бошлади. Бундай ерлар **прония** деб аталиб, Фарбий Европадаги хизмат эвазига берилган **бенефиций**га мос келган.

Гай институциясида мажбуриятлар тушунчаси берилмаганди. Юстиниан конституциясида: «Мажбуриятлар давлатимизнинг қонунларидаги бизни бирор-бир нарсани бажаришга мажбурлайдиган ҳуқуқий кишанлардир», – деб тушунча берилган.

Византия ҳуқуқига кўра, мажбуриятлар шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳамда деликтлардан келиб чиқадиган мажбуриятларга бўлиниб, шартномаларнинг савдосотиқ, алмашув, қарз сақлаб туриш, ўртоқлик, шахсий ижара каби турлари бўлган. Қонунчилик қарз шартномасига кўра йилига 12% ссуда олишга йўл қўйган. Оила-никоҳ ҳуқуқи православ черковининг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниб, никоҳ ёши йигитлар учун 14, қизлар учун 12 эди, уч марта никоҳга кириш мумкин бўлган. Бева аёллар муддати ўтмасдан иккинчи никоҳга кириши қаттиқ жазоланган. Византия оила-никоҳ қонунчилигининг ривожланиши умумий удумлар, эр ва хотиннинг мулкий муносабатлар соҳасидаги тенгсизлигини тугатишга интилишда кўзга ташланади. Эр-хотинликнинг бир шакли сифатида **конкубинат** ҳам аста-секинлик билан қонуний ифодасини топади. Бундай никоҳдан туғилган болалар мулкий ҳуқуқларга эга бўлган. Мана шу нарса

классик рим ҳуқуқида йўқ эди. Бу фақат илк Византия (ёки пост-классик) ҳуқуқига тааллуқли. Юстиниан кодексида қонунда руҳсат этилган яшаш тартиби сифатида талқин қилинган. Никоҳни бекор қилиш асослари давлат жинойтларида айбланиш, эр-хотинларнинг бир-бирига хиёнати, ҳаётига суиқасд қилишлари, социал ва мулкый тенгсизлик ҳолатига кўра никоҳнинг барча қоидаларига мос ҳолда, қонунда кўрсатилганидек, никоҳга киришмасдан эр-хотинлик муносабатларида бўлиш, ўзаро содиқликни бузиш кабилардан иборат эди. IV – V асрларда Византия оила-никоҳ ҳуқуқида озод кишилар билан қул ўртасидаги никоҳ (ёки чўри) ҳақиқий ҳисобланмагани ҳолда, колон (ярим қул) кишилар билан никоҳга киришиш қонуний саналган. Шунингдек, колоннинг озод киши билан никоҳга кириши ҳам қонуний деб билинган. Шу билан бирга, барча қариндошлар ўртасидаги, христианлар билан яҳудийлар ўртасидаги ва вилоятларда маъмурий лавозимларни эгаллаб турган кишилар билан шу вилоятда яшаб турган аёллар ўртасидаги никоҳлар тақиқланган.

Византия ҳуқуқида ворислик қонун бўйича ва васият бўйича бўлиб, васият қилишнинг маълум шартлари мавжуд эди. Жумладан, 14 ёшга тўлган, ақли расо, жинойт содир этмаган, христианликни рад қилмаган кишиларнинг васиятигина ҳақиқий ҳисобланган. Агар ота мерос қолдирадиган бўлса, бунда хотинига берилган тўй совғаси ва болаларига тааллуқли қисми чегириб қолиниб, қолган қисми совға қилиниши мумкин бўлган.

Жинойт ҳуқуқи Византияда очикдан-очик ижтимоий тенгсизликка асосланган, бу, айниқса, жазо тайинлаш тизимида ўзининг яққол ифодасини топган. Жинойтларнинг қуйидаги турлари мавжуд эди: давлат жинойтлари (императорга қарши фитна, давлатга қарши жинойт), динга қарши жинойтлар (диндан қайтиш, яҳудий динига кириш), мулкый ҳуқуқларга қарши қаратилган жинойтлар (ўғрилиқ, талончилик, бошқалар), ахлоқ ҳамда оилага қарши қаратилган жинойтлар (кўп никоҳлилиқ, йўлдан оздириш, номусга тегиш), шахсга қарши қаратилган жинойтлар (одам ўлдириш, уриш, иғво) кабилар.

Византия жазо тизимида қатл этиш, тан жазолари, аъзоларга шикаст етказувчи жазолар: қўлини қирқиш, қулоқни, бурунни, тилни

кесиш, кўзни кўр қилиш, пул жарималари солиш, мол-мулкни мусодара қилиш, қувиб юбориш каби жазолар қўлланилган.

Византия судлов жараёни. IV асрдан суд жараёнларини олиб боришда янги тартиб ўрнатилган. Илгари суд процессидан низолашаётган томонлар ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлсалар, энди судья бошқарувчи сифатида устунликка эришган. Судлов жараёни бюрократик **экстраординар процессга** айланиб, унинг барча босқичларида ёзма ҳужжатлар талаб қилинган.

V – VI асрлардан янги **либилляр процесс** жорий этилди, процесснинг барча босқичлари ёзма тарзда олиб борилган, илҳа даъвогарнинг ёзма аризаси билан бошланиб, жавобгар ёзма эътироз берган, ҳукм ҳам ёзма бўлган.

Суд процесси қиммат ва секин амалга ошувчи жараён эди. Илгари далилларни низолашаётган томонлар баҳолашса, энди судья лозим ҳолларда адвокатларнинг ёрдамида далилларни баҳолайдиган бўлди. Бу каби ўзгаришлар Византия судлов жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан эди.

Назорат учун саволлар

1. Ҳрта асрда Фарбий Европа давлатларининг ижтимоий-сиёсий тузумидаги ўзига хос қандай хусусиятларни биласиз?
2. Сюзеренитет-вассалитет муносабатларини тушунтириб беринг.
3. Черков (каноник) ҳуқуқи ҳақида нималарни биласиз?
4. Франкларда давлат ташкил топишининг қандай хусусиятлари бор?
5. Ҳақиқатлар нима? Қайсиларини биласиз?
6. «Каролина» кодексининг ишланилиши ва қабул қилиниши сабабларини биласизми?
7. Нима учун Германия давлати «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» деб аталган?
8. Англиядаги «Эркинликнинг буюк хартияси» қандай давлат органларининг ташкил топишига сабаб бўлди?
9. «Умумий ҳуқуқ» (суд прецеденти) қандай вужудга келди?
10. Ҳуқуқнинг хилма-хиллиги (партикуляриزم) нима?

11. Франция ҳуқуқининг қандай манбаларини биласиз?

12. Юстиниан кодификацияси ва унинг аҳамиятини гапириб беринг.

13. Византияда суд процессларининг турларини айтиб, ҳар бирининг судлов жараёнларини тасвирлаб, таҳлил қилиб беринг.

14. «Эркинликнинг буюк хартияси» ҳақида турлича фикрлар бор. Сиз уни қандай баҳолайсиз?

Ҳуқуқий масала №5

Сали ҳақиқати бўйича яшаётган озод киши худди шундай франкни баҳслашиш орқасида ҳаётдан маҳрум қилиб (ўлдириб) қўйди. Унинг ота-оналари рахинбурглар судига мурожаат қилиб унга нисбатан жазо қўллашни сўрадилар. Судда унинг айби исботланди. Суднинг ҳукми қандай бўлиши керак? Агарда вафот этган киши қирол хизматида бўлган бўлса-чи? Озод франк аёли ўлдирилган бўлса-чи? Ўлдирилган Рим фуқарои бўлса-чи?

Сали ҳақиқатининг матнини яхши ўқиб чиқинг. Унинг тегишли боби ва моддаларини топиб, шарҳлаб суднинг ҳукми қандай бўлишини аниқланг. Бу жазо тизимининг композициявий хусусиятини очиб беринг.

Ҳуқуқий масала №6

Бовезиялик фуқаро уйни ёқиб юборганликда айбланиб қўлга олинди. Ушбу жойнинг одатлари бўйича суд ҳукми билан қандай жазоланиши лозим? Ўғрилиқ қилган бўлса-чи? Дин йўлидан адашган, унга ишонмайдиган ёки унинг йўлига кирмайдиган киши бўлса-чи?

«Бовезия кутюмлари»га биноан, суднинг ҳукми қандай бўлиши лозим?

Ҳуқуқий масала №7

Христианликни ҳимоя қилиш учун Худо ердаги подшоликка иккита – Папа учун диний, Императорга эса дунёвий қилич юборган! Папага маълум вақтларда оқ от миниб юришни, император-

нинг эса, эгар оғиб кетмаслиги учун, отнинг жиловини тутиб боришини белгилаган. Бу шундай нарсани англатадики, ким Папага қаршилик кўрсатса-ю, унга черков суди орқали мажбурлов чораси қўллаш мумкин бўлмаса, унда Император Папага итоат этишни таъминлаш учун дунёвий суд орқали таъсир этиши лозим. Худди шунингдек, диний ҳокимият ҳам, зарурат бўлган ҳолларда, дунёвий судларга ёрдам бериши лозим.

«**Икки қилич назарияси**»дан олинган бу ғоялар қайси ҳуқуқий ёдгорликда келтирилган? Унинг мазмуни ва аҳамияти нимада? Ўрта асрлар давлатчилигида мазкур ғоялар қандай муносабатларни тартибга солишга мўлжалланган?

Ҳуқуқий масала №8

Саксониялик жамоачи деҳқон Карл ўзи аъзо бўлган жамоа ерларидан бир қисмини жамоа рухсатисиз бу менга тегишли деб атрофини девор ва чуқур ариқ билан ўраб олди. Унинг мазкур ҳаракати жамоанинг норозилигига сабаб бўлиб, қишлоқ оқсоқоли томонидан у жавобгарликка тортилиб, ҳуқуқий чора қўлланилди. Аммо у оқсоқол олдида жавоб беришдан бош тортиб, қўлланган чорани ижро этмади. Шунда у юқори суд идоралари томонидан жавобгарликка тортилиб, жамоанинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Саксония зерцалосига кўра, деҳқон қандай ҳуқуқий бузилишларни содир этган? Оқсоқол жамоачи деҳқонга қандай чора белгилаган? Юқори суд идораси-чи?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.72 – 142.
2. Муҳаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – Б.6 – 299.
3. Вишневский А.А. Каноническое право в Западной Европе. – М., 1999. – 344 с.
4. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.218 – 306.

5. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 1. – М.: Эксмо, 2005. – С.261 – 521.
6. Дадашева А.А. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2010. – Б.168.
7. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 1. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.245 – 487.
8. Руперт К. Прецедент в английском праве. – М.: Госюриздат, 1985.
9. Киралфи А. Источники английского права // История права: Англия и Россия. – М., 1990. – С.148 – 167.
10. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984.
11. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 1 / Под ред. К.И.Батыра и Е.Е.Поликарповой. – М.: Юрист, 1996 (переизд. 2001).
12. Салическая правда / Пер. Н.П.Грацианского. – М., 1950.
13. Саксонское зеркало (памятник, коммент., исслед.) / Ответ. ред. акад. В.М.Корецкий. – М.: Наука, 1985. – 271 с.

Лугат

Ассиза – «фармойиш». Англия ва Францияда мажлислар ва кенгашларнинг қарорлари шундай аталган.

Бейлиф – англ-сакс мамлакатларида маҳаллий ҳокимият бошлиғи.

Буржуа – мустаҳкамланган шаҳарда яшовчи шаҳарлик.

Варвар ҳақиқатлари – герман қабилаларининг ҳуқуқ ёдгорликлари, одат ҳуқуқлари тўплами.

Вассал – маълум шартлар эвазига феодал, лен олган ер эгасига тобе, қарам шахс.

Интерполяция – ҳуқуқий асарнинг ҳошиясига уни кўчирувчи таржимон томонидан қўшиб қўйилган сўз, ибора, матн.

Коммендация – Францияда деҳқонларни ерга бириктириб қўйишнинг бир шакли.

Кутюмлар – ўрта аср Франциясида одат ҳуқуқлари нормалари ёки тўплами.

Легитимация – бирор ҳуқуқ ёки ваколатнинг қонуний эканлигини эътироф этиш.

Лен ҳуқуқи – хизмат эвазига олинган ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ нормалар йиғиндиси.

Профраза – Византияда йирик Рим ҳуқуқшуносларининг асарларига ёзилган шарҳлар.

Схолия – Рим ва Византияда ҳуқуқий асарга ёзилган шарҳ.

Тризн – англ-сакс ҳуқуқида хоинлик билан боғлиқ жиноятлар.

Шультгейс суди – Германияда графнинг суд ишлари бўйича ўринбосари ёки вакилининг суди.

7-МАВЗУ. ЎРТА АСРЛАРДА РОССИЯ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

Режа

1. Давлатнинг ташкил топиши.
2. Ижтимоий тузуми.
3. Давлат тузилиши.
4. Ҳуқуқ манбалари. Рус ҳақиқати ва унинг спискалари.
5. Тоифавий-вакиллик монархияси давлати ва ҳуқуқи.
6. Мутлақ монархия давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Қадимги Русда ижтимоий-сиёсий тузум. Норманистик назария. Смердлар. Закуплар. Холоплар (Қуллар). Князлар, ноиблар, волостеллар. Боярлар. Вече (халқ мажлиси). Одат ҳуқуқи. Рус-Византия шартномалари. Рус ҳақиқати. «Обида». Тоифавий-вакиллик монархияси. Поместье. Вотчина. Собор қонунномаси. Приказлар тизими. Мутлақ монархия. Сенат ва Синод. Уставлар. Министрлар кабинети. Коллегиялар. Фармонлар. Ҳарбий артиклар. «Преступление» (жиноят) тушунчасининг киритилиши.

1. Давлатнинг ташкил топиши

Қадимги Рус давлатининг ташкил топиши, худди «рус» сўзининг вужудга келиши каби, Россия давлати ва ҳуқуқи тарихи фанининг муаммоли масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Унинг асосида йилномачининг ёзиб қолдирган ва бу ҳақдаги хабари ягона манба бўлиб қолган, унга кўра, шарқий славянлар гўё ўзларига князь бўлишларини сўраб варяг – шимолий герман князлари Рюрик, Синеус ва Труворни Новгородга чақирганлар. Бу билан Новгород князларининг эътиборини ошириш кўзланган бўлиши мумкин. Чунки скандинавиялик варяглар XI – XII аср-

ларда Европа тарихида муҳим роль ўйнаганлар.¹ XVIII асрда Россияга, славян, грек, латин академиясининг очилиши муносабати билан, таклиф қилинган немис тарихчи олимлари Байер, Миллер, Шлец, албатта, Россия тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшганлар. Аммо улар йилномачининг юқоридаги хабарини бошқа тарзда шарҳлаб, Рус давлатининг ташкил топиши ҳақидаги норманистик назарияга асос солдилар. Уларнинг фикрича, славянлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қуйи поғонасида туриб, доимий равишда ўзаро уруш ва низолар давом этган ва ўзларида тартиб-интизом сақлай олмасдан шимолий германлар – варягларга мурожаат этишган. Варяглар эса уларнинг илтимосларига кўра дастлаб Новгородда, кейинчалик Киевда давлат ҳокимиятини ўрнатдилар. Демак, славянлар ўзларининг давлатчиликлари ва маданиятлари учун шимолий германлар ёки норманлардан қарздор. Ҳатто немис тарихчилари русларни варяг ёки норман деб аташгача ҳам етиб бориб, Рус давлатига германлар ўз номларини берган деган фикрни асослашга интилганлар.

«Рус» сўзи, проф. С.В.Юшковнинг фикрига кўра, шарқий славянларда ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши даврида маълум бир социал табақани билдириб, улар кейинчалик шаҳарларга ўрнашиб олган.

Проф. Г.С.Калинининг фикрича, «рус» номи бу шарқий славянлардаги қабила номидир.²

«Рус» маълум бир социал гуруҳнинг номи эканини Византия манбаларигина эмас, балки араб манбалари ҳам кўрсатади.

Рус давлатининг ташкил топиши ҳақидаги ғайринорманистик қарашларга М.В.Ломоносов асос солган. Лекин XIX – XX асрларда ҳали Рус тарихини ўрганишда бу фикр кучли эди. Россия давлатининг энг қадимги давридан янги тарих давригача бўлган тарихини ёзган етук тарихчи олимларнинг асарларида норманиз-

¹ Яна қаранг: Карамзин Н.М. История государства Российского. В двенадцати томах. Т.1. – М., 1989. – С.56 – 60.

² История государства и права. В 2-х частях. Ч.1. – М.: Госюриздат, 1972. – С.24 – 28.

мга хос ғоялар акс этган. Ҳатто улар 839 йили ёзиб қолдирилган Бертрин хроникасини асос қилиб олиб «рус» билан «швед» деган сўзлар бир маънони англатади дейишса, бошқа бирлари «рус» сўзи модификация қилинган «фин» сўзи деб ҳисоблайдилар.

Норманистик назарияга жавоб бериш фақат чуқур тарихий тадқиқотлар натижасида бўлиши мумкин. СССР даврида Рус давлати ва ҳуқуқи тарихи бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борилди. Ана шуларга таянган ҳолда Русда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ёритиб берилди. Қадимги русларда давлатнинг шакли кучли қабилаларнинг йўлбошчилари раҳбарлик қилган, қабилалар иттифоқига таянган князлик эди. Рус ерларини Киев атрофида бирлаштириш 822 йили Новгород князи Олегнинг юриш қилиб уни босиб олиши билан боғлиқдир. VI – VIII асрларда Русда учта ҳарбий-қабилавий давлат бирлашмалари: Куявия, Славия ҳамда Артания мавжуд эди. Шимолий ва жанубий славяларнинг бирлаштирилиши билан, маркази Киев шахри бўлган Қадимги Рус давлати ташкил топди.

Бу бирлашманинг қуйидаги тарихий шарт-шароитлари мавжуд эди: 1) бир тилда сўзлашадиган қадимги рус халқининг этник жиҳатдан умумийлиги; 2) Византия ва кўчманчилар билан курашда кучларни бирлаштиришга уриниш; 3) Қадимги Рус князларининг иқтисодий манфаатлари, уларнинг «варяглардан грекларга борадиган савдо йўли»да назорат ўрнатишга интилиши.

2. Ижтимоий тузуми

X – XI асрларда Киев Русида князлар, боярлар ҳамда монастырлар ер эгаллиги ривожлана борган.

Ижтимоий пиллапояннинг энг юқори чўққисида ер эгалари турган. Уларнинг ичида бош мавқе атрофини феодал зодагонлар ўраб олган князга тегишли эди. Ҳарбий ўлжалар билан кун кўрадиган князлар дружинаси аста-секинлик билан ерларга жойлаша бошлади. Улар маҳаллий боярлар билан аралашиб, тобора княздан узоқлаша бордилар. Рус ҳақиқати боярлар ва князь кишиларига бир қанча имтиёзлар берган. Масалан, уларнинг ҳаёти

озод кишини ўлдирганлик учун жинойт жаримадан икки баробар оширилган вира билан ҳимоя қилинган. Ярослав уставига кўра, боярлар хотин-қизларнинг қадр-қимматига қарши қаратилган жинойтлар учун 5 гривен олтин билан жарима, оддий смердники учун 1 гривен кумуш жарима белгиланган. Боярлар ва князь кишилари вафот этганда, қизлари меросхўр бўлиши мумкин эди. Оддий смердлар эса қизларига васият қилишлари мумкин бўлмаган.

Жамоачи деҳқонлар – **смердлар** қадимги Киев Русининг асосий аҳолисини ташкил қилган. Дастлаб, Б.Д. Греков фикрига кўра, барча кишилар смерд деб аталган. Кейинчалик боярлар ва савдогарлар, бойларнинг вужудга келиши билан, смердлар жамоачи деҳқонларни билдирган. Улар ўзларининг хўжалигига – инвентарига эга эди. Аммо уларнинг бир қисми камбағаллашиб қолган. Феодаллардан қарз олиб ўз хўжалигини юритиш эвазига феодалга қарзни узгунча ишлаб беришга мажбур бўлганлар. Бундай деҳқонлар **закуплар** деб юритилган.

Смердлар князга солиқ тўлаган, айрим ҳолларда князь ёрлиғи билан монастирлар солиқ ундириш ҳуқуқини олган. Улар Рус ҳақиқати даврида крепостной қарам бўлмаганлар. **Закуплар** ҳам ҳали крепостной қарамликка тушмаган қарздор кишилар эди. Шунинг учун закупга зарар келтириш ёки ўлдириш учун ундириладиган жарима озод смердники билан баробар эди. Агарда закуп қочса ёки ўғрилиқ қилса, уни холоп (қул)га айлантириш мумкин бўлган.

Йилномалар ва Рус ҳақиқати Қадимги Русда алоҳида феодал қарамликдаги кишилар – **изгойлар** бўлганлигидан дарак беради. Улар озодликка қўйиб юборилган ёки озодликни сотиб олган холоплардан иборат эди. Бундан ташқари, камбағаллашиб қолган смердлар, руҳонийлар ҳам шу категорияга кирган. Қонун уларнинг ҳаётини ҳам 40 гривен жарима вира билан ҳимоя қилган.

Русда дастлабки даврларда қулчилик оилавий характерда бўлган. Қуллар **холоп** деб аталиб, унинг манбаи урушларда асирга олиш ҳисобланган. Х асрдан қуллар кўплаб четга сотилди. Рус ҳақиқати қулларни **челядь** деб атаб, уларни ҳайвонларга тенг-

лаштирган. Кейинчалик холопликнинг учта манбаи вужудга келган. Ўзини кулликка сотиш, холоп сифатида хизматга кириш, кулик ҳолатидаги киши билан никоҳга кириш.

Холоплар Қадимги Руснинг энг ҳуқуқсиз қисми бўлиб, улар ҳуқуқнинг субъекти эмас, объекти ҳисобланган. Холопни ўлдирганлик учун унинг хўжайинига жарима тўланган, у «урок» деб аталган. Холоп ўз мулкига эга бўлмаган ва хўжасининг мулки ҳисобланган. Шунингдек, холоп жиноят содир этса ҳам жазога тортилмаган, унинг учун хўжайини жавоб берган.

Қадимги Руснинг ижтимоий тузумида савдогарлар ва ҳунармандлар катта роль ўйнаганлар. Савдогарлар «гости» деб аталган. Араб ёзувчиларининг кўрсатишича, савдогарлар ўзларининг бойликларини кўрсатиш мақсадида бўйнига гривналардан (олтин танга) ясалган бўйинбоғ осиб юрганлар. Уларнинг Русда катта роль ўйнаганликларини X асрда русларнинг Византия билан тузган шартномаларидан ҳам кўриш мумкин.

XI асрда Россияда шаҳарлар сони ўсиб, 88 тага етди. Рус давлатида шаҳар аҳолиси **посад аҳли** деб юритилиб, улар социал ҳолатига кўра катта посад, ўрта посад, куйи посад аҳлига бўлинган. Катта посад аҳлини ҳақорат қилганлик учун 50 сўм, ўртаси учун 5 сўм, кичик посад аҳли учун 1 сўм жарима солинган.

3. Давлат тузуми

Киев Руси кулдорлик тузумини четлаб ўтиб, бирданига ўрта аср ер муносабатларига асосланган илк феодал монархияси шаклидаги давлат бўлган, проф. С.В.Юшковнинг фикрича, мазкур давлат сюзеренитет-вассалитет муносабатларига асосланганди. Киев князлари бутун давлатнинг бош буюк князлари эдилар. Жойларда ҳам князликлар ташкил топган бўлса-да, улар сюзерен Киев князлигининг вассаллари саналган. Давлат бошлиғи Киевнинг буюк князи эди. У катта мулкка эга бўлиб, асосан, ҳарбий-ташкилий вазифаларни бажарган. Давлатни бошқариш тизимида сарой вотчина тизими амалда бўлиб, князь саройи давлатни бошқаришнинг маркази эди. Жойларда эса боқиман-

далик (кормление) тизими амал қилган, давлат бошқарувини олиб бориш учун **посадниклар** (ноиблар), **волостеллар**, суд функциясини бажарувчи **тиунлар** каби мансабдорлар тайинланган. Улар хизмат ҳақларига ўзлари ишлаётган ҳудудлардан тушган солиқ, йиғимларнинг бир қисмини олиб қолганлар. Князлар суд ҳокимиятини ҳам амалга оширган. Суд ҳокимияти маъмурий ҳокимиятдан ажратилмаган. Буюк князь ўз ҳокимиятини амалга оширишда боярлар кенгашига таянган, унинг таркибига йирик ер эгалари, олий мансабдорлар: **боярлар**, **митрополит**, **епископ** кирган. Лозим ҳолларда князь томонидан шаҳар аҳолисининг мажлиси – **вече** чақирилиб, унда барча эркак жинсидаги озод кишилар қатнашган. Вече мажлисларида князларни сайлаш, амалдан тушириш, уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш ва бошқа масалалар ҳал этилган.

Қолаверса, баъзи ҳолларда феодаллар кенгаши ҳам чақириб турилган, деярли вечедаги масалалар бу ерда ҳам кўрилган. 1097 йил Любич шаҳрида бўлиб ўтган феодаллар съездида, ҳукмрон князь вафот этгач, тахт меросий йўл билан катта ўғилга ўтади деган қарор қабул қилинган. Бошқаришнинг икки йўли: ўнликлар бўйича ва сарой вотчина тизимлари амалда бўлган.

4. Ҳуқуқ манбалари. Рус правдаси ва унинг спискалари

IX – X асрларда Рус ҳуқуқининг манбалари одат ҳуқуқлари тўпламларидан иборат бўлган. Маълумки, Киев Руси доимий равишда Византия билан урушлар олиб борган. Натижада 907, 911, 945 ва 971 йилларда тузилган Рус – Византия шартномалари Рус ҳуқуқининг биринчи манбалари эди (ҳалқаро ҳуқуқнинг ҳам) десак, хато бўлмас.

Владимир Святославич давридан ёзма қонунчилик вужудга кела бошлади. Одат ҳуқуқи нормалари тўпламлари, ўрта асрлардаги суд қарорлари ва қонунлар бизгача етиб келган. Фанда мазкур тўпламларга бир ном берилган – Рус правдаси. Бу тўпламларнинг юздан ошиқ рўйхати (списка) сақланган, уларнинг ягона гуруҳланиши йўқ. Проф. С.В.Юшков Рус ҳақиқати спискаларини

олти таҳрирга бўлишни тавсия қилади: 1. Қисқа спискалар. 2. Синод ва Троицкий монастырларидан топилган списка. 3. Карамзин спискаси. 4. Сўзбошиси алоҳида ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган списка. 5. Болгар ҳуқуқ ёдгорлиги – «Закон судным людьям» билан кўшилган списка. 6. Кенг спискалардан қисқартирилган спискалар. Унинг келиб чиқиши бўйича ҳам ягона фикр йўқ. С.В.Юшков фикрига кўра, қадимги таҳрири қисқа спискадан иборат бўлиб, ўз навбатида, икки қисмдан: Ярослав ҳақиқати, Ярослав авлодларининг ҳақиқати (академик спискадан) иборат. Ярослав ҳақиқати тахминан XI асрнинг 30-йилларида, Ярослав авлодлари ҳақиқати эса 1052 ёки 1072 йилларда вужудга келган. Биринчисининг манбаи одат ҳуқуқлари бўлса, иккинчисиники князларнинг қонунчилиги ва суд амалиётига асосланган.

К.С.Софроненко эса Рус правдасининг спискаларини икки гуруҳга: қисқа ҳақиқат ва кенгайтирилган ҳақиқатга бўлади. Кенгайтирилган ҳақиқат Ярослав ва Владимир Мономах уставларидан иборат. Унинг манбаи, асосан, князларнинг қонунчилиги ва суд амалиёти ҳисобланган. Рус правдаси қадимги рус феодал ҳуқуқининг кодекси бўлиб, кейинчалик Псков ва Новгород суд ёрликларига ҳам асос бўлди.

Қадимги рус фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар етказилган зарар ва шартномалардан вужудга келган. Масалан, иккинчи бир кишига жароҳат етказган шахс фақат жаримагина эмас, балки жабрланувчига етказилган барча зарарларни тўлаган. Қадимги рус ҳуқуқининг характерли томони шундаки, мажбурият ҳуқуқи бўйича қарз ундириб олиш қарздорнинг мулкигагина эмас, балки унинг шахсига, ҳатто болалари ва хотинига ҳам қаратилган, тўлай олмаганларни **холоп** тариқасида сотиш мумкин бўлган.

Рус ҳақиқатига кўра, шартномаларнинг қарз, савдо-сотиқ, сақлаб туриш, юкни ташиб бериш, комиссия каби турлари мавжуд эди, уларнинг тузилиши оддийгина: оғзаки ёки ёзма бўлган.

Мерос ҳуқуқида боярлардан мерос қолдирилганда, у қизига ўтиши мумкин бўлган, аммо смердларнинг ўғли бўлмаса, ундан қолган мулк князга ўтган. Ворислик қонун бўйича ва васият бўйича эди, уни бўлишда кичик ўғил отасининг хонадонига эга бўлган.

Қадимги Русда оила ва никоҳ ҳуқуқи каноник ҳуқуқ асосида ривожланиб борган. Кўп хотинлилик, қаллиқни ўғирлаш одати ҳам бўлган. Христианлик жорий этилиши билан, никоҳнинг моногамия шакли, уни бекор қилишнинг мураккаб шакли, никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳуқуқсизлиги жорий этилди. Византия ҳуқуқи бўйича қизлар учун 12 – 13 ёш, куёв учун 14 – 15 ёш никоҳ ёши этиб белгиланди.

Рус правдасининг кўпгина моддалари **жиноят ҳуқуқи**га бағишланган. Унга кўра, бирор шахсга конкрет зарар етказиш жиноят ҳисобланиб, бу «**обида**» деб юритилган. Рус ҳақиқати жиноятларнинг икки турини билади: шахсга қарши, мулкка қарши. Жиноятнинг субъекти ҳар қандай киши бўлиши мумкин, фақат холопнинг жинояти учун унинг хўжаси жавоб берган.

Мулккий жиноятлар ичида кўп тарқалгани ўғрилик (татьба), унинг хавфли турлари от ўғирлаш, мулкни ўт қўйиш йўли билан йўқотиш кабилар бўлган. Маҳкумнинг молини талон-торож қилиш, ўзини холопликка сотиб юбориш, мулкни мусодора этиш каби жазолар қўлланилган. Қолаверса, одам ўлдирганлик учун бадал – **вира** ундирилган. Жиноятлар учун асосий жазо жиноий жаримадан иборат бўлган. Рус правдасида ҳали жиноят ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи ўртасидаги фарқни билишмаган, фуқаролик ишлари тортишувли шаклда ўтказилган. Шунингдек, жиноят процессида ордалия, яъни майдонда тўқнашувга (поле) йўл қўйилган. Айни дамда, темир ва сув билан синаш, қасам ичириш кабилардан ҳам фойдаланилган.¹

1125 йили янги буюк князь Владимирнинг вафоти билан Киев Руси давлатининг инқироzi кучаяди, жойларда янги сиёсий марказлар: Галич, Новгород ва Владимир вужудга келади. Бу давр Россия давлати тарихида сиёсий тарқоқлик даври эди. Мана шу замонда Қадимги Русда 12 дан ортиқ мустақил давлатлар (князликлар) бор бўлиб, улар ичида Шимоли-Шарқий Русдаги Владимир Суздад князлиги, Шимолий Русдаги Новгород ва Псков фе-

¹ Қаранг: Русская правда. Российское законодательство X – XX веков // Законодательство Древней Руси. Т. I. – М.: Госюриздат, 1984. – С. 27 – 130.

одад республикалари, Жанубий ва Жануби-Фарбий Русдаги Галич-Волин князликлари энг йириклари эди.

Суздад князлиги 1097 йили дастлаб мустақилликка эришган князликдир, унинг дастлабки князи Владимир Мономах эди. Кейинчалик бу ер унинг ўғли Москва шаҳрининг асосчиси Ю. Долгорукий ҳукмронлиги остига ўтди. Владимир Суздаль князлигининг ижтимоий-сиёсий тузуми Киев Русиникидан деярли фарқ қилмасди. Аммо Новгород ва Псков ўрта аср республикалари, айниқса, Новгород боярлар республикаси кўринишида эди. Новгород ва Псковда давлат ҳокимиятининг олий органи вече бўлиб, давлат бошқарувини юқори мансабдор шахслар: князь ва посадниклар олиб борган. Бунда архиепископнинг ҳам маъқеи кучли эди.

Владимир Суздаль князликларида Рус ҳақиқати нормалари амалда бўлган. Уларга князлар томонидан турли тузатишлар киритилган. Псков ва Новгородда эса Рус ҳақиқати билан бирга Новгород ва Псков суд ёрлиқлари ҳам бўлган. Новгород суд ёрлигининг 42 моддаси бизгача етиб келган, Псков суд ёрлигининг ярмидан кўп моддалари фуқаролик ҳуқуқи нормаларига бағишланган, кўпгина моддалари мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир. Мулклар қўзғалмас мулклар (отчина) ва қўзғалувчи мулклар (живот)га бўлинган, қўзғалмас мулкларга ҳайдаладиган ерлар, ўрмон ерлари, асарилар, балиқ овладиган жойлар, ҳовлилар кирган. Суд ёрлиқлари худди Рус ҳақиқати сингари ворисликнинг васият бўйича ворислик (приказное) ва қонун бўйича (отморщина) турини билади.

XIII асрда, Россияда сиёсий тарқоқлик ривожланган бир даврда, унинг худудини Чингизхоннинг авлодларидан Ботухон бошчилигидаги мўғуллар босиб олди. Улар 1237 йили Волгадан ўтиб, 1237 – 1240 йилларда Русни тўла эгалладилар. Ундан кейин мўғуллар Венгрия, Польша, Чехия ерларига кириб борди. 1243 йили эса Жанубий Рус даштларида Олтин Ўрда давлатини туздилар. Бу давлат таркибига Иртиш дарёсидан тортиб Урал тоғларигача бўлган ерлар, Жанубий Қора денгиз чўллари, Қрим, Кавказ, Ўрта Осиёнинг бир қисми кирди. Рус князлари Олтин Ўрда хонларига вассал ҳисобланган, уларга солиқ тўлаб турганлар.

5. Тоифавий-вакиллик монархияси давлати ва ҳуқуқи

Россия давлати ва ҳуқуқи тарихида тоифавий-вакиллик монархияси даври бўлганини биринчи бор унинг дарслик китобини ёзган С.В.Юшков кўрсатиб ўтган. XVI асрга келиб Рус давлатида ички ва ташқи савдо ҳамда ҳунармандчилик, шаҳарлар ўсиб, иқтисодий ўзгаришлар юз беради. Шу даврлардан **поместье ер эгалиги** ривожлана бошлади. Деҳқонларнинг ерларини тортиб олиш ва дворянларга бериш кенгайди. Ана шундай бир даврда монархиянинг социал таянчини мустаҳкамлаш мақсадида муҳим давлат масалаларини ҳал этишга дворянлар ва посад аҳлининг юқори қисмини жалб этишга уринганлар. 1547 йили юз берган Москвадаги шаҳарликлар кўзғолонининг бевосита таъсирида 1549 йили биринчи земский собор чақирилади (С.В.Юшков 1550 йили чақирилган деб ҳисоблайди). Ана шу тарзда Россияда тоифавий-вакиллик монархияси даври бошланди, унинг асосчиси Иван IV эди. Михаил Романович подшолиги даврида у ўзининг юқори нуқтасига эришади. 1653 йили сўнги земский собор чақирилган. Земский собор билан бирга черков собори ҳам чақирилган. Бу давр боярлар билан дворянларнинг ҳокимият учун кураши билан характерланади, Иван IV мамлакат ҳудудининг бир қисмини **опричниклар** корпуси орқали бевосита бошқариш остига олиб, оммавий қатағон сиёсатини юритди. Ундан фақат боярларгина эмас, деҳқонлар ҳам катта зарар кўрдилар. Асосий ер эгалари боярлар, дворянлар бўлиб, улар ўртасида XVI аср давомида ҳокимият, ер, деҳқонлар учун шиддатли кураш борди. Боярларнинг ўз князига эркин хизматга ўтиши ўтмишга айланди. Улар Москва князига хизмат қилишлари шарт эди, худди помещиклар сингари уларнинг кетиб қолиши хоинлик сифатида жазога сазовор деб топилган. XVI аср иккинчи ярмидан дворянлар етакчи кучга айланди. 1556 йилги низомда **поместье ва вотчина** шаклидаги ер эгалигининг ҳуқуқлари тенглаштирилиб, 150 десятина ерга эгалик қилган ҳар бир киши қурол-яроғи билан бир отлиқ аскар етказиб бериши белгиланди.

Бу даврда деҳқонлар давлат деҳқонларидан (черносошных), саройга, монастирларга ва помещикларга (владенческая) қарашли деҳқонлар кабилардан иборат бўлган. Давлат деҳқонлари қишлоқ жамоасига бириктирилган, солиқ ва мажбуриятларини бажарган, бошқа деҳқонлар эса давлат солиқларидан ташқари оброк тўлаб, баршчина ишлаб берганлар.

1580 йилларда деҳқонларни рўйхатга олиш ўтказилиб, «рўйхат китоблари» тузилган. Улар деҳқонларни крепостной қарамликка ташлашга асос бўлиб хизмат қилган. Қочоқ деҳқонларни қидириб топиш учун 15 йил муддат, уларни яширганларга 10 сўм жарима белгиланган.

1649 йилги Собор уложениyasi эса дворянларнинг талабларини бажара бориб қочоқ деҳқонларни қидириб топиш муддатсизлигини ўрнатди. Шундай қилиб, мазкур низом Россияда крепостной ҳуқуқнинг умумдавлат тизимини жорий қилди.

1547 йилдан давлат бошлиғи подшо деб атала бошлади. У олий ҳокимиятни дастлаб бояр зодагонларининг органи бўлган Боярлар думаси билан баҳам кўрган. Яъни XVI аср охирларигача «подшо фармон беради, боярлар ҳукм қилдилар» жумласи сақланиб қолган. Унинг таркибида 30 – 167 аъзо бўлган.

Россияда тоифавий-вакиллик органининг шакли земский собор кўринишида бўлиб, у муҳим ишларни ҳал этиш учун чиқарилган.

Бу даврда черков Рус давлатида худди давлат ичидаги давлатдек бўлиб, жуда катта ерларга эгалик қилган ва солиқ ҳамда йиғимлардан озод эди.

1589 йили Византиянинг қулаши билан, Рус патриархлиги жорий қилинган. Ана шу даврда давлатни тармоқлар бўйича бошқариш тизими – **приказлар** ташкил топади. Баъзи манбаларда 280 приказ, баъзиларида эса 80 приказ борлиги, улардан 40 таси йирик бўлганлиги кўрсатилган. Масалан, элчилик, ташқи ишлар, алоқалар, яширин ишлар приказлари, Сибирь, Малороссия, Қозон ишлари приказлари. Асосий солиқ ер солиғи бўлиб, ҳар бир деҳқон хонадонидан ундирилган.

Бу даврнинг ҳуқуқ манбалари ичида 1550 йилги суддебник ало-

ҳида ўрин тутати, у 100 моддадан иборат, тўрт қисмга бўлинган:

1. Марказий судга тааллуқли қарорлар. 2. Область судларига тааллуқли қарорлар. 3. Фуқаролик ҳуқуқи ва процессига оид қарорлар. 4. Қўшимча моддалар.

Қолаверса, 1551 йили юз боб судебниги ҳам қабул қилинган. Черков соборида Иван IV га 100 та савол берилган, у жавоб берган, шундан юз боб судебниги номини олиб, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларини ифодалаган. Приказларнинг фармон китоблари ҳам ҳуқуқ манбалари сифатида аҳамиятли бўлган. Аммо бу давр ҳуқуқ манбалари ичида 1649 йилги Собор уложенияси алоҳида ўрин тутати. Мазкур қонунлар тўпламини, 1648 йили «туз исёни» деб аталадиган исён бостирилгач, ишлаб чиқишга киришилди. Уни тузиш учун князь Одоевский бошчилигида комиссия тузилди, беш ой мобайнида земский соборнинг сайланган аъзолари ва комиссия иштирокида муҳокама қилинган ҳамда тасдиқланган. Унинг манбалари: а) судебниклардан; б) фармонлар, боярларнинг ҳукмлари, приказларнинг фармон китоблари; в) грек подшоларининг шаҳар қонунлари; Византия ҳуқуқи; г) Литва статутлари; д) янги моддалардан иборат эди. У ҳуқуқнинг ривожланишида олдинга ташланган бир қадам эди. Уложения 25 боб, 967 моддадан иборат, бешта асосий қисмга бўлинган. Биринчи қисми давлат ҳуқуқига бағишланган (I – IX боблар), иккинчи қисми процессуал ҳуқуққа (X – XV боблар), учинчи қисми ашё ҳуқуқи (XVI – XX боблар), тўртинчи қисми жиноят ҳуқуқи (XXI – XXIII боблар)га оид, бешинчи қисми қўшимча моддалардан иборат эди. Кейинчалик у фармонлар чиқариш йўли билан ҳам тўлдириб борилади. Фуқаролик ҳуқуқида ер эгалигининг, асосан, икки шакли: **вотчина** ва **поместье**ни мустаҳкамлади, поместьега фақат дворянларнинггина эгалик қилишини қонунийлаштирди. Қарз бадалига қарамликка ташлаш (холоплик) тақиқланди. Мажбурият ҳуқуқида турли шартномалардан келиб чиқиб 15 йиллик даъво муддати ўрнатилди. **Оила ҳуқуқи**да никоҳнинг ягона шакли деб черков никоҳи белгиланди. Жиноят ҳуқуқида жазо жиноятчининг социал ҳолатига қараб белгиланадиган бўлди. Масалан,

деҳқонни ҳақорат қилганлик учун 1 сўм, митрополитни ҳақоратлагани учун 400 сўм жарима солиш белгиланган. Жазонинг мақсади кўрқитиш ва зарар ўрнини қоплаш бўлган. Қонунда 35 ҳолда ўлим жазоси назарда тутилган.

Собор уложениясида ер мулки эгалигининг, асосан, уч шакли ўрнатилган, унинг биринчиси **давлат мулки**, бунга сарой ерлари ёки бевосита подшога тегишли ерлар кирган, мазкур ерларни подшо бояр ва дворянларга хизмат эвазига берган.

Иккинчи шакли **вотчина ер эгалиги**, у ҳам шартли ер эгалиги бўлиб, унинг ҳуқуқий ҳолати поместьеникидан бошқачароқ эди. Яъни ер эгаси унга эгалик қилганидан ташқари меросга ҳам қолдириши мумкин бўлган. Вотчинанинг учта тури: наслий, хизмат эвазига олинган, сотиб олинган вотчиналар мавжуд бўлган. Агар ер эгаси вотчинани сотган бўлса, 40 йил ичида уни қайта сотиб олиш ҳуқуқи сақланган.

Ер эгалигининг учинчи шакли **поместье** эди, у хизмат эвазига, энг аввало, ҳарбий хизматлари учун берилган. Аста-секинлик билан поместье ва вотчина орасидаги фарқ камая борган. Собор уложенияси поместьени вотчина билан алмаштиришга рухсат этди. Аввалги қонунчиликда бўлгани каби, Собор уложениясида ҳам савдо-сотик, алмашув, қарз, сақлаб туриш каби шартномалар кенг ёйилган. Қарзнинг даъво муддати этиб 15 йил белгиланади, қонунчилик шартномаларининг муҳимларини тузишда крепость тартибида ёзма гувоҳнинг қатнашишини назарда тутди. Ворислик ҳуқуқида васият бўйича ворисликда мерос қолдирувчининг қарзлари учун мерос олувчи жавоб бериши кераклиги белгиланади.

Жинойт ҳуқуқи. Жиноят тушунчаси ҳам мукамал ишлаб чиқилган, феодал жамиятига қарши қаратилган ҳаракатлар «**лихое дело**» деб аталган. Қасддан содир этилган жиноятлар эҳтиётсизлик билан содир этилганларидан фарқланган. Давлат жиноятларини содир этишда қасднинг мавжуд бўлиши жазоланувчи ҳолат ҳисобланган. Рус жиноят ҳуқуқида биринчи марта зарурий мудофаа, охириги зарурат каби тушунчалар киритилган. Собор қонунномисида черковга қарши қаратилган жиноятлар биринчи ўринга қўйилиб, унга махсус боб бағишланган.

6. Мутлақ монархия давлати ва ҳуқуқи

XVII аср охири – XVIII аср бошларида Россияда тоифавий-вакиллик монархияси ўрнига мутлақ монархия келади. Ушбу даврда қишлоқ хўжалигида силжиш бўлиб, мануфактура ишлаб чиқариши юксалади ва XVIII аср бошларида 200 дан ошиқ саноат корхоналари ташкил топади. XVII асрда ягона рус бозори шаклланади. Ана шу даврда подшо доимий армиянинг кучига таянган ҳолда земский собор ва боярлар думасининг чақирилишини бекор қилади. Россияда ҳам мутлақ монархиянинг вужудга келиш қонуниятлари Фарбий Европанинг бошқа давлатлариники билан деярли бир эди: 1) саноат ва савдонинг ривожланиши; 2) буржуа муносабатларининг шаклланиши; 3) мамлакат ичида зиддиятларнинг кучайиши; 4) доимий армиянинг, полициянинг вужудга келиши, бюрократик аппаратнинг ўсиши ва ҳ.к. Унинг узил-кесил ўрнатилиши ва расмийлашиши Петр I даврида юз берди. Мутлақ монархия дастлабки вақтларда савдо ва саноатни ривожлантиришда, хўжалик алоқалари кучайишида, вилоятларнинг биқиклигини бузиб юборишда ижобий роль ўйнайди. Бу даврнинг ижтимоий тузумида дворянлар узил-кесил ҳукмрон кучга айланди. Улар орасида, асосан, армия ва бошқарув аппарати раҳбар кадрлари етиштирилган. Боярлик унвони тугатилди. Дворянлар мулкӣ ҳолатига қараб йирик, ўрта ва майда ер эгаларига бўлиниб, солиқ ва йиғимлардан озод қилинган. 15 ёшга тулиши билан армия хизматида чақирилган, хизматни ўташ 1722 йилги Даражалар ҳақидаги табелга мувофиқ ўтказилган. Бунда барча унвонлар биринчи катта офицерликдан фельдмаршалгача 14 даражага бўлиниб, биринчи катта офицер унвонини олган киши дворянлик унвонига ҳам эришган. Фуқаро хизматида саккизинчи даражага эга киши наслий дворян унвонига эга бўлган.

Шаҳарлар ўсиб, 1721 йилги бош магистратнинг регламентига кўра, шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлинади: **доимий** ва **доимий бўлмаган**. Доимий (регуляр) аҳоли икки гилдиядан ташкил топган. Биринчисига **банкирлар**, **бой савдогарлар**, **докторлар**, **аптекачилар**, **рассомлар**, иккинчисига эса **майда савдогарлар** ва **хунармандлар** киритилган. Шахсий ижара бўйича ишловчи-

лар, қора ишларни қилувчи (малакасиз) ишчилар доимий бўлмаган аҳоли (норегуляр)га киритилган. Аммо бу даврда ҳам мамлакатнинг етакчи ишлаб чиқарувчи кучи деҳқонлар бўлиб қолаверди. Уларнинг асосий қисми крепостной деҳқонлардан иборат бўлиб, уни сотиш, сотиб олиш, совға қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, васият қилиш, ёлғиз ўзини ёки оиласи билан бирга сотиб юбориш мумкин эди. Помешчиклар уларни бошқарувчиси ва судьяси ҳисобланган.

Деҳқонлар давлат деҳқонларига, монастирлар ва черковларга қарашли деҳқонларга, сарой деҳқонларига, посессион деҳқонларга (заводларга бириктириб қўйилган) бўлинган. XVIII аср бошларидан ишчилар (работные люди) ташкил топа бошлади. 1719 йили Пётр I даврида ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра ҳар бир эркак киши бошига жон солиғи солинди. Шу даврга келиб алоҳида социал табақа вакиллари бўлган холоплик йўқолиб кетди.

Давлат тузуми. XVII асрнинг сўнги чораги ва XVIII аср бошларида Россия империяга айланди. Ништад сулҳ шартномаси шартларига кўра, унга Болтиқбўйи ерлари ўтди. 1721 йил 22 октябрда Пётр I императорлик унвонини қабул қилди. Бу чекланмаган монархия (самодержавие) расмийлаштирилишига олиб келди. 1710 йили Англия ҳукуматининг Петербургдаги фавқулодда элчиси бўлган лорд Ч.Уитворт ҳукумат ҳақидаги ўз таассуротларини шундай ёзиб қолдирган: «Ҳукумат қонун, одатлар билан боғланмаган сўнги даражадаги мутлақ ҳокимиятга эга. Ҳамма нарса монархиянинг эркига боғлиқ, фуқароларнинг тақдирини ҳал қилади».

Пётр I даврида 1716 йили қабул қилинган ҳарбий низом (устав)нинг 20-артикулида, 1720 йилги денгиз низомларида: «Монархнинг ҳокимияти чекланмаган, унга виждонан бўйсунитиши худонинг ўзи буюрган», – дейилади. Император XVIII асрнинг биринчи чорагида давлатнинг олий бошлиғи, қонунчилик ва суд, олий ижро ҳокимиятлари бошлиғи бўлиб, ҳатто диний ҳокимият ҳам унга тегишли эди, бу ишни махсус муассаса – **Синод** орқали амалга оширган.

1700 – 1704 йилларда янги маслаҳат органи – Министрлар

кенгаши вужудга келди, у солиқ ва йиғимларни тўплаш, янги солиқлар жорий этиш, савдони ривожлантириш, армия таъминоти, рекрутларни армияга чақириш ва жойлаштириш, ўқитиш масалалари билан шуғулланган. Ҳукумат ва мансабдорлар устидан назоратни амалга оширадиган орган – **сенат** доимий ишловчи коллегиял ташкилот бўлиб, подшо томонидан тайинланадиган 9 аъзога эга эди. 14 йил фаолият кўрсатган даврида олий бошқарув ташкилотидан бошқарув устидан олий назоратни амалга оширувчи идорага айланган. Сенатнинг тузилиши Сенат идораси, **ракетмейстерлар** (шикоят қабул қилувчилар), **герольдмейстерлар** (давлат дворянларининг рўйхатини тузувчиси), **фискалитет ва прокуратурадан** иборат бўлган.

:1726 йили янги давлат органи – **Олий яширин кенгаш**, кейинчалик унинг ўрнида **Министрлар кабинети** тузилган. 1717 йил 9 августда тармоқлар бўйича бошқарув органи бўлган **коллегияларни** тузиш бўйича биринчи фармон чиқарилди. Коллегиялар илгариги кўп сонли приказларни сиқиб чиқарди.

Барча коллегиялар ҳузурида қабулхона ва канцелярия бўлиб, унинг таркибига президент ва вице-президент, 4 ёки 5 маслаҳатчи асессорлар кирган.

Маҳаллий бошқарув борасидаги ўзгаришлардан бири губерния ислоҳотининг ўтказилиши бўлди. 1708 йили жойларда ҳокимият аппаратини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакат 8 губернияга: Москва, Санкт-Петербург, Киев, Смоленск, Қозон, Азов, Архангельгород, Сибирия губернияларига бўлинган. Шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш идоралари – земство избалари тузилди. Кейинчалик шаҳарларда шаҳар магистратларига ҳам асос солинди.

Ҳарбий ислоҳот ўтказилиб, дастлаб 20 хонадон, кейинчалик 100 хонадон ҳар йили битта рекрут етказиб берадиган бўлди. Армия хизмати 25 йил эди, у касбий жангчилардан иборат бўлиб қолди. 1718 йили махсус полиция мансаби – генерал-полицмейстер, Петербург ва Москвада обер-полицмейстер, шаҳарларда полицмейстер лавозимлари таъсис этилди.

Олий суд ҳокимияти бу даврларда ҳам подшога тааллуқли бўлиб, олий суд босқичи **бош магистрат, адлия коллегияси** эди.

Ҳарбийларнинг ишлари полк ва генерал судларида кўрилган, энг куйи суд органларига провинциал, шаҳар судлари кирарди.

Россиядаги мутлақ монархия даври кўп миқдорда турли шакллардаги ҳуқуқ манбалари: **уставлар, манифестлар, регламент ва фармонларнинг** чиқарилиши билан характерланади. Жумладан, уставлар у ёки бу муассаса фаолиятини ҳуқуқий тартибга келтирадиган қонунлар тўпламидир. Уларда моддий ва процесуал ҳуқуқий нормалар биргаликда ифодаланади. 1716 йил 30 мартда биринчи марта Петр I нинг ҳарбий уложенияси чиқиб, унда армияни ташкил қилиш ва унинг фаолияти, жиноят ва жазо масалалари ифодаланганди. Ҳарбий устав нормалари нафақат ҳарбий судлар, фуқаролик судлари томонидан ҳам қўлланилиши мумкин бўлган. Қолаверса, 1720 йили ҳарбий денгиз устави, 1729 йили Вексел тўғрисида уставлар қабул қилинди.

Петр I томонидан янгидан ташкил қилинган маҳкамалар, коллегияларни ташкил қилиш ва фаолиятини тартибга тушириш учун регламентлар чиқарилган. 1720 йилги бош регламентга кўра, Россия империясининг ҳамма муассасаларида хизмат қилиш тартиби белгиланган. 1721 йилги диний регламентга биноан, диний коллегияларнинг таркибий фаолияти маълум бир тартибга солинди.

Фармонлар – подшо томонидан кундалик фаолиятда турли масалалар бўйича чиқарилган ҳуқуқий акт. Масалан, 1717 йилги «Ягона меросхўрлик ҳақида»ги фармон. Манифестлар, алоҳида шароитларда императорнинг хоҳиш-иродасини барчага мурожаат тарзида етказиш лозим бўлганда, чиқарилган актдир. 1762 йили дворянларнинг мажбурий хизматларини бекор қилувчи ҳамда черков мулкларини цекуляризация (рўйхатга олиш) ҳақида манифестлар чиқарилган. XVIII асрда Петр I томонидан уч мингга яқин, Екатерина II томонидан эса олти мингга яқин қонун акллари чиқарилган. Екатерина II салтанатни мустаҳкамлашга интилиб бир неча марта ўзини маориф фалсафаси, издоши, халқ бахти учун курашувчи деб эълон қилган. Бу нарсаларга эса яхши қонунлар чиқариш йўли билан ҳам эришиш мумкин деб ҳисобланган. Унинг даврида мавжуд рус ҳуқуқини кодификация қилишга бир неча марта уриниб кўрилган.

XVIII асрда фуқаролик ҳуқуқида кўпгина ўзгаришлар юз берди. Жумладан, «Ягона ворислик ҳақида»ги 1714 йил фармонида кўра, поместьелар вотчина билан ҳуқуқларда тенглаштирилиб, «қўзғалмас мулк» деб атала бошлади. Бундай мулкларни сотиш, гаровга қўйиш тақиқланди. Фақатгина мерос қолдириш мумкин бўлди. Аммо мазкур фармон ҳам, у билан жорий этилган тартиб ҳам 1731 йили бекор қилинди. Гаров шартномаси бўйича қўзғалувчи ва қўзғалмас мулкни ҳам гаровга қўйишга рухсат этилди. Гаров шартномаси икки гувоҳ ҳузурида ёзма тартибда (крепость) расмийлаштирилган. Мажбуриятларнинг келиб чиқиш асослари шартномалар бўлиб, уларнинг гаров, алмашув, савдо-сотиқ, мулк ижара, шахсий ижара, қарз, сақлаб туриш, ўртоқлик, пудрат ва етказиб бериш каби турлари мавжуд эди.

Жинойт ҳуқуқи. Петр I даврида қонунлар ва подшо эркини бузишгина эмас, давлатга зарар ва зиён етказиш ҳам жиноят ҳисобланган. Шу даврдаги қонунларда жиноий ҳаракат қасддан, эҳтиётсизлик ва фавқулодда ҳаракатларга бўлинган. Собор уложениясига кўра, мастлик ҳолатида жиноят содир этиш айбни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилган бўлса, ҳарбий артикулларда тескариси, яъни айбни оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Жиноят субъектининг ёши турли даврларда турлича бўлган. XVIII аср иккинчи ярмида 10 ёшгача бўлган болалар жавобгарликдан озод қилинган. Петр I даврида биринчи марта рус қонунчилигида «**преступление**» деган сўз жорий этилди. У қуйидаги турларга бўлинган: диний жиноятлар – худосизлик, сеҳргарлик, черков қоидаларини бажармаслик ва бошқалар, давлат жиноятлари – подшо ҳаёти ва соғлиғига суиқасд, ҳақоратлаш, меросхўрларини ҳақорат қилиш қатл этиш билан жазоланган. Мансабдорлик жиноятлари – давлат мулкни талон-торож этиш, порахўрлик, буйруқни бажармаслик, итоат этмаслик, давлат сирларини ошкор қилиш. Ҳарбий жиноятлар – бошлиққа итоат этмаслик, буйруқни муҳокама қилиш, жанг майдонидан қочиш, қоровул хизмати ва ҳарбий интизомни бузиш осиб ўлдириш жазоси билан жазоланган. Бундан ташқари, бошқариш ва жамоат тартибига ҳамда судга қарши қаратилган жиноятлар, мулк ижара жиноятларга бўлинган.

Жазонинг мақсади қўрқитиш, зарарни қоплаш, жиноятчини жамиятдан ажратиш ҳисобланган. Петр I нинг ҳарбий артикларда 22 ҳолда ўлим жазоси белгиланган. Қолаверса, сургун ва бадарға қилиш, каторга ишларига юбориш, тан ва оғриқли жазолар бериш, аъзосига шикаст етказиш каби жазолар, сазойи қилиш, пешонасига тамға босиш, милтиқ қувурини (ствол) тозалайдиган сим (шпицрутен) билан уриш, қамоққа ташлаш, қадр-қимматидан ва ҳуқуқидан маҳрум этиш каби жазолар бўлган.¹

Ҳарбий артиклардан. Душман билан жангга киргач полклар ва роталар жанг майдонини ташлаб қочсалар, бош ҳарбий судда суд қилиниши лозим. Агар бундай ҳаракат содир этилишига бошлиқлар сабабчи бўлгани аниқланса, унинг боши устида жаллоднинг қиличи синдирилиши, сазойи қилиниши, кейин дорга тортилиб қатл этилиши лозим.

Агарда бошлиқлар ҳам, оддий аскарлар ҳам шундай қилган бўлсалар, бошлиқлар юқорида келтирилганидек жазоланиб, оддий аскарларни қуръа ташлаш йўли билан ҳар ўн кишидан бир киши (децимация) дорга осилади, бошқалар шпицрутен билан уриб жазоланадилар, бунинг устига, то жангларда ўз жасоратини кўрсатиб хизмат қилмагунча байроқсиз, сафдан ташқарида (алоҳида) юриши лозим. Агарда ушбу ҳаракатларда ўзининг айбсиз эканлигини исботласа, авф этилади.

1715 йили суд жараёнларининг қисқача шакли эълон қилиниб, тергов-қидирувнинг асосий белгилари ўрнатилди. Суд процесси ёпиқ, ёзма шаклда ўтказиладиган бўлди. Айбини бўйнига олиш, азоблаш, икки ва ундан ошиқ гувоҳларнинг кўрсатмалари терговдаги асосий далиллар ҳисобланган.

Назорат учун саволлар

1. Киев Руси давлати ташкил топиши арафасида, қандай қабилавий уюшмалар бўлганлигини биласизми?

¹ Российское законодательство X – XX вв // Законодательство периода становления абсолютизма. Т.4. – М., 1986. – С.328 – 365.

2. Норманистик назариянинг асл моҳияти нимадан иборат? Ҳозирги кунда унга қандай баҳо берилмоқда?
3. Киев Руси давлати ташкил топишининг қандай хусусиятларини биласиз?
4. Россияда сиёсий тарқоқлик даврида қандай давлатлар бўлган? Уларнинг шаклларини биласизми?
5. Марказлашган Рус давлати ташкил топишининг тарихий шарт-шароитларини гапириб беринг.
6. Рус ҳақиқатининг қандай нусхалари (спискаларини) биласиз?
7. Юз боб судебниги қандай қонуннома?
8. Пётр I ўтказган давлат-ҳуқуқий ислохотларнинг моҳияти нимадан иборат?
9. Рус ҳуқуқи тарихида Пётр I ҳарбий артикллари қандай ўрин тутади?
10. Россияда мутлақ монархия қандай кўринишда бўлди?
11. Марказлашган Рус давлатининг ташкил топишида Амир Темур давлатининг ҳам таъсири борми? Шу ҳақда нималарни биласиз?

Ҳуқуқий масала

Ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Сидоренко ҳарбий юриш вақтида сафда ўз олдида кетаётган аскар Михайло билан уришиб қолиб, унга найза санчиб ўлдириб қўйди.

Ушбу казусни Петр I нинг ҳарбий артикллари бўйича таҳлил қилинг. Мазкур иш қайси судда кўриб чиқилади? Бу ҳолатда одам ўлдирган Сидоренкога қандай жазо чоралари қўлланилган? Агар унга етказилган оғир жароҳат натижасида бир неча кундан кейин вафот этган бўлса-чи? Агар ўлдирилган офицер бўлса-чи?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.142 – 162.

2. Муҳаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 2-қисм. – Тошкент, 2003. – Б.299 – 383.

3. История государства и права СССР: Учебник. Част I. – М.: МГУ, 1991.

4. Русская правда. Российское законодательство X – XX веков // Законодательство Древней Руси. Т.1. – М.: Госюриздат, 1984. – С.27 – 130.

5. Российское законодательство X – XX веков. В девяти томах. Том 4. – М.: Госюриздат, 1986. – С.314 – 390.

Луғат

Боярлар думаси – Россияда йирик феодаллар съезди.

Видоки – Рус ҳақиқатига кўра, гувоҳлар, воқеани ўз кўзи билан кўрганлар.

Вира – Қадимги Русда қон баҳоси.

Вече – Қадимги Русда халқ мажлиси, қурултой.

Манифест – мурожаатнома. Тантанали маросимларга бағишлаб давлат бошлиғининг халққа мурожаати тариқасида чиқарилган қонун.

Послуху – Рус ҳақиқатига кўра, суд жараёнида ўз қулоғи билан эшитганлар.

Устав – рисола, низомнома, бирор муассаса фаолиятини тартибга келтирадиган қоидалар тўплами.

8-МАВЗУ. ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

Режа

1. Араб халифалиги, мусулмон давлати ва ҳуқуқи.
2. Усманийлар давлати ва ҳуқуқи.
3. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи.
4. Хитой давлати ва ҳуқуқи.
5. Япония давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Арабларда ижтимоий-сиёсий тузум. Ислом дини ва теократик давлатнинг ташкил топиши. Мусулмонлар. Зиммийлар. Давлат тузуми. Халифа. Девоңлар. Маъмурий бошқарув ва суд тизими. Ҳуқуқ манбалари ва белгилари. Усманийлар империяси. Бошқарув тизими. Бейликлар. Сарой халқи. Сейфия. Руҳонийлар. Ҳиндистонда Деҳли султонлиги ва Бобурийлар салтанати. Англия мустамлакачилиги. Ҳинд ҳуқуқи. Мусулмон ҳуқуқи. «Фатвои Оламгирий». Хитой давлатининг ривожланиш хусусиятлари. Император. Шэньши. Помешчиклар. Давлат кенгаши. Тан кодекси. Дацин люйли. Япония давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми. Сёгунлар. Княз (даймё)ликлар. Самурайлар. «Тайхориё» қонунлари.

1. Араб халифалиги, мусулмон давлати ва ҳуқуқи

Араб халифалигининг ташкил топиши. Милодий VI – VII асрларда арабларда ҳали уруғдошлик тузуми белгилари кучли эди. Европанинг тўртдан бир қисмига тенг келадиган Арабистон яриморотида арабларнинг кўпчилиги чорвачилик билан шуғулланарди. Фақат Яман худудида деҳқончилик учун шароит бўлиб, у ер «бахтли Арабистон» деб юритилган. Араблар кўчманчи ҳамда ўтроқ арабларга бўлинган, уларда ҳали уруғдошлик тузу-

ми қолдиқлари: қонли қасос, хун олиш кучли эди. Бу ерда кўпхудолик – политеизм ҳукм сурган, ҳар бир қабила ўзининг диний маросимлари, ўз худоларига эга бўлиб, қабилаларни шайх ва саидлар бошқарган.

VI – VII асрларда араблар қаттиқ иқтисодий ва социал инқирозларга учради, ижтимоий табақаланиш жараёни ривожланиб, майда араб қабилаларини бирлаштириш ҳаракати кучайди. Мазкур курашга иқтисодий жиҳатдан манфаатдор бўлган уруғ ва қабила зодагонлари бошчилик қила бошлади. Қабилаларни бирлаштириш яккахудолик – монотеизмни тарғиб қилиш шиори остида ўтди.

610 йилдан Муҳаммад (с.а.в.) ислом динини тарғиб қила бошлади. У ҳар бир кишидан камбағалларга ёрдам беришни, ўз даромадининг бир қисмини уларга ажратишни, уруғлар ўртасидаги урушларни, қонли қасос олишни тўхтатишни, кўпхудоликдан воз кечишни талаб қилган.

Қурайш зодагонлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг таълимотини норозилик билан кутиб олиб, ҳатто уни ўлдирмоқчи ҳам бўлишади. Шундан кейин у Маккадан ўз тарафдорлари билан 622 йили Ясриб (Мадина) шаҳрига кетади. Мана шу йилдан мусулмон тақвими – ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Ясриб эса «мадинат ун-наби» – «пайғамбар шаҳри» деб атала бошлайди. У Маккадаги муҳожир шериклари ва мадиналик тарафдорлари (ансорлар) билан биргаликда, қон-қардошлик асосида эмас, ғоя асосида жамоа тузади.

Муҳаммад (с.а.в.) билан маккаликлар ўртасида кураш давом этади. Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага ва бадавийлар – кўчманчи чорвадорларга таяниб Маккани бўйсундиради. Шундай қилиб, турли араб қабилаларини бирлаштирган давлат ташкил топди. Бу давлат теократик – динга таянган давлат бўлиб, уруғдошлик тузумининг емирилиши билан, ўрта аср феодал давлати сифатида юзага келди. Мусулмонлар жамоаси ташкил топгандан кейин, уруғ жамоаси зодагонлари кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни бир оз бўлса ҳам бўшаштириш мақсадида қўшни халқларга қарашли ерларни босиб олишга киришадилар. VII аср ўрталарида арабларнинг қўшниси бўлган Эрон, Византия каби

мамлакатларда қулдорлик тузуми тугатилиб, ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланаётгани, бу ҳолат ҳам Араб халифалигининг ўрта аср феодал давлати шаклини олишида муҳим омилга айланди. Давлатга халифа – пайғамбарнинг вориси бошчилик қилган. Халифа мусулмон давлати назариясида мутлақ монархия мансаби ҳисобланса-да, у ўз ҳукмронлигини мубевосита шариат аҳкомларига таянган ҳолда олиб борган.

Муҳаммад (с.а.в.)нинг энг яқин ворислари – халифалари араб ҳарбий жамоасининг сайлаб қўйиладиган бошлиқлари бўлиб, улар диний, ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўз қўлларига олгандилар.

632 – 661 йилларда Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али халифаликни идора қилдилар. Халифа Умар даврида Сурия, Фаластин, Миср, Эрон босиб олинди. Мусулмонлик дини турли йўллар билан тарғиб қилинди. 661 йили Али ўлдирилгандан кейин, халифанинг Суриядаги ноиб амир Муовия ўзини халифа деб эълон қилди. Мадинага бормади Дамашқда қолди. Арабларнинг сиёсий маркази Сурияга кўчди.

Уммавийлар халифалиги 90 йил давом этган (661 – 750). Ана шу даврда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистоннинг шимолий қисми босиб олинди.

750 йили Абу Муслим бошчилигида кўзғолон кўтарилиб, умавийлар сулоласи ағдарилди. Халифалик тахтини ўзини Муҳаммад (с.а.в.)нинг қариндоши деб даъво қилган Абул Аббос эгаллайди. Шундан кейин аббосийлар сулоласига асос солиниб, пойтахт Дамашқдан Бағдодга кўчирилади. Бу сулола 750 – 1258 йилларда мамлакатни идора қилади.

Араб халифалиги тараққиётнинг турли босқичларида турган, турли динга эътиқод қилган халқларни ўз таркибига қўшиб олганди. Аммо у мустаҳкам эмасди. VIII асрдан давлат емирила бошлади. 756 йили Испанияда Кордово (Қурдоба) амирлиги ташкил топади. IX аср бошларида Марокаш билан Тунис, IX аср ўрталарида Миср, X асрда Эрон ҳамда Мовароуннаҳр ажралиб чиқади.

1056 йили Бағдодни салжуқий турклар босиб олди, уларнинг бошлиғи Тўғрулбек ўзини султон деб эълон қилди. XIII асрда

мўғул қўшинлари Эронни забт этди. Кейинчалик эса Эроннинг ҳукмдори бўлиб турган Хулағухон Ироқ, Сурия, бутун Кичик Осиёни эгаллаб, ўзини барча кучманчи қабилалар доҳийси ва давлат бошлиғи деб эълон қилади. Қозонхон даврида эса мўғул-татарлар ҳам ислом динини қабул қилади. XV асрда Усмонли турк салтанатига қўшиб олинади.

Ижтимоий-сиёсий тузум. Араб жамияти ўзининг ижтимоий тузумига кўра, асосан, иккита катта гуруҳга: ер эгалари, бой чорвадорлар ва уларга қарам бўлган деҳқонларга бўлинган. Умуман, ислом дини таълимотига биноан, араб халифаси қўли остидаги халқлар 2 қисмга: муслмонлар ва зиммийларга бўлинади. Зиммийлар – ислом динида бўлмаган бошқа кишилар. Феодаллар ўз ҳуқуқий ҳолатига кўра турли табақаларга бўлинган. Олий табақани пайғамбар ва унинг авлодлари саналган дастлабки муҳожирлар, кейин сайидлар деб аталган кишилар ташкил қилган. Иккинчи ўринда ислом динини қабул қилган маҳаллий феодаллар турган. Алоҳида гуруҳни маварийлар ёки араблар томонидан босиб олинган мамлакатларнинг оддий халқлари ташкил этган. Араблар жамиятида қуллар ҳам бўлиб, улардан уй хўжалигида фойдаланилган.

Давлат тузуми. Давлат бошлиғи халифа эди, у ҳокимиятни мерос йўли билан эгаллаб, олий суд фаолиятини ҳам амалга оширган. Қўшинларга олий қўмондонлик ваколати ҳам унга тегишли бўлиб, маъмурий бошқарув аппаратига раҳбарлик қилган. Унинг ҳузурида уруғ зодагонларидан ташкил топган кенгаш мавжуд эди. Буюк вазирлик лавозими ҳам бўлиб, у халифанинг бевосита маслаҳатчиси ва ўринбосари ҳисобланган.

Тармоқлар бўйича бошқариш девонлар орқали олиб борилган. Девонлар халифаликка Умар даврида Эрондан ўтган. Аббосий халифалар даврида давлатни марказлаштириш янада кучайиб, девонлар сони ўнтадан ошади. Улар бошида халифа томонидан тайинланган вазир ёки раис ул-девон турган. Халифалик ерлари дастлаб диний нуқтаи назардан муқаддас ерларга (Макка ва унинг атрофи), иккинчидан, Ҳижоздаги бошқа ерларга, учинчидан, давлатнинг бошқа ерларига бўлинган. Мамлакат халифа Умар даврида 8 та йирик вилоятга, аббосийлар

даврида эса 11 та маъмурий вилоятга бўлинган. Ҳар бир вилоят бошида халифа томонидан тайинланган ҳокимлар ва волийлар турган, улар бир жойда 2 – 3 йилгина хизмат қилган. Уларнинг асосий вазифаси солиқлар тўплаш ва армия таъминоти масалаларидан иборат эди.

Суд тизими. VII асрда араблар Миср ва Суриянинг Византияга қарашли ерларини босиб олиб, у ерда мавжуд суд тизимини (Юстиниан) қабул қилдилар. Унга кўра, ҳокимлар ўз қўлларида фуқаролик ва суд ваколатини бирлаштирарди.

Умавийлар даврида бош судья халифа эди. Суд уч кўринишда: мусулмонлар суди, зиммийлар суди (мусулмон бўлмаган кишилар), ҳакамлар судидан иборат бўлган. Аббосийлар даврида фуқаролик суди жиноят судидан ажратилган. Шаҳарларда бош судья қози ул-қуззот эди.

XVI асрга келиб усмонли турк султонлари (Салим, Сулаймон I) қозиларнинг турли поғоналарини тузди, мазкур суд иерархияси (босқичлари) бошига олий раҳбарликни олиб бориш ҳамда кузатиш учун Истанбулнинг бош муфтисини қўйди. У шайх ул-ислом деб аталади. Шу билан мусулмон адлиясига чексиз ҳаракат эркинлиги тақдим қилинди дейди Раймонд Шарль.¹ Юридик таълим қайта ташкил қилинади, қозилар (судьялар) ва уламолар тайёрланадиган мадрасалар очилади. Шулардан бири XIII асрда Қоҳирада очилган Ал-Азҳар дорилфунунидир.

Давлат идоралари тизимига давлат хазинаси – байт ул-мол ҳам кириб, солиқ ундириш билан шуғулланган.

Мусулмон ҳуқуқи манбалари. Араб халифалиги унча узоқ ҳукм сурмаган бўлса-да, унинг даврида ислом ҳуқуқий фалсафаси асосида вужудга келган шариат ҳуқуқи минг йиллар давомида Шарқ мамлакатларида ҳукмрон ҳуқуқий тизим бўлиб келди ва бўлиб қолмоқда.

VII аср иккинчи ярмидан ислом мафкураси асосида мусулмон ҳуқуқи ташкил топа бошлайди. «Мусулмон ҳуқуқи, – деб ёзади У.М.Аҳмаджонов, – бу кўп асрлар мобайнида мусулмон руҳонийлари ҳамда феодалларининг манфаатларини ифода-

¹ Раймонд Ш. Мусульманское право. – М., 1959. – С.39.

лаб уни қўриқлаган, ислом дини ёйилган кенг ҳудудга тарқалган ўрта аср ҳуқуқидир».¹

Мусулмон ҳуқуқи манбаларини гуруҳларга бўлиш борасида ҳуқуқшунослар ўртасида ягона фикр йўқ. Масалан, М.И.Садагдар ўзининг «Мусулмон ҳуқуқи асослари» ўқув қўлланмасида уни уч гуруҳга бўлади. Биринчи гуруҳга ислом динининг барча юридик мактаб ва мазҳаблари томонидан сўзсиз тан олинган Қуръон ва Суннатдаги ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисини киритади. Иккинчи гуруҳга гарчи Қуръон ва Суннатда сўзсиз кўрсатма бўлмаса-да, у ёки бу диний ҳуқуқшунослик мактаб намояндаларига, улар томонидан Қуръон ва Суннатнинг руҳига мос деб ҳисобланадиган юридик нормалар киради, бунга қуйидагилар мансуб: **қиёс** – аналогия йўли билан чиқарилган ҳуқуқ (ҳукмлар), **фатво** – юридик масалаларга тегишли ҳокимият билан таъминланган олий мартабали диний раҳбарларнинг қарорлари, **ижмо** – у ёки бу масала бўйича мусулмон раҳбарларининг биргаликда келишилган фикрлари, **ижтиҳод** – юридик мактаблар асосчилари томонидан ҳуқуқий ва диний нормаларни ижодий ишлаш ёки шарҳлаш натижасида чиқарилган ҳуқуқсозликлар. Мусулмон ҳуқуқи манбаларининг учинчи гуруҳини **одат ҳуқуқлари** ташкил қилган.² Аммо бу ерда дунёвий қонунлар ва фармонлар манбалар гуруҳига киритилмаган. Худди шунга ўхшаш классификация мусулмон ҳуқуқини яхши ўрганган олим Л.Г.Сюкияйненнинг мақоласида ҳам келтирилган. Араб халифалиги ва мусулмон ҳуқуқи ёритилган барча дарсликларда уч манбага: шариат, урф-одат ҳамда дунёвий қонунларга бўлиб кўрсатилган. Биз ҳам ана шундай гуруҳлашни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Мусулмон ҳуқуқи манбалари орасида етакчи ўринни шариат эгаллайди. **Шариат** (аш-шариа – оқ йўл), ўз навбатида, тўртта манбадан иборат. Шариатнинг биринчи манбаи Қуръон бўлиб,

¹ Аҳмаджонов У.М. Институт собственности в мусульманском праве: АҚД. – М., 1963. – С.8.

² Садагдар М.И. Основы мусульманского права: Учебное пособие. – М., 1968. – С.11.

у дастлаб яхлит ёзма манба ҳолида эмасди. Пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин, уни тўлиқ ёддан билган кишилар бўлган. 663 йилларда олиб борилган урушларда Қуръонни ёд биладиганлардан кўплари ҳалок бўлади. Халифа Умар Абу Бакрга Қуръоннинг матнини тўплашни маслаҳат беради. Абу Бакр бу юмушни 20 йил мобайнида Муҳаммад (с.а.в.)нинг котиби бўлган мадиналик Зайд ибн Собитга топширади. Қуръон ёзилган varaқларни Абу Бакрга беради. Ҳузайф, Арманистон ҳамда Озарбайжонга қилинган юришларда кўшинлар орасида низо вужудга келади. Усмон ана шундан кейин Зайд бошчилик уч мадиналикка Ҳафизадаги нусха асосида мусхаф нусхасини ёзишни буюради. Бу нусха икки киши томонидан гувоҳлантирилади. Ундан уч нусха олиб, Дамашқ, Басра, Куфага юборилади, асл нусхаси Мадинада олиб қолинади.

Пайғамбаримиз у ёки бу масала юзасидан айтган, оғиздан-оғизга ўтиб келган гаплари ва қилган ишлари ҳадислар деб номланди, ҳадис иккига: **иснод**¹ ва **матн**² бўлинган, Қуръонга кўшимча ҳисобланган. Ҳадислар XII аср охири ва XIII аср бошларида ёзма ҳолатга келтирила бошланди. Уларда араб халифалигидаги зиддиятлар, ислом илоҳиёти, шариат талқини ифодаланиб, турли ижтимоий гуруҳлар манфаати акс этгани учун, бир-бирига зид фикрлар ҳам юзага келади. Шунинг учун улар бир тизимга солина бошланган. IX – X асрларда руҳонийлар орасида обрўли деб танилган 6 та тўпلام юзага келган. Шунлардан имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Саҳиҳи Бухорий» ёки «Ас-Саҳиҳ» (870 йили), шунингдек, имом Ат-Термизийнинг «Жомеъ ас-Саҳиҳ» тўпلامлари ишончли ва обрў-эътиборли тўпلامлар сифатида тан олинган.

¹ Иснод (араб) – далил, ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва эшитган кишидан бошлаб ҳадисларни тўпловчигача бўлган шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатилади ва бу ҳадиснинг асосий далили ҳисобланади.

² Матн (араб.) – текст.

XI асрга келиб шариатнинг янги манбаи – **ижмоъ**¹ ташкил топди. Ижмоъ Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда мусулмонлар жамоасининг чиқарган ҳукмлари бўлиб, шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шаръий (қонуний) деб қабул қилинган. Бир-бирига ўхшаш ҳолатларни ҳал этишда силлогизм (аналогия) йўли билан чиқарилган хулосаларнинг вужудга келиши шариатнинг янги манбаи – **қиёс**ни вужудга келтирди. Халифалар, имомлар, муфтилар, қозилар ва фикҳшунослар томонидан шариат қоидаларига берилган шарҳлар асосида чиқарилган қарорлар **фатволар**² деб аталиб, улар ҳам тўпламлар ҳолига келтирилган.

Мусулмон ҳуқуқи унинг билимдонлари томонидан асосий манбаларини шарҳлаб яратилган доктринал ҳуқуқдир. Шунинг учун суд амалиётида юридик масалалар обрўли мужтаҳидлар ёзган қўлланмаларга таяниб ҳал этилган. Буларга Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳудурийнинг «Мухтасар ул-Виқоя», Абу Юсуф ибн Ёқуб ал-Халафийнинг «Китоб ул-Хирож» ва бошқа асарларини келтиришимиз мумкин.

Мусулмон ҳуқуқига ёзилган шарҳлар тўпламлари ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланган. Бу ўринда Ўрта Осиё ҳуқуқшуносларининг ролини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. «Ҳеч бўрттирмасдан шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиё мусулмон дунёсига шариатнинг охириги таҳририни берди».³ Ўрта осиелик ҳуқуқшунослар асарларидан XI асрда Муҳаммад Ўзгандийнинг «Ал-Мабсут» (кенгайтирилган) фуқаролик ҳуқуқи нормаларига ёзилган шарҳ асарини, XII асрда марғилонлик Бурҳониддин Алининг «Ҳидоя» асарини⁴, Насриддин Ҳусайн Самарқандийнинг «Мултақоти Но-сирий» (Насриддин сайланмалари) асарларини кўрсатиш мум-

¹ Ижмоъ (араб.) – яқдиллик билан қабул қилинган қарор.

² Фатво (араб.) – қарор.

³ Ишанов А.И., Саматова Х.С., Уразаев Ш.З. История государства и права Узбекистана. Ч.I. – Тошкент, 1969. – С.51.

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент, 2002. – Б.255.

кин. Мазкур асарлар бутун сунний мусулмонлари орасида қўлланиб келинган.

Мусулмон ҳуқуқининг яна бир манбаи **урф ва одат** ёки оддийгина одат ҳисобланган. Одат ҳуқуқи нормалари жуда узоқ қўлланиб келган, уларга, фақат шариатда конкрет бир ҳолни ҳал этиш учун тегишли норма бўлмаган тақдирдагина, мурожаат этилган. Охириги манба **қонун** ҳисобланиб, у олий ҳокимият актлари йиғиндисидан иборат (фармойишлар, қарорлар ва бошқалар), шариатга зид келмаган ҳолдагина қўлланилган.

Мусулмон ҳуқуқи тизими. Бу жиҳатдан у Рим ҳуқуқи ёки англо-сакс ҳуқуқига ўхшамайди, яъни унда ягона бир тизим йўқ. Бу ўрта аср Шарқ феодал ҳуқуқий тизими бўлиб, Фарбий Европа ҳуқуқ тизимидан тубдан фарқ қилади. Мусулмон ҳуқуқшунослиги икки асосий мазҳаб: суннийлик ва шиалик ҳуқуқшунослигини фарқлайди. Шиалар мазҳабига мансуб ҳуқуқшунослар ўзларининг юридик характердаги асосларини мустаҳкамлашда суннийларга нисбатан кўпроқ пайғамбарга ҳамда шиаларнинг имомларига ҳавола қилади, суянади.

Сунний мусулмонлари ичида тўртта асосий ҳуқуқшунослик мактаби ташкил топган (VIII – IX асрларда). Бу мактаблар «сунний мазҳаблар» деб номланиб, унинг тарафдорлари «суннат аҳли» деб аталади. Мазкур мактаблар уларнинг асосчилари номи билан юритилади.

1. Ҳанафийлар ҳуқуқ мактаби. Бу мактаб асосчиси Абу Ҳанифа ибн Собит (699 – 767), ота-онаси Қобул шаҳридан бўлган.² Ҳанафийлик мазҳаби Эрон, Сурия, Туркия, Ўрта Осиё, Қозоғистонда ҳамда Россияда яшовчи татар ва бошқирдлар орасида ёйилган. Абу Ҳанифа 500 минг юридик ишлардан иборат мисоллар тўпламининг, диний хизмат ва ҳуқуққа бағишланган 64 фотиҳанинг муаллифи сифатида танилган. Куфа, Басра, Бағдодда юридик масалалар бўйича баҳс олиб борган. Унинг мантиғи шунчалик кучли бўлганки, бу ҳақда шундай гап-сўзлар юрган: «Абу

² Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Развитие шариата в Афганистане (Историко-правовое исследование): АҚД. 1977. – С.15.

Ҳанифанинг мантиқи шунчалик кучлики, агар у дарахт олтин деса, буни исбот қилган».

Абу Ҳанифа юридик тизимининг суд ишларида маҳаллий шароит ҳисобга олинган, уч асосий қоида устунликка эга бўлган: **а) шахсий фикр (ғоя); б) қиёс (аналогия) бўйича қилинган ҳукм; в) истихсан – устунлик бериш, афзал куриш.** Абу Ҳанифа мусулмон ҳуқуқи **фиқҳ** (арабча, фаҳм қилмоқ, англамоқ) илмининг биринчи таърифини берган аллома бўлиб, унингча, **фиқҳ** «бу ҳар бир кишининг ўз фойдасига ва зарарига бўлган нарсалар ҳақидаги шариат ҳукмларини билиб олишдир».

2. Малик ибн Анос ҳуқуқ мактаби (моликийлар). Ҳижоз, Мағриб ва Андалусияда тарқалган. Юридик масалаларни ечишда одат ва удумларга суяниб, ақл ва аналогияга (қиёс) камроқ мурожаат қилган, шуниси билан ҳанафийлардан фарқли. Қолаверса, Малик ибн Анос ўз фикрларида удумлардан ташқари ижмоъга ҳам асосланган.

3. Муҳаммад ибн Идрис аш-Шафий (767 – 819). Аш-Шафий ўзининг юридик мулоҳазаларида одат ва удумларга суянган, аммо ақл ва қиёсни ҳам рад қилмаган. Бошқача қилиб айтганда, у ҳанафийлар ва моликийлар ҳуқуқий тизимини бирлаштиришга интилган. Бу мактаб тарафдорлари Миср, Сурия, Ливан, Яман, Хуросон, Бағдод, ҳатто Доғистонда ҳам бўлган.

4. Аҳмад ибн Ҳанбал аш-Шайбон (780 – 855) (ҳанбалийлар) ҳуқуқ мактаби. Ибн Ҳанбал ҳадисларни йиғувчи ва шарҳловчи машхур киши эди. Унинг «Ал-Муснад» (асос) номли китобида 40 мингдан ошиқ ҳадис тўпланган. Унинг юридик фикрлари асосида ҳадислар ётиши ҳам бежиз эмас. У ақл ва қиёсни мутлақ рад қилган. Мазҳабнинг характерли белгиларидан бири жазо чораларида алоҳида қаттиқ чораларнинг қўлланилишидир. Бу таълимот Ироқ ва Сурияда ёйилган. Юқоридаги тўрт ҳуқуқ мактабларининг мусулмон ҳуқуқида узил-кесил тан олиниши ва унинг идеаллаштирилиши натижасида, кейинги авлод ҳуқуқшунослари уларни шарҳловчилар, маҳаллий шароитга мослаштирувчиларгина бўлиб қолади.

Фуқаролик ҳуқуқи. Мусулмон ҳуқуқи шахслар масаласида жисмоний ва юридик шахсларни билади. Ҳуқуқнинг асосий

субъекти жисмоний шахслар бўлиб, унинг ҳуқуқ лаёқати озодлик ҳолатига, диний эътиқодига ҳамда оилавий ҳолатига боғлиқ бўлган.

Мулк ҳуқуқи ҳарбий ўлжа олиш билан, фуқаролик битими тузиш орқали вужудга келган. Мулк ҳуқуқининг учта белгиси бўлган: а) ашёга нисбатан қатъий эгаллик ҳуқуқи; б) мулкни тасарруф қилиш; в) мулк ҳуқуқининг доимийлиги. Мусулмон ҳуқуқига кўра, ер эгалигининг қуйидаги шакллари бўлган: давлат ерлари, диний ташкилотларга тегишли ерлар (вақфлар), хусусий шахсларга тегишли ерлар. Қолаверса, «муқаддас ерлар» ҳам мавжуд бўлиб, «хижоз» деб аталган. Унга пайғамбарнинг оёғи теккан, яъни яшаган жойлари мансуб эди, бу ерларга бошқа диндаги кишиларнинг кириши ман этилган. Солиқ тўлаш тартибига кўра: а) хирож ерлари (давлат ерларидан фойдаланиб давлатга солиқ тўлаш); б) ушрия ерлари (хусусий кишиларнинг ерлари, ҳосилнинг ўндан бир қисмини тўлаганлар) ҳамда давлатга тобе бўлган бошқа диндаги кишиларнинг ерлари. Тарихий ва юридик манбаларда кўрсатилишича, араб ва бошқа мусулмон мамлакатларида маълум бир хизматни бажариш эвазига феодалларга бериладиган ерлар ҳам мавжуд бўлиб, бу шартли ер эгалиги **иктоъ** ерлари деб юритилган.

Мажбуриятлар, мусулмон ҳуқуқига кўра, қуйидаги ҳолларда келиб чиққан: қонун кучи билан келиб чиқадиган мажбуриятлар, бир томонлама хоҳишни билдиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар. Шартномаларнинг топшириқ, қарзни ўтказиш, ишонч, ссуда, ҳадя, сақлаб туриш, гаров, иттифоқ (ширкат ал-аҳд), ўртоқлик каби турлари бўлган.

Ўртоқлик шартномаларининг ўзи учга бўлинган: маблағни бирлаштирувчи, меҳнатни бирлаштирувчи ҳамда маблағ билан меҳнатни бирлаштирувчи шартномалар.

Оила-никоҳ ҳуқуқи эр билан хотиннинг ҳуқуқий тенглигига асосланган қоидалар асосига қурилган. Мусулмон ҳуқуқи бўйича, никоҳ шартнома орқали расмийлаштирилган. Бўлажак куёв, келин ва унинг ота-оналарига қалин (ёки садок), келинга маҳр тўлаши лозим эди. «Мусулмон ҳуқуқида никоҳнинг ҳақиқий ҳисобланиши учун тўртта ҳолатнинг: тўғридан-тўғри қаршилик-

нинг йўқлиги, томонларнинг розилиги, қалин миқдорини белгилаш, қонуний расмиятчиликни сақлашнинг биргаликда қўшилиши кифоя қилган», – деб ёзади Р.Шарль. Келиннинг розилиги расмангина талаб қилинган. Никоҳ бекор бўлгач, эр 4 ойгача хотинига нафақа тўлаб туриши лозим эди.

Ворислик ҳуқуқида қонуний ворислик васият бўйича ворисликдан фарқ қилган. Ворис мерос қолдирувчининг мерос суммасидан ортиқ қарзларини тўламаслик ҳуқуқига эга бўлган. Ворисликда пайғамбаримизнинг: «Ким отда юролмаса, қилич билан муомала қилолмаса, мерос олиши мумкин эмас», – деган сўзларига амал қилинган. Кейинчалик хотин-қизлар ҳам ворислар ҳисобланган. Қонун бўйича ворисларга мерос қолдирувчилар билан маълум даражада қон-қариндош бўлганлар, озодликка қўйиб юборилган, меросхўрлари бўлмаган қулларнинг хўжайинлари ҳамда давлат кирган. Васият бўйича ворисликда қолдирилаётган мулкнинг фақат учдан бир қисмигина, кимга тегишлилигидан қатъий назар, васият қилиниши мумкин бўлган.

Жинойат ҳуқуқи. Ислом таълимотига кўра, жиноят бу – дунёвий қонунларда ҳамда диний ақидаларда тақиқланган ҳаракатдир. Жиноятнинг субъекти соғлом, вояга етган шахс ҳисобланиб, 15 – 17 ёшгача бўлган ўсмирлар алоҳида мажбурлов чораларига тортилган.

Мусулмон ҳуқуқидаги жиноятлар қуйидагича гуруҳланиши мумкин:

1. Давлат ва динга қарши қаратилган жиноятлар: қўзғолон, фитна энг оғир жиноятлар деб тан олинган, бундай жиноятларда айбланганларнинг ўзларини ва қариндошларини ҳам қатл қилганлар, аёл қариндошлари ва болалари қулликка сотилган.

2. Шахсга қарши қаратилган жиноятлар: одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш ва бошқалар. Бу жиноятлар тушунчаси шариатга кўра учга бўлинган: а) мутлақ қасд; б) мутлақ бўлмаган қасд; в) икки қасднинг орасидаги қасд.

3. Мулкка қарши қаратилган жиноятлар: ўғрилик, тамагирлик, талончилик, босқинчилик ва бошқалар.

4. Ахлоқ, қадр-қимматга қарши қаратилган жиноятлар. Эр-хотинларнинг бир-бирига хиёнати тошбўрон қилиш билан жазолан-

ган. Маст қилувчи ичимликларни ичиш 40 дарра уриш билан жазоланган. Қолаверса, мусулмон ҳуқуқида жиноятлар жазо турларига қараб ҳадд, қасос, таъзир гуруҳидаги жиноятларга ҳам бўлиб ўрганилади.

Шариатда барча жиноятлар учун тайинланадиган жазолар тури тўртта. 1. Бир турдаги ҳаракат билан келтирилган зарарни қоплаш, қасос: одам ўлдирганлик учун одам ўлдириш, ҳақорат учун ҳақорат, ярадор қилганлик учун ярадор қилиш, бунда жазо жабрланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан ижро этилишига йўл қўйилади. 2. Тўқилган қон учун тўлов ёки жарима одам ўлдирганлик учун ҳам, жароҳат етказганлик учун ҳам белгиланиши мумкин. 3. Қонунга мувофиқ жазо белгилаш. 4. Шариат судлари томонидан ўзларининг хоҳишлари бўйича жазо тайинлаш. Шариат қон учун тўловнинг олти турини ўрнатган: а) олти ёшли 100 туя бериш; б) 200 ҳўкиз; в) 1000 қўй; г) 200 ҳуле (газмолнинг яманча ўлчов бирлиги) мато; д) 1000 мисқол олтин; е) 1000 дирҳам кумуш танга.¹ Диа қоннинг баҳоси бўлиб, шариатга кўра, у фақат одам ўлдириш учун эмас, балки жароҳат етказганлик учун ҳам ундирилади, унинг қуйидаги турлари бор:

1. Тўла диа тўла кўр қилиш учун, бир кўзини кўр қилса, ярим диа.

2. Иккала қулоғини ёки бир қулоқни кесиш натижасида кар бўлиб қолганлик учун ярим диа.

3. Қулоқ ёки бурунни кесганлик учун, битта ёки иккита қўлини синдирганлик, кесганлик учун ҳам ярим диа.

4. Ҳар бир бармоғи учун ўндан бир диа, тили учун қирқдан бир, йигирмадан бир диа.

Бирор кишининг гуноҳи билан агарда ҳомиладор хотин вақтидан эрта туғиб қўйса, туғилган бола нафас олиб турса, ўғил бола учун 1000, қиз бола учун 500 мисқол олтин жарима ундирилган.

Биринчи марта қилинган ўғрилиқ учун қўлнинг кафти ва бош бармоғи қолдирилиб, тўртта бармоғини кесиш, иккинчи марта

¹ Керимов Г.М. Шариат и её социальная сущность. – М., 1978. – С.142 – 143.

Ўғрилик учун шариатда чап қўлини тирсагининг ўртасидан қирқиш, учинчи марта умрбод қамалган. Тўртинчи марта ўғрилик қилгани учун қатл этиш жазоси белгиланган.¹ Жазонинг бундай турларидан ташқари тан жазолари: қўлини қирқиш, дарра билан уриш ва ҳ.к., пул жаримаси солиш, салла ўраб юришни тақиқлаш; қўшимча жазолар сифатида мулкни мусодара этиш, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш каби жазо турлари қўлланилган.

Судлов жараёни қуйидаги белгилари билан характерланган: жиноят ва фуқаролик судловлари ўртасида фарқнинг йўқлиги, процесс фақат айблов характериға эға бўлган, даъвогар билан жавобгар, шунингдек, айбловчи ўртасидаги фарқнинг йўқлиги, суд юритишда қозилар учун аниқ бир белгиланган қоидаларнинг йўқлиги, прокурор ва адвокатнинг йўқлигидир. Судда тан олиш, гувоҳларнинг кўрсатмалари, қасам, версиялар далил ҳисобланган. Гувоҳ сифатида 10 ёшға тўлган, илгари судланмаган, фақат мусулмон динидаги ақли расо кишиларгина қатнашиши мумкин эди. Икки хотин кишининг кўрсатмаси бир эркак кишининг гувоҳлигига тенг бўлган. Суд юритиш маъмурий бошқарув фаолиятидан ажратилмаган.

2. Усманийлар давлати ва ҳуқуқи

XIV асрнинг 20-йилларида Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбида Усмон I (1299 – 1324) номи билан аталган Усмон беклиги (бейлиги) вужудға келди. Бу давлатда ҳар хил туркий қабила ва маҳаллий аҳолидан вужудға келган турк элати усмонлилар деб атала бошлади. XIV асрнинг 20 – 30-йилларида турклар Византиянинг сўнги мулкларидан бўлмиш Бурса, Никея ва Никомедияни босиб олдилар. Бурса салтанатнинг биринчи пойтахтиға айлантирилди. Усмонлилар давлати бошданок ҳарбий-феодал давлат бўлиб, жангчилар – сипоҳийлар ҳукмрон доираларнинг таянчи эди. Улар XIV асрнинг ик-

¹ Шарль Р. Мусульманское право. – М., 1959. – С.43.

кинчи ярмида Шарқий Францияни, Косово майдонидаги ғалабадан сўнг Сербияни, Болгария подшолигини, Фессалияни, Македонияни бўйсундирди. 1396 йили Европа рицарларининг бирлашган кучларини тор-мор келтиргач Константинополга яқинлашдилар. Онадўлининг барча беклари бу давлат таркибига кирди. Амир Темур қўшинлари 1402 йилги Анқара жангида султон Боязид I қўшинларини тор-мор келтирди. XV асрнинг 40-йилларида бу давлат яна тикланиб, Болқонни қайта босиб олди.

Султон Мурод II олиб борган урушларда салибчилар армияси тор-мор келтирилди. Унинг ўғли Меҳмед II 1453 йил 29 майда Византиянинг пойтахти Константинополни эгаллади, бу шаҳарни Истанбул номи билан ўз давлати пойтахтига айлантирди. Шу билан Шарқий Рим – Византия давлати ҳам қулаб, унинг харобаларида Усманийлар империяси вужудга келди. XV асрнинг 50 – 70-йилларида Сербия, Босния, Морея, Аттика, Трапезунд, Албания босиб олиниб, Қрим хонлиги ва Валахия устидан Туркиянинг ҳомийлиги ўрнатилди. XVI асрда, Салим I ва Сулаймон I даврида, Арманистон, Курдистон, Сурия, Фаластин, Миср ва Ҳижоз, Жазоир ҳудудлари босиб олинди.

XVI аср ўрталарида усмоний султонларнинг ҳарбий-феодал давлати ўз қудратининг энг юқори чўққисига эришди. Ҳарбий юришлар муфаввақиятини хизмат эвазига ер инъом қилиш, шартли ер эгаллиги бўлган **тумор** тизими ҳамда **яничарлар** корпуслари таъминлади. Яничарлар асир олинган ёки сотиб олинган қуллардан, ота-онасидан жудо бўлиб қолган етимлардан ташкил топган, улар мусулмон динига киритилган ва ёшлигидан ҳарбий ишга ўргатилган.

Кичик Осиёда Салжуқийлар давлатининг инқирозга юз тутиши натижасида вужудга келган Турк бейликларига тегишли вилоятларда халқнинг кўпчилик қисмини турклар ташкил қиларди. Чунки 1071 йилдан сўнг ўғуз қабилалари Кичик Осиёнинг кўпчилиги ҳудудларига кўчиб кела бошлади, шунингдек, XIII асрнинг биринчи ярмида мўғуллар таъқибидан қочган туркий қабилалар Туркистондан, Хуросондан, Озарбайжондан ушбу ҳудудларга жойлашганди. Кейинчалик бошқа дав-

латларни ва халқларни босиб олиш натижасида, кўпмиллатли давлатга айланди, мамлакатда турклардан ташқари греклар, арманлар, яҳудийлар, славянлар, араблар ва бошқалар бор эди.

XVI аср бошларида Усмонли турк давлати аҳолиси тахминан 11 млн кишини ташкил қилган бўлса, XVI аср охирига келиб тахминан 20 – 22 млн кишига етган. Ушбу давлатда бошқарувчилар: **а) сарой халқи; б) сейфия (ҳарбийлар); в) руҳонийлар** ҳисобланарди. Бошқарилаётган аҳоли эса реа (раият) деб аталган.

Усмонли турк давлати мусулмон-теократик давлат бўлганлиги, шунингдек, унинг ҳудудида кўпчилик бошқа диндаги аҳоли вакиллари яшаганлиги сабабли, мусулмонларни «миллати ҳоким» – ҳоким миллат ёа бошқа диндагиларга «миллати маҳкум», яъни ҳокимият остидаги миллат номи берилган.¹

Жамият аҳолининг жойлашувига кўра: а) шаҳарликлар; б) киш-лоқликлар; в) кўчманчи аҳолига гуруҳланарди.

XVI асрда 700000 кишилиқ Истанбул шаҳри Европада энг катта шаҳар эди. Империянинг барча фуқаролари усмонийлар деб аталган, давлат дини ислом ҳисобланган.

Шундай қилиб, XVI асрнинг биринчи ярмида мустақил араб давлатлари тезлик билан кенгайиб келаётган Усмонийлар империясига қўшиб олинди. 1517 йили мамлуқларнинг Миср давлати инқирозга учради. Султон Салим I сўнгги аббосий, сохта халифани Истанбулга олиб келди. 1923 йили Туркия Республикаси эълон қилинишига қадар султон-халифа Истанбулда ўзининг дунёвий ва руҳоний қавмларига подшолик қилиб келди.

XVI асрда Туркиянинг кучли денгиз флоти бутун Ўрта ер денгизи ҳавзасини назорат қилиб турарди. Аммо жуда қисқа даврда бу салтанатнинг инқироzi бошланган. 1571 йили Лепанто (Грецияда) шаҳри яқинидаги жангда Туркия флотининг мағлубиятга учраши унинг инқироzi бошланиши эди. 1684 йили Австрия, Польша, Венгрия, Россия Туркияга қарши «Муқаддас иттифоқ»

¹ Усмонли девлати тарихи. 2-жилд. – Истанбул: Заман, 1999. – 856 б.

деб номланувчи иттифоқ тузди, унинг қўшинларига бир неча марта зарбалар берди.

Усмонли турк давлати мутлақ монархия шаклидаги империя эди. Усмонли императорлигини бошқарган подшолар, Султон Салимнинг Мисрга киришига қадар, халифа эмасдилар. Султон Салим 1516 йили мамлукларни енгиб Мисрни қўшиб олгандан сўнг, саккиз юз йил аббосийлар хонадони қўлида бўлган халифалик Усмон ўғиллари қўлига ўтди. Усмонли турк давлати теократик монархияга айланди.

Султоннинг давлат ишларида энг яқин кишилари **садри аъзам** ва **вазирлар** бўлиб, давлат бошқарувида бевосита иштирок этарди. Ҳатто садри аъзам подшо номидан буйруқ берган. Вазирлик салтанатдан кейин энг муҳим институт эди. Давлатда **шайхулислом**нинг мавқеи катта бўлиб, у шариятнинг қўриқчиси сифатида давлат ишларининг дин ишларига мослигини назорат қиларди ва ўз фатволари билан йўл-йўриқ кўрсатарди.

Подшо ёки садри аъзам раҳбарлик қиладиган девони ҳумоюн муҳим давлат институти сифатида икки вазифани амалга оширган: а) сиёсий, маъмурий, молиявий ва ҳарбий ишларни бошқариш; б) судлов ишларини амалга ошириш.

Усмонли турк давлатида **нақиб ул-ашраф**, **раис ул-китоб** ва бошқа давлат мансаблари бўлган. Усмонли турк давлатининг пойтахти Эдирна ва Бурсадан кейин Истанбулга кўчирилди. Давлатни маъмурий-ҳудудий жиҳатдан XVI аср охирида **бийлар бийи** бошқарган. 30 та **вилоят** бўлиб, вилоятлар, ўз навбатида, **санжоққа** бўлинганди.

Султон Салим III (1789 – 1807) Усманийлар империясини парчаланиб кетишдан ва ҳалокатдан сақлаб қолиш, марказлашган давлат тузиш учун уриниб «Янги тизим» (Уложениясини жадид) деган ислохотларни ўтказишга ҳаракат қилган бўлса-да, у қаттиқ қаршиликка учрайди. 1807 йили Султон Салим III тахтдан ағдарилади. Маҳмуд II (1808 – 1839) унинг ислохотларини давом эттирди, яничарларни йўқотиб, армияни қайта тузди, маъмурий-бошқарув аппарати, молия-ҳуқуқ соҳаларида ижобий ўзгаришлар қилди, **ҳарбий иқтоъ** тизимини тугатди.

Бошқа мусулмон ва турк давлатларида бўлгани каби, Усмон-

ли турк давлатида ҳам асосий ҳуқуқ манбаи мусулмон ҳуқуқи эди. Одат ҳуқуқи ҳам мавжуд бўлган.

Мусулмон ҳуқуқи соҳасида мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган ҳанафий фикҳ китоблари қозиларнинг ҳукм чиқаришида муҳим аҳамият касб этган. Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя», Худурийнинг «Ал-Мухтасар» асарлари шулар жумласидандир. Фотиҳ Султон Маҳмуд (XVI аср) давридан мулла Хисравнинг ўз асари «Фурур ул-аҳком» асарига ёзган шарҳи «Дурар» усмонли суд маҳкамаларида қозиларнинг асосий қўлланмаси бўлган. Кейинчалик Иброҳим ал-Ҳалабийнинг «Мултек ал-абхур» номли асари, ҳажми кичик, қўлланилиши қулай бўлганлиги учун, «Дура-р»нинг ўрнини эгаллайди. Умуман олганда, ушбу икки китоб кодекслар даражасида бўлган.

Усмонли давлатида қозилар фатво мажмуаларидан ҳам кенг фойдаланганлар. Бундан ташқари, ҳуқуқнинг позитив манбаи сифатида қонунномаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Подшо томонидан чиқарилган қонунлар мажмуаси сифатида уларни 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин: 1) маълум бир мавзудаги ҳуқуқни ўз ичига олган қонунномалар; 2) ер муносабатлари, солиқлар ундиришни тартибга солишга қаратилган қоидалар; 3) маъмурий ва суд юритиш масалаларига оид қонунномалар. Аммо ўрта асрларда ҳуқуқнинг асосий манбаи, албатта, сунний мазҳабидаги мусулмон ҳуқуқи бўлиб қолаверган.

3. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи

Юридик адабиётларда кўрсатилган ҳинд ўрта аср давлати ва ҳуқуқини, асосан, уч даврга бўламиз: а) ҳинд давлатининг ташкил топиши (IV – X асрлар); б) Деҳли султонлиги ва Бобурийлар империяси даврида гуллаб-яшнаши (X – XVI асрлар); в) ҳинд давлатининг инқироzi ва Англия ҳукмронлигининг ўрнатилиши.

Қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг емирилиши ва янги муносабатларнинг пайдо бўлиши IV – V асрларга бориб тақалади.

Ҳиндистоннинг ўрта асрлар ижтимоий-сиёсий тузумига ўтиши қулдорлик тузуми қолдиқлари: варналар тизими, қишлоқ жамоа-

сининг турғунлиги кабилар сақланиб қолгани ҳамда ижтимоий муносабатларнинг жуда секин ривожланиши билан характерланади. Ўрта асрларга ўтиш Ҳиндистоннинг турли вилоятларида турлича кечди. Бу даврда феодал мулкчилиги давлат мулкчилиги шаклида қарор топди, ижтимоий тузумдаги варналар ўз социал таркибини ўзгартириб, феодал табақалар (касталар)га¹ айланди. Брахманлар ўзларининг илгаригидек ижтимоий-сиёсий аҳамиятини йўқотган бўлсалар-да, лекин суд ваколати уларга тааллуқли эди, Ҳиндистонни мусулмонлар босиб олгач эса, улар ҳузурида маслаҳатчилар бўлиб қолдилар.

Кшатрийлар кастасига фақат дунёвий феодаллар кириб, уларнинг вакилларида мамлакатни бошқарувчи аппарат тузилган, князларнинг аксарият қисми солиқ йиғувчи каби мансабларга хизматга олинган.

Вайшилар кастаси сон жиҳатдан қисқариб, савдогарлар, судхўрлар ва фақат бой ҳунармандларгина қолади.

Шудралар эксплуатация қилинувчи аҳолига айланиб, феодал мажбуриятларни бажарадиган бўлиб қолдилар. Ер эгалигининг шартли шакллари **иктоъ** (араблар даврида), **жоғир** (Бобур даврида) деб аталиб, феодаллар **заминдорлар** деб юритилган. Жоғир олган феодал кўшин сақлаб, уни қуроллантиришга мажбур бўлган. Заминдорлар эса фақат султонга солиқ тўлаган, улар кўшин сақлаш мажбуриятига эга бўлмаган. Феодалларнинг ерларини жамоачи деҳқонлар ишлаганлар, улар ердан фойдаланганликлари учун ҳосилнинг учдан бир қисмидан тортиб ярмигача солиқ тўлаганлар.

Давлат тузуми. Милодий IV аср бошларига қадар Ҳиндистон бир неча мустақил давлатлардан иборат бўлиб, ҳар бир давлат бошида подшолар – махаражалар турган. IV аср бошларидан Шимолий Ҳиндистон, Ганг ва Ҳинд дарёларини бирлаштирган жуда катта империя – Гупталар давлати вужудга келди. Бу бошида ҳиндлар турган охирги салтанат бўлиб, VI асрларгача ҳукм суради. Қисқа муддатга Гупталар давлатининг ўрнига кел-

¹ Ҳиндистоннинг тарихида касталар жуда турғун бўлиб, то 1950 йилги конституциягача сақланиб қолган.

ган Харши империяси (VII аср) бор-йўғи 40 йил яшади, холос. Ҳиндистоннинг сиёсий тарқоқлиги ҳамда кучли ижтимоий кураш унинг Урта Шарқ феодаллари қўшинлари томонидан босиб олинишини енгиллаштирди.

Ривожланган ўрта асрлар Шимолий Ҳиндистон ерларининг мусулмон ҳукмдорлари томонидан бирлаштирилиши билан характерланади. 1175 йили Фазна ҳукмдори Муҳаммад Фурий Панжоб ерларига бостириб киради ва ҳинд князларининг қўшинларини тор-мор этиб, Шимолий Ҳиндистонни ўз давлати таркибига қўшиб олади. 1206 йили Муҳаммад Фурийнинг вафотидан кейин Шимолий Ҳиндистон ноиби Қутбиддин Ойбек ҳукмдорлигида Деҳли султонлиги (1206 – 1526) вужудга келади.

Босқинчилар зодагонлар сафини тўлдириб, тезда маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетди. Деҳли султонлиги даврида Ҳиндистонга мусулмон дини ёйилди, аҳолининг диний эътиқодга қараб бўлиниши юз берди.

Деҳли султонлиги даврида барча ерлар давлат мулки деб эълон қилинди, амалда эса ерлар босқинчилар фойдасига солиқ тўлайдиган жамоачи-деҳқонлар қўлида қолаверди. Барча ер эгалари илгари тўлаб келганидан анча катта миқдордаги хирож солиғини тўлаганлар, мусулмон бўлмаганлар эса жон солиғи – жизья ҳам тўлашга мажбур бўлганлар. Ерларнинг тақсимланмаган бир қисми бевосита хазина фойдасига ёзилиб, «хोलиса» деб аталган, ушбу ерлардан ундирилган солиқлар тўғридан-тўғри султоннинг ўзи ва унинг саройига, давлат аппарати, амалдорлар ҳамда аскарларнинг сарф-харажатиغا кетган. Бундан ташқари, ерларнинг яна бир қисми амалдорлар ва аскарларга **иқтоъ** тарзида берилган. Иқтоъ хизмат эвазига бериладиган шартли ер эгалиги бўлиб, у умрбод ва қисқа муддатли эди. Иқтодорнинг ўғли ёки куёви хизматни давом эттирса, ер унга ўтказилган. Бундай ерларнинг эгалари ерлардан солиқ ва йиғимларни тўплаб, бир қисмини ўзига қолдирган, катта қисмини эса давлат фондига топширган. Давлат мулк эгалиги билан бирга султонликда хусусий ер эгалиги – **мулк** ҳамда мусулмон диний ташкилотларига қарашли **вақф** ер мулклари ҳам бўлган. Бундай ерлардан ҳосилнинг ўндан бири миқдоридан солиқ ундирилган.

Умуман олганда, Деҳли султонлигида ер мулкчилигининг ривожланишида учта удумни кўриш мумкин: 1) иқтоъ ерларининг аста-секинлик билан мулк шаклига айланиши; 2) юқоридаги мулк шакллари фойдасига холиса ерлари миқдорининг камайиши; 3) давлат ерларидан олинадиган солиқларда хизмат қилувчи табақаларнинг ҳиссаси ошиб бориши.

XIV асрда Ҳиндистонга Амир Темурнинг бостириб кириши билан, у майда бўлақларга бўлиниб кетди. XVI аср биринчи чорагида ўша вақтда Афғонистон ҳукмдори бўлиб турган Бобур мирзонинг юриши Деҳли султонлигини емирди.

1526 йили Бобурнинг Деҳлидаги заиф афғон султони устидан ғалаба қозониши билан, Ҳиндистонда янги давр, янги салтанат – Бобурийлар салтанатига асос солинади. У кичик танаффуслар билан 1526 йилдан 1858 йилгача, яъни 332 йил ҳукм сурди. «Гарчи Акбар Бобурнинг учинчи авлодига мансуб бўлса ҳам, у худди хон Хубилай Хитойда юань сулоласига асос солганидек, ҳақиқатан ҳам мўғуллар (Фарбий Европа олимлари бобурийларни шундай деб атаган – З.М.) Ҳиндистон салтанатининг асосчисига, Акбардан бошлаб бу сулола ҳинд сулоласига айланди»¹, – деб ёзади Ж.Неру.

Ерга нисбатан давлат мулкчилиги Бобурийлар давлатида ҳам сақлаб қолинди. Акбар даврида (1556 – 1605) у тартибга туширилиб, ер кадастри ишлаб чиқилган. Бу даврда давлат ерларининг катта бир қисми мусулмон ҳарбий бошлиқларга шартли ер эгаллиги – жоғир сифатида ҳадя этилган. **Жоғирдор** эса ўзи олган ер майдонининг катта-кичиклигига қараб 100 кишидан 5 минг кишигача ҳарбий қисмни тутиб туриши лозим бўлган. Қолаверса, вассаллик ҳолатидаги ҳинд князлари – заминдорларнинг ҳам хусусий ер мулклари бўлиб, улар подшога солиқ тўлаб турганлар. Солиқ ундирилиши ва ижтимоий ҳолатига қараб бу даврдаги Ҳиндистон иккига: **раият** ва **заминдорларга** бўлинган. Раият ерларидан, жамоачи-деҳқонлардан солиқлар бевосита давлат аппарати томонидан ундирилган. Заминдорлар ерларидан эса

¹ Неру Ж. Взгляд на всемирную историю. Т.2. – М.: Госполитиздат, 1981. – С.69.

уларнинг ўзлари солиқларни йиғиб давлат хазинасига топширган. Акбар маҳаллий халқдан олинадиган жазья солиғини бекор қилиб, ҳар бир тумандан ундириладиган солиқларни қатъий белгилаб қўйган.

Бобурийлар салтанати, инглиз, голланд мустамлакачилари Ҳиндистонни босиб олгунларига қадар, ҳукм сурди. Бобурнинг авлодлари, айниқса, шоҳ Акбар даврида Ҳиндистон марказлашди.

Деҳли султонлигида Ҳиндистоннинг давлат тузуми феодал яккаҳоқимлиги шаклида бўлиб, давлат бошлиғи – **султон** тўла ижтимоий ҳокимиятнинг эгаси ҳисобланган, унинг бош ёрдамчиси **вазир** эди. Мамлакат 23 ўлкага бўлиниб, улар бошида султон томонидан тайинланган **валилар** турган. Йирик ўлкалар вилоятларга, улар эса маъмурий солиқ бирликлари бўлган районлар – **парганага**, икки-уч қишлоқни ўз ичига олган **паттага** бўлинган. Бобурийлар сулоласи даврида Ҳиндистон мутлақ монархия белгиларини ўзида ифодалаган давлат тузумида эди. «Акбар давридагина Европада буюк мўғул унвони истеъмолга кирди, – деб ёзади Ж. Неру, – Акбар якка ҳукмдор бўлиб, у чекланмаган ҳокимиятга эга эди».¹

Давлат бошлиғи **император** олий қонунчилик, суд, ижро, ҳарбий ҳокимиятни амалга оширган. Император мамлакатни тўртта министрлик (девонлар) орқали бошқарган: **солиқлар** ва **молия** масалалари девони, **мирбахши** – ҳарбий муассаса бошлиғи, **мир-сомон** – устахоналар ва омборлар, **судр ус-судур** – диний ва суд бошқаруви раҳбари. Салтанат 15 вилоятга бўлиниб, улар бошида император томонидан тайинланадиган **ҳокимлар**, **фавждорлар**, ҳарбий бошлиқлар, гумашталар, солиқ йиғувчилар, қуволлар, шаҳар бошлиқлари турган. Вилоятлардаги бошқарув аппарати худди марказдагидек кўриниш олган.

Ҳиндистоннинг бу даврдаги **ҳуқуқ манбаларидан** бири қадимги даврдаги қонунлар бўлиб, улар қисман янги мазмун билан бойитиб ишлатилган ва, асосан, ҳиндлар учун қўлланилган. Ҳиндистон турклар, араблар, мўғуллар томонидан босиб олинганидан кейин, мусулмон ҳуқуқи ва унинг манбаи – Қуръон ёйилди.

¹ Уша жойда.

Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ал-Ҳидоя», З.М.Бобурнинг «Мубаййин» қўлланмалари катта ўрин тутган. Бобурийлар сулоласининг иқтидорли ҳукмдори Жаҳонгир (1605 – 1627) қўли билан ёзилган, унинг кундалик ёзувларидан иборат дафтарлар «Тузуки Жаҳонгирий» (Жаҳонгир тузуклари) деб аталган. Унда кундалик воқеа-ҳодисалар ёзиб борилган, шу билан бирга, унда ҳуқуқий масалалар ҳам учрайди. Масалан, заифларнинг қизларига кўз олайтирган қонунбузар амирларнинг соч-соқоллари қирқилиб, эшакка миндириб шаҳарнинг ҳамма кўчалари ва атрофларини айлантиришга буюрилган. Аврангзеб (1658 – 1707) даврида тузилган «Фатвойи Оламгирий» ҳам муҳим манба. «Ҳидоя» Деҳли султонлиги давридаёқ Ҳиндистонда кенг тарқалган. Ушбу даврда яратилган иккита катта ҳуқуқий асар, яъни «Фикҳи Ферузшоҳий», Тоторхон ташвиқоти ва нафақаси билан Олим ибн Аъло томонидан ёзилган катта ҳажмли «Фатвойи Тоторхония» Феруз Туғлуқ ҳокимияти даврида (1351 – 1388) яратилган, уни ёзишда «Ҳидоя» услубидан фойдаланилган. «Фатвои Оламгирий» Аврангзеб буйруғига биноан таниқли фақиҳлар томонидан ёзилиб, унинг назорати остида тугатилган. 4 жилдлик, 3500 саҳифага эга бўлган ушбу кодекс Низомуддин Бурҳон Пурий (Шайх Низом) раҳбарлигида 24 кишидан иборат олимлар гуруҳи томонидан тайёрланиб, суд ишларини бажариш учун асосий кодекс ўрнида ишлатилган.¹ 1175 йили (ҳ.й.) Шарқий Ҳиндистон ширкати тасарруфидаги Бенгалия маҳкамалари учун «Ҳидоя» Фулом Яҳёхон томонидан форс тилига таржима қилинган.

Ўрта аср Ҳиндистонининг ҳуқуқий тизими, албатта, мусулмон ҳуқуқи таъсирида кўпгина ўзгаришларга учради. Бу ерда X асрлардан ҳиндлар учун ҳинд ҳуқуқи, мусулмонлар учун мусулмон ҳуқуқи ёйила бошлади. Мусулмонлар ҳукмронлиги ўрнатилгач, маҳаллий ҳуқуқ бўлган дхармашастраларни қўллаш шахсларга нисбатан ҳам, муносабатларга нисбатан ҳам қисқарди. Бевосита диний муносабатларга алоқадор ишлар, оила-никоҳга, ворис-

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний // Ислом ҳуқуқшунослиги. – Тошкент, 2002. – Б.192 – 195.

лик ҳуқуқига оид ишлар, агар сўз мусулмон тўғрисида бораётган бўлса, мусулмон ҳуқуқи билан, ҳинд тўғрисида бораётган бўлса, ҳинд ҳуқуқи билан тартибга солинган.

Мусулмон ҳуқуқи кастали тузум, жамоа тартиблари маҳаллий одат ҳуқуқлари асосида жиноий ишларни кўриб чиқадиган **пан-чаят, каста судларини** дахлсиз қолдирди.

Ҳиндистон туб ҳуқуқининг бу даврдаги ривожланиши қадимги дхармашастрларни янги шароитга мослаш, танқидий тадқиқ қилиш, шарҳлар ёзиш йўлидан борилди; қадимги ҳуқуққа кўплаб шарҳлар ёзилди. Ана шулардан бири дхаршамастра Нарадага шарҳ – Нарадабхазия VII асрларда вужудга келган. XIII асрда қонунчиликни шарҳловчи икки асосий мактаб: Митакшара ва Да-ябхага вужудга келди.

Ману қонунларига кўплаб шарҳлар ёзилган, улардан бири Гавиндараджи XII – XIII асрларда вужудга келган. Бу ерда, мусулмонлар келгунга қадар, ягона марказлашган давлатнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқий тарқоқлик – партикуляризм ривожланишига сабаб бўлган.

Ману қонунларидан

Биринчи бобдан

31. Дунёнинг гуллаб-яшнаши учун у, Брахма, ўзининг тили, қўли, бели ва оёқларидан (шунга мос ҳолда) брахманни, кшатрийни, вайши ҳамда шудрани яратди.

87. Бу коинотни сақлаб қолиш учун, тилдан, қўлдан, белдан ва оёқларидан туғилиш учун у (Брахма) алоҳида машғулотларни ўрнатди.

102. Брахманлар ва бошқа билимдон кишиларнинг мажбуриятларини аниқлаш учун доим барҳаёт бўлган Брахмандан келиб чиққан Ману ушбу шастраларни яратди.

Учинчи бобдан

51. Ақлли ота ҳеч қачон қизи учун (уни турмушга беришда) бирор ҳақ, пул олмайди. Чунки ўз очкўзлиги учун шундай қилаётган ота ўз авлодини сотувчи ҳисобланади.

55. Қизлар отаси, акалари, эри ва бошқа яхшилик тилаган кишилар томонидан безатилиши, ҳурмат қилиниши ва тарбияланиши, зеб-зийнатланиши лозим.

56. Аёллар ҳурмат қилинадиган жойда худолар хурсанд бўладилар. Ҳурмат қилинмайдиган жойда барча маросимлар фойдасиздир.

Тўртинчи бобдан

138. Ҳақиқатни ёқимли сўзлар билан гапириш лозим. Ёқимсиз ҳақиқатни гапириш шарт эмас. Ёқимли ёлғонни ҳам гапирманг – абадий дхарма шудир.

Бўлинмаган (бирлашган) ҳинд оиласи институти ўрта асрлардаги ҳинд ҳуқуқининг деярли барча нормалари мазмунини белгилаб берган.

Гупталар салтанати даврида феодал жамияти жиноят ҳуқуқи, давлат жиноятлари, мулкка қарши қаратилган жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар фарқланган. Жазонинг асосий тури жарима ва қамоқ ҳисобланган. Бобурийлар даврида қатл этиш жазоси фақат император тасдиғи билан чиқарилиши белгиланган. Шунга қарамай, у жойларда судлар томонидан ҳам қўлланилган. Бу даврда тан жазолари кенг ёйилган. Судлов жараёнида уруғдошлик тузуми қолдиқлари сақланган, суд сув, ўт, тарози ва бошқалар билан ордалия қилиб кўрсатманинг тўғри-нотўғрилигини аниқлаган.

4. Хитой давлати ва ҳуқуқи

Милодий III аср ўрталаридан Хитойда ҳам қўлдорлик муносабатлари ўз ўрнини ўрта аср муносабатларига бўшатиб берди. Бу пайтдаги Хитой давлати ва ҳуқуқи тарихини уч даврга: илк ўрта асрлар (III – VII асрлар), ривожланган (VIII – XVI асрлар) ҳамда кечки ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқига (XVI – XVII асрлар) бўлишимиз мумкин.

Ўрта асрлар даври ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзига хослик давлатда ер мулкчилигини ҳукмрон шаклга айлантиришдан иборат эди. 280 йили давлат ерлари ҳақида қонун чиқарилиб, барча ерларга давлат мулкчилиги жорий қилинди. Деҳқон-

лар давлатдан икки хил ер олдилар, ўзларининг фойдаланиши учун берилган ерлар, шунингдек, етиштирилган маҳсулоти давлат фойдасига бериладиган ерлар. VI – VII асрларда мана шу тартибда ердан фойдаланиш бутун Хитойга ёйилди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, деҳқоннинг ўзи фойдаланиши учун берилган ер ҳажми иккинчисига нисбатан кўпроқ эди. Бундай тизимда деҳқонларнинг феодал мажбуриятлари ипак ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириб натурал рента тартибида давлатга тўлаш ва жамоат қурилишларида 20 кун баршчина ишлаб беришдан иборат бўлган.

Деҳқонларга бериладиган ҳайдаладиган ерлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидан чиқарилган бўлиб, уни сотиш, сотиб олиш мумкин эмасди. Деҳқон меҳнат қобилиятини йўқотган ёки 70 ёшга кирганда, ер давлатга қайтариб берилган.

Бу тизим VII асргача, яъни солиқларнинг турли-туманлиги ва миқдорининг кўплигидан норози деҳқонлар кўзғолони ҳамда суй императорлик сулоласи емирилишига қадар, амалда бўлди.

Мазкур қонун зодагонларнинг хусусий ер эгаллиги ривожланишига тўсқинлик қилди, лекин уни тамоман тўхтатиб қололмади. 763 – 780 йиллардаги қонун билан бундай тартиб бекор қилинди. Хитойда поместье тизимидаги ўрта аср хусусий мулкчилигининг лайдо бўлиши X асрларда кидан ва тангут каби кўчманчиларнинг бостириб келиши даврига тўғри келади. 875 – 884 йилларда Хитойда уюшган деҳқонлар кўзғолони бўлиб ўтади, натижада тан сулоласи емирилиб, бир-бири билан доимий уруш олиб борган ярим озод бир неча давлатлар вужудга келди. X асрда қарор топган сун сулоласи қайтадан марказий ҳокимиятни тиклади. Ана шу сулола даврида феодал муносабатлар янада ривожланган. Помешчиклар солиқлардан озод бўлиб олиб, ўз ерларини деҳқонларнинг ерлари ҳисобига кўпайтира бошладилар. Деҳқонларнинг маҳсулотлар билан тўлайдиган мажбуриятлари пулга алмаштирилди. Бу ҳол уларнинг савдогарлар, судхўрларга, бозорга иқтисодий қарамлигини кучайтирди. Илгариги тақсимланган ер тизими жуда камайиб кетди. Еридан ажралган деҳқонлар помешчикларга ижарачи бўлиб, ҳосилнинг 60 – 70% ер эгаси фойдасига тўлана бошлади.

1280 йили Хитойни Хубилайхон бошчилигидаги мўғуллар босиб олди. Мўғуллар кўплаб деҳқонларни қулга айлантирдилар ҳамда жон солиғини таъсис этдилар. 1368 йили халқ кўзғолони натижасида мўғул истилоси тугатилади. XVI асрдан Хитойда ҳам саноат ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топа бошлайди. 1628 йили Хитойни яна деҳқонлар ҳаракати чулғаб олди. Кўзғолончилар ўзларини эзиб келган феодалларни ўлдириб, помещик ерларини эгаллай бошладилар, деҳқонларга солинган эски солиқ ва мажбуриятларни бекор қилдилар.

Кўпгина шаҳарлар кўзғолончилар қўлига ўтди. 1644 йили кўзғолончилар томонидан янги Хитой давлатига асос солинди. Аммо манжурлар бирин-кетин кўзғолончиларга зарба бериб, ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар. Манжурлар зулми 1911 йилгача давом этди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, манжурлар ҳукмронлиги Хитойдаги ўсиб келаётган янги саноат ишлаб чиқариш муносабатларига тўсиқ бўлиб, ўсиб бораётган ер мулкчилиги ва ишлаб чиқариш муносабатларини янада мустаҳкамлади. Улар мамлакат ерларини бўлиб олдилар, жуда кўп миқдордаги ерлар давлат бошлиғи богдихан ва унинг авлодлари қўлида тўпланди. Хитойни босиб олишда қулга туширилган асирлар қулга айлантирилиб, манжурлар ерларида ишлатилади. Манжурлар даврида қулга айлантириш айрим вақтларда жинойт учун жазо ҳам бўлиб, қуллик умрбод эди, уларни сотиш, сотиб олиш мумкин бўлган. Ерларидан ажралиб, илгари ўзларига тегишли ерларга бириктириб қўйилган деҳқонлар ер эгаларига солиқ тўлашда ва баршчина ишлаб беришда давом этди.

Ана шу тарзда Хитойда манжур сулоласи – цин ташкил топди, миллий зулм билан бирга қўшилган феодал реакция тузуми ўрнатилди.

Ижтимоий тузум. Хитойда иккита асосий табақа: наслий унвонли зодагонлар ҳамда ҳарбий ва фуқаро хизматида «хизмат даражаси» олган кишилар мавжуд эди. Феодал тузумнинг юқори поғонасида **император** ва **наслий зодагонлар**, улардан кейин амалдорлар ва давлат мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга табақа – **шэнши, помещиклар**, қуйи поғонада эса бойиб бораётган деҳқонлар турарди.

Зодагонлар ҳуқуқлари келиб чиқишига қараб 9 даражага бўлинган, ҳар бир даражага алоҳида ҳаёт тарзи ва алоҳида кийим-кечак белгиланган. Ишлаб чиқарувчи аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ташкил қилиб, уларни ерга крепостной тарзда бириктириш манжурлар даврида тугалланган. 1650 йили, император фармойишига кўра, деҳқонларни ерга бириктириш жараёни бошланган. Уларга нисбатан худди Фарбий Европадаги каби феодалнинг муҳофазаланган ҳуқуқи (баналитет) ёйилган.

Шаҳарларнинг ривожланиши цех ва ташкилотлар вужудга келишига олиб келди. Савдо-хунармандчилик бирлашмалари **хан** деб аталиб, VII асрлардан пайдо бўла бошлаган. Цин сулоласи даврида турли-туман цех ташкилотларини кўриш мумкин. Давлат тузуми шу билан характерланадики, гарчи Хитойни бир неча босқинчилар босиб олган бўлса-да, лекин эски давлат идораларини деярли ўзгаришсиз сақлаб қолдилар. Давлат бошлиғи **император** бўлиб, унинг ҳокимияти чекланмаган, катта ўғилга ворислик қоидалари асосида алмашиб борган. Тан кодексига кўра императорнинг шахси илоҳийлаштирилган. Унинг вазифаси осмон ва ер, инсон дунёлари ўртасида тўғри муносабат ўрнатилишига эришиш ва ана шу ўзаро муносабатларни бузадиган ҳолатларни тугатишдир. Император осмон ўғлигина эмас, балки унинг вакили, хизматдаги амалдори ҳам. Марказий ҳокимият ва бошқарув органларига келсак, дастлабки вақтларда у бир шахс – **цзайсан** қўлида бўлиб, тан сулоласи даврида олий ҳукумат – **учта палата (шэн)** вужудга келган. Палата бошлиқлари биргаликда давлатни бошқарган. Мин сулоласи давридан **Давлат кенгаши (Нойгэ)** ташкил топиб, унда барча муҳим давлат ишлари муҳокама этилган. Бундан ташқари, марказий давлат муассасалари тизимида 6 та муассаса: **амалдорлар, молия, маросимлар, ҳарбий жазо, ижтимоий ишлар** муассасалари ҳамда назорат ишларини амалга оширувчи назоратчилар палатаси бўлган.

Бундан ташқари, мин сулоласи (1368 – 1644) даврида, 1419 – 1422 йилларда, Хитойда темурийлар элчиси сифатида бўлган Фиёсиддин Наққошнинг ўз эсдаликларида

кўрсатишича, давлат ишларини бошқаришда икки девон бўлган.¹

Маҳаллий бошқарув. Илк феодализм давридаёқ Хитойда вилоят, уезд, волость ва қишлоқ каби маъмурий бўлинмалар мавжуд эди. Ажратиб берилаётган ер эгалиги тизимининг емирилиши билан, **ноиблик** ривожланади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, ноибларнинг ҳокимияти авлоддан-авлодга ўтиб, улар ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини ўз қўлида тўплаганлар. Ўзлари амалдорларни тайинлаб, солиқ таъсис қилганлар. Муғуллар мавжуд маҳаллий бошқарув тизимига деярли ўзгариш киритмаган. Мамлакат 10 та кенг вилоятга бўлиниб, деярли барча ҳарбий лавозимларни ўзлари эгаллаб олганлар. Цин сулоласи давридаги маҳаллий бошқарув диққатга сазовор. Улар вилоят бошлиқлари мансабини тугатиб, унинг ўрнига учта ҳукумат вакили тайинлаган. Маъмурий ва ҳарбий, молиявий вакиллар. Қўйи маъмурий бирликлар жамоа ташкилотлари асосида ташкил этилиб, 5, 25, 125 деҳқон хонадонлари уюшмаларидан иборат бўлган.

Ўрта асрлар Хитойида давлат хизматининг ўзига хос томони шундан иборатки, барча давлат лавозимлари имтиҳон топшириш йўли билан эгалланган. Давлат хизматидаги кирувчи кишилар ҳар уч йилда имтиҳон топширишлари лозим эди, бунда муваффақиятга эришганларга олимлик даражаси берилган, ана шу тарзда Хитойда хизмат қилувчи табақа – **шэнши** ташкил топган. Хитойнинг ҳарбий қурилиши ўзига хос хусусиятга эга. Мамлакат ҳарбий округларга бўлиниб, у маҳаллий аҳолидан белгиланган миқдорда аскар етказиб берган. Аскарлар 20 ёшдан 50 ёшгача уз ерларида ишлаб, айна дамда, ҳарбий тайёргарликни ўтаган. Бир йилда бир марта пойтахтга келиб, гарнизон хизматида қатнашган. Цин сулоласи давридан мунтазам армия пайдо бўлган.

Суд тизими. Суд маъмуриятдан ажралмаган. Лекин унинг иерархик (поғонама-поғона) тузилиши уезд, округ, вилоят, пойтахт даражаларидан ҳамда император судларидан иборат эди. Цин ва мин сулоалари давридаги марказий суд муассасалари-

¹ Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.25.

га жазо муассасаси, жиноят палатаси, шикоят палаталари кирган.

Жиноятни содир этишда айбли эканлигини исботлашга катта эътибор берилган, бу ҳақда Фиёсиддин Наққош шундай ёзиб қолдирган: «Хитойликлар гуноҳкорга нисбатан жуда ҳам эҳтиёткорлик кўрсатадилар, чунончи, подшоҳнинг ўн иккита девони бор, унинг барчасида шахс айбли деб топилмаса, уни жазолаб бўлмайди. Агар бирор кишини қандайдир гуноҳ билан айблашса, гуноҳи ўн бир девонда тасдиқланса, ўн иккинчисида муқаррар айбдор деб топилмаса, у киши халос бўлишга умид бор деса бўлади».¹

Хитой ҳуқуқининг асосий белгилари. Ўрта асрлар даврига келиб қонунлар ҳамда императорларнинг фармонлари Хитой ҳуқуқининг манбаига айланиб қолди. «Деярли ҳар бир сулола, – деб ёзади А.И.Рогожин ва Н.И.Страхов, – тахтни эгаллагандан кейин ҳаракатдаги қонунларни тартибга солиш ва янгилашни ўзининг вазифаси қилиб кўяди».²

Суй сулоласи (VI – VII асрлар), тан сулоласи (VII асрлар) даврида кенг кодификация ишлари олиб борилган.

Тан кодекси («Тан люй шу и»). Ушбу қонунлар тўплами биринчи жиноят кодекси бўлиб, у шарҳлар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олган. Тан кодексини тузиш 653 йили тугалланиб, 737 йили эълон қилинган. Сун сулоласининг «Жиноят қонунларининг қайта кўриб чиқилган ва тузатилган (959 йили тузилиб, 963 йили эълон қилинган) тўплами» кўпгина ҳолатларда Тан кодекси қоидаларини ўзида такрорлади.

Сулолавий қонунчиликнинг ўзига хос хусусияти конфуцийлик таълимотидаги асосий нарса – давлат назорат тизими, ахлоқий нормалар (ахлоқий-ритуал қоидалар – ли) қонуннинг қаттиқ кўрсатмалари (фа) билан қўшилиб ўзаро ҳаракатда бўлгандагина, самара беради деган қоида эди.³ Шунинг учун

¹ Кўрсатилган асар. – Б.31.

² История государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1980. – С.524.

³Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. – М.: Норма-Инфра, 2002. – С.353.

ушбу қонун матнларида ахлоқий нормаларда Конфуций ҳамда унинг издошлари асарлари ҳавола қилинган. Тан кодекси 30 боб (цзюаней), 502 модда, 12 тематик бўлимлардан: 1) жазо чоралари ва қонунини қўллаш принциплари; 2) тақиқ жойларини қўриқлаш; 3) амалдорларнинг мансаб бўйича мажбуриятлари ва уларни ижро этиш тартиби; 4) уй хўжалиги ва никоҳ тузилиши; 5) давлат отхоналари ва дон омборлари; 6) маъмуриятнинг ўзбошимча харажатлари; 7) талончилик ва ўзлаштириш; 8) безорилик ва суд муҳокамаси; 9) фирибгарлик ва хизмат сохтакорлиги; 10) бошқа турдаги жазоловчи қонун нормалари; 11) тутиб туриш ва қочиш; 12) суд юритиш ҳамда қамоқда сақлаш каби бўлимлардан иборат эди. Жазо чоралари ва уларни қўллаш қоидалари кодекснинг бешдан бир қисмини ташкил қилган.

1149 – 1169 йилларда, 653 йилги тан кодексига кўра, қонунларнинг тўртта разряди ўрнатилган: люй – жиноят қонунлари; лин – маъмурий қонунлари; ко – маъмурий ва жиноят қонунларига қўшимча; ши – қонунларни қўллаш ҳақидаги қоидалар. Натижада ўзгартирилиб янгидан тасдиқланган қонунлар тўплами вужудга келган. Кодекс 20 боб, 1460 моддадан иборат, уни 17 тангутлардан ва 6 та хитойлардан иборат комиссия ишлаб чиққан. Мўғуллар Хитойни босиб олгач, ўзларининг ясоқ қонунларини, XVI асрда мин, 1646 йили цин сулолалари ўз қонунларини ишлаб чиққанлар ва қўллаганлар. Уни ўз кўзи билан кўрган элчи Фиёсиддин Нақшош: «Хитойликларнинг қоидалари бўйича, ҳар бир гуноҳ учун қандай жазо берилиши уларнинг дафтарларида ёзиб қўйилган», – дейди.

Дацин люйли (Буюк цинь сулоласининг асосий қонунлари ва қарорлари тўплами). Ушбу жиноят, фуқаролик, оила ва никоҳ қонунлари тўплами 1646 йили ишлаб чиқилиб, 1746 йили унга янги ўзгартиришлар киритиб бориш ҳақида фармон эълон қилинган. Тўплам етти бобдан иборат, унда жазо турлари, уларни тайинлаш, енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноят таркиби, фуқаролик даъволарини ҳал этиш, ҳарбий, молиявий жиноятлар ҳақида гап боради. Тўпламда уч мингдан ортиқ жиноят турлари кўрсатилиб, уларга қатл этиш жазосининг турли шакллари, сургун ва таёқ уриб

жазолаш даражалари назарда тутилган. Жиноят субъекти ёши 7 ёш. Кодекс 1931 йил 5 майгача амалда бўлган.

XI аср охирида Хитойда қонунларни қайта ишлаш ва гуруҳлаш бўйича марказ тузилган. Унинг фаолияти натижасида 900 моддадан иборат қонунлар тўплами, XIV асрда эса мин сулола-си қонунлари тўплами вужудга келган.

Тан кодексига кўра, Хитой жамияти уч гуруҳга бўлинган: юқори имтиёзли қатлам – амалдорлар ва зодагонлар; ўрта – шахсан озод оддий кишилар; қуйи – ҳуқуқлари чекланган турли даражадаги қарам кишилар.

Жиноятларнинг турланиши ижтимоий хавфли ҳолатига қараб ҳуқуқдаги конфуцийлик ахлоқи таълимоти асосида шаклланган «ўнта айбли ҳаракат» концепцияси асосида асрлар мобайнида шаклланган.

Унинг биринчиси императорга қарши фитна ва исён кўтариш. Бу турдаги жиноятларда асосий ҳолат «осмон ўғли» – император ҳамда «осмон» кўрсатмаларига жинойий тажовуз қилиш. Иккинчиси, энг катта итоатсизлик – мавжуд тартиблар ҳамда ахлоққа қарши исён. Бунга ибодатхоналар, император авлодлари қабрларини, император саройини бузиш, ғорат қилиш ҳам кирган. Учинчиси фитна, хоинлик – императорга, давлатга хоинлик қилиш, душман томонига қочиб ўтиш, исён, мамалакатдан қочиш, қамал қилинган шаҳардан қочиб кетишлар кирган. Бундай жиноят содир қилганларнинг барчаси ҳамда уларнинг 16 ёшдан ошган оила аъзолари «фуқаролик бурчини бажармаган» деб ҳисобланиб, бошини олиш йўли билан қатл этилган. Оиладаги аёллар, хотин-қизлар қул сифатида мусодара қилинган. Тўртинчи айб бўйсунмаслик, итоатсизлик деб аталиб, яқин қариндошларга нисбатан жиноят қилиш, боболари, ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилларини уриш, қийнаш, ўлдиришни ўз ичига олган. Бешинчиси адолатсизлик, айблилик деб аталиб, алоҳида раҳмсизлик, ваҳшийлик билан содир этилган жиноятлар: бир оиладан уч ва ундан ортиқ кишини ўлдириш, раҳмсизлик, ваҳшийлик билан жиноят содир этиш, заҳар тайёрлаш, сақлаш, бировга бериш, фолбин ва сеҳргарлик ҳаракатлари орқали жиноят содир этишни ўз ичига олган. Олтинчиси катта ҳурматсизликни ифодалаш –

алоҳида эътиборда турган тақиқларни бузиш, масалан, император ва унинг хонадони фойдаланадиган буюмлар, муҳрларни ўғирлаш, шунингдек, у ҳақида ёмон гапириш, ёмон дори ва овқатлар тайёрлаш бўғиб ўлдириш орқали қатл этиш билан жазоланган.

Қолган еттинчи, ўнинчи айблар социал тартиб асосларига, оилага қарши қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олган. Еттинчиси ўғилларнинг ҳурматсизлик кўрсатишларида бўйсунмаслик, боболари, ота-оналари, бувиларини бирор-бир номаъқул ҳаракатда айблаш, ҳақорат қилиш, мотам вақтида никоҳга кириш каби жиноятлар тушунилган. Саккизинчиси қон-қариндошлар томонидан келишмовчилик, яқин қариндошини қулликка сотиш, қасд, уриш ва қийнаш, катта ёшдаги қон-қариндошлар устидан маълумот бериш (уларни етказиб бериш).

Тўққизинчиси адолатсизлик, ҳуқуқсизлик деб аталган, унга оилавий эмас, хизмат бўйича бир-бирига боғлиқ шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар: ўз бошлиғини ўлдириш, социал тартибларни мустаҳкамловчи гуруҳ аъзоларини ўлдириш каби жиноятлар кирган.

Ўнинчиси қон аралашишига олиб келувчи жинсий алоқалар қиритилган, мазкур ҳаракат қушлар ва ҳайвонлар хулқига тенглаштириб, энг яқин ва яқин қариндошлар билан жинсий алоқа қилиш, ота ва боболарнинг чўрилари билан жинсий алоқа қилиш кабиларни ўз ичига олган.¹ Албатта, «10 айбли ҳаракат» барча жинсий ҳаракатларни ўз ичига олмаган. Тан кодекси бўйича жазо тайинлашда уч турдаги шахсларга: кексалар ва ёшларга ҳамда ногиронларга енгиллик берилган. Шунингдек, жиноятчиларнинг болалари қулликка сотилиши таҳдиди остида бўлган. Хотин-қизларга қатл этиш жазоси қўлланилган, аммо сургун қилинмаган. Қасддан содир этилган жиноятларга, асосан, қатл жазоси қўлланилган. Жинсий жазолар маъмурий жазолардан ажратилмаган.

Кодексда жазоларнинг асосий шкаласи берилган: масалан, беш даражали ингичка таёқ билан уриш (10, 20, 30, 40 ва 50

¹ История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. В двух частях. Ч.1. – М.: Норма-Инфра, 2001. – С.570 – 575.

марта); беш даражали йўғон таёқ билан уриш (60, 70, 80, 90 ва 100 марта), давомийлиги беш даражали каторга (узоқ туманга ишлатишга юбориш) ишлари (1, 1,5, 2, 2,5 ва 3 йиллик); уч даражали сургун жазоси (2 минг, 2,5 минг ва 3 минг ли узоқликка); икки даражали қатл этиш жазоси (бўғиш, бошини танидан жудо қилиш). Юқоридаги жазо тизими умумий бўлиб, унга турли социал қатламлар ҳам тортилиши мумкин эди. Аммо жазо ҳажмида тенгсизлик кўзга ташланади. Масалан, ҳуқуқлари чекланган кишига жазо оғирроқ ва кўпроқ берилган. Юқоридаги социал қатламларга берилиши мумкин бўлган ҳуқуқий имтиёзлар тўрт типга бўлинган.

Хитой **фуқаролик ҳуқуқи** шартномаларнинг савдо-сотиқ, ижара, ҳадя, алмашув, сақлаб туриш, комисион, қарз ва ёлланма меҳнат шартномаларини билган. Қарз шартномасига кўра, 200 – 300% ссуда олинган. Ер ижараси шартномасига кўра, ҳосилнинг 80% гача ҳақи олинган.

Оила-никоҳ ҳуқуқи. Хитой оиласи катта бўлиб, унда ота ҳукрон роль ўйнаган. Никоҳ ёши эркаклар учун 20, аёллар учун 15 ёш этиб белгиланган. Яқин қон-қариндошларнинг никоҳга кириши тақиқланган. XVII асрдан хитойлар билан манжурлар никоҳи тақиқланган. Оилада отанинг ҳокимияти кучли бўлиб, у ҳатто ўз болаларини сотиб юбориши ҳам мумкин эди. Бундай ҳолни Хитой ҳуқуқининг ташкил топишига Конфуций фалсафаси жуда катта таъсир кўрсатганлиги билан тушунтириш мумкин. Чунки Конфуций кичикларнинг катталарга сўзсиз итоат этишини талаб қилган. Императорга яқин кишилар 8 гуруҳ олий табақаларга мансуб бўлиб, уларга жинойт содир этганларида императорга жазони бекор қилиш ёки юмшатиш ҳақида ариза бериш, жазонинг оғирлигини бир даража пасайтириш, жазодан пул билан билан қутулиб қолиш имкониятларига эга эди.

Хитойда ҳуқуқий имтиёз икки хил асосда: шахснинг унвони ёки лавозими юқори бўлиши, махсус унвонга эга кишига қариндошлик, яқинлиги учун берилиши мумкин бўлган.

«Ҳуқуқий имтиёзлар воситаси билан давлат фақат ўзининг хизматчиларигина эмас, балки келгусида ҳукумат ўрнига келадиган, уларни алмаштирадиган бутун қатламни кўпгина жазолар-

дан кўриқлаган». ¹ Жазо ҳуқуқида само уйғунлиги (гармония)нинг бузилишини тиклаш чоралари йиғиндиси ифодаланиб, кўзғолон, фитна, хоинлик қилиш энг оғир жиноятлар ҳисобланган, бундай жиноятлар учун кўпгина ҳолларда жиноятчининг оила аъзоларини ҳам жазога тортганлар. Қолаверса, қасддан одам ўлдириш, эҳтиётсизлик билан одам ўлдириш, уруш-жанжал вақтида одам ўлдириш, тан жароҳатлари етказиш, ҳақорат қилиш, тухмат ва бошқа жиноят турлари бўлган. Ўлим жазоси бериш ҳақидаги ҳуқуқни бутун Хитойда бирорта амир ёки доруға чиқаролмаган. Мазкур жазони фақат пойтахт Хонбалиқ (Пекин) императори берган. Фиёсиддин Наққошнинг кўрсатишича, «кимда-ким гуноҳ содир этган бўлса, унинг гуноҳини бир тахтачага ёзиб, гарданига осадилар, гуноҳи даражасига қараб занжирга ёки айрига боғлайдилар ва Хонбалиққа жўнатадилар». Темурийлардан келган элчилар ҳузурида император 700 кишига жазо тайинлаган. Подшоҳ бир гуруҳини қатл этиш жазосига, иккинчи гуруҳини эса қамоқ жазосига ҳукм қилган. ² Процессда дастлабки тергов ва суд ўртасида фарқ бўлмаган. Суд жабрланувчининг аризаси ва хабарни қабул қилиб, ўзи терговни бошлаган. Ишни кўришда суд ва терговни юритиш билан боғлиқ қоидалар мавжуд эмасди

Ўрта асрлар Хитойида суд процесси инквизициявий (қидирув) характерга эга бўлиб, иш жабрланувчининг вилоят судига бериладиган оғзаки ёки ёзма аризаси билан бошланган. Жиноятчини таъқиб қилиш давлатнинг бурчи эди, уни қидириб топишга масъул амалдор бир ой ичида (1690 қонунлар тўпламига кўра) қидириб топиши лозим бўлган, акс ҳолда, у 30 таёқ уриш билан жазоланган. Судгача эркак жиноятчи қамоқхонада сақланган, аёл эса эрининг уйида кафилликда сақланган. Суд ва суд амалдорлари, иш юритувчилар, қоровуллар, суд терговчилари, ижрочилар каби ходимлар бўлиб, гувоҳларнинг судга келмаслиги 40 – 50 таёқ

¹ Рыбаков В.М. Правовые привелегии и понятия «ТЕНИ» (по материалам Танского кодекса Тан льюй шу и). – М.: Наука, 1981. – С.58 – 59.

² Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаши. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.25.

уриш билан жазоланган. Куллар ўз хўжайинларига қарши кўрсатма беришлари мумкин эмасди.

Судлар сўроқ, юзлаштириш, азоблаб кўрсатма олиш кабиларни қўллаган. Уч марта азоблаб сўроқ ўтказилганда, айбланувчи айбига иқрор бўлмаса, ёлғон гувоҳликда фош этиш учун айбловчига нисбатан азоблаш қўлланилган, айбланувчи эса кафилликка берилиб озод қилинган. Жазо очиқ ижро этилган.

5. Япония давлати ва ҳуқуқи

Япония ҳудудида уруғдошлик тузумининг емирилиши ва илк ўрта аср давлати ҳамда ҳуқуқининг пайдо бўлиши тарихий-ҳуқуқий адабиётларда VII аср деб белгиланган.¹

Япония милодий III – V асрларда ибтидоий уруғчилик тузумининг емирилиши даврини ўз бошидан кечираётганди. Японлар бу даврда уруғ жамоалари (удзи)га бирикиб яшаган, унинг бошида уруғ оқсоқоли турган, ерга ва меҳнат қуроқларига жамоа мулкчилиги мавжуд бўлган. Аста-секинлик билан улар уруғ қабила иттифоқларига бирлаша бошлаган. Улар ичида Ямата иттифоқи етакчи роль ўйнаган. V – VI асрларда Хитой ва Кореядан буддавийлик дини ва ёзувининг кириб келиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий фикр, шунингдек, ҳуқуқий қарашларнинг ривожланишида катта роль ўйнади.

645 йили Накано Оэ тўнтариш ўтказиб, йирик ислохотларга қўл уради, натижада барча ерлар давлат ерлари, жамоачилар эса император фуқаролари деб эълон қилиниб, ямато уруғининг олий ҳукмдорига император унвони берилди.

Япониядаги барча ерларнинг жамоачи ер эгалари қўлида тўпланиши ҳамда унинг географик шароити, бу ерда гарчи қул-

¹ Япон профессори Ц.Инаконинг кўрсатишича, Япония тарихига оид VIII аср манбаларида мил. ав. 600 йил 11 февралда Япониянинг биринчи императори Япон давлатини тузган. 1966 йил парламент қонуни билан 11 февраль Японияда давлат ташкил топган кун – миллий байрам деб эълон қилинган. Қаранг: Инако Ц. Современное право Японии. – М.: Прогресс, 1981. – С.28 – 29.

лар мавжуд бўлса-да, қулчиликнинг ривожланишига олиб келмади. VIII асрлардан мамлакатдаги оилавий қулчиликка асосланган қул меҳнати қишлоқ хўжалигида деярли қўлланилмай қўйди. Шунинг учун юқорида кўриб чиққан Шарқ давлатлари ичида Японияда ҳам худди Араб халифалигидек, қулдорлик муносабатлари қарор топмасдан, ўрта аср муносабатлари қарор топди. 645 йили бошқа уруғлар орасида таъсири кучли бўлган тайка уруғининг ҳокимиятни босиб олиши билан, Японияда марказлашган давлатни тузиш жараёни бошланди. Шу даврда барча зодагонларнинг ерларига ҳам ёйиладиган ерга нисбатан давлатнинг мулк эгаллиги жорий қилинди.

Тайканинг ислохотлари Японияда илк ўрта аср давлатлари ташкил топишига олиб келди. Унинг ислохотлари қуйи табақа кишиларининг юқори табақаларга итоат этиши зарурлиги, тепасида донишманд яккаҳоқим турувчи ягона давлат ҳақидаги буддавийлик ва конфуций таълимотлари билан асосланганди.

Барча аҳоли «илоҳий» (тезenni) императорнинг фуқаролари деб эълон қилинди. Давлатнинг энг муҳим органи Олий кенгаш ҳисобланиб, унга бош министр раҳбарлик қилган ва унга саккизта муассаса бўйсунган. Дастлабки вақтларда Японияда ҳарбий ва қишлоқ хўжалик ишлари бир-биридан ажратилмаганди. Аста-секинлик билан ҳарбий кучлар маҳаллий ер эгалари қўлида тўпла-на бошлади ва фақат ҳарбий иш билан шуғулланувчи алоҳида ҳарбий феодал табақа – самурайлар табақаси ташкил топади. Улар йирик ер эгаларининг вассаллари бўлиб, фақат ҳарбий иш билан шуғулланганлар.

XII асрга келиб феодаллар тоифалари ўртасидан махсус имтиёзли гуруҳ – ҳарбий ҳукмдорларнинг вассаллари – **сёгунлар** шаклланди. XIII асрдан феодал табақалар ўртасида ўзаро ички муносабатларда поғонама-поғоналик ва сюзеренлик муносабатлари қарор топади.

Японияда деҳқонлар меҳнатидан фойдаланиш шакли жон бошига солинадиган маҳсулот билан тўланадиган оброк бўлиб, у олинадиган шоли ҳосилининг 4 дан 26 фоизгача қисмини ташкил қилган.

XV – XVI асрларда Японияда савдо ва ҳунармандчиликнинг ўсиши, шаҳарларнинг ривожланиши ҳамда маҳаллий бозорларнинг ўсиши натижасида, йирик феодал хўжаликлари, бир неча вилоятларни ўз қўлида тўплаган бекликлар (даймё) ташкил топди. Улар марказий ҳокимиятни расмангина тан олиб, амалда тинимсиз феодал урушлари олиб борганлар. Японияда XII асрда феодал давлатнинг ривожланиши япон давлатининг сиёсий бошқариш шакли бўлган сёгунатнинг ташкил топиши билан характерланади, яъни барча сиёсий ҳокимият жойларда ва марказда йирик феодал хонадони қўлида тўпланади.

«Сёгунат иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан кучлироқ бўлган феодал уруғининг ҳарбий-феодал ҳукмронлигидан иборатдир», – деб ёзади Н.А.Крашенникова. Бунда расмангина император ҳокимияти сақланиб қолиб, асосий таянчи ҳарбий хизмат қилувчи дворянлар – самурайлардан иборат бўлади.¹

Сёгун Минамото Ёритомо Камакура шахрида биринчи сёгунатнинг марказий ҳукумати – **бакуфуни** тузган. Феодал-сиёсий тарқоқлик даврида ҳам марказий ҳукумат бўлган, бу нарса Япон давлатининг ўзига хос томонини кўрсатади.

XVI асрга келиб Японияга дастлабки европаликлар суқилиб кира бошлайдилар, бу воқеа мамлакат мустақиллигини йўқотиш хавфини туғдиради. Бошқа бир гуруҳ социал-иқтисодий омиллар ҳам мамлакатни марказлаштиришни тақозо этарди. Мамлакат учинчи сёгунат – токугава сулоласи даврида тўла марказлашади.

Бир томондан, табақаларнинг йўқолиши юз берган бўлса, иккинчи томондан, тўртта асосий табақа: **самурайлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва савдогарлар** ташкил топди. Уларнинг энг юқорисида Токугава хонадони турарди.

Япония деҳқонларининг Фарбий Европа мамлакатлари деҳқ-

¹ История государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1980. – С.535.

онларидан фарқи шунда эдики, улар ўзларининг ерларига бириктириб қўйилган, яъни шахсан озод эдилар.

XVIII асрдан табақавий чегараланишлар емирила бошлади. Бу ўрта асрлар **ижтимоий-сиёсий тузуми** емирилиши натижа-си эди.

Япония давлати мутлақ монархия шаклидаги нисбатан марказлашган, ер эгалари бўлган зодагонларнинг ҳарбий ҳукмронлигига асосланган давлат эди. Давлат бошлиғи – **сёгун** ҳузурида тармоқлашган бюрократик миршаблик аппарати мавжуд бўлган. Сёгун ҳукумати қўлида император хонадони, давлат молиясини бошқариш, хизмат эвазига ер бериш, чет давлатлар билан алоқаларни бошқариш ва бошқа ишлар бўлган. Кўпгина мансаблар авлоддан-авлодга ўтказилган. Бу миршаблик давлати бўлиб, барчанинг устидан полиция назорати ўрнатилганди.

Япониянинг ҳуқуқ манбалари. Дастлаб одат ҳуқуқи, кейинчалик император фармонлари, ҳукумат фармойиши ва кўрсатмалари, шунингдек, суд одатлари мазкур давр ҳуқуқининг асосий манбаларидан иборат эди.

Япония ҳуқуқининг йирик тўпламларига 17 моддадан иборат, кейинчалик 200 дан ошиқ қўшимчалар билан тўлдирилган «Кемму йиллари кодекси», шунингдек, ўрта асрлар Япониясининггина эмас, умуман, шу даврнинг энг йирик ва мукамал кодекси – 702 – 718 йилларда тузилган Тайко даврининг фуқаролик ва жинойат қонунлари тўплами «Тайхориё»дир. Мазкур тўплам икки сулола: тайхо ва ёро давридаги қонунлар номидан олинган бўлса-да, улар маъмурий, молия, давлат хизмати, жинойат-процессуал ҳуқуқ, оила ва никоҳ кодекслари, шунингдек, ҳарбий низомлар тўпламларидан иборат. Тўплам 19 кишилик комиссия томонидан бир неча йил мобайнида тузиб чиқилган, унинг икки қисми 30 катта қонунни ўз ичига олади. Тўпламнинг биринчи қисмига I – XV қонунлар киритилган, унда даражалар ва мансаблар, муассасаларнинг лавозимлари (штатлари), сарой деҳқонлари, ер эгаллиги, молия ҳуқуқи, давлат мактаблари, давлат хизматига олишда имтиҳонлар тартибига бағишланган қонунларни қамрайди. Иккинчи қисмда эса ҳарбий низом, иш юритиш ва ҳуж-

жатларнинг шакллари, жинойт-процессуал нормалари жамланган.¹

Жинойт қонунлари III қисмда алоҳида нашр этилган. «Мазкур қонунлар тўплами, – деб ёзади японшунос П.П.Топека, – VII асрнинг иккинчи ярмида ўтказилган ибтидоий уруғдошлик тузумининг қолдиқларини тугатишга, монархия шаклидаги ўрта аср марказлашган давлатини яратиш ҳамда янги зодагонларнинг имтиёзли, ижтимоий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган социал-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларга бағишланган қонунчилик актларини тизимлаштириш ва ҳуқуқий умумлаштиришдан иборатдир».²

Шу ислоҳотлар натижасида Японияда уруғдошлик тузumi емирилиб, илк феодал монархияси тузумига ўтилди. Қонунлар тўпламига кўра, ер давлат мулки ҳисобланиб, бўлиб берилишига қараб бир неча турларга бўлинган. Жон бошига бериладиган ерлар, даражаларга қараб берилган ерлар, эгаллаб турган мансабларига мувофиқ бериладиган ерлар, мукофотга бериладиган ерлар.

Япониянинг ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам асосий қишлоқ хўжалик экини шоли паёк – ўлчам ҳисобланган. Жон бошига эркакларга 2 тан (24 сотих) шоли экиладиган ер, аёлларга учдан бир қисмга кам даражада берилиши белгиланган. Жамиятда тутган мавқеига қараб бериладиган ерлар қуйидагича бўлган: 1-даражали шаҳзодага 80 тё (1 тё – 1,12 га), 2-даражали шаҳзодага 60 тё, 3-даражали шаҳзодага 50 тё, 1-даражали амалдорга 80 тё, кичик даражали амалдорга 74 тё ер берилиши лозим бўлган (1-қисм. IX қонун, 4-модда).

Давлат ерлари вилоятларда ҳукумат томонидан ижарага берилиши, ундан фойдаланганлик учун ижара ҳақи эса давлат хазинасига жўнатилиши лозим эди.

Японияда феодал рента мавжуд бўлган: суғориладиган ерлардан (12 сотих)дан 2 боғлам шоли, 1 тё (1,2 га)дан 22 боғлам

¹ Свод законов «Тайхориё» 702 – 718 гг. Часть I, I – XV законы. – М.: Наука, 1985; II часть. XVI – XXX законы. – М.: Наука, 1985.

² Свод законов «Тайхориё». Ч.I. – М.: Наука, 1985. – С.3.

шоли рента олинган. Қолаверса, ҳунарманд-косиблардан натурал тартибда жон солиғи ундирилган. У ипак газламалар, ипак ип, ипак пахта ва бўз матолар билан ёки мазкур жойда етиштирилаётган бошқа маҳсулотлар билан тўланган. Шунингдек, меҳнат мажбурияти – баршчина ҳам мавжуд бўлиб, бир йилда 10 кундан 40 кунгача давом этган. Агар ишлаб бериш 30 кундан ошса, бошқа ҳар қандай тўлов ва йиғимлардан озод қилинган.

Келиб чиқиши бўйича подшо авлодидан бўлган кишилар, саккизинчи ва ундан юқори даража олган кишилар, 16 ёшга тўлмаганлар, кексалар, ногиронлар, тузатиб бўлмас касалга чалинганлар, аёллар, қуллар барча солиқлар, тўлов ва йиғимлардан озод ҳисобланган.

Қонунларда **оила ва никоҳ ҳуқуқи**га ҳам кенг ўрин ажратилган. Никоҳ ёши йигит учун 15, қиз учун 13 ёшдан юқори эди. Никоҳни бекор қилиш шартларига келсак, қонунда унинг бир неча ҳолати кўрсатилган. Агар аёл фарзанд кўрмаса, бузуқчилик қилса, янги ота ва оналарига бўйсунмаса, ғийбатчи бўлса, бундай ҳолларда эр киши тегишли ҳужжатни тузиб, иккала томоннинг яқин қариндошлари тасдиғи билан никоҳни бекор қилиши мумкин эди (VIII қонун, 28-м.).

Мазкур қонунда қулларнинг ҳуқуқий ҳолатига ҳам кенг ўрин ажратилган. Улар беш турга бўлинган, улар ичида кўп сонли «конухи» – жамоат қуллари, «қан нухи» – давлат қуллари бўлган. Қуллар ўзларига тенг даражадаги кишилар билан никоҳга кириши мумкин бўлган. Қуллар фавқулодда озод кишилардан фарзанд кўрса, бундай болалар озод ҳисобланган. Шунингдек, 76 ёшга тўлган қул ҳам озодликка чиқарилиши лозим эди. Тўпламнинг XIII қонунда ворислик масалаларига оид нормалар ҳам бор. Унга кўра, 3 ва ундан юқори даража лавозимига эга бўлганларнинг қонуний вориси катта ўғлидир. Агар ўғиллари бўлмаса, катта невараси ҳисобланган.

XXIX қонун нормалари жиноят ва жиноят процессига бағишланади. Унда суд-тергов функциясининг маъмурий органлардан ажралмаганлиги кўзга ташланади. Жиноят ишларини кўзғатиш давлат муассасаси (дэи хацу) қўлидалиги, агар мазкур жиноятга оғирроқ жазо бериладиган бўлса ёки шаҳарларда яшайдиган

кишиларнинг жиноят ишлари, албатта, Адлия вазирлигида кўзғатилиб, сўроқ қилиниши белгиланган. **Давлат кенгаши** деб аталувчи орган ҳам лозим бўлган ҳолларда суд-тергов функциясини бажарган, шунингдек, жойларга махсус сайёр терговчилар юборилган.

Исён, император хонадонига қарши фитна, подшо қабрлари, саройларини, ибодатхоналарини бузиш, давлатга хиёнат қилиш, душман томонига ўтиш ва бошқалар оғир жиноятлар ҳисобланган.

Жазонинг оғирлигига қараб ижро этиш босқичларига бўлинган. Масалан, содир қилинган жинояти учун қамчи билан уришга ҳукм қилинган бўлса, бу жазо уездларда ижро этилган, агар таёқ билан уришга ҳукм этилган бўлса, уни ижро этиш вилоятларда ўтказилган. Таёқ билан уриб, каторга ишларига юборишга ҳукм қилинган бўлса, бундай жазолар тўғрисидаги ҳукмлар Давлат кенгашига юборилган. Қатл шаҳарнинг савдо майдонида ижро этилган.

XVII қонуннинг мазмунига қараб ҳарбий уставдан иборат деб аташ мумкин. Бунда аскарликка чақириш, хизматни ўташ тартиби, хизмат учун зарур қурол-яроғлар, жанговар тайёргарлик, хизмат муддатлари тўғрисида гапирилган. Қонунларга кўра, бир хонадондан бир аскар олинган. Хизмат муддати шаҳарларда бир йил, чегарада эса уч йил этиб белгиланган.

«Тайхориё» деб аталган мазкур қонунлар Японияда илк ўрта аср монархиясининг қарор топишида катта аҳамият касб этган, 500 йил мобайнида Япониянинг ижтимоий-сиёсий тузумини белгилаб беришда муҳим роль ўйнади.

Ер эгалиги борасида Японияда то X асргача худди Хитойдаги каби томорқа ер тузуми, кейинчалик эса хусусий поместье ва кўрфон ер эгалиги шакли пайдо бўлган. **Фуқаролик ҳуқуқи**ди: мажбуриятлар совға, ижара, сақлаб туриш, савдо-сотиқ каби шартномалардан келиб чиққан. Ўрта асрларда япон оиласи худди хитойликларники каби ота ҳукмрон бўлган катта оиладан иборат эди, унда аёл жуда ҳуқуқсиз бўлган.

Ўрта аср Япониясининг **жиноят ҳуқуқи** «Тайхориё» қонунларининг учинчи қисми бўлиб, 12 бобни ўз ичига олади. Кодекс жаз

ва оғир жиноятларни гуруҳлаш билан бошланиб, конфуцийлик таълимоти асосида уларни ўта оғир даражада ахлоқни бузувчи (ли) саккиз гуруҳга бўлади: император ҳокимиятига қарши қаратилган жиноятлар исён (императорнинг уйи, саройи, мактабларини бузиш), давлатга хиёнат қилиш (императорнинг яқин қариндошларини ўлдириш, суиқасд қилиш, уриш ва қийнаш), катта ҳурматсизлик (ибодатхоналарни, маросим ашёларини бузиш), императорга, отаси, яқин қариндошларига нисбатан ёмон сўзлик ва ҳурматсизлик кўрсатиш, бурчни бузиш (хўжайинини, бошлиғини, устозини ўлдириш ва бошқалар).

Жазо беш даражали бўлиб, қатл этиш (бошини танидан жудо қилиш, осиб ўлдириш орқали), сургун, каторга ишларига юбориш, сургун қилиш, таёқ билан уриш (60 – 200 мартагача), хивич билан уриш (10 – 50 мартагача). Сургун узоқ-яқинлигига қараб уч даражага: яқин, ўрта ва узоққа сургунга бўлинган. Қолаверса, молмулкни мусодара қилиш, жарима каби жазолар ҳам қўлланилган. Япония жиноят ҳуқуқининг ўзига хос томони шундаки, унинг нормалари будда черкови вакилларига ҳам ёйилган, чунки Япония императори, **синтоизм** дини удумларига кўра, биринчи руҳоний ҳисобланган, у ўз қўли остидаги барча диний масалаларни ҳам ҳал этиши мумкин бўлган.¹

Жиноят ҳуқуқида жиноятлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган: давлатга қарши, мулкка қарши, шахсга қарши, оилага қарши қаратилган жиноятлар. Жазо тизимида қатл этиш, сургун, уч йилгача каторга ишларига ҳукм қилиш, тан жазолари мавжуд эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, тан жазолари поғонали бўлиб, Хитойдагига ўхшаб кетади. Масалан, бамбук таёқ билан 60, 70, 80, 90, 100 марта, дарра билан 10, 20, 30, 40, 50 марта уриш, қонли қасос коидалари.

Япония жиноят ҳуқуқи ўрта аср мамлакатларининг барчасидагидек табақавий, ижтимоий тенгсизликка асосланган, жавобгар ижтимоий поғонанинг қуйи қисмини эгаллаган бўлса, жазо оғирроқ, самурай бўлса, енгилроқ белгиланган.

¹ История государства и право зарубежных стран: Учебник для вузов. В 2-х частях. Ч.1. – М., 2001. – С.592.

* * *

Ўрта асрлар давлати ва ҳуқуқи гарчи ўзидан олдинги давлат ва ҳуқуқдан илғорроқ бўлса-да, аммо у ҳам тоифа ва ижтимоий тенгсизликка асосланганди. Унинг яшаши ҳам айрим халқларда жуда узоқ даврни ўз ичига олиб, XVII аср, баъзида XX асргача давом этган. Айрим халқларда эса, хусусан, Фарбий Европа халқларида эртароқ, масалан, Англия ва Нидерландияда XVII аср иккинчи ярмидаёқ бузила бошлади. Шарқ мамлакатларидаги ўрта асрлар давлат ва ҳуқуқи Фарб мамлакатларидагига нисбатан ўзининг турғун ижтимоий-иқтисодий кўриниши ва узоқ давом этганлиги билан фарқланади. Шунингдек, мазкур ҳуқуқ Фарбий Европа мамлакатларидаги ҳуқуқ манбаларининг хилма-хиллиги билан характерли. Шарқ мамлакатлари ҳуқуқида эса дунёвий ва диний қоидаларнинг чатишиб кетиши яққол кўзга ташланади.

Кўриниб турибдики, Шарқ мамлакатларида деҳқонларнинг крепостной қарамлиги деярли бўлмаган, чунки бу ерда қишлоқ қўшни жамоаси жуда узоқ сақланган. Фарбий Европа давлатларида эса сиёсий тарқоқлик даврдан бошлабоқ деҳқонлар крепостной қарамликка ташланган. Уларни озод қилиш эса янги тарих даври саноат ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Чунки эски муносабатлар негизда ташкил топган ўзидан илғорроқ ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши учун, бу тузум қарамлик тузумидан воз кечиши керак эди. Шу тариқа ўрта аср жамияти ўз ўрнини янги давлат ва ҳуқуққа бўшатиб берди.

Назорат учун саволлар

1. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг қайси хусусиятларини биласиз?
2. Араб халифалиги қандай жараёнда ташкил топди?
3. Муслмон ҳуқуқининг иккинчи даражали манбаларини гапириб беринг.
4. Бобурийлар салтанатида муслмон ҳуқуқи бўйича қандай тўпламлар яратилди?
5. Ҳиндистонда Англия мустамлакачилигининг сабаблари ва оқибатларини биласизми?
6. Ҳинд ҳуқуқининг қандай ўзига хос томонлари бор?
7. Усманийлар салтанатининг ижтимоий-сиёсий тузумини айтинг.
8. Тан кодексига умумий таъриф беринг.
9. Япониядаги Кемму йиллари кодексининг аҳамияти нимадан иборат?
10. Ватанимиздан етишиб чиққан энг буюк муҳаддис ва фақиҳлардан кимларни биласиз? Улар ислом ҳуқуқи ривожланишига қандай ҳисса қўшган?

Ҳуқуқий масала №9

Деворлари ёнма-ён жойлашган бири новвойлик, бошқаси эса балиқчилик касби билан шуғулланадиган икки қўшни бўлиб, бир куни новвой балиқчига балиқ тутиб беришни сўрабди. Балиқчи унга бир катта наҳанг келтириб берибди. Бир вақт балиқчи кулоқ солса, новвойнинг хонадонига қий-чув кўтарилибди. Балиқчи девор оша қўшнисиникига қараса, балиқ ичидан бир дур чиққанмиш. Шунда балиқчи балиқ сотиб олган қўшнисининг олдига бориб: «Қўшни, балиқ ичидан дур чиқибди. Мен сизга дур сотган эмасман, балиқ сотганман. Шунинг учун балиқни қолдириб, дурни менга қайтариб берсангиз», – дебди. Қўшниси: «Мен сизга ҳеч нарсани қайтариб беролмайман, уларда ҳақингиз йўқ. Мен сотиб олганман», – дебди. Иккаласи низолашиб қозихонага келишибди. Ислום ҳуқуқи бўйича қозининг қарори қандай бўлиши керак?

Адабиётлар

1. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.340 – 373.
2. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 1-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б.162 – 210.
3. Муҳаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 2-қисм. – Тошкент, 2003. – Б.348 – 565.
4. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2005. – С.521 – 582.
5. История государства и права зарубежных стран. Учебник. Часть 1. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.487 – 609.
6. Раҳмонов А.Р., Раҳмонов А.Р. Ислом ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент, 2007. – 496 б.
7. Саидов А.Х. Мусулмон ҳуқуқи. Қисқача луғат маълумотнома. – Тошкент, 1999. – 232 б.
8. Саидов А.Х. Основы мусульманского права: Курс лекций. – Ташкент, 1995.
9. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Инглиз тилидан таржима. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 168 б.
10. Крашенникова Н.А. Индусское право. История и современность. – М.: МГУ, 1982. – 192 с.
11. Свод законов Тайхорие. 702 – 718 гг. / Пер. с японского К.А.Поповой. Часть 1. I – XV законы. – М.: Наука, 1985; Часть 2. XVI – XXX законы. – М.: Наука, 1985.

Луғат

Дацин люйли – Буюк цин сулоласининг асосий қонунлари ва қарорлари тўплами

Дийат – қон баҳоси, хун ҳақи.

Дураб – Усманийлар давлатининг қозилар маҳкамаларидаги асосий қўлланмалардан бири.

Жизья – дастлаб Араб халифалигида, кейин бошқа мусул-

мон давлатларида мусулмон бўлмаган фуқаролардан ундириладиган жон солиғи.

Зиммийлар – ислом давлати таркибида яшайдиган мусулмон бўлмаган аҳоли.

Ижтиҳод қилиш – фақиҳнинг шаръий ҳукмини ҳосил қилиш учун Қуръон ва Сунна асосида барча билимини ишлатиб ҳаракат қилган ижодий фаолияти.

Синтоизм – япон императори шахсини илоҳийлаштириш билан боғлиқ диний таълимот.

Тумор – Усманийлар давлатида шартли ер эгалигининг бир тури.

Шариат – луғавий маъноси «оқ йўл», «сувга олиб борувчи йўл» маъноларини англатади, Аллоҳ нозил қилган шаръий ҳукмлар мажмуаси, фикҳ маъносида ҳам тушунилади.

9-МАВЗУ. ЯНГИ ДАВРДА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ: АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ

Режа

1. Англия давлати ва ҳуқуқи.
2. Франция давлати ва ҳуқуқи.
3. Германия давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Янги давр давлати ва ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари. Англия буржуа инқилоби. «Янги модел» тўғрисидаги қонун. Парламент ва қирол. Индепендентлар республикаси. Бошқариш қуроли. Стюартлар монархиясининг тикланиши. Хабес корпус акт. Парламент партиялари. 1789 йилги Франция инқилоби, асосий даврлари ва ҳужжатлари. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси. Якобинчилар конституцияси. Конвент. Термидорчилар конвенти. Наполеон Бонапартнинг давлат тўнтариши. Кодексларнинг ишлаб чиқилиши. Париж коммунаси давлати ва ҳуқуқи. Учинчи республика конституциявий қонунлари. «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» емирилиши. Германия инқилоби ва уни қайта бирлаштириш. 1871 йилги империя конституцияси.

Янги давр давлати ва ҳуқуқи (умумий таъриф)

Ўрта асрларнинг охири юз йилликларида Фарбий Европанинг қатор давлатлари ижтимоий-сиёсий тузилишида, ишлаб чиқариш кучларида туб ўзгаришлар юз берди, крепостной меҳнат ўрнини техника асосига қурилаётган саноат ишлаб чиқариши ва ёлланма меҳнат эгаллай бошлади. Аммо ўрта асрнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши, давлатчилик ва ҳуқуқи ўз-ўзидан саноатлашган жамият ҳамда янги давлат ва ҳуқуққа ўрнини бўшатиб бермасди. Бу даврдаги мутлақ монархия бошқариш шаклига эга бўлган Фарбий Ев-

ропанинг барча давлатларида ушбу бошқариш шаклига, унинг ўзбошимчалигига, қонунсизликка қарши, инсон ҳуқуқлари, шахс озодлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва бошқалар ҳақида илғор инқилобий ғоялар юзага келди. XVI – XVII асрлар инсоният тарихига ана шу ўзгаришлар юзага келтирган янгиланиш, янги тарих даври бўлиб кирди, уни XVI асрдаги Нидерландия инқилоби бошлаб берди. Кейинчалик мазкур даврнинг энг буюк воқеалари – XVII асрдаги Англия ва XVIII асрдаги Франция инқилоблари бу жараёни такомиллаштириб поёнига етказди. Ана шу тарихий жараёнлар инсониятнинг давлат ва ҳуқуқ тарихида янги давр – янги босқични яратди. Бу давр сиёсий ва ҳуқуқий системасининг узил-кесил расмийлашиши, иқтисодий либерализмнинг бош принципи давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашмаслиги қонунан мустаҳкамланиши билан бирга борди. Янги давр давлатчилиги сиёсий тузумининг белилари парламентаризм, ҳокимиятнинг бўлиниши, масъул ҳукумат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини конституциявий тартибда мустаҳкамлаш, халқнинг расман давлатни бошқаришда иштирок этишидан иборат эди, XIX аср охирларида сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг хос шакли демократия бўлиб қолди. Давлатчилик билан бирга янги ҳуқуқий тизим, институт ва атамалар вужудга келди, айниқса, ҳуқуқ манбаларида туб ўзгаришлар юз берди. Гарчи «конституция» атамаси Қадимги Римда пайдо бўлган эса-да, ягона, олий юридик акт сифатидаги конституция ана шу даврда шаклланди. Таъкидлаш лозимки, XVII – XIX асрларда янги давлат ва ҳуқуқнинг ташкил топиши мустамлакачилик сиёсатининг ҳам фаоллашишига олиб келди, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатлари тараққиётига мазкур ҳодиса салбий таъсир кўрсатди.

1. Англия давлати ва ҳуқуқи

Англиядаги инқилобий вазият. Англия саноат ишлаб чиқариши жуда эрта вужудга келган, ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари бузила бошлаган мамлакат бўлиб, унда юнгчилик жуда тараққий этганди. У XII – XIII асрлардан оқ ўз юнгини Фарбий Европа бозорларига чиқариб сота бошлаган. Жаҳон бозоридаги

Англия юнгига бўлган талаб юнгчилик билан шуғулланган янги дворянларга катта фойда келтирган. Қўй боқиш учун кенг яйловларнинг талаб қилиниши деҳқонлар ерларининг дворянлар томонидан қонунсиз тортиб олинишига олиб келган. Ердан маҳрум бўлган деҳқонлар ёлланиб ишлашга мажбур эдилар. Ушанда **«Қўйлар одамларни еб қўймоқда»** деган гап вужудга келгани бежизмас. Ана шу меҳнатдан фойдаланган катта ер хўжаликлари капиталистик йўлга ўта бошлади. Капиталистларнинг манфаати sanoat билан боғлиқ бўлиб қолди. Қўй боқиб, юнг сотиш билан шуғулланган дворянлар янги дворянлар – **жентри** деб аталиб, бошқа дворянлардан фарқ қилганлар. Лекин улар ҳам sanoatни ривожлантириш тарафдори эди.

Янги дворянлар савдо-сотик, sanoatнинг ўсиши учун тўсиқ бўлган ўрта аср муносабатларига ва мутлақ монархияга қарши курашдилар. Англияда инқилобнинг эрта бўлишига сабаб шундаки, қишлоқларга sanoat ишлаб чиқариши шаҳарларга нисбатан тезлик билан кириб келди. Англия инқилоби бошқа мамлакатларникидан фарқли, бу ерда ўсиб келаётган буржуазия¹ янги дворянлар билан иттифоқ тузиб ўрта аср яккаҳоқимлиги, феодал дворянларга ва ҳукмрон черковга қарши кураш олиб борди.

Англияда янги даврда давлат ва ҳуқуқ асосларини яратиш бир қанча ўрта аср ҳуқуқий институтларига янги мазмун бериб, янги даврга мослаштириш орқали борди. Шулардан бири 1628 йилги **«Ҳуқуқлар ҳақида»**ги петициядир. Мазкур ҳужжат қуйидаги қоидаларни ўрнатди: а) ҳеч ким парламент актидан ташқари қирол хазинасига солиқ тўлашга мажбур этилиши мумкин эмас; б) қонунсиз солиқни тўламаганлик учун бирор кишини ҳибсга олиш мумкин эмас; в) армия қисмларини аҳолининг уйларига жойлаштириш тақиқланади; г) бирор шахс мамлакатдаги қонунлар ва эркинликларга зид ҳолда одамларни қонунсиз ўлим жазосига ҳукм қилиш билан боғлиқ алоҳида ваколатга эга эмас.

Англия буржуа инқилобининг бошланишига 1637 – 1638 йилларда автономия мақомидаги Шотландияда юз берган қўзғолон

¹ Буржуазия деганда ушбу ўринда ва ундан кейин ҳам sanoat ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи шаҳарликлар тушунилади.

сабаб бўлди, унинг натижасида Англия билан Шотландия ўртасида уруш келиб чиқди. Англиянинг барча қирол ҳокимиятига мухолиф кучлари шотландларни қўллаб-қувватладилар. Шунинг учун мазкур урушни олиб бориш мақсадида 1640 йил баҳорида қирол Карл I Стюартнинг қўшинига солиқ йиғиш учун парламентга қилган мурожаати қўллаб-қувватланмади. Қирол эса парламентни тарқатиб юборди. Аммо янги инқилоб тўлқини таъсирида 1640 йил 3 ноябрда яна парламент чақирилиб, 1653 йилгача ишлади ва Англия тарихида «**узоқ парламент**» номини олди, у ўрта аср яккахокимлигининг ўзбошимчаликларига қарши курашга киришди.

Буржуа инқилобининг босқичлари. Англиядаги инқилобий вазият ва унинг ривожланиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

I. 1640 – 1642 йиллар. Бу даврда янги дворянлар, буржуазия ва фуқаролар оммасининг қиролга ҳамда реакцион кучларга қарши кураши натижасида Англияда янги буржуа давлат бошқарувининг конституциявий монархия шакли ўрнатилди.

II. 1642 – 1649 йилларда Англияда фуқаролар уруши натижасида қирол армияси тор-мор келтирилиши билан, 1649 йили республика тузуми ўрнатилди.

III. 1649 – 1658 йиллар. Бу вақтда халқ оммасининг инқилобий ҳаракатидан қўрққан буржуазия ва янги дворянларнинг бир гуруҳи 1653 йили О.Кромвелнинг ҳарбий диктатурасини ўрнатди ва «Бошқариш қуроли» деб аталувчи ҳужжат қабул қилинди.

IV. 1658 – 1688 йиллар. Кромвель вафотидан кейин халқ оммасининг инқилобий ҳаракатидан қўрққан янги дворянлар бошқа тоифалар билан тил бириктириб Англияда конституциявий монархияни тиклади ва XIX асргача Англияда янги дворянлар ҳукронлик қилди.

Юқорида айтганимиздек, Англия буржуа инқилобидаги биринчи фуқаролар уруши 1640 йили бўлиб, йирик ер эгалари ва дворянлар билан қирол ўртасида қарама-қаршилик юз бериб турди. 1640 йили қирол Карл I парламентни чақирди, унинг мажлислари узлуксиз 1653 йилгача давом этди. Мазкур парламент Англия буржуазияси ва янги дворянлар қўлидаги ҳокимият эди. Парла-

мент кўпгина янгиликлар киритиб қирол ҳуқуқини чеклашга уринди.

1645 йили «Англияда янги модел ҳақида» ордонанс қабул қилинди. Фуқаролик уруши йилларида иккита бир-бирига душман кучлар пайдо бўлди. Улар Англия қироллигининг турли қисмларини назорат қилувчи, ижро этувчи, фармойиш берувчи ва қонунчилик ҳокимиятини тўла ўз қўлларида тўпладилар. Бу кучлар қирол ва парламентдан иборат бўлиб, улар ўз ваколатларининг асосий йўналишларини тузиш йўлидан бордилар. Ўзлари назорат этиб турган доирада ижро этувчи ва қонунчилик ҳокимиятини жамлаб олган парламент мавжуд ҳарбий тизимни ислоҳ қилишга қаратилган бир қанча қонунларни қабул қилди. Ана шулардан бири «Янги модель ҳақида»ги қонун бўлиб, у генерал Кромвель ташаббуси билан қабул қилинган, алоҳида графликларнинг халқ лашкарлари ўрнига доимий армия ташкил қилишни назарда тутарди. Бу армия давлат ҳисобига таъминланиши, оддий аскарлар, озод деҳқонлар ва ҳунармандлардан ташкил топиши, офицер қисмлари эса, келиб чиқишидан қатъи назар, лаёқатига қараб тайинланиши лозим эди. Мазкур тадбир парламент армиясининг жанговар армияга айланишига олиб келди. Кейинчалик у қирол армиясини бир неча бор тор-мор келтирди.

Биринчи фуқаролар уруши, 1646 йили қирол Карл I ўз тахтини ташлаб Шотландияга қочиши билан, тугади.

Урушнинг иккинчи босқичи 1648 йили бошланди, бунинг асосий сабаби қиролнинг Шотландиядан катта қўшин тўплаб келиб курашга киришиши эди. Армия қирол қўшинларини мағлубиятга учратиб, ўзини асирга олди. Мана шу даврда икки сиёсий партия: 1) Пресс-ветеран (йирик буржуазия ва янги дворянларнинг юқори табақасидан иборат) партияси; 2) Индепендистлар партияси (ўрта ва майда буржуазия вакиллари ҳамда янги дворянларнинг ўрта табақалари) вужудга келди. Уларнинг раҳбари генерал О.Кромвель эди.

Бу даврда «Ливеллерлар» (тенглаштирувчилар) деб аталувчи сиёсий оқим ҳам вужудга келган, унинг асосий талаби «табиий ҳуқуқ назариясига асосланган» ҳолда «умумий сайлов ҳуқуқи»ни амалга ошириш, қонун олдида ҳаммининг тенг ҳуқуқли

эканини эътироф этишдан иборат эди. Ливеллерлар ғояларига кўра, ҳар қандай қонуний ҳокимиятнинг асоси «халқ шартномаси» ҳисобланиши керак. Аммо улар халқ деб ўрта ҳол буржуазия, ҳунармандлар ва савдогарларни назарда тутганлар. Улар Англия сиёсий тузумини демократик асосда қайтадан тузишни талаб этиб, шу мақсадда бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқдилар. Ливеллерларнинг «Халқ шартномаси», «Асосий таклифлар» номи ҳужжатларидаги режаларни амалга ошириш учун шарт-шароит йўқ эди. Шунинг учун уларнинг талаби амалга олмади. Ҳокимиятни қўлга олган буржуазия омманинг инқилобий курашидан кўриб ўрта аср тартибларини сақлаб қолди.

Урушнинг тамом бўлиши ва қиролнинг асир олиниши парламентда пресс-ветеранлар ва индипендистлар ўртасидаги курашнинг авж олдирди. 1648 йили парламентнинг индипендистлардан иборат раҳбарлари тозалаш ўтказгач, 1649 йил 4 январда жамоа палатаси ўзини Англиядаги олий ҳокимият эгаси деб эълон қилди. Унинг қарорлари қирол ва лордлар палатаси тасдиғисиз қонун кучига эга бўлди. 1649 йил мартада қирол устидан ўтказилган суд ва унинг 1649 йил 31 январда қатл қилиниши натижасида, лордлар палатаси тугатилди. Республика шаклини конституциявий тартибда мустаҳкамлаш 1649 йил 19 майдаги «Англияни озод давлат деб эълон қилиш ҳақида»ги акт билан расмийлаштирилиб, республикада олий ҳокимият парламентдаги халқ вакилларига тааллуқлидир деб эълон қилинди. Олий ижро органи парламент олдида масъул бўлган Давлат кенгаши ҳисобланса-да, амалда унга раҳбарлик О.Кромвел қўлида эди. Республика даври Англия инқилобининг энг юқори нуқтасидир, у 1653 йил апрелгача давом этди. Бу даврдаги иккита муҳим қонун: «Савдо ва саноатни рағбатлантириш ҳақида»ги 1650 йил 1 август акти ҳамда 1651 йил 9 октябрдаги «Навигация (денгизда сузиш) ҳақида»ги акт диққатга сазовор.

Кромвел протекторати. 1653 йил 16 декабрда ўрнатилган протекторат тартиби Англия ҳукмрон доиралари талабларига мос тушди. Бу воқеа «узоқ парламент»нинг қолган-қутганларини тарқатиб юбориш, янги парламент чақириш ҳамда янги конституция ишлаб чиқиш, «Наполеон ва Робеспьернинг хусусият-

ларини бир шахсда мужассамлаштирган Кромвелнинг ҳарбий диктатурасини қонунийлаштириш»¹ билан бирга борди. Бир гуруҳ офицерлар томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжат «Бошқариш қуроли» деб аталиб (тўла номи «Англия, Шотландия ва Ирландияни ҳамда уларга тегишли мулкларни умумий манфаат йўлида бошқариш шакли»), жами 42 моддадан иборат бўлган. Мамлакат ўн битта ҳарбий округга бўлиниб, Кромвел олдида шахсан жавобгар генерал-майорлар томонидан бошқариладиган бўлди.

Шундай қилиб, бошқаришнинг расман республика шакли сақланиб қолди, амалда эса барча ҳокимият бир киши – лорд-протектор қўлида тўпланди. Қонун чиқарувчи идора бир палатали парламент бўлиб, мажлислари 5 ойдан, парламентсиз бошқариш эса 3 йилдан ортиқ давом этиши мумкин эмасди. Барчага бир хил – 200 фунт стерлинг сайлов цензи жорий этилиши билан, халқ сайловдан четлатилди. Армия ва флотни сақлаш учун солиқ йиғиш доимийга айланиб, парламентга боғлиқ бўлмаган. У халқнинг ваколатли идораси бўлмай қолди. Қуролли кучлар устидан қўмондонлик қилиш генерал Кромвел қўлида тўпланди. Бошқариш қуроли лорд протектор ҳокимиятининг мутлақлигини пардалашга хизмат қилди.

Лорд-протектор қонунчилик ҳокимиятидан фойдаланиб мазкур ваколатни парламент билан бирга олиб борган. Давлат кенгашининг ҳам фикрини эътиборга олиш лозим эди. Лорд-протекторлик унвони сайлаш йўли билан бериладиган бўлса-да, Кромвель бу унвонни умрбодга эгаллаган (ҳужжатнинг 33-моддаси).

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник. – М.: Норма-Инфра, 2001. – 399 с.

«Англия, Шотландия ва Ирландия ҳамда уларга тегишли мулкларни бошқариш шакли ҳақида»ги (Бошқариш қуроли) 1653 йил 13 декабрдаги конституциявий актдан

1. Озод Англия, Шотландия ва Ирландия ҳамда уларга тегишли бўлган мулклардаги олий қонунчилик ҳокимияти парламентда вакилларга эга бўлган бир шахс ва халқ қўлида тўпланиб, уларда бўлади.

Юқорида номи келтирилган шахснинг номи «Озод Англия, Шотландия ва Ирландиянинг лорд-протекторидир».

2. Юқорида номлари келтирилган мамлакатлар ва мулкларнинг ҳамда халқларнинг олий ҳукмдори ва бошқаруви аъзолари сони йигирма биттадан кўп, ун учтадан кам бўлмаган кенгаш ҳамкорлигидаги лорд-протекторга тегишлидир.

4. Қонунларнинг ўзгартирилиши, тўхтатилиши ёки бекор қилиниши, янги қонунларни чиқариш, халққа солинадиган янги солиқлар ва йиғимларни таъсис этиш лорд-протекторнинг парламентда ифодаланган розилиги билангина бўлиши мумкин.

22. Парламентга аъзо бўлиб сайланадиган киши ўзининг тўғриси бўлиги билан танилган (бошқача бўлиши мумкин эмас), эътиқодли, яхши хулқли ҳамда йигирма бир ёшга тўлган бўлиши лозим.

23. Ўз номида мулк ҳуқуқи асосида ҳаракатда ёки ҳаракатсиз икки юз фунт стерлинг қийматга эга бўлган ҳар бир шахс ёки шахслар графликлардан парламент аъзосини сайлаш ҳуқуқига эгадир.

24. Парламент томонидан қабул қилинган барча биллар (қонунлар) лорд-протектор тасдиқига киритилиши лозим.

32. Лорд-протектор унвони меросий эмас, балки сайлаб қўйилувчи унвондир.

Лорд-протектор вафот этса, дарҳол унинг ўрнига арзийдиган киши сайланиши лозим. Бу сайлов махсус кенгашда ўтказилади.

33. Англия, Шотландия ва Ирландия қўшинларининг капитан-генерали Оливер Кромвелл Озод Англия, Шотландия ва Ирландия давлати ҳамда уларга тегишли мулкларнинг умрбод лорд-протектори деб танилади ва эълон қилинади.

Таниқли тадқиқотчи Проф. З.М.Черниловскийнинг фикрича,

юримдик нуқтаи назардан «Бошқариш курули» уч принципни: демократик (парламент), монархия (лорд-протектор) ва аристократия (давлат кенгаши)ни ўзида бирлаштирди. Амалда эса, ўз моҳиятига кўра, янги дворянлар ва буржуазия вакилларида иборат якка ҳукмронлик диктатурасидан иборат эди.

Протекторат тартиби 1658 йилгача давом этди. Шуни айтиш керакки, бу даврда иқтисодий кризис бўлиб ўтади. 1658 йили О.Кромвель вафот этади. Шундан кейин халқнинг яна инқилобий чиқиши бошланади. Ўз бойлиги ва ғалабаларининг қўлдан кетишидан қўрққан ҳукмрон доиралар, армия бошлиқлари Кромвелнинг вориси Ричардни давлат тунтариши ўтказиб ағдариб ташлаб, офицерлар кенгашини қувиб юборди ва қирол ҳокимиятини тиклаш чораларини кўриб Шотландия қироли Карл II билан иттифоқ тузди.

Қатл этилган қирол Карл I нинг ўғли Карл II нинг 1660 йили Англия тахтини эгаллаши натижасида, қирол буржуазия томонидан ўз олдига қўйилган талабларни бажаришдан воз кечди. Англияда қайтадан стюартлар монархияси юзага келди.

Карл II 25 йил ҳукм сурди, бу даврда икки босқич: «Узоқ кавалерлар» парламенти (1661 – 1679) ва Парламентсиз бошқарув даври (1681 – 1685) бир-биридан фарқланади. Унинг даврида қабул қилинган 1673 йилги «Қасам ҳақида»ги акт, 1687 йилги «Диний бағрикенглик ҳақида»ги манифест, айниқса, Хабес корпус актни кўрсатиш мумкин.

Шундан кейинги даврда буржуазия билан қирол ўртасида зиддият кучайиб, парламентда икки партия: 1) Торилар (қирол тарафдорлари); 2) Вигилар (тахтдан қиролни ағдариш учун кураш олиб борувчилар) вужудга келади. Ҳокимият яна буржуазия ва янги дворянлар қўлига ўтиши билан, Англияда инқилобий давр тугайди, аммо **янги давлат ва ҳуқуқ – буржуа давлати ва ҳуқуқи** вужудга келди.

1670 йили Англияда қайтадан ижтимоий кураш фаоллашган бир шароитда, Вигилар партияси вакиллари жамоа палатасида кўпчилик овозга эга бўлиши биланок, улар «шахс дахлсизлиги» тўғрисидаги ҳужжатнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. 1679 йил 26 майда эса парламент уни қабул қилди. Мазкур қонуннинг асо-

сий мақсади унинг муаллифларини қирол ҳокимияти зўравонлиги ва ўзбошимчалигидан асраш эди. Бу акт **«Фуқароларнинг озодликларини таъминлаш ва денгиз ортига қамоққа ташлашнинг олдини олиш ҳақида»**ги акт (Хабес корпус эмедемент акт) деб аталиб, шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари тўғрисидаги ҳужжатлардан бирига айланди.

Унга биноан, ҳар бир киши ўзини қонунсиз қамоққа олинган деб ҳисобласа, судга ўзи ёки бир киши орқали мурожаат қилиб суд буйруғини – «*Heabes corpus*»¹ олиши шарт, буни эса қамоқхона бошлиғига ёки шерифга бериши, буйруқни олган шериф дарҳол маҳбусни судга олиб бориши лозим, акс ҳолда, унга биринчи маротаба шундай ҳаракатсизлик учун 100 ф. с., иккинчисида 200 ф. с. жарима ва мансабдан четлатиш жазоси берилган. Суд эса, қасамхўрлар олдида иш кўрилгунга қадар, маҳбусни озод қилиши мумкин бўлган.

«*Heabes corpus*» беришдан бош тортган судьяларга 500 ф. с. жарима солиш назарда тутилган. Агар шахс давлатга қарши ёки оғир жиноят содир қилган бўлса, буйруқ берилмаган.

Конституциявий монархиянинг ўрнатилиши. Шундай қилиб, Хабес корпус акт Англияда «Шахс озодлигининг конституциявий кафолатлари ҳақида»ги қонунлар: 1215 йилги «Эркинликнинг буюк хартияси», 1628 йилги «Ҳуқуқлар ҳақида»ги петицияни охирига етказди.

«Шарафли инқилоб»дан кейин Вильгельм тож кийиб Англия тахтига ўтирди. Англияда бундан кейинги давр конституциявий монархиянинг расмийлашиш даври бўлиб, мазкур жараёнда куйидаги ҳужжатлар катта роль ўйнади:

1. Конституциявий монархияни ўрнатган актлардан бири 1689 йил 13 февралдаги **«Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл** бўлиб, у, асосан, парламентнинг давлатнинг бошқа идоралари орасидаги ўрнини белгилашга қаратилган. Билл парламентнинг қонунчилик ва молия сиёсати борасидаги устунлигини таъминлаш билан бирга: а) парламентнинг розилигисиз қонунларнинг ижросини ёки

¹ Айбдорни судга олиб келиш ҳақидаги суд талабининг инглизча формуласи.

ҳаракатини тўхтатишни тақиқлади; б) парламентнинг розилигисиз қирол тахти фойдасига солиқ ва йиғимлар олинишини ман этди; в) тинчлик вақтида доимий армияни сақлаш фақат парламентнинг розилиги билангина амалга ошириладиган бўлди. Бундан ташқари, мазкур билл парламент муҳокамаларида қатнашиш эркинлиги, парламент сайловларининг эркинлиги, фуқароларнинг қиролга петициялар (қонун лойиҳалари ҳақидаги талаб) билан мурожаат этиш эркинликларини ўрнатди. Унда парламент тез-тез чақирилиб туриши мустаҳкамланиб, кейинчалик парламент ваколати 3 йил, сўнгра 7 йил қилиб белгиланди.

2. «**Тузилиш ҳақида**»ги акт 1701 йил 12 июндаги қонун бўлиб, «Тахт ворислиги тўғрисидаги акт» ҳам деб аталади. Унга кўра, Англия, Шотландия, Ирландиядан, шунингдек, уларга қарам бўлмаган мулклардан келиб чиқмаган кишиларнинг яширин кенгаш палаталаридан бирининг аъзоси бўлиши, қирол томонидан тайинланадиган мансабларда ишлаши тақиқлаб қўйилди. Дин, унга эътиқод қилиш, Англия халқининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид барча қонунлар парламентнинг розилиги билан қирол томонидан тасдиқланиши тўғрисида гапирилди.

Қонуннинг асосий ғояси қонунчилик ва ижро ҳокимияти орасидаги ваколатларни янада аниқлаштиришдан иборат бўлди. Англия тахтини эгаллаган шахс, албатта, англикан черковига қўшилиши лозим эди. Қирол томонидан судьялик мансабига тайинланган кишилар, ўз вазифаларини яхши бажариб турган вақтларда, мансабда сақланиб қоладилар, улар фақат парламент иккала палатасининг қарори билан вазифасидан озод этилиши мумкин бўлди. Қиролнинг парламентга таъсирини чеклаш мақсадида қирол министрларнинг жамоа палатаси аъзоси вазифасини бажаришлари тақиқланди. Актга кўра, ижро ҳокимиятининг барча актлари кучга кириши учун, қиролнинг имзосидан ташқари унга тегишли министрларнинг ҳам имзоси талаб қилинади. Шунингдек, қирол парламент томонидан импичмент тартибида судланган ўз министрларини авф этиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. XVII – XVIII асрлар мобайнида Англияда янги давлат ва ҳуқуқнинг муҳим институтлари: қонунчилик борасида парламентни олийлиги, бюджетни узил-кесил тасдиқлаш ҳуқуқи, ҳарбий қисмлар

ва аскарлар сонини (контингент) белгилаш, судьяларнинг алмаштирилмаслиги, ижро ҳокимиятининг парламент олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар мустаҳкам ўрин олди.

Шундай қилиб, Англияда янги давлат тузилишининг асосий белгиси бўлган парламентаризм тизими ўрнатилди. Бунинг маъноси парламентнинг қирол ҳокимияти устидан юқори туриши, яъни у бирдан-бир қонун чиқарувчи ҳокимият даражасига кўтарилиши эди. Иккинчидан, бюджет, қуроли кучлар контингенти ни белгилаш масалалари фақат парламентнинг ҳуқуқи деб тан олинди. Қирол Яков II ни ағдарган «Шарафли инқилоб» деб аталувчи 1688 йилги инқилобдан кейин ҳам то 1707 йилгача қирол кенг ҳуқуқларга эга бўлган. Монарх қонунчиликда иштирок этган, ҳамма маъмурий ва суд мансабдорлари унинг номидан тайинланган ёки бевосита ўзи тайинлаган. Чет мамлакатлар билан алоқаларда Буюк Британиянинг вакили сифатида қатнашиб шартномалар тузган, қўшинларнинг олий бош қўмондони ҳисобланган.

Министрлар кабинетининг ташкил топиши. Министрлар кабинети алоҳида давлат акти билан ташкил бўлмаган, балки қирол ҳузуридаги Яширин кенгашдан ўсиб чиққан. Дастлаб ундан 5 – 7 коллегия ажралиб чиқиб, муҳим муассасаларни бошқара бошлаган, кейинчалик қиролнинг ҳукуматига айланган. Булар дастлаб қиролнинг маслаҳатчилари ҳисобланган, лекин Георг I (1714 – 1727) даврида ҳукумат биринчи марта парламент сайловларида ғалаба қозонган партия вакилларида тузилган. Шундан кейин Англияда «Қирол парламент сайловларида ғалаба қилган партиянинг раҳбарига ҳукуматни тузишни топширади» деган конституциявий одат пайдо бўлди. Парламент кабинетга борган сари кўпроқ таъсир этиши натижасида, «кабинетнинг умумпалата олдидаги масъуллиги» принципи вужудга келади (масъул ҳукумат). Ганновер сулоласидан бўлган қирол Георг инглиз тилини билмагани учун кабинет мажлисига қатнашмайди, бу эса «кабинет қиролсиз кенгашади» деган прецедент (ҳуқуқий одат) ни вужудга келтиради.

XVIII аср охирида Буюк Британияда 3 та мустақил министрлик: Ички ишлар, Ташқи ишлар ва Ҳарбий министрликлар бор эди.

Шу даврларга келиб саноатнинг тўла ривожланиши натижасида, Англия саноати ривожланган йирик давлатга айланди, жамиятнинг икки асосий ижтимоий тоифалари ҳисобланган буржуазия ва ишчилар табақаларининг ташкил топиши тўла расмийлашиб, саноат буржуазияси парламентда кўп овоз олиш учун кураш олиб борди. Халқ оммаси давлат ҳаётида ислохотлар ўтказишни талаб қилди. Натижада 1832 йил 7 июлда сайлов ислоҳоти (парламент реформаси) қирол томонидан тасдиқланди, бу «Халқ вакиллари тўғрисидаги акт» ёки биринчи парламент ислоҳоти деб аталди.

Унга кўра, сайлов тизимига ўзгартириш киритилиб, ўз аҳамиятини йўқотган сайлов округлари бекор қилинди, уларнинг ўрнида янги пайдо бўлган саноат марказларида сайлов округлари ташкил этилди. Мазкур ислохот парламентда саноат буржуазиясининг устунлигини таъминларди, унга кўра, сайлов ҳуқуқидан: а) камбағаллар учун солиқ тўлаганлар; б) бир йили 10 фунт стерлинг даромад келтирувчи кўзғалмас мулкка эга кишилар 21 ёшга етган бўлсалар фойдаланишлари мумкин бўлди. Ислохотдан кейин Англияда сиёсий партиялар қайтадан тузилиб, илгариги Вигилар партияси Либерал-демократик партия (унинг асосий дастури шахс эркинлиги ҳамда савдо эркинлигини амалга оширишдан иборат эди), Торилар партияси эса Консерваторлар партияси (эски тартиблар тарафдорлари бўлиб, ер эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилган) деб номланади.

1867 йили яна сайлов ислоҳоти ўтказилиб, 12 фунт стерлинг даромад олувчи ер эгалари ва йилига 10 фунт стерлинг квартира учун ижара ҳақи тўловчи шаҳарликлар ҳам сайловда қатнашиш ҳуқуқини олди. Мазкур ислохотдан кейин Англиянинг шаҳар аҳолиси ва ишчи аристократияси ҳам сайлов ҳуқуқига эришди. Сайловчилар сони эса икки марта ошди.

Инқилобдан кейинги даврда Англия ҳуқуқи, асосан, сақланиб қолган ўрта аср ҳуқуқий шаклларини янги давр ишлаб чиқариш муносабатларига мослаштириш йўлидан борди. Инқилоб даврида ва ундан кейин ҳам Англияда буржуа-ҳуқуқий институтларини вужудга келтирган бир қанча қонунлар қабул

қилинди. Миллий ўзига хослигига қарамасдан инглиз буржуа ҳуқуқи ҳам хусусий мулкчилик озодлиги, расман барчанинг тенглиги каби умумий қоидаларга суянади. Ўзига хос қоидалари эса қуйидагилар: кўпгина ҳуқуқий институтларнинг қонунлар билан эмас (статут), балки суд қарорлари билан яратилганлиги, уларнинг жамини «умумий ҳуқуқ» ташкил қилиши ва ҳ.к. 1854 йилги парламент актига кўра, суд прецедентларининг жами шу ҳолда ҳуқуқ манбаи ҳисобланадики, уларни қўллашнинг қуйидаги қоидалари ўрнатилган бўлса: 1. Олий судлар ўз фаолиятларида қуйи судларнинг қарорларидан мустақилдирлар. 2. Биринчи инстанция суди ўз ваколатига тенг суд идорасининг қарорига боғлиқ бўлиши мумкин эмас. 3. Ҳар қандай суд ўз фаолиятида ўзидан юқори суднинг хулосасига асосланиши лозим. 4. Апелляцион судлар ва лордлар палатаси ўз фаолиятида ўзлари илгари қабул қилган қарорлар билан мослашадилар.

Англия буржуа инқилоби даврида мулк ҳақидаги биринчи қонунлардан бири 1646 йилги акт бўлиб, унга кўра, қирол салтанатига қарамликда бўлган барча ерлар лендлордларнинг хусусий мулкига айланиши мустаҳкамланди.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари доирасида 1875 йилги парламент акти, қўзғалмас мулклар бўйича битим тузилганда, албатта, уни рўйхатдан ўтказиш тартибини мустаҳкамлади. 1893 йили «Товарларни сотиш ҳақида»ги акт чиқиб, ашёга мулк ҳуқуқи ёйилиши вақтига аниқлик киритилди, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабат белгиланди. Трест ҳар қандай ҳуқуқий мақсадлар билан аниқланадиган универсал институт деб танилди. Юридик жиҳатдан трест мулккий муассасалар йиғиндиси сифатида талқин этилди.

Жиноят ҳуқуқи. Англия жиноят қонунчилиги ўзининг кодекслашмагани билан характерланади. Англия жиноят ҳуқуқи асосида судьялар томонидан ишлаб чиқилган умумий ҳуқуқ (Common Law) ётади. Аслида, бу конкрет суд прецедентларига (қарорлари) асосланган оддийгина одат ҳуқуқи эмас, балки суд одат ҳуқуқидир. Унга кўра, суд бирор қонунни изоҳлаб, бирор ҳуқуқий ҳаракатни ўрнатган бўлса (саволларга жавоб берган бўлса),

ўхшаш фактик ҳолатларни кўриб ҳал этишда уни намуна қилиб олиш мумкин.¹

Англия жиноят ҳуқуқи ўрта асрлар давридан қолган кўп сонли воқеий жазолар ўрнатувчи ҳуқуқий институтларни сақлаб қолди. Масалан, 1352 йилги «Хоинлик ҳақида»ги акт давлат жиноятлари билан курашиш учун фойдаланилган. Фақат XIX аср иккинчи ярмидан жиноят ҳуқуқи борасида статутлар чиқа бошлади. 1861 йили парламент ўғрилиқ, хизмат сохтакорлиги, ўзгалар мулкига зиён етказиш, пул тизимига қарши жиноятларга жавобгарлик белгилаш тўғрисидаги статутларни қабул қилган.

Суд тизими ва процессуал ҳуқуқ инқилобдан олдингидек: 1) олий суд – қирол курсиси суди, умумий аризалар палатаси суди, молия суд палатаси; 2) куйи судлар – келиштирувчи судлар, келиштирувчи судлар сессияси суди; 3) махсус судлар – ҳарбий, диний судлар ва университетларнинг судлари сақлаб қолинди.

XVIII асрда деярли 50 турдаги жиноятларга ўлим жазоси берилган. 1861 йили махсус акт чиқиб, фақат қароқчилик, хоинлик, қирол доқларига ўт кўйиш, одам ўлдириш учун қатл этиш жазоси қўлланилган. 1868 йилги акт билан мазкур жазони очик қўллаш бекор қилинган. XVII – XIX асрларда жиноятчиларни мустамлакаларга сургун қилиш кенг қўллана бошлади. 1853, 1857 йилларда бу жазо каторга ишларига юбориш билан алмаштирилган. XX аср бошларигача Англия жиноят-процессуал ҳуқуқида янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриб чиқиш йўқ эди. 1907 йили «Жиноий апелляция ҳақида» акт чиқиб, қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Англияда ишчилар ҳаракати вужудга келди, бу ҳаракат чартистлар ҳаракати деб аталади. Англияда чартер – халқ хартияси бўлиб, унда эълон қилинган қонун лойиҳаси парламентга тақдим этилган. Бу лойиҳалар қуйидаги талабларни ўз ичига олган: а) умумий сайлов ҳуқуқини амалга ошириш; б) парламентга ҳар йили сайлов ўтказиб туриш; в) яширин овоз бериш тизимини киритиш; г) сайлов округларини тенг-

¹ Ливанцев К.Е. Кўрсатилган асар. – С.63.

лаштириш; д) депутатлар учун белгиланган мулкӣ цензларни бекор қилиш; е) депутатларга ҳақ тўлаш.

1839 йил 4 февралда чартистларнинг биринчи съезди очилди, 1842 йил апрель ойида, 1848 йил апрелидаги ҳаракатлар вақтида оммавий мажлислар, митинглар ўтказилди. Лекин ҳар сафар кўтарилган ҳаракат Англия ҳукумати томонидан бостирилиб, хартия рад этилди. Чартизмнинг енгиллиги сабабларидан бири – 1847 йилги иқтисодий инқироз, Франциядаги 1848 йилги инқилобда ишчилар ҳаракатининг мағлубиятга учраши Англия ишчиларини маъюслантириб қўйганди. Аммо чартизм беиз кетмади, унинг тарихий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Бу даврда халқаро ишчилар ҳаракатининг маркази ва унга раҳбарлик Англия ишчилари қўлида эди.

2. Мазкур ҳаракат кейинчалик Англияда бир қанча либерал ислохотларнинг амалга оширилишига ёрдам берди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчилар ҳаракати Англияда яна кўтарилиб, ишчи касаба уюшмалари ҳаракати вужудга келди, бу тред-юнионизм деб номланди.

1860 йили тред-юнионларнинг марказлашган ташкилоти вужудга келди. 1862 йили тред-юнион ташкилотларининг котибларини бирлаштирган идора пайдо бўлди ва 1868 йили уларнинг Бутунанглия конгресси ўтказилди. Улар сиёсий курашдан воз кечиб, асосий кураш шакли деб иқтисодий курашни тан олдилар. Корхона эгалари билан келишиш битими тузиш орқали ишчиларнинг аҳволини яхшилаш сиёсатини юргиздилар, 1864 йил 24 сентябрда Лондонда чақирилган ишчиларнинг интернационал митингида ишчиларнинг халқаро бирлашмаси тузилади. Англия XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчиларнинг тред-юнион ташкилотларига уюшиши маълум даражада умумийлашган бирдан-бир мамлакатга айланди.

XIX асрнинг охири чорагида «озод капитализм»нинг корпоратив капитализмга ўсиши Англия иқтисодиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Англия «жаҳон устахонаси» мавқеини йўқота бошлади.

Сайлов ҳуқуқи борасида 1872 йили яширин овоз бериш тўғрисидаги қонун чиққан бўлса-да, барибир, овозларни сотиб олиш

одатдаги ҳол бўлиб қолди. 1884 – 1885 йилларда сайлов ислохотлари тўғрисида қонунлар чиқиб, 1867 йилги сайлов ҳуқуқи шартлари цензларига тўғри келган графликларда яшайдиган ишчилар ҳам сайлов ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлди. Бу мамлакат бўйича сайловчилар сонини 5,5 миллионга кўлайтирди. Парламентга 50 – 54 минг аҳолидан 1 депутат сайланадиган бўлди.

1911 йили парламент ҳақида янги акт чиқди, унинг асосий сабаби ҳукумат билан лордлар палатаси ўртасидаги қарама-қаршилик эди. Ушбу қонунга мувофиқ, умумпалата томонидан тасдиқланган, лекин 1 ой мобайнида лордлар палатасида тасдиқланмаган молиявий қонунлар тўғридан-тўғри қирол томонидан тасдиқланиб кучга кириши тартиби ўрнатилди.

Молиявий бўлмаган актлар эса, агарда жамоа палатасининг қаторасига учта сессияси мажлисларида қайта-қайта муҳокама қилинган бўлса, 1-ўқиш билан 2-ўқиш ўртасида икки йил ўтган бўлса, лордлар палатасида рад қилинишидан қатъий назар, тасдиқланган қонунга айланиши бегиланган.

Шу ислохот билан умумпалатанинг ваколати 5 йилга туширилган. Бу ҳам навбатдаги парламент ислохотларидан бири эди.

2. Франция давлати ва ҳуқуқи

1789 йил 26 августдаги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»дан

1. Инсонлар озод, ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар ҳамда шундай бўлиб қоладилар. Ижтимоий фарқлар (айирмалар) фақат умумий манфаатлар мақсадларидагина бўлиши мумкин.

2. Ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир. Озодлик, мулк, хавфсизлик ва эзилганда қаршилик кўрсатиш ана шундай ҳуқуқлардир.

3. Суверенитетнинг манбаи ўз моҳиятига кўра халққа таянади. Ана шу манбадан аниқ келиб чиқмаган бирорта индивид ёки корпорация ҳокимиятга эгалик қилиши мумкин эмас.

4. Озодлик бошқаларга зарар келтирмайдиган ҳар қандай

ишни қилиш имкониятидир. Шундай қилиб, ҳар бир инсон томонидан ўзининг табиий ҳуқуқларини амалга ошириш шундай чегараларгача давом этиши мумкинки, бу чегара жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам шундай ҳуқуқлардан фойдаланишларини таъминлашгача бўлган чегарадир. Бу эса фақат қонун билан белгилаши мумкин.

5. Қонун фақат жамиятга зарар келтирадиган ҳаракатларнигина тақиқлайди. Қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага руҳсат этилган. Ҳеч ким қонун билан белгиланмаган ҳаракатни содир этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

XVIII асрдаги Буюк француз инқилоби ҳамда янги давлат ва ҳуқуқининг ташкил топиши. XVIII аср охирига келиб Францияда буржуа инқилоби учун тўла шароит етилиб, эски ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жамиятнинг кейинги ривожини учун тўсиқ бўлиб қолди. Ягона миллий давлатнинг ташкил топишида қачонлардир ижобий роль ўйнаган мутлақ монархия салбий кучга айланди.

1789 йили инқилобий вазият етилди. Солиқлар, турли хил мажбуриятлардан, 1788 йилги ҳосилсизликдан хонавайрон бўлган деҳқонлар шаҳарларга келиб камбағаллар сонини ошириб юбордилар. Қимматчилик шаҳарнинг қуйи табақасини мураккаб аҳволга солди. Давлат бюджетига зарар, камомад инқирозга учраш хавфини солиб турарди. Ҳукуматнинг сиёсатидан умумий норозилик қиролни 1614 йилдан бери чақирилмаган (175 йил давомида) Генерал штатларни чақиришга мажбур этди. 1789 йил 5 майда чақирилган Генерал штатларда 3-табақа депутатлар сони руҳонийлар ва дворянлардан иборат табақалар депутатлари сонига тенг келди, 3-табақа депутатларининг раҳбарлик ўринларини буржуазия эгаллаб олди ҳамда бошқа табақалар билан биргаликда масалаларни муҳокама қилиб қарор чиқаришни таклиф этдилар.

Бундай ҳолда иш кўрилса, Генерал штатларда уларнинг ғалаба қилиши турган гап эди. Чунки юқори табақалар орасида ҳам 3-табақанинг фикрига қўшилувчилар мавжуд эди. Лекин имтиёзли табақалар мазкур фикрни рад этдилар. Унга асосан, буржуазия улар билан алоқани узиб, 17 июнда ўзини «3-табақа депу-

татлари Миллий мажлиси» деб эълон қилди. Шу куни Миллий мажлис қарор чиқариб умуммиллий эркини ифодалаш фақат Миллий Мажлисга тегишлидир, қирол салтанати билан унинг орасида бошқа ҳокимиятнинг бўлиши мумкин эмас деб эълон қилди. 19 июнда дворянлар ўзлари номидан қиролга мурожаатнома топширдилар. Бу вақтда руҳонийларнинг бир қисми Миллий мажлис билан бирга қўшилиш тўғрисида қарор чиқарди. Қирол ва саройининг Миллий мажлисни тарқатиб юборишга уриниши 3-табақанинг қаршилиги туфайли мағлубиятга учради. Ҳодисаларнинг ҳал қилиш нуқтаси Париж меҳнаткашларининг 1789 йил 14 июлдаги қўзғолони бўлди. Улар сиёсий маҳбуслар қамоқхонаси Бастилияни штурм қилдилар. Бу Буюк француз инқилобининг ибтидоси эди.

1789 йили янги савдо-саноат аҳли халқ билан иттифоқ тузиб монархияга ва ҳукмрон черковга қарши курашди. Миллий мажлис 9 июлда ўзини Таъсис мажлиси деб эълон қилиб, конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга киришади.

Франция инқилобининг 1789 – 1794 йиллардаги ривожланишини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ҳокимиятни йирик буржуазия эгаллаб олган давр (1789 йил 14 июль – 1792 йил 10 август). Бу даврда 1789 йилги декларация ва 1791 йилги конституция қабул қилинади.

2. 1792 йил 10 августдан 1793 йил 2 июнгача. Ҳокимият тепасига жирондистлар келади. Франция республика деб эълон қилинади.

3. 1793 йил 2 июндан 1794 йил 27 июлгача (9-термидор). Ҳокимият бошига якобинчиларнинг келиши ва якобинчилар диктатурасининг ўрнатилиши.

Франция инқилоби биринчи босқичининг муҳим ҳужжати «**Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси**» эди. Бу ҳужжатда Франция буржуазиясининг асосий талаби ва дастури ифодаланган. Декларация лойиҳаси конституциявий қўмита томонидан ишлаб чиқилиб, 1789 йил 26 августда Таъсис мажлиси томонидан тасдиқланган. Кириш қисм ва 17 моддадан иборат бўлиб, унда озодлик, мулк, хавфсизлик кабилар кишиларнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқи деб эътироф этилади. Мазкур декларация дав-

лат ҳуқуқий акти сифатида табиий ҳуқуқ назарияси ғояларига асосланганди.

Инсоннинг табиий ҳуқуқлари орасида озодлик ва мулк биринчи ўринга қўйилди. Бу Вольтернинг «Озодлик ва мулк – мана табиат ҳайқириғи» деган ғоясини ўзида мужассамлаштирди.

Декларацияда қонун «умумий эрkning ифодаланиши сифатида мустаҳкамланиб, уни қабул қилишда барча фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали ёки шахсан қатнашишлари мумкинлиги таъкидланади. Барча фуқароларга тенг асосларда давлат мансабларига йўл очқлиги эълон қилиниши ўрта аср табақавий асосларидаги давлат аппаратини ташкил этиш принципларидан воз кечиб, янги вакиллик тизимига ўтилганини билдирарди.

Декларация фуқароларнинг бир қанча сиёсий озодлик ва эркинликлари: ўз фикрини эркин айтиш, ёзиш ҳамда эркин нашр этиш, ўзининг фикрини ифода этиш эркинликларини (2-м.) эълон қилди. Унинг шу кунларгача ижобий аҳамиятини йўқотмаган ғояларидан бири қонунчилик ғоясидир.

Қирол ҳокимиятининг ўзбошимчалигига қарши чиқа бориб инқилобий буржуазия ўз устига «мустақил қонун асосидаги» янги ҳуқуқий тартибга асосланган тартиботни яратиш мажбуриятини олди. Хужжатнинг 5-моддасига асосан, «қонун билан тақиқланмаган нарсага руҳсат этилган», қонунда кўрсатилмаган нарсага ҳеч кимни мажбурлаш мумкин эмас. Таъсис мажлисининг депутатлари шу нарсани яққол тасаввур қилгандиларки, шахс дахлсизлигини таъминламасдан, унинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун 8-модда янги жинойий ҳуқуқий сиёсатнинг: «Ҳеч ким жиноят содир этилгунга қадар эълон қилинган қонун кучидан ташқари жазоланиши мумкин эмас», – деган асосларини белгилади. Мазкур принциплар кейинчалик классик формула – «Жиноятсиз қонунда кўрсатилган жазо йўқдир»да ифода этилди.

Қонунчилик ғояси, қолаверса, шахс процессуал ҳуқуқларининг кафолатларини ҳам аниқлади: «Ҳеч ким қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва шакллардан ташқари айбланиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас» (7-м.). 9-модда айбсизлик презумпциясини назарда тутди. Унга қура, ҳар қандай шахс, судда айби исбот

этилмагунча, айбсиз ҳисобланади. Бу ўрта асрлардаги гумондорнинг айбдорлиги тўғрисидаги тасаввурларга қарши эди. Декларация фақат Франция учунгина эмас, бутун жаҳон учун инқилобий аҳамиятга эга эди. Чунки у ўз даври учун илғор бўлган ижтимоий давлат тузуми, унинг янги ҳуқуқий тартиблари асосларини белгилади. Унинг тузувчилари «барча халқлар ва барча даврлар учун» ҳужжат тузганликларини айтганлар. Эзилган инсонларнинг қаршилиқ кўрсатиш ҳуқуқларини мустақкамлаб, унинг табиий ҳуқуқлардан бири эканлигини кўрсатди. «Ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир. Бу озодлик, мулк, хавфсизлик, зулмга қарши кураш ҳуқуқларидир», – дейилади ҳужжатнинг 2-моддасида. Жамият ҳар бир мансабдор шахсдан унга бошқариш топшириб қўйилган қисм бўйича ҳисобот беришини талаб қилиши мумкин (15-м). Унинг қоидалари 1948 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг асосига айланган. Жумладан, унинг 1-моддасида: «Ҳар бир киши онадан озод ва ҳуқуқлар ҳамда кадр-қимматда тенг туғилади. Улар ақл ва виждон билан таъминланган ҳамда бир-бири билан муносабатларда қардошлиқ руҳида бўлишлари лозим», – дейилади.

3-модда: «Ҳар бир киши яшаш ҳуқуқига, озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир».

7-модда: «Ҳар бир киши қонун олдида тенгдир. Қонун олдида тенг ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Ушбу декларация ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқининг илғор принципларини: 1) табиий ҳуқуқ назарияси; 2) халқ суверенитети; 3) қонуннинг олийлиги; 4) ҳокимиятнинг бўлиниши; 5) айбсизлик презумпцияси; 6) хусусий мулкнинг муқаддаслиги; 7) конституциянинг бошқа актлардан олийлигини ўзида намоён этди.

Бу вақтда буржуазия миллат бирлигини, ўз манфаатини бутун халқ манфаати деб эълон қилди. Халқ ҳаракатига бошчилиқ қилди. Аммо у ҳокимиятни ўз қўлига киритиб олгач, ўз дастурини қайта ишлади. У энди ўзини халқдан ажрата бошлади. Таъсис мажлиси улар қўлидаги қуролга айланиб, 1789 йил 22 декабрдаги декрет билан Франция аҳолиси 2 даражага бўлинди. Бун-

да активлар – мулкдорлар, улар сиёсий ҳуқуқларга эга, пассивлар – камбағаллар сиёсий ҳуқуқсиз эдилар. Мана шундай қонунлардан бири 1791 йил 14 июндаги Таъсис мажлисида депутат Ле-Шапелье доклади билан қабул қилинган қонун – «Ле Шапелье» қонунидир. Қонунда ишчиларнинг ташкилотларга уюшиши, стачкалар қилиши тақиқланиб, бундай ҳаракатларга нисбатан жазолар белгиланди. Масалан, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, мажлислар ташкил этиб, унда қарорлар қабул қилиниб имзо қўйилса, унинг ташкилотчиларига ва имзо қўйган ташкилот ва шахсларга 1000 ливр жарима ёки 3 ой қамоқ жазоси бериш назарда тутилган.

1791 йилги конституция ва унинг белгилари. Шу даврнинг яна бир муҳим ҳужжатларидан бири 1791 йилги конституция бўлиб, у Монтескьенинг ҳокимиятнинг бўлиниши тўғрисидаги назарий қоидалари, Руссонинг халқ суверенитети, унда умумманфаатнинг ифодаланиши каби ғоялари ўз ифодасини топган. 1789 йилги декларация конституцияга кириш қисм бўлган. Конституция кириш қисми ва 7 бобдан иборат, ҳар бир боб бўлимлардан иборат. Кириш қисмида «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» тантанали равишда таъкидлаб ўтилади. Феодал тартиб, авлод ва табақавий белгилар, унвонлар, имтиёзли унвонлар, вотчина, давлат мансабларининг мерос бўлиб қолиши ва сотилиши бекор қилинади, миллатнинг бирор-бир гуруҳига, бирор индивидга бериладиган имтиёз бекор қилинади. Касбий ёки ҳунар корпорациялари тақиқланади. Аммо унда ҳам деҳқонларнинг феодал мажбуриятларини йўқотиш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.

Биринчи боби Конституция билан таъминланган асосий қоидалар деб номланиб, табиий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида гапирилади.

Иккинчи боби қиролликни бўлиш ва фуқароларнинг ҳолатига бағишланиб, давлат тузилиши ҳамда унинг шаклларини ўз ичига олади. Қироллик 83 департаментга, департаментлар эса дискритларга, дискритлар кантонларга бўлинади (1-модда). Қироллик ягона ва сиёсий жиҳатдан бўлинмасдир. Француз фуқаролари деб Францияда француздан туғилган ва ўзига тураржой

танлаган, чегарадан ташқарида француздан туғилган бўлса-да, фуқаролик қасами ичган шахслар тан олинади. Агар француз бўлмаса, қиролликда танаффуссиз 5 йил яшаб, мулкка эга бўлган француз аёлига уйлансалар ва фуқаролик қасамини ичсалар, француз фуқаролари деб ҳисобланадилар. Қонун никоҳни фақат фуқаролик шартномаси сифатида тан олади. Француз фуқаролари қишлоқ ва шаҳарларда йиғилганлари туфайли, маҳаллий аҳамиятга эга муносабатлар келиб чиқса, тегишли шаҳар, қишлоқ округларида **коммуналар** ташкил қилиш мумкин (8-модда). Коммуна ташкил қилган фуқаролар ўз ораларидан маҳаллий масалаларни ечиш учун мунципал органларни сайлайди.

Учинчи боби давлат ҳокимиятига бағишланган. Унга қура, суверенитет миллатга тегишли. У ягона, бўлинмас ва ажралмасдир. Ҳеч бир шахс ҳокимиятни ўзлаштириши мумкин эмас. Миллат ҳамма ҳокимиятнинг манбаи ҳисобланади. Қонунда Монтескье ғояларига мос ҳолда ҳокимиятнинг бўлиниши амалга оширилади. Қонунчилик ҳокимияти Миллий Мажлисга топширилиб, маълум вақтга халқ вакилларида сайланадиган бўлди.

Бошқариш шакли монархия бўлиб, ижро этувчи ҳокимият қиролга ишониб топширилади. Суд ҳокимияти халқ томонидан сайланадиган судьялар томонидан олиб борилади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият (бир палатали) Миллий мажлис ҳар икки йилда бир марта 83 департаментдан 3 та вакил тартибида сайланади. Ҳар 100 актив фуқаро бир сайловчи сайлайди. Сайловчилар маълум жойга йиғилиб ўз вакилларини ва унинг ўринбосарларини сайлайди. Ҳар икки йилда дистриктда фаол фуқароларнинг рўйхати кантонлар бўйича осиб қўйилади. Вакиллар сони 373 кишига етадиган бўлса, Миллий мажлис ташкил қилиб, раис, унинг ўртоғи ва котиб сайланиб ишга киришилади.

247 вакил маъмурий-доиравий бўлинишига мувофиқ, 249 аҳоли сонига мувофиқ, 249 тўғри солиқ миқдорига мувофиқ, жами Миллий мажлисга 745 депутат сайланиши лозим. Мазкур ҳужжат конституциявий монархия тузумини сақлаб қолди, қирол ҳокимияти бўлинмас, у меросга эркак авлод бўйича ўтиб борарди. Қирол ҳокимиятидан юқори ҳокимият йўқ, қирол Миллий мажлис олдида қасам ичади. Қирол 18 ёшгача вояга етмаган ҳисоб-

ланади. Тахтга ўтириш мумкин бўлган бола Франция шаҳзодаси унвонига эга бўлади. Агар қирол ёш бўлса, конституцияда уни тарбиялаш учун регент сайлаш назарда тутилади.

Министрларни тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқи қиролга тааллуқлидир.

Учинчи бобда қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш масалаларига бағишланган нормалар ҳам бор, қонунчилик корпусига қуйидаги ваколат ва ҳуқуқлар берилади: а) қирол қонунчилик корпусига фақат у ёки бу масалага қайтиш ёки муҳокама қилишликни айтиши мумкин; б) давлат даромадлари ва солиқларини белгилайди; в) тўғри солиқларни департаментлар орасида тақсимлаш; г) давлат мансабларини жорий қилиш; д) танга пулларнинг хили, оғирлигини белгилаш; е) Франция ҳудудига чет давлат қўшинлари киришига рухсат бериш ёки тақиқлаш; ё) қирол таклифи билан келганлар сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш; ж) миллий мулкни бошқариш тўғрисида қарор чиқариш; з) ижро ҳокимиятининг министр ва агентларини олий министр суди олдида жавобгарликка тортиш; и) давлат олдида хизмат кўрсатганларни орден, медал ва бошқалар билан мукофотлаш тўғрисида қонунлар чиқариш.

Қонунчилик корпуси ҳамма масалалар бўйича унинг 50 аъзоси талаби билан умумий комитетга айланиши мумкин. Қонун лойиҳаси 3 марта ўқилади, ҳар бир ўқиш ораси 8 кун. Ҳар бир ўқишда, агар 200 аъзодан кам аъзо қатнашса, қарор қабул қилиш мумкин эмас, қарорни қирол тасдиқлайди. Қирол ҳоҳламаса имзо қўйиб тасдиқламайди, яъни унга вето қўяди. Миллий мажлис тўла йиғилиб бўлгач, бундан қиролни хабардор қилиш мақсадида унга хабар юборади.

Қиролнинг иштирокида ўтаётган қонунчилик корпусининг мажлиси муҳокама қилувчи ва овоз берувчи функциясини йўқотади.

Конституциянинг тўртинчи боби ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишга бағишланган. Олий ижро этувчи ҳокимият қирол қўлида тўпланади. Қирол қиролликни бошқаришнинг олий бошлиғи, қуруқликдаги ва денгиздаги кучларнинг бош қўмондонидир.

Ҳар бир департамент юқори маъмуриятга, ҳар бир дистрикт ҳам бўйсунувчи маъмуриятга эга. Улар қонунчилик ҳокимиятига

аралашиши, қонунларнинг ижросини тўхтатиши, одил судловга аралашиши мумкин эмас. Фақат қирол ташқи муносабатларни олиб бориши, қувватлаши мумкин.

Судьялар халқ томонидан сайланиб, қирол ёрлиғи билан мустақамланади. Умумий судлар, кантонлар, келиштирувчи судлар, қонунчилик корпуси қошида шикоят судлар ва олий миллий судлар мавжуд бўлиши назарда тутилган.

Давлатнинг қуроли кучларига ҳам махсус боб ажратилган, қуроли кучларнинг бирор агенти фуқаронинг уйига полиция буйруғисиз, суд қарорисиз кириши мумкин эмас. Актив фуқаролар, рухсат керак бўлганда, гвардия ташкил этиб ҳаракат қилиши мумкин. Босқинчилик урушлари рад қилинади. Қуроли кучлардан бошқа миллатларнинг озодлигига қарши фойдаланишдан воз кечилади.

Давлат солиқлари фақат қонунчилик корпуси томонидан белгиланади.

Конституция кўпгина буржуа давлат-ҳуқуқий институтларининг характерли томонларини ифодалаган: ҳокимиятнинг бўлиниши, депутатлар дахлсизлиги, судьялар мустақиллиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, уларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва ҳ.к.

Конституция қабул қилинган, 1791 йил 1 октябрда қонун чиқарувчи мажлисга янги сайловлар ўтказилди. Сайловларда фақат фаол фуқаролар қатнашиб, депутатлар мажлисида, асосан, уч гуруҳга бўлинди.

1-гуруҳ – қирол тарафдорлари, улар қирол ҳокимиятини кучайтириш мақсадида конституцияга ўзгартириш киритишни талаб қилади.

2-гуруҳ – жирондистлар, улар йирик буржуазия тарафдорлари бўлиб, конституциянинг кучда қолишини талаб этадилар.

3-гуруҳ – яқобинчилар майда буржуазия вакиллари сифатида демократик кайфиятда эдилар.

1792 йил ўрталарида қирол Людовик XVI нинг хоинлиги сабабли (у инқилобни бостириш мақсадида ҳамма ҳарбий хужжатларни чет давлатларга ўтказиб юборганди) Францияга қарши Австрия-Пруссия интервенцияси бошланди, душман Парижга қараб ҳаракатланди. Шу пайтда озиқ-овқат танқислиги натижа-

сида мамлакатда деҳқонлар кўзғолонлари ҳам бошланади. Халқнинг норозилиги тобора ошиб борганлиги туфайли, 1792 йил 10 августда Парижда кўзғолон бўлиб, унга Париж коммунаси бошчилик қилди. Монархия ағдарилди. Ҳокимият йирик буржуазия ва Париж коммунаси қўлига ўтиб, қўшҳокимиятчилик вужудга келди. Лекин қонун чиқарувчи мажлис коммунa талаби билан қонунлар чиқаришга мажбур бўлади. Ана шундай қонунлардан бири актив ва пассив фуқароларга бўлинишни бекор қилиш тўғрисида, 1792 йил сентябрда янги қонун чиқарувчи орган – Миллий конвентга сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунлар эди. Янгидан вужудга келган Миллий конвентда икки асосий партия: Жирондистлар ва Якобинчилар партиялари мавжуд бўлиб, конвент **1792 йил 27 сентябрда Францияни республика** деб эълон қилди (биринчи республика), янги календарь жорий этилди. Якобинчилар билан жирондистлар ўртасида кураш бориб, ниҳоят, 1793 йил 2 июнда жирондистлар конвентдан ҳайдалдилар. Шу даврдан Франция тарихида якобинчилар ҳукмронлиги даври бошланиб, у 14 ой давом этади.

Мазкур давр Франция инқилоби тарихида катта ўрин тутди, унинг энг юқори чўққиси бўлди. Бу босқичда 1793 йил 14 июль якобинчилар конституцияси қабул қилинган, у янги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси» ва конституция матнидан иборат эди.

Бу конституция ўрта тоифаларнинг радикал қарашларини ифодалаган, Франция тарихидаги ҳамма конституциялардан демократроқ десак, хато бўлмас.

1793 йили якобинчиларнинг «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»¹ асосига 1789 йилги декларация кўйилган бўлса-да, унда кўпроқ Руссонинг ғоялари ўз аксини топган. Чунки якобинчилар бошлиғи Робеспьер уни ўзига устоз деб билган.

Декларация жамиятнинг вазифаси умумий бахтдир, ҳукумат эса унинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш учун таъсис эти-

¹ Мазкур декларациянинг тўлиқ матни «Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран» (М., 1985) китобининг 234 – 236-бетларида келтирилган. Қонун матни 35 моддадан иборат.

лади деб эълон қилди. Мазкур ҳуқуқларга озодлик, хавфсизлик, мулк каби ҳуқуқлар киритилиб, уларга тушунча берилади. Хавфсизлик шахсга жамият томонидан ҳомийлик қилинишидир дейилади. Озодликнинг асосини табиат ташкил қилади. Унинг қоидаси эса адолатдир деб таърифланади. 1789 йилги декларациядан фарқли равишда бунда тинчлик сақланган ҳолда мажлислар ўтказилиши мумкин. Унинг муҳим қоидаларидан бири фуқарога бирор-бир меҳнат – касб фаолияти билан шуғулланиши тақиқланиши мумкин эмас, шунингдек, шартнома бўйича ўз хизматини таклиф этиши мумкин, қулчиликни қораловчи қоидаларни ўзида акс эттиради.

Жамият аъзоларининг тенглиги тўғрисида тўхталиб, «Барча инсонлар табиатан ва қонун бўйича тенгдир», – дейилади (3-модда). Чекланмайдиган, бекор қилинмайдиган ва тўхтаиб қўйилмайдиган жамоалар бўйича петициялар бериш ҳуқуқи эълон қилинади. Халқнинг муқаддас ҳуқуқи сифатида, ҳукумат халқнинг ҳуқуқларини бузганда, кўзғолон кўтариш ҳуқуқини эълон қилди (33-, 34-, 35-моддалар).

1791 йилги декларацияга нисбатан бунда фуқаролар жамиятдан камбағалларга яшаш учун зарур нарсалар берилишини, меҳнатга қобилиятсизларга ёрдам бериб, халқ маорифига ҳамкорлик қилиш ва барчага унга йўл очишини талаб қилишлари мумкин эди (21-, 22-моддалар). Бу моддалар Робеспьернинг талаби билан киритилган. Декларацияда Руссонинг фикрлари устун турганлиги учун ҳам, Монтескьенинг ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги ғоялари ўз аксини деярли топмаган.

Декларация суверенитетга аниқ тушунча бериб, халқ суверенитетининг хусусиятларини кўрсатади. **Суверенитет ягона, бўлинмас, бегоналаштирилмайди, вақт билан ўчмайди. Унга тажовуз қилиш қатл этиш жазоси билан жазоланади** дейилади (27-модда). Ўз конституциясини қайта ташкил қилиш, кўриб чиқиш, ўзгартириш ва тўлдириш халққа тегишлидир (25-, 26-, 28-м.). Халқ вакиллари ва уларнинг агентлари жинояти жазосиз қолиши мумкин эмас (30-, 31-м.).

«Давлат мансаблари моҳияти бўйича муваққатдир; уларни имтиёз деб ёки мукофот деб қараш мумкин эмас, балки у мажбуриятдир» (30-м.).

Суверенитет тушунчаси тўлалигича Руссонинг ғоялари асосида эканлиги яққол кўзга ташланади. У вакилликни рад қилган, унинг фикрича, халқнинг бир қисми ҳеч қачон барча халққа тегишли ҳокимиятни амалга ошириши мумкин эмас. Ушбу қоида ана шу ҳужжатда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди.

Декларацияда 1789 йилги декларациянинг жиноят процесси, жиноят ҳуқуқи борасидаги принциплари такрорланади. Шундай қилиб, мазкур ҳужжат ўрта тоифалар қарашларини ўзида акс эттиради.

Декларация 1793 йилги якобинчилар конституциясига кириш қисм бўлиб қўшилди. Бу конституция 25 сарлавҳа, 124 моддадан иборат, унинг ифода шакли қисқа ва қатъий (императив). Франциянинг давлат тузилиши ягона ва бўлинмас, унинг давлат бошқарув шакли республикадир.

21 ёшга тўлган, бир йил Францияда турғун яшаб, ўз меҳнати билан кун кўрган кишилар Франция фуқароси ҳисобланади. Халқ қонунни муҳокама этади ва қабул қилади. Дастлабки мажлис кантонларда 200 – 600 кишидан иборат 6 ой турғун яшаган фуқаролардан тузилади. Ҳар 41000 кишини бирлаштирган дастлабки мажлисдан 1 вакил сайланади. Фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланувчи ҳар бир фуқаро республиканинг ҳамма доирасидан сайланиши мумкин. Сайлов ўтказиш учун француз халқи ҳар йили май ойида тўпланади. Дастлабки мажлисга йиғилган фуқаролар ҳар 200 кишидан битта, 301 – 400 гача иккита, 501 – 600 гача учта сайловчи сайлайдилар (37-м.). Қонун чиқарувчи корпус ягона, бўлинмас, доимий иш олиб борувчи органдир (39-м.). Унинг мажлислари бир йилга чўзилади. **Миллий мажлис** мутлақ кўпчилик овоз билан қарор чиқаради. У худди 1791 йил 3 сентябрдаги конституцияда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириб қонун ва декретларни қабул қилади. Қонун лойиҳалари барча департаментларга юборилади. У ерларда дастлабки мажлисларда муҳокама қилинади.

Умумий бошқаришга раҳбарлик қилиш учун 23 кишидан иборат **Ижро кенгаши** ташкил қилинади. Республиканинг ҳамма коммуналари муниципал бошқармага эга, ҳар бир дистриктда ораликдаги бошқарма тузиш назарда тутилади. Ҳар бир депар-

таментда марказий бошқариш аппарати тузилади. Жиноят ишлари суди сайловчилар томонидан бир йилга сайланади. Айбланувчи ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланади (96-м.).

Бутун республика учун ягона шикоят суди тузилади. У сайловчилар мажлиси томонидан бир йилга сайланади. Суд юриши билан боғлиқ ишларни кўради. Конституцияга кўра, барча департаментларнинг талаби билан, ярми ва қўшимча биттасининг талаби билан **Миллий конвент**нинг мажлисларини чақириш мумкин. У эса қонунларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга. Сайлов ҳуқуқи, сайловчилар истаса, очиқ ёки ёпиқ ўтказилиши мумкин бўлган.

Бу қонунда 1791 йил 3 сентябрдаги конституцияда айтилган ҳокимиятнинг бўлиниши принципидан воз кечилди. Конвент ҳамма қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятини ўзи ва комитетлари орқали, асосан, **жамиятни қутқариш ва жамоат хавфсизлиги комитетлари** орқали олиб борди. Жамоатни қутқариш комитетини тузиш тўғрисидаги декрет 1793 йил 6 августда чиққан, у 9 аъзодан иборат бўлган. Мазкур комитет Робеспьер бошчилигида аксилинқилобчиларга қарши курашган. Конвентнинг 1794 йил 10 июндаги декрети билан **инқилобий трибунал** ташкил қилиниб, унда халқ душманларининг жинойий ишлари кўриб чиқилган.

Шу вақтларда бутун Франция бўйича якобинчилар клубининг бўлимлари бўлган халқ жамиятлари 44 мингга етди. Бундай шароитда инқилобни янада ривожлантиришдан ҳукмрон доиралар манфаатдор эмасди. У ўз олдига қўйган вазифани бажариб, янги муносабатларнинг ривожланишига йўл очиб берганди. 1794 йил 27 июлда якобинчилар диктатураси ўрнатилди, бу **9-термидор воқеаси** деб аталади. Шу йил Францияда инқилобий давр тугаб, йирик буржуазия давлат аппаратини ўз манфаатларига мослаб қайтадан туза бошлайди. Миллий конвент реакцион кучга айланади. 1794 йил 25 августда конвент янги конституция қабул қилди, у республиканинг 3-йиллигидаги конституция номини олди. Унда мулкий цензли сайлов ҳуқуқи ва икки палатали тизим қайтадан тикланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият 250 аъзодан иборат Оқсоқоллар кенгашига ва бешюзлар кенгашига берилади.

Ижро ҳокимияти 5 кишидан иборат бўлган директорияга топширилди, бу тузумнинг моҳияти, асосан, саноат буржуазияси манфаатларига мос ҳолда мамлакатни идора этиш эди.

1795 – 1870 йилларда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши. Кўп ўтмай директория мамлакатни бошқаришга ожизлик қилиб қолди. Натижада 1799 йил 9 ноябрда республика календари бўйича 8-йилнинг 18-брюмерида генерал Наполеон Бонапарт йирик молия ва саноатчиларга суянган ҳолда давлат тўнтариши ўтказди. Бу тарихда Наполеон Бонапартнинг 18-брюмери деган ном олган, унинг натижасида пайдо бўлган сиёсий тартиб 1799 йил 24 декабрда қабул қилинган конституцияда ифодаланиб, конституция республиканинг 8-йилидаги конституция дейилган.

Унга биноан, ижро ҳокимияти 3 консулга топширилди. Шуничи характерлики, шу 3 консул ичида 1-консул ҳал қилувчи ролни ўйнади. Бунда Бонапарт 1-консул, қолган 2 таси маслаҳатчи консул эди. У қонунчилик фаолиятида ҳал этувчи мавқега эга бўлиб, мамлакатни бошқаришга раҳбарлик қилган, фармойишлар чиқарган. Қонун чиқариш жараёни кўп поғонали эди, у қуйидаги босқичларга бўлинган:

1. Қонун чиқариш ташаббуси – бу 1-консул қўлида бўлган.
2. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш – бу вазифа Давлат кенгаши томонидан бажарилган, унинг аъзолари 1-консул томонидан тайинланган.
3. Лойиҳаларни муҳокама қилиш – трибунат олиб борган.
4. Қонунларни тасдиқлаш – қонунчилик корпуси бажарган.
5. Қўриқловчи сенат – бу қонунларни бажаришга санкция берган.

Францияда консуллик даври 1799 – 1804 йилларда амалда бўлди. 1804 йил 8 майда Франция империяга айланади. Наполеон I император деб эълон қилиниб, унинг ҳокимияти отадан-болага мерос бўлиб ўтиши, муддатсизлиги тасдиқланди. Шу муносабат билан Наполеоннинг авлодларидан иборат императорлик уйи тузилиб, унинг аъзолари сенатнинг ҳам аъзолари ҳисобланган. Империя ташкил топгандан кейин, 1799 йилги конституцияга асосан, мамлакатни марказлаштиришга қаратилган бир-

мунча ўзгартиришлар киритилди. Империянинг олий маъмурий органи **Давлат кенгаши** ҳисобланган, ҳамма маҳаллий идоралар унга итоат этадиган бўлди. Император ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро этувчи ҳокимиятни ўз қўлида тўплади. Унинг қонунчилик фаолияти ниҳоятда диққатга сазовордир.

1800 йил 13 июлда император Наполеон фармойиши билан фуқаролик кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш учун комиссия тузилиб, унинг таркибига ўз даврининг атоқли ҳуқуқшунослари киритилди. Комиссия 4 ой мобайнида кодекс лойиҳасини тузиб чиқди, шундан кейин бир йил ичида мазкур лойиҳа юқори суд идоралари муҳокамасида бўлди ва 1804 йил 21 мартда Давлат кенгаши томонидан тасдиқланди. У **Франция фуқаролик кодекси** деб аталди, кодекс кириш қисм ҳамда 3 китоб, 36 унвон, 2281 моддадан иборатдир.

1-китоб шахслар масаласига бағишланган, бунда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқати ҳақидаги умумий қоидалар баён этилган.

2-китоб мулк масаласига бағишланган, бунда мулк ҳуқуқи тусунчаси ва мулкнинг шакллари ҳақидаги қоидалар эълон қилинган.

3-китоб мулкка эга бўлиш ва унинг йўллари ҳақидаги, оила ва никоҳ, васият ва меросга оид қоидаларни ўз ичига олган. Кодекс Рим ҳуқуқининг «институция» тизими бўйича ёзилган, ўз даври қонунларининг намунали тўпламидир. У биринчи маротаба қисқа ва аниқ шаклда фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликнинг асосий қоидаларини яратди.

Мазкур кодекс ўрта аср ер муносабатларининг тугатилганлиги ва янги, саноат ишлаб чиқаришига асосланган жамиятнинг асосий принциплари ғалаба қозонганини қонунийлаштирди. Наполеон кодекси кўпгина давлатларда қабул қилиниб, алоҳида ўзгартиришлар билан амалга татбиқ этилди. Жумладан, Боденда, Берг герцоглигида, Варшава герцоглигида, Вестфалия, Ганновер, Ганзей давлатларида, Голландияда қўлланилди.

Наполеоннинг замондошлари у ҳақида: «У қилич билан нимани олган бўлса, перо билан ўзини шундан маҳрум этар эди», – деганлар. Жумладан, унинг замондоши бўлган ёзувчи Стен-

даль: «Наполеон суд процессини тезлаштириб уни адолатли қилди. У ўзининг энг маъқул иши бўлган ижоди – Наполеон кодексини ишлаб чиқди»¹, – деганди.

Ҳақиқатан ҳам, Наполеон кенг кодификация ишларини олиб борди, 1791 йилги «Жиноят ва жазолар ҳақида»ги қонунлар кодекси 1810 йилги Жиноят кодекси билан алмаштирилди, 1811 йили жиноят-процессуал кодекси, 1807 йили тижорат кодекси ишлаб чиқилишини ташкил этиб, уларнинг қабул қилинишига эришди.

Францияда императорлик ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, Н.Бонапартнинг муваффақиятсиз олиб борган урушлари Францияни иқтисодий инқирозга олиб келди. Бу ҳол Наполеондан саноат ва молия доираларининг юз ўгиришига сабаб бўлди.

Наполеон мағлубиятга учрагач, ҳокимият тепасига помещиклар келди, улар жазоланган Людовик XVI нинг укасини Людовик XVIII номи билан Франция қироли деб эълон қилдилар. Шу тариқа бурбонлар монархияси қайтадан тикланди.

Людовик XVIII тахтга ўтириши билан конституциявий ҳужжат қабул қилди, у 1814 йилги хартия номини олди. Конституциявий монархия бошқариш шакли эълон қилинди, хартиянинг 15-моддасига биноан, қонун чиқарувчи ҳокимият қирол, пэрлар ҳамда депутатлар палаталари томонидан олиб бориладиган бўлди.

Хартия 2 палатали парламентни ўрнатди, юқори палата – пэрлар палатаси қирол томонидан тайинланган, қуйи палата – депутатлар палатаси 2 поғонали сайлов орқали сайланган.

Хартия сайловчи ва сайланувчиларга нисбатан юқори сайлов цензи жорий қилди, сайлов ҳуқуқидан 300 франк солиқ тўлайдиган кишилар, сайланиш ҳуқуқидан 1000 франк солиқ тўлайдиганлар фойдалана олган, сайлаш учун 30 ёшга, сайланиш учун 40 ёшга тўлган бўлиш шарт эди. Бу даврда полициячи давлат аппарати сақлаб қолиниб, ундан халқнинг норозилиги тобора кучайиб борди. 1815 йили халқ Наполеонни зўр хурсандлик билан кутиб олди. У 100 кун ҳукмронлик қилди. Лекин ҳал қилувчи

¹ Стендаль. Сочинения. Т.11. – М., 1954. – С.41.

жангда енгилгач, иттифоқчи қўшинлар томонидан сургун қилинди ва 1821 йили вафот этди.

1824 йили Франция тахтига Людовик XVIII нинг укаси граф Артуа Карл X номи билан ўтиради. Шуни айтиш керакки, граф Артуа илгари инқилобнинг биринчи куниданоқ реакцион кучларга бошчилик қилган шахс эди. Шунинг учун унинг даврида бир қанча реакцион қонунлар, жумладан, ордонанс қонунлар қабул қилинди, депутатлар палатаси тарқатилди, сайловнинг тенг бўлмаган тизими жорий этилди, сайловолди йиғилишлари ўтказиш тақиқланди. Помешчикларга инқилоб даврида тортиб олинган ерлари қайтариб берилди.

Натижада халқ оммасининг норозилиги ўсиб, 1830 йил июль ойида қўзғолон бошланди. Қўзғолончилар қирол саройини эгаллаб, Карл X ни тахтдан ағдардилар. Бурбонлар монархияси қулаб, ҳокимият тепасига қисман монархияга қарши савдо-саноат аҳли келди, янги 1830 йилги хартия қабул қилинди. Унинг мазмуни 1814 йилги хартияга ўхшаш эди. Конституциявий монархия жорий қилиниб, тахтга Луи Филипп ўтирди. Ушбу қонуннинг 1814 йилги хартиядан асосий фарқи шунда эдики, сайлов ҳуқуқи кенгайтирилиб, сайлаш учун ценз 1000 франк 500 га, ёш эса 40 дан 30 га туширилди. Вужудга келган монархия **июль монархияси** номини олди. Халқ мазкур инқилоб натижаларидан қаноатланмади. Чунки унинг талаблари қондирилмаганди. Шунинг учун 1848 йили яна инқилоб бошланди.

Июль монархияси худди француз миллий бойлигидан фойдаланувчи акционерлик компаниясидек бир нарса бўлиб, унинг фойдаси министрлар орасида тақсимланган, Луи Филипп эса бу компания директорига ўхшарди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, 1848 йил февраль инқилобида ишчилар биринчи мартаба ўз сиёсий талаблари билан мустақил куч сифатида чиқди. Ишчилар таъсири остида Франция республика деб эълон қилинди. Қарама-қаршиликлар натижасида шу йилнинг июнида яна инқилоб бўлиб ўтиб, олдин тузилган вақтли буржуа ҳукумати уни бостирди.

1848 йил ноябрида Таъсис мажлиси янги конституцияни қабул қилди. Бунда биринчи мартаба Франция тарихида ишчиларга

меҳнат қилиш ҳуқуқи, текин бошланғич таълим олиш ҳуқуқи, касба уюшмалари ҳуқуқлари, хўжайинлар билан ишчиларга тенг ҳуқуқлар берилди. Лекин мазкур ҳуқуқлар фақат қуруқ ваъда бўлиб, кафолатланмаганди.

Давлат тузуми. Иккинчи республика эълон қилиниб, ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосланилди. Қонунчилик ҳокимияти 750 депутат сайланадиган бир палатали Мажлисга топширилиб, ижро ҳокимияти плебицист орқали 4 ойга сайлаб қўйиладиган президентга топширилди. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Миллий мажлис томонидан сайлаб қўйиладиган Давлат кенгаши тузилди.

Президентга кенг ҳуқуқлар берилди, у маъмурий, полиция ва армия бошлиғи эди. Шундай қилиб, конституциянинг ҳар бир банди ўзига-ўзи қарама-қаршилик қиларди. Агар юқоридаги моддада озодлик эълон қилинса, қўида, эслатмада, уни бекор этарди.

Иккинчи империя. 1848 йил декабрь ойида президент сайловлари бўлиб ўтди, Луи Наполеон Бонапарт (Наполеоннинг жияни) президент этиб сайланди. У монархия тарафдорлари ва деҳқонларга, шаҳарликларга таянган ҳолда 1851 йил 2 декабрда давлат тўнтариши ўтказди. Натижада буржуазиянинг очиқ диктатураси, унинг янги шароитларига мослашган шакли – **бонапартизм** вужудга келди.

1852 йил 14 январда конституция қабул қилинди, унга бинан, барча ҳокимият 10 йилга сайланадиган президентга топширилди. Унинг ҳузурида учта муассаса: қонун лойиҳаларини ишлаб чиқадиган президент томонидан тайинланган **Давлат кенгаши**, қонун лойиҳаларини муҳокама қилувчи, сайлаб (плебицист йўли билан) қўйиладиган **қонунчилик корпуси** ва конституцияни қўриқловчи президент томонидан умрбодга тайинландиган 150 кишилик **сенат** мавжуд бўлган. Министрлар президент томонидан тайинланиб бўшатишган, улар қонунчилик корпуси олдида жавобгар бўлганлар.

Луи Наполеоннинг сиқуви остида 1852 йил 7 ноябрда сенатус-консулт чиқиб, Францияда **императорлик** ҳокимияти тикланади ва унга императорлик унвони берилади. Наполеон III деб

атала бошлаган Луи Наполеон давлат тўнтариши қилиб парламентаризмни тугатди. Унинг ҳокимиятни бошқариш даври, умуман, иккинчи империя даври икки босқичга: «авторитар» ва «либерал» монархия давларига бўлинади. Авторитаризм даврида Наполеон III ўзининг шахсий ҳокимиятини кучайтириш мақсадида бошқаришни бюрократлаштиришга максимал куч сарфлайди. Қонунчилик корпуси императорга содиқ кишилардан сайланган. Ҳатто сенатус-консулт билан депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлар департаментларга келиб, конституция ва монархга содиқликка тилхат берганлар.

1860 йилдан Наполеон III ўзининг бошқариш тузумига ўзгартириш киритишга мажбур бўлади. Шундан кейинги давр либерал монархия даври деб аталади. Бунда қонунчилик ҳокимияти император, сенат ва қонунчилик корпусига топширилади. Иккинчи империя 1870 йили қулади.

Париж коммунаси. XIX асрнинг иккинчи ярмида Францияда иккинчи империя вақтида бўлган 1871 йил 18 мартдаги пролетар инқилоби Франция ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қонуний натижаси эди. Инқилоб арафасида Франция Англияга нисбатан саноат ишлаб чиқаришида орқада бўлса-да, 1870 йилга келиб жаҳон бозорига 1,5 миллиард франкли товар чиқарди. Йирик саноат ишлаб чиқариши ривожланиб, ишчилар ҳам сон жиҳатдан ўсди, масалан, инқилоб арафасида Парижда 500 минг ишчи мавжуд эди.

Ишчиларнинг яшаш шароити ниҳоятда оғир бўлиб, иш куни 12, ҳатто 13 соатга чўзиларди. Иш ҳақи эса янада аянчли аҳволда эди, 1870 йили 300 иш кунига 900 франк ҳақ тўлангани ҳолда, 4 кишилик оиланинг реал харажатлари бир йилга 1385 – 1700 франкни ташкил қилган.

Ишчиларнинг сон жиҳатдан кўпайиши, уларнинг иқтисодий шароити тобора ёмонлашгани сари, улар орасида «социал республика», «социал озодлик» каби ғоялар янада кенг тарқалиб, ўрнатилган сиёсий тузумга нисбатан қаршилик кучая борди. Аммо Францияда ишчиларни ғоявий жиҳатдан қуроллантирадиган, уларнинг курашига раҳбарлик қила оладиган ягона сиёсий партия йўқ эди.

1791 йилги Ле Шапелье қонуни ишчиларнинг касаба уюшма-

ларига бирлашишни тақиқлаган бўлса-да, 1870 йилга келиб уларнинг сони жуда кўпайди. 1869 йили Парижда 50 ишчи иттифоқини бирлаштирган ишчи жамиятларининг федерал палатаси вужудга келди.

1870 – 1871 йилги Франция – Пруссия уруши мамлакат учун аянчли яқунланди. 1870 йил 2 сентябрда Седан ёнида француз кўшинларининг зарбдор кучлари енгилиши уруш тақдирини рақиб фойдасига ҳал этди.

30 октябрда Метц ёнида 170 минг кишилик француз армиясининг жангсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги хабар Парижга етиб келиши билан, янгидан кўзғолон кўтарилиб, ҳукумат биноси қўлга олинди. Шу куни 20 округ вакиллари мажлисда коммунага сайловлар ўтказилишини эълон қилди. Лекин кўзғолон 31 октябрда миллий гвардия батальонларига таянган ҳолда Трошю ҳукумати томонидан бостирилди.

Франция таслим бўлган кун – 1871 йил 28 январда миллий гвардия 145 батальонининг офицерлари миллий гвардия марказий комитетини тузиш талаби билан чиққандилар. 1871 йил мартада Франция миллий гвардиясига раҳбарлик қилиш статуси ишлаб чиқилиб, батальон комитетлари, легион кенгашлари ҳамда 60 аъзодан иборат марказий комитет ташкил қилинди.

Тьернинг янги тузилган ҳукумати «тинчлантириш» режасини амалга ошира бориб 17 мартда ҳарбий кенгаш чақиради. Бу кенгаш миллий гвардияни қуролсизлантиришга, МК аъзоларини қамоққа олишга ҳамда республикачи ва демократик ташкилотларни тор-мор этишга қарор қилади. 18 март тунда ҳукумат кўшинларининг миллий гвардияни қуролсизлантириш мақсадида олиб борган ҳужуми барбод бўлиб, халқ билан ҳукумат кўшинлари ўртасида тўқнашув юз беради. Натижада Тьер ва унинг ҳукумати Версалга қочиб, ҳокимият миллий гвардия марказий комитети қўлига ўтади. Марказий комитет 18 март эрталаб инқилобий ҳаракатга раҳбарликни ўз қўлига олади. Унинг буйруғига асосан миллий гвардия батальонлари шаҳарнинг энг муҳим пунктларини қўлга киритади. У ишчилар ҳокимиятининг органи сифатида ҳаракат қилиб, пойтахтдаги ҳамма министрликлар ва идоралар устидан назорат ўрнатади.

Коммуна қамал қилинган Париж шаҳрида ташкил топган, уни жануб ва ғарбдан версалчилар, шарқ ва шимолдан 150 мингли прусс армияси блокада қилиб турарди. Тьер ҳукумати Пруссия ёрдамида қўшинлар миқдорини 130 мингга етказиб, май ойида коммуначилардан ўч олишга киришади. 13 минг киши сургунга юборилди. 1874 йилгача ҳарбий судларда коммуначилар устидан 50 мингга яқин ҳукм чиқарилди.

Коммуна 72 кун яшаган бўлса-да, унинг тарихда биринчи, янги типдаги давлатни яратиш тажрибалари жуда катта аҳамият касб этди.

18 мартдаёқ миллий гвардия МК қарор чиқариб ҳарбий судларнинг қамал ҳолатини бекор қилди. 29 мартда Коммунанинг декрети чиқди, доимий армия тугатилиб, унинг ўрнига миллий гвардия келганлиги эълон қилинди. Декрет: 1. Армияга рекрутлар чақирилишини бекор қилди. 2. Парижда Миллий гвардиядан ташқари ҳеч қандай қуролли кучлар тузилиши мумкин эмаслигини белгилади. 3. Хизматга яроқли ҳамма аҳолини миллий гвардия таркибига киритиш тартибини белгилади. Шу билан бирга, жандармерия ва полиция ҳам тугатилди. Коммуна эски, ўзини халқдан юқори қўювчи, унга қарши турувчи доимий армия ўрнига қуролланган халқни ўзида мужассамлаштирган армияни қўйди. 22 мартда МКнинг қарори чиқиб, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришни хоҳламаган ҳамма амалдорларнинг мансабидан дарҳол бўшатилиши эълон қилинди. 2 апрелда Коммунанинг махсус декрети билан амалдорларга белгиланган юқори маошлар бекор қилинди. Уларнинг оладиган йиллик маоши миқдори 6 минг франк, яъни малакали ишчининг йиллик маоши билан деярли баробар қилиб белгиланди.

Коммуна эски давлат аппаратини синдира бориб ўзининг ҳам мазмунан, ҳам фаолияти билан фарқланувчи ҳокимият органларини ташкил қилди.

Олий давлат ҳокимияти коллегиял орган – **Париж коммунаси кенгаши** томонидан олиб борилди. Коммуна қўлида қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тўпланган, у демократик тартибда сайланган.

26 мартда коммунага сайловлар бўлиб, унга 86 депутат сай-

ланди. Лекин 21 делегат кейинчалик унда ишлашдан воз кечди. Натижада коммунада, асосан, ишчилар вакиллари бўлган 64 делегат қолди, 16 апрель кўшимча сайловлар ўтказилиши натижасида, коммуна делегатлари сони яна 80 кишига етди. Булардан 34 киши ишчи, 12 киши хизматчи, 34 киши интеллигенция ва жамиятнинг қолган табақалари вакиллари эди. Партиявийлиги жиҳатдан бланкистлар ва уларнинг тарафдорлари 24, прудонистлар 22, социалистлар 3, янги яacobинчилар 15 кишидан иборат эди. Коммуна доимий ўз мажлисларини ўтказган, унга сайлаб қўйилган президиум раҳбарлик қилган, президиум раис, икки ўринбосар ва икки котибдан иборат таркибда иш олиб борган.

Коммуна 29 мартдаги ўзининг биринчи мажлисидаёқ олдинги министрликлар вазифасини амалга оширувчи коммунанинг қарорларини ҳаётга татбиқ этувчи 10 комиссия ташкил этди: 1. Ижро комиссиеси. 2. Ҳарбий ишларни ташкил этувчи ҳарбий комиссия. 3. Озиқ-овқат комиссиеси. 4. Молия комиссиеси. 5. Адлия комиссиеси. 6. Республиканинг дахлсизлигини ва жамиятнинг хавфсизлигини қўриқлаш комиссиеси. 7. Меҳнат комиссиеси. 8. Почта, телеграф, йўл тармоқлари ишлари билан шуғулланувчи жамоат хизмати комиссиеси. 9. Ташқи алоқалар комиссиеси. 10. Маориф комиссиеси.

Диний ишлар вазирлиги тугатилди. Комиссия аъзолари раиси бир вақтда коммуна кенгашининг ҳам аъзолари бўлиб, улар фақат қонун чиқаришдагина эмас, балки унинг ижросида ҳам қатнашганлар. Маҳаллий бошқарув тизими ҳам тубдан ўзгартирилиб, 30 мартдаги декретга биноан, ҳар бир округга раҳбарлик коммунанинг мазкур округдан сайланган бир делегатига юкланди. Округ фаолларидан комиссия тузилиб, округ муниципалитети функцияси унга топширилди. Адлия соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилди, суд ҳокимияти келиштирувчи судлар, фуқаролар суд палатаси ва версалчиларнинг ишлари бўйича айблов ҳакамлигига топширилади. Келиштирувчи судлар биринчи инстанция суди бўлиб, меҳнат, фуқаролик, жиноят ҳуқуқи оид ишларни кўрган, улар сайлаб қўйилган. Айбловни қувватлаш мақсадида прокуратура ташкил этилган, дастлаб унинг функцияси айблов ҳакамлигида айбловни қувватлашдан иборат бўлди. У

коммуна прокурори ва унинг 4 ўринбосаридан иборат бўлиб, коммуна кенгаши томонидан сайланган.

Коммуна амалга оширган тадбирлар унинг қонунчилик фаолиятида ифодаланади. Коммуна қонунлари қуйидаги масалаларга оид:

а) фуқароларнинг озодлиги ва ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар (10 апрелдаги хотин-қизларнинг пенсия олиш ҳуқуқи тўғрисидаги декрет; 14 апрелдаги қамоққа олиш тартиби тўғрисидаги декрет; 2 апрелдаги черковни давлатдан ажратиш – виждон эркинлиги тўғрисидаги декрет ва бошқалар).

б) социал-иқтисодий қонунлар (29 мартдаги квартира ҳақи ва ломбардлар тўғрисидаги декрет; 6 майдаги ломбардлардаги ашёларни бепул қайтариш тўғрисидаги декрет; 24 апрелдаги «Бўш квартираларни реквизиция қилиш ҳақида»ги декрет; 20 апрелдаги ижро комиссиясининг «Новвойхоналардаги тунги меҳнатни бекор қилиш» тўғрисидаги қарори; коммуналнинг 16 апрелдаги ташлаб кетилган устахоналарни ассоциацияларга бериш тўғрисидаги декрети);

в) одил судловга тегишли қонунлар (5 апрелдаги Версаль ҳукумати тарафдорларини судга бериш тўғрисидаги декрет; 27 апрелдаги ижро комиссиясининг хусусий юрисдикциясини тақиқлаш тўғрисида қарори ва бошқалар).

Коммуна қонунчилиги ичида 1871 йил 19 апрелдаги Коммуна декларацияси алоҳида ўрин тутаети. Декларация асосий дастур аҳамиятига эга ҳужжат бўлиб, унда коммуналнинг давлат тузилиши, шахснинг ҳуқуқлари, унинг кафолати, коммуна бюджети, муниципал хизматни ташкил қилиш, амалдорларни сайлаш тартиби тўғрисида гапирилади.

«Париж, – дейилади декларацияда, – бошқаришнинг ягона шакли жамиятнинг тенг ва тўғри ривожланиши учун мос республика тузумини тан олиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда».

Ҳар бир французга унинг ҳамма истеъдоди ва иштиёқининг ривожланишига, бутун Франция бўйича коммуналарнинг тўла автономиясига эришмоқда.

Жаҳонда биринчи мартаба янги типдаги давлат ва ҳуқуқни вужудга келтирган Париж коммунаси жуда қисқа вақт умр кўрди.

Коммунанинг энгилиш сабаблари ҳамда унинг аҳамияти кейинчалик чуқур ўрганилди.¹ У Европа ишчилари олдиға социал дастурни аниқ мақсад қилиб қўйишни ўргатди.

Францияда учинчи республика ва унинг қонунлари. Францияда Париж коммунаси энгилгандан кейин, 70-йилларда вужудға келган асосий масалалардан бири унинг давлат тузуми масаласи эди. Ҳокимият бошиға келган кучлар республика муассасаларини тузишға шошмади. Монархистларнинг турли гуруҳлари: легитимистлар, орлеанчилар, бонапартчилар мавжуд эди, лекин мамлакатда монархияни қайта тиклаш учун шароит йўқ эди. Миллий мажлис депутатлари, агарда мамлакатда монархия тузуми эълон қилинса, янгидан инқилоб тўлқини вужудға келишини яхши тушунардилар. Ниҳоят, Миллий мажлис 30 январда республика тузумини тан олиб, 1875 йил 25 февралда 3 та асосий қонунни: 1. «Давлат ҳокимиятларининг ташкил қилиниши ҳақида»; 2. «Сенатни ташкил қилиш ҳақида»; 3. «Давлат ҳокимиятларининг ўзаро таъсири ҳақида»ги қонунларни қабул қилди.

Мазкур қонунлар конституциявий қонунлар ҳисобланиб, олий давлат ҳокимият органларининг ташкил топиши ва уларнинг ваколатини белгилади. Конституциянинг бундай тузилиши янги давлат тузумининг умумий принципларидан четлаб ўтиш имконини берди, бу қонунларда республика эълон қилинганини, сўз эркинлиги, матбуот, мажлислар, намоишлар ўтказиш эркинлиги тўғрисида бирор моддада гапирилмади.

Қонунчилик ҳокимияти депутатлар палатаси ва сенатга топширилди. Давлат бошлиғи президент ҳисобланиб, иккала палата депутатларининг мутлақ кўпчилик овози билан 7 йил муддатга сайланган.

У иккала палата депутатлари қаторида қонунчилик ташаббусига эга, қонунларни эълон қилиб, бажарилиши устидан назорат олиб боради. Авф эълон қилиш, ҳамма ҳарбий ва фуқаро мансабдорларини тайинлаш, ташқи алоқаларда давлат номидан

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Государство и право Парижской коммуны. – М., 1971. – С.122.

қатнашиш ҳуқуқларига эга, унинг чиқарган актлари бирор министрнинг имзоси билан мустаҳкамланган.

Президент сенатнинг розилиги билан қонуний муддати тамом бўлмасданоқ депутатлар палатасини тарқатиб юбориши мумкин. Бундай ҳолларда қайта сайлов ўтказилади. Министрлар иккала палата олдида ҳукумат сиёсати бўйича жавобгардирлар. Президент эса, фақат давлатга хиёнат қилсагина, жавобгарликка тортилган. Олий ижро ҳокимияти Министрлар кенгашига берилган. Миллий мажлиснинг юқори палатаси Сенат ҳисобланиб, у қонун чиқариш ташаббусига эга. Айрим ҳолларда республика президенти ва министрларни суд қилиш учун Франция Олий судига айланиши мумкин. Сенат сайловлар ўтказиш йўли билан ташкил қилинган. Сенат ва депутатлар палаталари ҳар йили январь ойида чақирилиб, 5 ой мажлис қилиши лозим бўлган. Президент Миллий мажлис билан мактуб орқали боғланган, унинг йўлланмалари парламент трибунасидан бирор министр томонидан ўқиб берилган. Конституцияда давлатнинг олий бошқарув органларига бағишланган махсус бўлим йўқ, балки мана шу учта қонунда бу ҳақда гапирилганди.

Монархиячилар ва республикачилар ўртасидаги кураш 1875 йилдан кейин ҳам тўхтамади. Чунки монархия ёрдамида буржуазиянинг алоҳида қатлами имтиёзли мансабларни эгаллаб олиш умидида эди. «Ҳокимиятни монополия» қилиб олишга даъвогар сифатида майда ва ўрта буржуазия чиқди. Бу буржуазия ўзининг иқтисодий ҳолатига қараб катта давлат мансабларини эгаллаб олишдан умид қилмасди. Улар республика тузуми тарафдори эдилар. Шунинг учун 1877 йили президент Мак Магон монархияни тиклаш учун уринганда, республика тузумини яқдил бўлиб қувватлаган халқ оммаси, аввало, ишчиларнинг қаршилигига дуч келиб муваффақиятсизликка учради ва 1889 йили ўз ваколатини муддатдан олдин топширди. Мамлакатда республика тузуми мустаҳкамланиб борди. 1884 йили, демократик ҳаракат ривожланган бир вақтда, 1875 йилги конституцияга муҳим тузатишлар киритилди. Бошқаришнинг республика шаклини кўриб чиқиш, Францияда ҳукм сурган сулолаларга мансуб кишиларнинг президентлик лавози-

мига сайланишлари тақиқланди. Махсус қонунлар билан сўз, матбуот эркинлиги жорий этилди. Касаба уюшмаларининг очиқ тузилиши қонунийлаштирилди. Шундай қилиб, Францияда республика тузуми 1890 йил 4 сентябрда узил-кесил қарор топган.

1905 йили Бирлашган социалистик партия ташкил топди.

Мазкур даврда Франция давлатига характерли бўлган нарса унинг аста-секинлик билан молия капиталига қарам бўла бориши, молия олигархиясининг депутатларни ва амалдорларни солиб ола бошлашидир. Коррупция учинчи республика тузумининг ажралмас бир қисмига айланиб қолди. Молия зодагонларининг мавқеи мустақамланишида француз банки алоҳида роль ўйнади. Бу банк банкнот чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, миллий кредитни тақсимларди.

Учинчи республика даврининг яна бир характерли белгиси парламентаризмнинг сусая боришидир. Бу даврда депутатлар палатаси 4 йил муддатга можаритар тизим асосида ҳар бир округдан бир депутат сайланарди. Биринчи турда мутлақ кўпчилик овозни олган номзод сайланган ҳисобланарди. Кўп партияли Франция шароитида биринчи турда кўп овоз олиш камдан-кам кузатиларди. Шунинг учун иккинчи тур сайлов ўтказиларди. Иккинчи турда эса турли партиялар ўз овозларини бирлаштириб умумий номзод кўрсатардилар. Бу йўл билан ҳокимият органига илғор фикрли кишиларнинг сайланишига тўсқинлик қилинарди.

Сайловларда 21 ёшга тўлган Франция фуқаролари, бир жойда камида 6 ой ўтроқ ҳолатда яшаган бўлсалар, қатнашишлари мумкин бўлди. Аёллар, ҳарбий хизматчилар, мустамлакалар аҳолиси сайлов ҳуқуқидан маҳрум эди.

Сенаторлар ҳар бир департаментда алоҳида коллегия томонидан 9 йилга сайланган, мазкур коллегия бош маслаҳатчилар, қишлоқ ва шаҳар муниципалитети делегатларидан ташкил топарди. Мамлакатда қишлоқ муниципалитетлари кўп бўлганлиги учун, сайловчилар коллегиясида йирик ер эгалари вакиллари кўпчиликни ташкил қиларди. Шунинг учун Сенат кўпинча консерватив кайфиятдаги таркибдан иборат бўларди.

Француз монополияларининг ғайримиллий сиёсати молия

олигархиясида реал ҳокимиятнинг Министрлар кенгаши қўлида тупланиши учун ҳаракат уйғотди.

Ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини кенг доирада қўллаб, қонунларни муҳокама қилишда министрлар таклиф этган қонунларнинг устунлигини таъминлашга эришди. XX асрда «регламентлар» деб аталувчи ҳукумат актларининг роли ошиб борди. Регламентлар ҳаракатдаги қонунларни аниқлаштириш учун мўлжалланган бўлса-да, амалда бу қонунларни ўзгартириб, уларни тўлдирарди. Ижро ҳокимияти ролининг ўсиб боришини тез-тез бўлиб турадиган кабинет алмашишлари ҳам тўхтата олмасди.

Бу даврларда президент томонидан тайинланадиган Давлат кенгашининг роли, айниқса, ошиб кетди, у ҳукуматга бошқариш масалалари бўйича тушунтиришлар берар, ҳукумат томонидан чиқариладиган актларга катта таъсир ўтказарди.

Бу даврга келиб оммавий, умумҳарбий мажбурият асосида доимий армия ташкил қилинди. Мустамлакачилик ҳаракатининг кучайиши билан, алоҳида колониал қўшинлар вужудга келди.

Учинчи республиканинг жазо органлари ичида полиция, жан-дармерия ва республика гвардияси алоҳида роль ўйнади. Улар, асосан, иш ташлашлар ва стачкаларни бостирарди.

Департаментларда ҳукуматнинг вакили перфект бўлиб, у ички ишлар министрининг тақдимига кўра президент декрети билан тайинланган. У ҳам фуқаро, ҳам ҳарбий давлат органларига раҳбарлик қилиб, барча мансабдор шахсларни тайинлаган. Округлар бошидаги супперфектлар эса бевосита ички ишлар министри томонидан тайинланган. Департаментларда генерал кенгашлар ва коммуна кенгашлари мавжуд бўлиб, улар, асосан, ободончилик ишларини ҳал этарди. Лекин мазкур органларнинг роли жуда паст эди, чунки перфект уларнинг қарорларига вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлган. Муниципалитетларнинг қарорлари эса, перфект томонидан тасдиқлангандан кейингина, кучга кирарди. Учинчи республика тузуми Францияда танаффуслар билан 1946 йилгача яшади.

3. Германия

«Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» кулаши ва янги иттифоқ учун ҳаракат. Саккиз юз йиллар чамаси яшаган «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» Наполеон қўшинларининг ғалабалари остида емирилди. Наполеон жаҳон империясини қуришга интилиб босиб олинган герман князликларини бирлаштирди, уларни дастлаб Герман конфедерациясига, кейинчалик Рейн иттифоқига (39 давлатни) бирлаштирди. Австрия императори Франц II рим-герман императорлиги тожини кийишни рад этди. Шундай қилиб, 1806 йили «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси» расман тугади. Янги иттифоқ халқаро шартнома кўринишидаги актни тузиш билан расмийлаштирилди. У Франкфуртда Иттифоқ кенгаши (Бундестаг) ягона конфедератив органини тузишни мустақкамлади. Протектор Наполеон эса Рейн иттифоқи хавфсизлигини таъминлаш, иттифоқ номидан уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилиш, қуролли кучлар устидан олий кўмондонликни амалга ошириш ваколатларига эга эди. Шундай қилиб, Рейн иттифоқи конфедерация кўринишида бўлса-да, амалда Франция протекторати остидаги давлат эди. Иттифоқ кенгаши амалда бирор марта чақирилмади.

Мазкур иттифоқ таркибига Наполеон билан уруш олиб борган икки давлат: Австрия ва Пруссия киритилди. Пруссия ҳудудига 150 минг француз солдати жойлаштирилиб, у Францияга 120 миллион франк товон (контрибуция) тўлайдиган бўлди.

Рейн иттифоқи даврида катта ижтимоий-сиёсий воқеалар юз бермаган бўлса-да, қуйидагилар диққатга сазовордир: а) князликларнинг ерлари рўйхатга олиниб (цекуляризация), баъзи шаҳарларнинг автономияси тугатилди; б) 1806 йили кичик давлатларнинг ерлари катта давлатлар таркибига (медитизация) киритилди; в) немис деҳқонларининг крепостной қарамлик ҳолати тугатилди; г) катта, марказлашган давлатлар: Бавария, Саксония, Баден, Вюртембург, Люксембург, Гассен кабилар вужудга келди.

Франциянинг 1814 йилги мағлубияти, 1815 йили халқаро

қўшинлар томонидан Наполеон армиясининг тор-мор келтирилиши, Пруссия, Австрия, Россия, Англиянинг қўллаб-қувватлаши билан янги давлат бирлашмаси, тарқоқ конфедерация шаклидаги янги 34 давлатдан ташкил топган **Германия иттифоқи** вужудга келди. Аммо бу иттифоқда давлатнинг марказий ва маҳаллий идора органлари йўқ эди. Иттифоқ сейми алоҳида герман давлатлари томонидан тайинланадиган амалдорлардан ташкил топган, улар мустақил ваколатларга эга эмасдилар. Фақат ўз ҳукуматлари розилигига қараб турардилар. Бу иттифоқ кейинчалик 39 аъзодан: 35 суверен давлат, 4 эркин шаҳар (Гамбург, Любек, Бремен, Франкфурт)дан иборат бўлиб, у аввалги рейхнинг барча ҳудудини, Австрия ва Пруссияни ҳам бирлаштирган, суверен давлатларнинг озод конфедерацияси характерида эди. Унинг аъзолари ўзга давлатлар билан дипломатик алоқалар олиб боришлари мумкин эмасди. Император ҳокимияти тикланмади, иттифоқнинг ягона органи Иттифоқ сейми бўлиб, у амалда мустақил суверен давлатларнинг дипломатик кенгашидан иборат эди. Унда жами 69 депутат мавжуд эди. Шундан Пруссия, Вюртембург, Бавария, Саксония, Ганновер қиролликлари 4 тадан депутат, бошқа давлатлар эса 2 – 3 ёки 1 та вакилга эга эдилар. Кичик Кенгашда эса 17 вакил бўлиб, унинг мажлисларига Австрия вакили раислик қиларди. Бу иттифоқда гарчи барча тенг деб ҳисобланса-да, ҳарбий-иқтисодий устунлик туфайли Австрия-Пруссиянинг таъсири сезилиб турарди.

XVIII аср охирларида кўпчилик немис давлатларида мутлақ монархия ҳукмрон эди. Инқилобий Франция билан урушнинг бориши жараёнида конституциявий тузум ўрнатиш тенденцияси пайдо бўлди. Мутлақ монархияни конституциявий давлатга айлантириш секин-асталик билан борди. 1814 – 1820 йилларда Вюртембург, 1819 йили Ганновер, 1818 йили Бавария ва бошқа тўққиз давлатда ҳадя қилинган конституциялар пайдо бўлди. Шунинг учун уларда яққаҳоқимлик давлат бошқаруви сақлаб қолинди. Унинг асоси сифатида француз қироли Людовик XVIII конституциявий хартияси олинганди. Бу конституциялар икки палатали парламент тузумини назарда тутди.

Герман иттифоқи давридаги Германия сиёсий ҳаётининг кўзга

кўринадиган воқеаси икки кучли немис давлати: Австрия ва Пруссиянинг гегемонлик учун кураши эди. Кўпгина конституциялар монархия ҳокимиятининг наслий характерини четлаб ўтдилар. Давлатнинг олий органлари тизими шундай тузилдики, монарх давлат бошлиғи, у ландтаг билан бирга қонунчилик ҳокимиятига ҳамда ижро ҳокимиятига раҳбарлик қиларди. Қонунчилик, вакиллик органи ёки икки палатали ландтаг демократик бўлмаган сайлов қонунлари асосида вужудга келади. Ижро ҳокимияти монарх томонидан тайинланадиган президент ёки канцлер орқали амалга оширилади. Конституциялар расман немис монархларининг қонун олдидан тенглиги, судьяларнинг мустақиллиги, виждон эркинлиги кабиларни мустаҳкамлади. Шу иттифоқ доирасида бир қанча ислохотлар: 1807 – 1810 йилларда крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши, 1813 – 1815 йилларда ҳарбий ислохотлар, 1806 – 1808 йилларда давлат бошқаруви ислохоти ўтказилди. Уша давр Германияси иқтисодининг бош масаласи божхона тўсиқларини олиб ташлаш эди. 1818 йили Пруссия ўзининг ички божхона тўсиқларини олиб ташлагач божхона иттифоқи тузишга киришди. Пруссия бошчилигида савдо-пул тизимлари муваффақиятли унификацияланди. Ана шу вақтда Германияни бирлаштириш ғояси пайдо бўлди. Мамлакатда ушбу ғоя учун курашувчи қатор ташкилотлар вужудга келди: «Ёш Германия» (Г.Гейне унинг фаоли эди), «Таъқиб қилинганлар иттифоқи», Париждаги эмигрант ҳунармандлар тузган «Адолатлилар иттифоқи» ва ҳ.к.

XIX асрнинг 40-йилларида ишчиларнинг қатор кўзғолонлари, масалан, 1844 йилги Силезия тўқимачилари кўзғолони рўй берди, айниқса, 1847 йилги картошка ҳосилсизлиги инқилобий инқирозни кучайтириб юборди. Бунга жавобан прусс қироли Фридрих IV ваколатли орган мажлисини чақириш лозим деб ҳисоблади, дастлаб 1847 йили Бирлашган ландтаг номли кенгаш чақирилди. У конституция тақдим этишни талаб қилгач, тарқатиб юборилди. Мазкур ҳодисаларнинг етилишига 1848 йили француз қироли Луи Филиппнинг тахтдан ағдарилиши ва Францияда республика эълон қилиниши сабаб бўлди. Шундан кейин Пруссия ва бошқа барча герман давлатларини инқилобий чиқишлар чул-

фаб олди. 1848 йили Фридрих Вильгельм мамлакатда демократик-ҳуқуқий институтларни жорий этишни рад қилгач, бутун Берлинни ҳам инқолобий ҳаракат қамради. Натижада у айрим демократик эркинликларни берадиган конституция тақдим қилишга рози бўлди. Инқилобчилар таъсири остида Франкфурт-Майнда Герман иттифоқининг органи – иттифоқ сейми чақирилди. У эса ландтаглар вакилларида парламент олди кенгашини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу кенгашда умумий сайлов ҳуқуқи асосида Германия Миллий мажлисини чақириш ва умумгерман конституциясини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Франкфуртда чақирилган Миллий мажлисининг депутатлари фаоллик кўрсатмай реакцион кучлар кучайишига йўл қўйди. 1849 йили ишлаб чиқилган умумимперия конституцияси меросий монархия ва империяни сақлаб қолди. Империянинг умумий ишларига ташқи дипломатик алоқалар, армия ва флот таъминоти, темир йўллар, божхона сиёсати, ягона пул тизими киритилди. Қонунчилик ҳокимияти икки палатали: давлатлар палатаси, халқ палатасидан иборат парламент – **рейхстагга** тегишли. Биринчи палата барча герман давлатлари аҳолисига пропорционал (овоз сонига тенг) тартибда умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланадиган вакиллардан ташкил топиши лозим эди. Конституцияда парламент олдида масъул ҳукумат тузилиши, буржуа-демократик озодликлар ва эркинликлар эълон қилиниши кўзда тутилганди. Конституциянинг 159-моддасига биноан, ҳар бир немис ҳукуматга талабнома билан мурожаат қилиши мумкин эди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Франкфурт конституцияси реал куч олган ҳужжат сифатида фақат қоғозда қолиб кетди. Австрия императори ўзига таклиф қилинган тожни рад этди, шу билан бирга, Австрияни империя таркибига киритишни ҳам ёқламади. Пруссия қироли ҳам уни қабул қилишдан бош тортди. Герман иттифоқининг Франкфуртдаги мажлиси 1849 йил 3 майда янги конституция ижросини талаб қилиб халққа мурожаат этди. Ф.Вилгельм Пруссиядаги инқилобни бостиргач Франкфуртдаги Миллий мажлисни ҳам тарқатиб юборди. Шу тарзда 1848 йилги Германия инқилоби бостирилди.

Умуман, герман давлатларида бу даврда полиция тазйиқи

ва амалдорларнинг ўзбошимчалигига асосланган салбий сиёсий тузум мавжуд эди. XIX асрнинг биринчи ярмида Германияда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ягона марказлашган буржуа давлати ва ҳуқуқини ҳамда бож, пул тизимини вужудга келтиришни шарт қилиб қўйди. Шунинг учун XIX аср бошларига келиб немис буржуазияси Германияни бирлаштириш учун кураш олиб борди. Мазкур кураш ҳокимият учун ҳам кечганди. Курашга Пруссия буржуазияси раҳбарлик қиларди. Улар абсолютизмдан кўра халқдан кўпроқ кўрқарди. Шунинг учун вужудга келаётган инқилобга хоинлик қилган юнкерлар (помешчиклар) билан иттифоқ тузди. 1848 йилги инқилоб ўз олдидаги вазифалари: а) Германияни сиёсий жиҳатдан тўла бирлаштириш; б) монархияни афдариб, ҳокимиятни буржуазия қўлига олиб беришни бажаролмади, у мағлубиятга учради.

Германияни ягона давлатга бирлаштиришнинг икки асосий йўли бор эди: инқилобий йўл ёки аксилинқилобий йўл.

Инқилоб вақтида Франкфурт-Майнда кенгаш ўтказаяётган Миллий мажлис оммани кўзғолон кутаришга жалб этиш ўрнига янги конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга киришиш билан чекланди.

1848 йилги инқилобдан кейин барча герман давлатларидаги каби Пруссияда ҳам реакция ғалаба қилди. 1848 йилги инқилоб прусс қиролини ҳам конституциявий йўлдан боришга мажбур этди. 1848 йил у нисбатан ижобийроқ конституцияни эълон қилди. Аммо инқилобнинг тўлқини пасайиши билан, уни бекор этиб, 1850 йилги реакцион парламент билан келишган ҳолда янги конституцияни эълон қилди. Унда қуйидагилар белгиланди: 1) ижро ҳокимияти фақат қиролга тегишли эди; 2) давлатнинг полициячилик характери йўқотилмади; 3) Пруссия парламентининг юқори палатаси ўзининг аристократик ҳолатини сақлаб қолди. Яъни қирол томонидан тайинланадиган наслий аъзолардан иборат бўлиб қолди. Қиролда ландтаг чиқарган қонунларга вето ҳуқуқи сақланди. Амалда мутлақ монарх бўлиб қолаверди. 1850 йил 2 мартдаги қонун деҳқонларнинг баршчина ва натурал мажбуриятларини пул мажбуриятларига айлантиришни охирига етказди.

Пруссия конституцияси ўз мазмунига кўра 1814 йилги Фран-

ция хартиясига ўхшарди. Қонун чиқариш ҳокимияти икки палатали ландтагга берилди. У ҳукмдорлар палатаси ва вакиллар палатасидан иборат эди. Парламентга расман (64-м.) қонунчилик ташаббуси берилган бўлса-да, амалда фаолияти ҳукумат тузган қонун лойиҳаларини муҳокама қилишдангина иборат эди.

Ҳукмдорлар палатаси қирол оиласи аъзолари, йирик мулкдорлар ва шаҳар вакилларидан иборат эди. Вакиллар палатаси уч синфли сайлов тизими орқали сайланган, у икки даражали эди. Сайлов ёши 24 ёш этиб белгиланди. Дастлаб сайловчилар сайловчиларни сайларди. Улар ҳар бир сайлов участкасида 3 га бўлинган, 1-синфга жами солиқларнинг 1/3 қисмини тўлаш қобилиятига эга кишилар, 2-синфга улардан кичик мулкдорлар, лекин ҳаммаси бир бўлиб солиқ умумий миқдорининг 1/3 қисмини тўловчилар, 3-синфга эса, умуман, солиқ тўловчилар кирган. 1-синф сайловчиларнинг умумий сони 4,43%, 2-синф 15,76%, 3-синф 79,81% ни ташкил қилган, 1-синфнинг бир овози 2-синфнинг 3 овозига, 3-синфнинг эса 18 овозига тўғри келган. Сайлов тизими вакиллар палатасида ер эгаларининг ва капиталистларнинг кўпчилик бўлишини таъминлаган. Қолаверса, ҳукмдорлар палатаси ҳар қандай ислоҳотга тўсқинлик қилган.

Конституция шахс эркинлиги, матбуот, суд, виждон, иттифоқларга бирлашиш эркинлигини эълон қилди. Кейинчалик мазкур конституциядан Япониянинг 1889 йилги конституцияси ишлаб чиқилишида фойдаланилди. Хужжатда бир қанча демократик қоидалар, пруссияликларнинг қонун олдида тенглиги, шахс дахлсизлиги, тураржой дахлсизлиги, виждон эркинлиги, фан ва ўқитиш эркинлиги, матбуотни чеклайдиган цензурадан воз кечиш (29-, 30-м.), ёзишмаларнинг сир сақланиши (33-м.) кабилар мустаҳкамлаб қўйилган.

1848 йилги инқилобнинг мағлубиятга учраши Германиядаги савдо-саноат ривожланишига тўсқинлик қилолмасди. Унинг тарқоқлиги борган сайин Англия ва Франция каби давлатлардан орқада қолишида бош омилга айланди.

Германия бирлашишининг иккинчи йўли аксилинқилобий йўл – монархия давлати орқали бирлашиш эди. Германия ана шу йўлни танлади. Бу ишни сиёсий кучга тўлган давлат – Пруссия ўз

қўлига олди. Бисмарк олиб борган сиёсат Герман иттифоқининг емирилишига олиб келди. У 1862 йили Пруссиянинг министр-президенти бўлди, 1866 йили Пруссия билан Австрия ўртасида урушни келтириб чиқарди. Ҳали уруш тамом бўлмасданок, Пруссия Герман иттифоқидан чиқишини билдириб, герман давлатларига янги иттифоқ тузишни таклиф этди. Садово ёнида Австриянинг ҳалокатли зарбага учраши натижасида, у герман давлатлари орасидаги гегемонликдан воз кечиб, Герман иттифоқининг тарқатилишига розилигини билдирди. Мазкур иттифоқ 1867 йилги конституция билан мустаҳкамланди. Унинг таркибига Австриядан ташқари тўртта жанубий герман давлатлари: Бавария, Вюртембург, Баден, Гассен кирди. Федерация аъзолари 22 га тушди, баъзилари Пруссия томонидан қўшиб олинди. Унга барча шимол, ғарб ва жанубий герман давлатлари кириб, иттифоқ Пруссиянинг иқтисодий ва ҳарбий қудратига таянди. Бу иттифоқ янги империя тузиш йўлидаги бир босқич эди. Люксембург ва Лихтенштейн суверен давлат мақомини олди. Иттифоқ раҳбари прусс қироли эди. Рейхстаг қабул қилган қонунлар иттифоқ кенгаши – **бундесрат** томонидан ҳам тасдиқланиши лозим эди. Унинг таркибига федерация аъзоларининг барча вакиллари кирган. Иттифоқ канцлери прусс қироли Бисмарк бўлган. 1870 йили Бисмарк ташаббуси билан уюштирилган Франция – Пруссия уруши Германиянинг қайта бирлашиши, Шимолий герман иттифоқининг 1871 йили Германия империясига айланишига имкон туғдирди.

Мазкур иттифоққа ҳамма герман давлатлари қўшилмаганди. 1870 – 1871 йилларда Францияга қарши олиб борилган муваффақиятли урушлар натижасида Майн дарёсининг жанубий қирғоғидаги герман давлатлари ҳам иттифоққа қўшилди (Бавария, Вюртембург, Гассен, Дармштад ва Баден), 1871 йил 1 январдан эса Германия империя деб атала бошлади. 1871 йил 16 апрелда рейхстаг помешчик ва капиталистларнинг манфаатини ифодалаган империя конституциясини тасдиқлади. Конституция XIV боб, 78 моддадан иборат. Германияда конституциявий монархия ўрнатилиб, олий давлат органлари император (кайзер) ва икки палатали парламент эди.

Империя конституциясининг қуйидаги характерли белгилари бор эди: 1. Бу конституцияга 1850 йилги Пруссия конституцияси асос қилиб олинди. 2. Конституция Германияда реакцион юнкерларнинг ҳокимиятини таъсис этди. 3. Конституция давлатнинг федерация шаклини эълон қилди. Лекин федерация аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланолмасди. Иттифоқда Пруссиянинг ҳукмронлиги таъминланганди. 4. Қонун чиқарувчи ҳокимият 2 палатали парламент, яъни **бундесрат** – иттифоқ кенгаши ва **рейхстаг** – қуйи палата сайланадиган депутатлардан ташкил топган.

Федерация таркибига 22 монархия давлати ва 3 шаҳар республика кирди. Унинг маркази Пруссия пойтахти Берлин эди. Шуни айтиш керакки, бу федерацияда империя қонунларини ижро этувчи орган тузилмади, балки қонунлар ижроси аъзо давлатларга юкланди.

Конституциянинг IV бўлими император ва унинг ваколатига бағишланган. У иттифоқ кенгаши – бундесрат ҳамда рейхстагни чақиради ва унинг мажлисларини ёпади ёки маълум муддатга узайтиради. Империя қонунларини ишлаб чиқади, эълон қилади ҳамда уларни бажарилиши устидан назорат олиб боради, империя мансабдор шахсларини тайинлайди ва лозим ҳолларда бўшатади, ташқи халқаро муносабатларда империянинг вакили бўлиб қатнашади, уруш эълон қилиб сулҳ масалаларини ҳал этади деган қоида ўрнатилди.

Император, конституциянинг 17-моддасига мувофиқ, ўз фаолиятини қарорлар ва фармойишлар чиқариш орқали олиб боради, унинг бу актлари, империя канцлерининг имзоси қўйилгандагина, олий қонуний кучга эга бўлган. Императорлик мансаби Пруссия қиролига берилиб, у Германия императори унвони (кайзер)ни олган. Конституциянинг 19-моддасига биноан, император ва иттифоқ кенгаши (бундесрат)га империя бирлигини сақлаш ҳуқуқи берилиб, иттифоқ давлатлари ўзларининг шартномаларини бузган ҳолларда, уларга нисбатан куч қўлланилиши мумкинлиги таъкидланди. Улар экзекуцияни¹ бажаришга мажбур қилиниши мумкин. Уни бажариш тўғрисидаги фармойишни иттифоқ кенгаши ва

¹ Жазолаш ҳақидаги қарорни ижро этиш.

император бериши лозим. Империяда қонунчилик ҳоқимияти иттифоқ кенгаши ва рейхстагга топширилди, умумимперия қонунларининг ерлар (вилоят) қонунларига нисбатан олийлиги белгиланади. 4-моддага асосан, Иттифоқ Кенгаши ва рейхстаг қуйидаги масалалар бўйича империя қонунларини чиқариш ҳуқуқини олади: а) фуқароларнинг кўчиши, тураржой танлаши ҳуқуқларини белгилайдиган қонунлар; б) солиқлар миқдорини, импорт ва экспорт товарларига бож миқдорини белгиловчи қонунлар; в) империя ўлчов ва пул тизимини белгилаш; г) кашфиётларга патентлар бериш; д) муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар; е) денгизда сузиш ва денгиз савдосини тартибга солувчи қонунлар; ё) темир йўл, почта, телеграфга оид қонунлар. 1873 йили шу моддага қўшимча киритилиб, парламентга фуқаролик ва жиноят ҳуқуқи, фуқаролик, жиноят суд процессига оид умумий қонунларни қабул қилиш ҳуқуқи ҳам берилди. Империя парламентининг қўйи палатаси ҳисобланган рейхстаг аҳоли томонидан тенг, яширин, умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланадиган депутатлардан ташкил топган. Ҳар 100 минг аҳолидан бир депутат миқдорида 397 сайлов округидан биттадан депутат сайланган. Рейхстаг юридик жиҳатдан қонун чиқариш ташаббусига эга бўлиб, унинг депутатлари 5 йилга сайланган, улар хизмат учун давлатдан ҳақ олмаганлар. Рейхстаг фаолияти амалда ҳукумат томонидан тузилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўлган. Парламентнинг олий палатаси бундесрат кенг ҳуқуқларга эга эди, унинг фикри билан император ва унинг ҳукумати ҳам ҳисоблашиши лозим бўлган. Бундесрат иттифоқ давлатларининг вакилларида ташкил топиб, ундаги жами 58 овоздан 17 таси Пруссияга, 6 таси Бавария, 4 таси Саксонияга, 4 таси Вюртембургга, 3 таси Баденга тегишли эди. Қолган майда давлатчалар эса биттадан овозга эга бўлган.

Бундесратга айрим амалдорларни тайинлаш, қонунларга тўлдириш киритиш, давлат фаолиятига оид тегишли қарорлар қабул қилиш, рейхстагни тарқатишга розилик бериш каби ҳуқуқлар тақдим этилган. Қолаверса, унга суд функцияси ҳам тегишли бўлиб, ерлар ўртасида мавжуд низоларни ҳам ҳал қилган. Улар ўртасидаги ишлар бўйича олий апелляциявий инстанция ҳисоб-

ланиб, конституциявий нормаларга лозим ҳолларда шарҳ берган. Унинг мажлислари ёпиқ ҳолда олиб борилган. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби жуда мураккаб эди, 17 овоз талаб қилинган. Бу эса Иттифоқ кенгашида 17 овозга эга Пруссиянинг устунлигини таъминларди. Бундесратда армия, флот ва солиқларга оид қонунлар муҳокамасида Пруссия ҳал қилувчи ролни ўйнаган (78-м.).

Иттифоқ кенгаши ҳузурида унинг палаталари орасидан доимий ишлаш учун армия ва қалъалар комитети, денгиз ишлари комитети, солиқлар ва божхона, савдо алмашув комитети, темир йўл, почта, адлия, ҳисоб – жами 7 комитет ташкил қилган. «Империя деб эълон қилиш ҳақида»ги акт 1871 йил январида чиқди. Ўша йилнинг май ойида эса империя конституцияси қабул қилинди. Бу конституция Германия империясида Пруссиянинг раҳбарлигини мустаҳкамлади. Унинг таркибига 25 ер кирган, улардан 22 монархия давлати, тўрттаси: Пруссия, Бавария, Саксония, Вюртембург қироллик, 18 герцоглик ва графлик, Любек, Гамбург, Бремен республика тузилишидаги эркин шаҳарлар эди. Бундай катта давлатнинг императори фақат Пруссия қиролигина бўлиши мумкин бўлган. Конституцияга биноан, барча давлат ишларига раҳбарликни ва бошқаришни император томонидан тайинладиган канцлер (рейхканцлер) олиб борган, у фақат император олдидагина жавобгар бўлган. Давлат муассаса ва ташкилотларига канцлер томонидан тайинладиган котиблар раҳбарлик қилган. Одатда, рейхсканцлер этиб ҳам Пруссия министр-президенти тайинланган.

XIX аср иккинчи ярмига келиб Германиянинг саноат борасидаги ривожланиши ўзининг юқори босқичга кўтарилди. Бу даврдаги унинг характерли хусусияти мамлакатнинг юксак даражада индустриализацияси, саноат ва капиталнинг йиғилиши ва марказлашуви натижасида, монополиялар ва молия ҳукмронлигининг вужудга келиши эди. Герман қишлоқларининг ривожланиши йирик помещик хўжалигини сақлаб қолиш, яъни ўзига хос «пруссча йўл» билан борди. Мазкур йўл унинг бирлашиш характери билан белгиланганди. Бу даврда Германия давлати ҳарбий-бюрократик монархия тусини олди.

Мамлакатда тор социал гуруҳлар манфаатларини ифода-ловчи сиёсий партиялар вужудга келди. Германия социал-демократлар партиясининг ишчилар орасида таъсири жуда катта эди. Рейхстагга бўлган сайловларда партия янгидан-янги муваффақиятларга эриша борди. Агар 1871 йили рейхстагда 1 депутат (А.Бабель)га эга бўлган эсалар, 1903 йили 81 депутатлик ўрнини олдилар, 3 миллион сайловчи уларга овоз берди. Германиянинг бирлашиши мамлакат саноатининг юксалишига сабаб бўлди. У дарҳол Англия каби давлатларни қувиб етди. Индустириал ривожланиш билан бирга немис ишчилари сон жиҳатдан ўсди. 1877 йилги сайловларда социалистик номзодлар учун деярли 0,5 миллион киши овоз берди. Ишчилар ҳаракати-га қарши Бисмарк парламентдан 1878 йили «Социалистларга қарши фавқулодда қонун», «Социал-демократларнинг ижтимоий хавfli ҳаракатларига қарши» қонунларни ўтказишга эришди. «Социал-демократик ёки коммунистик», «социалистик» интилишлар йўлидаги амалдаги давлат ва жамоат тузумини афдариб ташлашни кўзлаган барча ташкилотларга аъзолик учун жазо қўлланиши мумкин бўлди. Шу қонунга биноан, ҳукумат 1500 партия аъзосини қамоққа олиш, 900 кишини сургун қилиш имконини қўлга киритди. Аммо қонун кутилган натижаларни бермади. 1890 йилги парламент сайловларида социал-демократлар 1,5 миллион овоз олдилар.

70-йиллар арафасида Пруссиянинг Францияга қарши олиб борган муваффақиятли урушлари империяда милитаристик ғоянинг вужудга келишига, прусс ҳарбийларининг давлат аппаратида сиёсий мавқеи кучайишига олиб келди. Германиянинг 1914 йил августда ўзининг душманлари: Англия, Франция ва Россияга қарши уруш эълон қилиб, Биринчи жаҳон урушига кириши унинг сиёсий тузумини ўзгартириб юборди. Яъни ҳарбий диктатура тузуми қарор топди. Қамал ҳолатида деб эълон қилиш ҳақидаги қонунларнинг жорий этилиши билан, жойларда ҳокимият тўла ҳарбий округ қўмондонлари қўлига ўтди. Ҳарбий дала судлари, матбуотда эса қаттиқ ҳарбий цензура жорий этилди. 1914 йил августда рейхстаг ҳукуматга фавқулодда ҳуқуқлар бериш тўғрисида қонун қабул қилди. 1916 йили бош штаб бошлиғи

этиб фельдмаршал Гинденбург, унинг ўринбосари этиб генерал Людендорфнинг тайинланиши билан, ҳарбийларнинг якка ҳукронлиги янада ўсди. Германия Биринчи жаҳон урушининг ташабускорларидан бирига айланди. Аммо у узоқ уруш олиб боришга мажбур бўлди ва бу урушда енгилди.

Ўрта асрларда Германия доирасида мавжуд бўлган ҳуқуқ партикуляриزم (кўп хиллиги) XIX асргача давом этди. Германиянинг бирлашиши, империя ташкил топиши ана шу ҳолга барҳам беришни талаб этди. Бирлаштирувчи ҳаракат олдида икки асосий вазифа: 1) федерация аъзолари бўлган давлатлар доирасида ҳуқуқни янгилаш ва кодификациялаш; 2) Германиянинг барча доирасида ягона ҳуқуқ тизимини жорий этиш турарди. Албатта, бунга қаршилик кўрсатаётган кучлар, хусусан, Миттерних давридаги Австрия ҳам бор эди. Аммо Саксония биринчи бўлиб шу йўлга кирди. 1863 йили янги фуқаролик уложениясини кучга киритди. Ҳуқуқни унификациялаш масаласи 1814 йили Гейделберг университетиде мунозара вақтида кўтарилган. Аммо бунга Ф.Саньи бошчилигидаги «ҳуқуқнинг тарихий мактаби» тарафдорлари қаршилик кўрсатди. Чунки улар ҳуқуқий ижод ва ҳар қандай кодификацияга салбий муносабатда эдилар. Германиядаги «тарихий мактаб»дан пандектика – рим ҳуқуқини расмий-догматик асосларда ўрганувчи фан юзага келганди. Пандектика ҳуқуқий атамаларни жуда аниқлаштиришга ёрдам берди ва Германияда кодификация ўтказилишига кўмаклашди. Шимолий герман иттифоқининг тузилиши ҳуқуқни унификациялашга шароит яратди. 1871 йили умумгерман жиноят кодекси, 1877 йили жиноят-процессуал кодекс қабул қилинди.

Бу даврда империя қонунчилигини унификациялашга киришилди, 1873 йил Германия фуқаролик қонунлари тўпламини тузиш учун 1-комиссия, 1890 йили эса 2-комиссия тузилди. Иккинчи комиссия 1895 йили фуқаролик уложениясини бундесрат муҳокамасига топширди. 1896 йили низом рейхстагда қабул қилинди. 1900 йили кучга киритилди. Уложениа икки қисмдан: кириш, яъни уложениясини кучга киритиш тўғрисидаги қонунлардан ва қонун матнидан, жами 2385 моддани ўз ичига олган беш китобдан иборатдир.

Биринчи китоб – умумий қисм Германия фуқаролик уложени-

ясининг кучга кириши, юридик шахслар тўғрисида, иккинчи китоб мажбурият ҳуқуқи, учинчиси ашё, тўртинчиси оила ва никоҳ, бешинчи китоб мерос ҳуқуқи нормаларидан ташкил топган.

У француз фуқаролик кодексидан ҳам тузилиш, ҳам ифодаланиш, ҳам мазмун жиҳатдан фарқли, рим ҳуқуқининг пандект – бешлик тизимида ёзилган. Уложениясидан ташқари 1897 йили империяда Савдо кодекси қабул қилиниб, фуқаролик уложенияси билан бирга савдо уложенияси ҳам кучга киритилди. Бу низом 4 китобдан иборат, савдогарлик ҳолати, савдо ўртоқлиги, савдо битимлари, денгиз савдоси кабилардан ташкил топган, у савдо муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўринга эга бўлди.

Назорат учун саволлар

1. Англияда давлат тўнтариши ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Парламентар монархия даври қачон бўлди?
3. Индепендентлар (мустақилчилар) республикасининг давлат тузумини биласизми?
4. Хабес корпус актнинг мазмуни нимадан иборат?
5. Француз буржуа инқилоби қанча вақт давом этди ва унинг ўзига хос хусусиятларини айтиб бера оласизми?
6. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси инсон ҳуқуқлари борасидаги қайси ҳужжат асосига қўйилган?
7. «Бонапартизм» нима?
8. Иккинчи республика конституциясининг ўзига хос хусусиятларини сананг.
9. Наполеон кодекслари ва уларнинг янги даврга мос хусусиятларини айтинг.
10. Германия бирлашишининг икки йўли нималардан иборат?
11. Германия фуқаролик уложенияси қачон қабул қилинган ва мазмуни қандай?
12. Франция ва Германия ҳуқуқининг ўзига хос белгилари нималарда кўзга ташланади?
13. Хабес корпус акт ғоялари қачон ва қай тарзда мустақил Ўзбекистон қонунчилигига жорий этилди?

Ҳуқуқий масала №10

Фуқаро Ж.Мишель ўз қариндошидан узуфрукт шартномаси асосида унга тегишли бўлган темирчилик устахонасини фойдаланиш учун маълум муддатга олди. Ўша муддат ўтгач, ашё эгаси бўлган қариндоши издан чиқиб яроқсиз ҳолга келган устахонага етказилган зарарни қоплашни талаб қилди. Аммо Ж.Мишель биз бу ҳақда келишмаганмиз, зарарни қисман тўлайман деб даъвони рад этди.

Ушбу шартнома Франция фуқаролик кодекси бўйича узуфрукт шартномасига тўғри келадими? Агар тўғри келса, суднинг қарори қандай бўлиши керак?

Ҳуқуқий масала №11

Германия фуқароси Ганс ўз уйи ва ер мулкининг ёнида жойлашган металлургия заводи маъмурияти устидан судга мурожаат қилди, доимий равишда унинг ерларига буғ ва газлар ўтаётганлиги, у ердан металлни болғалаб ураётган станокнинг зарби, гурсиллаши ўзига тинчлик бермаётганлиги ва натижада уйи ҳам ёрилиб кетаётганини айтиб, болға зарби ва буғ-газлар ўтишини тугатиш ҳамда келтирилган зарарни ундиришни талаб этди.

Германия фуқаролик уложениясига кўра суднинг қарори қандай бўлиши керак? Ушбу ҳолатни шарҳлаб хулоса чиқаринг.

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.3 – 56.
2. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2005. – С.14 – 75, 122 – 311.
3. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.1 – 205.
4. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.373 – 433, 453 – 519, 519 – 561.

5. Ливанцев К.Е. История буржуазного государства и права: Учебное пособие. – Л.: ЛГУ, 1986. – 288 с.

6. Жидков О.А. История буржуазного права. – М.: МГУ, 1971. – 157 с.

7. Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд Англии. – М.: Госюриздат, 1969.

8. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 2 / Под ред. К.И.Батыра и Е.Е.Поликарповой. – М.: Юрист, 1996 (переизд. 2001).

9. Лавровский М. Сборник документов Английской буржуазной революции XVII века. – М.: Высшая школа, 1976.

Луғат

Билл – Англия, АҚШ, Канада каби мамлакатларда қонунчилик органлари муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаси ҳамда баъзи конституциявий актларнинг номи.

Бонапартизм – Францияда Наполеон Бонапарт ва Луи Наполеон Бонапарт империяси давридаги давлат ҳокимиятининг бир-бирига душман бўлган кучлар курашаётган вақтда қўллаган услуб ва хусусиятлари.

Декларация – давлат қурилиши фаолияти ёки инсон ҳуқуқларининг асосий принципларини давлат номидан эълон қилишга асосланган ҳужжат, қонун.

Жентри – янги тарих даврида Англияда қўй боқиб фойда олиш билан шуғулланувчи янги дворянлар.

Лорд – ўрта аср Англиясида дастлаб ер эгаси, олий дворянларнинг йиғма, меросий унвони, парламент юқори палатасининг депутаты.

Ордонанс – Франция ва Англия қиролларининг фармон ва фармойишлари.

Суверенитет – олий ҳокимиятнинг мамлакатнинг ўзига тааллуқлилиги. Мустақиллик.

Рейхстаг – Германияда дастлаб тоифавий-вакиллик органи. Империя кенгаши. Парламентнинг қўйи палатаси.

Трест – Англ-сакс фуқаролик-ҳуқуқий институти. Бошқаруви ишонилган мулк.

10-МАВЗУ. АҚШНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ХХ АСР БОШЛАРИГАЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Режа

1. Шимолий Америкадаги 13 мустамлаканинг мустақиллик учун кураши.
2. 1776 йилги АҚШ мустақиллик декларацияси.
3. 1781 йилги конфедерация моддалари.
4. 1787 йилги конституциянинг ишланиши ва унинг асосий белгилари.
5. XIX аср ўрталарида фуқаролар уруши ва конституцияга киритилган ўзгартиришлар.

Таянч иборалар

Англиянинг Шимолий Америкадаги 13 мустамлакасида мустақиллик уруши, унинг характери. Континентал конгресслар. 1776 йил 4 июлдаги мустақиллик декларацияси. Штатлар конфедерацияси. Федерацияга ўтиш. 1787 йилги конституция. 1803 йилги «Мэдисонга қарши Мэрбери иши». 1791 йилги «Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл. Икки партиявий тизимнинг ташкил топиши. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар. Миллий ва ирқий чеклашларнинг бекор қилиниши. Фуқаролик хизматининг ислоҳ этилиши. 1883 йил 16 январдаги Пэндэлтон қонуни.

1. Шимолий Америкадаги 13 мустамлаканинг мустақиллик учун кураши

Америка қитъаси 1492 йили Христофор Колумб томонидан очилгандан кейин, бу ерга Европанинг Англия, Испания, Португалия ҳамда Франция каби давлатларидан колонистлар¹ кўчиб келиб жойлаша бошлади. Хусусан, Англия томонидан Шимолий

¹ Бу ерда кўчиб келиб бўш ерларни эгаллаб олиш маъносида.

Американи колонизация қилишга киришилди. 1620 йили «Май гули» номли кемада Англия колонистларининг биринчи гуруҳи Шимолий Америкага тушади. Хуллас, Американи колонизация қилиш, ҳинд қабилаларини ёпиқ яшаш жойларига (резервация) сиқиб чиқариш, ҳатто уларни қириб ташлаш, кенг доираларга ўрнашиб олиш XVII асрда бошланди.

Бу ерга дастлаб қашшоқликдан силласи қуриган, қироллик сиёсатидан безган, ўзининг сиёсий ва диний қарашларидан кечишни истамаган кишилар, кейинчалик эса енгил-елпи йўл билан фойда олиш мақсадидаги (авантюристлар) кишилар кучиб келган. Мана шунинг натижасида маълум даражада сиёсий ва ҳуқуқий автономиядан фойдаланувчи мустамлакалар, даставвал, 1607 йили Виржиния, 1733 йили Жоржия ва бошқалар ташкил топа бошлади.

XVI – XVII асрларда Шимолий Американинг шарқий қирғоқ бўйларида Англиянинг 13 та мустамлакаси мавжуд бўлиб, улар 1643 йилдан «Янги Англия» деб атала бошлаган.

Шимолий мустамлакалар қишлоқ хўжалигида озод фермер хўжаликлари, жанубий мустамлакаларда эса оқ ва қора танли қулларнинг меҳнатига асосланган йирик плантация хўжалиги мавжуд эди. 1619 йил Жеймстаун (Виржиния)га дастлабки негр қуллар Африкадан олиб келинди, натижада қуллар меҳнати қарз эвазига ишлаб юрган оқ танлилар меҳнатини сиқиб чиқара бошлади. Негрлар учун умрбод ва мерос бўйича қулчилик ўрнатилганди. Жанубий мустамлакаларда ер эгаллиги ўрта аср ҳуқуқ нормалари, яъни ер-мулкнинг бўлинмаслиги тўғрисидаги қоида билан тартибга солинса-да, бу ерда ўрта асрга хос ер эгаллиги махсус ишлаб чиқариш типи сифатида қарор топмади.

Шимолий Америкадаги мустамлакаларда баъзи бир ўрта аср ишлаб чиқаришига асосланган белгилар сақлаб қолинган эса-да, иқтисодий ривожланиш саноатнинг ривожланиши билан борди. Бунга сабаб:

1. Шимолий Американи колонизация қилиш даврида Европада феодализм емирилиб, унинг ўрнига янги саноат ишлаб чиқариши муносабатлари ривожланаётганди. Европадан келган ко-

лонистлар эса бундай ишлаб чиқариш муносабатларидан хабардор эдилар.

2. Бу ерда географик шароит деҳқончилик учун қулай бўлгани ва бўш ерларнинг кўплиги оддий фермерларнинг қарамликка тушмасдан мустақил хўжалик ташкил қилишига катта имконият туғдирган.

3. Озод кўчманчилар эзиш, ўзгалар кучидан фойдаланишнинг шаклларига қарши қатъий кураш олиб борганлар.

4. Англиянинг ўзида XVII асрдаги буржуа инқилоби натижасида янги ишлаб чиқариш муносабатлари ўрнатилди.

Мана шу ҳолатларнинг ҳаммаси Шимолий Американинг иқтисодий ривожланиши саноат тараққиёти йўлидан боришига асос ҳозирлади.

Мазкур мустамлакалар олий ҳокимиятнинг кимга тегишлилигига қараб XVIII аср ўрталаридаёқ 3 гуруҳга бўлинганди:

а) қирол ҳокимияти остидаги ёки қирол амалдорлари бошқаруви остидаги мустамлакалар (1607 йили вужудга келган Виржиния);

б) қирол хартияси асосида ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган мустамлакалар (Коннектикут ва Род-Айленд). Бу мустамлакалар бошида қирол ёки мустамлака эгалари томонидан тайинланадиган ёхуд аҳоли томонидан сайланадиган губернаторлар турарди. Улар ўз қонунчилик ташкилотларига эга бўлсаларда (мажлис), губернаторлар улар қабул қилган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга эди.

в) хусусий мустамлакалар.

Мустамлакаларни идора қилишда жанубий штатларда йирик ер зодагонлари, шимолий штатларда эса ер эгаларининг савдо-саноат буржуазияси билан тузган иттифоқи асосий роль ўйнади.

Эндигина етилиб келаётган шимол саноат буржуазиясида республикачилик руҳи ҳукмрон эди. Бу ерда черков жамоаларида мужассамлашган ўз-ўзини бошқариш идоралари ривожланди. Шаҳар ва қишлоқлардан келган вакиллар мустамлаканинг парламентга ўхшаш органларини ташкил қилиб, губернаторни сайларди. Жанубий штатлар сиёсий тузумининг характерли белгиси (масалан, Виржинияда) яккаҳокимлик кайфиятининг ҳукм-

ронлиги эди. Бу ерда қирол томонидан тайинланган губернатор, юқорида айтганимиздек, иккита палатали парламент мавжуд бўлиб, Англия черкови ҳукмрон мавқега эга эди.

XVII асрнинг 2-ярмига келиб мазкур мустамлакалар Англиянинг сиқуви остида бўлганига қарамай, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва унинг асосида саноатнинг ўсиши юз бериб, Америка инқилобининг асосий шарт-шароитига айланди ҳамда АҚШнинг ташкил топишига олиб келди.

Лекин бунинг бош сабаби Англиянинг мустамлакалар савдо ва саноати ривожланишига ҳамда шимолий штатлардаги бўш ерларнинг эгаллаб олинишига қарши қаратилган сиёсати бўлди. XVIII асрнинг 60-йилларида мустамлакаларга кредит билетларини чиқаришни тақиқлаш тўғрисида, бу ерга киритилаётган айрим товарларга юқори бож жорий этиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Айниқса, 1763 йили Фарбий Аллегон тоғлари ёнбағридаги ерларга жойлашишни тақиқлаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши йирик ер эгалари билан озод фермерлар ўртасидаги курашни кучайтириб юборди. Чой билан савдо қилиш тўғрисидаги 1773 йилги қонунга биноан мустамлакаларга олиб келинадиган чойдан бож олиниши белгиланди. Натижада ғазабланган Бостон порти аҳолиси Англия кемаларида олиб келинган чойни 1773 йил 16 декабрда денгизга улоқтиришди. Бунга жавобан Англия Бостон портини ёпиб, бутун Массачусетс штатини ваколатли парламентга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Англия ҳукумати Шимолий Ҳиндистон (1756 – 1763) уруши харажатларини қоплаш мақсадида 1765 йили ўз мустамлакаларида тамға солиғи жорий этди. Аммо кучли халқ қўзғолонидан кейин Англия 1766 йили бу солиқни бекор қилишга мажбур бўлди. 1767 йили Англия мустамлакаларга келадиган чой, ойна ва бўёқлар учун солиқ жорий қилди. 1774 йили Англия парламенти мустамлакаларда аскарлар миқдорини кўпайтириш ва уларни мустамлакаларда мажбурий жойлаштириш ҳақида қонун қабул қилди. Америкаликларга ўша вақтда энг фойдали ишлардан бири – қул савдоси билан шуғулланишга рухсат бермади. Африкада қул учун 2 – 3 фунт стерлинг тўлангани ҳолда, Америкада 12 – 15 фунтга сотиларди.

Метрополиянинг мустамлакаларга нисбатан сиёсатини характерлаб Англия ҳукумати бошлиғи Лорд Чатам бундай деганди: «Мустамлакаларда бирорта миҳнинг ҳам олинишига руҳсат бермаймиз».¹

Шундай қилиб, Англия ҳукумати ўсиб келаётган ёш Америка буржуазияси манфаатларига қўпол равишда дахл этиб турди.

Англиянинг бу каби тадбирлари ҳақли равишда аҳолининг норозилигини туғдирди. Улар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишга XVIII аср 50-йилларидаёқ машҳур олим Б.Франклиннинг ташаббуси билан уриниб кўрилганди. 1754 йили Олбенида бўлиб ўтган мустамлакалар вакилларининг биринчи съездида уларнинг иттифоқини ташкил этиш тўғрисида таклиф қабул қилинганди. Лекин бу иш Англия ҳукуматининг қаршилик кўрсатиши натижасида амалга ошмади. 1773 йили Виржиния мустамлакасининг ваколатли парламенти мустамлакалар ўртасидаги алоқаларни олиб борувчи комитет тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Мамлакатнинг ҳамма жойларида ватанпарварлик ташкилотлари тузила бошланди. Мана шундай инқилобий вазият етилган бир шароитда, 1774 йил 5 сентябрда, Филадельфияда биринчи континентал конгресс ўз ишини бошлайди.

Унга 12 мустамлакадан вакиллар қатнашди, 56 делегатдан 30 таси юрист, 9 таси плантатор, 9 таси савдогар, 3 таси амалдор, 3 таси майда фермер ва биттаси дурадгор эди. Биринчи континентал конгресс мустамлакалар учун умумий бўлган ваколатли органни тузиш учун асос қўйди. Конгрессда зиддиятни тинчлик йўли билан, келишув билан ҳал қилишнинг тарафдори бўлганлар кўпчилиқни ташкил этди. Фақат халқнинг сиқуви остида у қиролга қарши бўлган иккита ҳужжат: «Мустамлакаларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжлари тўғрисида» ҳамда «Биринчи континентал конгресснинг ассоциация режаси»ни қабул қилди.² Уларда Англиянинг «чидаб бўлмас даражадаги» қонунларини бекор

¹ Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Высшая школа, 1973. – С.258.

² Федоров К. История государства и права зарубежных стран. – Ростов, 1968. – С.177 – 178.

қилиш, унинг товарларига бойкот эълон қилиш тўғрисидаги гапирилиб, мустамлакаларни бошқариш тизими нотўғри деб ҳисобланди.

1775 йил 19 апрелда мустамлакачилар ва Англия қўшинлари ўртасида кенг ҳарбий ҳаракатлар бошланди. Мана шундай бир шароитда, 1776 йил 10 майда, Филадельфияда иккинчи қитъа конгресси чақирилди ва у танаффуслар билан 1779 йилгача давом этди.

АҚШнинг йирик арбобларидан бўлган Уильям Фостер мазкур инқилобни демократик оқим таъсири кучли бўлган инқилоб деб таърифлаганди. Инқилоб давомида кўпгина мустамлакалар 1776 йил баҳоридаяёқ ўзларини мустақил республика тузумидаги штатлар деб эълон қилишга киришди. 1776 йил сентябрида яширин комитет тузилиб, у чегарадан ташқарида Америкага дўстлик кайфиятида бўлган қитъалардан отрядлар туза бошлади. Мазкур комитет кейинчалик, 1777 йили, ташқи ишлар комитети деб номланди.

2. 1776 йилнинг 4 июлидаги АҚШ мустақиллик декларацияси

Америка Қўшма Штатларининг 1776 йил 4 июлдаги мустақиллик декларациясидан

Биз қуйидаги ҳақиқатни кўз кўриб турган ҳақиқат деб биламиз: барча инсонлар тенг яратилганлар ва уларнинг барчаси ўз яратувчиси томонидан баъзи ажралмас ҳуқуқлар билан таъминланган, улар қаторига ҳаёт, озодлик ва бахтга интилишлар тааллуқлидир. Ана шу ҳуқуқларни таъминлаш учун инсонлар орасида ўзининг адолатли ҳокимиятини бошқарилувчиларнинг келишувидан қабул қилиб оладиган ҳукумат таъсис этилади.

Агар ушбу мақсадлар учун ҳукуматнинг бу шакли ҳалокатли бўлиб қолса, халқ уни ўзгартириш ёки йўқотиш ҳуқуқига эга. Ўзининг фикрича, хавфсизлик ва бахтга эришишга ёрдам берувчи шундай принципларга асосланган янги ҳукумат таъсис этиш ҳуқуқига эга. Албатта, эҳтиёткорлик унча муҳим бўлмаган ва вақтли сабаблар учун илгаридан мавжуд бўлган ҳукуматни алмаш-

тиришга маслаҳат берилмайди. Биз ҳақиқатан ҳам амалда кўриб турибмизки, кишилар ўз ҳуқуқларини тиклашдан кўра, ўзлари ўрганиб қолган ҳукумат шаклини бекор қилишдан кўра сўнги имкониятигача зулмга чидашга тайёрдирлар. Лекин бир мақсаднигина кўзлаган бир қатор суиистеъмол қилишлар ва зўравонликлар, халққа хоинлик қилиб уни чекланмаган деспотизм исканжасига топшириш хоҳиши борлигини кўргач, у бундай ҳукуматни афдариш ҳуқуқиғачина эга бўлиб қолмасдан, балки бундай ҳукуматни афдариб ташлашга ва ўзини келажакда қуриқлашни бошқа қуриқчига топширишга мажбурдир.

Иккинчи континентал конгресснинг ишидаги энг муҳим ҳужжатлардан бири 1776 йил 4 июлдаги **АҚШнинг мустақиллик декларациясидир**.¹ Унинг лойиҳаси ўша даврнинг йирик намояндаларидан бири Томас Жеферсон бошчилигида (Виржиния штатидаги йирик плантаторлардан) икки кунда ишлаб чиқилган. Т.Жеферсон XVIII асрдаги Ж.Ж.Руссо томонидан ишлаб чиқилган «табiiй ҳуқуқ назарияси» ҳамда «халқ суверенитети» каби таълимотлар билан қуролланган киши бўлиб, декларациянинг дастлабки нусхасида қулчиликни бекор қилиш унинг ташаббуси билан киритилганди. Аммо конгресс мазкур нормани чиқариб ташлади. Декларация қисқа, жарангдор шаклда ёзилган бўлиб, у бутун жангчиларга тўп садолари ва кўнғироқлар садоси остида ўқиб эшиттирилди. Бу ҳужжат кишилик тарихидаги халқ суверенитетини мустаҳкамлаган, халқнинг инқилоб қилиш ҳуқуқини тан олган конституциявий ҳужжатлардан эди. Ўзининг мана шу қоида-си билан декларация Франциядаги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»дан ҳам катта фарқ қилади. Инқилобий ҳаракат кўтарилиб келадиган бир даврда ёзилганлиги учун, унда хусусий мулк ҳуқуқи абадийлиги, ажралмаслиги тўғрисида гапирилмаган. Аммо мазкур қоида АҚШ озодлик урушидан кейинги ҳамма инқилоблар натижасида қабул қилинган конституцияларда мустаҳкамланди. У ўз даврининг илғор ҳужжатларидан бўлганлиги

¹ Унинг тўла матни изоҳлар билан қаранг: Конституция и законодательные акты буржуазных государств XVII – XIX вв. – М.: Госюриздат, 1957. – С.167 – 170.

учун, уни тарқатиш кўпгина давлатларда кейинчалик жиноят ҳисобланди. Декларация ўз тизимига кўра 3 қисмдан иборат. 1-қисмида: 1) ҳамма кишиларнинг келиб чиқишига кўра тенглиги, уларнинг яшаш, озодлик ва бахтга интилиш каби ажралмас ҳуқуқларга эгаллиги; 2) шу ҳуқуқлар билан таъминлаш мақсадида ҳукуматнинг таъсис қилиниши; 3) агар ҳукумат мазкур ҳуқуқларни йўқ қилса, унда халқнинг бундай ҳукуматни йўқ қилиб, янгисини тузиш ҳуқуқлари тўғрисида гапирилади. Халқ йўқ қилган ҳукуматнинг ўрнига ўзи хавфсизлик ва бахтга эришишга ёрдам беради деб ҳисоблаган ҳокимиятни ташкил этиши мумкин. Лекин декларация эҳтиётсизлик орқасида азалдан давом этиб келган ҳукуматни доимий бўлмаган ва кам аҳамиятли сабаблар учун йўқотишни маслаҳат бермайди. Декларациянинг 2-қисмида мустамлакаларнинг ажралишига сабаб бўлган Англия ҳукуматининг муносабатлари санаб ўтилади. Қирол умумий манфаат учун фойдали қонунларни тасдиқлашни рад қилди, губернаторларнинг ўзининг розилиги олинмаган қонунларни қўллашларини тақиқлади, халқнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган вакиллар палатасини бир неча марта тарқатиб юборди ва кўп вақтларгача янги палата сайлашга қаршилик қилиб келди, халқнинг қонини сўриб оладиган янги амалдорлар мансабларини жорий этиб мустамлакаларга юборди. «Бизнинг қонунчилик мажлисимиз розилигисиз тинчлик вақтларида ҳам доимий армия сақлади. У фуқаро ҳокимиятидан устун турувчи ҳарбий ҳокимият тузишга интилди», – дейилади ушбу ҳужжатда.

Ҳужжатнинг 3-қисмида мустамлака (колония) ва ҳукмрон давлат (метрополия) ўртасидаги сиёсий алоқаларни узиш, ҳар бир мустамлаканинг мустақил давлат эканлиги эътироф этилди.

Мустақиллик декларацияси зулмкор (тираник) ҳукуматни афдаришга чақирувчи ўз даврининг ижобий ҳужжатиدير. Лекин у бир томонлама характерга эга. Унинг дастлабки лойиҳасида, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, кул ва кул сотишни тақиқлаш тўғрисида гапирилади. Лекин жанубий штатларнинг плантаторлари мазкур нормаларни чиқаришга эришдилар.

Унда қулчилик, ирқчилик таъқиб қилинмайди. Мулкый цензларни ҳатто оила бошлиғи бўлган эркаклар учун ҳам сақлаб қола-

ди. Хотин-қизларнинг ҳамда ҳиндуларнинг ҳуқуқлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган (XVI асрда АҚШ худудида бир миллионга яқин ҳиндулар яшаган).

Мустақиллик эълон қилинганидан кўп вақт ўтмай, Шимолий Америка штатлари ўзларининг ёзма конституцияларини қабул қила бошладилар. 1787 йили Делавер, Пенсильвания, Нью-Жерси, 1788 йили Жоржия, Коннектикут, Массачусетс, Мериленд, Жанубий Каролина, Нью-Гемпшир, Виржиния, Нью-Йорк, 1789 йили Шимолий Каролина, 1790 йили Род-Айленд штатлари ўз конституцияларини тасдиқлаб кучга киритдилар.¹ Бу конституцияларнинг таркибий қисмини ҳуқуқлар тўғрисидаги билл ёки декларациялар ташкил қилиб, унда озодлик, бахт, шахс дахлсизлиги, ўзига-ўзи қарши кўрсатма бермаслик каби ҳуқуқлар расмийлаштирилди. Халқ суверенитети мустақамланишига қарамасдан, кўп штатларда цензли сайлов жорий қилиниб, 25 – 30 акр ер ва ўртача 20 – 50 фунт стерлинг даромад соҳибларининггина сайловларда қатнашиши таъминланди. Пассив (сайлаш) ҳуқуқ учун янада оширилган ценз жорий қилинди. Масалан, Мериленд штати конституциясига кўра, 500 фунт стерлинг даромад олган кишигина қонунчилик мажлисининг қуйи палатасига сайланиш ҳуқуқига эга бўлган. Юқори палатага эса 1000 фунт стерлинг белгиланди. Сайлов ҳуқуқидан фақат оқ танли эркаклар фойдаланган. Шунингдек, Нью-Йорк штатининг 1822 йили қабул қилинган конституциясида сайловларда очиқдан-очиқ оқ танлиларгина қатнашиши айtilган (2-модда, 1-бўлим, 3-банд). Баъзи бир штатларда қора танлилар, 3 йил бир штатда яшаган, давлат солиқларини тўлаган ва 250 доллар кўзғалмас мулкка эга бўлсалар, сайловларда қатнашиши мумкинлиги айtilган. Штатларнинг конституциялари бошқаришнинг республика шаклини мустақамлаб, қонунчилик ҳокимиятини икки палатали мажлисга, ижро ҳокимиятининг эса губернатор ёки бошлиғи президент бўлган Ижро кенгашига (Пенсильвания) берилганини мустақамлади.

¹ Конституции и законодательные акты буржуазных государств XVII – XIX вв. – М.: Госиздат, 1957. – С.211.

Шундай қилиб, озодлик уруши натижасида АҚШда янги давлат ва ҳуқуқ ташкил топди. Америка халқининг мустамлакачи Англия сиёсий тузумига қарши олиб борган етти йиллик кураши 1783 йил 9 сентябрда Версаль сулҳ шартномасининг тузилиши ва 13 штатнинг мустақиллигини тан олиш билан тугади.

3. 1781 йилги конфедерация моддалари

Қитъа конгрессининг махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқилган конституция лойиҳаси «Бирлашган мустамлакалар»¹ деб аталиб, 1776 йил 12 июлда конгрессга тақдим қилинди. 1777 йили тасдиқланди. Лекин «Конфедерация ва абадий иттифоқ ҳақида» деб аталган 13 моддадан иборат бу ҳужжат 1781 йил 1 мартда, яъни ҳамма штатлар томонидан тасдиқлангандан кейин, кучга кирган. Бу конфедерация «Америка Қўшма Штатлари» деб атала бошланди (I-м.). Ҳар бир штат ўзининг федерация ихтиёрига бермаган барча ҳуқуқлариға: ўз судловига, ўзининг юқори ҳокимиятиға эгадир. Штатлар умумий фойда, умумий манфаат ва ҳимояни таъминлаш учун иттифоққа бирлашадилар. Ҳар бир озод кишининг мулкка эға бўлиши, штатларда юриш ва силжиш, шунингдек, барча штатларда ҳам тенг ҳуқуққа эға бўлиши тўғрисида гапирилади. Ҳар бир штат қўшни штатлар судларининг қарорларини ҳурмат қилиши ва унинг бажарилишиға ёрдам бериши, шунингдек, судланган ёки ҳукм қилинган киши қайси штат доирасиға қочиб кирмасин, уни тутиб шу штат маъмуриятиға топшириши айтилади.

Конфедерация масалаларини изчил ҳал қилиш мақсадида ҳар йили штатларнинг қонунчилик мажлислари томонидан сайланадиган штат вакилларидан ташкил толувчи конгресс ташкил этилади. Ҳар бир штат бунга 2 тадан оз, 7 тадан кўп вакил сайлаши мумкин эмасди. Ҳеч ким 6 йил ичида 3 йилдан ошиқ делегат бўли-

¹ Бунга Нью-Гемпшир, Массачусетс, Род-Айленд штатлари ҳамда Конниктикут, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания, Делавер, Мэриленд, Виржиния, Шимолий Каролина, Жанубий Каролина, Жоржия колониялари кирганди.

ши ва делегатнинг бирор мансабини эгаллаши мумкинмас. Ҳар бир штат, неча делегат юборишидан қатъи назар, бир овозга эга бўлади. Делегатлар дахлсиз шахслардир, уларни жиноят қилган ҳолларидан бошқа ҳолда тутиш, қамаш мумкин эмас. Конгресснинг рухсатисиз бирор штат бирор қиролга элчи юбориши, ундан бирор совға олиши, улар билан битим тузиши, элчиларни қабул қилиши мумкин эмас. Ҳар бир штат конгресс рухсат берган миқдорда ҳарбий кемалар ва қуроолланган милиция бўлимларига эга бўлиши мумкин, лекин конгресс рухсатисиз бирор штат уруш эълон қилиш ҳуқуқига эга эмас. Штатлар, фақат конгресс уруш эълон қилгандан кейингина, кемаларни қурооллантириб, уруш эълон қилинган мамлакат кемаларига нисбатан капер (талаш ҳақида) гувоҳномалари бериши мумкин. 9-моддага мувофиқ, бир палатали конгрессга куйидаги ҳуқуқлар берилади: уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, элчилар юбориш, қабул қилиш, чет давлатлар билан шартномалар, битимлар тузиш, ажнабийларга солиқлар солиш, капер гувоҳномалари бериш, талончиларни суд қилиш учун суд ташкил этиш, икки ёки бир неча штатлар ўртасида келиб чиққан ҳар қандай муносабатларни ҳал қилишда олий апелляция (шикоят) босқичи вазифасини ўташ. Ҳеч бир штат Қўшма Штатлар фойдасига ўз ҳудудидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Бундан ташқари, конгрессга пул бирлиги курсини ва зарб қилинган тангаларнинг миқдорини белгилаш (проба легатураси), Қўшма Штатлар учун умумий оғирлик ва узунлик ўлчовини белгилаш, савдони бошқариш ва ҳиндулар масаласи бўйича ҳамма ишларни ҳал этиш, почта хизматини ташкил қилиш, Қўшма Штатларда хизматда бўлган қўшинларнинг сонини тайинлаш ва қўшинларни бошқариш қоидаларини ишлаб чиқиш, конгресс сессиялари орасида ҳаракат қилувчи Штатлар комитетини тузиши мумкин. Унга ҳар бир штатдан бир вакил киради.

Штатлар комитети ёки ундаги 9 штат, конгресс мажлислари тамом бўлган вақтда, конгресс берган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. 11-моддада мазкур конфедерацияга Канаданинг ҳам қўшилганлиги тўғрисида гапирилса-да, лекин ҳамма штатларнинг розилигисиз бошқа бирон мустамлакани конфедерацияга қабул қилиш мумкинмаслиги белгиланди.

Конфедерациянинг ҳуқуқлари чекланганди, яъни у 9 штатнинг розилигисиз бирор қонунни қабул қилиш ва штатларни молиявий жиҳатдан мажбур этиш воситаларига эга эмасди. Бунинг учун молиявий воситалари ҳам бўлмаган. Яъни расман эга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга ҳам имконсиз эди. Б.В.Вильсоннинг фикрича, кенг ҳуқуқлар билан таъминланган, лекин ҳақиқий ваколат билан таъминланмаганди.¹

Буларнинг бари конфедерация ҳукумати ҳаракатида қийинчилик туғдирди. Шундай қилиб, тузилган конфедерация 13 мустақил штатларнинг халқаро иттифоқидан иборат бўлиб, ҳар бир штат ўз суверенитетини, озодлиги ва мустақиллигини, ҳокимияти, судловини сақлаб қолди. Бошқачароқ қилиб айтганда, конфедератив конгресснинг хусусий кишилар устидан мажбурий воситалари бўлмаган. Чунки фақат штатлар ҳукуматлари орқали таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шунинг учун бу конфедерацияни Ж.Вашингтон «қумдан ясалган арқон» деб атаганди.

Штатларнинг Англия устидан ғалабаси Америка озодлик урушининг бурилиш нуқтаси ҳисобланади. Ўша вақтдан саноатчилар ва йирик ер эгалари уруш натижасида бойиб олиб, қарши ҳужумга ўтдилар. Улар армияни қуролсизлантириш, ҳужаликни тиклашнинг асосий оғирлигини ишчилар, ҳунармандлар ва фермерлар устига ағдаришга интилдилар. Урушнинг бутун оқибатларини ўз гарданига олган меҳнаткашлар, қарзга ботган фермерлар, ерсиз қолганлар урушни давом эттириш тарафдори эди. Уларнинг шиори қарзларни йўқотиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, сиёсий ҳуқуқларни тенглаштиришдан иборат бўлган. Армияда ҳам норозиликлар кучайиб кетди. Аскарлар ер беришни талаб қилиб қамоқхоналарда қарз бадалига ётган маҳбусларни қўйиб юбордилар. Қўзғолон кўтарган бир бўлинманинг сиқуви остида конгресс Филадельфиядан қочди. Фақат бош қўмондон Ж.Вашингтоннинг шахсий обрўси туфайлигина шароитдан чиқиш имкони туғилди. Аксилинқилобий кучлардан норози бўлган омма бир неча жойда қуролли кўзғолон билан чиқди. Уларнинг энг йи-

¹ Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Высшая школа, 1983. – С.259.

риги Даниэл Шейс (1746 – 1825) бошчилигидаги кўзғолон (1786 – 1787) эди. Кўзғолончилар давлат қурол-яроғ омборини қўлга олиб, бойларни қувиб юбордилар. Солиқ китобларини ва ундириб олиш ҳақидаги суд ишларини йўқ қилдилар.

Савдо-саноат доиралари эса фақат жуда катта куч сарфлабгина кўзғолонни бостириш имкониятига эга бўлди. Кўзғолончиларни курашдан четга тортиш мақсадида 1787 йил июнида конгресснинг «Катта ордонанс» номли акти қабул қилиниб, аҳолини Фарбдаги бўш ерларни эгаллашга чақирди. Бу эса ҳукмрон доираларга аҳолини курашдан четга тортиш ҳамда улардан яширин равишда ўзларининг талабларига жавоб берадиган давлат тузумини ўрнатадиган конституцияни ишлаб чиқиш имконини яратди.

4. 1787 йилги конституциянинг ишланиши ва унинг асосий белгилари

Маълумки, ҳар қандай инқилобнинг натижалари юридик ҳужжатларда мустаҳкамланади. Биринчи ёзма конституциялар Шимоллий Америкада ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. 1776 йилги Виржиния штатининг конституцияси мана шундай конституциялардан эди.

1766 йилиёқ Аннаполисда ўтган конгрессда янги конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун махсус Таъсис конвенти тузиш тўғрисида қарор қабул қилинганди. Деярли яширин ҳолда Филадельфияда 1797 йили 55 кишидан иборат конституциявий кенгаш чақирилиб, янги конституция ишлашга киришилди. Унинг таркибига кирган 55 делегатдан 24 таси молиячи, 11 таси кема эгалари, 15 таси қулдорлар бўлиб, унинг таркибига бирорта ишчи ёки меҳнаткаш фермерлар кирмаган. Улар ўша вақтда АҚШнинг 3 миллион аҳолисидан фақат 120 минг кишининг вакиллари эди.

Конвентда Род-Айленд штатидан вакил йўқ эди. Айрим делегатлар, конвентнинг мажлиси тамом бўлмасданоқ, уни ташлаб кетдилар ёки ҳужжатни тасдиқлашдан бош тортдилар. 55 та конвентда қатнашган делегатдан фақат 39 вакилгина унга қўл қўйди. Конституцияни биринчи бўлиб Делавер штати тасдиқлади. 1788

йил 21 июнда Нью-Гемпшир штатининг конституцияни тасдиқлаши билан, уни кучга киргизадиган зарурий овоз (9 штат) тўпланди. Расман 1788 йил 26 июлдан кучга киритилди. Шундай қилиб, конвент тор доирада, тўла ваколатга эга бўлмаса-да, АҚШ конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқди. Ана шу вақтдаги муҳитни лойиҳа муаллифларидан бири Александр Гамельтоннинг сўзидан ҳам билиш мумкин: «Халқ жаноб, сизнинг халқингиз бу, муғомбир, айёр. Жамият озлар ва кўпларга бўлинади. Озлар – бойлар, кўплар – халқ оммаси. Халқ турғун фикрда эмас. Шунинг учун бойларга доимий равишда ҳукуматда иштирок этиш имкониятини бериш керак. Улар оммани тутиб ҳукуматни сақлаб қоладилар».¹ Бу концепция ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятларининг «мувозанат принципи»да тўла ифодасини топади.

Конституциянинг тузилиши. У преамбула (сўзбоши) ҳамда 7 моддадан иборат. Ҳар бир модда бўлимларга ажралади. Масалан, 1-модда 10 бўлимдан иборат. Хужжат 28 тагина тузатиш билан ҳозиргача амалда. Мана шунинг ўзи ҳам АҚШ конституциясининг худди Франция, Италия конституциялари каби жуда қаттиқ характерга эгаллигини англатади.

Конституциянинг моҳияти. Хужжат шимол саноатчилари билан жануб қулдорлари келишувидан иборат бўлиб, уларнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлайди. Конституциянинг кириш қисмида мустаҳкамроқ иттифоқ тузиш учун ушбу конституция тасдиқлаб кучга киритилгани айтилади. У ягона Америка Қўшма Штатлари давлатини мустаҳкамлади. Гарчи федерал бўлса-да, лекин узоқ вақтларгача, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўз моҳиятига кўра кўпроқ конфедерация тарзида давом этди. Штатлар сони дастлаб 13 та, кейинчалик 46 та бўлган, ҳозирда 50 штат ва Колумбия федерал округидан иборат, улар кенг ички автономия ҳуқуқларидан фойдаланади. Умумий масалаларни ҳал этиш федерал идоралар (конгресс) ихтиёрига берилади.

Конгресс олий федерал орган бўлиб, у энг умумий масалаларга оид қонунлар чиқаради. Масалан, пул зарб қилиш, уруш

¹ Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Высшая школа, 1983. – С.160.

эълон қилиш, армия ва флотни қуроллантириш, сақлаш, ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларни олиб бориш, шунингдек, штатлардаги қўзғолон ва исёнларни бостириш. Бу конституция Жон Локк ва Монтескье ғояларига асосан ҳокимиятнинг учга: ижро, қонунчилик ва суд ҳокимиятига бўлинишини расмийлаштирди.

1-модда 10 бўлимдан иборат, асосан, АҚШ Миллий конгрессининг тузилиши мустаҳкамланиб, юқори палата – сенат, қуйи палата вакиллар палатасидан иборатлиги, вакиллар палатасига 2 йилга штат вакилларида 25 ёшга тўлганлар, сенат эса ҳар бир штатдан 2 та сенатор таркибда 6 йилга сайланиши, ҳар 2 йилда 1/3 қисми қайтадан сайланиб туришлиги тўғрисида, сенатор бўлиш учун 9 йил АҚШда яшаш ва 30 ёшга тўлиш цензи ҳақида гапирилади. Конституция вакиллар палатасига ҳар бир штатда яшовчи аҳолининг сонига мос ҳолда 30 минг кишидан бир делегат сайлаш тартибини ўрнатди. Аммо аҳоли рўйхати ўтказилгунга қадар, штатлар ўртасида депутатлар мандатини қуйидагича тақсимлади. Нью-Гемпшир 3 вакил, Массачусетс 3, Коннектикут 5, Нью-Йорк 6, Нью-Жерси 4, Пенсильвания 8, Делавер 1, Мериленд 6, Виржиния 10, Шимолий Каролина 5, Жанубий Каролина 5, Жоржия 3 ва ҳ.к.

Конституция солиқлар ундириб олиш билан боғлиқ ҳар қандай қонунларни қабул қилиш ҳуқуқини вакиллар палатасига берди, сенат эса унга фақат тузатишлар киритиши мумкин бўлди. АҚШ вице-президенти сенат раиси ҳисобланади. Ҳар бир палата сайловга оид масалаларни ўзи ҳал қилади. 7-бўлимда президентнинг вето ҳуқуқи тўғрисида гапирилади. Шу модданинг 8-бўлимида конгресснинг ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилади, ташкилот солиқлар ва уларни йиғиш, ўлпон, акцизлар солиш, чет давлатлар билан бўладиган савдони тартибга солиш, пул зарб қилиш, судларни ташкил этиш, армияни тўплаш ва таъминлаш, флотни қуроллантириш, қўзғолонни бостириш учун милицияга фармойиш бериш, зарур деб ҳисобланган ҳамма қонунларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

2-модданинг ўзи 4 бўлимдан иборат, бунда ижро ҳокимияти президентга берилади. Президент штатларда тайинланадиган сайловчилар томонидан 4 йил мuddатга сайланади. Президент

этиб АҚШ фуқароси бўлиб туғилган, АҚШда 14 йил мобайнида доимий яшаган, 35 ёшга тўлган кишилар сайланиши мумкин.

Конституцияда «мувозанат принципи» ҳам ўз аксини топган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, унга кўра, вакиллар палатаси сенат розилигисиз яқка ўзи қонун қабул қилолмаган. Конгресс қонунига ветоли президент қўйган. Олий суд кучга кирган қонунни конституцияга хилоф деб ҳисоблаган ва ҳ.к. 1787 йилги конституция шимолий штатлар молия ва савдо-саноат доираларининг жанубий штатлар қулдор плантаторлари ўртасидаги келишувидан, халқ устидан бу блокнинг ғалабасидан иборатдир. У декларацияга нисбатан орқага ташланган бир қадам эди. Унда фақат ҳукмрон доиралар манфаатлари ифодаланган, ҳуқуқлар тўғрисида, айниқса, туб аҳоли – ҳиндулар тўғрисида гапирилмади, қулчилик бекор қилинмади.

Шундай қилиб, конституция янги давр конституцияларидан биридир. Унда тўғридан-тўғри чекланмаган хусусий мулк ҳуқуқи ва озод соҳибкорлик фаолияти ҳамда қонун олдида расман ҳамманинг тенглиги тўғрисида гапирилади. Шу билан бирга, юқорида айтганимиздек, қулчиликни сақлаб қолиши билан барча Фарбий Европа конституцияларидан фарқланади. Конституция штатларнинг ҳуқуқларини санаб кўрсатмаган бўлса-да, лекин уларнинг қайси ҳаракатларни бажариши мумкинмаслигини кўрсатиб ўтган: бошқа иттифоқ ёки конфедерацияга кириши, пул зарб қилиши, халқаро шартномалар тузиши, кредит қоғозлар чиқариши, дворянлик унвонларини бериши, давлатга хиёнат учун жазо тайинлаш учун қонунлар чиқариши, орқага қайтиш кучига эга қонунлар чиқариши ва ҳ.к. Шунингдек, суд тизимини, қуролли кучларни ташкил қилиш ҳуқуқларига эгалар. Ҳар бир штат бошқа бир штатнинг қабул қилган актлари, расмий ҳужжатларига ҳурмат билан қараши керак. Бир штатнинг фуқароси ҳамма штатлар фуқаролари каби ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминланиши лозим, яъни бирор-бир штатнинг фуқароси АҚШнинг фуқаросидир. Жиноятчи бирор жойдан қочган бўлса, уни шу иш судлови тегишли бўлган штатга топшириш лозим эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, конституцияда ҳокимиятнинг

бўлиниши принципи амалга оширилганди. Конституциянинг 3-моддаси АҚШнинг суд тизими ҳақида гапирди. АҚШда суд ҳокимияти конгресс томонидан вақти билан таъсис қилиб туриладиган қуйи судларга ва АҚШ Олий судига топширилган.

Олий суд аъзолари ҳам, қуйи суд аъзолари ҳам давлатдан хизмат эвазига маош олади, ўз вазифаларини суиистеъмол қилмасдан бажаришлари шарт, улар умрбодга мазкур вазифага тайинландилар.

Суд ҳокимияти, конституцияга биноан, Қўшма Штатларда вужудга келган ҳамма суд ишларига: консулларга, денгизда сузиш билан боғлиқ юрисдикцияга оид барча ишларга, штатлар орасидаги низоли масалаларга, штатлар билан фуқаролар ўртасидаги ишларнинг барига ёйилган.

Штатларга ҳамда элчилар, қонунчилик ҳокимияти вакилларига оид барча ишлар бўйича АҚШ Олий суди биринчи босқич суди саналган. Қолган ишлар бўйича у шикоят инстанцияси суди вазифасини ўтаган. Конституцияда янги суд процессуал ҳуқуқининг асосий қоидалари ўз ифодасини топган. Масалан, барча жиноят ишлари содир қилинган штат доирасида қасамхўрлар судида кўрилиши тартиби ўрнатилган. Конституцияга кўра, федерал олий суд соддагина ташкилот қилиб кўрсатилса-да, лекин федерал ташкилотларнинг ўсиши билан, унинг ваколлати кенгайиб борди.

Бу амалиёт гарчи штатларда бошланган эса-да, федерал судда ўзининг ҳақиқий аҳамиятига эга бўлди, процесс иштирокчилари процесс жараёнида ҳар қандай қонунни конституцияга зид деб раддия бериши мумкин эди. Агар суд қонунни конституцияга хилоф деб топса, уни бажармаганлик учун ҳеч кимнинг жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шунинг учун у, гарчи қонунлар тўпламига киритилган бўлса-да, амалда ўз кучини йўқотарди. Аста-секинлик билан суд вето ҳуқуқи шунга олиб келдики, Америка конституцияси амалда судьялар томонидан қандай тушунилса, шундай бўлиб қолди. 1803 йили олий судья Маршал раислигида конституция ва қонунлар аниқ ишлар билан шарҳланиб, суд қарори чиқарилган ва қуйи судлар учун мажбурий бўлган. Қонунлар шу йилдан

конституцияга хилоф деб эълон қилина бошланган. XIX асрнинг 1-ярмида Олий суд ўзининг мазкур ҳуқуқдан қулдорларнинг манфаатларини қўриқлаш, конгресс ва президентнинг ҳуқуқларини кенгайтириш йўлида фойдаланди. Масалан, АҚШ Олий суди 1895 йили «Монополиялардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонунни, 1923 йили «Аёллар иш ҳақининг минимуми ҳақида»ги қонунни конституцияга зид деб топди.

XIX аср охирига келиб АҚШ судлари фаолиятига суд буйруқлари ҳам кенг қўлланила бошланди, унга кўра, суд бирор-бир органни ёки хусусий кишини конституция талабларини бажармаяпти, ундан четга чиқяпти деб ҳисобласа, «судга билдирилган ҳурматсизлик» ниқоби остида суд буйруғи билан мулкий жазога тортилган, айрим ҳолларда ҳатто қамоққа ташланган. Мана шундай тартибда тазйиқ ўтказиш, айниқса, ишчилар ҳаракатига қарши курашиш учун кенг қўлланган. АҚШ Олий судининг таркибий тузилиши 1787 йилги конституцияда фақат умумий белгилари билан белгиланган. АҚШ Олий суди президент томонидан, сенатнинг розилиги билан умрбодга тайинланадиган 9 аъзо таркибида ташкил топади. Мана шу тартибда бошқа федерал судлар, апелляция ва округ судлари ҳам ташкил топади. Бундан ташқари, АҚШда ҳарбий, тижорат ва бошқа махсус судлар мавжуд. АҚШнинг прокуратура идоралари тизими ҳам худди судлари каби федерал ва штатларнинг прокуратураларидан иборат.

5. XIX аср ўрталарида фуқаролар уруши ва конституцияга киритилган ўзгартиришлар

АҚШ конституцияси унга ўзгартиришлар киритишнинг жуда мураккаб ва қийин тартибини ўрнатди. Конституциянинг 5-моддаси ўзгартиришлар киритиш тартибига бағишланган бўлиб, унда шундай дейилади: «Конгресс ҳар сафар иккала палата аъзоларининг 2/3 қисми талаби билан конституцияга ўзгартириш киритишни таклиф қилади ёки штатлар қонун чиқариш органларининг 2/3 қисми талаби билан конституцияга ўзгартиришлар киритиш-

ни таклиф қиладиган конвентни чақиради». ¹ Конституцияга 200 йилдан ошиқ вақт мобайнида фақат 28 тузатиш киритилди. Амалда эса у ўзгармасдан ҳозирда ҳам 50 штатда ҳаракатда. АҚШ аҳолиси гарчи ҳозирда 300 миллиондан ошган бўлса-да, у АҚШнинг аҳолиси деярли 50 маротаба кам бўлган даврда ишлаб чиқилган ҳолатида қўлланиб келмоқда. У даврда АҚШнинг ижтимоий тузуми ҳам бошқача эди. Гарчи мамлакат юристлари тан олмасалар-да, АҚШ конституцияси кейинги йилларда турли хил фавқулодда қонунлар билан, конгресснинг иш фаолиятида вужудга келган конституцион битимлар ва олий суд прецедентлари билан ўраб ташланди. Натижада АҚШда иккита конституция вужудга келди. «Ҳаракатдаги»си деб эса кейингисини ҳисоблаш лозим.

Юқорида айтганимиздек, конституцияни кучга киритиш учун уни энг камида 9 штат ратификация қилиши керак эди. Кўпгина штатларнинг конвентлари меҳнаткаш омманинг сиқуви остида конституцияга ҳуқуқлар ҳақидаги қонунни киритиш шарти билан тасдиқлади. Натижада 1789 йил сентябрида тўпланган конгресс конституцияга 10 та ўзгартириш киритишга мажбур бўлди. 1791 йили мазкур ўзгартиришлар «**Ҳуқуқлар ҳақида**»ги билл номи билан штатлар томонидан тасдиқланди. «Ҳуқуқлар ҳақида»ги биллнинг мазмуни кейинчалик ишчилар ҳақидаги қонунларни бекор қилиш бўйича суд тортишувларининг бош предметига айланиб қолди.

Ўнта тузатишнинг биринчиси янги ҳуқуқнинг марказий институтлари деб аталмиш виждон эркинлиги, сўз, матбуот ва митинглар ўтказиш эркинлигига бағишланган, унга кўра, федерал конгресс юқоридаги ҳуқуқларни чеклашга қаратилган бирорта қонунни қабул қилиши лозим эмаслиги расмийлаштирилди. Иккинчи тузатиш АҚШ халқига қурол сақлаш ва эркин ҳолда тақиб юриш ҳуқуқини берди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур ҳуқуқ дастлабки даврда нисбатан ижобий роль ўйнаган бўлса-да, кейинги вақтларда АҚШ давлатида жиноятчиликнинг кучайиб кетиши-

¹ Конституции буржуазных государств. – М.: Госюриздат, 1982. – С.31.

га таъсир кўрсатди. 3-, 4-, 5-тузатишлар АҚШ фуқароларининг шахсий ва уй-жой дахлсизлигини таъминлашни назарда тутиб киритилди. Уларга биноан, тинчлик вақтида бирорта аскар уй эгаларининг розилигисиз унинг уйига кириши ёки жойлашиши мумкин эмас. Етарли асосларсиз фуқароларнинг уйларини тинтиш ёки қамоққа олиш бекор қилинади. Бундай ҳаракатлар фақат ордер билангина ўтказилиши белгиланди. 5-тузатиш янги жиноят ҳуқуқи ва процессининг асосий принципларига бағишланган, унга кўра, қасамхўрлар судининг қарори ёки айбловидан ташқари бирор кишининг жавобгарликка тортилиши бекор қилинади, қолаверса, айбдорнинг ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур этилмаслиги, бир жиноят учун икки марта жазога тортишга йўл қўйилмаслиги, суд йўли билан ҳал этиб жазо белгилаш йўлидан ташқари бирор хилда ҳеч ким озодликдан ва мулкдан маҳрум этилиши мумкинмаслиги тўғрисида гапирилади. 6-тузатиш фақат жиноят содир қилинган жойдагина судлов ва айбдорни ҳимоя ҳуқуқлари билан таъминлаш тартибини жорий қилди.

7 – 10-тузатишларда умумий ҳуқуққа асосланган суд ишларида, агар даъвонинг қиймати 20 доллардан ошмаса, фақат қасамхўрлар судида ишни кўриш, жиноят ишларини кўришда катта гаровлар талаб қилиш, жарималар солиш ёки дахшатли ва одатдан ташқари қаттиқ жазоларни тайинламаслик принциплари ўрнатилди. «Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл ўнинчи тузатиш билан тамом бўлади. Мазкур тузатишда «Қўшма Штатларга шу конституция билан берилмаган ва фойдаланиши алоҳида штатлардан олинмаган ваколатлар штатларга ва халққа тегишлидир» дейилади. «Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл ўз даврида Англия ҳукумати томонидан ўрнатилган айрим феодал қолдиқларни бекор қилди. Лекин, худди конституция матнида бўлганидек, «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл»да ҳам мулк ҳуқуқини тартибга солишдан четлаб ўтилди. Лекин жуда муҳим қоида – хусусий мулкни жамоат манфаатларидан ташқари маълум миқдорда ҳақ тўламасдан олиш мумкин эмаслиги мустаҳкамланди (5-тузатиш).

Бу қоида кейинчалик штатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланди. Лекин ўз асосига кўра унга киритилган бирин-

чи тузатишлар – «Хуқуқлар ҳақида»ги билл ҳам уни тўлдирувчи қоидаларни ўрнатди. Негрларнинг қуллиги сақлаб қолинди. АҚШ конституциясига кейин ҳам маълум бир социал-сиёсий факторлар натижасида тузатишлар киритиб борилди. Жумладан, 11 – 12-тузатишлар штатлар суверенитетини тасдиқлаш шиори остида ўтди. Ворисликка оид бир соф фуқаролик иши билан Жоржия штати 1794 йили иттифоқ судлари томонидан фуқароларнинг штатларга қаратилган ишларни ўзлари кўришларини тақиқлаш масаласини кўтариб чиқди ва у ҳамма штатлар томонидан маъқулланди. Натижада 1794 йилги III конгресс бунини 11-тузатиш сифатида тасдиқлаб, 1798 йилдан кучга киритди.

Мазкур тузатишни ўтказиш вақтида кўпгина штатлар резолюциялар қабул қилди. Масалан, 1793 йилги Виржиния ва Коннектикут резолюцияларида штатлар парламентларининг марказий ҳокимиятнинг қонунсиз ҳолда ўз ваколатини кенгайтиришига қаршилик кўрсатиш ҳуқуқини тасдиқлади. 1804 йил 25 сентябрда 12-тузатиш кучга кирди. Бу тузатиш, асосан, президент сайлаш масаласига бағишланган, унга биноан, АҚШ президентини сайлаш вақтида сайловчиларнинг керакли миқдордаги овози етишмаса, президент конгресс депутатлари томонидан сайланади, бунда депутатлар штатлар бўйича овоз берган ва ҳар бир штатнинг вакиллари фақат бир овозгагина эга бўлган.

Кейинги 13-, 14-, 15-тузатишлар АҚШда юз берган фуқаролар уруши натижаларидан иборат эди. АҚШга Африкадан жуда кўплаб негр қуллар олиб келинган, улар кўпинча жанубий штатларнинг пахта плантацияларида ишлатиларди. 1861 йили уларнинг сони деярли 4 млн кишини ташкил қилди.

АҚШнинг шимолида ёлланма ишчи кучидан фойдаланишга асосланган хўжалик, жанубда ҳамон қулдорлик ишлаб чиқариш тизими ҳукмрон эди. АҚШ ҳукмрон доираларининг олдида, тўғрироғи, бойроқ шимол саноатчилари олдида икки вазифа турарди: кўпроқ ишчи кучини шарқий қирғоқ бўйларида ушлаб туриш, шимолдаги қул меҳнатига асосланган қишлоқ хўжалигининг капиталистик хўжаликка ўтишини таъминлаш. Биринчи вазифани юқори даражадаги маош жорий қилиш билан, иккинчисини эса қулдорликни бекор қилиш йўли билан ҳал этиш мумкин эди. Ле-

кин жанубий плантаторлар қулдорликни янада кенгроқ ривожлантирардилар. Юксак даражада ривожланган шимол билан қолоқ жануб ўртасида қарама-қаршилиқлар тобора кучайиб борди.

Қулчилик жанубнинг ўзида ҳам саноат тараққиётига, шунингдек, шимол саноати ишлаб чиққан товарларни бозорлар билан таъминлашга тўсқинлик қиларди.

Хуллас, шимол билан жануб ўртасидаги кураш икки тизим: қулдорлик ва капиталистик тизим курашидан иборат бўлди. АҚШда, фуқаролар уруши бошлангунга қадар ҳам, қулчиликни чегаралаш тўғрисида айрим тadbирлар амалга оширилганди. Масалан, 1820 йили сенат ҳамда вакиллар палаталари шимолдаги янги ўзлаштирилиши лозим бўлган доираларда қулчиликни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади, лекин бу қарор конституцияга киритилмасдан, 1854 йилги «Канзас-Небраска билл» билан бекор қилинади. Жанубий плантаторлар шимол буржуазияси ўтказган ҳомийлик тарифига қарши ҳужумга ўтади. 1832 йили Жанубий Каролина штатида ҳомийлик тарифига амал қилмаслик тўғрисида қарор чиқарилади.

Вужудга келган шароитдан икки йўл билан чиқиш мумкин эди: ёки иттифоқни қулчилик асосида, қулдор зодагонларнинг бевоқиф нazorати остида қайта ташкил қилиш, ёки қулчиликни бекор қилиб, бозор иқтисодини саноат ва қишлоқ хўжалиги асосида қайта қуриш. Биринчи ҳолда қулдорлик тизими бутун иттифоқни зарарлантурса, иккинчи ҳолда қулчиликни бекор қилиш жанубий қулдорларнинг иқтисодига катта зарар етказарди. Шунинг учун жанубий қулдорлар иттифоқдан чиқиш ва Мексика ҳамда Марказий ва Жанубий Америкада қулчиликни ёйиш учун қуролли кураш сиёсатини олиб борди. Америка ишчилари ярим қуллар даражасига тушиб қолишни истамадилар. Шунинг учун 1860 йилги президент сайловларида ижобий кайфиятдаги Авраам Линкольн ғалаба қозонди, у бошлиқ республикачилар партияси эса қулчиликни бекор қилиш шиорини олға сурдилар. Бунга қарши 1860 йил 20 декабрда Жанубий Каролина ва унга қўшилган бошқа штатлар иттифоқдан ажралиш тўғрисида қарор чиқарди. 1861 йил 2 мартда эса ўзларининг **Америка конфедератив штатла-**

ри номли конституцияларини қабул қилдилар. Мана шундай шароитда жанубий штатлар биринчи бўлиб шимолга қарши уруш бошлади. Уруш тўрт йил давом этиб, шимолий штатларнинг тўла ғалабаси билан якунланди.

Натижада АҚШ суверен штатларнинг иттифоқи сифатида узил-кесил федератив давлатга айланди. Конституцияга муҳим тузатишлар киритилди. 1865 йили 13-тузатиш киритилиб, АҚШ доирасида қулчилик ва мажбурий хизмат бекор қилинди.

Истисно ҳолат – фақат содир этилган жиноятга жазо сифатида мажбурий хизмат белгиланди. 1868 йили конституцияга 14-тузатиш киритилди. АҚШда туғилган ёки бошқа жойдан келиб жойлашиб қолганлар АҚШнинг ва ўзлари яшаб турган штатларнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари деб эълон қилиниб, ирқи, ўтмишда қуллик ҳолатида бўлганлиги туфайли сайлов ҳуқуқларини чеклаш бекор қилинди. 1870 йили 15-тузатиш, яъни қора танлилар расман оқ танли фуқаролар билан тенгҳуқуқлилиги қондаси киритилди.

Мазкур тузатишлар натижасида 3,5 млн негр озод фуқаролар ҳисобланди. Аммо Американинг туб аҳолиси бўлган ҳиндулар аввалгидек ўз ерларидан қувғинликда, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум ҳолда қолавердилар. 1883 йили узоқ муҳокамадан кейин АҚШ парламенти фуқаро хизматини такомиллаштириш тўғрисида қонун – **Пэндлтон қонунини** қабул қилди. Унга кўра, АҚШнинг барча амалдорлари даъво қилинаётган мансабга танлов асосида қабул қилиниши, имтиҳонлар амалий характерга эга бўлиши, барча мансаблар танлов асосида энг юқори кўрсаткичли кишилар орасидан танлаб олиниши, мансабга тасдиқлаш олдидан синов муддатини ўташи белгиланди.

1787 йилги АҚШ конституциясига XX аср бошларига қадар бўлган даври ичида яна иккита тузатиш киритилди. XIX асрнинг охирги чорагига келиб АҚШ иқтисоди жуда ҳам юксалди. У жаҳоннинг sanoати ривожланган давлатига айланди. 1914 йилларга келиб эса янги бозор иқтисодига асосланган дунёнинг энг илғор давлатига айланди. АҚШни жаҳондаги етакчи давлатга айлантирган гигант трестлар ва катта банклар ташкил топди. Аста-секинлик билан Морган ва Рокфеллер иккита катта трести АҚШ

миллий бойлигининг 2/3 қисмини ўз қўлида тўплади. Бу даврда конгресс темир йўл ишлари, кашфиётлар тўғрисида, трестлар ва акционерлик компаниялари ҳуқуқлари тўғрисида, банк ишларини қайта ташкил қилиш бўйича бир қанча қонунлар қабул қилди. 1913 йили конституцияга 16-тузатиш киритилди. Унга биноан, АҚШ конгресси, қайси манбадан келиб чиқишидан қатъи назар, даромад солиғини ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлди. XX аср бошларида конгресснинг қонунчилик ваколати, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кенгайиб кетди. У ўз қўлига патент, денгиз, темир йўл, молия ҳамда маълум даражада фуқаролик қонунчилигини олди. 1913 йили штатларнинг қонунчилик муассасалари сенатни сайлаб қўйиш тўғрисидаги қонунни тасдиқлаб кучга киритдилар. Бу қонун конституциянинг 17-тузатишига айланди. Унга асосан, АҚШ Федерал конгрессининг юқори палатаси – сенат ҳар бир штатдан иккитадан тўғри сайлов йўли билан халқ томонидан олти йилга сайлаб қўйиладиган сенаторлардан ташкил топиши қонунийлаштирилди. Ҳар бир сенатор бир овозга эга бўлиши мустақамланди. Бундай тузатишнинг киритилиши расман сенатга сайлов ўтказилиши ҳамда сенатнинг таркиби демократлаштирилиши учун керак эди. Лекин бу тартиб ҳеч қандай туб ўзгаришлар киритолмасди. АҚШ сенати илгари қандай бўлса шундайлигича президент томонидан тасдиқланган олий мансабдор шахсларни тасдиқлаш, шартномаларни ратификация қилиш каби ҳуқуқларидан фойдаланиб ташқи сиёсатнинг муҳим масалаларини, министр, элчиларни бўшатиш каби ишларни ўз назорати остига олди.

Назорат учун саволлар

1. XVIII асрда Англия мустамлакаларидаги озодлик урушларининг сабаблари ва ҳаракатлантирувчи кучлари.
2. Мустақиллик декларациясида ўз ифодасини топган илғор ғояларни айтиб беринг.
3. Конфедерация моддаларининг мазмунини биласизми?
4. АҚШ конституциясининг ўзига хослиги нималарда ифодалангани?

5. Нима учун, конституция қабул қилинган, кўпгина қўшимчалар киритиш талаб этилди?

6. АҚШ Олий судининг ўзига хос вазифалари нималардан иборат?

7. Фуқаролар урушидан кейинги даврда конституцияга киритилган тузатиш ва қўшимчалар нимаси билан ажралиб туради?

8. АҚШ конституцияси ва мустақиллик декларациясининг қоида ва тажрибалари мустақил Ўзбекистон Республикаси конституциясини ишлаб чиқишда қандай аҳамият касб этган?

Ҳуқуқий масала №12

Умумий ҳуқуққа асосланган даъво қиймати йигирма доллардан ошмаган суд муҳокамаларида қасамхўр судлар томонидан кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Қасамхўр судьялар томонидан кўриб чиқилган ҳар қандай факт (иш) умумий ҳуқуқ қоидаларидан келиб чиққан ҳоллардан ташқари ҳолатларда Қўшма Штатларнинг ҳеч бир суди томонидан иккинчи марта кўриб чиқилмайди.

Ушбу парча АҚШнинг қайси конституциявий қонунидан олинган? Қасамхўр судьялар ҳақида нималарни биласиз? Нима учун бу ерда умумий ҳуқуқ тўғрисида гап кетмоқда?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.44 – 56.

2. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.432 – 452.

3. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Том 2. – М.: Инфра-Норма, 2006. – С.75 – 122.

4. История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.1 – 266, 578 – 618.

5. США: Конституционные и законодательные акты. – М., 1993.

6. Бельсон Я.М., Ливанцев К.Е. История государства и права США. – Л.: ЛГУ, 1982. – 288 с.

7. Шумилов В.М. Правовая система США: Учебное пособие. – М., 2003. – 400 с.

8. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 2. – М.: Юрист, 1996.

Лугат

Вето ҳуқуқи – қонун лойиҳаларини тасдиқламасдан олиб қўйиш. Рад этиш.

Конгресс – АҚШда олий қонунчилик органи. Айнан учрашув, мажлис, съезд маъноларини беради.

Конфедерация – давлатларнинг мустақилликни сақлаб қолган ҳолда баъзи масалаларни биргаликда ҳал қилиш учун тузган иттифоқи.

Метрополия – босиб олинган мустамлакаларга эгалик қилувчи давлат. Айнан шаҳарлар онаси маъносини беради.

Плантатор – йирик деҳқончилик хўжаликлари бўлган ерларга эгалик қилувчи киши.

11-МАВЗУ. ЕВРООСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ

Режа

1. Россия давлати ва ҳуқуқи.
2. Япония давлати ва ҳуқуқи.
3. Хитой давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Қрим уруши ва Россиянинг Фарб билан тўқнашуви. «Шаҳарлар фойдасига ва ҳуқуқларига оид ёрлиқ». 1861 йил 19 февралда крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши тўғрисидаги фармон. Губерниялар ва шаҳарлар ислоҳоти. Суд ислоҳоти, низомлар. Аксилислоҳотлар. Россиянинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти. Давлат тузуми. Император девонхонаси. Империя қонунлари тўплами. «Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақида»-ги низом. Японияда «Мейдзи» инқилоби. 1889 йилги конституция. Парламент. Ҳукумат. Конституцион монархиянинг ўрнатилиши. Хитойда Тайпинлар давлати. «Самовий сулола»нинг ер тизими. Ҳарбий тизим. Деҳқонлар демократияси. Хитойнинг республика деб эълон қилиниши.

1. Россия давлати ва ҳуқуқи

XVIII аср охири ва XIX асрда Россиянинг ижтимоий-сиёсий тузуми

XIX аср мобайнида Россиянинг ижтимоий-сиёсий тузумида туб ўзгаришлар юз берди. Қишлоқ хўжалиги тобора бозор билан боғлиб, товар ишлаб чиқариш кенгайиб борди. Қора тупроқли районларда деҳқонларнинг баъзи мажбуриятлари пул (оброк) мажбурияти билан алмаштирила бошланди. XVIII асрнинг 80-йилларида баъзи помешчиклар деҳқонларнинг ерларини олиб қўйиб, уларни тўла ўз ерларида ишлатиб маош беришга киришдилар.

Янги муносабатлар деҳқон хўжалигига кириб келди, уларнинг табақаланиши кучайди. Деҳқонларнинг бир қисми бойиб, ўз савдо-саноатини юрита бошлаган бўлса, иккинчи қисми ўз маблағларини саноатга сарфлаган. Майда товар ишлаб чиқариш ўсиб, бунинг асосида мануфактура ишлаб чиқариши ривожланди. Хусусий эгаликдаги мануфактураларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш кенгайди. XIX асрнинг 30 – 50-йиллари мануфактура ишлаб чиқаришдан машиналашган техникага асосланган фабрика ишлаб чиқаришига ўтиш даври бўлди.

Бу эса янги табақалар: буржуазия ва ишчиларнинг шаклланишини тезлаштирди. 1825 йилларда ишлаб берувчи саноатдаги ишчиларнинг 54% ёлланиб ишловчи ишчилардан иборат бўлди. Фақат Россияда крепостнойлик тузумининг мавжудлиги саноатнинг янада ривожланиши учун тўсиқ эди. Шунинг учун XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда крепостнойликка қарши кўплаб ҳаракатлар бўлиб ўтди. Қрим уруши, Россиянинг Фарб билан тўқнашиши унинг анча қолоқлигини кўрсатди. Шундай қилиб, XIX асрнинг 50-йиллари охирида Россиядаги крепостнойлик тузуми ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан қолоқлигини намён этди. XVIII аср охирида дворянларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини мустаҳкамлаш янада ривожланди. 1762 йили Пётр III нинг «Бутун рус дворянларига эркинлик ва озодлик бериш тўғрисида»ги манифестига кўра улар ҳарбий ва давлат хизматларидан озод этилганди. Уларнинг крепостной деҳқонларга нисбатан ҳуқуқлари янада кенгайтирилди, ўзларига ёқмаган деҳқонларни мажбурий меҳнат (каторга) ишларига юбориш, Сибирга сургун қилиш ҳуқуқларига эга бўлдилар. 1785 йили «**Дворянларга инъом ёрлиғи**» чиқиб, уларнинг давлат хизматидан озод этилганлиги янада мустаҳкамланди ва мулк ҳуқуқида фақат ернинг устидаги эмас, остидаги фойдали қазилмаларга ҳам эгалик ҳуқуқи ёйиладиган бўлди. Дворянларга фабрика- заводларга ва қишлоқларга эгалик қилиш, савдо билан шуғулланиш ҳуқуқлари берилди. Шахсий солиқлардан, мажбуриятлардан ҳамда тан жазоларидан озод қилиндилар. Улар ўзларининг табақавий мажлислари: уезд ва губерния дворян кенгашларини тузиш ҳуқуқини олдидлар. Руҳонийларга келсак, бу даврда улар монахлик қилувчи

қора руҳонийларга ҳамда оқ руҳонийларга бўлинган. XVIII асрнинг 60-йилларигача катта миқдордаги ерларга, деҳқонларга эгалик қилиб, мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва сиёсий кучига айланишган. Улар ҳам худди дворянлардек шахсий солиқ ва йиғимлардан, ҳарбий йиғимлар, тан жазоларидан озод этилган. Шу билан бирга, мутлақ монархия даврига хос хусусият – черковни давлатга бўйсундириш давом эттирилди. Давлат руҳонийларнинг савдо ва саноат билан шуғулланиш, ерга, крепостнойларга эгалик қилиш ҳуқуқларини тақиқлай борди. 1762 йили черков ерларини махсус тузилган иқтисодий коллегияларга топшириш тўғрисида фармон чиқди. Шундан кейин 800 мингга яқин черков деҳқонлари давлат деҳқонлари тоифасига ўтди. XIX асрнинг биринчи ярмида бошқа тоифалардан чиққан кишиларнинг руҳонийлар тоифасига ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги фармон эълон қилинди.

Крепостной деҳқонларнинг асосий қисмини помешчик, давлат ва иқтисодий¹, посессион², сарой деҳқонлари ташкил қилган. Помешчиклар деҳқонларни тан жазосига тортиши, мулк сифатида сотиши, сотиб олиши, тинчлантирувчи уйларга бериши, Сибирга сургун қилиши ҳам мумкин эди. 1767 йилги фармонга кўра, деҳқонлар ўз помешчиклари устидан арз қилиши каторгага юбориш таҳдиди билан тақиқланди.

1842 йилги фармонга кўра, помешчиклар жуда катта тўлов эвазига ўз деҳқонларини озодликка қўйиб юборишлари мумкин бўлди.

1816 – 1819 йилларда подшо Александр I оммавий деҳқонлар чиқишлари натижасида Эстландия, Лифландия, Курландия губернияларида крепостной ҳуқуқини бекор қилди. Давлат деҳқонларининг сони озая борди. 1825 йили улар 400 минг кишини ташкил қилиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганлар, ҳарбий хизматни ҳам ўтаганлар.

1837 йили давлат деҳқонларини бошқариш бўйича ислоҳот

¹ Иқтисодий коллегияга бўйсундирилган, унга тегишли ерларга бириктирилган давлат деҳқонлари.

² Мажбурий кўчириб жойлаштирилган деҳқонлар.

ўтказилиб, уларни бошқариш учун давлат мулклари вазирлиги ташкил қилинди. Деҳқонларнинг мажбуриятлари турлича бўлиб, давлат деҳқонлари пул билан оброк тўлаганлар. Посессион деҳқонлар завод-фабрика эгалларига, сарой деҳқонлари ва император хонадонига қарашли эди.

XVIII – XIX асрларда Россия шаҳарларининг аҳолиси сон жиҳатдан ўсди. 1875 йили «Россия империясининг шаҳарлари фойдасига ва ҳуқуқларига оид ёрлиқ» чиқарилди. Унга кўра, шаҳарларнинг аҳолиси олти даражага бўлинди: 1. Ҳақиқий шаҳарликлар (обывателлар), шаҳарларда мулки ва ерлари бўлганлар. 2. 10 мингдан 50 минг сўмгача маблағи бўлган савдогарлар. 3. Цехларга ёзилган ҳунармандлар. 4. Мешчанликка ёзилган ажнабийлар ва чет элликлар. 5. Камида 50 минг сўм маблағга эга бўлган таниқли фуқаролар. 6. Барча посад¹ аҳли.

Шаҳарларнинг асосий аҳолиси мешчанлардан иборат бўлиб, жон солиғи тўлаб, рекрутлик мажбуриятини бажарган. Шаҳарларда табақавий судлар ва шаҳар думалари мавжуд эди. 1832 йили фахрий фуқаролик таъсис этилган. Шаҳарнинг энг қуйи аҳолисини мешчанликка кирмаган «иш кишилари» ташкил қилган. XIX аср ўрталарига келиб 364 йил ҳукм сурган крепостной ҳуқуқ Россиянинг кейинги ривожланиши учун тўсиқ бўлиб қолди. Давлатнинг кейинги тараққиёти крепостнойликни тугатишга бевосита боғлиқ эди.

Крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши. Дастлаб мазкур ислохот 1857 йилдан яширин ҳолда тайёрлана бошлади. 1861 йил 19 февралда крепостной ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида «Крепостной қарамликдан озод бўлган деҳқонлар ҳақида умумий қоидалар» номли манифест ва тўртта маҳаллий низомлар, бошқа турли ҳужжатлар – жами 17 акт эълон қилинди. Ислохотга кўра, деҳқонлар крепостной қарамликдан озод этилиб, ер билан таъминланганлар. Ер миқдори помешчик билан деҳқон орасида ўзаро келишиш орқали аниқланган, бунда помешчик шу жой учун белгиланган миқдордан кўп ёки кам бериши мумкин бўлмаган. Қонунга кўра, Россия, Украина, Белоруссия

¹ Шаҳристонга кўчириб жойлаштирилган оддий халқ.

ерлари уч районга: қора тупроқли, қора тупроқ бўлмаган ва чўл районлар гуруҳларига бўлинган, улар учун берилиши мумкин бўлган алоҳида ер миқдорлари белгиланган. Жон бошига бериладиган ерлар турли губернияларда 2,75 дан 12 десятинагача максимал миқдорда, 0,9 дан 3 десятинагача минимал миқдорда берилиши лозим эди. Бу ислохот натижасида деҳқонлар илгари ўзлари эгаллаб турган ерларга қараганда 5 миллион гектар яхши ерларни йўқотдилар. Деҳқон томорқа ерини дарҳол, аммо экин экиладиган ерни жамоа билан сотиб олиши мумкин эди. Ўша даврдаги нархга кўра деҳқонлар сотиб олиши лозим бўлган экин ери 544 млн сўм баҳоланган, бу суммага фақат ернинг баҳоси эмас, деҳқонларнинг баҳоси ҳам кирган. Шундан 20 – 25% қисми тўланган, қолган 75 – 80% ни помешчиклар давлат хазинасидан олишлари лозим бўлган. Деҳқонларга эса уни 49 йил ичида давлатга тўлаши талаб этилган. 40 йилдан ошиқ муддат ичида деҳқонлар хазинага фоизлари билан 2 млрд сўм тўлаган бўлсалар-да, давлат уларнинг қарзидан кечмаганди. Фақат 1905 – 1907 йиллардаги инқилоб подшо Россиясини ушбу қарзларни ундиришни тўхтатишга мажбур қилди.

Мазкур ислохотнинг янги даврга хос томони шахсий озодлик эди. Энди помешчиклар уларни сотиши, сотиб юбориши, алмаштириши, гаровга қўйиши, жазо бериши мумкин бўлмай қолди. Деҳқонлар ўз номларидан судда чиқиш, шикоят бериш, жамоат сайловларида иштирок этиш, бошқа табақаларга ўтиш имконини қўлга киритди.

Шахсий ҳуқуқлардан ташқари улар мулкый ҳуқуқларга эга бўлдилар, кўзғалувчи ва кўзғалмас мулкларга эга бўлиш, шартномалар тузиш, эркин савдо билан шуғулланиш ҳуқуқларига ва ҳ.к.

Ислохот давомида подшо Россияси деҳқонлар жамоасини бузмади. Мавжуд 47 губерниядан 34 тасида деҳқон жамоаси сақлаб қолинди. Сотиб олинган ер мулкнинг эгаси алоҳида деҳқон хонадони эмас, балки деҳқонлар жамоаси эди. Жамоанинг ижозатисиз деҳқонлар жамоадан чиқишлари, ҳиссаларини рад этиш ёки уни сотиб юборишлари мумкин эмасди. Ана шу тарзда крепостной Россия ўрнига саноат ишлаб чиқаришига асосланган Россия келди.

Шундан сўнг Россиянинг қишлоқларида ҳам деҳқон жамоалари емирила бошлади, деҳқонларнинг социал табақаланиши чуқурлашди. Мазкур даврда дворянлар тоифаси деҳқонларга берилган ерлар учун катта миқдорда давлатдан тўлов олиб, молия фаолияти билан шуғулланишга ўтди. Аммо дворянларнинг табақавий унвонлари сақланди. Ислохотлардан кейин Россияда буржуазия тоифалари тезлик билан шаклланди. 60 – 70-йилларда саноат тўнтариши (инқилоби) юз бериб, йирик саноат ишлаб чиқариши биринчи ўринга чиқди.

Шу билан бирга, эркин ёлланиб ишловчилардан тезликда ишчилар тоифаси шаклланди, унинг асосий манбаи крепостной қарамликдан озод этилган деҳқонлар эди. XIX аср охиридаёқ Россияда ёлланма ишчилар сони 10 млн дан ошди.

Давлат тузуми. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср биринчи ярмида Россиянинг давлат тузуми вақти-вақти билан (60 – 70-йиллар) маорифли абсолютизм тусини олган, лекин мутлақ монархиялигача қолганди. Жуда катта давлат идорасининг бошида **император** турган, у мутлақ монарх ваколатининг барча белгилари билан таъминланганди. Унинг ҳузурида маслаҳат органи **Император кенгаши** эди. Бу орган дастлаб ҳарбий масалалар, кейинчалик эса ички сиёсий масалалар билан шуғулланган.

1810 йили подшо манифести билан **Давлат кенгаши** таъсис қилинган, у баъзи ўзгаришлар билан 1917 йилгача фаолият кўрсатди. Давлат кенгаши қонун лойиҳаларини ишлаб чиқарувчи маслаҳат органи сифатида ташкил этилиб, унинг лойиҳалари император тасдиғидан кейингина кучга кирган. Унинг аъзолари 40 – 80 кишигача ўзгарган, министрлар, йирик помешчиклар, амалдорлардан иборат бўлган, ташкилот мажлисларига император раислик қилган. Мазкур кенгаш олти департамент: қонунлар, ҳарбий, фуқаролик ва диний департамент, давлат иқтисоди, фан, саноат ва савдо департаментларидан иборат эди. Қонун лойиҳаларини ишлаш ваколати узоқ чўзилмасдан, XIX аср иккинчи чорагидан бу иш подшо канцеляриясида министрликлар ва махсус комитетларда ишлаб чиқиладиган бўлди.

Кейинчалик **император шахсий канцеляриясининг** давлат ишларида ваколати ошиб, Давлат кенгашини иккинчи планга су-

риб қўя бошлайди. У подшони ҳукумат муассасалари билан боғлайдиган идора бўлиб, олти бўлимдан иборат эди.

Биринчи бўлим министрликлар устидан назорат ўрнатган, қонун лойиҳаларини тайёрлаган, юқори мансабдор шахсларни вазифасидан бўшатган ёки тайинлаган.

Иккинчи бўлим қонунларни тўпламлаштириш (кодификация) билан шуғулланган.

Учинчи бўлим давлатга қарши ҳаракатларнинг олдини олиш билан машғул эди.

Тўртинчи бўлим маданий-оқартув муассасалари, хотин-қизлар ўқув юртлари билан шуғулланган.

Бешинчи бўлим деҳқонлар ислоҳоти лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланган.

Олтинчи бўлим (1842 – 1845) Кавказни бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиққан.

Сенат бу даврда мамлакатнинг олий суд идораси вазифасини бажариб қолган. 1802 йили подшонинг «**Министрликларни таъсис этиш ҳақида**»ги манифестига кўра, дастлаб саккизта министрлик: ҳарбий, қуруқликдаги кучлар, денгиз кучлари, ташқи ишлар, адлия, ички ишлар, молия, тижорат, халқ маорифи министрликлари ташкил қилинди. 1811 йили «**Министрликлар тўғрисида**»ги умумий низом уларни таъсис этишни тугаллаб, барча министрликларнинг олий ҳокимиятга буйсунишини мустаҳкамлади. Министрлар ва уларнинг ёрдамчилари подшо томонидан тайинланадиган бўлди.

Министрликларнинг вужудга келиши билан, 1802 йилдан **Министрлар комитети** ташкил топа бошлади. Унинг мажлисига ҳам император раислик қилган. 1775 йили Россияда **губерниялар ислоҳоти** ўтказилиб, илгари 23 губерния, 66 провинция, 180 уезд бўлган эса, энди 50 дан ошиқ губерниялар ташкил қилинди (300 – 400 минг аҳоли бор жой – бир губерния). Губерниялар бошида подшо томонидан тайинланадиган губернаторлар турган. Бир неча губернияларга бошлиқ этиб генерал-губернаторлар тайинланган. Губерниялар ислоҳотига кўра, суд идоралари қайта қурилди. Табақавий судлар тузилиб, дворянлар учун, шаҳар аҳолиси, давлат деҳқонлари учун алоҳида-алоҳида судлар таш-

кил қилинди. Уездларда дворянлар учун уезд судьяси, икки маслаҳатчи таркибида дворянлар томонидан уч йилга сайланган **уезд судлари** тузилди. Дворянлар суди устидан апелляция, ревизион инстанция олий земство суди ҳисобланган. Бу суд икки департамент: жиноят ишлари ва фуқаролик ишлари департаментларидан ташкил топган. Шаҳарларда шаҳарликлар учун қуйи суд шаҳар магистрлари бўлиб, уч йилга сайланган. Давлат деҳқонлари учун фуқаролик ишларини қуйи судлар (расправа) олиб борган.

Қолаверса, ҳар бир губернияда **виждон судлари** ҳам тузилган. Улар бир раис, икки маслаҳатчи таркибида дворянлар иши бўйича дворянлардан, шаҳарликлар иши бўйича шаҳарликлардан, деҳқонлар иши бўйича деҳқонлардан тузилган.

Табақа судларидан ташқари губернияларда апелляция ва ревизион инстанция сифатида жиноят ва фуқаролик судлов палаталари тузилган. 1808 йилдан **тижорат судлари** тузила бошланган. Суд бошқаруви 1802 йили тузилган Адлия министрлиги томонидан олиб борилган.

Ҳарбий қурилиш. 1850 йили Аракчеев томонидан давлат деҳқонларидан тузилган ҳарбий қароргоҳлар тугатилди. 1782 йили махсус полиция органлари (расправа) тузилди. Улар губерния бошқармаларига бўйсунган, фуқаролик ва жиноят ишлари приставларидан иборат эди, шаҳар полициясининг бошлиғи **городовой** бўлиб, 20 сўмгача майда жиноят ишларини ҳал этган. 1827 йили «қонун билан тақиқланган йиғилишларни тарқатиш», «бўйсунмасликни тинчлантириш» мақсадида **жандарм корпуслари** тузилди.

Ушбу даврда жазо органлари ичида муҳими қамоқхоналар бўлиб, сиёсий қамоқхоналар, монастирларнинг қамоқхоналари ва умумжиной қамоқхоналарга бўлинган.

Россия жуда улкан мустамлакачи империя эди. Мустамлакаларни бошқариш унинг колониал сиёсатидан келиб чиқиб турлича бўлган. Украинада губерниялар ва уездлар ташкил қилинган. Карелия, Сибирь ва Волгабўйида губерния ислохотлари ўтказилиб, бунда миллий белгилар ҳисобга олинмаган. Кавказорти 1840 йили Грузия имеритин губернияси ва Каспий областига бўлин-

ган. Финляндия эса Финляндия буюк князлиги деб аталган, рус императори унинг буюк князи ҳам эди. Александр I даврида Финляндиянинг конституцияси тасдиқланди. Унга кўра, қонунчилик табақавий сеймга, ижро ҳокимияти 12 кишидан иборат сенатга топширилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империясининг ҳудуди Ўрта Осиё, шунингдек, Кавказдан икки вилоятнинг босиб олиниши ҳисобига кенгайиб кетди. Подшо Россияси Марказий Осиё ва Қозоғистон доирасида бир қанча ислохотларни ўтказган, бу ерда ҳарбий-колониал тузум ўрнатилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Россия самодержавие шаклидаги мутлақ монархия давлати бўлиб қолаверди. Ислохот йилларида унинг социал базаси кенгайди. Дворянлар ўз кўлида марказий, маҳаллий, ҳарбий ва суд-полиция аппаратида асосий бўғинларни тўплади, улар давлатда ягона сиёсий ҳукмрон куч эди. Шунинг учун XIX аср иккинчи ярмида самодержавие ягона тоифа дворянларнинг диктатураси бўлиб қолаверди. Марказий давлат аппарати бўғинларида айрим ўзгаришлар амалга оширилди. Император канцеляриясининг бўлимлари тугатилди. Давлат кенгаши Россиянинг ташқи алоқалар бўйича муассасасига айланди. 1857 – 1861 йилларда барча министрлик ва муассасаларнинг ишларини келиштирувчи Министрлар кенгаши тузилди. Унинг таркибига барча министрлар, бош бошқармалар бошлиқлари, Давлат кенгашининг ва Министрлар комитетининг раислари кирди, унинг мажлисларига император раислик қилган. Министрликлар тўла сақлаб қолинди. Ҳатто 1865 йили Темир йўллар министрлиги тузилди. Сенат айрим маъмурий назорат ҳуқуқларидан фойдаланиладиган давлатнинг олий суд органи бўлиб қолаверди.

Крепостной ҳуқуқ бекор қилингандан кейин, подшо Россиясида яна бир неча ислохотлар: молия, суд, полиция, армия, земство, шаҳарларда ўз-ўзини бошқариш, маориф, матбуотга оид ислохотлар ўтказилди. 1860 йили фақат дворянларгагина хизмат қиладиган кредит муассасалари ўрнига барчага хизмат қиладиган давлат банки ташкил этилди. Кейинчалик деҳқонлар ва дворянлар банклари тузилди. Мазкур ислохотлар молиявий ти-

зимни марказлаштириб, ягона касса тизимини яратишга олиб келди.

1862 йили шаҳар ва уезд полицияси ягона полиция тизимига бирлашди. 1865 йили эса Россиянинг Европа қисмида беш минг полиция урядниклари мансаби таъсис этилди. Уездларда полиция бошқармалари тузилиб, улар бошига исправниклар қўйилди.

1880 йили Ички ишлар министрлиги таркибига учинчи жандармерия корпусининг қўшилиши билан, полиция аппаратини ислоҳ қилиш тугади.

1864 йилги суд ислоҳоти. Бу ислоҳот беш йилдан ошиқ муддат ичида тайёрланиб, 1864 йили унинг лойиҳаси Давлат кенгашида муҳокама этилган ва подшо томонидан тасдиқланган. Ислоҳотнинг асосий йўналишлари тўртта низомда ўз ифодасини топган: 1. Судга оид кўрсатмаларни таъсис этиш. 2. Жиноий судловга оид низом. 3. Фуқаро суди юритишга оид низом. 4. Келиштирувчи судлар томонидан қўлланиладиган жазолар ҳақидаги низом.¹

Мазкур ҳужжатларга кўра, икки мустақил суд тизими: **маҳаллий судлар ва умумий судлар** вужудга келтирилди. Маҳаллий судлар келиштирувчи ва волост судларидан, умумий судлар округ судлари ва суд палаталаридан иборат эди. Бутун суд тизими бошида **сенат** турарди.

Уезд ёки шаҳарлар бир неча суд участкаларига бўлинган, ҳар бир участкада келиштирувчи судлар таъсис этилган. Келиштирувчи судья этиб 25 ёшдан кичик бўлмаган, ўрта ёки олий маълумотли, 400 – 1600 десятина ер ёки 15 минг сўмлик қўзғалмас мулкка эга дворянлар сайланиши мумкин эди. Келиштирувчи суд қиммати 500 сўмгача бўлган даъво аризаларини шахсан кўриб ҳал этган. Жиноят ишларидан хайфсан бериш, огоҳлантириш, ишонтириш ёки 300 сўмгача жарима солиш мумкин бўлган ишларнигина кўриш ваколатига эга эди.

Уезд келиштирувчи судлар съезди келиштирувчи судлар қарор

¹ Бу ҳақда қаранг: Российское законодательство X – XX веков. Судебная реформа. Т.8. – М., 1991. – С.495.

ва ҳукмлари юзасидан апелляцияон инстанция бўлиб, унинг таркибига барча фахрий ва участка судлари кирган.

1861 йили волост судлари таъсис этилган, бу деҳқонларнинг ишлари бўйича тоза табақавий суд эди. У ҳар йили волост йиғинида навбатдаги тўрттадан ўн иккитагача судьялар орасидан сайланиб, мажлисларида камида учта судья иштирок этган. У деҳқонларнинг 100 сўмгача бўлган барча даъво аризаларини, жиноят ишларидан уч сўмгача жарима солиш ёки олти кунгача ахлоқ тузатиш ишлари бериш билан боғлиқ ишларни кўрган.

Округ судлари умумий судларнинг ичида биринчи инстанция судлари бўлиб, жами 106 суд округлари тузилган, у икки бўлимдан: фуқаролик ва жиноят бўлимларидан, шунингдек, ҳар бир бўлим давлат судлари ҳамда қасамхўрлар судларидан иборат эди.

Давлат судлари Адлия вазирлиги тавсиясига биноан 25 ёшга тўлган, олий юридик маълумотли, суд муассасаларида камида уч йил ишлаб ўзини кўрсатган кишилардан тайинланган.

Қасамхўр маслаҳатчилар этиб бешинчи даражадан паст барча амалдорлар сайланиши мумкин бўлган. Суд мажлисига 30 қасамхўр чақирилиб, улардан 12 таси суд мажлисида иштирок этган. Деҳқонлар орасидан ҳам қасамхўрлар сайланиши мумкин эди. Қасамхўр маслаҳатчилар округ судида фақат ҳуқуқ ва мулклардан маҳрум қилиш ёки чеклаш билан боғлиқ жазолар берилиши мумкин бўлган жинойи ишларни кўришда қатнашганлар. Бошқа ишларнинг ҳаммаси давлат судларида кўрилган.

Суд палатаси округ судларида қасамхўр маслаҳатчиларнинг иштирокисиз кўриб чиқилмайдиган ишлар бўйича иккинчи инстанция суди, муҳим ишлар бўйича эса биринчи босқич сифатида иш кўрган.

Суд палатаси бир неча губерниялараро таъсис қилинган, бутун Россия бўйича 14 та эди. Бу палата икки: фуқаролик ва жиноят судлов бўлимларидан иборат эди. Унинг аъзолари ҳукумат томонидан тайинланган. Сенат ягона шикоят босқичи бўлиб, сиёсий жиноятларгина унда биринчи босқич тариқасида кўрилиши мумкин эди.

Қолаверса, ушбу ислохотларга кўра, Россияда ихтисослаш-

тирилган судлар: **диний, ҳарбий, тижорат, суд терговчилари** (округ судларида) таъсис этилиб, **прокуратура** тузилди. Прокуратура бошида генерал-прокурор, сенатда эса иккита обер-прокурор мансаби таъсис этилган. Янгиликлардан яна бири **адвокатуранинг** таъсис этилиши эди. Адвокатлар **қасам ичиб ишонилган** (присяжно-поверенных) ҳамда судда ишончнома бўйича чиқадиган **хусусий ишонилган** (частных-поверенных) адвокатларга бўлинган.

Шундай қилиб, мазкур ислохотлар Россиянинг суд тизимига қуйидаги асосий қоидаларни олиб кирди: а) маъмуриятдан суднинг ажралганлиги; б) суд олдида барчанинг тенглиги; в) қасамхўр судьяларнинг таъсис этилиши; г) келиштирувчи судларнинг сайлаб қўйилиши; д) судлар ва терговчиларнинг алмаштирилмаслиги, прокурор назоратининг жорий этилиши.

Инқилобий чиқишларнинг кучайиши натижасида, подшо 1864 йил 1 январда «Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ислоҳ қилиш ҳақида»ги низомни тасдиқлади. Унга кўра, губерния ва уездларда маҳаллий ишларни бошқариш учун **земство мажлислари** ва уларнинг ижро органлари **земство управалари** ташкил қилинди. Земстволар сайлаб қўйилувчи органлар эди. Унга сайловлар ўтказиш учун учта қурил: уезд ер эгалари, шаҳар жамоалари ва қишлоқ жамоалари ташкил қилинди. Сайловда хотин-қизлар ҳамда 25 ёшдан кичик эркаклар қатнашиши мумкин бўлмади. Сайловлар ценз (шартли чеклашлар) асосида, яъни унда қатнашиш учун 200 – 800 десятина ери ёки 15 минг сўм маблағи бўлиши лозим эди. Земство мажлиси ва земство управаси ҳам уч йилга сайланган, унинг фаолияти маҳаллий хўжалик ишлари билан шуғулланишдангина иборат эди.

1861 йилги ислохотга кўра, деҳқонлар ёки помешчикнинг ери 20 жондан кам бўлмаса (ревизских душ), қишлоқ жамоасини ташкил қилган. 300 дан 2000 гача бўлса, волост ташкил қилинган. Қишлоқ ўз-ўзини бошқариш органлари: қишлоқ йиғини, сайлаб қўйилувчи староста, солиқларни йиғувчи, мирза ва назоратчилардан иборат бўлган.

1870 йил 16 июнда подшо «**Шаҳарлар ҳақида**»ги низомни тасдиқлади. Унга кўра, шаҳар мажлиси, шаҳар думаси ва унинг

ижроия органи – шаҳар управалари ташкил қилинган. Шаҳар думасига сайловлар солиқ цензи ва утқоқлик цензлари асосида ўтказилган. Сайловчилар учта разрядга бўлинган: юқори, ўрта, куйи; уларнинг ҳар бири солиқ ва тушумларнинг учдан бир қисмини тўлаши белгиланган. 1870 – 1873 йилларда ҳарбий ислохот ҳам тайёрланиб, 1874 йил 1 январда подшо «Ҳарбий мажбурият ҳақида»ги низомни тасдиқлади. Устав рекрутлик мажбурияти ўрнига барча табақалар учун ҳарбий мажбурият жорий этди. Унга кўра, аскарлар танлаш йўли билан чақирилган, ҳақиқий ҳарбий хизмат армияда олти йил, флотда эса етти йил этиб белгиланган. Ушбу ислохотлар янги санаат ишлаб чиқаришининг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Шунингдек, унинг баъзи қоидаларига қарши чиқишлар ҳам бошланди. 1880 – 1890 йилларда ўтказилган баъзи ислохотлар аксилислохотлар номини олди. Масалан, 1881 йилги «Ҳарбий тизим жорий қилиш тўғрисида»ги низом ва бошқалар.

Россия империяси қонунлари тўплами. XIX асрда рус ҳуқуқини кодификациялаш эҳтиёжи янада ортди. Чунки янги давр Россия империясининг иқтисодий-социал соҳадаги ўзгаришларини акс эттирадиган ҳуқуқий нормалар яратишни талаб этарди. Бу янги қонунчилик рус ҳуқуқининг асосий тўплами – Собор уложениясигагина эмас, балки XVIII – XIX аср қонунчилигига ҳам зид келиб қолганди. Қонунчиликни тўпламлаштириш масаласи жуда муҳим масалага айланди. 1804 йили подшо Александр I учинчи кодификация комиссиясини тузди. Аммо, унинг таркибига **М.М.Сперанский** киритилмагунча, масъулиятсиз иш олиб борди. Комиссия қонунчилик актларини тўплаб, уларни ҳукумат фармойишлари билан солиштириб зиддиятли томонларини йўқотиш бўйича жуда катта ишлар олиб борди. 1826 йили барча тўпланган актлар реестри тузилиб, унга 53239 қонунчилик актлари киритилди. Шундан кейин империя қонунларининг тўла тўпламини тузди, комиссия 1830 йилгача иш олиб борган. 1830 йил 1 апрелда империя қонунлари тўла тўпламининг нашри тугалланди. Тўла тўплам: 1) қонунчилик актларининг матнларидан; 2) кўрсаткичлардан; 3) штатлар ва тарифлар китобидан; 4) чизмалар ва расмлар китобларидан иборат эди. Шундан кейин қонун-

лар тўплами ишлаб чиқилиб, унинг алоҳида томлари махсус комитетларда ревизиядан ўтказилди. Ревизия-тафтиш қилиш 1828 йили тугалланди. 1832 йил давомида у нашр қилинди. Шундан кейин 1833 йил 31 январда подшо манифести чиқиб, «**Россия империясининг қонунлари тўплами**» 1835 йил 1 январдан ҳуқуқнинг ҳаракатдаги манбаи деб эълон қилинди.

Тўла тўпламнинг иккинчи нашри 1881 йилгача чиқарилган қонунларни ўз ичига олган, 55 томда нашр этилди. Империя қонунлари тўпламининг тизимидаги барча қонунлар 8 разрядга бўлинди:

– биринчи разряд (I – III томлар) давлат муассасалари ва давлат хизматини ташкил қилиш билан боғлиқ қонунлардан;

– иккинчи разряд (IV – V томлар) мажбуриятлар ҳақидаги низом, рекрутлик мажбуриятлари ҳақидаги қонунлардан;

– учинчи разряд (VI – VIII томлар) хазина бошқаруви ҳақидаги низомлардан;

– тўртинчи разряд (IX том) ижтимоий ҳолат ва тоифалар ҳақидаги қонунлардан;

– бешинчи разряд (X том) фуқаролик қонунларидан;

– олтинчи разряд (XI – XII томлар) давлат фаровонлигига оид низомлардан, кредит, суд юритиш, темир йўл хизмати, алоқага оид қонунлардан;

– еттинчи разряд (XIII – XIV томлар) халқ маорифи, жиноятларнинг олдини олиш борасидаги қонунлардан;

– саккизинчи разряд (XV том) жиноят ва жазо, суд тизими ҳақидаги қонунлардан иборат эди.

Кўриниб турибдики, империя қонунларининг тизими ўзига хос эди, яъни у ҳуқуқ тармоқлари бўйича эмас, разрядлар бўйича тузилган.

Қонунлар тўпламининг ишлаб чиқилиши ояғ ташланган бир қадам бўлса-да, у бир қатор камчиликларга эга эди. У, асосан, ўрта аср крепостной ҳуқуқининг тўплами бўлиб, бир қанча эскирган қоидаларни сақлаб қолган. Шунинг учун 1836 йилиёқ уни қайта кўриб чиқиш бошланди. XV томдаги жиноят қонунлари қайта кўриб чиқилди. 1844 йили «**Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақидаги низом**» ишлаб чиқилиб, 1846 йилдан кучга киритилди.

Қонунлар тўпламида мулк ҳуқуқини мустаҳкамлашга катта эътибор берилган. Унинг X том 262-моддасида рус ҳуқуқида биринчи мулк ҳуқуқига таъриф берилган. «Мулк ҳуқуқи бу – мулкдан чеккадаги кишиларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил ва чекланмаган тарзда абадий ва наслий эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этишдан иборатдир», – дейилади.

Мажбурият ҳуқуқида шартномаларни таъминлаш йўлларига қуйидагилар киритилган: а) кафолат; б) жарима; в) қўзғалмас мулкни гаровга бериш; г) қўзғалувчи мулкни гаровга бериш ва бошқалар.

Мулк ижараси 12 йилгача бўлиб, қарз бадалига олинадиган фоиз олти фоиздан ошмаслиги лозим эди.

Оила ва никоҳ ҳуқуқида никоҳ ёши эрақлар учун 18 ёш, аёллар учун 16 ёш этиб белгиланди, черков никоҳигина ҳақиқий ҳисобланган.

Мерос ҳуқуқида тирик акалар олдида сингил қўзғалмас мулкнинг 1/8 қисми, қўзғалувчи мулкнинг 1/8 қисми миқдорида мерос олган. Акалари бўлмаса, қиз ҳам тўла ҳуқуқли меросхўр бўлиши мумкин эди.

Жиноят ҳуқуқига, юқорида кўрсатганимиздек, XV том бағишланган бўлиб, низом бўлимларга, бўлимлар бобларга, боблар моддаларга (жами 2224) бўлинган. Жиноят деб қонун олий ҳокимият ҳуқуқларнинг дахлсизлигига тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай бузиш ёки жамият ва хусусий шахсларнинг хавфсизлигига, ҳуқуқларига тажовуз қилиш тушунилган.

Жазо системаси қатл этишдан ишонтиришгача 35 даражага бўлинган, жуда мураккаб 2 турдаги жазолар ўрнатилган.

Жазолар жиний жазоларга ва тузатувчи жазоларга бўлинган. Жиний жазога: а) барча ҳуқуқ ва мулкларидан маҳрум этиб, қатл этиш; б) барча ҳуқуқ ва мулкларидан маҳрум этиб, каторга ишларига юбориш; в) барча ҳуқуқлари ва мулкидан маҳрум этиб, Сибирга сургун қилиш; г) барча ҳуқуқ ва мулклардан маҳрум этиб, Кавказортига сургун қилиш ва ҳ.к. кирган. Тузатувчи жазоларга қуйидаги жазолар кирган: а) Сибирь губернияларидан бошқа губернияларга яшаш учун сургун қилиш; б) саккиз ойдан бир йилгача қалъага қамаш; в) саккиз ойдан бир йилгача қамоққа таш-

лаш ва айрим ҳуқуқлардан маҳрум қилиш; г) икки ойдан бир йилгача қамоқхонага вақтинча қамаш; д) бир кундан уч ойгача қисқа муддатли қамаш; е) суд ҳузурида хайфсан эълон қилиш.

XIX аср охирларида баъзи қонунларнинг янги таҳрирлари пайдо бўлди, жумладан, 1845 йилги «Жиноий ва тузатувчи жазолар ҳақида»ги уставга 1885 йили баъзи ўзгартиришлар киритилди. Янги давр ҳуқуқининг баъзи асосий қоидалари ўз ифодасини топди. Ушбу низом билан оғир жиноятларга давлатга хиёнат қилиш, исён, давлат ҳокимиятига қарши фитна кўзғаш жиноятлари киритилди. Мулкий жиноятларга кенг ўрин берилди. Шу даврда фуқаролик суд жараёни жиноий суд жараёнидан ажралиши охирига етди. 1881 йил 14 августда Министрлар комитети «Давлат тартиби ва ижтимоий тинчликни қўриқлаш ҳақида»ги низомни тасдиқлади. Унга кўра, фавқулодда ҳолат жорий қилинган жойларда полиция ва жандармерия «шубҳали» деб ҳисобланган одамларни қамоққа олиши мумкин бўлди. Шу тарзда Россияда ислохотлар даври тугади.

2. Япония давлати ва ҳуқуқи

Япониянинг иқтисодий ривожланиши жуда секин борди, XIX аср ўрталаригача унда ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон эди.

1854 – 1859 йилларда Япониянинг портлари фақат Голландия учун очик эди. Англия, Франция, Россия, айниқса, АҚШ Япония портларини чет эл кемалари учун очиб қўйишга мажбурлашга уриндилар. Император қадимий удумларга кўра тэнно – «осмонга маъқул ҳукмдор» дейилган, у ўзини котей деб атаган, чет давлатлар вакиллари эса микадо унвонини қўллаганлар.¹

Япон давлатининг юридик жиҳатдан бошлиғи император ҳисобланиб, XVII аср бошларида у узил-кесил ўз ҳокимиятини йўқотди. Ҳокимият феодал ҳарбий дружиналарга қўмондонлик қилувчи сёгун қўлида тўпланди.

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник. – М.: Норма-Инфра, 2001. – С.562.

Даймё князликнинг барча ерлари эгаси ҳисобланиб, ўз ерларида танга зарб қилиш, солиқлар таъсис этиш ва йиғиб олиш, армия тузиш, суд қилиш ҳуқуқларига эга эди. Хукмрон тоифалардан бири самурайлар бўлиб, улар, асосан, йирик ер эгаларининг дружиналарини ташкил қилган, хизмат ҳақига ер участкаси ёки шоли паёк олганлар. 90% япон ерлари феодал қарамликда эди. Деҳқонлар жамоаларга бирлаштирилган бўлиб, даймё ва самурайлар ерида хизмат қилардилар. XVII асрда Японияда товар-пул муносабатлари ривожлана бошлайди, япон феодалларининг натурал ҳужаликлари аста-секинлик билан бузилади. Деҳқонларнинг қашшоқлиги тобора ошиб, 1866 – 1867 йилларда уларнинг кўзғолони вужудга келади. Шаҳарнинг қуйи табақалари томонидан қувватланган мазкур кўзғолон 1867 – 1868 йиллардаги буржуа инқилобининг бошланиши эди. Бу воқеа 1868 йил 6 ноябрда Мэйдзи даврида (маорифли бошқаришнинг тикланиши) бошланиб, «Мэйдзи» инқилоби номини олди. Унинг натижасида феодал бошқариш тизими синдирилиб, даймё ва сёгун ҳокимиятдан маҳрум қилинди. Инқилоб тўла яқунига етказилмади, у сиёсий ҳокимиятнинг даймё ва сёгунлардан император, ярим феодал помешчиклар ва буржуазия қўлига ўтишини таъминлади. 1868 йили амалга оширилган ҳамма иқтисодий, сиёсий қурилишлар келишув характерида эга бўлди. 1869 – 1871 йилларда Токиода ўзига хос кенгаш – земский собор мажлислари бўлиб турди. Унга князлар ва самурайлар ўзларининг сайланган вакилларини юбордилар. Аммо мазкур кенгашлар бирор-бир ўзгаришга олиб келмади. 1869 йилги ислохотга асосан даймёларнинг имтиёзлари бекор қилинди. Ўрта асрга оид ҳар хил унвонлар: даймё, куче, квазоки (таниқли хонадон), цехлар, гилдиялар (1868), феодал уездлар тугатилди. Мамлакат губернияларга бўлиниб, уларни марказдан тайинланадиган губернаторлар бошқарадиган бўлди. Умумий ҳарбий мажбуриятнинг жорий этилиши билан, самурайларнинг профессионал ҳарбий хизмати ўташга бўлган монопол ҳуқуқи йўқолди. 1880 йили кўпроқ француз кодекслари асосида жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари ишлаб чиқилди. 1885 йили юқори палата ҳузурида Министрлар комитети тузилди.

1872 – 1873 йиллардаги аграр ислохотлар эски ер эгалиги шаклини тугатиб, янги хусусий мулкчиликни жорий этди. Табақаларнинг ерга монополь эгалиги бекор қилинди. Мамлакатда ягона пул, божхона, почта тизимлари жорий этилди. Буларнинг бари давлатнинг марказлашувига, янги муносабатларнинг ривожланишига йўл очди.

Инқилоб мамлакатда сиёсий фаолликнинг ўсишига ҳам олиб келди. 1881 йили Либерал партия (Дзюто), бир йилдан кейин эса Реформистик партия (Кайсинто) ташкил топди. Бу партия, асосан, либерал кайфиятдаги буржуазия манфаатларини ифодаларди. Энг янги тарих даврида уларнинг иккаласи ҳам корпоратив капитал: «Дзюто-Мицуи», «Кайсинто-Мицубуси» монополиялари билан алоқа ўрнатди.

Япониянинг 1889 йилги конституцияси. Инқилоб натижалари 1889 йили император томонидан тасдиқланган конституцияда мустаҳкамланади. Унга намуна қилиб 1850 йилги Пруссия монархиясининг конституцияси олинди. Императорнинг мутлақ ҳокимияти парламентаризм ниқоби билан ўралди. Император давлат бошлиғи ҳисобланиб, у парламентнинг розилиги билан ва розилигисиз қонунлар чиқарган. Конституциянинг бемоддасида: «Император қонунларни тасдиқлайди ва уни ҳаркатга киргизади», – дейилган, яъни император тасдиғисиз парламент қабул қилган бирор акт қонун кучига эга бўлмаган. У фавқулодда ҳолатларда қонун кучига эга декретлар чиқарган. Парламентни тарқатиш ёки унинг муддатини чўзиши мумкин бўлган. Ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида қуролли кучлар қўмондони ҳисобланган, олий ҳарбий, олий фуқаролик мансабдорларини тайинлаган, уруш очган, тинчлик шартномаларини имзолаган, қамал ҳолати эълон қилган. Унинг мамлакатни бошқариш бўйича фаолияти оқсоқоллар кенгаши – **Гэнро** деб аталувчи орган томонидан йўналтириб борилган. Бу кенгаш конституцияда назарда тутилмаган, балки императорнинг ўзи дворян зодагонлардан тайинлаган, Биринчи жаҳон урушигача Япония давлатининг ички ва ташқи сиёсатини аниқлаб берган. Ижро ҳокимиятини император министрлар билан бирга юритган, улар ичида сарой министрининг мавқеи катта бўлиб, императорнинг

энг яқин ёрдамчиси, министрлар эса император олдида жавобгар ҳисобланган.

Ижро органлари тизимида яширин кенгаш ҳам катта роль уйнаган. Унинг таркибига ҳамма министрлардан ташқари император томонидан яна 15 аъзо тайинланиб, у император ҳузурида маслаҳат органи саналган.

1889 йилги конституцияга кўра, япон парламенти икки палатадан: 1) пэрлар; 2) депутатлар палаталаридан иборат бўлган. Пэрлар палатасига император фармониغا асосан император хонадони аъзолари ва «алоҳида хизматлари учун тайинланган» кишилар кирган. Қолаверса, катта миқдорда солиқ тўловчилар ҳам бир неча пэр сайлаган.

Қуйи палата – **депутатлар палатаси** ваколатли орган ҳисобланиб, уни тузиш ва фаолиятини олиб бориш император, пэрлар ва ҳукумат томонидан назорат қилинган.

Парламент расман қуйидаги ҳуқуқларга эга эди: императорнинг ташаббуси билан конституцияга ўзгартиришлар киритишни қараб чиқиш; ҳукумат тақдим қилган ва ўзи ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини қараб чиқиш; солиқлар таъсис этиш; ўз мажлисларида Япониянинг бошқа давлатлар билан муносабатини қараб чиқиш ва бошқалар.

Парламент гарчи ҳукуматга вотум билдирмаса ҳам, у истеъфога чиқмаган, чунки император олдида масъул бўлган. Сайлов ҳуқуқи Японияда 1889 йилги ва 1900 йилги қонунлар билан тартибга солинган. Мазкур қонунларга биноан, 25 ёшга тўлган ва бир йил турғун яшаган, 15 чек миқдоридagi тўғри солиқ тўлаган япон фуқаролари сайлов ҳуқуқига эга бўлдилар. Ёки 50 миллион аҳолидан 500 минг кишигина сайлов ҳуқуқига эришди.

Суд тизими. Бош қонуннинг 57-моддасига биноан, суд Японияда қонунга мос ҳолда император номидан олиб борилган, судлар: район, округ судлари, қолаверса, апелляция судлари ва Олий суддан иборат бўлган. Судларнинг раислари ва аъзолари император томонидан, қолганлари эса адлия вазири томонидан тайинланган. Судлар ҳузурида прокуратура таъсис этилган.

1890 йилдан ҳокимият вакиллари томонидан ҳуқуқларнинг

бузилиши фақат маъмурий судлар томонидан кўриладиган бўлди. Маҳаллий бошқарувга Ички ишлар министрлиги (1874 йили вужудга келган) раҳбарлик қилган.

Мамлакат перефектураларга бўлиниб, уларнинг бошида губернаторлар турган. Губернаторлар Ички ишлар министрлигининг таклифи билан Министрлар кабинети томонидан тайинланган. У перефектурада тўла ҳокимиятни амалга оширган. Император ва ҳукуматнинг қонун ва қарорлари бажарилиши устидан назорат қилган. Унинг ҳузурида бошқарув аппарати ва сайлаб қўйилувчи мажлис бўлган.

Японияда амалдорлик хизматининг қуйидаги принциплари мавжуд эди: а) ҳамма мансабдор шахсларнинг император олдида қаттиқ жавобгарлиги; б) мансабларни имтиҳон топширгандан кейингина эгаллаш; в) фуқаролик хизматида жуда қаттиқ ярим ҳарбий тартибни ўрнатиш.

Имтиҳонлар 1887 йилдан алоҳида давлат комиссияси томонидан олиб борилган. 1872 йили ҳарбий мажбуриятлар тўғрисида қонун чиқди. Япония армияси ўша вақт учун энг кўп – 400 мингга етди. 1898 йили Япония, Франция, Пруссия ҳуқуқи асосида Япониянинг фуқаролик кодекси ишлаб чиқилди.

3. Хитой давлати ва ҳуқуқи

Маълумки, Хитойда XVII асрдан манжурлар сулоласи – цин ҳукмрон эди. Улар бош ҳарбий ва фуқаро мансабларини эгаллаб олгандилар. Албатта, бир ҳовуч манжур қабилаларига таянган ҳукмрон доиралар мамлакатни Хитой зодагонлари билан иттифоқда бошқарардилар. Хитой императорлари тахтига ўтириб олган **манжур богдиханлари** аввалги сулоладан қолган давлат аппаратига унча ҳам ўзгариш киритмадилар. Император олий ҳукмдор ва олий қоҳин эди. «Олий осмон»га ибодат ва қурбонлик келтириш бўйича энг олий ҳуқуқ унга тегишли эди. Давлатнинг олий муассасаси империя котибияти ва ҳарбий кенгаш эди. Империя котибияти 1671 йили манжур ва хитойлардан тенг вакил таркибида ташкил этилган. Аммо 1732 йилдан барча муҳим давлат ишлари ҳарбий кенгашда кўрилган. Барча марказий

ва маҳаллий амалдорлар фаолияти устидан цензорлар палатаси, шикоятларни эса Олий суд ҳал этган. Цин сулоласи даври жойларда ҳокимиятнинг кучлилиги билан фарқланган. Мамлакат провинциялар, областлар, округлар ва уездларга бўлинган. Провинциялар бошида манжурлардан тайинланган губернаторлар турган. Амалдорлар тўққиз даражага бўлиниб, ҳар бирига махсус хизмат белгилаб берилган.

Европа ва Америкада янги давр ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалабаси Хитойга ҳам катта таъсир кўрсатди. Мустамлакачилик сиёсати авж олиб, Англия Хитойни иқтисодий ва сиёсий қарам қилишга уринди. АҚШ, Бельгия, Португалия, Испания, чор Россияси, Пруссия ҳам Хитойни босиб олиш учун курашга киришди. 1839 йили Англия Хитойга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади, бу эса афюн урушларига олиб келди. Унга чет эл маблағи кўпроқ киритила бошланди. Натижада халқнинг иқтисодий аҳволи оғирлашиб, мамлакатда юз берган иқтисодий инқироз туфайли ўрта аср муносабатларига асосланган Хитойда деҳқонлар ҳаракати кучайди, дастлабки деҳқон ташкилотлари вужудга келди. 1848 йили Гуандунь вилоятида «Шандихой» номли деҳқонлар жамияти тузилди. Мазкур жамиятнинг асосий ғояси «ҳамма тенг ва биродар» деган шиор эди.

Бундай ғояни илгари сурувчилар илоҳий давлат ўрнатиш ва унда жамият аъзоларининг ҳаммаси тенг ва бахтли яшашини орзу қилган. Уларни тарихда тайпинлар деб номладилар («Тайпин тянго» – «Умумий бахт-фаровонлик илоҳий давлати»). Тайпинларга ҳунармандлар ва деҳқонлар кўшилиб, улар ҳамманинг тенг бўлиши учун барча ерларни деҳқонларга бўлиб бериш шиорини ўртага ташладилар. Шу сабабли халқ оммаси уларга эргашди. 1850 йили Тайпинлар кўзғолони бошланиб, 1851 йилдан 1853 йилгача Хитойнинг бир қанча шаҳарлари эгалланди. Натижада 1853 йил 19 мартда маркази аввалги мин сулоласи пойтахти Нанькин шаҳри бўлган Тайпин давлати вужудга келди. Бу давлат ўзига хос монархия бўлиб, унда деҳқонлар демократияси алоҳида ўрин тутди. Чунки унинг раҳбари Хун Сюцюань «самовий подшо» (тянь ван) унвонини олди. Давлатнинг ҳамма иқтисодий ва сиёсий масалалари деҳқонларнинг талабига мослаш-

тирилди. Йирик амалдорларнинг помешчик ерларини мусодара қилиб, ерни ва мулкни ҳаммага баробар тақсимлаш қондасини амалга оширдилар. Шу қоида асосида мулкларни мажбурий тартибда олиб, камбағалларга бердилар. Улар ҳатто амалдор ва ер эгаларининг мулки, кийим-кечакларгача, уй-рўзғор асбобларигача камбағалларга бўлиб бердилар. Тайпин давлати деҳқонларни 3 йил муддатгача солиқлар ва ижара ҳақидан озод этишга ваъда қилди. Давлат ер ҳақида қонун – «**Самовий сулоланинг ер тизими**» номли ҳужжатни қабул қилган, ер унда яшовчи ҳамма кишилар томонидан биргалашиб ишланиши мустаҳкамланди. Озиқ-овқатлар биргаликда истеъмол қилиниб, кийим-кечаклар ҳам биргаликда кийилади, пуллар эса биргаликда харжланади деб ёзилади.

Ўрта аср ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон Хитой учун тайпинлар сиёсати демократик аҳамиятга эга эди. Тайпин давлатининг ер ҳақидаги қонунида ердан ташқари давлат тузилиши масалалари ҳам кўрсатилган. Шу сабабли мазкур қонун давлатнинг конституциявий аҳамиятга эга ҳужжати эди. Тайпин давлати ўз аппаратини ҳарбий асосда тузди, энг қўйи давлат органи 25 оиладан иборат взвод (жамоат) бўлиб, энг олий орган 13 минг оиладан ташкил топган армия аксилинқилобчиларга қарши тўхтовсиз урушди. Шунинг учун давлатни идора этиш ҳарбий усулда эди, бу усул кенг демократизм орқали амалга оширилди. Ҳар 5 оила, қонунга кўра, доимий тайпин армияси учун бир аскар бериши лозим. Ҳамма қўмондонлар сайлаб қўйилди. Тайпин армияси тинчликсевар, давлатга итоат этувчи бўлиши учун алоҳида қоидалар белгиланди. Давлат хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ бериб, уларнинг ҳуқуқига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатни жиноят деб билди. Жисмоний жазолаш бекор қилинди. Ҳамма жиноят ишлари судларда ошкора кўриладиган бўлди. Лекин бу давлат узоқ яшамади. 1864 йил Хитой буржуазияси чет элликлар ёрдамида Тайпин давлатини тор-мор қилди.

Лекин Хитойда деҳқонлар ҳаракати тўхтамади. 1894 йили Сун Ят Сен бошчилигида деҳқонларнинг биринчи сиёсий ташкилоти – **Хитойнинг уйғониш жамияти** тузилди. 1905 йил охирида «Иттифоқ лигаси» деб қайта номланди. Бу лига инқилобий дастур-

ни қабул қилди, унинг мазмуни, асосан, куйидагилардан иборат эди: Хитой ҳукуматини ағдарिश; республика тузуми ўрнатиш; ҳаммани нисбатан тенг ҳуқуқли қилиш; жаҳонда тинчликни сақлаш; бошқа халқларнинг инқилобий ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш; хитой ва япон халқлари ўртасида дўстликни қувватлаш. Иттифоқ лигасига кирувчи ҳар бир шахсдан шу дастурни сўзсиз бажаришга қасам ичиш талаб қилинди. Дастур 1907 йили Токиода Хитой талабаларининг йиғилишида қабул қилинди ва феодал Хитой ўрнига халқларнинг фаровонлигини таъминловчи жамият қуришга қаратилди. Унинг асосида 1906 – 1908 йилларда Хитойда янгидан инқилобий ҳаракат бошланди. Кантон, Шанхай, Нанкин каби Жанубий Хитойдаги sanoat марказлари инқилобнинг асосий таянчи эди. Бу ерларда деҳқонларнинг инқилобий чиқишлари юз берди. Унинг асосий иштирокчилари демократик кучлар бошчилигидаги деҳқонлар бўлди. 1911 йил 29 декабрда Жанубий Хитой раҳбарлари провинция вакилларининг кенгашини чақирди. Хитой республика деб эълон қилинди. Унинг олий органи – Миллий мажлис тузилиб, Сун Ят Сен республиканинг муваққат президенти этиб сайланди. 1912 йил 10 мартда Нанкин шаҳридаги Миллий мажлисда либерал-демократларнинг таъсири кучли бўлган Хитой халқ республикасининг **вақтли конституцияси** қабул қилинди. Конституцияда икки палатали парламент тузиш, парламентга сайловларнинг поғонали (2 турда) бўлиши ўрнатилди. Сайлов ҳуқуқига 21 ёшга тўлиб, 2 йил давомида бир жойда яшаган, 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда мулкка эга ёки 2 сўмдан кам бўлмаган давлат солиғини тўловчи Хитой фуқаролари эга бўлдилар. 1912 йил 25 августда Таъсис мажлисида Жанубий Хитойда янги партия – **Гоминдан** тузилди. Унинг таркибига Сун Ят Сеннинг **Иттифоқ лигаси** ҳамда баъзи демократик ташкилотлар ҳам қўшилди. Гоминданнинг тузилиши инқилобнинг чекиниши бўлди. Чунки партия дастурида Иттифоқ лигаси илгари сурган талабларнинг ҳеч қайсиси кўрсатилмади. Янги дастур Хитойдаги ҳамма ирқларни бирлаштиришни ва Умумхитой давлатини тузишни мўлжаллади. 1911 – 1913 йиллардаги Хитой инқилоби ўз вазифаларни бажаролмади. Лекин у Хитой халқини ва бошқа Шарқ халқларини ҳам демократик ку-

рашга уйғотди. 1914 йили Хитойдаги инқилоб тор-мор этилди, миллий помешчикларга ва чет эл маблағига суюнган ярим феодал ҳарбий диктатура ўрнатилди.

Ҳуқуқ манбалари. Бу даврда Хитойда цин сулоласи ҳукмрон бўлиб, ҳуқуқнинг иккита тизимлаштирилган қонунлар тўплами мавжуд эди. Биринчи тўплам давлат ва маъмурий ҳуқуққа оид (Дацин хуэйдянь), иккинчиси жиноят, фуқаролик ва оила ҳуқуқига оид қонунлар тўпламидан (Дацин люйли) иборат эди. Биринчи тўплам барча ҳукумат муассасаларига оид кўрсатмаларни жуда тўла, аниқ ўзида ифодалаб, ўша даврда Хитойда мавжуд бўлган 1293 уезддаги барча мансаблар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирган. Хитойда ҳукм сурган сулолалар ҳар сафар ўзлари янги қонунлар тўплами тузмасдан, энг аввало, илгаригисини қайта кўриб чиқадилар. Ана шу икки тўплам, аввалги минь сулоласи қонунларини қайта кўриб чиқиш натижасида, тўплам таркибига кирган асосий қонунлар (люй) сифатида 1646 йили вужудга келган. Цин даври қонунлари эса ушбу тўпламга қўшимча сифатида 1746 йили киритилган. Ҳар беш йили ушбу қонунлар тўпламини қайта кўриб чиқиш тартиби ўрнатилган.

Дацин люйли ўзига хос тузилишга эга, етти бўлимдан иборат бўлган. Унинг биринчи бўлимида жазо турлари ва жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар кўрсатилиб, қолган бўлимларида жиноятлар таркиби, фуқаролик низоларини ҳал қилиш тартиби белгиланган. Ушбу тўпламда ўша даврда мавжуд бўлган хусусий-ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топганини кўриш мумкин. Масалан, оила ва никоҳ муносабатлари икки оила бошлиқлари орасидаги шартнома сифатида расмийлаштирилиб, конфуцийлик руҳи яққол акс этган жуда кўп одат ҳуқуқлари нормаларидан иборат бўлган. Ер ҳуқуқида ижара муносабатлари кенг ишлаб чиқилган. Тўплам уч мингдан ошиқ жиноят таркибини назарда тутуди, улардан кўплари қатл этиш жазосининг турли хилларини, абадий ва муддатли сургун, катта ва кичик таёқлар билан уриш, узоқ гарнизонларга сургун, кулликка сотиб юбориш каби жазоларни қўллаган, сургуннинг барча шаклларида таёқ билан уриб жазоланган. Қўшимча жазолар сифатида бўйнига ғул солиб тамға босиш қўлланилган. Шу билан бирга, жиноий жазодан пул

тўлаб озод бўлиш, таёқ билан уриш жазосида ўзининг ўрнига бошқа одамни ёллашга рухсат этилган. Баъзи бир жиноятларни содир қилганларга фақат ўзига эмас, балки эркак жинсидаги барча қариндошларига жазо қўлланган. Жиноий жавобгарлик етти ёшдан вужудга келган.

Ота-онасини, бобоси, бувиси, ўғай ота ва онасини ўлдириш оғир жиноятлар ҳисобланган. Инқилоб арафасида Дацин лўйли қонунлар тўплами Хитой жамиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб, давр талабига мослаб ишлаб чиқилган, таёқ билан уриш, жисмоний таъсир қилиш, азоблаш каби жазолар жарималар билан алмаштирилди, кодексдан эскириб қолган қоидалар чиқариб ташланди. Ушбу тўпلام, Цин империяси қулагандан кейин ҳам, 1931 йил 5 майгача ҳаракатда бўлди. Дацин хуэйдянь эса, республика эълон қилиниши билан, ҳаракатдан тўхтади.

Назорат учун саволлар

1. XVIII аср охири ва XIX асрда Россиянинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши бош хусусияти нимадан иборат?

2. Крепостной ҳуқуқ нима?

3. 1864 йили деҳқонлар ислоҳотини ўтказишда қандай ҳужжатлар қабул қилинди?

4. Суд ислоҳотининг мазмуни нимадан иборат?

5. Маъмурий-худудий (губерниялар) ислоҳотларда қандай янгиликлар ўз ифодасини топди?

6. Россия империяси қонунлар тўплами кимнинг раҳбарлигида ва қачон ишлаб чиқилган?

7. «Мэйдзи» инқилобигача Япония қандай бошқариларди?

8. 1889 йилги конституцияга кўра Япониянинг давлат тузилиши қандай бўлди?

9. Цин сулоласи даврида Хитойда ижтимоий-сиёсий тузум қандай эди?

10. Тайпинлар давлатининг «Самовий сулоланинг ер тизими» тўғрисидаги қонуни мазмунини гапириб беринг.

†† Россияда ўтказилган ислоҳотлар унинг мустамлакаларида, жумладан, Туркистон ўлкасида жорий этилганми?

Жиноий судлов ҳақидаги уставдан

8. Ҳеч ким қонунда белгилаб қўйилган ҳоллардан ташқари ушлаб қамоққа олиниши ёки қонунда белгиланмаган жойлардан ташқари биноларда тутиб турилиши мумкин эмас.

9. Бирор кишини қамоққа олиш ҳақидаги талаб мазкур устав билан белгиланган ва ўрнатилган қоидалар, тартиблардан келиб чиққан ҳолатлардагина ижро этилиши мумкин.

10. Ҳар бир судья ва прокурор ўз участкаси ёки округи доирасида қамоққа олишга ваколати бўлган шахс ёки жойнинг қарорисиз бирор кишининг тутиб турилганига гувоҳ бўлган эса, нотўғри озодликдан маҳрум қилинган кишини дарҳол озод қилишга мажбур.

Топшириқ. Бошқа мавзуларда худди шунга ўхшаш қоидаларни учратдингизми? Бу қайси ҳуқуқий тизимдаги қайси ҳуқуқий институтга ўхшайди? Ушбу қоидалар жорий этилган тарихий шарт-шароитни тушунтириб беринг.

Адабиётлар

1. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.561 – 578.

2. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.85 – 108.

3. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2006. – С.299 – 323.

4. История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.152 – 180, 516 – 536, 684 – 703.

5. Зайончковский П.А. Отмена крепостного права в России. Изд-е 2-е. – М., 1960.

6. Виленский Б.А. Судебная реформа и контрреформа в России. – Саратов, 1969.

7. Российское законодательство. В девяти томах. Том VIII / Отв. ред. Б.В.Виленский. – М.: Юрист, 1999.

8. Инако Ц. Современное право Японии / Пер. с японского В.В.Батуренко. – М.: Прогресс, 1981. – 269 с.

9. Жаҳон мамалакатларининг конституциялари. – Тошкент: Академия, 2000 – 2002.

10. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 2. – М.: Юрист, 1996.

Луғат

Губернатор – Россияда йирик маъмурий ҳудуднинг ҳукмдори.

Департамент – Россияда юқори маъмурий (министрлик) ва суд муассасасининг бўлими.

Дацин хуэйдянь – цин сулоласининг давлат ва маъмурий ҳуқуққа оид қонунлари тўплами.

Дацин люйли – цин сулоласининг фуқаролик, жиноят ва оила-никоҳ қонунлари тўплами.

Жандарм – полиция қўшинларида хизмат қилувчи шахс.

Мануфактура – қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш корхонаси.

Фабрика ҳуқуқи – чор Россиясида фабрика- заводлар тўғрисидаги қонунчилик.

Тэнноизм – «тэнно» – япон императорининг қадимги номи. «Осмон ўғли» деган маънони англатади. Император шахсини илоҳийлаштириш.

12-МАВЗУ. ЯНГИ ДАВР ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Режа

1. Миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишининг яқунланиши.
2. Фуқаролик ва фуқаролик жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари.
3. Жиноят ва жиноят жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари.
4. Социал қонунчилик.

Таянч иборалар

Янги давр ҳуқуқи вужудга келишининг шарт-шароитлари. Икки асосий ҳуқуқий тизимнинг вужудга келиши. Англ-сакс ҳуқуқий тизими, хусусиятлари, унга кирувчи мамлакатлар. Роман-герман (ёки қитъа-континентал) ҳуқуқ тизими, хусусиятлари, унга кирувчи мамлакатлар. Ҳуқуқнинг асосий белгилари. Фуқаролик ҳуқуқи. Англ-сакс ҳуқуқида трест, байлимент, мулк шартнома ҳуқуқлари. Рим ҳуқуқининг рецепцияланиши. Роман-герман ҳуқуқи тизимидаги кодекслар. Францияда Наполеон кодификацияси. Социал қонунчилик. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқининг асосий белгилари.

1. Миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишининг яқунланиши

Янги давр ҳуқуқининг тарихини жуда узоқдан – Рим ҳуқуқи рецепцияларидан, Италиядаги «шаҳар ҳуқуқи» ва Англиядаги «адолат судлари» ташкил топишидан бошламоқ лозим.

Унинг раҳбарий принципларини ишлаб чиқиш XVII – XVIII асрдаги маориф фалсафаси намояндалари: неаполлик ҳуқуқ профессори Вико, инглиз файласуфи Жон Локк, француз юристи Монтескье, италиялик Ч.Беккарияга тааллуқли. Маориф фалсафаси инқилобий даврда қонуннинг буюк кучга эга эканлиги, «ях-

шилиқ ёки ёмонлик ҳақидаги қонунлар билан нимани ҳоҳласа ўшанга эришиш мумкин» деган ишончни туғдирди. Бироқ бундай ҳол қонун тушунчасини аниқ белгилашни (Монтескье), уни ўзбошимчалиқ билан шарҳлашга йўл қўйиб бўлмаслигини юзага келтирди. Чунки «қонунни шарҳлаш янги норма яратишдир» деган фикрлар (Кондорсе) ҳам бор эди.

Қонун гўёки «инсоннинг табиатига боғлиқ», шунинг учун вужудга келган муносабатнигина эмас, келажақдаги муносабатларни ҳам тартибга солиш мумкин деган нотўғри хулосалар вужудга келди.

Сиёсий кураш ўзига хос тус олиб, партияларни ажратиб турган нарса ҳуқуқ ва қонунчилик масаласидир деган фикрларни туғдирди. Партиялар кураши, айниқса, конституция масаласига келганда шиддатли тус ола бошлади. Янги давр давлатлари ичида мамлакатнинг бошқариш асосини белгиловчи конституция биринчи Англияда қабул қилинди; «Бошқариш қуроли» 1653 йили чиқди.

XIX асрнинг 30-йилларида АҚШ, Франция ва Лотин Америкаси давлатлари ёзма конституцияларга эга бўлди. 1830 йили Бельгия ва Швейцария, 1848 йили Дания, Нидерландия, Пруссия, Япония, Руминия, Болгария, Сербия, Пьемонтда ёзма конституциялар қабул қилинди.

Уларнинг кўпчилиги икки палатали парламентни мерос қилиб олди. XX аср эса ҳамма давлатларда парламент ролининг су-сайиши билан характерланади.

XVII – XVIII асрлардаги инқилоблар даврида янги иқтисодий муносабатлар мустаҳкамланди. Саноат буржуазияси ҳокимиятга келиб, ўз эркини ифодалаган муносабатларни мустаҳкамлайдиган ҳуқуқини яратди.

Ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган саноат ишлаб чиқариш муносабатлари, жамият ишлаб чиқариш кучлари ривожлангунга қадар, ижобий роль ўйнади, демократик принципларга асосланди.

Бу ҳуқуқ хусусий мулк дахлсизлиги, шартномалар эркинлиги, барчанинг қонун олдида тенглиги, шахс дахлсизлиги, айбдорнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқи, қасамхўрлар судининг жо-

рий қилиниши каби асосий қоидаларни эълон қилди. Янги давр ҳуқуқининг асосий манбаи қонун, унинг ҳуқуқ яратиш ташаббуси конституциялар ва ҳуқуқни кодификациялаштиришда ўз ифодасини топди.

Чуқур социал-сиёсий қайта қурилишларга асос солган XVII – XVIII асрлардаги инқилоблар ҳуқуқ соҳасида ҳам ўзгаришларга олиб келиб, янги ҳуқуқий тартибнинг ташкил топиши ва ривожланишига ёрдам берди. Бу ҳуқуқнинг шаклланиши инсоният тарихида катта ижобий ўзгариш эди. Инқилоблар давридаёқ ўрта аср мулкчилиги асосларини емириш, кишиларнинг табақаларга бўлинишини бекор қилиш, янги ҳуқуқни яратишда қонунчиликдан кенг фойдаланиш авж олди. Бу мулк, савдо, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга шароит яратди, шахс ташаббусининг эркинлигига олиб келди.

Партикуляризм (ҳуқуқнинг тарқоқлиги), конфессионализм (черков ҳуқуқи) хусусиятларига эга ўрта аср ҳуқуқидан фарқли ҳолда мазкур ҳуқуқ миллий-ҳуқуқий тизим сифатида ташкил топди. Бунинг сабаби шунда эдики, янги тарих даврида ҳар қандай чеклашлар бекор қилиниб, миллатлар ва миллий давлатлар ташкил топди. Бу ҳуқуқий тизим марказида (коллектив эмас) шахс турарди, шунинг учун шахс ҳуқуқлари ажралмас, муқаддас деб эълон қилинди. Мазкур ҳуқуқнинг энг муҳим қоидаси озодлик, бу фақат умуминсоний гуманистик қоидани англатиш эмас, ишлаб чиқариш озодлиги, савдонинг эркинлиги, рақобат ва бошқа социал-иқтисодий озодликларни ифодалайди. Хўжалик юритишни, барқарорлик ва тартибга солинганликни талаб қилади, шунинг учун унинг яна бир муҳим принципи қонунчиликдир.

Англия инқилобининг келишувчилик хусусияти суд прецедентларини қабул қилиб олиш, ўрта аср ҳуқуқий шаклларининг сўнгги икки юз йил ичида янги давр эҳтиёжлари учун мослаштирилишида намоён бўлди. Суд прецеденти ҳуқуқи инқилобдан кейин ҳам Англиянинг ҳуқуқий тизимида етакчи роль ўйнади. XVIII аср суд прецеденти ҳуқуқида қаттиқ суд прецедентларидан воз кечилиб, янги замонавий суд доктриналари ишлаб чиқилди.

«Адолат ҳуқуқи» агарда ўзининг мавҳумлиги билан характерланган бўлса, XVIII – XIX асрлардан кўпроқ қонунчилик каби

ҳуқуқий принципларга таяниб суд доктриналарини жорий эта бошлади. Сайлов ислохотларидан кейин, парламентаризмнинг ривожланиши билан, Англия статут ҳуқуқини модернизациялаш бошланди, 300 статутдан иборат жинойт қонунлари ислоҳ этилиб, ихчамлаштирилди. Шу билан бирга, кодификациявий актлар ҳам пайдо бўлди. 1890 йилги «Ўртоқлик шартномалари ҳақида»ги акт, 1893 йилги «Товарларни сотиш ҳақида»ги акт шулар жумласидандир. Айтилганда, Англия қонунлари тўлалигича тўпламлаштирилмасдан қолди. XIX аср бошларидан наشر этишга киришилган Англия статутлари 9 томдан иборат ва XIII асрдан 1711 йилгача қабул қилинган қонунларни ўз ичига олган.

Рим ҳуқуқининг таъсирига тортилмаган Англия ҳуқуқи ашёларнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинишини билмасди.

Францияда XVIII аср олимлари ўрта аср ҳуқуқий тизимини қаттиқ танқид қилиб, уни тубдан янгилашни таклиф этганлар. Бу 1789 йилнинг майида Генерал штатларнинг депутатлари буйруқларида ҳам у ўз ифодасини топганди. Шунинг учун Таъсис мажлиси қисқа муддатда 2557 қонун, қонунчилик мажлиси 1172 конвент, 11210 қонун қабул қилганди.

Буюк фрэнцуз инқилоби қонуннинг обрўси янада ортишига хизмат қилди, уни фрэнцуз ҳуқуқининг асосий манбаига айлантирди. Ўзининг ҳуқуқий тизимини янги қоидалар асосига қарата бориб тизимлаштирилган кўриниш беришга интилди. 1804 йилдан 1810 йилгача фуқаролик, савдо, жинойт, фуқаролик процессуал, жинойт-процессуал каби бешта кодекс ишлаб чиқилди. Олимларнинг фикрича, гарчи бу кодекслардаги меъёрлар инқилоб давридагидан бир қадам орқага чекиниш бўлса-да, янгиловчи аҳамиятга эга эди.

Францияда XVIII аср охири – XIX аср бошларида кодификация ишлари олиб боришда Англиядан фарқли ҳолда рим ҳуқуқи институтлари ва унинг руҳидан кенг фойдаланилди. Француз ҳуқуқининг мантиқий тузилиши (унинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниши), асосий институт ва тушунчаси рим ҳуқуқига бориб тақалади. Икки турдаги инқилобий жараён аста-секинлик билан икки ҳуқуқий тизим ташкил топишига олиб келди.

Англия ва Франциянинг жаҳонда тутган ўрнига мос ҳолда

мазкур тизимлар халқаро характерга эга бўлиб, ҳуқуқнинг иккита жаҳон тизими: **англ-сакс ва континентал** ҳуқуқ тизимлари қарор топди.

Европа давлатларининг мустамлакачилик сиёсати ҳамда Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Австралияда мустамлакаларнинг одатий тузилишига янги муносабатларнинг жорий этилиши, жаҳонни эгаллашнинг тугалланиши билан, янги ҳуқуқий тизимнинг дунёга ҳукмронлиги ўрнатилади. Бунда индустрлашган жамиятнинг имкониятлари: ҳозирги замон транспорт воситалари, алоқа, информация ҳам етакчи роль ўйнади.

Англ-сакс ҳуқуқ тизими. Ана шу даврда Англия ҳуқуқининг базасида англ-сакс ҳуқуқи, Франция ҳуқуқининг базасида роман-герман ёки континентал ҳуқуқ тизимлари ташкил топди.

Англ-сакс ҳуқуқ тизимининг ташкил топиши мустамлакачилик сиёсати билан боғлиқдир. Англияда бу сиёсатнинг бошланишидаёқ суд қарори (доктринаси) ишлаб чиқилди, унга кўра, чет давлатга чиқаётган англиялик Англия ҳуқуқини олиб кетади, инглиз томонидан «бўш ерлар» ўзлаштирилса, у ерда Англия қонунлари: умумий ҳуқуқ, адолат ҳуқуқи, прецедент ҳуқуқи амалда бўлади. Масалан, 1683 йили Карл II томонидан Ост-Индия компаниясига берилган хартияда судлар ишларни «адолат ва одил судлов ҳамда яхши хулқ-атвор асосида ечадилар» дейилган, яъни Англия суд прецеденти асосида. Махсус акт билан Англия ҳуқуқи Канадага (Квебекдан ташқари) Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка, Осиёдаги мустамлакалар ва Океанияга жорий этилди.

XIX аср охирида Африканинг узил-кесил тақсимлаб олиниши билан, 1874 йили Канада, 1880 йили Сьерра-Леонеда ва 1897 йили Кенияда Англия қонунлари ва суд қарорлари жорий этилади. Англия қонуни ҳуқуқининг мавқеи кучайишига сабаб XIX аср охирларида кучли давлатга айланган АҚШда Англия ҳуқуқининг ўз мавқеини сақлаб туриши эди. XIX асрда Мериленд, Нью-Йорк, Канзас, Калифорния каби штатларда Англиянинг умумий ҳуқуқи асосида кодекслар ишлаб чиқилди.

Мамлакатда қонунларни унификациялаш (ягоналаштириш)-га интилиш кучайиб, 1889 йили қонунларни унификация қилиш

комитети тузилди. 1909 йили федерал жиноят кодекси ишлаб чиқилди. Англ-сакс ҳуқуқи тизимига кирувчи мамлакатлар қонунчилигига «умумий ҳуқуқ» институтлари киритилганлиги туфайли, адабиётларда ушбу тизим «умумий ҳуқуқ тизими» деб ҳам юритилади.

Унга иккита доктрина: а) суд прецеденти доктринаси; б) қонуннинг олийлигидан фарқли ўлароқ ҳуқуқнинг олийлиги доктриналари хосдир.

Роман-герман ёки континентал ҳуқуқ тизими. Бу тизим XIX аср бошларида ўтказилган Наполеон кодификациясининг бевожуб таъсири остида вужудга келиб, XX аср бошларида герман кодексларининг сезиларли даражадаги таъсирини ҳам ҳисобга олган. XIX асрда Наполеон кодексларининг Континентал Европа ва Лотин Америкасида зафарли юриши сабаби шунда эдики, унда савдо-саноат аҳлининг эҳтиёжи яққол ифодасини топган, иккинчидан, рим ҳуқуқининг рецепцияси мавжуд эди, учинчидан, тил яқинлиги ягона романизм асосларини вужудга келтирди. Бу мамлакатларда Наполеон кодексининг таъсири остида ҳуқуқни кодификациялаштириш ғояси мустаҳкам ўрин олди. Ҳуқуқий маданиятда ҳуқуқни оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуққа бўлиш катта ўрин эгаллади.

Континентал ҳуқуқ тизими мамлакатларида қонуннинг олийлиги ғояси (ҳуқуқнинг эмас) мустаҳкам ўрин олди. Франциядан кейин улар қонуннинг ҳуқуқнинг асосий манбаи эканини тан олдилар, қонуности актлари эса уларга мос бўлиши мустаҳкамланди. Суд прецеденти амалда ҳуқуқнинг манбаи сифатида рад этилди.

Франция ва Германия каби мамлакатларнинг муштамлакачилик сиёсати бу тизимга кирувчи давлатлар сонини кенгайтирди.¹ Ҳозирги замон давлатларининг ҳуқуқ тизимлари, албатта, бешта асосий оиладан иборат бўлса-да, уларнинг ичида шу иккитаси етакчидир.

¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Рене Давид. Основные правовые системы современности. Пер. с франц. – М.: Прогресс, 1988. – С.40 – 45.

2. Фуқаролик ва фуқаролик жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари

Англияда йирик ер эгалари ҳамда савдо-саноат аҳли ўртасидаги келишувчилик суд прецедентларининг қабул қилинишида ўз ифодасини топди. Бу эса ўрта аср ҳуқуқий меъёрларининг эҳтиром билан сақлаб қолиниши эди. Қолаверса, Буюк Британияда XVII, XVIII, XIX асрларда жуда кўп миқдорда статутлар чиқарилди.

Англ-сакс ҳуқуқининг бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимларидан фарқ қилишига қарамасдан (ўз атамашунослиги, ҳуқуқнинг айрим тармоқлари), у ҳам янги ҳуқуқнинг умумий бўлган қоидаларига: а) чекланмаган хусусий мулк ҳуқуқи; б) шартнома озодлиги; в) қонун олдида расман ҳамманинг тенглигига суянган.

АҚШ ва Буюк Британиянинг айрим мустамлакаларида мавжуд бўлган ҳуқуқ тизимлари ўзига хос хусусиятлари билан бошқа давлатларникидан фарқ қилади. Бу давлатлар ҳуқуқлари ҳуқуқ тармоқларининг кодификацияланмагани; ҳуқуқнинг энг муҳим тармоғи бўлган фуқаролик ҳуқуқининг манбаи сифатида «умумий ҳуқуқ»нинг хизмат қилиши, бу борада статутларнинг жуда камлиги билан характерланади.

Умумий ҳуқуқ ҳеч қандай расмий актда эълон қилинмаган, суд қарорларининг жуда катта миқдоридан иборатдир. Суд қарорлари тенг судлар ва қўйи судларнинг бажариши учун мажбурий ҳисобланади.

Англия ҳуқуқи яна шу нарса билан характерланадики, ўрта асрларда чиқарилган статутлар ҳам, гарчи янги қонунга зид келса-да, ҳаракатда ҳисобланади.

Англия фуқаролик ҳуқуқи. Англия фуқаролик ҳуқуқи мулкларнинг «қўзғалувчи мулк», «қўзғалмас мулк»ка бўлинишини билмайди, балки мулкни «реал мулк» ва «шахсий мулк»ка ажратади. Реал мулк, англ-сакс ҳуқуқига асосан, ерга бўлган ҳуқуқ ва ерга бўлган ҳуқуқни мустақкамловчи ҳужжатларни англатади. Шахсий мулк эгаликдаги ашёлар, муаллифлик, патент ҳуқуқлари ва бошқа барча ашёлар ҳисобланади.

Хусусий мулкчиликка асосланган мулк ҳуқуқи кенг тасарруф

ҳуқуқи билан дастлаб Англияда мустаҳкамланади. Ерни тасарруф этиш ҳуқуқи эса аста-секинлик билан ривожланиб борди. Чунки XVIII аср охиридаги ер ислохотларидан кейин мамлакатдаги 7,5 минг лендлордларга жами ерларнинг ярми ўтди. Бундай ерлар жуда кам сотилган, кўпроқ ижарага қўйиларди. Ижара эса Англия фуқаролик ҳуқуқида жуда қисқа муддатли – 1 йилгача, узоқ муддатли – 99 йилгача ўрнатилганди.

Шартнома муносабатлари. Англияда шартноманинг икки асосий тарихий шакли таркиб топди: 1) ёзма шартномалар, бунда шартнома иккала томоннинг муҳри билан гувоҳлантирилган; 2) одатдаги шартномалар, бунда томонларнинг розилиги аниқ ифодаланиши кифоя қилган. Англ-сакс ҳуқуқий институтларининг янги даврга мослашишига мисол «ишончли бошқариш» институти эволюциясидир. Унга кўра, мулк эгаси бир кишига ўз мулкни ишониб топширади, шартнома бўйича мулкни олган иккинчи шахс учинчи шахс олдида мулк эгаси сифатида қатнашиб, мулкка нисбатан тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бу, айниқса, энг янги тарих даврида ривожланди.

Байлимент институти ҳам шунга ўхшаш. Байлимент инглизча ишончли бошқарув маъносини англатади, унга кўра, мулкни шартли равишда бошқа шахсга бераётган киши шу мулкнинг назарда тутилган шартларини, албатта, бажарилган ҳолда эгасига қайтарилишини аниқ билади.

Мулкни берган киши байлис, олган киши байлор, ушбу институтдан кутилган мақсадга эришишларига ишонадилар. Бизнингча, ушбу институтнинг трестдан фарқи шундаки, байлиментда фақат икки шахс қатнашади.

Оила-никоҳ муносабатлари. Англияда 1836 йилгача никоҳнинг эски шакли сақланиб келди, шу йили фуқаролик никоҳи жорий қилинди, лекин у ҳам мажбурий ҳисобланмайди. Оила бошлиғи эр саналиб, болалар 21 ёшгача ота ҳокимияти остида бўлган. Ота болаларни жазолаши мумкин эди. 1857 йилдан никоҳни бекор қилиш тартиби ўрнатилди.

Франция. XVIII асрда юз берган Буюк француз буржуа инқилоби янги фуқаролик ҳуқуқи асосларини яратиш бўйича муҳим вазифаларни бажариб, эски ҳуқуқий институтларни тўла емирди

ҳамда янги мулк шаклларини ўрнатди. Унинг ижобий ҳолатларидан бири расман бўлса-да қонун олдида ҳаммининг тенглиги ўрнатилгани, ўрта аср табақалари ва уларга тегишли имтиёзларнинг тугатилиши эди. 1804 йили Франция фуқаролик кодекси қабул қилинди. Унинг ижобий мезонларидан бири – ерга нисбатан эски мулкчилик ва мулкый муносабатларни тугатиб, мутлақ хусусий мулкчиликни эълон қилди. Мана шу талабни қисман қондириш лозим эди, чунки деҳқонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ерларига эгаллик қилиб қолдилар, қолаверса, у барча французлар учун тенг ҳуқуқий лаёқатни ўрнатди.

Кодекс Рим юристи Гайнинг институциявий тизимида тузилган, яъни шахслар, ашёлар, юридик ҳаракатларга бўлинади. Кодекснинг 1-моддаси қонунларни эълон қилиш, 2-моддаси қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмасли ҳақида. Кодекс инқилоб давридаги илғор фикрларга ҳам қисман қарши борди. Масалан, унинг 4-моддаси судьяларга қонунларни истаган томонга шарҳлаш учун шароит яратиб берди, бу эса Монтеस्कье ва Беккариянинг судьялар қонунни кенг шарҳлашлари мумкин эмас деган ғояларига зид эди. Биринчи китоб «Шахслар ҳақида» деб номланади, фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиш, фуқаролик ҳолати актлари, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кабилар тўғрисида гапирилади. Аммо юридик шахслар тўғрисида умуман нормалар йўқ. Кодекс «фуқаролик ўлими» институтини ўрнатди. Бу институт жинсий жазо сифатида қўлланилиб, унга асосан шахс муҳим фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинади. Никоҳ ёши аёллар учун 15, эркалар учун 18 этиб белгиланди, никоҳ шарты томонларнинг келишуви ҳисобланди. Хотин кишининг ҳуқуқлари чекланди. У эридан руҳсатсиз судда чиқиши, савдо ишлари билан шуғулланиши тақиқланди. Ота 16 ёшгача бўлган боласини озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазолатиши мумкин. Кодекснинг 2-китоби – «Мулк ҳақида» жуда катта аҳамиятга эга бўлди, унинг 545-моддасида мулк ҳуқуқига тушунча берилади. «Мулк бу – қонунга мос ҳолда ашёдан мутлақ ҳолда фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқидир», – дейилади. Унга эга бўлиш мерос йўли билан, совға, васият, мажбурият кучи билан бўлиши мумкин, яъни хусусий мулкнинг дахлсизлиги ўрнатилган.

Кодекснинг 3-китоби жуда таккомиллаштирилган, унда кўпроқ мажбурият ҳуқуқи масалалари тўғрисида, мажбурият муносабатлари янги муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги учун, 1134-моддада мажбурият шартномасига қонун кучи берилиши тўғрисида гапирилади. Мазкур кодекс Юстиниан фуқаролик қонунлари тўплами мисолида ишлаб чиқилганди.

Наполеон кодексида савдо муносабатлари тўғрисида деярли гапирилмаган. Шунинг учун савдо қонунлари қайта кўриб чиқилиб, 1807 йили савдо кодекси қабул қилинади. Унинг асосига «савдонинг озодлиги» принципи қўйилади. Бу кодексга 1673, 1681 йиллардаги қуруқликда ва сувда савдо қилиш ҳақидаги қоидалар асос бўлди, у айрим камчиликларга эгаллигига қарамасдан ўз даврида савдо ҳуқуқининг энг яхши кодификацияси эди. Бонапарт ўзининг фуқаролик кодексининг улкан аҳамиятини тушуниб етган. «Менинг ҳақиқий шуҳратим мен ютган қирқ жангда эмас, Ватерлоо уларни ўчириб ташлади. Лекин фуқаролик кодексим унутилмайди, унутилиши ҳам мумкин эмас», – деган экан у.

Германия. Мамлакатда, 1871 йили Пруссия монархияси раҳбарлиги асосида бирлашгунга қадар, ягона ҳуқуқ тизими йўқ эди. Наполеон кодексига ҳукмрон доираларнинг муносабатлари бир неча фуқаролик кодекслари вужудга келишига олиб келди. Уларда кўпгина масалаларга ҳам эскича, ҳам янгича ёндашилган. Ана шундай кодекслардан бири **Австрия фуқаролик уложенияси** бўлиб, у 1811 йили қабул қилинган эса-да, кўпгина нормалари янги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига ёрдам берган. Аммо мулк ҳуқуқидан ўрта асрча қарашлар асосида мулкларни «тўла» ва «тўла» бўлмаган мулклар, мулкдорларни эса «олий ва бўйсунган» эгаларга бўлган.

«Шахсий мулкый ҳуқуқлар» деб аталувчи шартномаларга оид қисмига «меросий ижара», «меросий, лекин оброк (тўлаш)» асосида тутиб туриш деган тушунчалар киритилган.

Мерос ҳуқуқида субстиция, ёрдамчи ворислар тайинлаш, фидиекомиссиялар каби оила мулкани бегоналаштиришга йўл қўймайдиган институтларни киритди. Умуман олганда, Австрия фуқаролик уложенияси Германияда янги фуқаролик ҳуқуқи ри-

вожланишида олдинга ташланган бир қадам бўлди. У инсоннинг туғма ҳуқуқларини тан олиб, қулчиликнинг крепостнойлик ҳолатини тақиқлади, фуқаролик қонунлари олдида барчанинг тенглигини ўрнатишга яқинлашди. Германияда ҳамма давлатларнинг ўз ҳуқуқи бўлиши партикуляр ҳуқуқ билан бирга ислоҳот қилинган пандект ҳуқуқи, яъни ҳозирги замон рим ҳуқуқи деб аталган ҳуқуқ қўлланилди, унинг асосида кодекслар ишлаб чиқилди.

Саксония фуқаролик уложенияси. 1863 йил ушбу низомда ҳозирги замон «пандект ҳуқуқи»ни немис буржуазияси манфатлари йўлида «немис руҳи» асосида ишлаб чиқишга уриниб кўрилди. Уложенида Саксонияда доимо Рим ҳуқуқи эътиборли бўлгани таъкидланади. Шунинг учун қонун чиқарувчи томонидан унинг кўп қоидалари: ашёга чексиз эгалик қилиш, мулк ҳуқуқини римча тушуниш кабилардан фойдаланилган. Унга алоҳида қонунлар мавжуд бўлган ҳуқуқнинг айрим соҳалари: вексель уложениyasi, тоғ ҳуқуқи, савдо, сув ҳуқуқлари киритилмади. Саксония уложениyasини ишлаб чиқувчилар Наполеон фуқаролик кодекси рим ҳуқуқи билан француз одатларининг аралашмасидан иборат деб танқид қилдилар ва институциявий тизимни пандект билан алмаштирдилар. Унга кўра, умумий қисм низомнинг барча қисмларига ягона ёндашиш масалаларини ўз ичга олган: ашё ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи (талаб ҳуқуқи), оила ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи. Аммо низомнинг тузилиши ва юридик техникаси такомилдан анча узоқ эди. Унда кўплаб такрорлашлар ва мужмал фикрлар бор. Тақризчилар низомни қонунчилик актидан кўра кўпроқ пандект ҳуқуқи асосида ёзилган дарсликка ўхшайди, рим ҳуқуқидан кўр-кўрона фойдаланилган деб фикр билдирган бўлсалар-да, бу низом қисман эски институтларни тугатди.

Империя ташкил қилингунга қадар, Германия доирасида фуқаролик ҳуқуқининг 100 га яқин тизими: Наполеон фуқаролик кодекси, Австрия фуқаролик кодекси, Дания фуқаролик кодекси, Пруссия ер уложениyasi, янги шароитга мослаштирилган рим ҳуқуқи амалда эди. Рейн дарёси бўйларидаги немис давлатларида Франция фуқаролик кодекси, шимолдаги князликларда Дания ҳуқуқи, шарқда Пруссия ҳуқуқи амалда эди.

Империя тузилгандан кейин ҳам, маълум давргача Германи-

яда қонунчилик мана шу тарзда бўлди, чунки империя конституциясига биноан, империя парламенти умумимперия қонунларини чиқариш ҳуқуқига эга эмасди.

1873 йилга келиб рейхстаг депутатлари 1971 йилги конституциянинг 14-моддасига қўшимча (4-пункт) киритишга муваффақ бўлдилар. Унга биноан, империя рейхстаги фуқаролик ҳуқуқи ва суд юритишга оид умумимперия қонунларини қабул қилишга ҳуқуқли бўлди. Мана шундан кейин Германияда фуқаролик қонунларини унификациялашга киришилди. 2 кишидан иборат комиссия тузилиб, улар 14 йил ичида, 1888 йили, биринчи лойиҳани ишлаб чиқишди. Лекин мазкур лойиҳа, жуда мураккаб бўлганлиги учун, қабул қилинмади. 1890 йили 2-комиссия тузилди, унинг таркибига кўпроқ назариётчи эмас, балки амалиётчи юристлар киритилди. Банкирлар, тоғ заводчиси, ер эгаси ҳам киритилди. 1895 йили фуқаролик уложениясининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

1896 йили эса рейхстаг томонидан қабул қилиниб, император имзоси билан эълон қилинди (БГБ ҳам дейилади – немис тилидаги бош ҳарфлардан). Германия фуқаролик уложенияси икки қисмдан иборат эди, яъни низомни амалга киритиш ҳақидаги кириш қисм ва низом матни. 1-қисмида Германия фуқаролик уложениясининг кучга кириш муддати 1900 йил 1 январь эканлиги, халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари, Германия фуқаролик уложениясининг империянинг бошқа қонунларига муносабати туғрисида гапирилган. Уложения пандект тизимида тузилган, Саксония уложениясидан шуниси билан фарқ қиладики, бунда ашё ҳуқуқи мажбурият ҳуқуқидан кейин берилган. Уложения 5 китобдан иборат.

Биринчи китоб умумий қисм деб аталади, бунда Франция фуқаролик кодексидан фарқли қоида – юридик шахслар тушунчаси берилган. Мазкур ўзгариш шу нарса билан характерланадики, XIX аср 2-ярмида Германиянинг ижтимоий-сиёсий тузумида жуда катта ўзгаришлар юз берди, саноат бирлашмалари, кассаба уюшмалари, сиёсий партиялар, жамиятлар вужудга келганди. Бу ҳол юридик шахс тушунчасини аниқлаш ва унинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашни тақозо қиларди. Уложения юридик шахсларни оммавий юридик шахс ва хусусий юридик шахсларга бўла-

ди. Оммавий юридик шахс қонун ёки маъмурий актлар билан вужудга келади. Хусусий юридик шахснинг вужудга келиши эса хусусий ҳуқуқий уложения ва таъсис актлари натижасида зоҳир бўлади.

Уложения табақавий тузумнинг қолдиқларига узил-кесил зарба бермади, балки дворянлар олий ва қуйига бўлинишини сақлаб қолди.

Иккинчи китоб мажбурият ҳуқуқига бағишланган. Ушбу китобда рим ҳуқуқининг таъсири, айниқса, яққол кўзга ташланади. Лекин рим ҳуқуқида ва Франция фуқаролик кодексига берилмаган қоидалар ҳам бунда мавжуд. Масалан, биржа операцияларида вужудга келадиган муносабатлар, умумий мулкдан фойдаланишнинг ўзига хос қоидалари, банкларда пул маблағи ўтказиш операциялари ва ҳ.к. Шартнома муносабатларида шартнома эркинлиги эълон қилинган.

Учинчи китоб ашё ҳуқуқи қоидаларига оид, унинг ичида хусусий мулк ҳуқуқий институти марказий ўринни олган. Хусусий мулк муносабатларини тартибга солувчи қоидаларда эркин ривожланишдан корпоратив даврга ўтилишининг белгилари яққол кўзга ташланади. Агар Франция фуқаролик кодексининг 522-моддаси мулк ҳуқуқига ер остидаги ва устидаги ҳамма бойликларни киргизган бўлса, Германия фуқаролик уложениясининг 905-моддаси мулк эгасининг мазкур ҳуқуқини чеклайди. Яъни у ернинг устидаги ва остидаги ҳаракатга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Агарда бу ҳаракатлар унинг манфаатига зид бўлмаса. Қолаверса, мулк эгаси ўз ерига ҳар хил газлар, ҳидлар, силкинишлар, иссиқлик, шовқинларнинг ўтишига қаршилик кўрсатиши мумкинмас, агар мазкур ҳодисалар унга кам зарар келтирса, бу каби чеклашлар йирик мулкдорлар манфаати йўлида киритилган.

Тўртинчи китоб оила ва никоҳ масалаларига бағишланган. Уложения никоҳнинг фуқаролик шаклини ўрнатди. Диний никоҳ юридик кучга эга бўлмайди. Эр оила бошлиғи, эр-хотинлик муносабатларида ҳамма масалаларни ҳал қилиш унга тегишлидир.

Бешинчи китоб мерос ҳуқуқига доир. Мерос қонун бўйича қонқариндошлик даражасига қараб тақсимланади.

Германия фуқаролик уложенияси XIX асрдаги янги муносабатларни тартибга солишга қаратилган йирик кодексдир. Лекин

кодекс жуда чалкаш тил билан ёзилган. Унда турлича тарзда шарҳланиши мумкин бўлган қоидалар – «каучукли» моддалар мавжуд, кўпгина нормалардаги ифодаларга тушунча берилмаган (О.А.Жидков). Яъни судлар томонидан кенг шарҳланишига йўл қолдирилган. Бу кодекс ҳам кўпгина давлатларга таъсир қилди, Греция, Венгрия, Япония, Таиланд, Бразилия, ГФРда ҳозир ҳам қўлланилмоқда.

Германия фуқаролик уложенияси қабул қилинган сана – 1897 йил 10 майда янги савдо уложенияси ҳам қабул қилиниб, у 1900 йил 1 январдан кучга киритилди. Шундай қилиб, мамлакатда фуқаролик ва савдо ҳуқуқлари дуализми юзага келди. Бу низом 4 китоб: савдогарлик ҳолати, савдо ўртоқлиги, савдо битимлари, денгиз савдосидан иборат эди.

1907 йил 10 декабрдаги Швейцария фуқаролик уложенияси фуқаролик ҳуқуқининг энг янги даврга ўсиб чиқиш давридаги характерли тўпламдир. Швейцарияда ҳам, мазкур уложения қабул қилингунга қадар, ягона фуқаролик ҳуқуқи қонунчилиги йўқ эди. Масалан, биргина гаров шартномаси 29 континенталь (район) қонунлар билан тартибга солинарди. Ягона уложения қабул қилиш учун Швейцарияда ҳам худди Германиядагидек конституцияни ўзгартиришга тўғри келди.

1898 йили умумхалқ овози билан Иттифоқ кенгашига Умумшвейцария қонунларини қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Комиссия тузилиб, унинг таркибига профессорлар, депутатлар, амалдорлар киритилди, комиссия раиси бернлик профессор Губер бўлиб, комиссия томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа Иттифоқ кенгаши томонидан 1907 йил 10 декабрда қабул қилинди. 1911 йил 30 мартда эса Иттифоқ кенгаши мажбурият ҳақидаги янги қонунни қабул қилиб, у 1912 йил 1 январдаги уложения билан кучга кирди. Уложения кириш ва 4 китобдан иборат бўлиб, шахслар (жисмоний ва юридик)га, оила, мерос ҳуқуқига, ашё ҳуқуқига бағишланган.

Хуллас, Швейцария фуқаролик уложенияси тизими институция ва пандект тизимларининг ўзига хос қўшилишидир.

Мажбурият ҳақидаги қонун 3 бўлимдан иборат бўлиб, унвонларга бўлинган, унинг 3-бўлимида савдо жамиятлари, қимматбаҳо қоғозлар, савдо-саноат фирмалари ҳақида гапирилади.

Яъни мазкур қонунда умумфуқаролик ҳуқуқий нормалари билан бирга Франция ва Германия савдо кодексларида ажратиб кўрсатилган қоидалар ҳам берилган. Швейцария уложениyasi «каучукли» моддалардан ташқари очикдан-очик қонуний тарзда судьяларнинг ўзбошимчалигига йўл очиб берди. Масалан, унинг 1-моддасида: «Агар қонунда тегишли қоида топилмаса, судья ишни одат ҳуқуқига асосан ҳал қилиши, одат ҳуқуқи бўлмаган тақдирда, қонун чиқарувчи тарзида бу ишни ҳал этиши лозим», – дейилади.

Уложениyasi ўзига хос томонларга ҳам эга. Масалан, Германия фуқаролик уложениyasiнинг 905-параграфида агар ер эгаси ўз ерига турли буғлар, газлар, силкинишлар ўтишига тўсқинлик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган эса, унда (684-модда) ҳамма зарarli нарсаларнинг помешчик ерига ўтишини тақиқлади. Ҳамма ер эгаларини ўз еридан электр линиялари, водопровод, сув оқова (канализация) ва бошқа қурилмаларнинг ўтишига рухсат беришга мажбур этди.

Европа фуқаролик ҳуқуқи, айниқса, Германия, Франция, ҳатто Англия таъсири остида Японияда ҳам ер, савдо ҳақидаги янги қонунлар қабул қилинди. 1890 йилдан Япония фуқаролик кодексини ишлаб чиқишга киришилди ва ҳатто Германия фуқаролик уложениyasiдан олдин – 1898 йили кучга киритилди.

Япония фуқаролик уложениyasi пандект тизимида тузилган, беш китобдан иборат. Умумий қисм (1 – 174-м). Қолган китобларнинг жойлашиши Саксония фуқаролик уложениyasiга ўхшаш: ашё ҳуқуқи, мажбурият, оила ва ворислик ҳуқуқидан иборат. Айрим ҳуқуқий тушунчалар Наполеон фуқаролик кодексидан ўзлаштириб олинган. Фуқаролик кодекси Японияда фуқаролик муносабатлари ривожланишига ёрдам берди ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг муҳим принциплари: хусусий мулкнинг бўлинмаслиги, шартнома эркинлиги, расман қонун олдида томонларнинг тенглиги мустаҳкамланган бўлса-да, хотин-қизларнинг муомалага лаёқатсизлигини сақлаб қолди.

Континентал ҳуқуқ тизими мамлакатлари таъсири остида Япония XIX аср охирида хусусий ҳуқуқ икки хиллигини сақлаб қолди ва 1899 йили махсус савдо кодексини қабул қилди. У 4 китобдан

иборат: умумий масалалар, савдо ўртоқлиги, савдо битимлари ва денгиз савдоси деб номланган.

3. Жиноят ва жиноят жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари

Англия инқилоби гарчи келишув характерида тугагани учун ҳам, саноатчи соҳибкорлар манфаатига оид жиноят қонунлари қабул қилиниши билан яқунланди. 1832 йилги ислохотгача ер зодагонлари ва йирик савдо аҳли ўрта асрларга оид жиноят-ҳуқуқий қоидалари билан қаноатландилар. Шунинг учун ўрта асрларда шаклланган жиноятнинг уч даражали тузилиши: тризн (хоинлик), фелония (оғир жиноятлар), месдиминор (қолган барча жиноятлар, асосан, майда жиноятлар) сақлаб қолинди.¹ XVIII асрда қатл этиш жазоси бериладиган фелония туридаги жиноятлар таркиби кенгайди.

Агар Англияда XVII асрда қатл этиш жазоси бериладиган 50 жиноят тури бўлса, XIX аср бошларида 150 тага етди. Шундай қилиб, Англия жиноят қонунчилиги инқилобнинг кейинги даврларида жиноят қонунларининг жуда камлиги билан кўзга ташланади. Бу ерда инқилобдан аввалги тан жазолари беришни назарда тутган жиноят қонунлари ҳам амалда бўлди. Тўрт бўлакка бўлиш, тирик танадан ички аъзоларни юлиш мароқ билан бериладиган жазолардан бўлганди.

Фақат 1819 йилдангина айрим ваҳший жазолар: филдиракка боғлаш, сазойи қилиш, тўрт бўлак бўлиш тугатилди.

Англия ҳуқуқшуносларининг тўла қонунчиликка эга бўлиш учун интилишлари 1861 йили парламент томонидан 5 ихчамлаштирилган актлар қабул қилинишига олиб келди. XIX аср бошларида Англия парламенти жиноий жазони юмшатиб, мавжуд ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлаш бўйича бир неча қонунларни қабул қилди. Жумладан, 1817 йили хотин-қизларга нисбатан ўлим жазосини очик ўтказишни бекор қилиш ҳақида, 1816 йили сазойи қилиш ҳақида, 1823,

¹ История государства и права зарубежных стран. В 2-х частях. Ч.2. – М.: Норма, 2001. – С.573.

1827 йилларда ўлим жазосини қисқартирувчи бир қанча актларни парламентдан ўтказди. 1826 – 1861 йиллардан Англияда қатл этиш жазосини бериш билан боғлиқ жиноятлар 200 дан 4 тага туширилди. Ҳатто, 1848 йилги актга кўра, қиролга қарши уруш очилганда қатл этиш жазоси эмас, умрбод қамоқ жазоси белгиланиши тўғрисида қонун чиқди. 1870 йили фелония гуруҳидаги жиноятларни содир этганлик учун мол-мулкни мусодара этиш бекор қилинди. Шу йиллардан фелония ва месдименор гуруҳи жиноятлари учун бериладиган жазолар ўртасидаги фарқ йўқола бошлади.

Энг янги даврга келиб Англия парламенти жиноят ҳуқуқига тааллуқли кўпроқ статутлар чиқаришга мажбур бўлиб қолди. Улар ичида 1916 йили чиқарилган ўғрилиқ тўғрисидаги қонун эътиборга молик. Бу қонун жиноят ҳуқуқида мулкка қарши қаратилган жиноятларга оид кўп қоидаларни ўзида бирлаштирди ва қуйидагиларга бўлди: синдириш билан боғлиқ тунги ўғрилиқ, талончилик, ўғрилиқ, бировнинг мулкни ўзлаштириш.

XIX аср охири – XX аср бошларида Англияда қуйидаги жазолар қўлланиларди: а) полиция назорати; б) дастлабки қамоқ. Бу, асосий жазони ўтагандан кейин, қўшимча жазо сифатида суд томонидан 5 – 10 йилгача тайинланган. Одатда, бир жиноятни 3 марта содир қилганларга каторга жазосидан кейин берилган. Борстал тузуми суд томонидан 16 дан 21 ёшгача бўлган жиноятчиларга 1 йилдан 3 йилгача муддатга тайинланиб, махсус тузатиш муасасаси – Борсталга қамаш билан белгиланган; в) мастлар учун алоҳида хоналарда сақлаш; д) синаш (азоблаш).

Жазо сиёсатини юмшатиш, энг аввал, процессуал ҳуқуққа дахлдор бўлди. Ана шунинг натижаси ўлароқ 1679 йилги Хабес корпус акт, 1689 йилги «Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл, 1696 йилги «Хоинлик билан боғлиқ жиноятларни судда кўриш ҳақида», 1701 йилгача «Қурилиш ҳақида»ги актлар билан бир қаторда жиноят-процессуал қоидалар белгиланди. Жумладан, айбланувчига айблов фикрини суддан беш кун олдин топшириш, ҳимоячи чақириш ҳуқуқи, янги гувоҳларни таклиф қилиш кабилар жорий этилди. 1836 йили қамоққа олинган шахсга адвокат чақириб иш материаллари билан таништириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги актлар қабул қилинди.

Францияда 1791 йили жиноят кодекси қабул қилинди. Бу янги даврда қабул қилинган биринчи жиноят кодекси бўлиб, 1789 йилги декларациянинг асосий қоидалари асосида ишлаб чиқилганди. Ана шулардан бири – қонунчилик қоидаси жорий қилинди, унга асосан жазо фақат қонунда жиноят деб ҳисобланган ҳаракатларгагина қўлланган.

Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси «айбсизлик презумпцияси»¹ номли қоидани ўзида мустаҳкамлади. Айбсизлик презумпциясининг назарий хулосаси «иккиланиш, шубҳа айбланувчининг фойдасига шарҳланади» деган қоидадан иборатдир.

Умумий қоидага кўра, айбсизлик презумпциясидан қуйидагилар келиб чиқади: а) айбланувчи ҳимоя ҳуқуқига эгадир; б) оқлов ҳукми фақатгина судланувчининг айбсизлиги тўла исбот этилган ҳоллардагина эмас, айблилиги исбот этилмаган ҳолларда ҳам чиқарилиши шартдир; в) исботлаш юки айбловчи елкасида ётади; г) оқлов ҳукми чиқарилгач, апелляцияга йўл қўйилмайди.

Айбсизлик презумпциясининг назария ва амалиётда тан олиниши унинг амалда тўғри қўлланишини билдирмайди. Албатта, кескин сиёсий инқироз вақтларида айбсизлик презумпцияси улоқтириб ташланади. Мана шу билан ўрта аср Франциясида ҳукм сурган судларнинг ўз хоҳишича суд қилиш имконияти тугатилди. Кодекс расман бўлса-да жиноят қонуни олдида ҳамманинг тенглиги, жазонинг жиноятнинг оғирлигига мос келиши каби ижобий қоидаларни ўрнатди.

Кодекс икки қисмга бўлинган: 1) жазо тўғрисида; 2) жиноят ҳақида. Жазонинг қуйидаги турлари ўрнатилган: қатл этиш, каторга ишларига юбориш, тинчлантирувчи уйга қамаш, якка ҳолда қамаш, қамоқ, сургун, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этиш, сазойи қилиш ва жарима. 16 ёшгача бўлган болалар, суд томонидан ақлга мувофиқ ҳаракат қилинган деб топилсагина, жазоланган, уларга энгил жазолар берилган.

Жиноятлар икки катта гуруҳга бўлинган: **оммавий манфаат-**

¹ Суднинг қонуний ҳукми чиқмагунча гумондорни ёхуд судланувчини айбсиз деб ҳисоблаш.

ларга ҳамда хусусий манфаатларга қарши жиноятлар. Кодекснинг махсус қисми сиёсий жиноятларга тайинланадиган жазоларнинг қаттиқлиги билан характерланади. Кодекснинг жазолар ҳақидаги биринчи қисмида қатл этиш жазоси 40 ҳолда тайинланиб, очиқ ижро этилиши белгиланган. Бу биринчи жиноят кодекси эди, гуманист Вольтер, Монтескье, Беккариянинг илғор ғояларига суянилган бўлса-да, улардан узоқлашиш сезилади. Кодекснинг 125 моддасидан 48 таси мулк ҳуқуқини қўриқлашга қаратилган. Ҳар бир жиноятга мутлақ аниқ санкция белгилаб қўйилган.

Францияда **иккинчи жиноят кодекси** 1810 йил февралда қабул қилинган, у 1811 йил 1 январдан кучга кирган. Кодекс янги жамиятнинг жиноят ва жазо ҳақидаги қонунларининг намунавий тўпламидир.

Унинг ижобий қоидалари қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) қонунчилик ва жиноят таркибининг тўла бўлишлиги ҳақидаги талаб; б) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; в) содир этилган жиноятга жазонинг пропорционаллиги; г) қонуннинг орқага қайтишига йўл қўйилмаслиги; д) фақат қонун билан тақиқланган ҳаракатнинг жиноят деб тан олиниши; е) айбсизлик презумпцияси.

Бу кодекс жуда аниқ ва тўла жумлаларда ишланган бўлиб, кириш ва тўрт қисмдан иборат: 1 – 2-қисмлари умумий қисм, 3-қисми махсус қисм деб аталган, 4-қисм полиция қоидаларини бузиш ва унга бериладиган жазоларга бағишланган.

Йирик буржуазия манфаатлари нафақат хусусий мулкни кучли ҳимоя қилишда, 1791 йилги кодексдагига нисбатан давлат жиноятлари бобининг кенг ишлаб чиқилишида ҳам ифодаланган. Мазкур кодексдаги 4 та модда фақатгина император ва унинг оила аъзолари ҳаётига суиқасд қилиш учунгина эмас, балки мавжуд тартибни ўзгартириш, императорни тахтдан тушириш, фуқароларни императорга қарши қуролик қўзғолонга чақириш учун ҳам қатл этиш жазосини назарда тутган.

1810 йилги кодекс ички хавфсизликка оид жиноятлар деб фуқароларни очиқдан-очиқ давлат хавфсизлигини бузишга чакирувчи митинг ва мажлисларда нутқ сўзлашни ҳам ҳисоблади.

Кодексда мулкка қарши жиноятлар тўла ишланиб, унга 80 та ёки 1791 йилдагидан икки марта кўп модда бағишланди. Масалан, тунда икки ёки бир неча киши томонидан қурол ишлатиб ва синдириб содир қилинган ўғрилиқ учун ўлим жазоси кўзда тутилди.

1810 йилги жиноят кодекси тайинланадиган жазонинг харақтерига қараб жиноятларни 3 гуруҳга бўлди. Биринчи гуруҳга оғир жиноий ҳарақатлар киритилиб, уларга азобловчи ва уятли жазолар тайинланган. Иккинчи гуруҳга тузатувчи чоралар белгиланувчи хатти-ҳарақатлар, учинчи гуруҳга полицияга оид ҳуқуқбузарликлар, уларга полиция жазолари тайинланган. Кодексда ўрта асрларга оид қаттиқ жазолардан воз кечилгани мустаҳкамлаб қўйилган. Жиноий жазога қатл қилиш, умрбод каторгага юбориш ва тинчлантирувчи уйга қамаш (бу жазолар тамға босиш ва мулкни мусодара қилиш билан бирга берилган) киритилди. Полиция жазолари қамоқ (1 – 5 кунгача), жарима, маъмурий қамоқ, маълум ашёларни мусодара қилишдан иборат бўлган.

Франция жиноят ҳуқуқининг классик ғояларини ўзида ифодалаган 1810 йилги жиноят кодекси кўпгина мамлакатлар жиноят қонунлари ривожланишига таъсир кўрсатди. 1822 йили Испанияда, 1830 йили Бразилия, 1853 йили Швейцария, 1867 йили Бельгия жиноят кодекслари унинг таъсирида ишлаб чиқилди.

Францияда 1808 йили жиноят кодексининг руҳига тўғри келадиган жиноят-процессуал ҳуқуқи борасида буржуа ислохотларини охирига етказадиган **жиноят процессуал кодекси** қабул қилинди. У аралаш суд процессини, терговнинг ёзма равишда яширин олиб борилишини, тергов судьясининг эса айбланувчини терговга чақириш тўғрисида буйруқ чиқариши, қамоққа олиш ёки мажбурий терговга чақириш, айбланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиш, воқеа жойини кўздан кечириш тартибларини ўрнатди. Жараён ҳуқуқининг сўнгги босқичи – судда кўриш эса ошкоралик, оғзакилик, тортишув асосида ўтказилишини белгилади.

ЖПК инқилоб даврларида киритилган қасамхўрлар суди институтини тасдиқлади. Улар 12 дан 8 аъзонинг маъқуллаши билан айбдор ёки айбсиз эканлиги тўғрисида вердикт чиқариш-

лари лозим бўлган. Ушбу кодекснинг таъсирида қитъа ҳуқуқининг бир қанча мамлакатларида шундай кодекслар қабул қилиниб, қисман қасамхўрлар судлари жорий этилди. Париж коммунасидан кейин учинчи республика даврида инқилобдан кўрқиб қолган ҳукмрон доиралар, айниқса, қаттиқ қонунлар чиқаришга эришди. Жумладан, «Халқаро ишчи ташкилотларининг аъзоларига бериладиган жазолар ҳақида», 1881 йили «Матбуот эркинлиги тўғрисида»ги қонун, 1894 йили «Анархистларнинг интилишларини қирқиш тўғрисида», 1885 йили эса рецидивистлар ҳақида қонун чиқиб, асосий қонунга қўшимча тарзда уларга Янги Каледонияга умрбод сургунга юбориш жазоси ўрнатилди.

Германиянинг XIX асрдаги жиноят ҳуқуқининг энг муҳим ёдгорлиги 1813 йили кўзга кўринган юрист Ансел Фейрбах томонидан ишланган **Бавария жиноят уложенияси** ҳамда 1851 йилги **Пруссия жиноят кодекси** ҳисобланади. Бу икки кодексда ҳам гарчи Франция ЖКнинг таъсири бўлса-да, лекин жазо сиёсатида ўрта аср қоидалари сақлаб қолинди. 1870 йили Шимолий герман иттифоқида жиноят уложенияси қабул қилиниб, 1871 йили бутун империя доирасига ёйилди. Уложения кириш ва уч қисмдан иборат бўлиб, унинг икки қисми жиноят ҳуқуқининг умумий масалаларига бағишланганди.

Биринчи ва иккинчи қисмда жиноят ҳуқуқининг умумий масалалари: жазо, суиқасд, иштирокчилик, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар, махсус қисмда эса алоҳида жиноят турларига оид қоидалар ўз аксини топган.

Буларнинг ичида императорни ҳақоратлаш, маҳаллий ҳукмдорларни таҳқирлаш, сохта тангалар яшаш, ҳокимиятга қаршилик кўрсатиш хавфли давлат жиноятлари ҳисобланиб, қатл этиш жазосини қўллаш кўзда тутилади.

Уложения жуда қаттиқ жазо чоралари билан Германия империясининг сиёсий тузумини ҳимоя қилади. Унинг 80-, 81-параграфларида императорни ўлдириш давлат хиёнатига тенглаштирилади, империя тузилишини зўрлик йўли билан ўзгартиришга уриниш, тахт ворислиги тартибини ўзгартириш, юқоридаги ҳаракатларни, уятли сўзларни мажлисларда айтиш ёки ада-

биётларни тарқатиш 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган. Қонунларга бўйсунмасликка чақириш икки йил қамоққа ҳукм қилиш билан жазоланган. Бир тоифани иккинчи тоифага нисбатан қўзғатишга чақириш 200 талер жарима солиш ёки икки йил қамоқ жазосига тортилган. Айни дамда, мазкур низом жиноят ҳуқуқини юмшатиш, яъни ўлим жазосини чеклашга қаратилган бўлиб, бундай жазо фақат икки ҳолдагина: давлат бошлиғини ўлдириш, қасддан одам ўлдириш учун белгиланган.

XIX аср охирларида ишчилар ташкилотлари обрўсининг ошиши билан, 1874 йил 7 майда «Матбуот тўғрисида»ги қонун, 1878 йили «Социалистларга қарши фавқулодда қонун» (касаба уюшмаси ва бошқа ишчи ташкилотларга қарши) қабул қилинди.

Японияда биринчи жиноят кодекси 1880 йили француз юристи Буасонод томонидан ишлаб чиқилди. 430 моддадан иборат кодекснинг қабул қилиниши билан, Японияда янги ҳуқуқнинг асосий қоидалари ёйилди. Қонли қасос олиш ва ёқиб юбориш, аралаш, бошни аста-секин қирқиш каби жазолар бекор қилинди. Бу жиноят кодекси жуда қаттиқ жазолар ўрнатган бўлишига қарамастан, япон амалдорлари томонидан яхши қарши олинмади. Чунки у суд, прокуратура ва полициянинг ўзбошимчалигини сиқиб чиқарганди.

1907 йил Пруссия юристи Рудольф Фишти иштирокида тайёрланган ва 1908 йил 1 январда кучга кирган янги жиноят кодекси ишлаб чиқилди. Янги жиноят кодекси жиноятларни давлат жиноятлари, бошқарувга қарши қаратилган жиноятлар, хусусий мулк ва шахсга қарши қаратилган жиноятларга бўлди. Қаттиқ жазолар, асосан, давлат жиноятлари: императорни ҳақоратлаш, унга суиқасд қилиш, унинг хонадонини ҳақоратлаш кабиларга қўлланилди. Юридик нуқтаи назардан қараганда, 1907 йилги жиноят кодекси 1880 йилгидан устун эди. Унда нисбатан илғор социологик ҳуқуқ мактаби ғоялари ўз ифодасини топган. Масалан, бу кодексда илгари япон ҳуқуқига маълум бўлмаган ҳуқуқий институтлар: шартли судловлилик, жазодан шартли озод қилишлар киритилганди. Кодексда ана шу мактаб ғоялари таъсирида жиноятчидан қилмиш учун жазолаш эмас,

уни қайта тарбиялаш устунликка эга эди. Уложения сийёсий жиноятларга, хавфсизликка алоҳида эътибор қаратди. Император ёки унинг хонадони аъзоларининг ҳаётини хавф остига қўядиган ҳаракатлар ўлим жазоси ёки каторга ишларига юбориш билан жазоланган.

Уложения хусусий мулкка қарши қаратилган жиноятларга ҳам жазони кучайтирди. Айбни оғирлаштирадиган ҳолатда ўғрилик қилиш учун 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилади.

Шундай қилиб, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида чет мамлакатлар жиноят қонунчилигининг давр руҳига мослаштирилиши ва юмшоқлаштирилиши яққол кўзга ташланади.

4. Социал қонунчилик

Англияда бутун XVIII аср мобайнида меҳнат шартномаларини давлат йўли билан мажбурий тарзда тартибга солиш сақланиб қолаверди. Парламент томонидан чиқарилган дайдилик тўғрисидаги қатор актлар ҳамда иш ҳақининг максимал миқдорини тайинлаш тўғрисидаги актларнинг мазмуни ана шулардан иборат эди. Саноат инқилоби юз бериши натижасида, меҳнат муносабатларини тартибга солиш қийинлашди. XIX аср бошларида иш ҳақи миқдорини белгилайдиган қонунлар бекор қилиниб, хусусий соҳибкорлар «шартнома озодлиги»дан фойдаланиб ишчиларга оғир шартларни қўя бошлади. Жумладан, парламент 1834 йилги камбағаллик ҳақидаги қонунни бекор қилиб, уларни илгари пул ва маҳсулотлар билан бериладиган ёрдамдан маҳрум қилди.

1792 йил Англия парламенти иш ҳақини кўтариш, иш кунини қисқартиришга қаратилган ҳар қандай бирлашмалар тузишни тақиқлаш ҳақидаги қонунни қабул қилди. Мазкур қонунни бузиш қасамхўр судьялар иштирокисиз судья томонидан яқка ўзи қўллайдиган жиной жавобгарликка олиб келарди. Аммо 1824 йили Англия парламенти ишчилар ҳаракатининг кучайиши тўғрисида, «фақат ушбу ҳаракатлар шахс ва мулкка зўрлик кўрсатиш, қўрқитиш ва таҳдид қилиш» билан бўлсагина, жиной жавобгарликка тортилишини белгилаб қўйди.

Бошқа ҳолатларда ишчиларнинг ҳуқуқлари тан олинди. Шундай қилиб, мазкур қонун Англияда тред-юнионлар ҳаракати ўсишига имкон берди.

1871 йили эса ишчиларнинг касаба уюшмалари қонунийлиги тан олиниб, уларнинг мазкур фаолиятини суд йўли билан таъқиб қилиш тақиқланди.

1906 йили махсус қонун чиқарилиб, соҳибкорларга агарда касаба уюшма аъзоларининг коллектив ҳаракатлари туфайли зарар етказилса, зарарни ундириб олиш ҳақида суд даъвосини кўзғатиш ман этилди.

Қолаверса, фабрика қонунчилигида аёллар ва болалар меҳнатини тартибга солиш борасида ҳам қонунлар қабул қилинди.

1883 йили тўқимачилик саноатида 9 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалар меҳнати, 18 ёшдаги ўсмирлар меҳнати 12 соатдан ошмаслиги ҳақидаги қонун, 1842 йили аёлларнинг ер остидаги ишларини тақиқлаш ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. 1866 йили Балтимор шаҳридаги ишчиларнинг умумий конгресси 8 соатлик иш куни тўғрисида қарор чиқарган бўлса-да, бу нарса фақат XX аср бошларидагина саноатнинг алоҳида тармоқлари учун жорий этилди.

1911 йили касаллик вақтида социал суғурта ҳақидаги қонун қабул қилинди.

АҚШ ва Англия «умумий ҳуқуқи»нинг кўпгина қоидалари АҚШ шароитида ишчи ҳаракатлари билан бўлган курашда фойдаланилди. «Шартнома озодлиги» институти ишчиларга тазйиқ ўтказиш қуроли вазифасини ўтади.

АҚШда саноат ривожланишига ўтиш даврида касаба уюшмаларининг уюшган ҳаракатларини бостириш мақсадида аксилтрест қонунчилигидан фойдаланилди. Антитрест Жон Шерман қонуни амалда бўлган 7 йил мобайнида федерал судлар 12 марта ишчи ташкилотларни ва фақат бир мартагина хусусий соҳибкорларни айблади. XIX аср охири – XX аср бошларида аёллар ва болалар меҳнати ҳақидаги чекланган қонунларни қабул қилишга киришди.

Францияда 1791 йидаги Ле Шапелье қонуни меҳнат шароитларини муҳокама қилиш мақсадида ишчи уюшмаларининг бир-

лашишини тақиқлади. 1810 йилги жиноят кодекси ҳам касаба уюшма ташкилотини тузиш ҳаракатининг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилди. Фақат 1884 йили учинчи республикагина ишчи ҳаракати янги шароитларда кўтарилганидан келиб чиқиб ишчи уюшларини тузишни қонунийлаштирди. 1874 – 1892 йилларда учинчи республика қонунчилиги 13 ёшгача бўлган ўсмирлар меҳнатини тақиқлади, 16 ёшгача ўсмирларга 10 соат, 18 ёшгача 11 соат иш куни белгилади.

Германияда ишчилар ҳаракатининг олдини олишни ўйлаган Бисмарк 1869 йили саноат ҳақидаги уставга 152-параграф киритиб, меҳнат шароити ва иш ҳақини яхшилашга қаратилган касаба уюшмаларини тузишни тақиқлаш ҳақидаги қондани бекор қилди. Меҳнат ҳақидаги қонунчилик Германияда 1891 – 1909 йилларда ташкил топди.

Жумладан, аёлларнинг тунги меҳнатини тақиқлаш, тўрт ҳафталик меҳнат таътили (бола кўргандан кейин), иш кунини 11 соат билан чегаралаш, 1891 йилдан саноатда 13 ёшдан кичик болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш борасида қонунлар қабул қилинди. XIX аср охирларида Германияда касаллик вақтида бахтсизлик ҳодисаси ва ногиронлик вақтларида нафақа тўлаш ҳақида қонунлар қабул қилинди.

Назорат учун саволлар

1. Янги давр ҳуқуқи шаклланган ҳуқуқий фалсафа асослари нимадан иборат?
2. Англ-сакс ва роман-герман ҳуқуқий тизимлари орасидаги фарқлар нимадан иборат?
3. «Трест» ҳуқуқий институти ва унинг тарихий шаклланиши қандай?
4. Фуқаролик кодексларида рим ҳуқуқининг рецепцияланишини тушунтириб беринг.
5. Франциянинг жиноят кодекси асосида янги даврда вужудга келган қандай ижобий принциплар ётади?
6. Янги тарих даврида чет мамлакатларда ҳуқуқнинг ривожланиши қайси асосий йўналишлардан борди?

7. Социал қонунчилик нима? Мисоллар билан тушунтира оласизми?

8. Жиноят ҳуқуқидаги ўзгаришлар қайси йўналишда борди?

9. Жиноят-процессуал ҳуқуқида-чи?

10. Янги даврда вужудга келган қайси ҳуқуқий принциплар мамлакатимиз ҳуқуқида ҳам акс этган?

Ҳуқуқий масала №13

402. Савдо кодексида тан олинган ва назарда тутилган ҳолларда банкротликда айбланганлар куйидагича жазоланадилар: ашаддий банкротлар муддатли каторга ишларига юбориш; оддий банкротлар бир ойдан икки йилгача муддатга қамоққа ҳукм қилиш билан.

Ушбу модда қайси давлатнинг қайси кодексидан олинган? Уша давлат савдо кодексини ҳам топиб, банкротликка жавобгарлик белгиланган ҳолатларни аниқланг. Ушбу қоидаларни кодексларга киритиш сабабларини шарҳлаб беринг.

Ҳуқуқий масала №14

1. Бир қанча штатлар орасида ёки чет давлатлар билан бўладиган савдони чеклаш мақсадида тузилган трест шаклидаги ҳар қандай шартнома, битим ёки шу мақсадда тузилган бошқа фитналар ушбу акт билан қонунсиз деб эълон қилинади. Шундай шартномаларни тузган, шундай битимлар ёки фитналарга киришган ҳар қандай шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилди... ва беш минг сўмдан ошиқ бўлмаган миқдорда жарима билан ёки бир йилгача бўлган қамоқ ёки суднинг фикрига кўра бир вақтда иккала жазо билан ҳам жазоланади.

Ушбу қонун қайси мамлакатда, қандай тарихий шароитларда қабул қилинган? Қандай қонунчиликнинг вужудга келишига сабаб бўлган? Унинг номи нима? Эълон қилинган даврда қайси уюшмаларга қарши қўлланилган?

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.116 – 119.
2. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2006. – С.75 – 359.
3. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.516 – 712.
4. Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Юрист, 2002. – С.374 – 420.
5. Супатаев М.А. Право в современной Африке. – М.: Наука, 1989. – С.175.
6. Современное право КНР. – М.: Наука, 1985. – С.206.
7. Цунэо И. Современное право Японии. – М.: Прогресс, 1981. – С.269.
8. Жидков О.А. История буржуазного права. – М.: МГУ, 1971. – С.157.
9. Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат / Масъул муҳаррир проф. А.Х.Саидов. – Тошкент, 2006. – 720 б.

Луғат

Борстал тузуми – дастлабки қамоқ жазосини ўтайдиган алоҳида тартибли қамоқхона.

Кодификация – қонунларни тўпламлаштириш. Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шакли.

Лендлорд – Англияда йирик ер эгалари бўлган наслий зодагонлар.

Субстиция – васиятномага кўра меросхўр тайинланган бўлсаю, меросни қабул қилишга киришмаган бўлса, қўшимча ворис тайинлаш.

Фелония – англ-сакс ҳуқуқида давлатга қарши қаратилган оғир жиноятлар.

13-МАВЗУ: ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА ҒАРБИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ: АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ

Режа

1. Англия давлати ва ҳуқуқи.
2. Франция давлати ва ҳуқуқи.
3. Германия давлати ва ҳуқуқи.
4. Италия давлати ва ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Жаҳоннинг сиёсий тузумидаги ўзгаришлар. Англиянинг жаҳон устахонаси мавқеини йўқотиши. Икки партияли тизим. Лейбористлар ва консерваторлар. Парламент. Министрлар кабинети. «Тред-юнионлар тўғрисида»ги акт. Парламент ислохотлари ҳақидаги актлар. Ҳуқуқдаги ўзгаришлар. Франция Биринчи жаҳон урушидан кейин. Сиёсий партиялар, фашистик ташкилотлар. Халқ fronti. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги референдум. Тўртинчи республика конституцияси. Пропорционал ва мажоритар сайловлар. Пол Рейно ислохоти. Масъул ҳукумат. Бешинчи республика. Германияда 1918 йил ноябрь инқилоби. Эберт ҳукумати. Бавария республикаси. Веймар республикаси. Фашистик диктатуранинг ўрнатилиши. Фашистик давлат ва ҳуқуқ. ГДР ва ГФР. Фавқулодда қонунчилик. Германиянинг қайта бирлашиши. Италия миллий давлатининг ташкил топиши. Фашистик диктатура. Корпоратив давлат. 1947 йилги конституция

Ҳуқуқ ва давлат тарихида энг янги тарих даврининг бошланиши 1914 – 1918 йилларда бўлиб ўтган Ғарбий Европадан Россияга ва Усманийлар империясига тарқалган Биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан боғлиқ. Бу уруш Осиё ва Африкада мустамлакалар халқлари тақдирига ҳам таъсир этди. Урушга жаҳоннинг 38 давлати тортилиб, унинг фронтларида 70 миллион

киши жанг қилди, улардан 10 миллиони ҳалок бўлиб, 20 миллиони ногиронга айланди. Бу урушнинг асосий жанг майдонлари Европа бўлди. Урушнинг бош сабаби империалистик давлатларнинг тақсимлаб бўлинган дунёни қайта бўлишга интилиши эди.

Биринчи жаҳон уруши тўртта мустамлакачилик империяси: Германия, Австрия-Венгрия, Россия ва Усмонийлар империялари ҳамда 20 та монархиянинг емирилишига олиб келди. Германиянинг ҳарбий ҳалокати туфайли у ўзининг барча мустамлакаларини, ҳудудининг саккиздан бир қисмини йўқотди. Россияда 1917 йил февралда инқилоб, октябрда давлат тўнтариши юз берди, у ўзининг илгариги мустамлакалари: Финляндия, Эстония, Литва ва Латвиянинг мустақиллигини тан олди.

Гарчи Биринчи жаҳон урушидан кейинги ўн йиллик нисбатан турғун ривожланиш даври бўлса-да, 1929 – 1932 йиллардаги иқтисодий инқироз бу ютуқларни барбод этди. Саноати ривожланган мамлакатларда ишсизлик бутун меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 1/3, 1/4 қисмини ташкил қилди. Кейинчалик бу инқироз «Буюк депрессия» деган ном олди. 30-йиллар бошларида инқироз ҳолатидан чиқишнинг бир неча лойиҳалари ишлаб чиқилди. Жумладан, Германия, Италия, Испания ва Португалияда тоталитар тенденцияли авторитар тузумлар қарор топди. АҚШ ва Канадада, Буюк Британияда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини назарда тутадиган ислохотлар ўтказилди. Скандинавия мамлакатлари социал ислохотларни кучайтириш йўлидан борди. Испания ва Франция эса жамоат уюшмалари – халқ фронтларини тузишда инқироздан чиқиш йўлини кўрдилар.

1. Англия давлати ва ҳуқуқи

Англия иккала жаҳон уруши даврида. Биринчи жаҳон уруши натижасида Англия АҚШдан қарздор давлатга айланди, саноат ишлаб чиқариши жиҳатдан Европадаги йирик мамлакатлардан анча орқага сурилиб қолди. XX асрнинг 20-йилларида Англияда ҳам ишчи ҳаракатларининг оммавий равишда ўсиши юз берди. 1926 йили ялпи стачка бўлиб, унда саноатнинг турли тармоқларидаги 5,5 миллион ишчи қатнашди. 1920 йили «Ҳукумат-

нинг фавкулдда ваколати тўғрисида» акт чиқиб, иш ташлашлар бўлган жойларда ҳукумат фавкулдда ҳолат жорий қилиши мумкинлиги ўрнатилди. Мазкур даврда Англияда турли социалистик гуруҳлар ва ташкилотлар бўлган. Британия социалистик ишчи партияси, ишчиларнинг социалистик федерацияси, Уэлс социалистик жамияти ва ҳ.к. Кейинчалик уларнинг ҳаммаси биргаликда компартияга уюшди. 1920 йил 31 июль ва 1 август кунлари Британиядаги бутун социалистик ташкилотларнинг съезди чақирилиб, коммунистик партия тузилганлиги эълон қилинди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Англия парламенти ишчиларнинг иш ташлашларига қарши бир қанча қонунлар чиқарди. Булар асосида эса министрлар буйруқлар чиқардилар. Мана шундай буйруқлардан бири №1305 ҳисобланиб, унга биноан, ишчилар иш ташлашларидан олдин ҳукуматга ариза беришлари, ордан 21 кун ўтгач Меҳнат министрлиги аризани кўриб чиққачгина, иш ташлашлари мумкинлиги, акс ҳолда, қамоқ ёки жарима солиш билан жазоланишлари мумкинлиги тартиби ўрнатилди. Умуман олганда, иккала жаҳон уруши орасида ва ундан кейинги даврда ҳам Англия ижтимоий-сиёсий тузумининг ўзига хос томони шунда эдики, икки асосий партия: консерваторлар ва лейбористларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси алмашиб ҳокимият тепасига келди. Агар 1923, 1929, 1945 йилларда сайловларда лейбористлар ғалаба қозонган, лейбористик ҳукумат тузилган бўлса, 1911, 1918, 1928, 1948 ва бошқа сайловларда консерваторлар ғалаба қозониб, консерватив ҳукумат тузилган.

Бу ҳукуматлар даврида сайловлар тўғрисида қонунлар қабул қилинди, 1918 йили лейборист Ллойд Жорж ҳукумати «Аҳолининг ваколátчилиги тўғрисида» қонун деб номланувчи сайлов қонунини парламентдан ўтказди. Мазкур қонун билан графлик ва шаҳарларда сайлов ҳуқуқи бир шаклга келтирилди. Сайлов ҳуқуқи 21 ёшга тўлган ҳамма эркакларга, 6 ойлик ўтроқлик цензи талабига жавоб берган, бир йили 5 фунт стерлинг даромад келтирувчи қурилмаларга эга бўлган 30 ёшга тўлган аёлларга берилди. Сайлов округларини тақсимлашда 70 минг аҳолига 1 депутат сайлашга тўғри келди. Қонун мулкдорларга ўзи яшаб турган ва мулки турган жойда овоз бериш, яъни икки марта овоз

бериш ҳуқуқини тақдим этди. Университет округларида университетни тамомлаганларнинг ҳаммасига сайлов ҳуқуқи берилди.

1928 йили консерватив ҳукумат томонидан 1929 йилги сайловда кўп овоз олиш учун янги сайлов ислоҳоти ўтказилди. Аёллар эркаклар билан сайлов ҳуқуқида тенглаштирилди. Фақат ўтроқлик цензи қолдирилди. Бу Англия ва Шотландияда 3 ой, Шимолий Ирландия учун 6 ой қилиб белгиланди. Овоз бериш тенгсизлиги сақлаб қолинди, яъни икки овозга эга бўлиш бекор қилинмади.

1948 йили лейбористлар ҳукумати ҳам сайлов ислоҳоти ўтказди, мазкур ислоҳот сайлов округларини тақсимлашга ўзгартириш киритди. Ушбу қонуннинг характерли томони мулкдорлар ва университет округларида яшовчилар учун икки овозлиликни бекор қилишдан иборат бўлди. Англияда мана шу каби сайлов қонунлари қабул қилиниши сиёсий кураш майдонида меҳнаткашларнинг кураши ҳаракатининг кенгая бориши натижаси эди.

1923 йилги парламент сайловларида Лейбористлар партияси давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, дунёда тинчлик ўрнатиш, ишсизликни тугатиш каби талаблар билан чиқди. Бундай талаблар омма манфаатларига мос келарди. Шу сабабли сайловчиларнинг кўпчилиги лейбористларнинг вакиллари учун овоз бердилар, лейбористлар ҳукуматни ўз кўлига олгач бу талаблардан воз кечди. Улар қуролли кучларни кучайтиришга, давлат ва ижтимоий ҳаётни ҳарбийлаштиришга уринди. Оқибатда лейбористлар ҳукуматини кўпчилик қувватламади. Ҳокимият бошига яна Консерваторлар партияси келди, мазкур партия ошқор реакция йўлини тутиб, ишчилар сафларини заифлаштириш сиёсатини амалга оширди. Шу мақсадда 1927 йили консерваторлар ҳукумати парламент орқали «**Меҳнат низолари ва тред-юнионлар ҳақидаги акт**» деган қонунни чиқаришга муваффақ бўлишди. Бу қонун касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини чеклашга, ишчиларни корхона эгаларига бўйсундиришга қаратилди. Қонунда корхонанинг меҳнат шароити билан боғлиқ ва ҳукуматга мажбурий таъсир кўрсатувчи иш ташлашлар қонунга хилоф деб эълон қилинди, бунга сиёсий ва бирдамлик стачкалари киритилди. Мазкур актнинг 1-моддаси сиёсий ёки бирдамлик стач-

каларида иштирок этишни жиноят деб ҳисоблаб, бундай ҳаракатларга жинорий ёки моддий жавобгарлик белгиланди. Қонуннинг 7-моддаси судларга касаба уюшмалари ташкилотларининг маблағларни иш ташлашларга сарф этишни тақиқлаш ваколатини берди. Суднинг буйруғини бажармаганлар учун эса турли муддатларга қамоқ жазоси белгиланди. Мазкур акт, то лейбористлар ҳокимият бошига келгунча, давом этди. 1946 йилдагина у бекор қилинди.

Энг янги тарих даврига келиб Англияда монополияларга имтиёзли шароитлар яратиб берувчи қонунлар қабул қилина бошланди, фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик бошқа даврларга нисбатан кенгайди. 1936 йили турмушга чиққан хотинларнинг фуқаролик муомала лаёқатини белгиловчи қонун қабул қилинди. Бу прогрессив кайфиятдаги ташкилотларнинг мамлакатда хотин-қизларнинг тенгҳуқуқчилиги учун олиб борган кураши натижаси эди.

1929 ва 1948 йилларда компаниялар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Қонунга биноан, тузилган ҳамма компанияларнинг махсус рўйхатдан ўтиши расмийлаштирилди. Мулк ҳуқуқи институтида (айниқса, ер мулк эгалигида) эски тартиблар қисман сақланиб қолди.

1929 йили Британияда қайтадан парламент сайловлари бўлиб, унда лейбористлар партияси баъзи давлатлар билан дипломатик муносабатларни тиклаш, ишсизликни тугатиш ва 1927 йилги актни бекор қилиш тўғрисида ваъдалар берди. Натижада улар сайловда ғолиб чиқиб, Англия тарихида 2-лейбористик ҳукумат тузилди. Лекин лейбористлар ваъдаларидан фақат биттасини бажардилар. 1929 йил 3 октябрда Лондонда Британиянинг лейбористик ҳукумати билан Иттифоқ кенгаши вакиллари ўртасида музокалар бўлиб, унда СССР билан Буюк Британия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида протокол имзоланди. Демократик ўзгаришлар ҳақидаги қолган ваъдалар бажарилмади. Шу туфайли лейбористик ҳукумат ўз обрўсини йўқотди. 1931 йил 24 августда Британияда коалицион ҳукумат тузилди. Унинг таркибига лейбористлар, либераллар ва консерваторлар вакиллари кирди. Мазкур ҳукумат ўзини мил-

лий ҳукумат деб номлади, амалда реакцион сиёсат олиб борди.

Бу даврда ҳам Англия конституциявий ривожланиш жиҳатидан мураккаб давлатлардан бўлиб қолаверди. Унинг ёзилмаган конституциясининг тарихий қисмига кейинги юз йилликлар ичида парламент қонунлари билан ўзгаришлар, қўшимчалар киритилган: 1215 йилги «Эркинликнинг буюк хартияси», 1628 йилги «Ҳуқуқлар ҳақида»ги петиция, 1689 йилги «Ҳуқуқлар ҳақида»ги билл, 1701 йилги «Тахт ворислиги ҳақида»ги қонун ташкил қилади. Уларга киритилган тузатишлар сифатида 1911 ва 1949 йиллардаги парламент ҳақидаги актларни кўрсатиш мумкин. Уларга биноан, лордлар палатаси молиявий ва бошқа қонунларни тасдиқлашни кечиктирганда, жамоа палатасининг тасдиғидан такроран ўтган қонун кучга кирган ҳисобланган.

Бундан ташқари, 1920, 1964 йилларда фавқулодда ваколатлар ҳақидаги актлар, 1963 йилги «Пэрлар ҳақида»ги, 1978 йилги «Жамоа палатаси ҳақида»ги, 1983 йилги «Халқ вакиллиги ҳақида»ги, 1983 йилги «Британия фуқаролиги ҳақида»ги, 1986 йилги «Ирқий муносабатлар ҳақида»ги ҳамда 1990 йилги «Эркаклар ва аёлларнинг тенгҳуқуқчилиги ҳақида»ги актлар энг янги давр конституциявий қонунларидир.¹

1996 йили лейбористик партия ҳукумат бошига келиши билан, конституция ишлаб чиқиш ҳақида мунозаралар бошланди. 1999 йили деярли 800 йил ҳукм суриб келган тартиб – лордларнинг Вестминстрдаги ўз ўринларини мерос йўли билан олишлари бекор қилинди.² Бу эса палатанинг кўпчилигини ташкил қилган 759 граф, герцог ва баронларни лордлар палатаси аъзолиги ҳуқуқидан, бюджет масалалари бўйича кўпгина ҳуқуқларидан маҳрум этди.

Делегияли қонунчилик. 1931 йилги сайловлардан кейин ҳукумат тепасига келган консерваторлар ҳукумати даврида Англияда реакция кучайиб, парламент ўзининг олий қонун чиқариш

¹ Ушбу қонунлар матнини қаранг: Конституции мира. Т.1. – Тошкент: Академия, 1997. – С.340 – 360.

² Графский. Кўрсатилган асар. – С.623.

органи мавқеини йўқота бошлади. Яъни бу даврда парламент томонидан чиқарилган қонунлар, статут ҳуқуқи билан бирга ҳукумат ва турли министрлар томонидан қарорлар чиқариш йўли билан амалдаги қонунларни ўзгартириш, янги нормалар белгилаш, яъни делегияли (ваколатланган) қонунчилик вужудга келди.

Англияда делегияли қонунчилик парламентнинг доим қонун лойиҳаларини муҳокама қилиши билан бандлиги натижасидагина эмас, балки ҳукуматнинг қонун кучига эга актлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлганлиги натижасида вужудга келди. 1926 йили парламент 43 қонун қабул қилган бўлса, шундан 26 таси тегишли министрларга қонун кучига эга актлар чиқариш ҳуқуқини берувчи моддаларни ҳам ўз ичига олди.

Хукмрон доиралар делегияли қонунчиликдан манфаатдор эдилар. Биринчидан, давлат органлари, мамлакатда зиддият кучайиб кетганда, халқ оммаси қаршилигини бостириш учун ўзбошимчалик ва зўрликка дарҳол юридик санкция олади. Иккинчидан, айрим актларни муҳокама қилиш депутатларда ноўнғай фикрларни, жамоатчиликда эса исталмаган резонанс туғдиради. Учинчидан, бундай актларнинг кўп қисми матбуотда эълон қилинмайди ҳамда фуқароларга маълум бўлмайди. 1919 – 1921 йилларда Россиядаги октябрь тўнтариши таъсирида кураш кучайиб кетган вақтда, ҳукумат ҳар йили 2000 га яқин ана шундай актлар қабул қилди. Парламент ҳукумат органларига илгари жамоа палатасининг қатъий ҳуқуқи бўлган масалалар бўйича ҳам актлар чиқаришни «ишониб» топширади. 1931 йили хазинада пул айланишини белгилаш, 1932 йили солиқ масалалари бўйича актлар белгилаш ҳуқуқи берилди. Натижада 1936 – 1937 йилларда парламент 70 та қонун қабул қилган бўлса, министрлар кабинети 1000 дан ортиқ қарорлар чиқарди.

Ташқи сиёсат соҳасида Британия ҳукумати СССРга қарши уруш очувчилар билан тил бириктириш йўлини тутди, бундай йўл янги уруш тайёрлаётган фашистик Германиянинг эркин ҳаракатланишига имкон туғдирди ва у Европанинг бир қанча мамлакатларини босиб олди.

Фашистик Германиянинг асл мақсади (Европани тўла эгал-

лаш) ошкор бўлгач, 1939 йил 3 сентябрда Англия Германияга қарши уруш бошлади. Британия Иккинчи жаҳон урушидан иқтисодий вайроналикка учраган ҳолда чиқди. 1945 йили фашизмнинг емирилиши натижасида, Англияда прогрессив кучларнинг таъсири ўсди.

Лейбористик партия мамлакатда демократик ўзгаришлар қилиш, тинчлик учун курашиш дастурини илгари сурди. Шунинг учун 1945 йили парламент сайловларида лейбористлар ғолиб чиқиб, Англия тарихида 3-лейбористик ҳукумат тузилди. Лейбористик ҳукумат мамлакатда ислохотлар ўтказиш мақсадида бир қанча соҳаларни миллийлаштирди. 1945 йил 19 декабрда Англия банки, 1946 йил 12 июнда кўмир саноати, 6 ноябрда ташқи давлатлар билан алоқалар қилувчи телеграф, 1947 йил 13 августда электр энергияси саноати ва транспорт, 1948 йил 15 ноябрда қора металлургия саноати миллийлаштирилди. Давлат миллийлаштирилган корхоналар учун кўплаб компенсация (ҳақ) тўлади. Лекин уларни бошқариш эгаларнинг қўлида қолаверди. Натижада миллийлаштириш ҳам, лейбористлар ҳукумати ҳам зарбага учради. 1951 йилга келиб ҳокимият яна консерваторлар қўлига ўтди. Бу ҳукумат 1952 – 1953 йилларда ҳамма миллийлаштирилган корхоналарни ўз эгаларига қайтариб берди.

1952 йили Буюк Британия компартияси ўзининг янги дастурини қабул қилди ҳамда уни социализмга ўтиш деб номлади. Дастурга кўра, халқ вакиллари парламентда кўпчилик ўринни эгаллаши керак, шу йўл билан жамиятни социалистик асосларда ўзгартириш ҳақида қонунлар чиқариш лозим дейилади. Дастур талабларига кўра, халқ ҳукумати қуйидаги вазифаларни амалга оширади: 1) монополистлар ва капиталистлар ҳокимиятини емириш; 2) халқ хўжалигини режа асосида олиб бориш; 3) империя халқлари билан тенг ҳуқуқли иттифоққа бирлашиш. Дастурнинг 4-қисмида халқ ҳукумати миллийлаштириш сиёсатини амалга ошириши кераклиги кўрсатилган.

Парламент ва Министрлар кабинети. Урушдан кейинги даврда Британияда турли бюрократик давлат аппарати ва қуролли кучлар кўпайди, 1951 йили полиция таркиби 72 минг бўлиб, унинг яширин, сиёсий полиция деган турлари пайдо бўлди. Британия-

нинг давлат аппарати марказий ва маҳаллий органларга бўлинган, парламент кабинет, қирол марказий органларни ташкил этади. Сиёсий доиралар ўз манфаатлари йўлида ўрта асрлардан қолган монархия ва лордлар палатасини сақлаб қолдилар. Парламент эскича юқори ва қуйи палаталардан – лордлар ва жамоа палаталаридан иборат эди. Қонунлар қуйи палатада муҳокама қилинган лордлар палатасида кўрилади. Лордлар палатаси йирик мулкдорлардан иборат бўлиб, кўпчилиги наслий лордлардан иборат, палата чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган, 1911 йили Англияда «**Парламент ҳақида**»ги акт қабул қилинди. Унга кўра, жамоа палатасида 2 марта қабул қилинган қонунлар лордлар палатасига юборилмай, бевосита қирол тасдиғига киритилди. Лордлар палатаси Англиянинг олий апелляция суди ҳам ҳисобланган. Ижро этувчи ҳокимият Министрлар кабинети кўлида бўлиб, унинг тепасида бош министр турган, жамоа палатасида қайси сиёсий партия кўп ўринни эгалласа, шу партиядан бош министр тайинланган. Кабинетнинг бошқа аъзолари бош министрнинг тавсияси билан қирол томонидан тайинланган.

Иккала жаҳон уруши ўртасида Британиянинг министрлар кабинети унинг сиёсий тизимининг узил-кесил марказий бўғинига айланди. 1937 йилги «Қирол министрлари ҳақида»ги актга мувофиқ, юқори мансабдорларнинг маоши белгиланиб, биринчи марта Англияда бош министр ва унинг оппоненти – **оппозиция лидери** борлиги тан олинди. Оппозиция лидери бош министр ва бошқа министрлар каби давлат хазинасидан маош олиши тартиби белгиланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Британиянинг давлат машинасида министрлар кабинетининг олийлиги таъминланиб, «кабинет бошқаруви» тизимининг ўрнини «бош министр бошқаруви» олди. Чунки у кабинет билан маслаҳатлашмасдан муҳим масалаларни ҳал қила бошлади.

Консерватив партия ва унинг раҳбари М.Тэтчернинг бошқаруви йилларида бош министрнинг кўлида давлат ҳокимиятининг марказлашуви давом этиб, партия ва давлатда «президентиалистик» раҳбарлик услуби ўрнатилди. Ана шу тарзда Британияда XVIII – XIX асрлардаги конституционализмнинг асосий прин-

циплари, энг аввало, «парламентнинг олийлиги» ва «ҳукуматнинг парламент олдидаги масъуллиги» бузилиб, аҳамияти пасая борди.

Бош министр кабинет мажлисларига раислик, ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади ва унинг сиёсатини белгилайди. Кабинетда сиёсатнинг турли соҳаларини бошқарувчи комитетлар бор, уларнинг ҳаммасига бош министр раислик қилган. Бундай комитетларга Мудофаа комитети, Иқтисодий сиёсат комитети, Ишлаб чиқариш масалалари бўйича комитет, қолаверса, Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комитети ҳам бўлиб, бу комитет қонун лойиҳаларини тайёрлаб, парламент муҳокамасига қўйган.

Армия ҳукуматнинг асосий таянчидир, 1955 йилги «Армия ва ҳарбий ҳаво кучлари тўғрисида»ги актга кўра, қуролли кучлар контингентини белгилаш ҳуқуқи кабинетга топширилган. Давлат бошлиғи монарх – қирол ҳисобланиб, унинг вазифаси парламент қонунларини тасдиқлашдир. У уруш вақтида кабинетнинг ва комитет ҳамда барча ҳарбий идораларнинг ишларига аралашиб ҳуқуқига эга.

1920 йили «Фавқулодда ваколатлар тўғрисида»ги акт чикди, унга кўра, ҳукуматга қирол номидан фавқулодда ҳолат эълон қилиш ҳуқуқи берилди. Бундай фармон, «шахслар ёки бир гуруҳ шахслар томонидан бевосита таҳдид» мавжуд бўлган ҳоллардагина, қабул қилиниши мумкин бўлди. Қонун, аслида, ишчи ҳаракатларига қарши қаратилганди. 1964 йили ушбу қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниб, ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда ҳам ҳукуматга истисноли ваколат берилиши мумкин бўлди.

Маҳаллий бошқарув органлари 1888 – 1948 йиллардаги ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги қонунлар билан белгиланган. Унга кўра, маҳаллий органлар, маориф, қурилиш, полиция хизматларини таъминлаш, йиғимлар йиғиш ишлари билан шуғулланган. Буюк Британияда 62 графлик бўлиб, улар қишлоқ округларига бўлинган. Округлар эса қавм ва шаҳарларга бўлинади. Маҳаллий ўрамларнинг ҳаммаси аҳоли томонидан сайлаб қўйилган кенгашлар орқали бошқарилади.

1919 – 1923 йиллардаги Ирландия инқилобидан сўнг уни бошқариш, 1920 йилги актга кўра, Лондондаги провинцияларни

бошқаришнинг марказий бошқаруви ҳамда маҳаллий автономия – парламент ва кабинет томонидан амалга оширилган.

Буюк Британия империяси, миллий-озодлик ҳаракатининг ўсиши билан, тобора заифлашиб борди.

Мустамлакаларни қўлда сақлаш учун Британия ҳукумати етарли чораларни кўрди. 1926 йили I империя конференцияси чақирилиб, бунда доминионларга бошқа давлатлар билан алоқа қилиш, ички сиёсатни амалга ошириш бўйича бир қанча эркинликлар берилди. 1930 йили II империя конференцияси чақирилиб, генерал-губернаторларни тайинлаш, ташқи сиёсат соҳасида кенгашлар ўтказиш каби масалалар кўрилди. Мазкур конференция натижаси сифатида конференция қарорларини амалга ошириш ҳақидаги қонун, Вестминстр уложенияси қабул қилинди. 1931 йил 11 декабрда Британия парламенти томонидан мазкур статут тасдиқланди. Унга кўра, доминионларда қонун чиқариш ҳуқуқи ўзларининг парламентиغا берилди.

Британия қонунлари эса фақат уларнинг розилиги билан қўлланидиган бўлди. Уложениянинг қабул қилиниши Буюк Британия мустамлака империяси емирилишининг бошланиши эди десак бўлади. Аммо бу давлатлар тенг бўлмаган шартномага тортилган. Улар 50 дан ошиқ бўлиб, Британия давлат ҳамдўстлигига бирлашган. Унинг бошлиғи Англия қироличаси ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Англия давлат ҳаётидаги характерли ҳодисалардан бири монополистларнинг давлат аппаратиغا суқилиб киришидир. Черчилнинг 33 министридан 19 таси 75 та монополиянинг директори эди. Ташқи ишлар министри Иден Вестминстр банки ҳамда суғурта компанияси директори, бош министр Чемберлен металлургия компанияси директори эди ва ҳ.к.

1979 йил 3 майдаги парламентнинг қўйи – жамоа палатасига бўлиб ўтган сайловларда сайловолди кампаниясида консерваторлар ва либераллар партияларидан ташқари профашистик Миллий фронт партияси, Атроф-муҳитни ҳимоя қилувчилар партияси каби ўнлаб партиялар қатнашган бўлса-да, амалда Англия икки партияли давлат эканлиги очик намоён бўлди. Сайловларда 635 депутатлик ўрнига 2,5 минг номзод кўрсатилди.

Бунда «Касаба уюшмалари ҳаракатларини қирқиш», «Қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш», «Хусусий соҳибкорликка озодлик», «Қурулланиш учун ҳаражатларни ошириш», «Британиянинг НАТОдаги ҳиссасини ошириш» шиорлари билан қатнашган консерваторлар 339 депутатлик мандатини олиб ғолиб чиқди. Лейбористлар 268, либераллар 11, бошқа партиялар 17 ўринни олдилар. Аммо 1,5 миллиондан иборат ишсизлик масаласи, Шимолий Ирландия муаммоси тўғрисида сайловолди кампанияларида ҳеч нарса дейилмади. Ольстерда 30 минг солдат сайловнинг ўтказилишини қўриқлаб турди. 1997 йили консерваторларнинг ўн саккиз йиллик бошқарувидан кейин ҳукумат яна парламент сайловларида ғалаба қозонган лейбористлардан тузилди.

Суд тизими. Икки жаҳон уруши давридаёқ Англияда судни ислоҳ қилишга, жумладан, 1933 йили айбловчи «катта ҳакам»ни бекор қилиш, суд тизимини ягоналаштиришга уриниб кўрилганди. 70 – 90-йилларда суд тузилиши қасамхўрлар суди тўғрисида, магистратлар суди, графликлар суди, Олий суд, полиция ҳақида, жиноят ишлари бўйича исбот-далиллар ҳақида, давлат айблови ҳақида қатор қонунлар қабул қилинди.

1971 йилги суд тўғрисидаги қонун ассизлар судини тугатиб, унинг функциясини қиролнинг жиноят ишлари бўйича судига, қисман юқори судга берди. Англияда олий судлар тизими Олий суд, юқори суд (фуқаролик ишлари бўйича), қирол суди, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича апелляция суд (фуқаролик ва жиноят бўлими)лардан иборат бўлди, уларнинг тузилиши ва ваколати 1981 йилги «Олий суд тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинган. Илгаригидек алоҳида ўринни яширин кенгашнинг комитети ва лордлар палатаси эгаллади. Лордлар палатаси ўзининг суд таркибида лорд-канцлер ва иккита лорд-юристардан иборат бўлиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий апелляциявий инстанция эди. Яширин кенгашнинг суд комитети «денгизорти» ўрамлари учун апелляциявий инстанция ҳисобланган. Англиянинг барча суд тизими ташкилий жиҳатдан лорд-канцлерга тааллуқли бўлиб, у жойларда олий судларнинг ишини ташкил қилган. Шу мақсадда Англия ўрами 6 суд округига бўлинган. Суд

округларидаги судлар ўзларини округ судлари деб ҳам юритадилар.

Британия судлари умрбодга тайинланган судлардан иборат, уларни лордлар палатаси раиси – лорд-канцлер тайинлайди. 1925 йили «Британия Олий суди тўғрисида» акт чиқиб, ягона Олий суд ташкил қилинди. Қуйи суд органи келиштирувчи судья бўлиб, йирик шаҳарларда магистрат судлари тузилган. 2-инстанция суди графликлардаги келиштирувчи судларнинг съездлари ҳисобланади.

Шотландия аввалгидек ўзига хос суд тизимини сақлаб келмоқда. Қуйи судлар графликларнинг суди ва магистратларнинг судига бўлинган, суд ишларининг 90 фоизи графликлар судида кўрилган. 1990 йили яна судлар ҳақида ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ҳақида қонунлар қабул қилинди. 1993 йили эса маҳаллий бошқарув органлари, шаҳар ва графликлардаги кенгашлар, уларни ташкил қилиш, аппарат таркиби, маъмурий ва молиявий ваколатлари белгиланди. Жойлардаги маҳаллий бошқарув устидан назоратни Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш министрлиги олиб боради.

Фавқулодда ваколатлар ҳақидаги 1920 йил ноябрь қонунидан

Бир гуруҳ шахслар кўлами бўйича сув, ёнилғи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ёки тақсимлашга, транспорт ишларини бузадиган жамият аъзолари ёки уларнинг маълум бир қисмини биринчи зарурат буюмлардан маҳрум этиш мақсадида бирор хавфли ҳаракатлар содир этилиши билан хавф солаётган ҳар қандай вақтда, олий ҳазратлари хоҳлаган вақтларида фавқулодда ҳолат мавжудлиги тўғрисида фармон қабул қилиши мумкин. Бундай фармон шу давр тамом бўлиши ёки ўтиб кетишига, янги фармон чиқаришга зарар етказмаган ҳолда бир ойдан ошиқ бўлмаган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

Ушбу даврда Англияда айнан шундай бир неча қонунлар қабул қилинган, уларни топиб қиёсий ўрганиш ва қабул қилинган даврлар мазмунини таҳлил қилинг.

2. Франция давлати ва ҳуқуқи

Франция иккала жаҳон уруши орасида. Франция республикасининг XX асрдаги сиёсий ривожланишининг ўзига хос томони ўнг ва сўл кучлар, партия ва гуруҳлар ўртасидаги курашдан иборат бўлди. Бу шиддатли курашлар оқибатида Франциянинг сиёсий тузумидагина эмас, давлат тузилишида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Айниқса, кўп партияли тизим сайлов ислоҳоти ўтказишни талаб этарди.

1919 йилги қонун демократик сайлов тизимини (пропорционал) тиклади. Аммо 1927 йили яна реакцион кучлар мажоритар тизимни тикладилар. Бу йилги сайлов қонунига кўра, денгизорти департаментлари юзлаб сайлов округларига бўлинган, ҳар бирдан бир депутат сайланарди. Сайловлар икки турда ўтказилиб, биринчи турда сайланиш учун сайловчилар овозининг мутлақ кўпчилигини олиш лозим эди. Агар бирор-бир партия номзоди ана шундай кўпчилик овозни ололмаса, иккинчи турда нисбий кўпчиликни олган партия вакили сайланган ҳисобланарди.

Янги қонун кўпроқ сайловларда ўнг партия вакилларининг ғалабага эришишини таъминларди. Чунки улар овозларини бирлаштириб умумий номзод кўрсатардилар.

Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳам Франциянинг ижтимоий-сиёсий ёки давлат тузуми 1875 йилги қонунлар билан белгиланарди. XX аср бошларида ҳукумат ва унинг бошлиғи мавқеи кучайиши, парламент ролининг пасайиши, бюрократик ва полиция аппаратининг ўсиши каби ҳодисалар унга ҳам кириб келди.

Учинчи республика ҳукумати ижро ҳокимиятининг муҳим воситаларини ўз қўлида тўплаб олди, натижада президентнинг ваколати пасая борди. Айниқса, Министрлар кенгашининг роли оша борди. Шу билан бирга, тез-тез ҳукумат инқирозлари (ҳар олти ойда бир) бўлиб турса-да, ҳукуматнинг мавқеи катта эди. Учинчи республика «мажлислар тузуми» ёки «мутлақ парламентаризм» деб аталди, унинг даврида ҳукумат 45 марта истеъфога чиққан, ўрта ҳисобда ҳукумат фаолияти олти ойдан иборат бўлган.

Қонуности актлари характерида бўлган ҳукумат декретлари,

янги қонун кучига эга актлар чиқарила бошлади. Қолаверса, парламент вақти-вақти билан ҳукуматга фавқуллодда ҳуқуқ – «декрет қонунлар» шаклидаги қонунчилик билан шуғулланишга руҳсат берди. Натижада 1918, 1921, 1934, 1938, 1939 йиллардаги қонун декретлар чиқарилди.

Парламент ролининг пасайиши, айниқса, унинг қўйи палата-сида яққол кўзга ташланиб, масалалар кўпроқ парламент комиссияларида кўрила бошлади. Депутатлар палатасининг фракциялар, гуруҳлар ва партияларнинг кўпчилигидан иш фаолияти ниҳоятда қийинлашганди. Аммо «масъул ҳукумат» принципи сақланиб қолди.

1930 йиллар бошларида Францияда ҳам фашистик ташкилотлар пайдо бўлди: «Ўтли крестлар», «Аксон франсез» ва ҳ.к. 1934 йилги фашистик исён фақат антифашистик кучларнинг фаоллиги туфайли мақсадига эришолмади.

Антифашистик кучлар: коммунистлар, социалистлар, радикаллар ва қирқдан ортиқ бошқа демократик кучлар мамлакат ҳаётидаги салбий ўзгаришларга қарши курашиш учун ягона антифашистик фронт – халқ фронтига бирлашди. 1936 йили унинг дастури қабул қилинди. Бунда Европада умумий хавфсизликни вужудга келтириш, фашистик ташкилотларни тарқатиш ва қуролсизлантириш, репрессив қонунларни бекор қилиш кабилар назарда тутилганди. 1936 йилги сайловларда халқ фронти ғалаба қилиб, социалистлар ва радикаллардан иборат ҳукумат тузилди. Халқ фронти дастуридаги талабларнинг бир қисми 1937 йили бажарилди. Қирқ соатлик иш ҳафтаси жорий этилди, ишчиларнинг иш ҳақи оширилди, француз банки ислоҳ қилинди, фавқуллодда декретлар қабул қилинди. Ҳарбий саноат миллийлаштирилди. Фашистик ташкилотларга ҳарбийлаштирилган гуруҳларни тарқатиш ҳақидаги қонун ёйилди. Халқ фронти Франция ўнг партияларининг яккахукмронликка асосланган тузум ўрнатишга бўлган интилишларининг олдини олишга интилди. 1938 йили ҳукумат бошига келган ўнг радикаллар халқ фронти билан алоқасини узди.

1940 йил ёзида Франциянинг фашистик Германиядан енгилиши натижасида, учинчи республика емирилди. 1938 йилиёқ

халқ fronti ҳукуматининг ижобий декретлари барчаси йўққа чиқарилганди. Франция немис босқинчилари томонидан бошқариладиган бўлди. Франциянинг жанубида расман немислар томонидан оккупация қилинмаган қисмида генерал Петеннинг (1940 – 1944) фашистик тузуми, Германия тарафдори бўлган ҳукумат мавжуд бўлиб турди. Мазкур ҳукумат Виши (шаҳарнинг номидан) тузуми, Виши ҳукумати деган ном олди. Петен давлат бошлиғи мансабини тугатиб, уни ўз қўлига олди. Мазкур ҳукумат ҳарбий-авторитар тузумга асосланганди. 1942 йили немислар Жанубий Францияни ҳам босиб олиши билан, унинг ваколати янада қисқарди.

Немис босқинчиларига қарши курашиш учун иккита ташкилот вужудга келди: барча антифашистик кучларни бирлаштирган «Қаршилиқ кўрсатиш миллий кенгаши» ва генерал Шарль де Голл раҳбарлик қилган «Курашаётган Франция» ташкилоти. 1943 йили иккала ташкилот бирлашиб, ягона «Франция миллий-озодлик комитети» тузилди. 1944 йили эса у Франция республикасининг муваққат ҳукумати деб эълон қилинди. Бу комитет 1944 – 1946 йилларда Франциянинг озод бўлган ерларини бошқариб турди.

Миллий комитет бир қанча демократик тадбирларни амалга оширди. Жумладан, йирик банклар ва оғир саноат миллийлаштирилди, социал таъминот тизими ислоҳ этилди. Босқинчилар билан ҳамроҳлик қилганлар давлат идораларидан бўшатилади. Қаршилиқ кўрсатишда қатнашган кучлар давлат аппаратиغا жалб қилинди.

Тўртинчи республика ва унинг конституцияси. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Франция ижтимоий-сиёсий ҳаётининг бош масаласи унинг давлат тузилиши масаласи бўлиб қолди. Ўнг партиялар парламентнинг ролини кучайтириш, ҳукуматнинг масъулиятини ошириш талаби билан чиқдилар. Консерватив ва радикал партиялар учинчи республика қонунларига қайтишни талаб қилдилар. Мана шундай шароитда Халқ республикаси ҳаракати ва Қаршилиқ кўрсатишнинг демократик ҳамда социалистик иттифоқи партиялари ўзига хос қарши кучлар билан майдонга чиқди. 1946 йили Францияда давлат тузумига оид референдум (умумхалқ сўрови) ўтказилиб, унда икки асосий масала қўйилди:

1. Франция учун янги конституция керакми ёки учинчи республика конституциявий қонунлари ўз кучида қолсинми?

2. Таъсис мажлиси тасдиқлаган конституция кучга кирган ҳисобланадими ёки уни референдум йўли билан тасдиқлаш лозимми?

Франция халқи янги конституция ва уни референдум йўли билан тасдиқлашга овоз берди. Шундан кейин ишлаб чиқишда коммунистлар фаол иштирок этган лойиҳа референдумга қўйилди, аммо у тасдиқдан ўтмади. 1946 йил октябрида ишлаб чиқилган лойиҳа келишув характериға эға бўлиб, референдумда тасдиқдан ўтди. У демократик жамият ва давлатнинг асосий қоидаларини ўзида жамлаб, Франция озод бўлгандан кейинги даврдаги сиёсий кучларнинг ўзаро курашини ифода этди.

Конституция эркаклар билан хотин-қизларнинг тенглиги, қарам мамлакат ва халқларнинг тенгҳуқуқчилигини, меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари, меҳнат қилиш, дам олиш, социал таъминот, касаба уюшмаларига бирлашиш, иш ташлаш ўтказиш каби ҳуқуқлари эълон қилинди. Давлат бошқаруви бўйича Франция **парламентар республика** эди. Парламентнинг қуйи палатаси – **Миллий мажлис** мамлакатнинг ягона қонунчилик идораси бўлиб, у қонунчилик ваколатини ҳеч кимга бериши мумкин эмас. Молиявий қонунларни қабул қилиш, халқаро шартномаларни тасдиқлаш, уруш эълон қилиш фақат Миллий мажлисға тааллуқчилиги мустаҳкамлаб қўйилди. Миллий мажлис умумий, тенг, тўғридан-тўғри ҳамда яширин овоз бериш орқали вужудға келтирилади. Сайловларнинг асосий қоидаси пропорционал вакиллик, юқори палата – **Республика кенгашининг** фракцияси маслаҳат характериға эға бўлиб, Миллий мажлис учун уни бажариш шарт эмасди. Республика кенгашининг депутатлик корпуси коммуналарда ўтказиладиган эгри сайловлар йўли билан вужудға келтирилади. Бир қисм депутатларни Миллий мажлис тайинлайди.

Давлат бошлиғи республика президенти бўлиб, парламент палаталарининг қўшма мажлисида етти йил муддатға сайланади. У илгариги парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш, олий мансабдорларни тайинлаш каби ҳуқуқлардан маҳрум этилди.

Конституцияга кўра, ижро ҳокимият раис бошчилигидаги **Министрлар кенгашига** топширилди. Унинг фаолияти Миллий мажлис назорати остига қўйилди. Аммо мамлакатни бошқариш ана шу кенгашга юкланди. Миллий мажлис вотум – ишонч билдиргач, президент ўз декретлари билан Министрлар кенгашининг раиси ва министрларини тайинлаган. Муҳим қонун лойиҳалари парламентдан ўтмаса, ҳукумат истеъфога чиқишга мажбур бўлган.

Эски суд тизими ва маҳаллий бошқарув сақлаб қолинди. Судлар устидан раҳбарлик қилиш учун магистратуранинг Олий кенгаши тузилиб, унинг бошлиғи президент бўлди. Шундай қилиб, 1946 йилги конституцияга кўра, классик парламентаризмга асосланган сиёсий тизим вужудга келтирилди.

40 – 50-йилларда тўртинчи республика давлат тузуми инқирози етила бошлади. Мамлакатда кучли президентлик ҳокимиятини ўрнатиш тарафдорлари кўпайди. 1947 йили генерал Шарль де Голлнинг партияси – Франция халқ бирлашмаси партияси вужудга келиб оммалашди. 1948 – 1951 йилларда учта партия коалицияси емирилиб, мажоритар сайлов тизими тикланди.

1954 йили конституциявий ислоҳот ўтказилиб, бош министрға Миллий мажлисни тарқатиб юбориш бўйича қўшимча ваколат берилди. Республика кенгашининг ваколатлари кенгайтирилиб, у қонунчилик ваколатига эга бўлди. Президентнинг таъсири ва роли ошиб борди. Ниҳоят, тўртинчи республика конституцияси инқирозга учраб, ўзи ҳам емирилди.

Францияда бешинчи республика ва унинг конституцияси. 1958 йили Жазоирда ҳарбий исён ҳолатида парламент генерал Шарль де Голлни ҳокимият бошига чиқариб, унинг ҳукуматини фавқулудда ваколатлар билан таъминлади. Ҳукумат тезлик билан конституция лойиҳасини тайёрлади. 1958 йилнинг сентябрида у референдумда тасдиқланди ва шу йилнинг октябрида кучга киритилди.

Бешинчи республика конституциясини муаллифлар генерал Шарль де Голл ўлчамлари асосида ишлаб чиққандилар, унга асос сифатида ижро ҳокимиятининг сиёсий партияларнинг найрангларидан холи бўлишини таъминлаш, ҳокимият ваколатлари ўртасидаги мувозанатни вужудга келтириш вазифалари қўйилди.

Конституция президент – ҳукумат – парламент тартибида тuzилганди. Сиёсий тизимнинг марказий бўғини президент эди. У барча давлат идоралари бир текисда ишлашида «олий ҳакам» ҳолатида бўлиб, ҳеч кимнинг олдида ҳисобдор эмас, унинг фаолияти назорат қилинмайди. У жуда кенг ҳуқуқлар билан таъминланган. Жумладан, ҳукумат бошлиғини, унинг тавсияси билан эса бошқа министрларни ҳам тайинлайди. Уларнинг истеъфосини қабул қилади. Ҳукумат мажлиси, Олий кенгаш, Миллий мудофаа комитети, Олий магистратура кенгашига раислик қилади. Министрлар кенгашида муҳокама қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга қўл қўяди.

Қолаверса, у қонунларни тасдиқлайди ва эълон қилади, парламентдан қонуннинг бир қисмини ёки уни тўлалилигича муҳокама қилишни талаб этади. Парламент томонидан қабул қилинган қонунларнинг конституциявийлигини рад этиб, уни Конституциявий кенгашга беради. Айрим қонунларни умумхалқ муҳокамасига қўяди, парламентга юбормалар орқали мурожаат этади. Ўн иккинчи моддага кўра, парламентнинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Ташқи сиёсатда эса Франциянинг вакили сифатида қатнашади.

1958 йилги конституция президентнинг парламент томонидан сайланиши тартибини рад қилди. Энди у сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Кейинчалик тўғри сайловлар йўли билан сайловчилар томонидан сайланадиган бўлди.

Президентдан кейинги ўринда ҳукумат туради, 20-моддада унинг ҳуқуқлари ва у ҳақдаги принциплар ҳақида гапирилди. Умуммаъмурий идоралар ва қуроли кучлар устидан фармойиш бериш ваколатига эга.

Бош министр ҳукумат фаолиятига раҳбарлик қилади, мамлакат мудофааси учун жавобгар бўлиб, қонунларнинг бажарилишини таъминлайди. Регламентлар, ҳокимият тартибида норматив актлар чиқаради, ҳарбий ва фуқаро мансабдорларини тайинлайди. Хуллас, бош министр кундалик ички сиёсатни белгилаб, мустақилликдан фойдаланади.

Парламент Миллий мажлис ва сенатдан иборат, амалда улар тенг ҳуқуқли. Миллий мажлис тўғри сайлов йўли билан, сенат эса

эгри сайлов йўли билан сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Молиявий қонунларни қабул қилиш бўйича парламент маълум муддатларга риоя қилиши лозим бўлган. Агар белгиланган муддатда бюджет қонуни қабул қилинмаса, мазкур қонунни ҳукумат ўз декрети билан кучга киритиши мумкин, ҳукумат парламент олдида масъул. Шундай қилиб, 1958 йилги конституция давлат идоралари тизимида парламентар республика мажбурий белгиларини ўрнатган бўлса-да, ҳукуматнинг парламент олдидаги масъуллиги, президент актларининг министр томонидан тасдиқланиши ва ҳ.к. белгиланди, энг муҳим ваколат президентга берилди. Шунинг учун бешинчи республика аралаш «президент-парламент республикаси» деб юритилди. Аммо 70-йилларга келиб у тўла президент республикасига айланди.

XX аср охиридаги ўзгаришлар. 1960 – 1980 йилларга келиб бешинчи республика сиёсий тизимининг ривожланиш йўналишлари президент ҳокимиятининг янада кучайиши билан характерланади. Ҳатто у республика монархияси ёки монархия республикаси деб атала бошланди. 1962 йилги президентнинг парламент кўпчилигига суяниб ўтказган конституциявий ислоҳоти бу борада катта роль ўйнади. Энди президентни сайлаш, умумий овоз бериш референдум орқали ўтказиладиган бўлди.

Бош министр ва ҳукуматнинг президент ҳоҳишига боғлиқлиги амалда ҳукуматнинг давлат олдида масъуллиги 60 – 70-йилларда бешинчи республикага хос сиёсий тузум бўлиб қолди.

Суд, полиция аппарати янада марказлашди. Сиёсий адлиянинг фавқулодда идоралари тузила бошлади. Шу билан бирга, 1973 – 1976 йилларда генерал Шарль де Голл партияси парламентдаги мутлақ кўпчилик мавқеини йўқотиб, ўнг ва марказ партияларига бера бошлади.

Икки партиялар блоки: бир томондан, сўл партиялар блоки, иккинчи томондан, ўнг марказ партиялари блокнинг бир-бирига қарама-қарши туриши сиёсий ҳаётда икки томонлама кутблашиш (биполяризация) номини олди ҳамда Франциянинг ҳаётида муҳим роль ўйнади. «Биполяризация» сўл блокнинг ҳокимият бошига келишига ҳамда ҳокимият ваколатларини бўлиб олган идоралар ўртасида ўзаро муносабатларнинг ўзгаришига олиб

келди. Энди президент ва ҳукумат бир-бирига манфаатлари зид бўлган гуруҳлар вакиллари бўлиши мумкин эди. 1981 йили Социалистик партия парламентда мутлақ кўпчилик ўринни эгаллаб олиб, президентликни қўлга киритди ва ҳукуматни тузди. Социалистлар гарчи 1958 йилги конституциянинг асосий қоидаларини сақлаб қолган бўлсалар-да, маҳаллий бошқарувнинг марказлаштирилганини бекор қилиш, перфект мансабини тугатиш, пропорционал сайлов тизимини жорий қилиш тўғрисида қонунлар чиқарди. Маҳаллий бошқарув идоралари молиявий ва бошқа масалаларда мустақилликка эришдилар. Марказий идораларнинг қуйи бошқарув идоралари, ўз-ўзини бошқариш органлари устидан назорати пасайтирилди.

1986 – 1988 йилларда президент Социалистик партия вакилидан, ҳукумат эса ўнг марказчи партия вакилларидан бўлиб, бир-бирига оппозицияда туриб, мамлакатни «алоҳида-алоҳида бошқариш» қондаси асосида бошқарди. Худди шундай ҳолат 1993 – 1995 йилларда ҳам юз берди.

Парламент партиявий курашнинг асосий майдони – «сиёсий қутблашиш» шароитида давлат бошлиғи парламент кўпчилигининг қўллаб-қувватлашига боғлиқ бўлиб қолаверди. Сиёсий партиялар ҳам ўзларининг сиёсатини ҳаётга самарали жорий этишлари учун фақатгина парламент эмас, президент сайловларини ҳам ютиб чиқишлари лозим бўлиб қолди.

Франция сиёсий тизимининг ривожланишига Умумевропа масштабларида олиб борилаётган интеграциявий жараёнлар ҳам таъсир кўрсатади. 1992 йили Франциянинг асосий қонуни «Европа Иттифоқи» номли бўлим билан тўлдирилди. Франция ҳуқуқида Умумевропа ҳуқуқи – корпоратив ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги сезилмоқда.

3. Германия давлати ва ҳуқуқи

Германия иккала жаҳон уруши даврида. Германияда 1913 йили инқилобий зиддият етилди. Оммани исёнга чақирувчи «Спартак» иттифоқи давлат тўнтаришига бошчилик қилишга ожизлиги сабабли, ишчиларнинг кўпчилиги социал-демократлар таъ-

сирида эди. Ўнг социал-демократлар социализм ва инқилобга қарши турдилар. К.Каутский бошлиқ «мустақилчилар» оғизда социализм ва инқилоб учун курашган бўлсалар-да, амалда социализмни инқилобсиз ва пролетариат диктатурасиз қурмоқчи бўлдилар.

Германия буржуа-демократик инқилоби 1918 йил 3 ноябрда олдиндан тайёргарликсиз вужудга келди. У дастлаб Килль шаҳрида матросларнинг кўтарилиши билан бошланди. Бир неча кун ичида кўзғолон бутун Германияни қамраб олди. Ҳамма ерда халқ юнкерлар, князлар ва император сулоласини ағдариб, ўрнига кенгашларни ташкил қилдилар. Шу куни Берлин ишчилари ҳам кўзғолон кўтарди, исён инқилобий кайфиятдаги аскарлар томонидан қўллаб-қувватланди. Император Вильгельм II тахтдан ағдарилди. Германия республика деб эълон қилинди. Ишчи ва аскар депутатлари вакилларининг умумий мажлиси Берлин кенгашининг ижроия комитетини сайлади. Унинг партиявий таркиби социал-демократлардан ва «мустақилчилардан» иборат бўлиб, улар **Халқ вакиллари совети** деб номланган ҳукумат туздилар. Бу ҳукумат бошида ўнг социал-демократлар раҳбарларидан бири бўлган Эберт турди. Социал-демократик ҳукумат ўзининг биринчи кунлариданоқ буржуа-демократик доирада қолиш сиёсатини тутди. 1918 йил декабрь ойида чақирилган Бутунгермания кенгашларининг съезди, унда социал-демократлар кўпчиликни ташкил қилгани учун, Германияни социалистик республика деб эълон қилиш ва ҳокимиятни кенгашларнинг қўлига беришни рад этди. Инқилобнинг асосий масаласи бўлган ҳокимият буржуазия ҳисобига ҳал бўлди. Ўнг социал-демократлар уни тамом бўлган деб ҳисоблаб, инқилобий кучларга қарши ҳужумга ўтдилар. Ҳукумат 1919 йил январь ойида Берлинда бўлган янги кўзғолондан васвасага тушди. Ўнг социал-демократ Носке бошчилигидаги аксилинқилобчи қўшинлар ишчилардан шафқатсиз ўч олди.

1919 йил апрель ойида Баварияда инқилоб юз бериб, Мюнхендаги буржуа ҳукумати ағдарилди ҳамда **Бавария совет республикаси** ташкил этилди. Бу ерда 13 апрелда фабрика- завод комитетлари ва аскар кенгашлари мажлисида «Ҳаракат комите-

ти» номли инқилобий ҳукумат тузилиб, унинг таркибига коммунистлар ҳам киритилди. Ҳукумат банкларни миллийлаштириб, ишлаб чиқариш устидан ишчи назоратини ўрнатди. Қизил армия, ҳарбий трибунал ва фавқулодда комиссиялар ташкил этилди. 1919 йил май ойида республика емирилди ва қайтадан буржуа давлат тузуми ўрнатилди. 1919 йили Антанта давлатлари билан энгилган Германия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланиб, Германия Элзас, Лотарингия ва денгизорти мустамлакаларидан маҳрум бўлди. Қурулган кучлар сони 100 минг кишига қисқартирилди. Катта товон (контрибуция) ундириб олинди. 31 июлда Германияда янги Таъсис мажлиси чақирилиб, мамлакатнинг конституцияси қабул қилинди.

Веймар конституциясининг асосий белгилари. 1919 йил июль ойида Веймар шаҳрида ғалаба қилган кучлар янги конституция қабул қилдилар. Бу ўша шаҳарнинг номи билан Веймар конституцияси деб аталди. Конституция 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисми «Империянинг тузилиши ва вазифалари», 2-қисми «Немисларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари» деб номланиб, 2 боб, 181 моддадан иборат. Аввалги иттифоқ давлатлари энди ерлар деб аталиб, империя парламентининг юқори палатаси иттифоқ кенгаши – Бундесрат эмас, Рейхсрат Империя кенгаши номини олди. Конституциянинг 18-моддасига кўра, ўрамлардаги ўзгаришлар, янги ерларни тузиш фақат империя қонунлари асосидагина бўлиши лозим. Ерлар ўзларининг қонунчилик органлари – ландтагларга эга. Уларга тенг, яширин, тўғри сайлов ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Ташқи алоқалар, фуқаролик, божхона масалалари, почта, телеграф ишлари, мудофаа қурилиши империя қонунлари билан тартибга солинган. Қонунчилик борасида жиноят, фуқаролик ҳуқуқи, суд юритиш, матбуот, мажлислар, савдо-саноат, тоғ ишлари империянинг қонунчилик ваколатига тааллуқли эди. Империя хазинасига тушадиган солиқлар миқдорини белгилаш ҳақидаги қонунлар ҳам империяга тегишли.

Ерларда, қонунларнинг ижро этилиши уларга юклатилгани учун ҳам, маъмурий ваколатлар тўпланганди. Худди 1871 йилги конституция сингари империя экзекуция ҳуқуқидан фойдаланарди.

Яъни империя президенти ерларни қўшин ёрдамида у ёки бу мажбуриятни бажаришга мажбур этиши мумкин бўлган.

Расман империянинг қуйи палатаси бўлган рейхстагга конституция халқ вакиллик органи сифатида биринчи ўрин берган. У қонунчилик борасида ҳал қилувчи ваколатга эга, тўғри, тенг умумий сайлов йўли билан сайланади. Рейхсрат, 74-моддага кўра, Рейхстаг қабул қилган қонунларга нисбатан «кечиктирувчи вето» ҳуқуқидан фойдаланади. Қонунчилик ташаббуси президентга, Рейхстаг депутатлари ва рейхсратга тегишли. Қолаверса, сайловчиларнинг 1/10 қисми бирлашиб қонунчилик ташаббуси кўрсатиши мумкин. Президент 7 йил муддатга сайланади, унинг қайта сайланиши чекланмаган. У халқаро ишларда империянинг номидан қатнашган, халқаро шартномаларни тузиш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этишда унга империя ҳарбий мансабдорлари, амалдорларининг бош олий қўмондонини тайинлашда ҳал қилувчи ваколат теккан.

48-моддага кўра, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун президентга ҳал қилувчи ваколат, ҳатто ҳарбий кучларни қўллаш ҳуқуқи берилган. У рейхстагни тарқатиб юбориш, янги сайловлар белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, қонунни ижро этиш юзасидан мажбурий кўрсатмалар чиқарган.

Президент томонидан рейхсканцлер ва министрлар таркибида тайинланадиган ҳукумат расман парламент олдида масъул. Рейхстаг ҳар бир министрга тўла таркибга вотум – ишонч билдириши лозим бўлмаса, у истеъфога чиққан. Конституция барча немисларга тегишли бўлган, демократик ҳуқуқлар барчанинг қонун олдида тенглиги, шахс озодлиги, сўз эркинлиги, мажлислар, уюшмаларга бирлашиш эркинлигини эълон қилди. Қарилик, меҳнат қобилятини йўқотганда социал-суғурта назарда тутилади. Аммо, 48-моддага кўра, президент мазкур ҳуқуқларни, жамоат тартиби бузилганда, тўхтатиши мумкин. Конституцияда расман судларнинг мустақиллиги, уларнинг умрбодга тайинланиши мустаҳкамланди.

Веймар республикаси даврида Германияда 30 дан ортиқ сиёсий партиялар мавжуд эди. 1919 йил сентябрь ойида Гитлернинг фашистик партияси – «Германия миллий-социалистик ишчи

партияси» тузилди. 20-йиллар бошида Германия иқтисодида оғир инқироз ҳолати юз берди, ана шундай шароитда Веймар республикасининг демократик тартибларига қарши ҳужум бошланди.

Фашистик диктатуранинг ўрнатилиши ва унинг механизми. 1920 йили Веймар республикасига қарши исёнда рейхсвер генераллари қатнашди. 1920 йил 24 февраль куни Мюнхенда Гитлер 25 банддан иборат дастур билан чиқди, кейинчалик бу дастур Германия национал-социалистик ишчи партиясининг дастури бўлиб қолди. Партия ўзини ишчи партияси деб атаган бўлса-да, аслида, герман шовинизми билан суғорилган миллатчи партия эди. У деҳқонларга ер ислоҳоти ўтказиш, майда буржуазияга монополияларни тугатиш, ёшларга иш, ишчиларга фойдани бўлишда қатнашиш каби ваъдалар билан чиқди.

Демократик ва антифашистик кучларни бостириш ҳамда кейинчалик ҳокимиятни босиб олиш мақсадида террористик аппаратни кучайтириш, фашистик ғояни ёйиш мақсад қилиб қўйилди. 1923 йили фашистлар ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракатни бошлайди. Аммо мазкур ҳаракат энгилгач, улар тактикани ўзгартириб, «рейхстаг учун жанг»га киришдилар, оммавий фашистик партиялар туза бошладилар. 1928 йилиёқ рейхстагда 12 ўринни қўлга киритадилар. 1929 йили жаҳон иқтисодий инқирози туфайли аҳволнинг оғирлашуви фашистик партияга янги муваффақият келтириб, 1930 йили 107 депутатлик ўрнини олди. Фашистик ғоя, асосан, деҳқонлар ва майда буржуазия орасида ёйилди.

Фашистик тузум капитализм туғдирган тузум эмас, шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий тузум ҳам эмас. У, баъзи олимларнинг таъкидлашига кўра, коммунизмга қарши вужудга келган. Унинг бир қанча ўзига хос белгилари бўлиб, умумий номда «фашистик синдром» деб аталади. Бунга қуйидагилар киради: а) мавжуд дунёни рад қилган ҳолда, яъни радикал дунёни яратишга қаратилган миссионерлик даъво қилиш асосидаги расмий идеология; б) ўз таркибида аҳолининг тахминан 10% ни бирлаштирган, бир киши – диктатор – томонидан бошқариладиган ягона сиёсий партия; в) полиция назорати ва қатағон қилувчи тизимнинг мавжудлиги; г) ҳокимият назорати монопол тарздалиги; д) қуролли

қаршилиқ кўрсатишининг барча самарали турлари устидан назоратнинг ўрнатилиши; е) ирқчилик, шовинизмга асосланган ҳукмронлик ғоясининг мавжудлиги; ё) иқтисод устидан марказлашган назоратни ўрнатиш.¹

1933 йил 30 январда президент Гинденбург Гитлёрни рейхсканцлер этиб тайинлайди. Унинг таянчи ҳарбийлар, деҳқонлар, зодагонлар, шунингдек, Гитлер қиёфасида большевизм балосидан қутқарувчи халоскорни кўрганлар турарди. Фашистларнинг ҳокимият тепасига келиши демократик институтларнинг режали тарзда йўқ қилиниши, янги – халққа қарши террорчилик тузумининг ўрнатилиши эди. 1933 йили парламент сайловларида коммунистлар 81 мандат олдилар, Гитлер уларнинг мазкур мандатларини йўққа чиқарди. Бу очикдан-очик фашистик давлат механизмини ташкил қилишга киришиш эди.

1933 йил 24 мартда рейхстаг «Давлат ва халқнинг ночор аҳволини тугатиш тўғрисида» декрет қабул қилди. Ана шу қонунга кўра, ҳукумат қонунлар чиқариш ҳуқуқини олди. Қолаверса, халқаро шартномалардан келиб чиқадиган қонунларнинг парламентда тасдиқланиши шартмаслиги мустаҳкамланди.

Расман қонун 1937 йил 1 апрелгача чиқарилган бўлса-да, амалда у фашистик давлатнинг охириги кунигача амал қилди. Империянинг барча қонунларини ишлаб чиқишда доимий равишда фашистик партия девонхонаси иштирок этадиган бўлди. У фақат Гитлерга бўйсунарди. 1934 йил 1 августда президент Гинденбургнинг вафоти билан, ҳукумат қонунига кўра президентлик мансаби тугатилди. Барча ҳокимият абадий, умрбодга рейхсканцлер бўлган Гитлер қўлига ўтди. У ҳамма мансабдорларни, жумладан, ҳукумат аъзоларини ҳам тайинлайдиган бўлди. Шу вақтдан барчанинг «герман миллатининг дохийси»га сўзсиз бўйсунуши талаб этилди. 1933 йили компартия, касаба уюшмалари, социал-демократик партиялар тарқатиб юборилди ва тақиқланди. 1933 йил июль ойида фашистик бўлмаган барча партиялар тугатилди.

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства. – М.: Инфра Норм, 2001. – 603 с.

1933 йил декабрь ойида давлат ва партиянинг бирлиги ҳақида қонун чиқарилиб, фашистик партия раҳбарлигидаги немис давлатчилиги эълон қилинди. Фашистик рейхстаг ва ҳукумат тузилди. 1933 йил 7 апрелдаги «Империя ва унинг вилоятларидаги ҳокимиятни унификация қилиш ҳақида»ги қонунга кўра, фашистик партиянинг гауляйтерлари барча ерларга ноиб ўринбосар – штатгалтер этиб тайинланди. Улар барча ҳокимият ваколати билан таъминланди. 1934 йили ерларнинг ландтаглари тугатилди. 1934 йил 14 февралда рейхсратнинг бекор қилиниши муносабати билан, империя парламентида ерларнинг вакиллиги тугатилди. Ерлар федерация аъзолари ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Ҳатто шаҳарларнинг бургомистрлари партия ташкилотлари томонидан кўрсатилган номзодлардан 12 йилга тайинланиши белгиланди. Келиб чиқиши немислардан бўлмаган кишилар давлат апаратидан тозаланди. Гитлер ўз қўлида фашистик партия фюрери, рейхсканцлер, президент ва олий бош қўмондонлик вазифаларини тўплади.

Фашистик ҳукумат билан бир қаторда империянинг мудофаси билан шуғулланувчи Министрлар кенгаши, Яширин кабинет, Уч вакил коллегияси, Империя канцелярияси, Қурулли кучлар олий қўмондонлиги штаби каби барча муассасалар Гитлерга бўйсунган, улар қонун чиқариш ташаббуси ваколатига эга эдилар. Германия 32 партия областларига бўлиниб, уларнинг бошида партия гауляйтерлари турарди. 1933 йил май ойида Тарфибот министрлиги тузилди. Унга матбуот, радио, маданият палатаси бўйсундирилди. СС, СА каби ташкилотлар фашистик ғояни ёйиш, муҳолиф кучларни йўқотишда катта роль ўйнади. 1922 йили САда махсус моторлаштирилган гуруҳлар тузилди. 1933 йил ёзида уларнинг сони 4 миллионга етди. Қўриқлаш отрядлари – СС махсус топшириқларни бажариш, қўзғолонларни бостириш, концлагерларни қўриқлаш вазифаларини бажарган. Жами 23 концлагер, уларнинг 2 минг филиали тузилди, 1936 – 1945 йиллар ичида уларга 18 млн киши ташланган. Освенцимнинг ўзида 4 млн киши қириб юборилган. 1933 йил апрелида Пруссияда давлат яширин полицияси – гестапо тузилди. 1936 йили у жиноят полицияси билан бирлашди. 1939 йили империя бош хавф-

сизлик бошқармаси тузилди, унинг бошида СС рейхсфюрери турарди. СССРга ҳужум қилиш олдидан СС кўшинлари 600 минг киши – 35 дивизияга кўпайтирилди. Ҳаракатдаги армия зонасига кирган СС кўшинлари «тугатиш-йўқотиш» мақсадида ирқий-ғоявий уруш олиб боришлари лозим бўлган.

1931 йил 6 декабрдаги «Хўжалик ва молияни сиёсий эксцесслардан ҳимоя қилиш учун кураш тўғрисида»ги фавқулодда қарорга биноан, империя ҳукуматида **махсус судлар** тузиш ҳуқуқи берилди. Кейинчалик алоҳида судларни ташкил қилиш бўйича махсус қарор чиқди. Бу судларнинг хусусияти шундан иборат эдики, очиқ суд жараёни ва дастлабки тергов йўқ қилинди, айбланувчини судга чақириш муддати қисқартирилди. Ҳукмдан шикоят қилиш тақиқланди. Исбот ва далилларни тадқиқ этишда судга кенг имконият яратилди. 1933 йил 27 мартдаги «Махсус судларни тузиш ҳақида»ги қарорга кўра, ерларнинг олий суди, округларда махсус судлар тузилди.

1933 йили умумий судлар билан бир қаторда суд округларида фашистик тузумнинг душманлари билан курашиш учун махсус судлар тузилди. 1934 йили давлатга хоинлик масаласи бўйича **халқ трибунали** вужудга келтирилди. Армияда **ҳарбий дала судлари** иш кўрарди. Фақатгина куруқликдаги кўшинларда ҳарбий дала судлари бир ойда 10 минг ҳукм чиқарарди. 1934 йил 24 апрелда «Жиноят ҳуқуқи ва процесси нормаларини ўзгартириш ҳақидаги» қонун чиқиб, олий фавқулодда суд тузилди, у Олий халқ суди деб аталган ҳамда «одил судловни тез ва бир хил амалга ошириши лозимлиги» белгилаб қўйилган. 1940 йил 21 февралдаги «Махсус судларнинг судлови ҳақида»ги қарорга кўра, ҳар қандай жиноят ва фуқаролик ишларини ушбу судлар кўриши мумкин бўлган. Айтиш лозимки, Олий халқ суди ва махсус судлар ҳам табиатига кўра гестапо, СС, СА, СД билан бир қаторда турарди. Шунинг учун урушдан кейинги трибунал уни «Қотилнинг ханжари юристнинг мантияси билан ёпилган» дея баҳолади.

1935 йили Германияда ҳарбий мажбурият жорий этилиб, 18 – 45 ёшли кишилар 1 – 2 йилга ҳарбий хизматга жалб этилди. Уруш вақтида 16 – 65 ёшдаги эркаклар ва 17 – 45 ёшдаги аёллар мажбурий меҳнатга жалб қилинган.

Умуман, 1939 – 1945 йилларда юз берган Иккинчи жаҳон урушида 61 давлат қатнашди, 50 млн дан ортиқ одам ўлдирилди. 95 млн киши ногирон бўлиб қолди. 11 млн одам фашистик концлагерларда ўлдирилди. Урушнинг асосий оғирлиги СССР елкасига тушиб, 27 млн киши ҳалок бўлди.

Германия Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда. Германия Федератив Республикаси. Иккинчи жаҳон уруши фашизмнинг емирилиши билан тугади, Германия ўрнида иккита давлат: ГФР ва ГДР вужудга келди. Иттифоқчи давлатларнинг Германияга муносабати 1945 йилги Потсдам конференциясида аниқлаб олинганди. Бу битим Германияни ягона, тинчликсевар, демократик давлатга айлантиришни, унда демилитаризация, декартелизация (иқтисодий қувват асоси – картелларни емириш), денацификация (фашистик партияларни тугатиш) ва демократлаштириш тўғрисида гапирилганди. Урушдан кейин Германия ҳудуди 4 давлат: СССР, Англия, АҚШ, Франция оккупация зоналарига бўлинди, улар бошқаришни ташкил қилиш мақсадида иттифоқчи тўрт давлат оккупацион қўшинларининг бош қўмондонлари таркибида **Иттифоқ назорат кенгаши**ни ташкил қилганлар.

1946 йили АҚШ ва Англия ўз зоналарини бирлаштирди. 1948 йили бунга Франция зонаси ҳам қўшилди. «Бизония» «Тризония» номини олди. Шу доирада Фарбий Германия давлатини ташкил қилишга киришилиб, унинг оккупацион мақоми ишлаб чиқилди. 1949 йил 8 майда ландтагларнинг вакиллари ГФРнинг конституциясини тасдиқлади. Унга кўра, олий ҳокимият иттифоқчи давлатларнинг ихтиёрига берилиши мумкин бўлди.

Фарбий Германияда қонун чиқариш ваколати **бундесрат** ҳамда **бундестагга** берилди. Давлат бошлиғи федерал президент, ҳукумат бошлиғи федерал канцлер эди, Фарбий Германия эскича майда маҳаллий давлатларга бўлинган, лекин улар федерал ҳукуматга тамомила бўйсундирилган. 1949 йил май ойида қабул қилинган Бонн конституцияси Германия Федератив Республикасининг асосий қонуни деб аталиб, у Германиянинг парчаланиб кетишини расмийлаштирди.

1949 йил 14 августда Фарбий Германия парламентининг куйи

палатаси – бундестагга сайловлар ўтказилди. 12 сентябрда федерал президент сайланди, 15 сентябрда бундестаг федерал канцлерни сайлади. Ташқи алоқалар, ташқи савдо, валюта операцияси, хўжалик фаолиятини бошқариш, конституцияга риоя қилишни текшириш оккупациявий ҳокимиятга берилди. Федерация идоралари шу каби масалалар бўйича, фақат ҳокимиятнинг розилигини олгандагина, қонунлар қабул қилиши мумкин бўлди.

20 сентябрда канцлер Аденауэр ҳукумат тузди, шу билан ГФРни сепарат давлат сифатида расмийлаштириш ва ҳарбий-оккупациявий тузумни ўрнатиш охирига етказилди.

ГФР ерларнинг федерациясидан иборат республика, ҳар бир ер ўз конституциясига, парламент (ландтаг) ва ҳукумати, фуқаролик, маъмурий ва суд органларига, давлат бюджетига эга. Парламент икки палатадан иборат: бундестаг 4 йилга сайланган, актив сайлов ҳуқуқидан 21 ёшга, сайланиш ҳуқуқидан 25 ёшга кирган фуқаролар фойдаланган, «депутатлар фақат ўз виждонларига бўйсунди, буйруқларга боғлиқ эмас» (38-модда).

Бундесрат юқори палата бўлиб, доимий ишловчи орган, у ерларнинг ҳукумат аъзоларидан ташкил топади. Бунда қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

ГФРда ҳокимият амалда федерал канцлер қўлида тўпланган, парламентнинг таркиби белгилаб қўйилмаган, ҳар бир сайловда қонун билан алоҳида белгиланади. Қонунлар бундестаг томонидан тасдиқланиб, кейин бундесрат тасдиғига киритилган. Федерал президент бундестаг аъзолари ва маҳаллий давлатлар вакилларида иборат Федерал мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланган. Президент қонунларни тасдиқлаш ёки қонун устидан конституциявий судга протест билдириш, бундестагни чақириш, тарқатиш, уруш эълон қилиш ҳуқуқларига эга. Ҳамма федерал амалдорлар, армия офицерлари президент томонидан тайинланади ва бўшатилади. Федерал канцлер президент таклифи билан бундестаг томонидан сайланади.

Ҳукуматнинг ташқи ва ички сиёсати канцлер томонидан амалга оширилиб, у истаган вақтда ҳукумат таркибини ўзгартиришга ҳақли. Ҳукумат қонун чиқариш ташаббусидан ва қонун кучига эга қарорлар қабул қилиш ҳуқуқидан фойдаланади. Федерал кон-

ституциявий суд АҚШ Олий судига ўхшаш тартибда тузилган, бу суд қонунларни, партияларни ва жамоат ташкилотларини конституцияга хилоф деб ҳисоблаб, уларни тақиқлашга ваколатли. Федерал суд 2 сенатдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида 8 тадан аъзо бор. Уларнинг ярми бундестаг, ярми бундесрат томонидан сайланади. ГФРда армия ва полиция алоҳида ўрин тутади. ГФР биринчи куниданоқ давлатни ҳарбийлаштириш йўлидан борди, 1954 йил 5 майда Париж битими тузилди, унга биноан, мамлакат НАТО таркибига қабул қилинди ҳамда ташкилот таркибига ўз армиясини тузиш мажбуриятини олди.

1957 йили тузилган ҳукуматнинг 18 министрідан 9 нафари илгари фашистик партияларнинг фаол арбоблари бўлиб ишлаган, 1960 йилги маълумотларга кўра, ГФРдаги прокурор ҳамда судьяларнинг 70 фоизи фашистик суд-прокуратура аппаратида ишлаган. 1956 йилдан, расмий маълумотларга кўра, 113 фашистик ташкилотлар очик-ойдин иш олиб борган. 1951 йили илгариги нацистларни давлат хизматига олиш мумкинлиги тўғрисида қонун чиқди.

1958 йили Миллий социалистик партияни тақиқлаш тўғрисидаги қонун расмий равишда бекор қилинди. 1956 йили ҳарбий мажбурият қайта тикланди. Бу жараён «Фавкулудда қонунчилик» деб аталмиш қонунлар комплексида ўз ифодасини топди. 1968 йил 30 майда Бундестаг, 14 июнда бундесрат «фавкулудда конституция»ни қабул қилди. Унга биноан, ҳукумат ГФРда ўрнатилган иқтисодий-сиёсий тартибларга хавф туғилди деб ҳисоблаган ҳамма ҳолларда ёзишмаларни текшириш, кўчиш эркинлиги, иш ташлаш эркинликларини чеклаш ҳуқуқини олди. Бу ҳуқуқдан, айниқса, иш ташлашлар, намойишлар ва бошқа сиёсий чиқишлар даврида кенг қўлланилган. Конституция «кучланган ҳолат» ва «фавкулудда ҳолат» эълон қилиш ҳамда унинг шароитини белгилади.

Ҳарбий Германиянинг ҳарбий қудратини тиклаш тарафдори бўлган АҚШ ҳукумати ва монополиялари унинг саноатини қарзлар, кредитлар ва хомашё билан таъминлашга ҳаракат қилди. Ўз қувватини қисман сақлаб қолган немис монополиялари давлат томонидан берилган маблағларни ишлаб чиқаришни ривож-

лантириш учун сарфлади. Иш соати узайтирилиб, иш ҳақи пайсайтирилди. Масалан, 1953 йили ишчилар 1938 йилги иш ҳақининг 80 фоизинигина олгани ҳолда, иш ҳафтаси ўрта ҳисобда 52 – 65 соатга чўзиларди. Мана шулар ҳисобига Фарбий Германия монополистлари катта фойда ола бошладилар. 1958 йили саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2 марта ошди. Кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқаришда у Англия, Франция, Италия, Япониядан ўтиб иккинчи, учинчи ўринларга чиқди. Герман иқтисодиётининг ҳал қилувчи соҳалари монополиялар кўлига ўтди. 1954 йили 318 акционерлик компанияси мамлакатдаги барча компанияларнинг 12 фоизини ташкил қилиб, мамлакатнинг 78 фоиз акционерлик капитали устидан назорат қилди. 12 йирик концерн ва 3 та банк Фарбий Германиядаги акционерлик компанияларининг 4/5 қисмини назорат қила бошлади.

Бонн конституциясининг 4-моддаси «Ҳеч ким ўз виждонига қарама-қарши ҳолда қўлида қурол билан ҳарбий хизматни олиб боришга мажбурланиши мумкин эмас» деган қонун мустаҳкамлади. 1955 йили конституцияга 73-модда билан тўлдириш киритилиб, республика парламентида ҳарбий хизматга чақириш ҳуқуқи берилди. 1956 йили эса эркаклар учун умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун кучга кирди. Мана шу тарзда Фарбий Германияда янгидан қуролли кучлар тузилди.

Урушдан кейинги йилларда СССР Германияни тинчликсевар ягона демократик давлатга бирлаштириш тўғрисидаги кўп ҳаракат қилди. 1950 йили Нью-Йоркда уч давлат: АҚШ, Англия, Франция Фарбий Германияни қуролсизлантириш тўғрисида қарор қилишгандан сўнг, СССР бошқа социалистик давлатлар билан бирга, Фарбий Германия қуролланишдан воз кечгандагина, тинчлик шартномасини тузиш, ягона немис давлатини тиклаш ва унинг доирасида иттифоқчи давлатларнинг қўшинларини бир йил мобайнида чиқариб кетиш талабларини эълон қилди. 1955 йилги Женева кенгашида 4 давлат вакиллари герман масаласини ҳал этаётганида, 3 иттифоқчи давлат Германияни бирлаштириш ва НАТОга аъзо қилиш истакларини билдирдилар. Фарбий Германияни қуролсизлантириш масаласини ҳал қилишни рад этдилар.

ГФРнинг ҳуқуқи. Фуқаролик ҳуқуқининг манбаларидан бири

рейхсгрихт амалиёти, ҳатто фашизм давридаги баъзи бир қонунлар ҳам ҳисобланади. 1953 йили чиқарилган Германия фуқаролик уложениясига шарҳлар рейхсгрихтнинг барча қарорларини ўз ичига олган. Худди фашистик Германиядаги каби судлар суд тузилиши қонунининг 137-параграфидан кенг фойдаланади. Унга кўра, судларга қонун матни ва мазмунидан қатъи назар ҳуқуқни ривожлантириш, давом эттириш ҳуқуқи берилган. 1951 йил 12 мартдаги федерал конституциявий суд ҳақидаги қонун суднинг норма яратувчиликка оид бу фаолиятини мустаҳкамлади. У умуммажбурий қонун кучига эга бўлган актлар қабул қилади, фақат қонунларни шарҳлабгина қолмасдан, янги конституциявий нормалар яратади. ГФР конституциясининг 14-моддаси мерос ва мулк ҳуқуқини кафолатлайди. Унда ер ва табиий ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини мулкчиликка бериш тўғрисида (15-м.) гапирилади. 1956 йил 7 декабрдаги «Ҳарбий мудофаа мақсадларида мулк ҳуқуқини чеклаш тўғрисида»ги қонунга кўра, мудофаа зонаси деб аталувчи зоналарда кўзғалмас мулкка эга бўлиш чекланади. Бу Аденауэр ҳукуматининг урушга тайёрланиш сиёсати билан боғлиқ эди. Мазкур қонунга мувофиқ мудофаа министри ҳар қандай жойни мудофаа зонаси деб эълон қилиш имкониятини қўлга киритди. Бундай жойларда мулк эгаси қурган ўнлаб бино, иншоотларни рухсатсиз бузиш ёки қурилишларни тақиқлаб қўйиш мумкин бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин, ГФР судлари олдида мажбуриятли шартномаларга амал қилиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Улар рейхсгрихтнинг олдинги амалиётига асосланиб айрим ҳолларда қарздорни мажбуриятни бажаришдан озод қила бошлади. Бунда Англия оккупация зонасининг олий қарори катта роль ўйнади. У Германия фуқаролик уложенияси 242-параграфдан «Томонлар шартнома тузган вақтдан кейин шартнома асосини тубдан ўзгартириши, мажбуриятни бажаришни тўхтатиши мумкин» деган хулоса чиқарди.

Фашистик Германия мағлубиятга учрагач, Назорат кенгаши 1946 йил 20 февралда фашистик оила-никоҳ қонунини бекор этиб, янги оила ва никоҳ қонунини қабул қилди. Лекин мазкур қонун оила ва никоҳ масалаларининг ҳаммасини қамраб олол-

маганди. 1949 йилги конституциянинг 1-моддаси эркаклар ва аёлларнинг тўла тенгҳуқуқлилигини баён қилди. 1958 йил 1 июлда «Эркаклар ва аёлларнинг тенгҳуқуқлилиги тўғрисида»ги янги қонун кучга кирди. Лекин бунда ҳам оилада отанинг ҳокимиятига йўл қўйилди. Гарчи ота оила бошлиғи бўлмаса-да, у хотинига меҳнат фаолиятини тақиқлаб қўйишга ҳақли эмас. Меҳнат муносабатлари ва социал суғурта қисман фашистик тузумгача бўлган ҳамда янги қонунлар билан тартибга солинди. ГФРнинг 1949 йилги конституциясида мазкур масалаларга кам аҳамият берилганди. Фақат умумий шаклдаги касаба уюшмаларини тузиш мумкинлиги тўғрисида гапирилди (18-м.). Касб, иш жойи танлаш эркинлиги, мажбурий меҳнатни (ахлоқ тузатиш сифатидагидан ташқари) тақиқлангани эълон қилинади.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида ГФР ишчилари айрим социал ғалабаларга: 8 соатлик иш куни, касаба уюшмалар ва коллектив шартномалар кабиларга эришдилар. Аммо ҳукмрон доиралар ўзларининг мавқеини тезда мустаҳкамлаб олиб, ишчиларнинг қўлга киритган ютуқларига қарши ҳужумга ўтдилар. 1952 йил 19 июлда «Корхоналардаги ишчиларнинг ҳолати тўғрисида» номли қонун қабул қилинди. Унга биноан, Назорат кенгашининг №22 қонуни билан ишчиларга вакиллик органи, ишлаб чиқариш кенгашларига уюшиш ҳуқуқи берилганди. Бу кенгашлар меҳнат шартномаси, ишдан бўшатиш, ишчиларга енгилликлар бериш каби масалаларга фаол аралашарди. Юқоридаги қонун эса мана шу кенгашларнинг фаолиятини деярли йўққа чиқарди. Уларнинг фаолиятини соҳибкорнинг назорати остига қўйди. Ишга олиш ва бўшатиш масалаларида ишчилар ва уларнинг кенгаши тамомила четга суриб қўйилди.

ГФРнинг социал қонунчилигида иш ташлаш ҳуқуқи тўғрисида бирорта ҳам модда йўқ. Аденауэрнинг 1952 йил 16 майдаги касаба уюшмалар бирлашмасига иш ташлаш йўли билан парламентага таъсир ўтказиш ҳуқуққа хилоф деб ҳисобланиши ҳақидаги хатидан кейин ГФРнинг ҳамма судлари сиёсий иш ташлашларни конституцияни бузиш деб ҳисоблаш ҳоллари учрай бошлади ва бундай ҳолатларга жиноий жазолар тайинлашга киришди.

Социал суғурта қонунлари суғурта фондини ташкил қилиш

оғирлигини, асосан, ишчиларнинг ўзига юклайди. Қонунларда кексалик, ишсизлик, бахтсизлик ҳолларида нафақалар тайинлаш тўғрисида гапирилди. Аммо барча турдаги пенсияларни тайинлашда катта камчиликлар мавжуд. Масалан, 1955 йили 10 миллионга яқин пенсионер 300 маркага яқин маош олган бўлса-да, 63 маркагача пенсия тайинланган. 1957 йил 26 февралда ишчи ва хизматчиларга пенсиялар тайинлаш тўғрисида янги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун амалдаги тизимга ҳеч қандай принципал ўзгариш киритмади. Гарчи пенсиянинг миқдори оширилган бўлса-да, шу билан бирга, суғурта фондига бериладиган ишчиларнинг ажратмалари миқдорини ҳам оширди. Бу взнослар иш ҳақининг 10 – 25 фоизини ташкил қилди. Пенсия олиш учун камида 15 йил взнос тўлаш шарт қилиб қўйилди. Пенсия ёши эркаклар учун 65, аёллар учун 60 этиб белгиланди. Суғурта фондининг 50 фоизи корхона эгалари ҳисобидан вужудга келтирилади.

Жиноят ҳуқуқи. ГФРда бу даврда 1871 йилги ЖК амалда бўлди. Умуман, Германия қонунларига антидемократик характерга эгалик, демократик жиноят ҳуқуқи қоидаларидан узоқлашиш хосдир. 1950 йил 19 сентябрдаги Коммунистик партия аъзоларини, Озод немис ёшлар иттифоқи, Тинчлик учун кураш комитети вакилларини давлат муассасаларидаги мансаблардан бўшатиш тўғрисидаги **фавқулодда қонун** бунга мисол бўла олади. Фарбий Германиядаги криминалистларнинг кўплари Гитлер давридаёқ ўз фаолиятини бошлаган, улар «**финал жиноят ҳуқуқи**» назарияси деб номланувчи назария яратдилар. Унга биноан, айблаш ҳукмини чиқариш учун қонунда тақиқланган ҳаракатни қилиш ёки зарарли оқибатни келтириб чиқариш ҳал этувчи рол ўйнамасдан, судланувчида зарарли оқибатни келтириб чиқарувчи **мақсаднинг бўлиши** асосий ҳисобланган. 1951 йили «**блиц-қонун**» – яшин тезлигидаги қонун хавфли мақсади учун таъқиб қилишни қонунийлаштирди. «Хавфли мақсад» деб аталувчи мақсадни овозни чиқариб айтиш ёки хусусий хатларда ёзишнинг ўзиёқ суд-прокурор органларига таъқиб этиш учун асос бўлган.

«Давлатга хиёнат ҳақидаги фавқулодда қонун» деб аталувчи мазкур қонунда бир қанча ҳаракатларга: адабиётлар, магнито-

фон ленталари, давлатга хавфли характердаги иллюстрациялар олиб кириш, федерал республикадан ташқаридаги партия ва бошқа бирлашмалар учун ахборотлар йиғиш, президент, муассасалар, ҳукумат органлари, парламент, федерал судларни иғво қилиш кабиларнинг 5 дан 15 йилгача қамоқ билан жазоланиши айтиб ўтилган. Кейинги йилларда бир қанча новеллалар чиқиб, Германиянинг ташқи сиёсатини кўриқлаш чоралари кўрилди. 1967 йил 11 июнда «**Жиноят ҳуқуқи нормаларидаги ўзгаришлар ҳақида**» деб аталувчи қонун чиқиб, жиноят кодексининг бир қанча қоидалари НАТО қатнашчиларининг ҳаракатларига қарши қаратилган ҳолатларга ёйилди (уларнинг кўшинлари ГФР ҳудудида турарди). 1958 йил 24 июнда «Оккупациявий ҳуқуқни бекор қилиш ҳақида»ги қонун чиқиб, Германия енгилганидан кейинги иттифоқчи давлатлар ҳокимияти томонидан чиқарилган ҳамма қонун ва қарорлар бекор қилинди. Жумладан, нацистик партияларни тарқатиш, уларнинг фаолиятини давом эттириш учун жиноий жавобгарликни назарда тутган №5 қонун ҳам бекор қилинди. Бу билан расмий жиҳатдан фашистик партия ва ташкилотларни тузишга рухсат берилди.

Суд ва процесси. Процесс, асосан, нисбий ўзгаришлар билан 1877 йилги ЖПК ва ГПКлар асосида олиб борилади. Конституцияга биноан, суд ҳокимиятини федерал конституциявий суд, олий федерал суд, федерал судлар ва ерларнинг судлари амалга оширади. Ҳамма судлар ҳузурида прокуратура ташкил қилинган. Федерал конституциявий суднинг аъзолари бундестаг ва бундесрат томонидан сайланиб, унинг ваколатига конституциявий назорат, қонунларни шарҳлаш, ерлар ўртасидаги конституциявий характердаги низоларни ва ерлар билан федерал ҳукумат ўртасидаги низоларни ҳал қилади. Ерларнинг ҳам конституциявий судлари мавжуд. ГФРнинг умумий судлари (фуқаролик ва жиноят) участка суди, земский суд, олий земский суд, федерал суд палатасидан иборатдир. Участка судлари бир профессионал судья таркибида ёки коллегиял, шеффенлар иштирокида ишни кўришлари мумкин. Земство судлари фуқаролик ва жиноят коллегияларидан ташкил топиб, бир томондан, апелляция он инстанция, иккинчи томондан, участка судлари ваколатига

тегишли ишлар бўйича 1-инстанция тарзида иш кўради. Олий земство суди ҳам икки коллегиядан иборат бўлиб, шикоят ва апелляция инстанцияси сифатида иш кўради.

Федерал прокурорнинг қарори ва федерал суд палаталари қарорлари билан ишларни у биринчи инстанция сифатида кўриши мумкин. Федерал суд палатаси катта ва кичик сенатга бўлинади. У олий прокурорнинг қарори билан муҳим жиноятларни биринчи инстанция сифатида кўради ҳамда шикоят ва апелляция суди сифатида чиқади. ГФРда бу каби умумий судлардан ташқари жуда кўп махсус судлар: ёшлар иши бўйича, маъмурий, молия, меҳнат, социал судлар мавжуд, уларга тегишли федерал судлар томонидан раҳбарлик қилинади.

Германия Демократик Республикаси. Ялта ва Потсдам конференциялари қарорларига кўра, Шарқий Германия доирасида фашистик аппарат тамомила тугатилди, бу ҳудудни бошқариш совет ҳарбий маъмурияси (СХМ) кўлига топширилди. Бу жойда тўла денацификация, демократизация, демилитаризация амалга оширилди. Фашистик партиялар тугатилди. 1945 йил 10 июнда СХМ демократик ташкилотларининг ташкил қилиниши ва фаолиятига рухсат берди. Натижада ГКП ва ГСДП фаолияти тикланди. Антифашистик партиялар Христиан демократик иттифоқи (ХДИ), Либерал-демократик буржуа партияси (ЛДБП) Озод немислар касаба уюшмалари бирлашмаси (ОНКУБ) ташкил топиб, 1946 йил апрель ойида ГПК ва ГСДП Германия бирлашган ишчи партияси (ГБИП)га айланди. 1946 йили Веймар конституциясига биноан ландтаг – маҳаллий органларга сайлов бўлиб ўтди. Сайловлар тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиб, ҳарбий жиноятчилар, фашистик партияларнинг фаол аъзолари сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Янгидан сайланган ландтаглар 1946 йил декабрь, 1947 йил февраль ойларида ерларнинг конституцияларини қабул қилди. Уларда фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатланади, фашистик ва милитаристик партиялар тақиқланади. Ерлар ягона ГДРнинг қисмлари деб эълон қилинди. Халқ вакиллиги органлари ерларда ландтаг, 9 районда крейстаг, шаҳар жамоаларида шаҳар йиғилиши, қишлоқ жа-

моасида жамоа вакиллиги ҳисобланади. Шундай қилиб, Шарқий Германияда янги давлат тузумининг пойдевори яратилди. Давлатнинг моҳияти ишчи ва деҳқонларнинг инқилобий-демократик диктатурасидан иборат деб ҳисобланса-да, у Совет давлати таъсири остидаги давлат эди.

АҚШ ва Англия ҳукуматларининг Ялта ва Потсдам конференциялари қарорларини бажаришдан бош тортиши немис халқининг бирлашиш учун ҳаракати кучайишига олиб келди. ГБИПнинг ташаббуси билан 1947 йил 6 декабрда Берлинда 1-немис халқ конгресси чақирилди, унда ҳамма оккупация зоналардан делегатлар қатнашди. Мазкур конгресс адолатли сулҳ тузиш ва Германиянинг бирлигини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо Ғарб давлатлари буни рад этди. 1948 йили 2-конгресс доимий орган сифатида Немис халқ кенгашини сайлади ҳамда унга Умумгерман Демократик Республикаси конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди. Бу лойиҳа 1949 йил 30 майда 3-немис халқ конгресси томонидан тасдиқланди. Конституцияга биноан, Германиядаги ҳамма прогрессив кучларни бирлаштирувчи Германия миллий fronti ташкил қилинди ҳамда бутун немис халқининг ваколатли органи бўлган Немис халқ кенгаши сайлади. Халқ кенгаши 1949 йил 7 октябрда ГДР тузилганини, ўзини давлат ҳокимиятининг олий органи деб эълон қилди. Ерларнинг вақтли палаталари ташкил этилиб, «Германиянинг вақтли ҳукумати тўғрисида» қонун қабул қилинди. 1949 йил 11 октябрда ерларнинг вақтли палата ва вақтли халқ палатасининг биргаликдаги мажлисида президент сайланди, унинг топшириғи билан 12 октябрда биринчи коалицион ҳукумат тузилди. Унинг таркибига 8 ГБИП аъзоси, 4 ХДИ вакили, 3 ЛДБП ва биттадан ГКП ва 4 ГДП вакиллари, 1 та партиясиз киши кирди.

Германиянинг 1990 йил 31 августдаги шартномага биноан қайта бирлашуви. Германиянинг бирлашуви ГДРда сўнгги тўрт йилдан бери давом этган чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий инқироз туфайли пишиб етилди. 1989 йил октябридан 1990 йил октябригача бу жараён давом этиб, Европанинг сиёсий харитасида янги бирлашган 78 млн аҳолили давлат-

нинг вужудга келиши билан тугади. ГДРда ўта марказлашган бошқариш тизими иқтисоднинг динамик ривожланишини таъминлашга тўла яроқсиз эканлигини кўрсатди. Саноат молларини етказиб беришда узилиш, инфляция чуқурлашиб кетди, немислар иқтисоди яхши Фарбга қараб кета бошладилар. 1989 йил май ойида Венгрия – Австрия чегараларининг очилиши туфайли, шарқдаги немисларнинг Венгрия чегаралари орқали қочиб кетиши кўпайди. Ана шу воқелардан кейин 18 йил танаффуссиз мамлакатни бошқарган ГБИПнинг бош котиби Э.Хонеккер вазифасидан олинди. Шарқий Европада бошланган тинч инқилобий жараёнлар туфайли, 1989 йил ноябрида Шарқий Германияда 1 млн киши қатнашган намойишдан сўнг, чегаралар очилди. Ана шундай шароитда Германиянинг бирлашиши масаласи юзага келди. Фарбий Германия канцлери Г.Коль бундестагда нутқ сўзлаб, иккала немис давлатининг ўзаро муносабатларини ривожлантиришнинг 10 бандини баён қилди. Бу дастурда шарқий немисларнинг фарбга келишларига кўмаклашиш учун валюта фондини ташкил қилиш, шартнома асосида уларнинг ҳамжамиятлари, институтларини тузиш, келгусида Германияни конфедератив асосларда бирлаштириш фикрлари билдирилганди. Бунинг учун ГДР мажбурий тартибда «иқтисодий ва сиёсий тизимини ўзгартириши» лозимлиги кўрсатилди. Бу ГДРнинг давлат раҳбарияти ва мухолифдаги гуруҳлар билан конституцияни ўзгартириш, социалистик бўлмаган партияларнинг иштирокида янги сайловлар ўтказиш учун янги қонун қабул қилишга келишишини назарда тутарди. ГДР бош министри Г.Модров 2 – 3 йил мобайнида аста-секинлик билан ГДРнинг ютуқларини ҳам ҳисобга олиб бирлашиш ғоясини илгари сурди, аммо у қабул қилинмади. Германиянинг қайта бирлашуви тинчлик асосида шартномавий бирлашиш йўлидан борди. 1990 йил 18 майда «Иқтисодий, социал ва валюта унияси ҳақида»ги шартнома кучга кириб, пул ислоҳоти ўтказилди. ГДР маркаси дойч маркага алмаштирилди. ГДР иқтисодига ёрдам фонди ташкил қилинди.

Бу борадаги иккинчи қадам 1990 йил августида ГДР ва ГФР ўртасида сайловлар вақтида ягона ҳуқуқий унификацияга эри-

шиш учун «ягона сайлов ҳудуди» жорий этилди. Яъни сайловлар фақат ГФР қонунлари асосида ўтказиладиган бўлди. 1990 йил 23 августда ГДР халқ палатаси ГФРга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди. 1990 йил 31 августда қўшилиш ҳақидаги шартнома иккала томондан ҳам имзоланди.

13 сентябрда ГДР халқ палатаси, кейинчалик бундестаг ва бундесрат томонидан ратификация қилинди. Унга кўра, янгидан қўшимча бешта янги ерлар 1990 йил 3 октябрдан ГФР таркибига кирарди. Шартномада ер ислохотларини ўтказиш, ГФРнинг социал таъминотидан фойдаланиш, иложи борича хусусий мулкни қайтариб бериш белгиланди. Қайта бирлашишдан кейин ГФРнинг 1949 йилги конституциясига ўзгартириш киритиш учун конституциявий комиссия тузилди. Унга тўрт буюк давлатнинг 1990 йил 12 сентябрда 2+4 мақомидаги Москвада имзоланган асосий келушув ҳужжати Германиянинг бирлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни белгиловчи ҳужжат, асос бўлди. Мазкур ҳужжатда Германия чегараларининг бузилмаслиги (1-м.) мустаҳкамланди. 2 – 3-моддалар ГФРда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқишлидини ман этди. Унинг доирасида «тинчлик ёйилиши учун қуролли кучлар сонини қисқартириш» назарда тутилди. 4 – 5-моддаларда то 1994 йилгача унинг доирасида вақтинча кенгаш қўшинларининг сақланиши кўрсатилди. Бирлашув жараёни тезда ГДР қисмидаги сиёсий, иқтисодий, психологик зиддиятларни олиб ташлади. ГДР иқтисодини тиклаш мураккаб кечди. 1990 йил 17 июлда «Жамоат мулкни хусусийлаштириш ва қайта ташкил қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинганди. ГДРда меҳнат унумдорлиги ГФРга нисбатан 40% ни ташкил қиларди. 1990 йили бирлашган Бундестагнинг биринчи мажлисида қўшилган ерлардаги саноат корхоналарини янги технологияга мослаш (модернизация) масаласи кўрилди.

Режали тасарруф этувчи иқтисод ўрнига бозор иқтисодини яратиш Фарбий Германия қонунлари ва кўрсатмаларини билмаган шарқий немислар учун ҳал қилиб бўлмас вазифа бўлиб кўринди. Лекин шарқий муассасалар учун ҳам фарбий муассасалар олдига қўйилган талаблар қўйилди.

4. Италия давлати ва ҳуқуқи

Италияда фашистик диктатуранинг ўрнатилиши. 1861 йили ўша даврдаги мавжуд бўлган италян давлатлари бирлаштирилди. 1870 йили Папа вилоятининг қўшилиши билан, Италия миллий давлати тарихи бошланади.

Италия Биринчи жаҳон урушидан иқтисодий жиҳатдан тўлатўкис талон-торожга учраб, иқтисодий заиф ҳолатда чиқди. Мамлакатнинг sanoati, молияси издан чиқиб, қашшоқлик, ишсизлик кўпайди. 1919 йилги сайловларда социалистлар 31% овоз олишга эришди. 1920 йили ишчилар завод-фабрикаларни, деҳқонлар эса ерларни эгаллаб ола бошладилар. Буларнинг бари инқилобий вазиятдан дарак берарди. Айрим корхоналар 3 ҳафтагача (Туринда) ишчилар бошқаруви остида бўлди.

Ишчиларнинг ташкилий чиқишлари, айниқса, 1922 йил августдаги умумий сиёсий стачка ҳукмрон доираларни ён беришга мажбур қилди. Худди шу вақтларда илгари социалистик партиядан қувилган Муссолини фашистик партиyani тузади. Партиёга офицерлар, майда савдогарлар, жиноятчи унсурлар, шовинистик кайфиятдаги ёшларнинг бир қисми кирди. Фашистлар¹ дастлаб ишчиларни социалистик ҳаракатдан оғдириб олиш учун худди Германиядагидек радикал дастурни илгари сурдилар, жумладан, Таъсис мажлиси чақириниш, 8 соатлик иш куни жорий этиш, умумий, тенг сайлов ҳуқуқини ўрнатиш, хотин-қизлар билан эркакларнинг ҳуқуқини баробарлаштириш ғоялари илгари сурилди. Фашистлар ишчилар клубларини, халқ уйларини, босмахоналарни бузиб ёндирдилар, ҳукумат эса уларга қарши курашиш, қарши туриш ўрнига уларни қўллаб-қувватларди. **«Саноатчиларнинг умумфедерацияси»** уларга катта маблағлар берди. 1922 йили фашистик партия раҳбарлари ҳокимиятни эгаллаш комитетини тузиб, 40 минг кишидан иборат отряд – **«қора кўйлакчилар»**ни Римга юборди. Ҳукумат фашистларни ўққа тутиши мумкин эди. Аммо қирол фашистик партия бошлиғи Муссолинини бош министрликка тайинлаш тўғрисида қарор қилди.

¹ Фашист «фашио» – «тўда», «боғлам» сўзидан олинган.

Янги ҳукумат ўз фаолиятини демократик ташкилотларни таъқиб этиш, «Бўш ётган ерларни эгаллаб олиш тўғрисида»ги қонунни бекор қилиш, касаба уюшмаларини давлат назорати остига олишдан бошлади. Фашистик гуруҳлар давлатнинг жазоловчи қўшинлари сафини тўлдирди. 1923 йили қонун қабул қилиниб, унга биноан, овознинг 1/4 қисмини олган партия ҳамма депутатлик мандатларини эгаллаши қонунийлаштирилди. Натижада 1924 йилги сайловларда 12 миллион овоздан 4 миллионини фашистик йўналишдаги партиялар олди. Бу даврда меҳнаткашлар оммаси фашизмни афдариб ташлашга тайёр бўлса-да, социалистлар, республикачилар, популярлар парламентни ташлаб кетиш, бойкот эълон қилишни лозим деб топди. Бу эса фашистларга жуда қўл келди. Коммунистларнинг антифашистик иттифоқни ташкил қилишга уриниши наф келтирмади. 1925 йил 24 декабрда «Ҳукумат бошлиғининг ваколати ва имкониятлари тўғрисида»ги қонуннинг чиқиши билан, парламент узил-кесил қонунчилик вазифасини йўқотди. Муссолини парламентдан ташқари декретлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди. «Фавқулодда қонунлар» бирин-кетин чиқа бошлади. Касаба уюшмалари (давлат, фашистик касаба уюшмаларидан ташқари), сиёсий партиялар тақиқланди, сиёсий жиноятлар учун ўлим жазоси тикланди. Коммунистик партия қонундан ташқари деб эълон қилинди, маъмурий сургун жазоси тикланди. Фашистик диктатура даврида Пьемонт уложениyasi (1871) бекор қилинмаганди. Унда бош министр қирол олдида жавобгар эканлиги белгиланган, аммо бу нарса амалда ҳеч ким томонидан эслатилмасди. Муссолини министрларни ўз хоҳиши билан тасдиқлар ва бўшатар, министрлар унинг ёрдамчиларига айланиб қолганди. Унинг ўзи эса 1936 йилгача 7 министрлик постини эгаллаганди. Парламентга сайловлар қуйидагича ўтказиларди: а) турли фашистик иттифоқларнинг раҳбарий марказларидан номзодлар кўрсатиш; б) фашизмнинг катта миллий кенгаши (партия штаби) кўрсатилганлардан 400 депутатни танлаб олган; в) сайловчилар эса фақат уларни тасдиқлаганлар.

21 ёшга тўлган эркаклар касаба уюшма ажратмалари ва 100 лир миқдорда солиқ тўласа, қимматбаҳо (давлат ёки банк) қоғозларига эгалик қилса, черков клеркига тааллуқли бўлса сайлов

ҳуқуқига эришган. Фашистик партия давлат аппаратининг таркибий қисмига айланди. Унинг катта кенгаши тайинланган аъзолар ва мансабдор амалдорлардан бўлиб қолди. Фашистик диктатуранинг белгиларидан бири унинг террорга асосланганидир. Қасамхўрлар суди тугатилди. Алоҳида трибуналлар жорий қилинди. 1926 – 1934 йиллардаги қонунларга биноан мамлакатда **корпоратив** давлат ташкил топди. Унинг расмий мақсади капитал билан меҳнатни яраштириш, амалда монополияларнинг сиёсий ҳукмронлигини таъминлашдан иборат эди.

Мамлакат саноати тармоқлари бўйича 22 корпорация ташкил қилинди. Уларнинг ҳар бири таркибида фашистик касаба ва соҳибкорлик уюшмалари бўлиб, барининг раиси Муссолини эди. Қонун корпорацияларга меҳнат шароитини, иш соатини белгилаш, меҳнат низоларини ҳал этиш, ҳуқуқий иш ташлашлар тақиқланди ва бостирилди. 1930 йили корпорациялар миллий кенгаши қарорига асосан ишчиларга иш ҳақи 8 – 25% га камайтирилди. Бундай тузумни ўрнатиш Муссолинига 1938 йили парламентни йўққа чиқариш имконини берди. 1939 йили унинг ўрнига фашистик ташкилотлар ва корпорацияларнинг палатаси тузилди, унинг аъзолари Муссолини томонидан тайинланарди. Ташкилотнинг вазифаси қонунлар чиқаришда ҳукумат билан ҳамкорлик қилишдан иборат эди. Бошқа кўпгина давлатларда бўлгани каби, бу ерда ҳам монополиялар давлат билан чирмашиб кетди. Муссолини ва Чинанонинг ўзлари ҳам «Монтекантини» кимё концерни контроль пакетини ўз қўлларида тўплагандилар (160 млн лир даромад, 1939). Италия ташқи экспансияни кучайтириб, 1936 йили Абиссинини, 1939 йили Албанияни босиб олди. 1940 йили июлда фашистик блок иштирокчиси сифатида Англия ва Францияга, кейинроқ Грецияга уруш эълон қилди. Германиянинг энг яқин сафдоши бўлган Италия биринчи бўлиб Иккинчи жаҳон урушидан чиқди.

Иттифоқчиларнинг Сицилияга қўшин тушириши Муссолинини ёрдам сўрашга мажбур қилди, аммо Гитлер энди унга ёрдам беролмасди. 1943 йил июлида чақирилган катта фашистик кенгаш олий қўмондонликнинг қирол қўлига ўтгани, Муссолини вазифасидан туширилгани тўғрисида қарор қабул қилди. Муссолини қамоққа олинди. Омманинг инқилобий ҳаракати кучайиб кет-

ди. Халқ бутун Италия бўйича иш ташлашлар ва намойиш уюштириб, сиёсий маҳбусларни озод қилди. Муссолини ўрнига келган маршал Бадолье ҳукумати халқнинг сиқуви остида фашистик партияни ва касаба уюшмаларни тугатишга мажбур бўлди. 1943 йил сентябрида Италия сўзсиз таслим бўлганлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Аммо немислар Шимолий Италия ва Римни ҳали оккупация қилиб турарди. Шунинг учун уларга қарши курашга чиқиш муваффақиятли бўлишини таъминлаш мақсадида компартия бошқа бешта антифашистик партия билан ягона фронтга бирлашди. 1944 йил апрель ойида Италияда коммунистлар ва социалистлар иштирокида янги ҳукумат тузилди. 1943 йили бошланган миллий-озодлик ҳаракати бутун Италияга ёйилди. Ҳаракат антифашистик кўриниш олди. 1944 йил апрель ойида Шимолий Италия миллий-озодлик комитети умумий иш ташлаш ва қўзғолон кўтариш тўғрисида буйруқ берди.

Миландаги қўзғолон бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Англия-Америка қўшинлари келгунга қадар, Шимолий Италия 125 шаҳар ва аҳоли пунктини немислардан озод қилганди. Италия худудининг Англия-Америка қўшинлари томонидан оккупация қилиниши Италия қаршилиқ кўрсатиш марказининг социалистик дастурини амалга оширишга тўсқинлик қилди. Инқилоб фақат озодлик инқилобидан иборат бўлиб қолди. Юзага келган шароитда урушдан кейин антифашистик партиялар иттифоқи вақтли ҳукуматни туздилар. Фашистлар билан ҳамкорлик қилиб ўз обрўсини тўккан қирол Виктор Эммануэл тахтдан воз кечди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Италия давлатининг ривожланиши. 1946 йил июнида Италиянинг бошқариш шаклини аниқлаш бўйича референдум ўтказилди. Унда 12 млн киши республика учун, 10 млн киши монархия учун овоз берди. Таъсис мажлисларида, асосан, христиан демократлар (35%), социалистлар (21%), коммунистлар (19%) қатнашди. Таъсис мажлисидаги баҳслардан кейин 1947 йил 22 декабрда Италия Республикасининг конституцияси тасдиқланиб, 1948 йил 1 январдан кучга киритилди.

Сайлов тўғрисида қонун чиқиб, тенг, яширин, тўғри пропорционал сайлов жорий этилди. Монархия умумхалқ референдуми йўли

билан ағдарилди. Конституция Италияда буржуа-демократик республикани эълон қилган. У миллат суверенитети, фуқароларнинг ирқи, жинси, тили, сиёсий эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар тенглигини қонунийлаштирди. Меҳнат қилиш ҳуқуқи, мажлислар эркинлиги, уюшмалар, матбуот эркинлиги, диний эътиқод, шахс дахлсизлиги эълон қилинди. Ватиканнинг мустақиллиги тўғрисидаги шартномалар дахлсизлиги тақиқланди.

Қонунчилик ҳокимияти икки палатали (депутатлар палатаси ва сенат) парламентга берилди. Қуйи палата умумий сайлов йўли билан 5 йилга, сенат эса вилоятларнинг ваколатли органлари томонидан сайланарди. Депутатлар палатаси аъзолари учун 25 ёш, сенатлар учун 40 ёш цензи белгиланди. Фақат парламентгина уруш эълон қилиш, солиқларни белгилаш, бюджетни тасдиқлаш, муҳим халқаро шартномаларни ратификация қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳукумат парламент олдида жавобгар эди. Давлат бошлиғи – президент 50 ёшдан кичик бўлмаслиги керак, иккала палата мажлисларида 7 йил муддатга сайланган. Президент армия қўмондони ҳисобланиб, қонунларни эълон қилган, декретлар, қарорлар қабул қилган. Палаталар раислари розилиги билан парламентни тарқатган. Муассасалар ўртасидаги муҳим масалалар бўйича низоларни ҳал этиш учун ҳамда қонунларнинг конституцияга мослигини аниқлаш учун конституциявий суд ташкил қилинган. Президент бош министрни тайинлаган ва парламент қонунларига «кечиктирувчи вето» ҳуқуқига эга бўлган. 1947 йилги конституциянинг тасдиқланиши демократик кучларнинг катта ютуғи эди. Шу йилнинг май ойида Италия реакцион кучлари уруш вақтида вужудга келган коалицияни бўлиб, демократияга қарши ҳужумга ўтди.

Италия иқтисодининг 2/3 қисмини назорат қилиш 40 йирик компания қўлига ўтди. Кўп марта христиан министрлар демократик конституцияни қайта кўриш, унинг пропорционал сайлов тизимини бекор қилишни талаб этди. Лекин улар ўз мақсадига эришолмади. 1946 йили 4,4 млн ёки 25 фоиз сайловчи компартияга овоз берган. 1969 йил кузида ва 1970 йиллар бошларида шиддатли социал курашлар кечди. Ишчилар корхоналарда ўзларининг ваколатли ташкилотларини туздилар.

Конституцияга кўра, Италия парламентар республика. 1947 йил

22 декабрда қабул қилинган, 1948 йил 1 январда кучга кирган конституция ҳозиргача амалда. Италия парламенти икки палатадан: сенат (322 сенатор), депутатлар палатаси (630 депутат)дан иборат. Конституция 139 моддадан, шунингдек, «Ўтиш даври ва якуний қарорлари» 18 моддадан иборат. Республика бошқариш шаклини, конституциявий тартибини кўриб чиқиш ман этилган. Мамлакат вилоятлар, провинция ва жамоаларга бўлинган. Барча доиравий бирликларда вакиллик органлари ва муниципалитет мажлислари ташкил қилинди. 1953 йили Христиан демократик партия ўз мавқеини яхшилаш мақсадида парламентда янги сайлов қонуни ўтказишга эришди. Унга кўра, 50% дан ошиқ сайловчиларнинг мандатини олган партия 65% депутатлик ўрнини оладиган бўлди. 1963 йили социал-демократлар, республикачилар ва социалистлар иштирокида коалицион ҳукумат тузилди.

Назорат учун саволлар

1. Энг янги тарих давридаги қандай муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни биласиз?
2. Англия ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзига хос томони нимадан иборат?
3. Делегияли қонунчилик нима?
4. Консолидациялашган қонунлар нимани англатади?
5. Англия парламентаризмидаги ўзгаришлар нимадан иборат бўлди?
6. Франциядаги халқ fronti қандай ташкилот?
7. Тўртинчи республика эълон қилинган тарихий шарт-шароитни гапириб беринг.
8. Бешинчи республика қандай вужудга келди?
9. Веймар конституциясига кўра Германиянинг давлат тузуми қандай бўлди?
10. Германиянинг фашистлашиши қай йўсинда борди?
11. Фашистик диктатурани таърифланг.
12. Германиянинг қайта бирлашиши қай йўсинда борди?
13. Урушдан кейинги даврда Италияда чақирилган референдум нимани ҳал қилди?

14. Ўзбекистон конституциясини ишлаб чиқишда Франциядаги қайси республика конституцияси қоидалари ўрганилган?

Ҳуқуқий масала №15

Лондон шаҳрида жойлашган металлургия заводи ишчилари сайлов ҳуқуқининг тенгсизлигига норозилик билдириб иш ташлашлар ўтказишга қарор қилдилар. Бунга жавобан ушбу завод ишчиларининг иш ташлашларни қўллаб-қувватлаб шаҳардаги транспорт корхоналари ҳам ҳамкорликда иш ташлаш, локаут эълон қилдилар. Англия ишчиларининг ушбу ҳаракатларини 1927 йил июль ойидаги «Меҳнат можаролари ва касаба уюшмалар ҳақида»ги қонун асосида таҳлил қилинг. Ушбу ҳаракатлар қонунсиз деб топилса, қайси суд уни кўриб чиқади? Айбдор ташкилот ёки шахсларга нисбатан қандай чоралар қўлланилади? Айбдор бўлган шахсга суднинг айблов акти билан-чи?

Ҳуқуқий масала №16

1. Германия Федератив Республикаси демократик ва социал федератив давлат ҳисобланади.

2. Бутун давлат ҳокимияти халқдан келиб чиқади. У халқ томонидан сайловлар ва овозлар бериш йўли билан, шунингдек, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимият ва одил судловнинг алоҳида органлари воситасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси конституцияси билан таққослаб ўхшаш қоидаларни аниқланг?

Адабиётлар:

1. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.593 – 614, 670 – 691.

2. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.139 – 182.

3. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2006. – С.362 – 467.

4. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.205 – 374.

5. Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Юрист, 2002. – С.420 – 493.

6. Германия Федератив Республикасининг асосий қонуни. Ўзбек, немис ва рус тилларида. – Тошкент, 2005. – Б.46 – 136.

7. Жаҳон мамлакатларининг конституциялари. Кўп томлик / Кириш сўз муаллифлари ва тузувчилар А.Саидов, У.Тожихонов. – Тошкент: Академия, 1998 – 2004.

8. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 2. – М.: Юрист, 1996.

Луғат

Дуче – Италияда фашистик диктатор Ф.Муссолини шундай аталган.

Делегияли қонунчилик – ваколатланган қонунчилик. Англияда парламентнинг маълум турдаги қонунларни чиқариш ваколатини ҳуқуматга ўтказиш.

Веймар конституцияси – 1919 йил июль ойида, ноябрь инқилобидан кейин, Германиянинг Веймар шаҳрида қабул қилинган конституция.

Референдум – давлат аҳамиятига эга энг муҳим масалалар, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш. Умумхалқ сўрови.

Тред-юнионлар – меҳнат бирлашмалари. Англияда ишчи қасаба уюшмалари шу ном билан юритилади.

Тоталитар – маъмурий бошқарувни қонун асосида эмас, ўзбошимчалик асосида олиб борадиган давлат.

Land – ГФРда федерация аъзоси. Бу сўз немис тилида айнан «ер» деган маънони англатади. Аммо «ўлка» деб таржима қилиниши лозим деган фикрлар бор.

14-МАВЗУ. СССР ВА УНИНГ ТАРҚАЛИБ КЕТИШИ. РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Режа

1. 1917 йил октябрдаги давлат тўнтариши.
2. Совет меҳнат ҳуқуқи.
3. Оила ва никоҳ ҳуқуқи.
4. РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси.
5. Собиқ СССРнинг ташкил топиши ва унинг инқирози.
6. Россия Федерациясининг ташкил топиши ва унинг конституцияси.

Таянч иборалар

Октябрь давлат тўнтаришининг шарт-шароитлари. Қўшҳокимиятчилик. Совет давлат ҳокимияти идораларининг ташкил қилиниши. Советлар. БФК, ХХОК. Суд тўғрисидаги декретлар. Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси ва унинг чекланганлиги. Декретлар. Миллий масала. Автономия. Федерация. Меҳнат қонунлари кодекси. Оила ва никоҳ ҳуқуқи. РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси, СССРнинг ташкил топиши. 1924 йилги конституция. Иккинчи жаҳон уруши йилларида давлат ва ҳуқуқ. 80-йиллардаги «қайта қуриш» даври. СССРнинг инқирози. Россия Федерациясининг ўз давлат суверенитетини эълон қилиши. Россия Федерациясининг 1993 йил 12 декабрдаги конституцияси.

1. 1917 йил октябрдаги давлат тўнтариши

Биринчи жаҳон уруши натижасида Россия империясида ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар кучайди. 1917 йил 17 февралда монархия афдарилиб, қўшҳокимиятчилик вужудга келди. Бир томондан муваққат ҳукумат, иккинчи томондан РСДРП(б) таъсирида бўлган ишчи депутатлари советлари мамлакатда устунликка

даъво қиларди. Ана шундай бир вазиятда, 1917 йил 26 июлда, очилган большевиклар партиясининг VI съезди қуролли кўзғолон ўтказишга қарор қилади. 12 октябрда Петроград кенгашида ҳарбий-инқилобий комитет тузилади. 25 октябрда Қишки саройдан ташқари районларнинг ҳаммаси кўзғолончилар қўлига ўтди. Шу куни Бутунроссия советларининг II съезди очилиб, унда 649 делегат қатнашди, шулардан 390 таси большевиклар эди. Съезд «Ишчилар, солдатлар ва деҳқонларга!» номли мурожаат қабул қилиб, давлат ҳокимияти советларга ўтганини эълон қилди. Эски давлат аппаратининг емирилганини ва пролетар диктатураси ўрнатилганини юридик жиҳатдан расмийлаштирди.

Қолаверса, асрлардан бери ер учун кураш олиб бораётган деҳқонларни ўз томонига оғдириб олиш учун «Ер тўғрисида», урушдан безган Россия халқлари талабларини қондириш, шу билан аҳолининг ўзига нисбатан ишончини юзага келтириш учун «Сулҳ ҳақида»ги декретларни қабул қилди.

Деҳқонлар 150 млн га ер олиб, 3 млрд сўм ижара ҳақидан озод қилинди, 300 млн сўмлик помешчиклар инвентарлари деҳқонларга берилди. Аммо кейинчалик турли баҳоналар билан бу ерлар қайтариб олинди. Съезд МИКнинг янги таркибини сайлади. Мамлакатни бошқариш учун Халқ комиссарлари совети (ХКС) тузилди. Ҳукуматни соҳалар бўйича бошқариш органлари: Ҳарбий ва денгиз ишлари, Савдо-саноат, Халқ маорифи, Молия, Ташқи ишлар, Адлия, Почта ва телеграф, Озиқ-овқат, Темир йўл ишлари, Миллатлар иши, Ички ишлар, Ер ишлари ва бошқа комиссарликлар тузилди.

Собиқ Шўролар давлати ва ҳуқуқи тарихи ана шу II съезд давридан бошланади. Бу даврда интеллигенция орасида социалиқтисодий қайта қуриш жуда мураккаб борди. Уларнинг кўпчилиги ўрта кайфиятда эди. 1917 йил 11 ноябрда «**Фуқаролик ишларини бекор қилиш тўғрисида**»ги декрет чиқди. Аграр масаладан кейин Россиянинг умумдавлат ҳаётида миллий масала катта ўрин тутганди. Шу мақсад билан 1917 йил 20 ноябрда «**Россия ва Шарқнинг ҳамма мусулмон меҳнаткашларига**» номли мурожаат чиқди. 1917 йил 17 ноябрда ХКС томонидан Линкинг мануфактурасини миллийлаштириш тўғрисида биринчи қарор

чикди. 1918 йил январидан у режали тус олди. 1918 йил 28 июнда мамлакат саноат муассасаларининг 3/4 қисмини ташкил қилувчи оғир саноат миллийлаштирилди. 1917 йил 14 декабрда Совет давлати банк ишини ўзининг монополияси деб эълон қилди.

1917 йил октябрь ойидаёқ муваққат ҳукумат ағдарилиб, уларнинг органи бўлган Демократик маслаҳат томонидан ташкил қилинган Республика кенгаши тугатилди. Кейинчалик, 1918 йил 7 ноябрда, Таъсис мажлиси ҳам тугатилди. Бу мажлис 1918 йил 5 январда очилиб, **«Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси»** номли большевистик ҳужжатни қабул қилмади. Аксилинқилобчиларнинг Таъсис мажлиси ёрдамида советларни ағдаришга қаратилган ҳаракати барбод бўлди. Шундан кейин илгариги давлат ташкилотлари ўрнига: а) Бутунроссия советларининг съезди; б) унинг марказий ижроия комитети; в) Халқ комиссарлари совети келди.

Дастлаб деҳқон советлари алоҳида эди. III Бутунроссия советлари (ишчи, деҳқон, қизил аскар) съезди 1918 йил 10 январда очилди. 13 январда эса деҳқон советларининг III съезди очилиб, шу заҳоти у ишчи ва солдат депутатлари советлари билан бирлашди. Шундай қилиб, ягона олий ҳокимият органи – Бутунроссия марказий ижроия комитети (БРМИК) вужудга келди. Съезд **«Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси»**ни ҳамда унга қўшимча **«Россия республикасининг федератив органлари»** тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Совет ҳукумати **«Ишчи ва деҳқон Россия совет республикасининг ҳукумати»** деб аталадиган бўлди.

Шундай қилиб, БРМИК олий давлат ҳокимият органи ҳисобланди. Унинг мажлиси аъзоларининг камида ярми иштирокида ҳафтада бир-икки марта, кичик мажлиси унинг президиуми томонидан керак бўлганда аъзоларининг 1/4 қисми ҳозирлигида ёки аъзоларининг 10 таси талаби билан ҳам чақириларди. Президиум БРМИК аъзоларининг 1/10 миқдоридан сайланган ва у ижро органи ҳисобланган. Олий ҳокимият ва бошқарув органи ХКС бўлиб, у ўзи декрет ҳам чиқарарди. Тармоқлар бўйича бошқариш халқ комиссарликлари томонидан олиб борилган. 1917 йил декабрида маҳаллий бошқаришни йўлга қўйиш учун **Маҳаллий бо-**

шқариш халқ комиссарлиги ташкил қилинди. Аслида, маҳаллий бошқаришни ички ишлар халқ комиссарлиги олиб борди.

1917 йил 24 декабрда «**Кенгашларнинг ҳуқуқлари тўғриси**»да инструкция чиқиб, жойларда ҳокимият губерния, уезд ва волость советлари съездига, шунингдек, шаҳар ва қишлоқ советларига тегишли эди. Ушбу давлатнинг муҳим идораларидан бири Ҳарбий-инқилобий комитет бўлиб, у дастлаб Петроград совети ҳузурида тузилган ва унда: а) тергов-юримдик бўлим; б) реквизиция; в) ички ва ташқи алоқалар; г) информация-ташвиқот бўлимлари бор эди. Ташкилот, асосан, аксилинқилобчиларга қарши кураш олиб борган. 1917 йил 7 декабрда ХКС қарори билан **Бутунроссия фавқулдда комиссияси** (БФК) ташкил қилинди, унга: бутун Россия ҳудудида аксилинқилобий ва саботаж ҳаракатларининг олдини олиш, уларни инқилобий трибуналга бериш вазифалари юкланди. БФК бошида президиум турган, унинг раиси, икки ўринбосари ва котиблари бўлган. Ташкилотнинг: а) информация; б) ташкилий; в) саботаж ва аксилинқилобга қарши; г) мансабдорлик жиноятларига қарши бўлимлари бор эди. Армиядаги аксилинқилобий ҳолатлар ва саботажларга қарши алоҳида бўлим бўлган. 1918 йили жойларда 40 губерния, 365 уезд фавқулдда комиссияси ишларди. ВЧК вакили Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегиясига кирган. У мусодара қилиш, озик-овқат карточкасидан маҳрум этиш, халқ душманлари рўйхатини тузиш ва эълон қилиш ҳуқуқларига эга эди. Кейинчалик унга отиб ўлдириш ҳуқуқи ҳам берилди.

Бутунроссия советлари съездида ҳарбий ва флот ишлари комитети ва Ишчи-деҳқон қизил армиясини ташкил қилувчи вақтли бюро тузилди. 1918 йил 15 январда «Армияни ташкил қилиш тўғрисида»ги декрет ХКС томонидан тасдиқланди. Армияга 18 ёшга тўлган меҳнаткашлар вакиллари, советлар тарафида турган, ўз хоҳишини билдирган, ташкилотдан тавсия олган кишилар қабул қилинди.

1917 йил 28 октябрда Ички ишлар халқ комиссарлигининг «Ишчи милицияси тўғрисидаги» қарори чиқди. Кенгашлар ҳузурида милициялар тузилди. 1918 йил баҳоригача эски милициялар тугатилди. 6 – 7 ноябрдаёқ район совети, касаба уюшма, уй

комитети томонидан 5 кишидан иборат таркибда Петрограднинг Виборг районида Виборг район халқ суди сайланди. Новгород, Череновецкий, Кузнецкийда губерния ижроия комитетлари томонидан сайланган доимий судьялар ва маслаҳатчилар вужудга келди. Фарбий вилоятларда трибуналлар ҳамда ҳарбий-инқилобий халқ-маъмурий судлари тузилди. 1917 йил 22 ноябрда ХКС МИКни четлаб ўтиб, суд ҳақида биринчи декретни тасдиқлади. Бу декрет эски адлия тартиботини синдирди. Округ судлари, суд терговчилари, подшо прокуратураси ва адвокатураси тугатилди. 1917 йил ноябрида сенат, бош ҳарбий суд, ҳарбий назорат прокурори, ҳарбий тергов, Петроград тижорат суди тугатилди. **Суд тўғрисидаги 1-декрет**га асосан маҳаллий судлар ва инқилобий трибуналлар ташкил қилинди. Судлар аҳоли томонидан сайланадиган бўлди. Кенгашлар маслаҳатчилар рўйхатини тузиб чиқишлари керак эди. Армияда маҳаллий судлар полк комитетлари томонидан сайланадиган бўлди. Шикоят бериш учун уездлар ва марказий маҳаллий судлар съездлари ташкил этилди.

Аксининқилобий кучларга қарши курашиш мақсадида инқилобий трибуналлар тузилди. Уларнинг аъзолари ва маслаҳатчилари советлар томонидан сайланадиган бўлди. Дастлабки терговни олиб бориш учун советларда алоҳида тергов комиссиялари ташкил қилинди: 1917 йил 19 декабрда инқилобий трибуналларда жамоат айбловчиси ва ҳимоячиси ташкил қилинди. Хуллас, мазкур декрет умумий ва алоҳида судларни тузди. 1918 йил 15 февралда **Суд тўғрисидаги 2-декрет** чиқди. Округ халқ судлари ташкил қилинди. Бу суд бир нечта судларни ўз ичига олиб, фуқаролик ва жиноий ишлар бўлимларига эга эди. Суд ва бўлим раислари суд аъзоларининг умумий мажлисида сайлаб қўйилган. Алоҳида ишларни тергов қилувчи тергов комиссияси советлар томонидан 3 киши таркибда сайланадиган бўлди. 1918 йил 28 январда «Матбуот трибунали тўғрисида», 1917 йил 16 ноябрда «Ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати тўғрисида» низомлар чиқди. Районларда ишчи назоратининг маҳаллий кенгашлари ташкил этилди. Касаба уюшма, фабрика, завод комитетлари вакиллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар ва низолар-

ни ҳал қилган. Бутунроссия ишчи назорати совети унинг юқори органи эди. Иқтисодни ташкил қилиш ва халқ хўжалигини режаллаш бошқариш мақсадида 1917 йил декабрида Халқ хўжалиги олий кенгаши (ХХОК) тузилди. Унинг президиуми ва 15 кишидан иборат бюроси мавжуд бўлиб, мусодара, реквизиция қилиш, мамлакат иқтисодий ҳаётини бошқариш режаларини ишлаб чиқиш каби ҳуқуқларга эга эди.

1917 йил июнида Бутунроссия советларининг I съезди расман миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилганди. Гарчи инқилоб миллий масалани ҳал этолмаган бўлсада, ноябрь ойи бошида 1917 йили қабул қилинган «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» бу борада катта роль ўйнади. «Чоризм даврида, – дейилади декларацияда, – халқлар бир-бирига гижгижлатиларди, натижада бир-бирини қирғин қилиш, қулликка солиш вужудга келарди. Бу уятли сиёсат эди, йўқ, энди бундай заҳарлаш қайтмайди. Энди у Россия халқларининг эркин ва хоҳиши билан, тўғри иттифоқ сиёсати билан алмаштирилиши лозим».

II съезд Россия халқларининг бу ажралмас ҳуқуқини қатъий ва аниқ таъкидлади. Мана шу съездлар қарорларини ҳисобга олиб ХКС миллий масала соҳасидаги ўз фаолияти асосига қуйидагиларни қўйишга қарор қилди: а) Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; б) уларнинг то мустақил давлат тузиб ажралгунга қадар ўз тақдирини ўзи белгилашлари; в) ҳамма миллий, миллий-диний чегараланиш ва имтиёзларни бекор қилиш; г) Россия доирасида яшовчи миллат ва этник гуруҳларнинг озод ривожланиши.

Июнь ойида Тува ўз мустақиллигини эълон қилиб (Урянхой ўлка кенгаши қарори), бу ерда халқ демократик давлати ўрнатилди. Украина ўз мустақиллигини эълон қилди. У Россия ҳудудидаги иккинчи мустақил республика эди. 1917 йил 11 декабрда 1-Бутунукраина советлари съезди бўлиб, унда болшевиклар раҳбарлик ролини ўйнади. Съезд Украина совет республикаси тузилганини эълон қилди. Украина МИК сайланди, унинг кўпчилиги болшевиклар эди. МИК Украина ҳукумати халқ комиссарлиги, тармоқ бошқарувида 13 котиблик ташкил қилинди. УССР би-

лан Россия совет республикаси ўртасидаги ҳуқуқий ҳолат аниқ ўрнатилмаганди. Россия совет республикаси амалда унитар республика эди. Маъмурий-худудий бирликларга бўлинган бўлиб, унинг бошида маҳаллий ҳокимият турарди.

Латвия советлари аҳолиси латиш бўлган худудларни бирлаштириб автономия тузди. Эстонияда ҳам миллий давлат тузишга уриниб кўрилди, лекин ҳеч нарсага эришиб бўлмади, чунки Латвия ва Эстония немислар томонидан босиб олинганди.

РСФСРда советларнинг II – III съездлари орасида унитаризмдан федерал республикага ўтишга тайёргарлик кўрилди. «**Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси**» Россия республикасини федератив давлат деб эълон қилди. Федерация қурилиши РСФСРда автоном бирликлар тузишдан бошланди. Биринчи йирик автоном республика – Туркистон АССР ташкил топди. 1918 йил январь ойида чақирилган Умумтуркистон ўлка советларининг IV съезди автономия тузиш мақсадини, шу йилнинг 30 апрелидаги V съезд эса Туркистон АССР тузилганини эълон қилди. Россиянинг автоном қисми сифатида, 1917 йил ноябрда Терек республикаси ташкил қилингандан кейин, муваққат Терек-Доғистон ҳукумати тузилди.

Аммо большевистик ҳукуматнинг асосий мақсади Россия империясининг деярли беш юз йиллик мустамлакачилик сиёсати натижасида эгалланган ёки турли найранглар билан кўшиб олинган халқларига мустақиллик бериш эмас, қандай бўлмасин бу ўлкалардаги халқларни энди «қизил империя»нинг таъсир доирасида тутиб туриш эди. Гарчи инқилобнинг дастлабки йилларида «халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи» эълон қилинган бўлса-да, бу фақат совет ҳокимиятининг обрўсини ошириш мақсадида кўрилган бир чора эди, холос. Аслида, ният уларни кўзга кўринмас иплар билан боғлаб «қизил империя»га хизмат қилдириш бўлган. Шунинг учун айрим тарихчилар рус большевиклари томонидан миллий ўлкаларнинг босиб олингани ҳақидаги назарияни илгари сурди. Буни, албатта, Қўқон мухторияти ва Туркистон АССР мисолида яққол кўриш мумкин.

2. Совет меҳнат ҳуқуқи

Меҳнат қонунчилиги эски меҳнат муносабатларини йўқотиш, янги меҳнат муносабатларини, жамоа шартномаларини жорий қилиш, меҳнат муҳофазасини уюштириш жараёнида вужудга келди. Меҳнатга яраша тақсимот принципини ўрнатиб, аввалги ҳукмрон доираларни чеклади ва ишлаб чиқаришни тиклашга ёрдам берди, давлатнинг хўжалик-ташкилотчилик, маданий-тарбиявий функциясини амалга оширишга қўмаклашди.

Бу борадаги биринчи ҳужжат ХКСнинг 1917 йил 29 октябрдаги «8 соатлик иш куни тўғрисида»ги декретидир. Декрет иш вақти ва тушлиқдан ташқари 8 соатдан ошиқ бўлмаслигини ўрнатди. 18 ёшгача бўлган болаларга иш вақти 6 соатгача қисқартирилди, 18 ёшга етмаган шахслар ва аёлларни ер ости ишларига жалб этиш тақиқланди. 14 ёшга етган кишиларгина ёлланиб ишлашлари мустаҳкамланди. Иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари ўрнатилди. 1917 йил ноябрида амалдорларга тўланадиган ошиқча маош ва пенсиялар қирқилди. Почта ходимлари, темирйўлчилар, ўқитувчиларга ҳақ тўлаш яхшиланди. Иш ҳақини тартибга солишни касаба уюшмалари ўз зиммасига олди.

Ишчи-металлистларнинг Петроград иттифоқи металл саноатидаги ишчиларнинг иш ҳақи тариф ставкалари меъёрларини ишлаб чиқди. 1917 йил 1 ноябрда «Социал суғурта тўғрисида» декрет чиқди. Шу йилнинг декабрида «Социал суғуртанинг алоҳида турлари тўғрисида» ҳам декрет чиқиб, касаллик, ногиронлик, зарар кўриш, ҳомиладорлик, ишсизлик вақтида ҳақ тўлаш назарда тутилди. 1916 йил 27 январда ХКСнинг «Меҳнат бирлашмаси ҳақида»ги декрети эълон қилинди. Ишга ёллаш бўйича хусусий воситали идоралар бекор этилиб, меҳнат бирлашмалари ташкил қилинди, унга кенгашлар раҳбарлик қилиб, ишчи кучларининг аниқ ҳисобини олиб борди.

3. Оила ва никоҳ ҳуқуқи

Оила-никоҳ муносабатлари соҳасидаги асосий масала эски оилавий муносабатларни тугатиш ва янгисини жорий этиш эди.

1917 йил 18 декабрда «Фуқаролик никоҳи ва болалар тўғрисида, фуқаролик ҳолати актлари китоби ҳақида»ги декрет 1,5 ойлик муҳокамадан кейин қабул қилинди. Черков никоҳи бекор қилиниб, дунёвий никоҳ белгиланди. Томонлар тенгҳуқуққилиги таъкидланди, томонлар хоҳлаган фамилияни сақлаб қолишлари мумкин бўлди. Никоҳгача туғилган болалар ҳуқуқда никоҳ вақтидаги болаларга тенглаштирилди. Ота-оналар ҳам, болалар ҳам, оталик низоли бўлганда, суд йўли билан аниқланадиган бўлди. Никоҳнинг асосий шарти томонларнинг хоҳиши эди. 16 декабрда «Никоҳни бекор қилиш тўғрисида» декрет қабул қилинди. Никоҳ ФХДЁ органлари томонидан эр-хотиннинг берган аризасига мувофиқ, китобга ёзиб расмийлаштириш билан бекор қилинадиган бўлди. Никоҳни эр ҳам, хотин ҳам талаб асосида бекор қилиши мумкин эди. Никоҳни бекор қилувчи орган томонларни чақириб изоҳ талаб этган. Томонлардан бирининг талаби билан никоҳ бекор қилинганда, дастлаб суднинг болалар ҳақидаги ва алимент ундириш ҳақидаги ажрими талаб этилган. 1918 йил 16 сентябрда МИК томонидан «Фуқаролик ҳолати актлари: никоҳ ва оила, васийлик ҳуқуқи тўғрисида»ги кодекс тасдиқланиб, томонларнинг ҳуқуқлари баён қилинди. Никоҳ ёши эркаклар учун 18, аёллар учун 16 эди. Улардан бирининг тураржойини алмаштириши иккинчисига мажбурий эмас. Икки томон ҳам мулкий муносабатларга киришиши мумкин. Болаларга нисбатан ота-она тенг ҳуқуқларга эга, тарбиялаш уларнинг бурчи. Ота-оналар болаларнинг мулкига, болалар эса ота-оналарнинг мулкига нисбатан ҳуқуққа эга эмаслар. Кодекснинг 183-моддаси ўғил қилиб сақлаб олишни тақиқлади, чунки асранди ўғил никоҳи остида улар меҳнатидан фойдаланиш ҳоллари ҳам мавжуд эди.

4. РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси

Бутунроссия советлари III съезди БРМИКга РСФСРнинг конституцияси лойиҳасини тузиб чиқишни топширганди. Лекин бунга, фақат Брест сулҳи тузилгандан кейингина, эришилди. 1918 йил 1 апрелда конституциявий комиссия тузилиб, унинг лойиҳасини тайёрлаш 5 апрелдан 5 июлгача давом этди. Эсерлар дав-

лат тузилиши асосига ҳудудий принципни қўйишни талаб қилдилар. Эсер-меньшевиклар ҳар қандай вилоятни федератив республика деб эълон қилишни, эсер-максималистлар эса «социалистик республика» деган номнинг ўзини ҳам бекор қилиб, лойиҳадан чиқаришни талаб этдилар. Комиссия мазкур талабларни рад қилгач, эсерлар ва эсер-максималистлар проф. Рейснер лойиҳаси асосида бирлашди. Рейснер (Адлия халқ комиссарлиги) миллатларнинг сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашига қатъий қарши чиқди. У давлат тузилишининг миллий принципи ўз умрини тугатган деб ҳисоблаб, кенгаш федерациясини анархо-синдикалистик тузилиш билан алмаштиришни таклиф қилди. Унинг фикрича, федерация субъекти маҳаллий федератив-жамоа-коммуналардир. Кенгашлар ишлаб чиқариш ассоциациялари вакиллари ва кооператив вакиллардан ташкил топиши керак эди.

Рейснер лойиҳасидан пролетариат диктатураси тўла равишда чиқарилганди. Коммуна ва провинция ҳамда бошқа федератив бирлашмалар фақат хўжалик масалалари билан шуғулланиб, сиёсий масалалардан озод қилиниши керак. Шундан кейин махсус комиссия тузилди. Комиссия Рейснернинг лойиҳасини рад этди ва III съезд кўрсатмалари асосида тузилган лойиҳани қабул қилди. Бу комиссия таклифи билан умумий қоидалар, ХКС тўғрисидаги, сайловлар ўтказиш тўғрисидаги, депутатларни чақириб олиш тўғрисидаги бобларга туб ўзгаришлар киритди.

1918 йил 4 июлида Бутунроссия советларининг V съезди очилиб, унда БРМИК ва ХКС ҳисоботи, озиқ-овқат масалалари, қизил армия ташкил этиш, конституцияни қабул қилиш масалалари кўрилди. 10 июлда съезд қайта ўз ишини тиклаб, конституцияни қабул қилди ва МИКнинг янги таркибини сайлади. Унга кириш қисм сифатида «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси» киритилди, бу ҳужжатга асосан: 1) Россия ишчи-деҳқон ва солдат депутатлари советларининг республикаси; 2) Россия совет республикаси озод миллатларнинг озод иттифоқи асосида, миллий республикаларнинг федерацияси тарзида вужудга келади деб эълон қилинди. Ер, сув, ўрмон, табиий бойликлар миллий бойлик деб эълон қилиниб, банклар

давлат мулкига ўтказиладиган, умумий меҳнат мажбурияти жорий этиладиган бўлди. Федерал ташкилотларда қайси асосларда қатнашишни декларация миллатларнинг ваколатли съездлари ихтиёрига ўзлари ҳал қилишлари учун беради. Конституция декларация, РСФСР конституциясининг умумий қоидалари, совет ҳокимияти конструкцияси, актив ва пассив сайлов ҳуқуқи, бюджет ҳуқуқи, РСФСРнинг герби ва байроғи тўғрисида каби 6 бўлим ва 90 моддадан иборат эди.

Мазкур акт шиддатли кураш жараёнида тузилиб, давлатнинг моҳияти пролетариат диктатураси, сиёсий асоси эса ишчи-деҳқон-солдат советлари эканлигини мустаҳкамлади. Олий ҳокимият органи Бутунроссия ишчи деҳқон-солдат-казак депутатлари советининг съезди экани белгиланди. Съездга шаҳар кенгашларидан 25 минг сайловчидан 1 делегат бўлса, губерналардан 125 мингдан 1 делегат, ҳар бир дивизиядан 1 делегат миқдорида сайланган.

«Россия совет республикаси озод миллатларнинг эркин иттифоқи асосида совет миллий республикаларининг федерацияси шаклида ташкил топиши» назарда тутилди, алоҳида хусусиятлари бўлган, миллий таркибга эга областлар област иттифоқларига бирлашиб, федерация асосида РСФСР таркибига кириши мумкинлиги айтилади. Бутунроссия советларининг съезди ва унинг доимий ишловчи ижро органи – БРМИК конституцияга ўзгартиришлар киритиш, ички ва ташқи алоқаларга раҳбарлик қилиш, РСФСР чегараларини белгилаш, уруш ва сулҳ масалалари, янги республикани РСФСР аъзолигига қабул қилиш, умумдавлат солиқ ва мажбуриятларини белгилаш, қонунчилик, умумий авф бериш каби ваколатларга эга эди. Қонунчилик ҳокимиятини ҳам советларнинг съезди, БРМИК ва ХКС амалга оширган.

Бошқарув ҳокимияти ХКС ҳисобланиб, у съезд ва БРМИК олдида ҳисобдор, декретлар, инструкциялар чиқариш ҳуқуқига эга. Тармоқ бошқаруви халқ комиссарликлари томонидан олиб бориларди. Жойларда ҳокимият область, губерния, волость, уезд советлари, съездлар ўртасида уларнинг ижроия комитетлари қўлида бўлган. Давлатнинг вакиллик идоралари сайловлар асосида ташкил қилинган. Сайлов ҳуқуқидан: а) фойда

олиш мақсадида ёлланма меҳнатдан фойдаланувчилар; б) меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчилар; в) хусусий савдогарлар; г) монахлар, руҳонийлар; д) полиция ва жандарм агентлари хизматкорлари; д) подшо хонадони аъзолари маҳрум этилган.

5. Собиқ СССРнинг ташкил топиши ва унинг инқирози

«Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» номли ҳужжат подшо Россиясининг юздан ошиқ халқларига расман жаҳон афкор оммаси кўзи олдида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Амалда эса миллий давлатларнинг ажралиб чиқишига тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатди. 1922 йил 31 декабрда Москвада СССР советларининг I съезди очилиб, унда асосий масала республикалар иттифоқини вужудга келтириш бўлди. Съездда «**СССР ташкил топиши ҳақида**»ги декларация ва «**СССР ташкил топиши ҳақида**»ги шартнома қабул қилинди. Кейинчалик бу ҳужжатлар 1924 йилги СССРнинг биринчи конституцияси асосига қўйилди. Мазкур иттифоққа дастлаб Украина, Белоруссия, ЗСФСР, РСФСР аъзо бўлиб кирди. Туркистон АССР РСФСР орқали бу иттифоққа кирди. Хива, Бухоро Халқ Республикалари эса, социалистик республикалар бўлмагани учун, унга кирмай, ўзаро тинч-тотувлик ҳақида шартномалар туздилар.

1924 йил январида СССР советларининг II съездида СССР конституцияси лойиҳаси тасдиқланиб кучга киритилди. У икки бўлимдан: СССРнинг ташкил топиши ҳақидаги декларация ҳамда шартномадан иборат эди. Декларацияда Совет давлатининг миллий сиёсати, уни ташкил қилиш сабаблари, унинг раҳбарий қоидалари, расман иттифоққа киришнинг тенг ва эркинлиги, ҳар бир жумҳуриятнинг ўз суверенитети ва эркин ҳолда иттифоқдан чиқа олиш ҳуқуқини сақлаб қолишлари тўғрисида гапирилган, амалда эса бу давлат мавжуд бўлган йилларда бирорта республика ундан ажралиб чиқиб кетолмади.

Шартнома қисми эса 11 боб ва 72 моддадан иборат эди, бунда чет давлатлар билан дипломатик муносабатларни

ҳамда ташқи савдони олиб бориш, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, қуролли кучларга раҳбарлик қилиш, халқ хўжалигини юритиш асосларини белгилаш ҳамда унинг режаларини тузиб чиқиш каби ҳуқуқлар иттифоқ ваколатига берилгани мустаҳкамланди. У дастлаб РСФСР, ЗСФСР, Украина, Белоруссия республикалари таркибида тузилган бўлса, 1925 йили Ўзбекистон ва Туркменистон, 1926 йилдан Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, 1929 йилдан Тожикистон, 1940 йилдан Литва, Латвия, Эстония аъзо бўлиб кирди.

Бу давлат, ўша даврдаги ҳукмрон ғоявийликка кўра, ўз тараққиётида учта даврни босиб ўтган:

Биринчи давр (1917 йил октябрь – 1930 йиллар ўрталари) капитализмдан социализмга ўтиш, социализм қурилиш йиллари, давлатнинг характери пролетариат диктатураси, унинг хусусиятлари РСФСРнинг 1918 йилги, СССРнинг 1924 йилги конституцияларида ўз ифодасини топган.

Иккинчи давр (1930 йиллар ўрталаридан 1950 йиллар биринчи ярмигача). Бу даврга ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати тўғри келиб, унинг хусусиятлари 1936 йилги конституцияда ўз аксини топган. Шу давр ичида мазкур давлат ҳам Иккинчи жаҳон урушига тортилди. Урушнинг катта асоратлари унинг зиммасига тушди. Уруш йилларида давлат ва ҳуқуқда туб ўзгаришлар амалга оширилиб, улар уруш даври талаблари асосида қайта қурилди. Давлатнинг фавқулодда органлари – Давлат мудофаа комитети ва унинг жойлардаги вакиллари, Олий қўмондонликнинг бош ставкаси, ҳарбий трибуналлар ташкил қилинди. Ҳуқуқ борасида шартнома муносабатлари ўрнини ҳарбий буюртмалар олди, иш куни узайтирилиб, меҳнат таътиллари ўрнига компенсациялар жорий этилди. СССР ва унинг иттифоқчилари ғалаба қилган бўлса-да, уруш катта вайроналикларга сабаб бўлди. Уруш оқибатларини совет халқи 1956 йилларгача, ҳатто ундан кейин ҳам фидокорона меҳнати билан бартираф этди.

Учинчи давр (1950 йиллар ўрталаридан 1986 йиллар ўрталаригача) халқ хўжалигининг социал-иқтисодий ривожланишини

жадаллаштириш даври бўлиб, унинг хусусиятлари 1977 йилги конституцияда ва қонунларда ўз аксини топган.

80-йилларда жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини қайта қуришга ва давлатни ислоҳ қилишга интилиш муваффақиятсизликка учради.

Собиқ Совет давлатининг ижтимоий-сиёсий тузуми, иқтисодида 80-йиллар ўрталарига келиб кўпгина зиддиятлар мавжудлиги маълум бўлиб қолди. Уларни ҳал этиш учун ўтказилган «қайта қуриш» сиёсати уларни янада яққол намоён этди. Айниқса, совет сиёсий системаси, иқтисодидаги камчиликлар, миллий муносабатларнинг кескинлашуви СССР давлати ҳамда иттифоқ шартномаси тақдирини ҳал этиб, унинг инқирозини бошлаб берди. Иттифоққа аъзо барча республикалар ўз давлат мустақиллигини эълон қилди. Албатта, республикалар ўртасидаги иттифоқ муносабатларини сақлаб қолиш учун кўп ҳаракатлар қилинди. Аммо 1991 йил 19 – 21 август кунлари Москвада бўлиб ўтган давлат тўнтариши (ГКЧП) натижасида мустақил давлатлар ўртасида янги иттифоқ муносабатларини шакллантириш жараёнини хавф остида қолдирди. Натижада **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги** (МДҲ) ҳақидаги шартномани тайёрлаш, имзолаш тезлашди. МДҲ 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳрида ташкил топди. Унинг вужудга келиши ҳақидаги битимга уч республика: Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари имзо чекди.

6. Россия Федерациясининг ташкил топиши ва унинг конституцияси

Асосий қонун 1993 йил 12 декабрда умумхалқ овози билан қабул қилинган, унга кўра, Россия Федерацияси республика бошқариш шаклидаги федератив демократик-ҳуқуқий давлатдир. Унда инсон ҳуқуқлари ва озодлиги олий қадрият деб танилди. Бу давлатда суверенитет ва ҳокимиятнинг ягона манбаи, унинг эгаси кўп миллатли халқи эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган (2-м.). Конституция 2 қисм, 9 боб, 137 моддадан иборат, биринчи бўлими конституция матнига, иккинчи қисми эса яқунловчи ва ўтиш

билан боғлиқ қоидаларга бағишланган.¹ Унда конституциявий тузилиш асослари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва озодликлари (48-м.), федератив қурилиш, Россия Федерациясининг президенти, Федерал мажлис, Россия Федерациясининг ҳукумати, суд ҳокимияти, маҳаллий бошқарув, конституцияга тўлдиришлар киритиш ва қайта кўриб чиқиш тартиблари белгиланган.

Россия Федерацияси иттифоқ давлати сифатида республикалар, ўлкалар, областлар, федерал аҳамиятдаги шаҳарлар, автоном областлар, автоном округлардан иборат бўлиб, барчаси федерациянинг тенг ҳуқуқли субъектларидир. Конституцияда давлат ҳокимияти қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш асосида амалга оширилиши ўз аксини (10-м.) топган. Асосий қонунга кўра, давлат бошлиғи Россия Федерациясининг президенти бўлиб, у Россия фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан тўрт йилга сайланади. Президентликка номзод этиб 35 ёшга тўлган, ўн йил мамлакат ҳудудида мунтазам яшаган Россия фуқаролари кўрсатилиши мумкин. Президент жуда кенг ҳуқуқ ва ваколатларга эга, шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Конституцияга кўра, қонунчилик ҳокимияти икки палатали Федерал мажлисга тегишли бўлиб, юқори палата Федерация кенгаши, қуйи палата Давлат думасидир. Федерация кенгашига Россия Федерациясининг барча субъектларидан тенг асосларда иккитадан вакил тартибида, Давлат думасига эса аҳоли сонига қараб 450 депутат тўрт йил муддатга сайланади. Парламент доимий ишловчи органдир, федерал қонунлар, асосан, Давлат думасида қабул қилинади. Ижро ҳокимияти президент ва ҳукуматга тегишли, ҳукумат бошлиғи Давлат думасининг розилиги билан Россия Федерацияси президенти томонидан тайинланади. Суд ҳокимияти конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиной судлов тарзида Россия Федерациясининг конституциявий суди, олий суди, олий арбитраж суди томонидан амалга

¹ Конституция матнини қаранг: Конституции мира. Т.4. – Тошкент, 1998. – С.271 – 318.

оширилади. Россия Федерациясида маҳаллий бошқариш фуқаролар томонидан сайлаб қўйилувчи ва бошқа маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи органлар орқали референдумлар, сайловлар ҳамда ўз хоҳиш-иродасини ифода этишнинг бошқа шакллари орқали амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Октябрь давлат тўнтаришининг моҳияти нимадан иборат эди?
2. Дастлабки декретлар ва уларнинг икки томонламали характери нимада?
3. Совет давлатининг жазо идоралари ҳақида нималарни биласиз?
4. Миллийлаштириш нима?
5. Совет ҳуқуқининг манбалари нималардан иборат эди?
6. Советларнинг «қатағон сиёсати» моҳияти ва оқибатлари.
7. Собиқ СССР қандай ташкил топди ва қандай тарихий шарт-шароитларда инқирозга юз тутди?
8. «Қайта қуриш» сиёсати қачон ўтказилди ва қандай оқибатларга олиб келди?
9. ГКЧП – давлат тўнтаришига уриниш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин эди?

Адабиётлар:

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.225 – 239.
2. Муқимов З., Алиқулов А. Совет ҳуқуқи асослари: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Исаев И.А. История государства и права России: Учебник. – М., 1996.
4. Жаҳон мамлакатларининг конституциялари. 8-жилдлик / Кириш сўз муаллифлари ва тузувчилар А.Саидов, У.Тожионов. – Тошкент: Академия, 1998 – 2003.

5. История отечественного государства и права: Учебник. Ч.1 / Под ред. О.И.Чистякова. – М., 1996.

6. История государства и права СССР. – М.: Госюриздат, 1989.

Луғат

Миллийлаштириш (национализация) – саноат корхоналари, ер, хўжалик корхоналари, банкларни давлат мулкига айлан-тириш.

ХКС (Халқ коммисарлари совети) – Совет давлатининг олий ижро этувчи ва фармойиш берувчи органи – ҳукумати.

ХХОК – Халқ хўжалиги олий кенгаши.

БФК – Бутунроссия фавқулодда комиссияси.

15-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА АҚШ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ

Режа

1. Иқтисодий инқироз ва Ф.Рузвельтнинг «янги йўли».
2. АҚШ конституциясига киритилган қўшимча ва тўлдиришлар.
3. АҚШ давлати ва ҳуқуқи Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда.
4. Ҳуқуқ манбаларидаги ўзгаришлар.

Таянч иборалар

Иқтисодий инқироз, Ф.Рузвельтнинг «янги йўли». НИРА, ААА қонунлари. Иқтисодий либерализм принципнинг бузилиши. Давлатнинг иқтисодга аралашуви. Судларнинг меҳнат низоларига аралашувининг тақиқланиши. Вагнер-Конерри, Тафт-Хартли, Смит-Конелли, Хоббс, Хетча қонунлари. Сайловлар ва уларнинг молиялаштирилиши. Суд прецедентлари. Кодекслар. АҚШ ҳуқуқида англ-сакс ва роман-герман ҳуқуқ тизимининг чатишиб кетиши.

1. Иқтисодий инқироз ва Ф.Рузвельтнинг «янги йўли»

1929 – 1933 йиллардаги иқтисодий инқироз ўша даврда ҳам йирик саноат мамлакати бўлган АҚШ иқтисоди асосларини ларзага солди. 1932 йили АҚШ саноати 1929 йилги маҳсулотнинг фақат 54% ни ишлаб чиқди. Шу йили президент сайловлари бўлиб ўтиб, унда бунгача икки марта Нью-Йорк шаҳри губернатори этиб сайланган Франклин Делано Рузвельт (1882 – 1945) АҚШ президенти бўлди. У ўзининг энг яқин сафдошлари билан 1932 – 1945 йилларда позитив социал ислохотларни ўтказиш дастурини ишлаб чиқди ва ҳукумат билан бирга амалга оширди. Пул тизимини тартибга солиш, олтин захирасининг четга чиқишини тақиқлаш, банкларни йириклаштириш, уларга кредит ажратиш чораларини кўрди. 1933 йил 13 июлдаги қонунга кўра, АҚШ иқтисоди 17 гу-

руҳга бўлинди. Инқирозни тугатиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун Миллий конгресс чақирилиб, у 3,5 ой давомида 70 та қонун қабул қилди. Мазкур қонунлар «**эркин рақобат кодекслари**» деб ном олиб, саноатни, қишлоқ хўжалигини, савдони идора қилишни янгилашга қаратилган, буларнинг бари биргаликда Рузвельтнинг «янги йўли» деб аталди.

Иккинчи жаҳон урушигача АҚШда 17 миллион ишсиз мавжуд бўлиб, бу даврда қабул қилинган қонунлардан энг муҳими «Саноатни соғломлаштириш тўғрисида»ги қонун (National Industrial Recovery Act, НИРА қонуни) эди. Мазкур қонун 1933-йил июнь ойида кучга кирди, унга кўра, раис, 55 ўринбосар ҳамда 101 ёрдамчидан иборат **Саноатни қайта тиклаш миллий маъмурия**ти тузилди. Амалга оширилган биринчи тадбир корхоналарни мажбурий равишда картелларга (монопол баҳо ўрнатувчи йирик бирлашма) бирлаштириш бўлди. Иш соати узайтирилиб, иш ҳақи қисқартирилди. Шу билан бирга, ишчиларга коллектив шартномалар тузиш, касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилди. Ишсизликни тугатиш мақсадида 5 млрд доллар ажратилди, янги иш жойларини ташкил қилиш, турли хизматларга жалб этиш қоидалари жорий қилинди. Ушбу қонун бор-йўғи икки йил ҳаракатда бўлди. 1933 йил 12 майда «**Фермерларга ёрдам тўғрисида**» (Agricultural Adjustment Act) қонун чиқарилиб, у қисқартирилган ҳолда ААА қонуни деб аталди.

Қонунга биноан, кўпгина экин ерлари ва моллар, ошиқча хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг ялпи ҳажми қисқартирилди. Ушбу қонун билан бирга «Фермерларнинг қарзларини қайта молиялаштириш ҳақида»ги қонун ҳам қабул қилинди. Федерал банклар уларнинг қарзларини йўқотиш учун 2 млрд доллар ажратди. Қолаверса, «Тупроқнинг ҳосилдорлигини сақлаш», «Ички бозорга квота жорий этиш ҳақида»ги қонунлар қабул қилинди. Шу йўл билан АҚШни ижтимоий инқироздан қутқариш чоралари кўрилди, натижада 1934 йили иқтисодий силжиш бошланди.

1935 йил май ойида АҚШ Олий суди «Саноатни соғломлаштириш қонуни»ни, 1936 йили «Қишлоқ хўжалигини соғломлаштириш ҳақида»ги қонунни конституцияга зид деб топди ва уни ба-

жаришни тўхтатди. АҚШ Олий суди 1935 – 1936 йилларда «янги йўл» давридаги 12 қонунни конституцияга зид деб топди.

«Янги йўл» даврида бир қанча социал қонунлар қабул қилиниб, улардан энг узоқ қўлланилгани 1935 йилги «Социал суғурталаш тўғрисида»ги қонун бўлди. 1938 йили «Ишчи кучларини адолатли ёллаш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Социал қонунлар ичида **Вагнер қонуни** алоҳида аҳамиятга эга.

1889 йил 4 декабрда Жон Шерман трестларга қарши қонун лойиҳасини кўтариб чиққанди. Мазкур қонун ишчиларни трестларнинг саноат бирлашмаларига қарши кураши натижасида вужудга келган бўлиб, аввало, касаба уюшмаларига қарши қаратилганди. Чунки ишчилар ўзларининг бошига тушган барча кулфатларни мана шу трестлардан кўрардилар. Стачка уюштирган касаба уюшмаси ташкилотларига 5 минг доллар жарима солинган. Бу қонун фақат трестларнинг вужудга келишинигина эмас, балки касаба уюшмалари ҳаракатини ҳам чеклаб қўйди. 30-йиллар ўрталаригача, 1890 йили қабул қилинган «Шерман» қонунига кўра, судлар касаба уюшмаларини «штатлар орасидаги савдони барбод қилиш учун тузилган фитна» деб ҳисоблаб келди. Юқоридаги қонунга кўра, судлар касаба уюшма фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарар, унинг аъзоларига жарима соларди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги социал қонунчилик икки йўналишга эга: а) меҳнаткашларга ён беришларни қонуний тан олиш; б) бу ён беришларни чеклаш ёки умуман чиқариб ташлашга интилиш.

АҚШ конституциясига кўра, федерал ҳукумат меҳнат қонунларини қабул қилишга ҳуқуқли эмас, бу ҳуқуқ штатларнинг легислатураларига берилганди. Штат ҳокимиятлари ҳам бутун XIX ва XX аср бошларида бу борада «аралашмаслик» сиёсатини тутиб келди. АҚШ меҳнат қонунчилиги 30-йилларда Европа давлатлариникидан орқада эди. Касаба уюшмалари умуман ҳуқуқсиз ҳолатда бўлган. Меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий курашлари ҳукуматни федерал аҳамиятга эга саноат корхоналаридаги меҳнатни тартибга солишга мажбур қилди. 1920 – 1926 йилларда темир йўл транспортида касаба уюшмаларининг бирлашиши ҳуқуқи қонун йўли билан мустаҳкамланди. Федерал қонунчилик-

нинг кейинги ривожланиши Рузвельтнинг «янги йўли» билан боғланди.

1932 йил 20 мартда конгресс «**Судларнинг меҳнат низоларига аралашилари ҳуқуқини чеклаш тўғрисида**»ги қонунни тасдиқлади. Бу қонун унинг муаллифларининг номи билан Норрис ла Гардиа қонуни деб юритилди. Илгари судлар буйруқ бериб ишчилар стачкаларининг инджакшн тарқалишини талаб қилар ёки уни тақиқлардилар. Бу қонун ана шу ҳуқуқни бекор қилиб: «Қўшма Штатларнинг биронта суди меҳнат низоларини ўзида ифодалаган ёки шундан келиб чиқадиган ишни ҳал қилишда бирор шахсга ёки шахслар гуруҳига бирор ишни бажаришдан бош тортганлиги, бирор ташкилотда туришлигини тақиқлаши мумкин эмас», – деб мустаҳкамлаб қўйди.

Лекин судлар Норрис қонуни тарқалмайди деб ҳисоблаган саноат тармоқларида ишчиларнинг ҳаракатларини бостириш учун буйруқлар беравердилар. 1933 йил иккинчи ярмида 40 инджакшн чиқарилиб, тоғ, қишлоқ хўжалик саноати ишчиларига қарши жарима қўлланди. Рузвельтнинг НИРА қонунидан кейин ишчиларга касаба уюшмаларига бирлашиши, коллектив шартномалар тузиши, корхона эгаларининг президент томонидан белгиланган иш ҳақининг минимумига амал қилишлари қонуний тарзда мустаҳкамланди. Лекин 1935 йил 27 майда АҚШ Олий суди мазкур қонунни конституцияга хилоф деб топди. Аммо ишчиларнинг тинимсиз кураш олиб бориши 1935 йил 5 июлда муаллифлари Вагнер-Конерри номи билан аталган «**Меҳнат муносабатлари тўғрисида миллий қонун**» чиқди. «Тажриба шуни кўрсатдики, – дейилади бу қонуннинг кириш қисмида, – ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилиш, коллектив шартномалар тузиш ва ташкил қилиш иқтисодни зарардан сақлайди». Қонун эркин савдони ривожлантиришга таъсир этувчи ҳолларни тугатишни ўзининг мақсади деб эълон қилди, фақатгина штатлар орасидаги савдога таъсир қиладиган корхоналардаги ишчилар ва корхона эгаларигагина татбиқ этилди. Унинг кучи уй хизматчилари ва ишчилар, маҳсулоти бир штат доирасидан чиқмайдиган корхоналар ишчиларига ёйилмайди. Қонун ишчиларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш, унга аъзо бўлиб кириш, сай-

ланган вакиллари орқали коллектив шартномалар тузиш ва муҳокама қилиш, стачка, бойкот ҳуқуқларини тан олди (7-м.). Ишчиларга мазкур ҳуқуқларни беришдан мақсад уларни сиёсий курашдан иқтисодий кураш йўлига буриб юбориш ҳамда давлат аппарати ёрдамида умуман стачкани йўқотиб, саноатга тинчлик олиб кириш эди.

Ишчиларнинг бу ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида корхона эгаларининг айрим ҳаракатларини «номуносиб меҳнат тажрибаси» деб атади. Қонун мазкур тушунчада нималарни тушуниш кераклигини айтмаган. Амалда эса касаба уюшма аъзоси бўлганлиги учун ишдан бўшатиш, қора рўйхатга ёзиш, ишчиларга қарши жосуслик, штрейкбрехерлардан фойдаланиш, касаба уюшмаларининг маошини қисқартириш, иш ташлашларда қатнашмаслик учун ишчилар алоҳида битим тузиши кабилар юз берган.

Бундан ташқари, корхона эгасининг касаба уюшма вакиллари билан мунозара юритишни рад қилиши, ишчининг корхона эгасига қарши ариза билан идораларга мурожаат этиши туфайли уни камситиши, бўшатиши ҳам номуносиб меҳнат амалиёти ҳисобланган.

Вагнер қонунини амалга ошириш, номуносиб меҳнат амалиётининг олдини олиш, уни тугатиш учун президент томонидан сенатнинг розилиги билан 3 киши таркибида тайинланадиган **Меҳнат муносабатлари миллий бошқармаси** тузилди. Бу идора ўз ташаббуси билан ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмайди, балки ишчиларнинг берган шикоятидан кейин ишни кўришга киришади. Ишни текшириш давомида шикоят тасдиқланса, «номуносиб меҳнат тажрибаси»ни тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Шундай қилиб, Вагнер қонунини ишчиларга бойкот, стачка йўллари билан ўзларининг иқтисодий мақсадларига эришиш ҳуқуқини, касаба уюшмалари билан боғлиқ ҳуқуқларни берди. Натижада ишчи касаба уюшмалари ўсди. Корхона эгалари Вагнер қонунини талваса билан кутиб олдилар. Улар конгрессга мазкур қонунни конституцияга хилоф деб топиш тўғрисида қонун лойиҳаларини юбора бошладилар. Лекин АҚШ Олий суди 1937 йил 12 апрелда уни конституциявий қонун деб тан олишга мажбур бўлди.

1935 йил 14 августда АҚШ тарихида биринчи марта социал таъминотга оид қонун чиқиб, қариллик, ишсизлик ва боқувчисини йўқотганлик учун нафақалар ўрнатилди. Қонун 65 ёш қариллик ёши деб, ишчи пенсия фондига маълум солиқ тўлагандагина, у нафақа билан таъминланишини ўрнатди. Бу фонд ишчилар ва корхоналар эгаларидан олинган солиқлардан тенг миқдорда тузилган. Қонуннинг 210-моддасига биноан, мазкур ҳолат қишлоқ хўжалик ишчиларига, уй хизматчиларига қўлланилмайди. 1938 йили «Меҳнатнинг адолатли шароитини ўрнатиш тўғрисида» қонун чиқди. Бу ҳам штатлар ўртасидаги савдога халақит қиладиган ҳолатларни тартибга солиш, хўжалик юритишда меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганди.

АҚШ Олий суди Вагнер қонунини конституциявий деб тан олгандан кейин, корхона эгалари штатларнинг ҳуқуқларидан фойдаланишга киришдилар. 1941 – 1944 йилларда 18 штатда ишчиларга қарши турли мазмундаги қонунлар қабул қилинди. 1941 йили 16 штатда саботажга қарши деб номланувчи қонунлар қабул қилинди. Жоржия штатида ишчиларнинг 30 кун олдин корхона эгасини иш ташлашдан огоҳлантирмасдан иш ташлашларини тақиқлаш ҳақидаги қонунлар чиқарилди.

1943 йил 25 июнда Смит-Конеллининг «Ҳарбий корхоналардаги меҳнат низолари тўғрисидаги қонун»и чиқди. Бу қонун очиқдан-очиқ ишчиларга қарши чиқиб, ўз олдига касаба уюшмаларини сиёсий курашдан четлатиш, норозилик билдириш ҳаракатини тугатиш мақсадини қўйган бўлиб, президентга шахта ёки турли корхонани ўз бошқарувига олиш ҳуқуқини берди.

Урушдан кейинги даврда иш ташлаш ҳаракатига қарши қаратилган биринчи қонун 1945 йилги Хоббс қонунидир. У штатлар ўртасидаги нормал савдони бузишга қаратилган ҳаракатларга 10000 доллар жарима ва 20 йил қамоқ жазосини белгилади.

Мана шундай қонунларнинг чиқарилиши натижасида, Рузвельтнинг «янги йўли» давридаги касаба уюшмаларининг курашиб олган ютуқлари йўққа чиқарилди. Бу, айниқса, Тафт-Хартли қонунини чиқарилиши билан янада яққол ифодаланди.

2. АҚШ конституцияга киритилган қўшимча ва тўлдиришлар

Шу йилларда АҚШда ёзма конституция билан ёзилмаган конституция ҳам вужудга келди. Унинг манбалари, асосан, қуйидагилардан иборат эди: а) конституциявий масалалар бўйича АҚШ Олий судининг қарорлари; б) федерал қонунчилик; в) конституциявий амалиёт ва одатлар.

Улар биргаликда ёзилмаган конституция деб аталган. Унинг асосий хусусиятлари «Ҳуқуқлар тўғрисида»ги биллда ёзилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш, конституциянинг федерализм принципи инқирозидан дарак берувчи марказий давлат ҳокимиятини кучайтириш, конгресс ваколати ҳисобига президент ҳокимиятини кучайтириш, давлат аппаратини ҳарбийлаштириш ва бюрократлаштиришдан иборатдир.

Энг янги тарих даврида АҚШ ҳукмрон доиралари ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларни кенгайтиришга мажбур бўлди. Айрим штатларда хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари фойдасига ҳаракатлар вужудга келди. Мана шулар таъсирида 1920 йили АҚШ конституциясига XIX тузатиш кучга кирди. «Қўшма Штатлар фуқароларининг сайловларда қатнашиш ҳуқуқи, – дейилади ҳужжатда, – уларнинг жинси туфайли Қўшма Штатлар, шунингдек, алоҳида штатлар томонидан рад қилиниши ёки чекланиши мумкин эмас».¹ Бу қоида АҚШда хотин-қизларга сайлов ҳуқуқини берди. Бошқача қилиб айтганда, XIX тузатишга асосан расман умумий сайлов ҳуқуқи жорий этилди. Амалда эса ҳали турли цензлар билан сайловчиларнинг катта қисми сайловдан маҳрум эди. Масалан, Жоржия штатидан бошқа ҳамма штатларда юқори ёш цензи ўрнатилган бўлиб, актив сайлов ҳуқуқи учун 21 ёш талаб қилинарди. Қолаверса, ҳар бир штатда ўтроқлик цензи мавжуд эди. Кўпгина штатларда мулкий ценз мавжуд бўлиб, унга биноан, сайловчи ёки

¹ 1919 йилда Конституцияга XVIII тузатиш Қўшма Штатлар доирасида маст қилувчи ичимликларни ишлаб чиқариш, сотиш ва ташишни тақиқлади. Аммо бу тузатиш 1934 йили бекор қилинди ва XXI тузатиш билан янги таҳрирда баён қилинди.

маълум миқдордаги мулкка эга бўлиши, ёки маълум миқдорда солиқ тўлаши лозим эди. Алабама, Арканзас, Миссисипи, Техас ва Виржиния штатларида сайловчилар рўйхатига киритиш учун махсус сайлов солиғини тўлаш талаб қилинарди. АҚШнинг 22 штатида маълумот цензи қўйилганди. Жанубий штатларда эса конституцияни шарҳлаб бериш талаб этиларди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда АҚШ конституциясига киритилган муҳим тузатишлардан бири 1964 йилги XXIV тузатишдир. Унга биноан, Қўшма Штатлар ҳукумати ва штатларнинг АҚШ фуқароларини сайлов солиғи ёки бошқа хилдаги солиқларни тўламаганлиги учун сайлов ҳуқуқларини чеклаб қўйиш ёки рад этиши тақиқланди. Лекин мазкур тузатиш АҚШ сайлов тизимидаги турли хил шартларга тўла чек қўёлмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бир қатор киритилган тузатишлар президент ва вице-президентнинг ўз мансабларини эгаллаш вақтида вақтинча ўз ваколатини бажаролмай қолишлари, бундай ҳолда уларнинг ваколатини бажариш, президентнинг истеъфога чиқиши ҳолларига бағишланди. 1951 йили киритилган XXII тузатишга биноан, ҳеч бир шахснинг президентлик мансабига икки мартадан ортиқ сайланиши мумкинмаслиги қондаси ўрнатилди. 1961 йили киритилган XXIII тузатиш АҚШ ҳукумати жойлашган округ (Колумбия), президент ва вице-президентликка ўтказиладиган сайловларда штатларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиши жорий этилди. 1967 йили XXV тузатиш киритилди. Унга кўра, президент ўз мансабидан четлатилган ҳолларда ёки вафот этган, шунингдек, истеъфога чиққан ҳолларда, вице-президентнинг президентлик мансабини эгаллаши тўғрисида ҳамда президентнинг истеъфога чиқиши тўғрисида гапирилади.

1971 йили XXVI тузатиш киритилиб, унга асосан, сайловчиларнинг ёш цензи 18 ёшга туширилди.

3. АҚШ давлати ва ҳуқуқи Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда

Либерал-демократик тузумдаги энг қудратли йирик давлат бўлган АҚШ 1950 йилларга келиб иқтисодий жиҳатдан янада ку-

чайди. Икки жаҳон уруши бошқа давлатларни иқтисодий заифлаштирган бўлса, АҚШ монополистлари урушдан катта фойда олдилар.

1860 йили АҚШ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда учинчи ўринда бўлса, Биринчи жаҳон урушидан кейиноқ биринчи ўринга чиқди. Урушлар натижасида АҚШ улкан фойда кўрди. Унинг иқтисодида монополиялар ҳукмрон рол ўйнай бошлади, 1955 йили 500 гигант саноат корпорацияси мамлакатдаги саноат маҳсулотининг ярмини ишлаб чиқариб, фойданинг 60% ни олди. Биринчи жаҳон урушигача бўлган даврдаёқ АҚШнинг 1% аҳолиси мамлакат миллий бойлигининг 60% га яқинини ўз қўлида тўплаганди.

Иккинчи жаҳон уруши натижалари АҚШнинг ҳукмрон доираларини қувонтирмади. 1947 йили президент Трумэн: «Коммунизм билан кураш ва капиталистик тартибни сақлаб қолиш АҚШнинг сиёсатини ташкил қилади», – деб эълон қилди. Шу мақсадда Иккинчи жаҳон урушидан кейин турли режа ва доктриналар ишлаб чиқишга киришилди, булар «Трумэн доктринаси», «Маршалл режаси», «Эйзенхауэр-Даллес доктринаси» кабилардир. 1947 йили эълон қилинган «Маршалл режаси»да АҚШнинг Европа устидан сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигини ўрнатиш мақсад қилиб қўйилди. Унда 16 давлат АҚШдан турли товарлар олиши, бунинг эвазига СССР ва социалистик давлатлар билан стратегик ва бошқа товарлар билан савдо қилмаслик мажбуриятини олиши назарда тутилди.

Мамлакатни ҳарбийлаштиришни амалга оширувчи ҳарбий ташкилотлар тузилди. Ҳарбий-ҳаво, ҳарбий-денгиз, ҳарбий министрлик устидан раҳбарлик қилувчи миллий ҳарбий муассаса – Пентагон ташкил этилди. Ҳарбий-стратегик режаларни ишлаб чиқиш учун махсус штаб бошлиқлари гуруҳи тузилди. Ҳарбий соҳадаги илмий ишлар ва янги қуроллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун махсус бошқарма тузилди. 1947 йили ҳарбий разведка, жосуслик ва қўпоровчилик мутахассисларини тайёрловчи Марказий разведка бошқармаси (МРБ) ташкил қилинди. МРБ миллий ҳарбий муассаса – Пентагонда махсус бўлимга эга бўлди. АҚШ давлат идоралари ичида мамлакат ва унинг ташқарисида

Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) давлат фаолиятининг ҳамма масалаларини ҳал қиладиган бўлиб қолди. У 1908 йили жиноят ишларини тергов қилиш учун ташкил қилинган бўлиб, кейинчалик умумдавлат яширин полициясига ва контрразведка идорасига айланди.

1951 йили умуммажбурий хизмат тўғрисида қонун чиқиб, президентга қанча аскар талаб қилинса шунча чақириш ҳуқуқи берилди. Хизмат муддати 21 – 24 ой этиб белгиланди. 1962 йили АҚШ қуроли кучлари таркибида 3 миллиондан ошиқ аскар бўлиб, жаҳоннинг турли нуқталарида 1400 дан ортиқ ҳарбий базалари, шунингдек, Яқин Шарқда махсус вазифаларни бажарувчи 6-флотти бор эди.

1961 йил Осиё ва Африка мамлакатларига техник ва маданий ёрдам кўрсатиш ниқоби остида «Тинчлик корпуси» тузилди. Аслида, бу мамлакатларда разведка ишларини амалга оширишга қаратилганди. 1964 йили мазкур корпус хизматчилари 46 давлатга юборилиб, унга давлат бюджетидан 115 миллион доллар сарфланди.

Суд тизими ва ундаги ўзгаришлар. АҚШнинг суд тизими федерал судлар ва штатларнинг судларидан иборат. АҚШ 10 суд округига бўлинган, уларнинг ҳар бирида биттадан апелляция федерал суди бор. Бундан ташқари, штатларда штатларнинг олий судлари, графлик судлари, шаҳар муниципал судлари, полиция судлари мавжуд.

АҚШ маъмурий-доиравий жиҳатдан 50 штат ва Колумбия федерал округидан иборат, ҳар бир штат ўз ҳокимиятига, ўз конституциясига эга. Лекин улар федерал ҳукуматга деярли тўла бўйсундирилган. Штатнинг олий ҳокими **губернатор** ҳисобланади. Губернатор шу штатда камида 5 йил яшаган, 30 ёшдан ошган туб АҚШ фуқароси бўлиши керак. Ҳамма штатларда губернаторлар 2 – 4 йил муддатга сайланадилар. Губернатор штат ҳокимиятига бошчилик қилади. Унга штатдаги мансабдорларни тайинлаш, бўшатиш, авф ва амнистия эълон қилиш ҳуқуқлари берилган. У штат милициясининг бош қўмондони ҳисобланиб, федерал ҳукумат билан ва бошқа штатлар орасидаги муносабатларни бошқаради. Штат легислатурасининг мажлисларини

чақиради. Унинг қонунлари губернаторнинг тасдиғидан ўтиши шарт. Штатларда губернаторлардан ташқари турли мансабдорлар: юридик масъаҳатлар берувчи мансаб – генерал атторней, солиқлар устидан назорат қилувчи хазиначи лавозими, харажатлар устидан назорат қилувчи генерал аудитор мансаблари мавжуд. Штатларнинг конституцияларига кўра, легислатура қуйи ва юқори палаталардан тузилади. Штатлар графликларга бўлинган, улар графлик кенгашлари орқали бошқарилади. Шаҳарларни бошқариш 3 шаклда: 1) мэр 2 – 4 йил муддатга сайланади, қолаверса, шаҳар кенгаши аҳоли томонидан сайланади; 2) бошқариш кенгаши, бу шаклда ҳам мэр кенгаши бошчилик қилади. Лекин кенгаш ўз қарорлари бажарилиши устидан назоратчи-бошқарувчи сайлайди, у шаҳар ишларига бошчилик қилади; 3) комиссиявий тизимга кўра, шаҳар аҳолиси 2 – 4 йил муддатга 3 кишидан 7 кишигача таркибда комиссия сайлайди, шаҳарни бошқариш ана шу комиссияга юклатилади.

1930 йил АҚШ федерал давлат аппаратида 600 минг хизматчи бўлса, 1951 йилга келиб уларнинг сони 2,5 миллион кишига етди. Давлат аппарати янада ўсиб, янги органлар тузилди. Саноатни қайта тиклаш миллий маъмурияти, Ижтимоий ишлар федерал маъмурияти, Меҳнат муносабатларини тартибга солиш миллий бошқармаси, 1942 йили Ишлаб чиқариш ишлари бошқармаси, Ҳарбий ишлаб чиқариш маъмурияти, Баҳо маъмурияти, 1950 йил Мудофаага сафарбарлик бошқармаси, 1947 йил Миллий хавфсизлик кенгаши, Фавқулодда ҳолатлар бошқармаси, Сиёсатни ишлаб чиқиш бошқармаси каби идоралар тузилди.

1947 йил март ойида президент Г.Трумэн «қонунга мувофиқлик» тўғрисида текшириш ҳақида ижро буйруғи чиқарди. Унга биноан, давлат хизматчилари текширилди. 1939 йилги Хетча қонунига кўра, Қўшма Штатлардаги конституциявий бошқариш тизимини ағдаришни назарда тутган сиёсий партияларга давлат хизматчиларининг аъзо бўлиб кириши тақиқланади. 1953 йили президент Эйзенхауэр «қонунга мувофиқлик» тизимини «миллий хавфсизлик» манфаатларига мос ҳолда шахсни текшириш тизими билан алмаштирди. Бу даврда конгрессда турли комиссиялар тузилди. Уларнинг вазифаси шубҳали кишиларнинг «қора

рўйхати»ни тузишдан иборат эди. Мана шу асосда Адлия вазирлиги кўпорувчи ташкилотлар рўйхатини тузган, 1956 йил апрелида бу рўйхат 303 ташкилотни ўз ичига олган.

Парламентда монополистлар ягона сиёсат олиб бориш учун ва уни ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида йирик ташкилотлар туза бошладилар. Улардан бири Саноатчилар миллий бошқармаси бўлса, иккинчиси АҚШ савдо палатасидир. Лоббизм АҚШ корпорациялари томонидан конгрессга ўз агентларини юбориб, сенаторларни сотиб олиш йўли билан турли қонун лойиҳаларини конгресс муҳокамасига киритишдир. Лоббизм «учинчи палата» ҳам деб юритилади. Конгресснинг ишлари, асосан, унинг комитетлари орқали бажарилиб борган.

1946 йили «Легислатурани қайта ташкил қилиш тўғрисида» қонун чиқиб, улар сони вакиллар палатасида 19, сенатда 15 та билан чекланди. Лекин яна кўпайиб, 1957 йили 200 комитетлар, яъни майда комитетлар борлиги маълум бўлди.

АҚШнинг 1787 йили қабул қилинган конституциясига кўра, президент давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи бўлиб, сиёсат доирасидаги марказий шахсдир. Президент бўлиш учун, албатта, АҚШда туғилган бўлиш, 14 йил турғун яшаш ҳамда 35 ёшга тўлган бўлиш лозим. Эҳтимол, шунинг учун президентликка жуда кўп номзодлар кўрсатилади. Масалан, 1980 йилги президент сайловларида 112 киши президентликка ўз номзодини кўрсатган. Президент ва вице-президентликка номзодлар, асосан, АҚШда тарихан ташкил топган демократлар ва республикачилар партияларидан кўрсатилади. Бошқа партияларнинг ҳам номзодлари рўйхатга олиниши мумкин. Аммо бунинг учун бир неча минг сайловчиларнинг мазкур партия номзодини қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги петицияга имзо чекиши талаб қилинади.

Қўшма Штатлар президенти давлат бошлиғи, армия ва флотнинг ҳамда штатлар милицияларининг бош қўмондонидир. У ҳар бир ижро департаментидан, министрликдан хоҳлаган масала бўйича ўз фикрини ёзма тартибда сўраши мумкин. АҚШ судларининг ҳукмлари ижро қилинишини кечиктириши, авф эълон қилиши (импичментдан ташқари), АҚШ федерал давлат аппаратидаги 2,5 млн фуқаро амалдорлари ичидан 1500 тасини бевоси-

та тайинлаши мумкин. У сенатнинг розилиги ва маслаҳати билан халқаро шартномаларни тузиши, элчилар ва консулларни, АҚШ Олий суди аъзоларини тайинлайди. Президент фавқулодда ҳолатларда конгресс палаталари мажлисларини чақириши, белгилаши, қонунларга вето қўйиши мумкин. Масалан, Ф.Рузвельт 1933 – 1944 йилларда конгресс қонунларига 631 марта вето қўйган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда АҚШда президентнинг ҳокимияти кучайди, айниқса, иқтисодга турли йўллар билан таъсир қилиш орта борди. Мазкур даврда у ёки бу монополистик гуруҳнинг қўллаб-қувватлашисиз бирор номзоднинг президентликка сайланиши қийин эди. Президент Гардинг (1921 – 1923) Рокфеллернинг «Стандарт Ойл» компанияси томонидан қўйилган. Кулиж (1923 – 1928), Гувер (1929 – 1932) эса Морган гуруҳи номзодлари эди.

1929 – 1933 йиллардаги иқтисодий инқироздан кейин давлат иқтисодга таъсирини ўткази бошлади. Хусусан, президент хусусий ҳарбий корхоналарга буюртма бериш, уни бажармаган ҳолда, мазкур корхоналарни реквизиция қилиш ҳуқуқига (айниқса, 1950 – 1953 йилларда, яъни АҚШнинг Кореяга агрессияси даврида) эга бўлди. Ж.Кеннеди (1961 – 1963), ундан кейин Л.Жонсон (1963 – 1968) ҳукуматлари АҚШ иқтисодидаги инқирозга фаол қарши таъсир кўрсатувчи, рағбатлантирувчи молиявий сиёсатни олиб борди. Уруш эълон қилиш, конституцияга кўра, конгрессга тегишли эди. Аммо президент мазкур ваколатни яқка ўзи ўзлаштириб ола бошлади. Масалан, 1950 йили президент Трумэн конгресс рухсатини олмасдан Кореяга уруш очди, Л.Жонсоннинг буйруғи билан АҚШ ҳарбий авиацияси ва денгиз флоти Вьетнамга нисбатан уруш ҳаракатларини бошлади.

Президент сайловларида 18 ёшга тўлган фуқаролар ирқи, жинсидан қатъи назар қатнашишлари мумкин. 1976 йили тасдиқланган қонунга кўра, илгари мавжуд бўлган маълумот цензи бекор қилинган. Ўрнатилган тартибга бўйича, президент сайловлари икки поғонадан иборат. Дастлаб АҚШнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиладиган барча фуқаролари ўз штатларида йиғилиб, тўғридан-тўғри президентликка номзод учун эмас, балки прези-

дентни сайлайдиган сайловчиларни ёки **сайловчилар коллегияс**ини сайлайдилар. Иккинчи поғонада эса сайловчилар коллегияси президентни ва вице-президентни сайлайдилар. 1970 йилларда икки поғонали сайлов тизимини бир поғоналиси билан алмаштиришга уриниш барбод бўлди. Сайловчилар коллегияси таркибига кўрсатиладиган номзодлар у ёки бу партия йўлбошчилари (босслар) томонидан кўрсатилса-да, XIX асрнинг 30-йилларидан бевосита халқ томонидан сайланади.

Сайловчилар коллегияси, ҳар бир штатнинг АҚШ миллий конгрессининг юқори палатаси – сенатда ва куйи – вакиллар палатасида қанча вакили бўлса, шунча президент сайловчиларни сайлайди, яъни ҳар тўрт йили 538 тадан иборат сайловчилар коллегияси сайланади.

Биринчи поғонада умумий овоз бериш 4 йилда бир марта – ноябрь ойининг биринчи сешанба кунида ўтказилиб, президентнинг сайловчилари сайланади. Рўйхати штатда кўп овоз олган партия шу штатдаги сайловчиларнинг барча овозини олиб кетади. Бу тизим кўпинча «барчасини» ёки «ҳеч нарсани» деб ҳам баҳоланади. Мана шу тизимда сайловчилар овози билан (1 поғона) президентни сайлайдиган сайловчилар ўртасида тенгсизлик (диспропорция) вужудга келади. АҚШдаги икки поғонали сайлов тизими шундай ҳолни яратадики, кўпгина вазиятларда сайловчилар коллегияси номзодлар учун берилган овозларни ифода этмайди. 1972 йилги президент сайловларида республикачилар партияси номзоди Р.Никсон 61% (45,9 млн) сайловчилар овозини ҳамда 96% (521 киши) сайловчилар коллегияси овозини олди. Демократлар партияси номзоди Д.Макговерн 38% (28,4 млн) сайловчиларнинг, сайловчилар коллегиясининг эса 3% (17 киши) овозини тўплади. Бошқача қилиб айтганда, гарчи сайловчилар овозини кўпроқ олса ҳам, сайловчилар коллегиясида кам овоз тўплайди. 1980 йилги президент сайловларида Республикачилар партияси номзоди бўлган Р.Рейган 51% сайловчиларнинг (43,2 млн), сайловчилар коллегиясининг эса 90,8% (489 киши) овозини тўплади. XX асрда АҚШ президентларидан бирортаси ҳам мутлақ кўпчилик овоз билан сайланмаган. АҚШ тарихида 15 ҳолда сайловчиларнинг 50% овозини олмаган сиё-

сатдонларнинг Оқ уйга келгани маълум. Президент Картер эса 41% сайловчилар (34,9 млн), 9,2% (49 киши) сайловчилар коллегияси овозини тўплаб муваффақият қозонган.

Ўрнатилган тартибга кўра, сайловчилар коллегияси ҳар тўрт йилда бир марта декабрь ойининг иккинчи чоршанбасида ўз штатлари пойтахтида йиғилиб президент ва вице-президентни сайлайди. Иккаловининг сайланиши учун ҳам мутлақ кўпчилик (сайловчилар коллегиясининг 270 овозига тўғри келади) овоз талаб қилинади. Сайловчилар коллегиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда президентлик учун номзодга ҳам бир овозга, вице-президентликка номзодини сайлашда ҳам бир овозга эга бўлади. АҚШ федерал ҳукумати жойлашган жой – Колумбияга овозлар гувоҳлантирилиб, сенатнинг раиси номига жўнатилади. Уларни ҳисоблаш сенат ва вакиллар палатасининг биргаликдаги мажлисида сайловдан кейинги январнинг 6-кунида ўтказилади. Агарда кўпчилик овозни бир неча киши олган бўлса ёки тенг овоз олган бўлсалар, вакиллар палатаси овоз бериш йўли билан улардан бирини сайлайди. Агар бирор киши ҳам кўпчилик овозни олмаган бўлса, унда вакиллар палатаси кўпроқ овоз олган беш киши орасидан бир кишини сайлайди. Бунда овозлар штатлар бўйича берилиб, ҳар бир штат бир овозга эга. Сайланиш учун штатларнинг 2/3 қисми овоз бериши керак. Шунда президентликка сайланган кишидан камроқ овоз олган шахс вице-президент этиб сайланади. АҚШ президентлари 4 йиллик муддатга ва фақат 2 мартагина сайланиши мумкин. Бу Ж.Вашингтон давридан қолган одат. Фақат Рузвельт бундан мустасно, у 1932, 1936, 1940, 1944 йилларда, яъни тўрт марта давлат бошлиғи қилиб сайланган.

АҚШда йилдан-йилга сайловларни молиялаштириш баҳсли тус олмоқда. Ҳатто 1972 йили жамоатчилик очиқдан-очиқ сайловларда сарфланган жуда кўп харажатларни қисқартиришни талаб қила бошлаган. Т.Жеферсон 1800 йили ўзининг президентликка сайланишига эришиш учун 50 доллар сарфлаган бўлса, 1968 йили Демократлар партияси номзоди Г.Хемфри 10 миллион доллар сарфлаган. 1972 йилги президентлик сайловларининг харажатлари 400 миллион, 1980 йилники 200 миллион доллар

бўлган. Сайловларни хусусий ва давлат йўли билан молиялаштиришни тартибга солиш мақсадида 1974 йили «**Сайлов кампаниялари ҳақида**» федерал қонун қабул қилиниб, 1975 йил январдан кучга киритилди. Бунда АҚШ тарихида биринчи марта сайловларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши назарда тутилди. Қонунга кўра, давлат ажратмалари фақат Республикачилар ва Демократлар партиялари номзодларигагина берилиши мумкин. Ушбу сайловларда баъзи ноқонунийликлар ҳам учраб туради.

4. Ҳуқуқ манбаларидаги ўзгаришлар

АҚШда ўтган йиллар ичида 300 миллиондан ошиқ суд прецедентлари, 2 миллиондан ошиқ федерал ва маҳаллий ёзма актлар (статутлар) тўпланган. Ушбу рақамларга яна ҳар йили 25 мингдан ошиқ судларнинг нашр этиладиган қарорлари ва 2 мингта статутлар ҳам киради. Биргина Нью-Йорк штатида 900 қалин жилддан иборат суд қарорлари тўпламлари нашр этилган, қолаверса, ҳар йили яна 12 – 15 том қўшилиб туради. АҚШ Олий суди қарорлари тўплами 400 томдан ошиқ бўлиб, ҳар йили яна уларга 4 том қўшилади. АҚШ Олий суди томонидан шарҳланган федерал қонунчилик штатлар томонидан қўлланилиши шарт.

1872 йили Калифорния штатида фуқаролик кодекси қабул қилинганди. 1909 йили федерал жиноят кодекси қабул қилинди. 1926 йили федерал қонунлар тўплами нашр юзини кўрди. 1986 йили компьютер маълумотларидан қонунсиз фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бу қонун 47 штатда қабул қилинди. Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, англ-сакс ҳуқуқ тизимида бўлган АҚШ ҳуқуқининг манбалари жуда кўп ва хилма-хилдир.

1944 – 1947 йилларда президент сайловларида Республикачилар партияси номзодлари ғалаба қозонди. Шундан кейин 1947 йил 22 августда парламент Вагнер қонунига тўлдириш сифатида **Тафт-Хартли қонунини** қабул қилди. Капиталистлар мазкур қонун лойиҳасини конгрессдан ўтказиш учун юз минг доллар сарфладилар. У ишчилар томонидан «Қул меҳнати тўғрисидаги қонун» деб номланди.

Қонуннинг асосий характерли белгиси шундаки, ишчиларнинг Иккинчи жаҳон уруши арафасида курашиб қўлга киритган касабача уюшма ҳуқуқларини тамоман йўққа чиқарди. Монополистлар эса бу қонунни жуда яхши кутиб олиб, уни «адолат ва тенглик»-ни тиклашга қаратилган қонун деб атадилар. У, аслида, ишчини корхона эгаси ҳокимиятига топшириш, касабача уюшмаларни тарқатиш, уни кучсизлантириш ва давлат назорати остига ўтказишнинг асосий қоидаларини бузиб юборди. Касабача уюшмаларининг «нормуносиб меҳнат» амалиёти деб қуйидагилар эълон қилинди: иккинчи марта стачка, бойкот, ҳамкорлик стачкалари эълон қилиш ва ҳ.к. Касабача уюшмаларининг штрейкбрехерларни ишга қабул қилишига қаршилик кўрсатишлари тақиқланди. Бу қонунга биноан, судлар нормуносиб меҳнат амалиёти тўғрисида касабача уюшмаларига нисбатан қарор чиқариш, корхона эгаларининг эса касабача уюшмаларидан келтирилган зарарни талаб қилиш ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Масалан, 1958 йил АҚШ Олий суди автомобиль ва авиация саноати касабача уюшмалари бирлашмасидан штрейкбрехерлар фойдасига 10000 доллар ундириб олди. Қолаверса, «ёпиқ цех» шароитида касабача уюшмаларига коллектив шартнома тузиш ва касабача уюшмаларининг ишга имтиёзли қабул қилиниши, уларнинг сиёсий мақсадлар учун маблағ ажратишлари тақиқланди. Меҳнат муносабатлари миллий бошқармаси хизматларидан фойдаланиш учун касабача уюшма раҳбарларининг коммунистик партияга мансуб эмаслиги тўғрисида қасам ичиши шарт қилиб қўйилди.

Қонунга биноан, ишчилар фақат иқтисодий характерга эга иш ташлашлар қилиши мумкин. Лекин унинг бошланишидан 60 кун олдин корхона эгасини огоҳлантириб қўйиш лозим, акс ҳолда, бу «нормуносиб меҳнат амалиёти» деб ҳисобланиб, касабача уюшма суд жавобгарлигига тортилади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун, тўғрироғи, уларни бостириш учун меҳнат низоларига аралашувнинг давлат тизими жорий қилинди. Бу мақсадда воситачилик қилувчи махсус федерал ташкилот тузилди. Президент, бу қонунга биноан, агар тайёрланаётган иш ташлаш бошланганини «миллий хавфсизликка раҳна солади» деб ўйласа, 80 кунгача суд орқали тақиқлаб қўйиш ҳуқуқини олди. 1959

йили пўлат қуйиш саноати ишчиларининг иш ташлаши 116 кунга чўзилган, президент бунга нисбатан юқоридаги ҳуқуқни қўллаган. Конституцияга хилоф равишда қабул қилинган бу қонун ишчиларнинг ҳуқуқларига жуда катта зарар етказди, касаба уюшмачилик ҳаракатини сусайтирди. Қонун кучга кирган биринчи 3 йилда «номуносиб меҳнат амалиёти» бўйича касаба уюшма ташкилотларига 83 марта судда айблалаш қўзғатилгани ҳолда, корхона эгаларига қарши фақат 2 марта қўзғатилди. 1959 йил 14 сентябрда ишчиларга қарши қаратилган янги қонун – **«Лэндрама-Гриффин» қонуни** чиқди. «Гангстеризм ва коррупция билан курашиш» ниқоби остида касаба уюшмалар ҳаракатини тўла давлат назорати остига қўйди. Улар ҳар йили Меҳнат вазирлигига ўз аъзолари, мансабдор шахслари рўйхатини топшириши ва молиявий фаолиятдан ҳисоб бериб туриши шарт қилиб қўйилди. У касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқини ҳимоялаш ниқоби остида унга касаба уюшма ташкилоти устидан судга арз қилиш ҳуқуқини берди.

Антикоммунистик қонунчилик. АҚШнинг ҳукмрон доиралари компартияни қўпоровчи ташкилот деб ҳисоблаб, бу ташкилотларни тузиш, АҚШ ҳукуматини ағдариш ҳақида ташвиқот юритиш давлат учун энг хавфли жиноят деб топди. 1940 йили мазкур жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи **Смит қонуни** чиқарилди, қонун **«Ажнабийларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида»-ги қонун** деб номланди ва ҳукуматни куч ва зўрлик йўли билан ағдаришга қарши курашиш мақсадида деган ниқоб остида сўз, матбуот, мажлислар эркинлигини йўқ қилди. Ушбу қонунга кўра, 1955 йилгача АҚШ компартиясининг 130 дан ортиқ раҳбари қамоққа олинди. 90 дан ортиқ раҳбари Олий суд томонидан турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1940 йил, мазкур қонунга биноан, 10 минг доллар жарима, 10 йил қамоқ жазоси назарда тутилган бўлса, 1957 йили 20 минг доллар жарима ёки 20 йил қамоқ жазосига оширилди.

1940 йил 17 октябрда чиққан **Вурхис қонуни** ҳам худди шундай қонунлардан бири, у **«Айрим ташкилотларни рўйхатга олиш ҳақида»** деб номланади. Қонунга биноан, чет давлатлардаги партиялар билан алоқада бўлган ёки ҳукуматни зўрлик йўли

билан ағдаришни мақсад қилиб қўйган ҳамма партиялар ва гуруҳларни Адлия вазирлиги рўйхатдан ўтказиши белгиланди.

1950 йил 23 сентябрда АҚШ конгресси «**Ички хавфсизлик ҳақида қонун**» (муаллифлари номи билан Маккарэн-Вуд қонуни деб аталган)ни қабул қилди. «Ички хавфсизликни таъминлаш» деган ясама шиор остида компартия ва унинг ташкилотларини Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтишга мажбурлади. Барча коммунистлар давлат аппаратидида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтмаганлиги учун, 5 йил қамоқ жазоси ва 10000 доллар жаримага тортиладиган бўлди. Ушбу қонун АҚШ президентига коммунистик партия аъзоларини концентрацион лагерларга юбориш имконини берди. Партиянинг барча почта орқали юбормалари ҳукумат амалдорлари назоратидан ўтадиган бўлди. Унинг 12-моддасига биноан, кўпоровчилик фаолияти устидан назорат қилувчи бошқарма деб аталувчи ташкилот тuzилди. Сал фурсат ўтмасдан, 1954 йили, қабул қилинган «Коммунистик фаолият устидан назорат ҳақидаги қонун» – **Хемфри-Батлер қонуни** Коммунистик партияни «АҚШ ҳукуматини ағдаришни мақсад қилиб қўйган фитна қуроли» сифатида қонундан ташқари деб эълон қилди. Ушбу қонун АҚШ фуқароларининг ҳуқуқларини қисқартириш учун юридик база яратди, мазкур сиёсат «**маккартизм**» номини олди. 1970 йилларда АҚШ «оғир касаллик» сифатида «маккартизм»дан воз кечди.

Назорат учун саволлар

1. Иқтисодий инқироз деганда нимани тушунасиш?
2. Ф.Рузвельтнинг «янги йўли» қандай натижалар келтирди?
3. Иқтисодий либерализм нима?
4. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар нималардан иборат бўлди?
5. АҚШ федерализми қандай ривожланиб борди?
6. Социал ва касаба уюшмалари ҳақидаги қонунчиликда қандай янгилıklar юз берди?
7. Антикоммунистик қонунчилик нима? Улардан қайсиларини биласиз?

8. АҚШнинг суд тизими ва маҳаллий бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

9. АҚШ ҳуқуқи манбаларидаги ўзгаришлар бўйича нималарни биласиз?

10. Бозор иқтисоди шароитида республикамызда иқтисодни либераллаштириш тажрибалари қандай аҳамият касб этади?

Адабиётлар:

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.202 – 219.

2. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2005. – С.376 – 400.

3. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.614 – 632.

4. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.205 – 236, 578 – 618.

5. Бельсон Я.М., Ливанцев К.Е. История государства и права США. – Л.: ЛГУ, 1982.

6. Хрестоматия по всеобщей истории государства и права. Том 2 / Под ред. К.И.Батыра и Е.Е.Поликарповой. – М.: Юрист, 1996 – 2001.

7. Фридман Л.Ф. Введение в американское право. – М.: Прогресс, 1993.

8. Шумилов В.М. Правовая система США: Учебное пособие. – М.: ДЕКА, 2001. – 400 с.

Лугат

Аудитор – молиявий, ҳўжалик фаолиятлари ҳақида бухгалтерия ҳисоботлари қонун ҳужжатларига мослигини текширувчи мансабдор шахс.

Гангстер – товламачилик, одам ўлдириш ва ўғирлаш билан шуғулланувчи бошқинчилар тўдаси иштирокчиси.

Доктрина – илмий ёки фалсафий назария. Назарий ва раҳбарий принциплар, қарор.

Инджакшн – АҚШ судларининг меҳнат муносабатлари бўйича мажбурий қарорлари.

Картель – бир соҳа корхоналарининг ишлаб чиқаришнинг ҳажми, нархи, патентларни алмашув тартиблари ҳақида келишиб олишлари. Монополистик уюшма.

Коррупция – давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият, мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳокимият ваколатларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш.

16-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ

Режа

1. Япония давлати ва ҳуқуқи.
2. Хитой давлати ва ҳуқуқи.
3. Мустақил давлатларнинг мустақилликка эришиши.
4. Африкада мустақил давлатларнинг ташкил топиши.

Таянч иборалар

Японияда сиёсий ташкилотлар фаоллигининг ўсиши. Ижтимоий-сиёсий шароит. Иккинчи жаҳон урушига киришиш. Урушдан кейинги оккупацион тузум. 1946 йилги конституция. Парламент. Бош министр. Олий суд. Ҳукумат. Япония ва АҚШ муносабатлари. Ҳуқуқий тизим. Монополиялар ва давлат. Хитойда озодлик ҳаракати. Синхай инқилоби. Гоминдан партияси. Органик қонун. 1946, 1954, 1982 йилги Хитой Халқ Республикасининг конституциялари. Жаҳон мустамлакачилик тизимининг емирилиши. Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши. 1950 йилги конституция. Ҳиндистон миллий конгресси. Осийё ва Африкадаги демократик инқилоблар. Мустақил давлатларнинг ташкил топиши.

1. Япония давлати ва ҳуқуқи

Япония иккала жаҳон уруши даврида. XIX аср охири ва XX аср бошларида Япония иқтисодий тараққиёт борасида йирик давлатлардан орқада бўлса-да, саноати корпорациялашган бо-сқичга кўтарилди борди. У XIX аср охирида бошқа давлатлар билан биргаликда Хитойни бўлиб олишда қатнашиб, Фуцзян вилояти устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1900 йили Хитой халқининг босқинчиларга қарши кўзғолонини бостиришда қатнашди. Зўр бериб чор Россияси билан бўлажак урушга тайёрлана бошлади. Сиёсий реакция кучайди, бу нарса Гэнро – император ҳузу-

рида конституцияда назарда тутилмаган маслаҳат органи ташкил топишида яққол намоён бўлди. Унинг таркибига кўзга кўринган ҳарбий ва фуқаро амалдорлари кирганди.

1904 – 1905 йиллардаги Рус-япон урушида Япония ғалаба қозонди. 1905 йил 5 сентябрда Портсмут сулҳига биноан, Японияга Кореяга қатъий ҳуқуқ берилди, Ляодун ороли, Жанубий Манжурия темир йўли, Жанубий Сахалин унга ўтиб, кўп миқдорда товон берилди. Бу урушдан кейин халқ оммасининг мавжуд тузумга қарашли кураши кучайди. Айниқса, 1912 йили фельдмаршал Кацура бошчилигидаги ҳукумат кўшимча равишда яна 2 дивизияни ташкил қилиш учун маблағ сўраб парламентга мурожаат этганда, Токио, Осака, Кобе шаҳарларида йирик халқ кўзғолонлари бўлиб ўтди.

1914 йил 23 августда Япония Антанта тарафида туриб Германияга уруш эълон қилди, амалда эса яхши шароит етилишини кузатиб уруш ҳаракатларини бошламади. У асосий ҳаракатини Германиянинг Узоқ Шарқдаги мустамлакаларини қўлга кириштириш, янги бозорларга эга бўлиш ва Хитойга бостириб киришга қаратди. 1915 йили Шандун вилоятини босиб олиб, Хитой ҳукумати олдига 21 моддадан иборат ўз талабини қўйди. Хитой ҳукумати уни 1915 йил 25 майда тасдиқлашга мажбур бўлди. Биринчи жаҳон уруши натижасида япон саноати учун муҳим бўлган Каролина, Маршалл, Мариан ороллари қўлга киритилди, Япония урушдан катта фойда кўрди. Шу даврда саноат ишлаб чиқариши 2 мартадан ошиққа ўсди. Четга капитал чиқариш (Хитойга) кучайди. Айни дамда, мамлакатда илғор ғоялар ривожланиб, ишчилар ва деҳқонлар ҳаракати кучайди. Биргина 1918 йил августда бўлиб ўтган «Шоли ғалаёни» деб ном олган исёнда 10 млн киши қатнашди. Университетларда тўғараклар вужудга келди. 1920 йил декабрда Социалистик лига, 1921 йили Япония меҳнат федерацияси тузилди. 1922 йил 15 мартда эса Токиода яширин ҳолда Япония коммунистик партияси ташкил қилинди, япон ҳарбийлари томонидан Совет давлатига нисбатан босқин уюштирилди. Японлар 1922 йилигина қизил армия ва партизан отрядлари томонидан сиқиб чиқарилди. Совет давлатининг иқтисодий қудрати ва халқаро обрўси кучайиши Япония ҳукуматини у билан ҳисоблашишга мажбур қилиб қўйди. 1925 йили Пекинда

СССР билан Япония ўртасида дипломатик алоқа ўрнатиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

1929 – 1933 йилларда бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий инқирози япон ҳукмрон доираларини бу аҳволдан чиқишга ўйлантирди. Улар бунинг бирдан-бир йўли деб босқинчилик урушларини кучайтириш, мамлакатда фашистик диктатура ўрнатиш деб билдилар. Армиядаги фашистик гуруҳ – «**Ёш офицерлар**» мамлакатда очикдан-очик ҳарбий-фашистик диктатура ўрнатиб, партиявий ҳукуматни ва парламентни тарқатиб юбориш, император ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва дарҳол Хитой ҳамда Совет давлати билан урушга киришишни талаб қилиб чиқдилар. 1937 йил 18 сентябрда япон кўшинлари Манжурияга бостириб кирди. 1932 йил 15 майда бир гуруҳ офицерлар фитна уюштириб Инуканни ўлдирди. Шу даврдан то уруш охиригача Японияда ҳукуматни у ёки бу ҳарбий бошқарди.

Японияда фашизм ғалабасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, гарчи 1932 – 1936 йилларда ана шу йўналишдаги давлат тўнтаришларига уринишлар бўлган эса-да, у конституциявий ҳукумат томонидан «янги сиёсий структура»ни яратиш орқали жорий этилган. Яширин кенгаш, император саройининг министрларини кучайтириш, император шахсини илоҳийлаштириш (тенноизм), унга сиғиниш авж олди, қолаверса, Японияда ягона фашистик партия ҳам йўқ бўлиб, Тахтга ёрдам кўрсатиш ассоциацияси ҳаракати мавжуд эди.

1941 йили «Буюк Япониянинг Шарқий Осиё лигаси» оммавий миллатчилик ташкилоти тузилди. Барча аҳоли, айниқса, армия тенноизм руҳида қайта тарбияланди.

Агрессияга кенг имкон яратиш мақсадида 1933 йил 27 мартда Япония Миллатлар Лигасидан чиқди. 1936 йил 25 ноябрда фашистик Германия билан «Антикоминтерн пакти»ни тузди. У, асосан, СССРга, лозим бўлса, АҚШ ва Англияга ҳам қарши қаратилиши мумкин эди. 1937 йили Хитойга қарши бошланган уруш анчага чўзилди. 1938 йил ёзида япон кўшинлари Владивосток яқинида Ҳасан кўли ёнида, 1939 йили эса МХРда Халхин Голда босқин уюштиришга уриниб кўрди, аммо орқага улоқтириб ташланди. Гитлер Германияси СССРга ҳужум қилган вақтда, Япо-

ниянинг генерал Тодзио бошчилигидаги ҳукумати СССР чегараларида турган Квантун армияси сафларини тўлдирди. 1941 йил 7 декабрда уруш эълон қилмасдан тўсатдан Гавай оролларида жойлашган Америка ҳарбий-денгиз базаси – Пирл-Харборга ҳужум қилиб Тинч океанида уруш ҳаракатларини бошлади. Японлар Жануби-Шарқий Осиёдаги Малайя, Сингапур, Бирма, Филиппин, Индонезия, Гонконгни тўла босиб олиб, Ҳиндистон чегараларига яқинлашдилар. У Янги Гвинеянинг бир қисмини, Англия, АҚШга қарашли кўплаб Тинч океанидаги ороллари босиб олди. Уларни қандай тезлик билан босиб олган бўлса, шундай тезлик билан йўқотди. СССР 1945 йил 9 августда Японияга қарши урушга қўшилиб, Манжуриядаги Квантун армиясига ҳужум қилди. Совет қўшинлари Шимоли-Шарқий Хитой, Шимолий Кореяни озод қилди. Курилл ороллари ва Жанубий Сахалин СССРга қайтариб берилди.

1945 йил 2 сентябрда Токио қўлтиғида Япониянинг енгилгани ҳақидаги актга имзо қўйилди. Мамлакат Америка қўшинлари томонидан оккупация қилинди. Америка оккупацион қўшинлари қўмондони генерал Макатур амалда Япония ҳукмдори бўлиб турди. Оккупация ва Япония устидан назорат ишларини белгиловчи Вашингтонда урушган мамлакат вакилларида **Узоқ Шарқ комиссияси** ва Японияда **Иттифоқ кенгаши** ташкил қилинди. Бу кенгаш капитуляция ва назорат масалалари билан шуғулланиши лозим эди. У ҳам СССР, АҚШ, Англия вакилларида тузилди. 1945 йил 26 июлда Потсдам конференциясида Антияпон иттифоқини вужудга келтириб, декларация эълон қилинганди. Мана шу ҳужжатда унинг ҳарбий қудратини синдириш, демократлаштириш баён қилинганди. Фашистик Япония тор-мор қилингандан кейин, аҳолининг демократик кайфияти ўсган бир даврда, оккупациячи ҳукумат ва унга бўйсунадиган япон ҳукумати турли тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди. Япон армия ва флоти тарқатилди, барча ҳарбий муассасалар тугатилди. Бош ҳарбий жиноятчилар халқаро ҳарбий трибуналнинг ҳукми билан осиб ўлдирилди. Барча муассасаларни фашистик элементлардан тозалаш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сўз, матбуот, мажлислар, митинглар ўтказиш эркинлиги эълон қилин-

ди. Сиёсий маҳбуслар озод этилди. Сиёсий партиялар очич иш-лаш шароитига ўтди. Хотин-қизлар сайлов ҳуқуқига эга бўлдилар, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари эркаларники билан тенглаштирилди. Ишчилар ва деҳқонларга касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи берилди. Йирик монополиялар – дзайбацулар тарқатилиб, 1946 йили парламент «**Ер ислоҳотини ўтказиш тўғрисида**» қонун қабул қилди. Япония енгилганидан кейин, янги партиялар вужудга кела бошлади. 1945 йил 9 ноябрда Либерал партия (Дзюкото), 1945 йил ноябрида Социалистик партия (Сякайто) вужудга келди. Касаба уюшмалари аъзолари 5,5 млн дан ошиб, Япон деҳқонлари уюшмасида ўн икки минг аъзо бор эди.

1946 йилги иш ташлаш ҳаракатларида 4 млн меҳнаткаш қатнашди. Мана шундай бир даврда Япониянинг **конституцияси** ишлаб чиқилди. Уни ишлаш вақтида Америка оккупациячи ҳукумати ва Япония ҳукмрон доиралари япон халқи ва жаҳон прогрессив жамоатчилигининг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Ўтказилган конституциявий ислоҳот натижасида фақат конституциягина эмас, балки мамлакатнинг бошқа қонунлари ҳам маълум даражада демократлаштирилди.

Япониянинг 1946 йилги конституцияси преамбула, XI боб, 103 моддадан иборат. У 1889 йилги конституциянинг қоидаларини ўзида сақлаб қолган бўлиб, Америка оккупациячи қўшинлари штабида парламентнинг бир қанча тузатишлари асосида ишланганди. Конституция «давлат ва халқ бирлиги рамзи» сифатида император ҳокимиятини чеклаган ҳолда монархияни сақлаб қолди.

Давлат ҳокимиятининг олий органи, ягона қонунчилик органи парламент икки палатадан – вакиллар палатаси ва маслаҳатчилар палатасидан иборат. Вакиллар палатаси 4 йилга, маслаҳатчилар палатаси 6 йилга сайланиши беглиланди. Қонун икки палатада ҳам қабул қилинган кучга киради, лекин маслаҳатчилар палатасида қабул қилинмаса, вакиллар палатасида қайта муҳокамадан 2/3 қисм депутатлар овози билан тасдиқланса ҳам, қонун кучига эга бўлган.

Конституция парламентнинг ҳуқуқларини чеклашни назарда тутди. Олий суд қабул қилинган қонунни конституцияга хилоф

деб топиши, Министрлар кабинетининг маслаҳати билан император вакиллар палатасини тарқатиб юбориши мумкин бўлди.

Олий ижро органи Министрлар кабинети ҳисобланиб, унда асосий ролни бош министр ўйнаган, бош министр парламент томонидан сайланиб, император томонидан тасдиқланган. 1889 йилги конституциядан фарқли ўлароқ ҳукумат энди парламент олдида ҳисоб берган. Агар унга ишонч – вотум билдирилмаса, истеъфога чиққан ёки императорга вакиллар палатасини тарқатиб, янги сайлов ўтказиш тўғрисида таклиф киритилган. Конституцияда барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, илгариги зодагон табақаларнинг тугатилгани, диннинг давлатдан ажратилгани эълон қилинган. Унинг 9-моддасида Япониянинг халқаро масалаларни ҳал қилишда урушни асосий восита деб ҳисоблашдан воз кечгани, мамлакатда қандай бўлмасин ҳарбий кучларни тузиш бекор қилингани эълон қилинган. Аммо бу қоидалар фақат декларатив характерга эга эди.

Давлат бошлиғи, конституциянинг биринчи моддасига биноан, император ҳисобланиб, унинг тахти оила аъзолари орасида авлоддан-авлодга берилади. Аммо у илгаригидек суверен ҳокимиятдан фойдаланмайди, «давлат ва халқ бирлиги рамзи» ҳисобланади, унинг ҳуқуқий мақоми халқ эрки билан белгиланади. Суверен ҳокимият халққа тегишлидир дейилади. У парламент таклифига кўра бош министрни, Министрлар кабинети таклифига асосан Олий суднинг бош судьясини тайинлайди, парламентни чақиради, лозим бўлса, вакиллар палатасини тарқатади, умумпарламент сайловларини эълон қилади. Шунингдек, конституцияга киритилган тузатишлар, қонунлар, ҳукумат фармонлари ва шартномаларини тасдиқлаб эълон қилади. Бундан ташқари, император умумий ва яқка тартибдаги авфларни эълон қилиб, давлат мукофотларини беради, халқаро шартномаларни тасдиқлайди. Чет эл элчиларини қабул қилади. Аммо у давлатга тегишли ҳамма масалаларни Министрлар кабинети розилиги билан ҳал этиши лозим.

Парламент ягона қонун чиқариш органи бўлиб, унга сайловлар ўтказиш 1960 йил 15 апрелдаги қонунга биноан белгиланган. 20 ёшга тўлган фуқароларнинг ҳаммасига сайлов ҳуқуқи, 25

ёшга тўлган фуқаролар вакиллар палатасига, 30 ёшга тўлганлар эса маслаҳат палатасига сайланиши мумкинлиги ўрнатилди. Вакиллар палатасига 497, маслаҳат палатасига 252 депутат сайланади. Ҳар бир палата ҳузурида 16 тадан доимий комиссиялар бор.

Министрлар кабинетининг ваколати ва иш тартиби 1947 йил 16 январдаги «Кабинет тўғрисида»ги қонунда баён қилинган. Министрлар кабинети бош министр ва 18 министр таркибида иш олиб боради. Бош министрга бўйсунувчи махсус девонхона мавжуд, у кабинет ҳузурида. Кабинетда расман ҳарбий министр, ҳарбий денгиз министри каби лавозимлар йўқ. Бунинг сабаби урушдан кейинги ислохотлар билан боғлиқдир. Конституцияга биноан, кабинет министрларининг ярми парламент депутатлари бўлиши лозим. Конституциянинг 65-моддасига кўра, Министрлар кабинети ташқи сиёсатга раҳбарлик қилади. Шартномалар тузади, фуқаро хизматини ташкил этади, давлат бюджетини тузади. Ҳукумат қарорларини қабул қилади, императорга маслаҳат беради, Олий суд аъзоларини тайинлайди, маслаҳат палатасининг фавқулодда мажлисларини чақиради. Кабинет, конституцияга биноан, парламент олдида «коллектив жавобгар», Япония кабинетининг аъзоларидан бири адлия министридир (хомусё). У мамлакатни қонунчилик фаолиятига тегишли қонуний актларни тайёрлайди, прокурор назоратига раҳбарлик қилади, қамоқхона хизматини бошқаради. Унинг ҳузурида мустақил муассаса – Жамоат хавфсизлигини текшириш бошқармаси мавжуд. Унинг функцияси кўпоровчи ташкилотлар устидан назорат олиб боришдир. Бундай ташкилотлар қаторига Япония коммунистик партияси ҳам киритилган. Министрлик таркибига котибият ва 6 департамент: а) фуқаролик ишлари; б) жиноят ишлари; в) тузатиш тадбирлари (кесэйкеку); г) реабилитация масалалари; г) фуқаролик ҳуқуқларини қўриқлаш; е) иммиграция назорати департаментлари киради. **Прокурор назорати бошқармаси** ҳузурида мамлакатнинг 57 қамоқхонаси бор. Япония марказий давлат аппаратида, 1970 йил ҳисобига қараганда, 16184 686 киши ишлаган. Япониянинг олий суд инстанцияси Олий суддир. Бош Олий судья император томонидан тайинланади, унинг 14

аъзоси эса Министрлар кабинети томонидан тайинланиб, умум-халқ референдумига қўйилади. Олий суднинг функциясига конституцияни шарҳлаш, қуйи суд идоралари қарорларини кўриб чиқиш, ўзгартириш, бекор қилиш, суд ва прокуратура органларининг иш фаолиятини белгилаш ва бошқалар мансуб. Олий судга бевосита бўйсунадиган 8 район апелляция суди мавжуд, унинг судлари Олий суд томонидан кўрсатилиб, Министрлар кабинети томонидан тасдиқланади. Умуман, Японияда 49 асосий маҳаллий суд бўлиб, уларнинг 240 та бўлимлари ва шунча миқдорда оилавий судлар ва 570 дан ошиқ интизомий судлар мавжуд. Бу судлар ҳам Министрлар кабинети томонидан 10 йилга тайинланади. Конституцияга биноан, ҳамма судлар конституция ва қонунлар билан боғлиқ бўлиб, «улар ўз виждонига мос ҳолда мустақил ҳаракат қилади». Япония маҳаллий тузилиши жиҳатидан 47 префектурага бўлинган (Окинава билан бирга). Уларнинг 36 тасида 1 – 2 млн гача аҳолиси яшайди.

1948 – 1949 йилларда АҚШ – Япония муносабатларида туб ўзгариш юз берди. Хитойда инқилоб ғалаба қозонгач, АҚШ Японияни ўзининг Узоқ Шарқдаги босқинчилик режалари учун **таянч нуқтасига** айлантиришга интилди. Америка оккупацион ҳукумати Япониянинг ҳарбий саноатини тиклаш йўлини тутди. 1949 йил декабрда АҚШ ҳукумати Японияни «иқтисодий уйғунлаштириш» тўғрисида қарор чиқарди. 1949 йили Токиога келган банкир Додже бошчилигидаги миссия ана шу уйғунлаштириш йўналишларини ишлаб чиқди. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги оширилди, давлат идоралари қайта ташкил қилинди. 1950 йили АҚШнинг КХДРга қилган ҳужуми даврида Япония саноати АҚШ учун ишлади. Япония АҚШдан катта буюртмалар олди, унинг саноат ишлаб чиқариши 1934 – 1936 йиллардаги ишлаб чиқариш даражасига эришди. 1951 йил 8 сентябрда Япония АҚШ, Англия ва бошқа давлатлар билан Сан-Францискода тинчлик шартномасини имзолади. СССР уни имзолашни рад қилди. Шу билан Америка ва Япония ўртасида «хавфсизлик шартномаси» имзоланиб, Окинава Американинг оккупацияси остида қолди. Қолаверса, 1952 йили АҚШ ва Япония ўртасида «**маъмурий битим**» имзоланди, унга биноан, АҚШ қўшинлари Япония портлари, аэродром-

лари, алоқа воситаларидан чекланган муддатга фойдаланиш ҳуқуқини олди. АҚШ ҳукумати Узоқ Шарқ комиссияси ва Иттифоқ кенгаши тарқатилганини эълон қилди. Япон халқи АҚШ – Япония ҳарбий келишувига қарши ўз норозилигини билдириб турди. 1952 – 1953 йилларда Япониядаги Америка ҳарбий базаларини тугатиш учун оммавий ҳаракатлар бўлиб ўтди. Айниқса, 1954 йили АҚШнинг Тинч океанида водород бомбасини синовдан ўтказгани ва унинг кули япон балиқчи кемасининг яқинига тушгани муносабати билан, ядро қуролини тақиқлаш учун баҳор ва кузда ишчилар ҳаракати бўлиб ўтди. Исидо ҳукуматининг америкапараст йўли япон халқида қаттиқ норозилик туғдириб, 1954 йили у истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Демократик партия лидери Хатояма янги ҳукуматни тузди. Хатояма бошчилигида Либерал-демократик партия (ЛДП) ташкил қилинди.

Япония иқтисоди аста-секинлик билан ривожлана бошлади. 1952 йили урушгача бўлган даражадан 2 марта ошиб кетди. Ташқи савдо ривожланди. Либераль-демократик ҳукумат бир томонлама йўналишни тугатиб, СССР ва Хитой билан муносабатларни нормаллаштириш томон йўл тутди. 1956 йил 19 октябрда Москвада СССР билан Япония ўртасида уруш ҳолатини тугатиш ва дипломатия, савдо муносабатларини тиклаш тўғрисидаги декларация имзоланди. Икки томон ҳам тинчлик шартномасини имзолаш учун музокаралар олиб боришга розилигини билдирди. Аммо 1957 йили кабинет бошига Киси келиб, унинг ҳукумати бундай музокаралар олиб боришни рад этди. Оммавий норозиликларга қарамасдан, 1960 йил 19 январда Вашингтонда янги «Япония – Америка ўзаро ҳамкорлик ва ҳафвсизлик кафолатлари» шартномаси имзоланди. Унга биноан, АҚШ ҳукумати Япония доирасида 10 йилгача ўз ҳарбий ва ҳарбий-денгиз базаларини жойлаштириш ҳуқуқини қўлга киритди. Япония эса «умумий хавфнинг олдини олиш мақсадида» ўз ҳарбий имкониятини тиклаш мажбуриятини олди. Янги шартнома янгидан меҳнаткашларнинг норозилигини ва сиёсий стачкаларни вужудга келтирди. Халқ Кисининг истеъфога чиқишини ва шартномани бекор қилишни талаб этиб чиқди. Мамлакатда фашистик ташкилотлар фаоллиги кучайди. 1960 йили улар Япония социалистик партияси ко-

тиби Анусамани ўлдирди. Ҳукумат япон қўшинларини қайта ташкил қилди, уларнинг сонини кўпайтирди. У АҚШ атом сувости кемаларининг Япония портига кириши ва Япония доирасида товушдан тезуچار самолётларни сақлашга рухсат берди.

1964 йили Либерал-демократик партия лидери Эйсаку Сато бош министр қилиб тайинланди. У ўзининг сиёсати асосига иқтисодни ривожлантиришни қўйди. Япониянинг Тинч океани районида дипломатик фаоллиги кучайди. 1966 йил июлида Сеулда Япония, Австралия, Янги Зеландия, Таиланд, Филиппин, Малайзия, Жанубий Корея, Жанубий Вьетнам ва Тайван ташқи ишлар министрларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда «Осиё-Тинч океани кенгаши» ташкил қилинди. У социалистик лагерь мамлакатларига ва миллий-озодлик ҳаракатига қарши қаратилганди. 1970 йили АҚШ билан Япония ўртасидаги хавфсизлик шартномасининг муддати тугади. Сато ҳукумати эса автоматик равишда муддатни чўзиш тўғрисида қарор қабул қилди. Япония – АҚШ ҳарбий муносабатларида янги давр бошланди. Япония ҳарбий жиҳатдан мустақил давлатга айланди. Иқтисодий ишлаб чиқариш даражаси урушдан олдинги даврга қараганда 60-йилларда 4 марта, 1970 йилларда 11 марта ўсди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми шу йилларда АҚШда 54,1%, ГФРда 73,6%, Францияда 79,2%, Англияда 31,2% ўсган бўлса, Японияда бу кўрсаткич 269,5% ни ташкил қилди. Японияда тобора монополиялар ҳукмронлиги кучаймоқда. Бутун бир япон саноати тармоқлари, корпоратив бирлашмалари кичкинагина гуруҳ қўлида тўпланмоқда. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, электр, кимё, сунъий тола, озиқ-овқат саноати тўла монополиялаштирилган. Японияда жуда йирик трест-гигантлар вужудга келди. Улар саноатнинг алоҳида тармоқларидаги бутун капитални назорат қила бошлади. Масалан, «Хитачи сэйсакусё» компанияси мамлакатнинг жуда катта электротехник трестига айланиб, 1970 йили маҳсулот сотишда япон монополиялари ичида етакчи ўринни олди. Активи 3 миллиард 348 млн доллар. Электротехника саноатидаги иккинчи трест «Токио Сибаура денки» активи 1 миллиард 6 млн долларни ташкил қилди. Бу трестнинг назорати остидаги 72 компания филиаллари мамлакат-

да ҳамда чет давлатларда, жумладан, АҚШда ҳам бор. Капиталнинг марказлашуви япон молия капиталининг қувватини оширди. Унинг иқтисодида 6 молия саноат группаси: «Мицубиси», «Сумитомо», «Мицуи», «Фудзи», «Дайити-канге», «Санва» ҳукмронлик қилиб қолди. Буларнинг ичида «Мицубиси», «Сумитомо» ва «Мицуи» энг қудратлилари бўлиб, улар 206 йирик компания ва филиалларни, 10765 млрд иен (30 миллиард доллар) маблағи билан биргаликда назорат қилади. Уларнинг корхоналарида бутун Япония ишлаб чиқариши билан банд бўлган ишчиларнинг 1/3 қисми ишлайди. Японияга ҳам кўпгина давлатларга хос корпоратив капиталнинг давлат аппарати билан боғланиб кетиши характерлидир. Давлат йирик монополиялар таъсири ошишига кўмаклашади. Масалан, япон ҳукумати урушдан кейин вайрон бўлган корхоналарнинг кўпгина қисмини ўз бўйнига олди. Давлат маблағлари ҳисобига электроника, автоматика, атом энергетикаси, нефть-кимё саноати ривожлантирилди. Давлатнинг ўзи ҳам бевосита соҳибкорлик фаолиятида қатнашди. Масалан, темир йўлнинг катта қисми, тамаки, туз, вино монополиялари, почта, телеграф, радио, алоқа воситаларини назорат қилиш, бутун Япония ер майдонинг 1/4 қисми давлат қўлида. 1948 йили «Саноатни стандартлаштириш ҳақида» қонун қабул қилиниб, Саноат стандартлари давлат комитети тузилди. Унга мамлакатда ягона метрологик хизматни юритиш ва уни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. 1973 йили 8 йилга мўлжалланган саноатни стандартлаштиришга ҳамкорлик режаси қабул қилинди, мамлакатда стандартларни ягоналаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Агар Япония 70-йиллардаёқ ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олган бўлса, бунга сабаб иқтисодни мақсадга мувофиқ самарали бошқариш лаёқатидир.

2. Хитой давлати ва ҳуқуқи

XX аср бошларида Хитойда озодлик ҳаракати ўсиб, 1905 йили барча инқилобий ташкилотлар Иттифоқ лигасига бирлашди. Унинг ўзаги Хитойни қайта тиклаш жамияти бўлди. Иттифоқ ли-

гаси дастури Сун Ят Сен томонидан ишлаб чиқилган учта принципга: миллатчилик (цин сулоласини ағдариб ташлаб, Хитойнинг мустақиллигини тиклаш), халқ ҳокимиятчилиги (республикани таъсис қилиш), халқ фаровонлиги (тенглаштирувчи, ердан фойдаланишни юзага чиқариш)га асосланганди. 1906 – 1908 йилларда Иттифоқ лигаси ўз фаолиятини кенгайтириб, инқилобий кўтарилиш юз берди. Мазкур инқилоб 1911 йили солдат ва офицерларнинг кўзғолони билан октябрь ойида Учан шахрида бошланди. Инқилоб Хитойнинг жанубига кенг ёйилиб, 17 инқилобий вилоятлар вакиллари йиғилишида Сун Ят Сен республика президенти этиб сайланди. Цинлар тахтдан воз кечди. Аммо Сун Ят Сен ҳам Юань Шикайга президентлик ҳокимиятини топширишга мажбур бўлди. 1912 йил 10 мартда вилоятлар вакиллари тўплалиб ўзларини Миллий мажлис деб эълон қилди, Сун Ят Сен томонидан таклиф этилган демократик конституция қабул қилинди. У барча фуқароларнинг тенглигини, шахсий дахлсизлик, озодликни эълон қилди. Қонунчилик ҳокимияти икки: сенат ва қуйи палатали парламент тузилишини назарда тутди. 1912 йил декабрида ўтказилган парламент сайловларида Иттифоқ лигасини қайта ташкил қилиш жараёнида вужудга келган миллий партия – **Гоминдан** кўпчилик ўринларни қўлга киритди. Аммо президент Юань Шикай террор сиёсатини олиб бориб парламентни тарқатиб юборди. 1914 йил 14 майда президентга диктаторлик ваколатини берувчи муваққат конституция қабул қилинди. Унинг Хитойда қайтадан монархияни тиклашга бўлган уриниши чиппака чиқди. 1924 йил апрелида Сун Ят Сен «Давлат қурилишининг умумий принциплари» номли нутқида ўзининг конституциявий қарашларини баён этди. У қонунчилик, ижро, суд ҳокимиятлари билан бир қаторда имтиҳон қилувчи ва назорат ҳокимиятлари ҳам борлигини кўрсатади. Бу эса сайлов тизимига хос камчиликларни тугатишга ёрдам беради. Сун Ят Сен вафот этган йили Гуанчжоуда Гоминдан ҳукумати тузилди. 1925 йил 1 июлда миллий ҳукуматнинг **Органик қонуни** ишлаб чиқилди. 1928 йили ўзини Умумхитой ҳукумати деб ҳисоблаган миллий ҳукумат мазкур қонунни ҳаракатда деб эълон қилди. 1928 йили қонунчилик палатаси (юаней), 1930 йили имтиҳон палатаси, 1931 йили на-

зорат палаталари тузилди.¹ Гоминдан партиясининг давлат қурилишига оид режалари асосида Сун Ят Сен фикрлари турарди. 1929 йилдан «бутун Хитой Гоминдан партиясининг сиёсий васийлиги остига кирди» деб ҳисобланди. Давлат ҳокимиятининг олий органи Гоминдан партиясининг Миллий съезди ҳисобланди.

Ана шу йилларда Япониянинг Хитойга агрессияси кучайиб, Шимоли-Шарқий Хитой чегараларида цин сулоласи вакили раҳбарлигида мустақил давлат тузади. Кейинчалик Гоминдан ҳукумати 1937 йилдан ички сулҳ тузиб, мамлакат кучларини японларга қарши курашга уюштирди. 1946 йил 26 декабрда Миллий мажлис Хитой Республикасининг конституциясини қабул қилди. У бир йилдан кейин, 1947 йили, кучга кириб, Гоминдан сиёсий васийлиги давридаги кўплаб давлат-ҳуқуқий институтларни сақлаб қолди. Президентлик мансаби таъсис қилиниб, миллий ҳукумат раиси мансаби тугатилди, Миллий мажлис ваколоти эса олти йилгача узайтирилди. Қонунчилик палатаси ва назорат палаталари сайлаб қўйилувчи органларга айлантирилди, мамлакатда ўз-ўзини бошқариш органлари тузилди. 1948 йили Миллий мажлиснинг биринчи сессиясида президентга диктаторлик ваколатини берувчи вақтли ҳужжат қабул қилинди. Чан Кайши президент этиб сайланиб, унинг ҳокимияти кичкина Тайвангагина ёйилди.

Хитой халқининг ҳарбий-империалистик давлат бўлган Японияга қарши олиб борган уруши (1937 – 1945) охирида Хитой учун яхши шароитларни туғдирди. Гарчи унинг халқаро обрўси ошган, АҚШ, Англия, Франция каби давлатларнинг у билан тузган нотенг шартномалари бекор қилиниб, Хитойга БМТ Хавфсизлик кенгашида бешта доимий вакилликдан бири берилган бўлса-да, мамлакат ичкарасида иккита ҳарбий сиёсий куч: Чан Кай Ши бошлиқ Гоминдан ва Мао Цзэдун бошлиқ Коммунистик

¹ История государства и права зарубежных стран. Ч.2 / Под ред. О.А.Жидкова и Н.А.Крашенниковой. – М.: Норма, 2001. – С.453 – 460.

партия қолаверди. 1949 йили компартия ўзининг дастурини кўриб чиқиб, «хитойлаштирилган марксизм»нинг шиори – пролетариат диктатурасини эмас, халқнинг демократик диктатурасини тан олди. 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси эълон қилинди. 1952 йили социализмга ўтиш даврининг бош линияси ишлаб чиқилди. Ўтиш даври ҳақидаги ғоялар 1954 йилги Халқ вакиллари Умумхитой мажлисида қабул қилинган конституцияда ўз ифодасини топди. Мажлис ХХРнинг раиси Мао Цзэдун, унинг ўринбосари, мажлиснинг доимий комитети раисини (Люи Шаоци) ва Давлат кенгашининг раисини (Чжоу Энлай) сайлади. 1958 йили компартия ўзининг «бош линияси»га аниқлик киритиб, «катта сакраш» режасини амалга ошира бошлади. Қолаверса, у «буюк пролетар маданий инқилоби» кампаниясини ҳам рағбатлантирди. Фақат 1976 йили, Мао вафотидан кейин, янги иқтисодий, сиёсий, технологик, ҳарбий ислохотлар ўтказишга имкон яралди. 1982 йили янги конституция қабул қилинди. Миллий районлар учун автономиялар жорий этилди.

1993 йилдан давлат аппарати ислох қилиниши бошланди, унинг мақсади «социалистик бозор иқтисоди»га ҳамкорлик қилиш учун «ишлаб чиқариш кучларига йўл очиш»дан иборат.¹ Давлат кенгашига бўйсунган 86 муассасадан фақатгина 27 таси қолдирилиб, барчаси қисқартирилди.

3. Мустамлака давлатларнинг мустақилликка эришиши

Мустамлака тизимининг емирилиши. ХХ асрнинг биринчи чорагида жаҳон мустамлакачилик империясининг ҳудуди 80,4 млн км², аҳолиси эса 1 млрд 373 млн кишини ташкил қилди. Британиянинг мустамлакалари унинг ўз ҳудудидан 70 марта, Белгияники 80 марта, Францияники эса 20 марта катта эди. ХХ аср бошларидаги инқилобий жараёнлар жаҳон мустамлака тизимининг емирилишини бошлаб берди. Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Корея, Миср каби мамлакатларда миллий-озодлик ҳарака-

¹ Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2001. – С.640 – 643.

ти вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда, 1938 йили, мустамлакалар ер юзининг 42,3 км², аҳолисининг эса 660,4 млн кишисини, ярим мустамлака ва қарам давлатлар 36,1 млн км², аҳолининг эса 712,6 млн кишисини ташкил қилди. Бошқачароқ қилиб айтганда, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларга Ер шари аҳолисининг 63,6 фоизи, ҳудудининг 59,9 фоизи тўғри келди.

1943 йили биринчи бўлиб иккита Яқин Шарқ давлати: Сурия ва Ливан мустақилликка эришди. 1945 йили Вьетнам, 1945 йили Корея мустақилликни қўлга киритди. 1945 йилги Индонезия инқилоби 360 йил давом этган Голландия мустамлакачилик тузумини афдариб ташлади. 1946 йили Филиппин мустақилликка эришди. 1951 йили Ливия, 1956 йили Марокаш, Тунис, Судан, 1957 йили Гана, Олтин Қирғоқ, 1958 йили Франция Гвинеяси мустақилликка эришди. 1960 йил (Африка йили деб номланган) Того, Мали, Сенегал, Дагомея, Нигер, Конго, Габон, Мавритания каби 17 мустақил давлат ташкил топди. Улардан 14 таси Францияга қарашли эди.

1963 – 1966 йилларда мустамлакачилар Осиё ва Африка, Латин Америкасидаги 14 давлат мустақиллигини тан олди. 1991 йил августда собиқ Иттифоқ ўрнида 15 та мустақил давлат пайдо бўлди. 1991 йили БМТнинг Намибияга мустақиллик бериш ҳақидаги режаси амалга ошди. 1958 йили Гвинея тинчлик йўли билан Франция ҳукумати тавсия қилган конституцияни рад этиб мустақиллигини қўлга киритди.

1948 йилгача Фаластин Англиянинг мандати остида эди. 1947 йили БМТ Бош Ассамблеясининг Фаластинни араб ва Исроил яҳудий давлатларига бўлиш тўғрисидаги қароридан кейин у Фаластинга бўлган ўз мандатидан маҳрум бўлди. Мамлакатнинг яҳудийлар яшайдиган қисмида Исроил давлати тузилди. Араблар яшайдиган қисми эса Иордания ва Исроил томонидан босиб олинди. 1988 йили Фаластин Миллий кенгаши қарорига кўра, Фаластин давлати тузилганини эълон қилинди.

Энг янги тарих даврида мустамлака ва қарам давлатларда қудратли миллий-озодлик ҳаракати бошланди. Бу инқилоб Осиё ва Африка халқларини бутунжаҳон инқилобий ҳаракатига жалб

қилди. 1918 – 1923 йилларда Туркия, Индонезия, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ каби Шарқ мамлакатларида омманинг йирик қўзғолонлари бўлиб ўтди. 20-йилларда Тунис, Сурия, Ливан, Индонезия, Эрон, 30-йилларда Ҳиндистон ва Филиппинда мустамлакачилар томонидан эзилган деҳқонлар оммаси курашда фаол қатнаша бошлади.

Айрим мамлакатларда курашга раҳбарлик қилиш миллий буржуазиянинг қўлида эди. Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатига 1885 йили тузилган Миллий конгресс партияси (Ганди), Индонезияда Миллий партия (1927, Сукарно). Тунисда Конституциявий либераль партия раҳбарлик қилди. Миллий-озодлик курашлари натижасида мустамлакачилар ён беришга мажбур бўлди. 1919 йили Англия Афғонистоннинг мустақиллигини тан олди. 1922 йили Мисрда мустамлака бошқариш шакли ўзгартирилди. 1932 йили Ироқ ўз суверенитетини эълон қилди. Франция 1926 йили Ливанга, 1930 йили Сурияга конституция «совға» қилишга, 1919, 1935 йилларда Англия эса Ҳиндистонга «конституциявий қонунлар»ни тақдим этишга мажбур бўлди. Лекин ваколатли органлар устидан ўз назоратини сақлаб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакачиликнинг мавқеига путур етган, демократик ҳаракат кўтарилган бир пайтда, миллий-озодлик ҳаракати учун янги имкониятлар вужудга келди. Миллий-озодлик кураши зарбалари остида мустамлака тизими емирила борди.

Лекин империялар ўз мустамлакаларини сақлаб қолиш мақсадида ҳамма чоралардан фойдаланди. Франция 1946 – 1954 йилларда Ҳиндихитой билан, 1946 – 1949 йилларда Голландия Индонезия билан, 1948 – 1957 йилларда Англия Малайя билан мустамлакачилик урушларини олиб борди.

50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида Франция 1958 йилги конституциянинг 78-моддасига асосан ташкил топган Африка ҳамжиҳатлигига кирувчи давлатлар (Жазоир, Янги Каледония, Марокаш, Тунис)нинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда олдинги мустамлака дунёси ўрнида 70 дан ошиқ мустақил давлатлар пайдо бўлди. Мустамлакачи давлатлар эса ўз мавқеини сақлаб қолиш мақса-

дида турли чоралардан фойдаланишга уринди. Улар мустамлакаларга мустақиллик бериб, ҳокимиятни ўзлари билан боғланган сиёсий кучларга тоширишга уриндилар. Озод бўлган давлатларга ўз мамлакатларига хос сиёсий ва иқтисодий тартиблари билан боғлиқ давлат-ҳуқуқий институтларини киргиздилар. Нотенг шатрноамаларда, блокларда иштирок этишга мажбур қилдилар.

Ҳиндистон. 1947 йили Англия парламенти эски тартибларни сақлаб қолиш мумкинмаслигига тўла ишонч ҳосил қилгач «Мустақиллик ҳақида»ги актни қабул қилди. Бу актда Ҳиндистон доирасида иккита мустақил давлат: Ҳиндистон ва Покистон тузилиши назарда тутилди. Шу йилнинг охирида Бирма, 1948 йили Цейлонга ҳам мустақиллик берилди.

Ҳиндистонда мустақиллик қўлга киритилгач, ҳокимият бошига йирик саноат буржуазияси келди. Шунинг учун мамлакат саноати ривожланиш томон йўл тутди. Мамлакатда миллий иқтисодни тиклаш мақсадида чет эл сармоясининг кириб келиши тақиқланди, иқтисодни ривожлантиришнинг беш йиллик режаси тузилди.

Ҳиндистоннинг мустақиллика эришганлиги унинг 1949 йили қабул қилиниб, 1950 йил январда кучга киритилган конституциясида ҳам ўз ифодасини топди. Конституцияга биноан, Ҳиндистон суверен-демократик республика деб эълон қилиниб, қулчилик ва мажбурий меҳнатнинг барча шакллари тақиқланди. Фуқароларнинг диний эътиқоди, ирқи, жинси, кастаси, туғилган жойидан қатъи назар тенг эканлиги қонунийлаштирилди. Бу енгиллик кейинчалик, 1955 йили, чиқарилган каста тоифали камситишнинг жазоланишини назарда тутган қонун билан ҳам кафолатланди. Хусусий мулк дахлсиз деб эълон қилинди.

Қонунчилик ҳокимияти икки палата: **халқ палатаси** ва **штатлар кенгашидан** иборат бўлган парламентга топширилиб, Ҳиндистон тарихида биринчи маротаба умумий сайлов ҳуқуқи ўрнатилди.

Халқ палатаси ва штатларнинг қонунчилик мажлисларига бўлган сайловларда 21 ёшга тўлган ҳамма фуқаролар иштироки таъминланиб, пассив сайлов ҳуқуқидан 25 ёшга тўлган фуқаро-

лар фойдаландилар. Қуйи палата (лок сабха) 500 депутатдан иборат бўлиб, беш йилга сайланади. Юқори палата (раджа сабха) олти йилга сайланиб, ҳар икки йилда депутатларнинг маълум бир қисми янгилаб турилади.

Штатлар кенгашлари эса штатларнинг қонунчилик мажлислари аъзоларидан ташкил топган сайловчилар коллегияси томонидан эгри сайлов йўли билан сайлайди.

Давлат бошлиғи президент, у жуда кенг ваколатларга эга, бош министрни, бош прокурорни, Олий суд аъзоларини, штатлар олий суди аъзоларини ва штатларнинг губернаторларини тайинлайди, халқ палатасининг қонун лойиҳаларига вето қўйиш, конституциянинг ҳаракатини тўхтатиш ҳуқуқига эга. Парламент мажлислари орасида қонун кучига эга фармонлар чиқаради, мамлакатда «фавқулодда ҳолат» эълон қилади.

Ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Агар парламент ҳукуматга вотум – ишонч билдирмаса, у истеъфога чиқишга мажбур.

Ҳиндистон штатларнинг иттифоқидан ташкил топган. 1949 йили мамлакатда мавжуд бўлган князликлар штатларга қўшиб олинган.

1956 йилдан, «Штатларни қайта тузиш тўғрисидаги акт»га биноан, аҳолининг миллий ва тил хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда 14 штат ва 6 ҳудудга бўлинди. Бу акт Ҳиндистонда миллий масалани охиригача ҳал қилолмаган бўлса-да, лекин ижобий аҳамиятга эга эди. 1950 йилги конституцияга биноан, Ҳиндистондаги штатлар уч гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ. Штатларда ижро ҳокимияти бошлиғи президент томонидан тайинланган губернатор қўлида бўлиб, қонунчилик ҳокимияти бир палатали ёки икки палатали парламентга топширилган.

2-гуруҳ. Штатларда штат бошлиғи раж-прамукхлар қўлида, улар маҳаллий князлар томонидан сайлаб қўйилган, уларда бир ёки икки палатали парламент мавжуд бўлган.

3-гуруҳ. Қонунчилик ваколоти марказий ҳукумат томонидан чеклаб қўйилган штатлар.

1949 йилги Конституция 365 моддадан иборат бўлиб, 8 ило-

васи бор эди. 1982 йилги матни 416 модда ва 9 иловадан иборат. Охирги учта ўн йиллик ичида у 52 марта ўзгарди. Конституцияга кўра, фақат қонунларгина эмас, одатлар ҳам (13-м.) ҳуқуқ манбаидир.

Индонезияда мустақиллик эълон қилинган 1945 йили конституция қабул қилиниб, бошқаришнинг республика шаклига ўтилган. Бу республика, Миллий партия лидери Сукарнонинг фикрига кўра, 5 та асосий қоидага асосланади: национализм – индонез миллатининг бирлиги, Индонезия миллий давлатининг бирлиги, интернационализм – миллатлар ҳамжиҳатлиги, халқ ҳуқуқмати – индонез халқининг бахт-саодати, эътиқод – худо.

Индонезияда ислом, христиан, будда, анимизм динларига эътиқод қилувчи 200 дан ошиқ қардош халқ ва қабилалар яшайди, миллатчилик принципида ўз ифодасини топган унитар давлат шакли катта аҳамият касб этди. Конституцияда Индонезия халқининг қонун олдида тенглиги, сўз, мажлислар эркинлиги, касаба уюшмаларига бирлашиш, меҳнат эркинлиги ҳуқуқлари эълон қилинди.

Индонезиянинг 1945 йилги конституцияси характерли томони давлат ҳокимияти органларининг ўзига хослигидир. Бу ерда олий ҳокимият **Халқ маслаҳати конгрессига** топширилган, унинг таркибига парламент – халқ вакиллари кенгаши ҳамда алоҳида район ва гуруҳ аҳоли вакилларининг кенгаши кирган, Консульта-тив конгресс 5 йилда бир марта конституциявий қонунлар қабул қилиш ва давлат сиёсатининг умумий йўналишини белгилаш мақсадида чақирилган. Президент кенг ҳуқуқлардан фойдаланган, у давлат бошлиғи, қуролли кучлар кўмондони, ҳукумат бошлиғи ҳисобланган, мутлақ вето ва фавқулодда ҳуқуқларга эга бўлган.

1949 йили Индонезияда янги конституция қабул қилиниб, давлат тузилишининг федерал принципи мустаҳкамланди.

Индонезия 16 штат, ҳудудга бўлинди. 1960 йили давлат тузилишининг унитар шакли қайта тикланди. 1950 йилги конституцияга биноан, қонунчилик ҳокимияти президент, министрлар кенгаши ва парламент (халқ вакиллари) томонидан амалга ошириладиган бўлди. Президент парламентни тарқатиб юбориши, янгидан сайловлар ўтказиши мумкин.

Индонезияда 1959 – 1962 йилларда давлат тузилишида ислохот ўтказилди, бу давр бошқарилувчи демократияга ўтиш даври ҳисобланади. 1965 йили Индонезияда давлат тўнтариши юз берди.

Яқин Шарқ мамлакатлари. Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизмнинг энгилиши араб давлатларида ҳам озодлик ҳаракатини кучайтириб юборди. 1946 йили Сурия, Ливан, Иордания ўз мустақиллигини курашиб олди. 1952 йил Ливия, 1956 йили Судан, Марокаш, Тунис, 1962 йили эса Жазоир мустақилликка эришди. Бу мамлакатларда, айниқса, Қувайт, Ироқ, Саудия Арабистонида нефть ишлаб чиқариш чет эл капитали қўлида эди. Ватанпарвар кучлар монополиялар ҳукмронлигини чеклаш учун кураш олиб борди.

Социал-иқтисодий тузумининг ранг-баранглиги туфайли, бу давлатларда турли сиёсий тузум ва бошқариш шакли ташкил топди. Саудия Арабистони ва бошқа айрим князликларда мутлақ монархия тузumi сақланиб қолди (қироллар, амирлар, шайхлар). Ливия, Иордания, Марокаш каби давлатларда эса конституциявий монархия қарор топди. Тунис, Судан, Ливан, Ироқ республика тузумида эди.

1949 йили Мисрнинг Исроил билан бўлган урушда мағлубиятга учраши сиёсий аҳволни кескинлаштириб юборди. Мамлакатда Жамол Абдул Носир бошчилигида **«Озод офицерлар»** яширин партияси тузилди. Миллий-озодлик кучларининг сиқуви остида ҳукумат 1936 йили Миср ва Англия ўртасида тузилган шартномани бекор қилди. 1952 йил 23 июлда «Озод офицерлар» тўнтариш ўтказиб, Англия ҳукумати томонидан қўйилган қирол Фаррухни тахтдан ағдариб ташлади. Ҳокимият **Инқилобга раҳбарлик қилиш кенгаши** қўлига ўтди. Бу тўнтариш оддий воқеага ўхшаса-да, лекин Миср ҳаётида мустақил ривожланиш йўлини бошлаб берди.

Мамлакатда инқилобий кайфиятдаги офицерлар ва буржуа партиялари «Қардош мусулмонлар» жамоаси ўртасида кураш бориб, 1952 йил сентябрида Инқилобга раҳбарлик қилиш кенгаши таркибидан ўнг оқим чиқариб ташланди, 1923 йилги конституция бекор этилди, ислохотлар ва демократик конституцияни

ишлаб чиқиш учун «3 йиллик ўтиш даври» эълон қилинди. 1953 йил 18 июнда Миср республика деб эълон қилинди. 1954 йили мамлакатда янги сиёсий инқироз вужудга келди. Президент **Нагиб** вазифасидан олиниб, Жамол Абдул Носир бош министрликка тайинланди. 1956 йили Миср давлатининг талаби билан Англия кўшинлари Миср ҳудудидан чиқиб кетди. 1956 йил 26 июлда Сувайш каналини миллийлаштириш тўғрисида декрет чиқди. 1957 йил апрелида алоқа воситалари, кemasозлик компаниялари, 1960 йили банк, 1962 йилда саноат миллийлаштирилди. 1962 йили давлат сектори 80 фоизни ташкил қилди. Қирол ерлари мусодара этилиб, 1961 йил 13 ноябрдаги қонун билан ер эгаллиги 100 федденгача чекланди. 1957 йили Миллий иттифоқ партияси, 1962 йили Араб социалистик иттифоқи партияси ташкил қилинди. Бу партия ишчи, деҳқон, зиёлилар, миллий буржуазияни бирлаштирди. 1953 йили Инқилобга раҳбарлик қилиш кенгаши муваққат конституцияни эълон қилганди. Унга биноан, барча ҳокимият Инқилобга раҳбарлик қилиш кенгаши қўлига берилиб, у ҳукуматни тасдиқлаш, барча министрларни алмаштириш, декретлар чиқариш, ташқи алоқаларда давлат номидан қатнашиш ҳуқуқларини олди. Республика тузуми ўрнатилгач, кенгашнинг раиси республика президенти ҳам ҳисобланадиган бўлди.

1956 йили умумхалқ овоз бериш йўли билан янги конституция қабул қилиниб, Миср тарихида биринчи марта аёллар сайловда қатнашди. 1958 йили Сурия Миср билан қўшилгач, **Бирлашган Араб Республикаси** (БАР) ташкил топиб, бу конституция ўз кучини йўқотди. 1958 йили муваққат конституция қабул қилинди. Президентга катта ҳуқуқлар берилди, у давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланди. 1962 йили Сурия БАРдан чиққандан кейин, «Конституциявий декларация» деб номланувчи ҳужжат қабул қилинди, унга кўра, БАРнинг олий ҳокимият органи – Президент кенгаши чақириладиган бўлиб, унинг таркибига 12 киши кирди. Ташкилот раиси президент ҳисобланиб, унинг розилиги билан Ижро кенгашининг раиси (кабинет) ва министрлар тайинланади. 1961 – 1964 йилларда БАРнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди, булар 1964 йилги вақтли конституцияда ўз ифодасини топди. Конституция меҳнаткашлар иттифо-

қига асосланган БАРни демократик давлат деб эълон қилди (9-м.). Давлатнинг иқтисодий асоси ўзгалар меҳнатидан фойдаланишнинг ҳар қандай кўринишини тақиқлаш деб белгиланди. Давлат, кооператив, хусусий мулк шакллари эълон қилинди. Парламент республикаси тузуми ўрнатилиб, Миллий мажлисга ҳукумат фаолиятини назорат этиш ҳуқуқи, депутатликка номзодларнинг 20 фунт гаров қўйиши ўрнатилди. 1952 йилдан миллий ҳуқуқ тизими яратила бошланди.

Жазоир. Бу давлат деярли 140 йил мобайнида Франция мустамлакаси бўлиб келди. 1964 йил ноябрида бошланган миллий-озодлик кураши Жазоир халқи тарихида янги босқич бўлди. Жазоир халқининг миллий-озодлик кураши бош штаби – Ҳаракат ва бирлик инқилобий комитети ташкил топади. Кейинчалик у аҳолининг барча табақаларидан ва сиёсий гуруҳларидан тузилган Жазоир миллий-озодлик фронтига ўсиб чиқди. Жазоир халқининг 7 йиллик озодлик уруши натижасида 1962 йили Франция мамлакатнинг мустақиллигини тан олди. 1962 йили Таъсис мажлисига сайлов ўтказилиб, 25 сентябрда Жазоир Халқ Демократик Республикаси тузилгани эълон қилинди. Жазоирда ҳам туб социал-иқтисодий чоралар, жумладан, иш соатини қисқартириш, иш ҳақини мустақкамлаш, эгалари ташлаб кетган корхоналарда ўз-ўзини бошқариш тизимини ташкил қилиш чоралари амалга оширилди. 1963 йили конституция қабул қилиниб, президентлик республикаси тузуми ўрнатилди. 1965 йил 15 июндаги давлат тўнтаришидан кейин ҳокимият Хуари Бумиддин бошлиқ инқилобий кенгаш қўлига ўтди. Кенгаш Жазоирни унинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда демократик йўлдан ривожлантиришни эълон қилди.

4. Африкада мустақил давлатларнинг ташкил топиши

Африка мамлакатларида ҳам озодлик ҳаракати кенг қулоқ ёйди. 1947 йили Мадагаскарда, 1948 – 1950 йилларда Олтин Қирғоқ, 1949 йил ноябрида Нигерияда озодлик урушлари бўлди, лекин улар мустамлакачилар томонидан бостирилди.

1957 йил 6 мартда Англия ҳукумати Олтин Қирғоқ ўрнида таш-

кил топган Гана давлатининг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Оммага сиёсий раҳбарлик ролини Гвинеяда Гвинея демократик партияси (ГДП) ўйнади. ГДП 1957 йил 31 мартда Худуд мажлисига ўтказилган сайловларда 60 мандатдан 57 тасини ёки 88 фоизини олиб, ўз атрофида прогрессив кучларни бирлаштирди. 1958 йил 28 сентябрда конституциявий референдум ўтказилиб, Худуд мажлиси Таъсис мажлисига айланди. 1953 йил 2 октябрда Гвинея суверен, мустақил давлати тузилгани эълон қилинди. Шу тариқа 1958 йили Тропик Африкада Гана ва Гвинея биринчи бўлиб мустақилликка эришди. Бельгия ҳукумати Конгода ўз таъсирини сақлаб қолиш мақсадида унга конституция «ҳада» қилди. 1960 йил 30 июнда Конго ўз мустақиллигини эълон қилди. 1964 йили Танганика ва Занзибар давлатлари ташкил топиб, бир давлат – Танзанияга бирлашди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳуқуқий географияси турли тарихий минтақалар: Осиё, Африка ва Лотин Америкасига тааллуқлилиги, турли диний-ҳуқуқий тизимларга (индуизм, ислом, конфуцийлик) мансублиги билангина эмас, қўшни ва яқин жойларда яшовчи қабила ва уруғлардаги одат ҳуқуқларининг турли-туманлиги билан ҳам бир-биридан фарқланади. Одат ҳуқуқи бу мамлакатларда яқка шахс – индивиднинг ҳуқуқи эмас, гуруҳ ва жамоалар ҳуқуқидир. Бундай ҳолатда никоҳ шартномасини олсак, у фақатгина куёв ва келин ўртасидаги шартнома эмас, икки оилавий жамоа орасидаги битимдир. Мерос ҳам яқка индивидга ўтмасдан, оилага тааллуқли. Ҳуқуқнинг иккинчи манбаи диний-догматик ҳуқуқ – бу мустамлакачилик ва ундан олдинги даврдаги давлат қонунчилиги билан бирга партикуляр тизимли одат ҳуқуқини ташкил қилади. Хуллас, сиёсий ва ҳуқуқий модернизация жараёнига партикуляр ҳуқуқий тизимнинг барчаси жалб этилган.

Назорат учун саволлар

1. Японияда қандай тарихий шароитларда фашистик диктатура ўрнатилди?
2. Япониянинг 1946 йилги конституцияси ким томонидан қандай шароитларда ишлаб чиқилди?

3. 50-йиллардан кейин Япония ижтимоий-сиёсий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

4. Хитой озодлик ҳаракати ва Гоминдан партияси ҳақида нималарни биласиз?

5. Хитойдаги «маданий инқилоб» ва ислохотларни гапириб беринг.

6. Жаҳон мустамлакачилик тизимининг емирилиши ва унинг даврлари қандай?

7. Ҳиндистоннинг мустақилликка эришиши қандай тарихий шарт-шароитларда юз берди?

8. Яқин Шарқ мамлакатларида инқилоблар ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши.

9. «Африка йили» ва Африка давлатларининг ташкил топиши қачон, қандай тарихий шароитларда кечди?

10. Жаҳон мустамлакачилик тизими емирилишининг ижобий оқибатлари ва аҳамиятини тушунтиринг.

Адабиётлар

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.243 – 266.

2. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2006. – С.482 – 525.

3. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.429 – 512, 684 – 712.

4. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.651 – 670.

5. Калинина З.А., Серебренников В.П. Крушение колониальной системы империализма и образование независимых государств. – М., 1971.

Лугат

Демилитаризация – урушдан кейинги йилларда ҳарбийлашган фашистик давлатларнинг ҳарбий қудратини емириб ташлаш, қуролсизлантириш.

Денацификация – Иккинчи жаҳон урушидан кейин энгилган фашистик тузумли давлатларда миллатчи ва шовинистик партияларнинг тарқатиб юборилиши.

Гоминдан – Хитой миллий партияси.

Корпорация – АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлар ҳуқуқий тилида юридик шахс, ташкилот тушунчасини англатади.

Оккупация – бир давлатнинг иккинчи давлат ҳудудини вақтинча босиб олиши.

Префектура – Японияда катта маъмурий-ҳудудий бирлик, округ.

17-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВР ҲУҚУҚИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Режа

1. Ҳуқуқнинг манбалари ва тизимидаги ўзгаришлар.
2. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқидаги ўзгаришлар.
3. Социал қонунчилик борасидаги ўзгаришлар.
4. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи.

Таянч иборалар

Иккала жаҳон уруши орасида ҳуқуқ тармоқларидаги ўзгаришлар. Янги удумлар (тенденциялар). Англияда консолидациялашган қонунлар. Комплекс ҳуқуқ. Иқтисодий либерализм принципнинг бузилиши. Трест – ишонилган мулк. Меҳнат акциялари. Антитрест қонунчилиги. Социал таъминот, социал сугурта борасидаги қонунчилик. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ борасидаги ўзгаришлар. Фавқулодда қонунчилик. Регламентлар. «Хавфли ҳолатда бўлиш» учун жиноий жавобгарлик. Фашистик тузумлар даврида ҳуқуқдаги ўзгаришлар ва уларнинг репрессив характери. Янги кодекслар. Глобал ва регионал жараёнлар таъсирида ҳуқуқдаги ўзгаришлар. Евроҳуқуқ.

1. Ҳуқуқнинг манбалари ва тизимидаги ўзгаришлар

Энг янги тарих даврида нафақат давлат ташкилоти ва сиёсий тузумида, балки ҳуқуқда ҳам катта ўзгаришлар юз берди, чет мамлакатларда жамиятнинг аввалги босқичларига хос бўлмаган белгилар ва удумлар юзага келди. Охириги 50 йил ичида ҳуқуқнинг ривожланиш жараёни турли давлатларда турлича йўлдан борди. Шу билан бирга, чет эл давлатларининг барчаси сиёсий, иқтисодий, социал ўзгаришларнинг умумий ва универсал белгилари, корпорацияларнинг ҳукмронлиги кучайиши, баъзи бир тартибларга қарши меҳнаткашлар курашининг ортиши, ҳукмрон дои-

раларнинг баъзи ҳолларда демократик бошқариш методидан сиёсий реакцияга ўтиши кабиларни ўзида ифодалади.

Ҳуқуқнинг манбаи ва тизимида ўзгаришлар юз берди. Бу даврда ҳам янги тарих даврида қабул қилинган кодекслар ва қонунлар, жумладан, Франция кодекслари, Германия уложени-яси ва бошқалар амалда бўлган эса-да, ҳуқуқнинг манбалари салмоқли даражада ўзгарди. Эски кодексларга турли ўзгариш-лар киритилди. Айрим мамлакатларда эса янги шароитдаги ҳук-мронликни ифодалаган янги кодекслар қабул қилинди. Масалан, Италияда 1889 йилги либералроқ ЖК ўрнига 1931 йили фашист-лар томонидан янги кодекс киритилди. Испанияда 1870 йилги ЖК 1932 йили, Францияда гарчи Наполеон кодификацияси сақ-ланиб қолган бўлса-да, 1808 йилги ЖПК 1958 йили янги ЖПК билан алмаштирилди. Янги кодекс ва тўпламларнинг вужудга ке-лишига жуда кўп миқдордаги қонунчилик ва ҳуқуқий материал-ларни тизимлаштириш эҳтиёжи сабаб бўлди.

Францияда Иккинчи жаҳон урушидан кейин, тўртинчи респуб-лика даврида, жуда кенг кодификация ишлари олиб борилиб, ҳуқумат декрети билан 1951 – 1956 йилларда 19 та янги кодекс амалга киритилди. Булар пенсия, ер, тоғ, сайлов, оила, социал ёрдам, урбанизация, соғлиқни сақлаш ва бошқалардан иборат эди. Гарчи англ-сакс ҳуқуқ тизими мамлакатларида илгариги мезонлар бир тизимга солинмаган эса-да, энди ҳукмрон доира-лар ҳуқуқни ягоналаштиришдан манфаатдор бўлиб қолди. 1926 йилдан АҚШда федерал қонунлар тўплами нашр қилина бошла-ди. Бу тўплам 50 бўлимдан иборат, кодекслаштирилмаган ҳуқуқ (статутлар), кодекслашган ҳуқуқ ёки намунавий кодекслар асо-сида (жиноят, савдо, оила кодекслари), қисман кодекслаштирил-ган, қисман унификацияланган (бир хиллаштирилган) ҳуқуқлар-дан иборат бўлиб, ҳар беш йилда қайта нашр қилиб турилади.

Англияда XX асрдан парламентнинг бир масала юзасидан турли даврда чиқарган актларини ўз ичига олган, ихчамлашти-рилган – **консолидациялашган қонунлар** тарқала бошлади. 1870 йилдан 1934 йилгача 109 та ана шундай қонун қабул қилин-ди. 1894 йилги «Денгиз савдоси ҳақида»ги акт 748 моддадан иборат эди. Ҳатто 1949 йили Англия парламенти «Қонунларни

консолидациялаштириш тартиби тўғрисида»ги актни қабул қилди. Бу даврда ҳуқуқ манбаи тузилишининг ўзида туб ўзгаришлар бўлди. Ҳуқуқнинг бошқа манбалари ичида ижро ҳокимиятининг актлари катта роль ўйнай бошлади. Мазкур актлар, айниқса, демократик эркинликларни бекор қилиш, реакцион институтларни ўрнатишга эҳтиёж юз берган вақтда, катта ўрин тутди. 1967 йилги «Жиноят ҳуқуқи ҳақида»ги акт, 1981 йилги сохта пул ясаш, сохтакорлик, хизмат сохтакорлиги ҳақидаги актлар шулар жумласидандир.

Парламент 1965 йили ҳам «Қонунларни консолидациялаштириш тўғрисида» акт қабул қилиб, шу бўйича алоҳида ҳуқуқий комиссия тузилди. Шартнома ҳуқуқи, оила, мулк ижарасини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича кодекслашган актлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнда статутлар, делегияли қонунчилик ва прецедент ҳуқуқи ҳам ҳисобга олинган.

Ҳукумат декретлари, министрларнинг буйруқлари ва регламентлари ана шундай актлардан эди. Ҳукумат актларининг роли, парламентнинг мавқеи пасая боргани, делегияли қонунчилик ривожлангани, ваколатли органларнинг ҳукуматни назорат қилиши пасайгани сари, орта борди.

Италия (Муссолини), Германия (Гитлер), Венгрия (Хорти) каби фашистик давлатларда, Лотин Америкаси давлатларида диктаторлик даврида ҳукумат очикдан-очик қонунчилик ваколатини суиистеъмол қилиб, ўз актлари билан тўғридан-тўғри қонуний, ҳатто конституциявий актларни алмаштирдилар. Маъмурий амалиёт натижасида ҳам ҳуқуқнинг муҳим принципи, у ёки бу масалаларга оид ҳукумат сиёсати кўпгина ҳолларда маъмурий прецедент аҳамиятига эга бўлади. Бу прецедентнинг орқасида эса давлат амалдорларининг ўзбошимчалиги ётади.

Англия, АҚШ, Канада каби мамлакатларда ҳуқуқ манбаи сифатида суд прецедентининг роли сусайиб, судлар тобора норматив актларга асосланган бўлса-да, у муҳим ҳуқуқий институтларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бундай ҳол суд прецеденти ҳуқуқ манбаи деб танилмаган давлатлар, Европанинг кўпгина давлатлари, Лотин Америкасида ҳам учрайди. Судлар расман «stare decise» – суднинг олдинги прецедентлар би-

лан боғлиқлиги қонундан узоқлашсалар-да, лекин қонунларнинг ноаниқлиги туфайли, уларни шарҳлаш сифатида янги ҳуқуқий принциплар яратдилар. Бу жараён XX асрда АҚШда яққол кўзга ташланади. Судлар ҳаракатдаги ҳукмрон доиралар манфаатига зид келиб қолган қонунларни конституцияга хилоф деб топа бошлайдилар. Биринчи жаҳон урушидан кейин кўпгина штатларнинг қонунлари шундай деб топилди. Олий суднинг қарор-доктриналари АҚШ давлат ҳуқуқи манбаларига айлана борди. АҚШ суд тажрибасидан ўрнак олган ҳолда Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония, ГФР, Италия, Ҳиндистон каби давлатларда ҳам конституциявий судлар ташкил топиб, уларнинг қарорлари давлат ҳуқуқининг манбаига айланди.¹

XX асрнинг 30 – 40-йилларидаги ўзгаришлар ижтимоий ҳаётнинг турли томонларига давлатнинг кескин аралашувига олиб келди. Бу ҳол, ўз навбатида, айрим ҳуқуқий институтларни автономлаштиришга, анъанавий ҳуқуқ тизимининг майда бўлақларга бўлинишига, ҳуқуқнинг янги соҳалари: банк, транспорт, патент, суғурта пайдо бўлишига олиб келди. Иккинчи томондан, савдосотиқнинг маъмурий ва фуқаролик-ҳуқуқий методлар билан тартибга солиниши XX асрда фуқаролик, савдо, маъмурий ҳуқуқ ўртасидаги аниқ чегарани йўқота борди. Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи **комплекс ҳуқуқ** соҳасини вужудга келтирди. АҚШнинг юриспруденциясида савдо обороти ҳуқуқи (Business Law), Германияда ишбилармонлик ҳуқуқи, Австрияда хўжалик ҳуқуқи, Бельгия ва Францияда иқтисодий ҳуқуқ каби тушунчалар кенг қўлланилди. Бу жараён ҳуқуқнинг анъанавий тузилиши инқирозини билдириб, ҳуқуқнинг эса хусусий ҳуқуқ, оммавий ҳуқуққа бўлинишига қарши қўйилган. Хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқий тартибга солиш услубларининг чатишиб кетиши корпорациялар билан давлатларнинг қўшилиши ифодасидир.

Энг янги тарих даврида ҳуқуқнинг умумий тизимида характерли ҳодисалардан бири шуки, маъмурий-ҳуқуқий қатъий императив тартибга солиш услубларининг мавқеи ошди. Бу моно-

¹ История государство и права зарубежных стран: Учебник. Ч.2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.532.

полияларга фойдали ижтимоий-сиёсий тартибни сақлаш учун давлатнинг полиция ҳомийлиги натижасида ҳамда фуқароларнинг даставвал дахлсиз, ажралмас деб танилган ҳуқуқларига маъмурий органларнинг қўпол равишда аралашishi туфайли, бир гуруҳ маъмурий қоидалар эса давлатнинг хўжалик ҳаётини тартибга солиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Яъни давлатнинг мамлакатга бу таъсири маъмурий-ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топди. Мазкур мезонлар кўпгина монополистлар манфаатларини ифодалаб, инқироз ҳолларини ҳал этишда ёрдам берди. Масалан, 1933 йилги «Миллий саноатни тиклаш ҳақида»ги акт ва «Қишлоқ хўжалигини тиклаш ҳақида»ги акт (АҚШ, Рузвельт). Бундай қонунчиликнинг вужудга келиши дастлаб фавқулодда ҳол ҳисобланган бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушидан кейин доимий тус олди. Хўжалик ҳаётини маъмурий тартибга солиш гарчи фавқулодда чора эса-да, лекин ишлаб чиқаришни режалаштириш ва саноатни ривожлантиришда чет мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган.

XX асрнинг, айниқса, иккинчи чорагида АҚШда федерация ва штатлар ҳаётида кўпроқ қонунлар катта мавқега эга бўла бошлади. Конгресс ҳар йили 300 – 400 дан 900 гача қонунлар, штатларнинг легислатуралари эса 10 мингдан 30 минггача қонунчилик актлари чиқара бошлади. 1926 йилдан бери АҚШда федерал қонунлар тўплами нашр этилади, ҳар 6 йилда янгилаб турилади. У 50 бўлимга эга. Ҳар бир бўлим ёки ҳуқуқий тартибга олишнинг алоҳида тармоғи саноат ва савдо, қишлоқ хўжалиги ёки конкрет ҳуқуқ тармоғига бўлинади. Штатларда ўзларининг фуқаролик, жинойт кодекслари мавжуд. Бу даврдаги фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги ўзгаришлардан кўпроқ «Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати», «Юридик шахсларнинг ҳуқуқий статуси»га кўп аҳамият берилган. Шунингдек, корпоратив ҳуқуқ ривож топмоқда.

Англияда XX асрда корпоратив капитал ролининг ўсиши 1929, 1948, 1985 йилларда бу борада қатор қонунларнинг қабул қилинишига олиб келди. Жумладан, 1985 йилги «Компаниялар ҳақида»ги қонун консолидациялашган акт, ўз олдига компаниялар ҳақидаги барча қонунларни бирлаштиришни қўйганди. Қонун жуда мураккаб бўлиб, 27 бўлим, 747 модда ва 25 иловадан ибо-

рат, у компаниялар ташкил қилишнинг янги шароитини жорий этди.

Францияда меҳнат муносабатлари ва меҳнат низоларини тартибга солиш учун 1910 йили меҳнат кодекси қабул қилинди, бу кодекс 1973 йили қайта таҳрир қилинди, 1961 – 1982 йилларда кўплаб тузатишлар киритилди. Аввалда мазкур кодекс парламент ва ҳукумат томонидан турли даврларда чиқарилган кўплаб актларнинг инкорпорациясидан (йиллар бўйича тўплами) иборат. Германияда 1911 йили суғурта ҳуқуқига бағишланган қонунлар қабул қилиниб, у 1911 йилдан социал кодекс деб атала бошлади.

Энг янги тарих даврида биринчи даражали вазифалардан бири жиноятчиликка қарши кураш муаммоси бўлиб қолди. Камбағаллик, ишсизлик, тураржой танқислиги, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, оилавий асосларнинг емирилиши, шаҳарларнинг ўсиши, қишлоқларнинг бўшаб қолиши, маълумот даражасининг пастлиги, кишиларнинг ахлоқий нормалари кескин бузилиши, ҳаётий идеалларининг пасайиши, очлик ва шу каби социал ҳолатлар жиноятчиликнинг ўсишига олиб келмоқда. 1920 – 1930 йилларда АҚШнинг 40 йирик шаҳрида жиноятчилик 2 марта ўсди. 1933 йили АҚШда 2259 ёки ҳар 100 минг аҳолига 1130 жиноят содир қилинган бўлса, 1967 йили 3750, 1970 йили эса 5568 йирик жиноят рўйхатга олинган ёки ҳар 100 минг аҳолига 2740 жиноят тўғри келади. АҚШ ва бошқа мамлакатларда аҳолининг сонига нисбатан жиноятчилик беш марта тез ўсмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик кўпаймоқда. Масалан, 1930 йили 15 – 24 ёшлилар ўртасидаги кишилар АҚШ фуқароларининг 18% ни ташкил қилганлари ҳолда, улар ҳиссасига жами жиноятларнинг 34% тўғри келган. 1977 йили эса 25 ёшгача бўлган жиноятчиларга жами қасддан одам ўлдириш жиноятларининг 43%, номусга тегиш жиноятларининг 56%, талончилик ва ўғрилиқнинг 80% тўғри келди.

Жиноят ва жазо борасида шуни айтиш лозимки, кўпгина мамлакатларда суд процесслари, айниқса, сиёсий жараёнларда ёпиқ олиб борилади. Кўпгина мамлакатларда қатл этиш жазоси бекор қилинган бўлса-да, амалда у турли найранглар билан ижро эти-

лади. Суд ҳукми билан ўлим жазосига ҳукм қилинганлар 1970 йилларда судсиз жазога тортилганларнинг фақат 1 – 2% ни ташкил этади, холос. 70-йилларда 29 чет мамлакатда қатл этиш жазоси бекор қилинганини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, 5 минг киши ўлим жазосига ҳукм қилинган, суд ҳукмисиз эса 500 минг киши жазога тортилган. 1965 йили Индонезияда давлат тўнтариши ўтказилгандан кейин, 500 минг коммунист ва демократлар судсиз қатл қилинган. 1967 йили Грецияда фашистик тузум ўрнатилиши билан, оммавий қатл қилиш, қамоққа ташлашлар натижасида 60 минг киши ўлдирилган. Кичкинагина Гаитида Дювальенинг 14 йиллик тузуми даврида 30 мингга яқин киши судсиз, терговсиз қатл этилган. Чилида давлат тўнтаришидан кейин, 1974 йили, судсиз 600 минг киши қамоқхонага ташланган.

2. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқидаги ўзгаришлар

Иқтисоднинг давлат томонидан бошқарилиши кучайиши, энг аввало, фуқаролик ва савдо ҳуқуқида, субъектнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қоидаларда ўз ифодасини топди. Агар янги тарих даврида ҳуқуқ субъекти сифатида алоҳида шахслар қатнашган бўлса, энг янги тарих иқтисодиётида ишлаб чиқариш бирлашмалари катта ўрин ола бошлади. Бу эса юридик шахслар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга келтиришни талаб этди.

«Савдо ўртоқлиги» ва «акционерлик компанияси» каби юридик шахсларга қонунчиликда жуда кенг ўрин берилди. Чунки мазкур юридик шахслар банк, саноат, савдода мураккаб операцияларни амалга оширишга қодир капиталнинг йиғилишига (аккумуляция) ёрдам берувчи ташкилотлар эди.

Францияда 1981 йилдан кейин биржада қимматбаҳо қоғозларнинг нархи ошиб, бойлар янада бойиб кетдилар. Акция ва облигацияларни ўз қўлида тўплаган 52 минг киши 253 миллиард франк капиталга эга. Корхоналардаги 9,3 минг раҳбарнинг ўртача ойлик даромади 200 минг франкни ташкил қилган. 600 мингдан ортиқ ишсиз давлатдан ёрдам олишдан маҳрум бўлди, 8,5 миллион ишсиз мавжуд.

Энг янги тарих даврида юридик шахслар масаласи уларнинг

роли, шакллари, ваколатлари янги шароитларга мослаб ишлаб чиқилди, чунки фуқаролик, шахсий-мулкий ҳуқуқий муносабатларда жисмоний шахсларга нисбатан юридик шахсларнинг роли ва аҳамияти кенгайди, бу эса акционерлик жамиятларининг ёйлишига, сон жиҳатдан кўпайишига олиб келди.

АҚШда фирмаларнинг мулки умумий мулк ҳисобланганлиги учун, улар ўзларининг қарзлари учун тўла жавобгар жамиятлар ҳисобланади. Корпорацияларнинг юридик таърифи бўйича турли қарашлар бор. Корпорациялар юридик жиҳатдан жисмоний шахслардан шуниси билан фарқ қиладики, «корпорациялар юридик жиҳатдан ўлимдан ҳимоя билан таъминланган юридик шахслардир».¹

АҚШнинг ҳуқуқий доктринасига кўра, **корпорациялар умумий мақсад йўлида бирлашган ва умумий номда ҳаракатланаётган шахсларнинг бирлашмаси** сифатида талқин қилиниб, яқин вақтларгача бешта мезонга эга эди: юридик шахс мақомига эга бўлиш, чекланган масъулият, фаолият кўрсатишнинг муддатсизлиги, акцияларни озод, эркин тарқатиш, корпорациянинг марказлаштирилган тарзда бошқарилиши. 1997 йил январида АҚШнинг солиқ хизмати мазкур мезонларга аниқлик киритиб, унинг фаолиятидаги молиявий таваккалчиликни ҳам кўрсатиб ўтган.

Бу даврда компания ва акционерлик жамиятлари тўғрисидаги янги қонунлар юзага келди. 1923 йили Чилида, 1929, 1948 йилларда Англияда, 1934 йили Мексикада, 1937 йили Германияда, 1951 йили Японияда, 1956 йили Ҳиндистонда, 1965 йили ГФРда акционерлик жамиятлари тўғрисида қонунлар қабул қилинганди. Францияда акционерлик савдо ўртоқлиги ҳақида 1930, 1940, 1965, 1985 йилларда, Англияда 1929, 1948 ва 1985 йилларда компаниялар ҳақида қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар капитални бирлаштиришнинг янги ва қулай шакллари яратиш ёки акционерлик компанияларини ташкил қилиш учун қўшимча имтиёзлар белгилашни назарда тутди. Йирик монополистларга майда ва ўрта мулкдорлар устидан ҳукмронликни таъминлашга ёрдам берди. Акционерлик компаниялари тўғрисида-

¹ Графский В.Г. Кўрсатилган асар. – С.673.

ги янги қонунчилик йирик капиталистларнинг манфаати йўлида акция ва қимматбаҳо қоғозларнинг «букилувчан» шаклларини чиқаришни назарда тутди, бу эса унинг ташкилотчиларига нисбатан кичик акцияга эгалик қилган ҳолда бутун акционерлик капитали устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Акционерлик капиталининг «демократлашуви» деган гап ҳам шунга олиб келади. 1917 йили Франциядаги қонунчилик меҳнат акцияларини чиқаришни, унда ишчи ва хизматчиларнинг қатнашиши тўғрисида гапирди.

АҚШ ва бошқа давлатлар ҳуқуқи кенг оммага сотиш учун имтиёзли акция чиқариш тўғрисида гапирди. Ҳолбуки, бундай акцияни олган киши акционерлик компаниялари мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига эга эмасди.

XX асрда АҚШ корпорацияларида англ-сакс ҳуқуқида кенг тарқалган трест (ишонилган мулк) қўлланилди, унга биноан, акционерларнинг овоз ҳуқуқи алоҳида ишонилган шахсларда бўлади. АҚШ, Япония қонунчилиги компанияларнинг директорларига кенг ҳуқуқ, ҳатто янги акциялар чиқариш ҳуқуқини беради. Олдинги қонунларда гарчи мазкур масала компаниянинг умумий йиғилишига тааллуқли бўлса-да, бу қонунчиликнинг характерли томони шундаки, расман компания ёки корпорациянинг бутун фаолияти устидан назорат қилиш сақланса-да, амалда компания корпорацияларни бошқаришни бошқарувчиларга топширади. Бу нарса гўёки компанияни унинг назорат пакетларини қўлида тўплаган мулкдор эмас, балки оддий мутахассис бошқаряпти деган сохта фикрни туғдиради. Амалда бошқарувчи улар қўлидаги бир қуролдир. Бу қонунчилик яқка шахслар эмас, бир қанча акционерлик компаниялари иштирок этган супер бирлашмалар ташкил топишига шароит яратиб беради. Германияда картеллар ва концернлар, Францияда синдикат, Англия ва АҚШда компаниялар (холдинг) шулар жумласидандир. Картель компаниялар орасида ўзаро таъсир доирасини чегаралаб, товарларга монопол баҳо белгилашни келишиб олиш (баҳони келишиб белгилаш)ни назарда тутган йирик бирлашмадир. **Антитрест қонунчилиги** энг янги тарих даврида давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг яққол мисоли бўла олади. 1949 – 1960 йилларда Фар-

бий Европа мамлакатларида 4 марта иқтисодий инқироз юз берди.

Корпорацияларнинг очикдан-очик майда ва ўрта тоифалар манфаатларини суиистеъмом қилиши уларнинг норозилигига сабаб бўлиб, улар фаолияти устидан давлат назоратини ўрнатиш майда ишлаб чиқарувчилар манфаатларига мосроқ эди. Алоҳида ҳолларда мавжуд тузумга хавф соладиган антимонополистик ҳаракатнинг олдини олиш мақсадида кўпгина давлатлар антитрест қонунларини (монополиялар ҳақидаги қонунлар) қабул қилди. Бундай қонунлардан биринчиси 1890 йили АҚШда **Шерман қонуни** қабул қилинди. 1948 йили, 1956 – 1965 йилларда Англияда, 1948 – 1953 йилларда Японияда, 1957 йили ГФРда қабул қилинди («Картеллар ҳақида»ги қонун). 1960 йили АҚШда қабул қилинган қонун ўзаро рақобатдаги корпорацияларнинг бирлашишини тақиқлади. **1914 йили Клейтон қонуни** Шерман қонунини алмаштириб, саноат молларига монопол баҳо белгилашни бекор қилди. 1970 – 1980 йилларда Англияда антимонополистик қонунчилик такомиллаштирилиб консолидациялаштирилди. 1973 йилги «Хусусий савдо ҳақида», 1976 йили «Чекланган савдо амалиёти ҳақида»ги қонун, 1980 йилги «Рақобат ҳақидаги қонун» шулар жумласидандир.

Антимонополистик қонунчилик давлатнинг иқтисодга таъсир кўрсатишининг бир элементи ҳисобланади. Мазкур қонунлар соҳибкорларнинг алоҳида бирлашмаларини ёки тақиқлайди, ёки чеклайди, лекин улар иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўзгаришлар ясашни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Айрим ҳолларда давлат иқтисодий қонунлар воситасида монополияларга улкан бирлашмаларни тузиш учун ёрдам қилади, бу инқирозларни, фойдасиз корхоналарни тугатиш, саноатнинг ривожланиш даражасини кўтариш ниқоби остида ўтказилади. Масалан, 1934 йили фашистлар Германиясидаги «Картелларни мажбурий ҳолда таъсис этиш тўғрисида»ги қонун заиф картелларга зарба берди. Рузвельтнинг янги курси даврида мажбурий картеллар уюштириш кенг қўлланди. Бу ерда саноатнинг бутун бир тармоғи бўйича йирик монополиялар томонидан ишлаб чиқилган «эркин рақобат кодекслари» ёйилди. Уларнинг умумий сони 800 дан ошиқ эди.

Корпорацияларнинг ҳукмронлиги ва давлат-хусусий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши фуқаролик ҳуқуқининг марказий институти – мулк ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топди. Хусусий мулкни эгасининг мажбурияти деб атовчи концепциялар кенг тарқалди. 1919 йилги Веймар конституциясида, 1932 йилги Мексиканинг янги фуқаролик кодексида шундай шарҳ берилди. Бундай шарҳлаш, бир томондан, ўсиб боровчи ишлаб чиқариш шароитида мулкнинг «социализациялашиши» деган тасаввур вужудга келишига, иккинчи томондан, давлатнинг умуммонополия манфаатлари йўлида мулк ҳуқуқига аралашшига ҳуқуқий асос берди. Биринчи, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда давлат хусусий мулкчиликнинг муқаддас доирасига ҳужум қила бориши туфайли, давлат мулкчилиги ривожланиб борди.

Англия ва Францияда 1971 йили давлат корхоналари ҳиссасига жами ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 1/5 қисми, Австралияда 1/3, Италияда давлат корхоналари ҳиссасига чўян ишлаб чиқаришнинг 85%, пўлатнинг 55%, кемасозлик маҳсулотларининг 80%, машинасозлик маҳсулотининг 25% ни ташкил қилди. 1951 – 1956 йилларда саноатга давлат маблағини сарфлаш, инвестиция қилиш тўхтовсиз ўсди. Давлат мулкнинг ўсиши бир қатор мамлакатларда миллийлаштириш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш билан расмийлаштирилди. Францияда халқ фронтининг қонунчилигига асосан давлат секторига авиация, темир йўл, кемасозлик, радио, телеграф, телефон, шаҳар транспорти ва нефть ишлаб чиқарувчи саноатнинг бир қисми ўтди.

50-йилларда Францияда аралаш ёки ярим давлат, ярим хусусий мулкчилик кенг тарқалди. Ярим давлат мулкчилиги бўйича хусусий шахслар билан биргаликда давлат ҳам акционерлик компаниясининг аъзоси ҳисобланади. Давлат акционерлик компанияси орқали 500 дан ошиқ саноат ва савдо муассасаларида қатнашади. Аралаш иқтисод (аралаш мулкчилик) миллийлаштиришдан яшириниб қолишга хизмат қилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда фуқаролик қонунчилигидаги характерли хусусиятлардан яна бири майда мулкни тасарруф этиш устидан назорат тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинишидир. Масалан, ер эгалари ўзга ерлардан электр линияларини ўтказишга

розилик беришлари, аэродромлар олдида дарахтлар экмаслик ва ҳ.к. тўғрисида қонун чиқариб, мулк эгасининг олдинги чекланмаган ҳуқуқларини энди чеклади. Францияда 1919 – 1938 йилларда қонунлар чиқиб, ер эгаси ердаги сувнинг ҳаракат кучидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслиги ўрнатилиб, фойдаланиш учун эса давлатдан махсус концессия ижозат олишлари белгиланди.

Чет мамлакатлар **фуқаролик ҳуқуқи**да шартнома институти ҳам характерли ўзгаришларга учради. XVIII – XIX асрларда ҳуқуқнинг мумтоз қоидалари, яъни томонларнинг тенглиги ва истакларини баён этиш озодлиги каби принциплардан узоқлашиш намоён бўлади. Масалан, баъзи йирик давлатларда картеллар орасида битимлар кўплаб тузила бошлади.

Йирик компаниялар майда ва ўрта компаниялар билан шартномалар тузишда шартнома шартларини ўзлари белгилаб, кейин уни тайёр ҳолда контрагентларга тақдим қилган. Майда ва ўрта компанияларнинг эса бундай шартларни қабул қилишдан бошқа иложи қолмайди. Бундай шартлар йирик шартномаларда баён қилингани сабабли, «**формуляр шартномалар**» номини олади. «Формуляр шартномалар» нафақат соҳибкорлар ўртасида, балки оммавий савдода ҳам учрайди. Бу даврдаги хўжалик ҳаётининг турғун эмаслиги боис, фуқаролик ҳуқуқида XIX аср кодексларида баён қилинган принцип – шартномаларнинг озодлиги, қатъийлигидан узоқлашиш кўзга ташланади. Буржуа судлари ва қонунчилиги Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврданоқ қарздорларни, фавқулодда ҳолатлар (уруш, инфляция) юз берганда, шартнома шартларини бажаришдан озод қила бошлади. Жумладан, 1918 йили Францияда махсус қонун ишлаб чиқилиб, Биринчи жаҳон урушида тузилган шартномаларни бекор қилишни белгилади.

XIX – XX асрларда АҚШда бошқа барча фуқаролик-ҳуқуқий институтлари ичида шартнома институти ривожланиб, эркин бозор муносабатлари ва рақобатга асосланган АҚШ жамиятининг ҳуқуқий ўзагини ташкил этди. Бу муносабатлар кейинчалик АҚШнинг ягона савдо кодексида янада ривожлантирилди.

Оила ва никоҳ ҳуқуқи борасида ҳам XX аср ўрталарида Англияда кодификациялашган ёки консолидациялашган қатор

қонунлар қабул қилиндики, улар мазкур ҳуқуқ соҳасида туб ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, 1967 йили «Оиланинг тураржойи ҳақида»ги қонун, 1969 йили «Никоҳни бекор қилиш тартибларини ислоҳ этиш ҳақида»ги қонун, 1979 йили «Оила ва никоҳ ишлари ҳақида»ги консолидациялашган қонун, 1984 йили «Оила ва никоҳ ишларида суд юритиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Уларга кўра, Англияда фуқаролик никоҳи билан бирга черков никоҳидан ўтиш ҳам сақлаб қолиниб, қайси шаклни танлаш томонларнинг ўзларига берилди. Ушбу қонунларда никоҳга киришиш учун бешта мажбурий шарт қўйилди: томонларнинг ўз хоҳишларини эркин билдиришлари; бошқа никоҳ билан боғлиқ бўлмаслик; 16 ёшга тўлганлик; никоҳга кираётганларнинг бир жинсда бўлмаслиги; яқин қон-қариндош бўлмаслиги. Ушбу ҳолатларнинг бирортасида никоҳ ҳақиқий ҳисобланмаган. Никоҳга киришиш эр-хотинлар учун янги ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтирган.

1969 йили парламент «Никоҳни бекор қилиш тартиби тўғрисида»ги актни қабул қилди, унга кўра, илгари амалда бўлган черков никоҳини фақат парламентнинг хусусий акти билан бекор қилиш тартиби олиб ташланди.

АҚШда оила ва никоҳ ҳуқуқи масалалари штатларнинг ваколатига тааллуқли бўлиб, федерал ҳукумат унга аралашмайди. Шунинг учун штатларнинг бу борадаги қонунчилиги жуда хилма-хиллиги билан фарқланади. Мазкур соҳадаги турли зиддиятларни бартараф этиш учун вакилларнинг миллий конференцияси 1970 йили «Никоҳ ва уни бекор қилиш ҳақида» ягона қонун ишлаб чиқиб, бажариш учун уни штатларга ҳавола этди. Штатларда никоҳни рўйхатдан ўтказишнинг икки асосий шакли: давлат йўли билан ва черковда ўтказиш мавжуд бўлиб, кейингисида, албатта, муниципал идораларнинг лицензиясини олиш талаб этилган. Баъзи бир штатларда амалдаги никоҳни қонуний никоҳга тенглаштириш ҳоллари бор.

Германияда оила ва никоҳ ҳуқуқи фуқаролик уложенияси билан тартибга солиниб, никоҳ, унга кўра, дунёвий институтдир. Никоҳ моногамик характерда, аввалгиси бекор қилинмаган бўлса, янги никоҳга кириш мумкин эмас. Никоҳ ёши эркаклар учун 21,

аёллар учун 16 ёшдан бошланади. Бунда ҳам худди Франция-никидек 21 ёшга тўлмаган болалар вояга етмаган деб ҳисобланиб ота ҳокимияти остида саналади.

3. Социал қонунчилик борасидаги ўзгаришлар

XIX аср ўрталариданоқ меҳнат тўғрисида махсус қонунлар чиқарила бошланди. Кўпгина давлатларда меҳнат қонунчилиги ишчилар ҳаракати натижасида қабул қилинди. Бу даврдан қонунчилик ҳуқуқ тизимининг ажралмас элементига айланди. Буржуа ҳуқуқида ҳуқуқнинг янги тармоғи – меҳнат ҳуқуқи вужудга келди, аммо у парчалар тарзида эди. Охириги йилларда бир неча социал қонунлар ҳокимиятнинг меҳнат муносабатларига аралashi билан зиддиятларни юмшатишга уринишдир. Меҳнат қонунчилигида социал кураш яққол кўзга ташланади. Социал қонунлар давлат ўтказадиган антидемократик чоралар: ишчилар ҳаракатини бостириш, унинг ҳуқуқларига ҳужум қилиш йўлидаги тактикаси, айниқса, ишчиларнинг касаба уюшмаларига бирлашиши, коллектив шартномалар тузиши, иш ташлашга бўлган ҳуқуқларининг тартибга солинишида яққол кўзга ташланади. Масалан, Германияда Веймар конституцияси ишчиларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқларини эълон қилди. 1920 йилги «Ишлаб чиқариш кенгашлари тўғрисида»ги қонун эса, гарчи ишлаб чиқариш кенгашларининг очиқ фаолиятини тан олмаган бўлса-да, уларнинг ҳуқуқини минимумга туширди. 1919 йили Францияда ишчилар ва соҳибкорларнинг коллектив шартномаси тан олинди. 1917 йил Мексика конституциясида ҳам ишчиларнинг касаба уюшма ҳуқуқи эътироф этилди. АҚШда 30-йилларгача ҳукумат ва суд ишчиларнинг иш ташлашларини бостиришда антитрест қонунларидан фойдаланди. 1932 йили Норрис ла Гарди қонуни, 1935 йили Вагнер қонуни қабул қилиниши билан, федерал қонунчилик ишчиларнинг иқтисодий ҳуқуқларини тан олди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бир қанча давлатларда ишчиларнинг касаба уюшма ҳуқуқлари тан олиниши борасида катта ютуқлар қўлга киритилди.

Шу масалалар бўйича демократик қоидалар Франция, Италия, Япония каби давлатларнинг конституцияларига ҳам киритилди. Ишчилар ҳаракатининг умумий кўтарилиши вужудга келган бир вақтда, давлатларнинг парламентлари ҳатто меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокини тан олиш, ишлаб чиқариш кенгашлари ёки корхона комитетлари (ГФР, Франция) ташкил қилишни тан олди. Лекин бундай тadbирлар, корпорацияларнинг ҳукмронлиги сақланиб турган бир вазиятда, албатта, ислохотчилик доирасидан чиқолмасди. Шунинг учун социал қонунларни чиқариш билан бирга касаба уюшмаларига қарши қонунлар жорий этила бошлади. 1926 йили Англияда ҳукуматга таъсир кўрсатадиган жамият учун қийин ҳолат вужудга келтирадиган иш ташлашларни тақиқловчи «**Меҳнат можаролари ва тред-юнионлар тўғрисида**»ги қонун чиқди. Бу реакция қонун 1946 йилдагина бекор қилинди. 1959 йили Францияда бешинчи республика ҳукумати «Корхоналардаги меҳнаткашларнинг манфаатдорлигини ва ассоциацияларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонун сиртдан ишчиларнинг корхона хўжалик фаолиятини бошқаришда ва даромадида иштирокини назарда тутди. Лекин шу мақсадда тузиладиган коллектив шартномалар касаба уюшма ташкилотисиз соҳибкорлар ва меҳнаткашлар жамоаси ўртасида тузилиши белгиланди. Бу тadbир, албатта, касаба уюшмалари мавқеини емиришга қаратилганди. Ишчиларнинг касаба уюшма ҳуқуқларини чегаралаш 40-йиллар охири ва 50-йиллар бошларида АҚШ, Япония, ГФР ва бошқа кўпгина давлатларда амалга оширилди. 1959 йили АҚШда касаба уюшмаларига қарши қаратилган янги қонун қабул қилинди. Унга биноан, касаба уюшмалари ўзларининг низомлари, бир йиллик харажатлари ва даромадлари бўйича Меҳнат вазирлигига ҳисоб беришлари тартиби ўрнатилди.

Меҳнат қонунчилигининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, давлатларда кейинги вақтда соҳибкорлар билан ишчилар ўртасидаги низолар ва меҳнат муносабатларига тўғридан-тўғри маъмурий ёки суд йўли билан аралаштиш кенгайди. Мазкур ҳолатлар, айниқса, фашистик давлатларда кенг тарқалди. Бу ерда

социал қонунчилик тинчликни ўрнатиш ниқоби остида ишчиларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини тугатди. Мажбурий тартибда давлат касаба уюшмалари тузилди (бундай ҳоллар Иккинчи жаҳон урушидан кейин Доминикан Республикасида Трухилио, Гаитида Дювалье даврида содир бўлди). Буржуа-демократик тузумдаги мамлакатларда қонунчилик низоларини ҳал этувчи махсус мутахассислаштирилган органлар тузишни (Меҳнат вазирлиги, Меҳнат муносабатлари бошқармаси, меҳнат трибунали ва судлар) назарда тутди. Маъмурий ва суд органларининг турли найрангларига қарамасдан, ишчилар ҳаракати қонунчилик ва коллектив шартномалар тузиш орқали 8 соатлик иш куни ва иш ҳақининг кафолатланган минимуми тўғрисида ўзларининг ҳаётий ҳуқуқларини тан олишга эришдилар. 1918 – 1920 йилларда Германия, Франция, Италия 8 соатлик иш куни, 1938 йили АҚШда 40 соатлик иш ҳафтаси тўғрисидаги қонунлар чиқарилди. Ишчилар Франция, Англия, Италия, АҚШ каби мамлакатларда 8 соатлик иш куни (ёки ҳафтасига 40 – 42 соат) қўлга киритишга эришдилар.

1936 йил Францияда, 1938 йили АҚШда иш ҳақининг минимуми, қариллик ва ногиронлик, 1935 йили АҚШда қариллик, боқувчисини йўқотганлик сабаб пенсиялар ва ишсиз қолганлиги учун нафақалар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Англияда 70 – 80-йилларда пенсиялар ҳақидаги қонунчилик консолидациялаштирилди. 1985 йили «Пенсиялар тўғрисида»-ги умумий қонун вужудга келди. Қолаверса, 1975 йили ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари бўйича социал таъминот тўғрисида қонунлар қабул қилинди. 1975 йили «Иш билан машғуллик ҳақида»ги, «Эркак ва аёлларга тенг иш ҳақлари ҳақида»ги, 1970 йили ҳамда 1992 йили «Касаба уюшмалари ҳақида»ги қонунлар чиқди. Лейбористлар ҳукумати давридаги меҳнат қонунчилиги социал ҳимоя чораларини назарда тутди.

Меҳнат қонунчилиги борасида 1981 – 1982 йилларда киритилган тузатишлар билан ҳозирда ҳам амалда бўлиб келаётган 1973 йилги Франция меҳнат кодексини кўрсатиш мумкин. Бу тўплам турли даврларда чиқарилган актларни ўзида бирлаштир-

ган. Кодекс меҳнат муносабатларининг асосига меҳнат шартномасини қўйган, давлат органларида меҳнатни ташкил қилишни, коллектив меҳнат шартномалари, касаба уюшма ҳуқуқларини тартибга солган. 1956 йили Францияда социал суғурта тўғрисида ҳам кодекс қабул қилинди.

1943 йилги Бразилиянинг меҳнат кодекси социал суғурта тўғрисидаги нормаларни ўз ичига олганди. Лекин чет эл давлатларидаги социал суғурта қонунчилиги ишчиларнинг талабларига жавоб беролмасди.

70-йиллардаги маълумотларга қараганда, Ирландия ва Норвегия, Канадада 70 ёшга тўлган кишилар, Швеция, Финляндия ва Исландияда 67 ёшга, Англия, Франция, Австрия, ГФР ва АҚШда 65 ёшга тўлган кишилар қариллик пенсияси олган. Пенсия ёши 65 – 70 гача бўлиб, кўпгина категориядаги ишчилар (мавсумий, қишлоқ хўжалик, майда корхоналар ишчилари) пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум эди, пенсиянинг ўзи эса ишчиларнинг иш ҳақларидан ажратилган маблағлар ҳисобига тўланган, бу АҚШда иш ҳақининг 6,5%, Англияда 3 – 6%, ГФРда 70% ни ташкил қилган.

4. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи

Социал қарама-қаршиликларнинг чуқурлашуви давлатга қарши (гангстеризм, терроризм, коррупция каби) умумий ва уюшган жиноятчиликнинг ниҳоятда ўсишига олиб келди. Кейинги йилларда жиноятчилик чет мамлакатларда аҳолининг сонига қараганда 5 марта кўп ортди. Полиция аппаратининг жиноятчиликка қарши курашда замонавий воситалар билан қуролланганига қарамадан, жиноятчилик муаммосининг ўсиши диққатга сазовордир. Давлат жиноятчиликка қарши курашнинг самаралироқ услубларини қидириб топишга интилди, шу йўлда жиноят ҳуқуқи ва кримнология ишлаб чиққан турли муаммолардан фойдаланмоқда. Жумладан, давлат социал омилларнинг жиноятчиликка таъсирини тан оладиган «социологик оқим» таъсирида ўзининг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида жиноятчиларни қайта тарбиялаш (реадаптация)га ҳаракат қилмоқда. Бунда айрим либе-

рал чораларни ҳам қўлламоқда. Реформаториялар (ахлоқ тузатиш қамоқхоналари), болалар ахлоқ тузатиш уйлари таъсис этилиб, айрим қаттиқ жазолар бекор қилинмоқда, шартли ҳукмлар қўлланмоқда.

Жиноят ҳуқуқи қонунчилигида XVIII – XIX асрларда жиноят ҳуқуқида эълон қилинган принциплардан чекиниш характерли тус олмоқда. 1917 йилдан кейин қабул қилинган кодекслар ва жиноят қонунларида жиноят ҳуқуқидаги классик постулат – «қонунда кўрсатилмаган нарса жиноят эмас» қонундан узоқлашиш яққол кўзга ташланади. Бу кодекс ва қонунларда кўплаб «каучукли» моддалар бўлиб, суд ва полиция органларига жиноий репрессияларни кенгайтиришга имкон беради.

XX асрда одатий жиноятлар учун қўшимча жазоларни ҳам тайинловчи қонунлар кенг қўлланила бошланди. 1948 йили Англияда қабул қилинган «**Жиноий судлов тўғрисида**»ги қонунга мувофиқ, суд жиноятчиларга первенитив – қўшимча қамоқ жазоси ҳам бериши мумкин. Бу қонун 20 – 30 ёшгача бўлган жиноятчиларга 5 – 14 йилгача қўшимча қамоқ беришни назарда тутди.

Англияда 1965 йили ҳуқуқий комиссия тузилгандан кейин, жиноят ҳуқуқининг ислоҳ қилиниши жазонинг инсонпарварлиги ва уни оптималлаш йўлидан борди. 1948 йили каторга ишларига юбориш, 1969 йили қатл этиш жазолари бекор қилинди.

Жиноятларнинг гуруҳланиши ва жазо тайинлашда туб ўзгаришлар кўзга ташланади. 1967 йили «Жиноят ҳуқуқи ҳақида» акт қабул қилиниб, жиноятларнинг илгариги уч гуруҳ: **тризн** (хоинлик), **фелония** (оғир жиноятлар), **месдиминор** (жиноий қилмиш)га бўлиниши бекор қилиниб, ихчамлаштирилган турлаш жорий этилди. Қонунда фелония билан месдиминор даражасидаги барча жиноятларнинг орасидаги фарқлар бекор қилинди ва жиноий жазога сазовор барча ҳаракатлар месдиминор деб атала бошлади. Келгусида беш йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши мумкин бўлган барча жиноий ҳаракатлар (қамоққа олиш, тутиб туриш) «**қамоққа олинувчи жиноятлар**» деб юритиладиган бўлди.

«Жиноий суиқасд ҳақида»ги 1981 йили қабул қилинган қонун,

«Ҳуқуқбузарларни тарбиялаш ҳақида»ги 1974 йилги қонун ҳамда 1982, 1988, 1991 йили қабул қилинган жиноий судлов тўғрисидаги қонунлар Англия жиноят ҳуқуқининг институтларини ўзгартириб, эскича умумий суд прецеденти билан тартибга солинишини сиқиб чиқарди, статутларнинг аҳамиятини кучайтирди.

АҚШ қонунлари тўпламининг федерал криминал кодекси деб ҳисобланувчи 18 бўлимида жиноятларнинг фелония ва месдиминорга бўлиниши сақлаб қолинди. Фелония деб беш йилдан ошиқ қамоқ жазоси ёки қатл этиш жазоси бериладиган ҳар қандай жиноий тажовузлар, месдиминор деб эса бошқа ҳар қандай жиноий тажовузлар тушунилади. Олти ойдан кам қамоқ жазоси бериладиган барча қилмишлар эса кам аҳамиятли тажовузлар деб тушунилади.

XX асрда АҚШда жиноят ҳуқуқини модернизациялаш (янги шароитларга мослаш) ҳаракати вужудга келди, натижада 1962 йили Америка ҳуқуқ институти намунавий жиноят кодексини ишлаб чиқди. Ана шу асосда 40 дан ошиқ штатлар ҳам ўз жиноят кодексларини яратди.

1994 йили Францияда 1992 йили қабул қилинган янги жиноят кодекси кучга киритилди. Бунда жиноий тартибда жазоланувчи хатти-ҳаракатлар уч гуруҳга бўлиниши: жиноят, жиноий қилмиш ва ҳуқуқий бузилиш сақлаб қолинди. Жиноятнинг оғир ёки енгиллигини белгилаш асоси «Ижтимоий қадриятларга зарар етказиш ёки унга таҳдид қилиш» деб таъкидланди. «Ижтимоий интизом қоидаларини бузиш» полицияга тааллуқли ишлар жумласига киритилди. Ҳуқуқнинг мазкур тармоғи жазоловчи ҳуқуқ (жазоловчи кодекс) деб аталиб, ҳар бир ҳаракатга аниқ жазо тури белгиланган. Ушбу кодекснинг янги ҳолатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) жиноятчига тайинланадиган жазоларнинг янада шахсий (индивидуал)лаштирилиши (жазони ўташни кечиктириш, жазони ўташ жойини вақтинча ташлаб кетиш, 1958, жазони ўташдан ярим озод тузум қўллаш, 1970, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш); б) жазонинг инсонпарварлаштирилиши (аъзога шикаст етказиш, қатл этиш каби жазоларни бекор қилиш); в) жавобгарликнинг кучайишини назарда тутадиган янги жиноят таркибларининг киритилиши (наркотик моддалар сотиш, терро-

ризм, бандитизм, компьютер жиноятчилиги); д) кодекснинг ҳаракатсиз, эски нормалардан (диний, ахлоқий) тозалангани.¹

Германия жазо қонунчилиги манбалари хилма-хил бўлиб, асосан, 1975 йил 1 январда қайта таҳрир қилиб кучга киритилган 1871 йилги жиноят кодекси амалда бўлса-да, ундан ташқари, 30 та катта, мингдан ошиқ кўшимча қонунлар амалда. 1909 – 1962 йиллар ичида ушбу кодексни янгилаш учун ўн марта ҳаракат қилинган. 60 – 70-йилларда у ислоҳ қилиниб, терроризмга қарши курашга алоҳида эътибор берилган. Хабар етказмасликка ҳам жазо назарда тутилади, сиёсий жиҳатдан ўқитувчи ва бошқа баъзи бир касбларга тақиқлар киритилган. 1976 йили «Хўжалик борасидаги жазо ҳуқуқи ҳақида» қонун қабул қилинган, бунда нафақа тўлаш борасидаги жиноятлар таркиби, кредит бериш борасида алдаш учун жавобгарлик кабилар ўрнатилган.

1937 йили Швейцария ЖК бу борада жуда олдинга ўтиб, илгари бир неча марта қамалган кишилар, агар яна жиноят содир қилса ёки жиноят содир этишга майл қўйса, ноаниқ муддатга суд фармойиши билан қамалиши мумкинлигини билдиради. Умуман олганда, муддатини кўрсатмасдан қамоқ жазосига ҳукм қилиш кўпгина давлатларда одатий тус олмоқда. Жумладан, Англия, АҚШ, Австралия, Греция, АҚШ судларининг 85% ҳукмларида номаълум муддатга қамоқ жазоси белгиланган.

Кейинги вақтларда нафақат жиноий ҳаракат, балки хавфли шахслар, яъни гумон қилинган шахслар ёки хавфли фикрли шахслар ҳам жазоланиши кенг тус олди. 1922 йили Аргентина, 1924 йили Перу, 1936 йили Кубада қабул қилинган **социал ҳимоя кодекси** (ЖК) кабиларда жиноят қонунини бузмасдан фақат **хавфли ҳолатда** бўлишнинг ўзи учунгина жазолар, **социал ҳимоя** чораларини қўллаш кўзда тутилди. 1926 йили фашистик Италияда полиция кодексига киритилган хавфсизлик чоралари коммунистлар ва фашизмга қарши бўлган бошқа кишилар учун курашда катта роль ўйнади. Хавфли деб топилган шахсларга полиция кенг равишда Эгей оролига сургун қилишни хавфсизлик чораси сифатида қўллаган. Бу орол эса «ўлим ороли» номини олганди.

¹ Графский В.Г. Кўрсатилган асар. – С.679 – 680.

1931 йилги Италия ЖК 202-моддасида бундай чораларнинг жиноят содир қилганларга ва айрим ҳолларда қонунда жиноят деб ҳисобланмаган ҳаракатларни содир этганларга ҳам қўлланилиши мумкинлиги ўрнатилган. 203-модда эса ҳатто руҳий касалларни ҳам, агар улар жиноий ҳаракат содир қилиши мумкин деб ҳисобланса, хавфсизлик чораси қўллаб қишлоқ хўжалик мустамлакаларига юбориш мумкинлигини белгилади. Фашистик Германиядаги 1933 йилги қонунга биноан эса **жиноят қилиш эрки** борлиги учун озодликдан маҳрум қилиш белгиланди. Бу эса фашистик жазо органларига кенг репрессиялар ўтказишга имкон берди. Буржуа жиноят ҳуқуқида қонунчилик принциpidан чекиниш, айниқса, сиёсий жиноятларда яққол кўзга ташланади.

1923 йили Японияда «Ёлғон хабарларни тарқатиш ҳақида» император фармони чиқди, унга биноан, мавжуд тартибга қарши матбуотда ёки бошқа йўл билан бирон ёлғон хабарни тарқатганлик ёки жамоат тинчлигини бузиш мақсадида бирон нарсани ўйлаш 10 йилгача қамоқ жазоси билан жазоланиши белгиланди. 1928 йили эса «**Хавфли фикрлар тўғрисида**»ги қонун чиқиб, давлатга қарши фаолияти учун ўлим жазоси жорий қилинди. 1926 йили Италияда «Давлатни ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун чиқиб, 1889 йилги ЖК бекор бўлган ўлим жазосини давлат жиноятлари учун қайта тиклади. Ёки шундай жиноят содир этишга қасд қилиш 15 – 20 қамоқ жазоси билан жазоланиши белгиланди. Худди шундай қонунлар Германияда 1933 йил 1 февралда «Халқ ва давлатни ҳимоя қилиш тўғрисида» ва 1933 йил 28 февралда «Халқни хоинликдан ва исёндан сақлаш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Фашистлар ҳокимият бошида турган даврнинг 3 йили ичида сиёсий, диний, ирқий мотивларда 1 млн киши қамоққа олинди.

1934 йили Англияда «Исён тўғрисида» деб номланувчи қонун қабул қилинди. Мазкур қонун инқилобий китобларни сақлаш ва тарғибот қилиш учун ҳам жиноий жазо белгилади. Худди шу каби қонунлар 1950 йили ГФР, 1940 йили АҚШда Смит қонуни (ажнабийларни рўйхатга олиш тўғрисидаги), 1954 йили Маккарэн-Вуд, 1954 йили «Коммунистик фаолият устидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. 1951 йили АҚШ федерал

қонунчилиги Федерал қидирув бюроси ходимларига ордерсиз камоққа олиш ҳуқуқини берди. 1954 йили АҚШ конгресси «Гувоҳлик кўрсатмаларини беришга мажбур этиш тўғрисида» қонун қабул қилди.

XX асрда антидемократик тенденциялар жиноят жараёнига ҳам тааллуқли бўлиб, бу шахс дахлсизлиги принципининг бузилиши, айбланувчиларнинг элементар ҳуқуқлари судлар томонидан бузилишида ифодаланади.

Судларнинг қасамхўр судьяларсиз, айбдорни ҳимоячилар билан таъминламасдан иш кўришлари (20-йилларда АҚШда Сакко Ванцетти, 30-йилларда Лейпцигдаги Г.Дмитров устидан ўтказилган процесслар ва ҳ.к.) кенг тус олди.

Англияда 1971 йилги «Судлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, суд янгиланди. Ортиқча суд инстанциялари тугатилди. Янги қирол суди тузилди. 1990 йилги «Судлар тўғрисида» ва «Ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қонунлар билан илгари Англияда бўлмаган адвокатлар жорий этилди. Суд жараёни демократлаштирилди. Францияда жиноят ҳуқуқининг кенг ислоҳ қилиниши натижасида, 1992 йили янги жиноят кодекси қабул қилинди, у 1810 йилги жиноят кодексини бекор этиб, 1994 йили кучга киритилди. Кодекс аввалгисидан тубдан фарқланади, тўртта бир-бири билан боғлиқ қонунлардан иборат. 1958 йили янги жиноят-процессуал кодекси қабул қилиниб, жиноят жараёни уч босқичга: дастлабки тергов, суд муҳокамаси, ижро бўйича иш юритишга бўлинди. 1954 йили ГФРда бундестаг Жиноят ҳуқуқини ислоҳ қилиш бўйича катта комиссия тузди. Комиссия фақат умумий қисминигина ислоҳ қилиш билан чекланди. Натижада 1975 йил 1 январда янги кодекс кучга киритилди. Бунда иқтисодий жиноятлар, терроризм, уюшган жиноятчиликка жавобгарлик кучайтирилди.

Англ-сакс ҳуқуқ тизими мамлакатларида жиноят-процессуал қонунчилиги ҳам консолидациялаштирилмоқда. Жумладан, АҚШ қонунлари тўпламининг 18-, 28-бўлимларида ўз аксини топиб, 1948 йили унга «Жиноят процесси» деган бўлим киритилган. Федерал ва штатларнинг қонунчилигига кўра, жиноят процесси бир неча босқичлардан: дастлабки тергов, айбланувчини судга

бериш масаласини ҳал этиш, суд муҳокамасига бўлинади. АҚШ жиноят-процессуал ҳуқуқининг ўзига хос томонларидан бири агар судланувчига олти ойдан ошиқ қамоқ жазоси берилиши мумкин бўлса, у қасамхўрлар судида суд қилиниш ҳуқуқига эга, бу суд 12 таркибда жамиятнинг турли қатламларидан танлаб олинган.

Европа Иттифоқи ва ҳуқуқ. Фарбий Европа доирасида минтақавий (регионал) ҳамкорлик мақсадида бу давлатларни бирлаштириш ғояси ўзининг узоқ тарихига эга (бу ҳақдаги ғоялар XIV асрга бориб тақалади – В.Г.Графский). Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлардагина бунинг учун имкон яратилиб, дастлаб учта ҳамжиҳатлик ташкилоти: а) 1951 йилги Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси; б) 1957 йилги Европа иқтисодий ташкилоти; в) Евроатом ташкилотлари тузилди, ҳар қайсиси алоҳида шартнома билан расмийлаштирилган.

1978 йили Европа парламенти Европа иқтисодий ҳамкорлигини Европа ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди, 1992 йили Голландиянинг Маастрихт шаҳридаги шартнома уни расмий ном билан Европа Иттифоқи деб атади. Ушбу ҳужжатда иттифоққа кирувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар «доимийлик ва ҳамкорлик»ка асосланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур иттифоқ давлат бўлмасдан, ўзининг сайлаб қўйилган доимий органларига эга конфедератив ташкилотдан иборатдир.¹ Ҳозирда унга 373 млн аҳолини бирлаштирган 15 давлат аъзо. Унинг асосий муассасалари қуйидагилардан иборат: а) Европа Иттифоқи кенгаши (ташқи ишлар ва бошқа тармоқ министрларидан иборат Министрлар кенгаши); б) Европарламент (маслаҳат берувчи ташкилот); в) Европарламентда кўриб ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни тайёрлаш, қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш билан шуғулланувчи Еврокомиссия. Қолаверса, касаба уюшма ташкилотларининг вакилларида иборат маслаҳат функциясидаги Социал-иқтисодий масалалар комитети, иккита суд инстанцияси: Европа адолат суди (6 йилга тайинланган 15 суд ва 6 бош адвокатлар таркибида тузилган)

¹ Графский В.Г. Кўрсатилган асар. – С.699.

ҳамда Аудиторлар суди (6 йилга тайинланган 1 аъзо суд таркибида) мавжуд.

Европарламент беш йил муддатга сайланадиган 629 депутатдан иборат бўлиб, қароргоҳи Страсбург шаҳрида жойлашган. Европа комиссияси иттифоқнинг ижро органи, у 20 аъзодан иборат, унинг ваколоти ҳам беш йил. Министрлар кенгаши қарорлар қабул қилувчи орган, бу ерда қонунчилик актлари муҳокама этилади. Қарорлар иккинчи ўқишда Европарламент томонидан ёки бекор қилинади, ёки қабул қилинади.

Ушбу ташкилотнинг давлат ва ҳуқуқ тарихи нуқтаи назаридан ўрганилишининг сабабларидан бири жаҳонда глобал муаммолар тобора кўпайиб, давлатлар ва халқларнинг интеграцияси (кўпгина масалаларни биргаликда ҳал этиш учун кучларини бирлаштириш)ни талаб қилмоқда. Шунинг учун Европа Иттифоқи конфедерацияси ва унинг ҳуқуқи Европа давлатлари ва уларнинг ҳуқуқига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирда бу ҳуқуқ **евроҳуқуқ** деб номланиб, унинг манбалари қуйидагилардан ташкил топмоқда: а) Европа ҳамкорлиги таъсис қилиш ҳақидаги дастлабки шартномалар; б) ҳуқуқнинг умумий принциплари, одат ҳуқуқи, халқаро конвенциялар, судларнинг кўрсатма ва тавсиялари; в) Европа Иттифоқи прецедент ҳуқуқида бир хилликни таъминлайдиган аъзо давлатлар орасидаги шартномалар, ана шу шартномаларни бажариш билан боғлиқ низолар юзасидан чиқарилган суд қарорлари.

Назорат учун саволлар

1. Энг янги тарих даврида чет мамлакатлар ҳуқуқидаги ўзгаришларнинг йўналишлари нималардан иборат?
2. Чет мамлакатларнинг ҳуқуқ манбаларида қандай ўзгаришлар юз берди?
3. Антитрест ва антимонопол қонунчилиги нима?
4. Консолидациялашган қонунларнинг хусусиятлари ва сабабларини тушунтириб беринг.
5. Қайси мамлакатларда янги кодекслар қабул қилинди (ис-талган мамлакат мисолида)?

6. Меҳнат ҳуқуқи борасидаги ўзгаришлар ва уларнинг асосий йўналишлари.
7. Фуқаролик ҳуқуқида қандай ўзгаришлар юз берди?
8. Жиноят ҳуқуқи ва жазо тизимидаги ўзгаришлар.
9. Маъмурий адлия нима ва у қандай вужудга келган?
10. Евроҳуқуққа таъриф беринг.
11. Глобллашув ва унинг давлат ҳамда ҳуқуққа таъсири ҳақида нималар дея оласиз?

Адабиётлар:

1. Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. 2-қисм. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б.266 – 288.
2. Омельченко О.А. Всеобщая история государства и права: Учебник. Часть 2. – М.: Эксмо, 2006. – С.525 – 564.
3. Графский В.Г. Всеобщая история государства и права: Учебник для вузов. – М.: Инфра-Норма, 2002. – С.670 – 714.
4. История государства и права зарубежных стран: Учебник. Часть 2. – М.: Инфра-Норма, 2001. – С.516 – 712.
5. Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права. – М.: Юрист, 2002. – С.525 – 557.
6. Хартли Т.К. Основы права Европейского сообщества. Пер. с английского. – М.: Закон и право, 1998. – 703 с.
7. Жидков О.А. Буржуазное право в периоде новейшей истории. – М.: МГУ, 1971.
8. Топорнин Б.Н. Европейское право: Учебник. – М.: Юрист, 1998 – 456 с.

Луғат

Автономлаштириш – анъанавий ҳуқуқнинг майда бўлақларга бўлиниб кетиши ва ҳуқуқнинг янги соҳалари пайдо бўлиши.

Консолидация (лотинча, мустаҳкамлаш, пайванд қилиш) – қонунларни ихчамлаштириш. Англияда қонунларни тизимлаштириш усулларида бири.

Моногамия – якка никоҳлилик.

Реформатория – ахлоқ тузатиш қамоқхоналари.

Унификация – қонунларни ягона тизимга келтириш, ягоналаштириш.

Формуляр (шартнома) – йирик фирмалар томонидан савдо тизимида қўлланиладиган намунавий шартнома. Бунда шартнома шартларини бир томон белгилайди.

Глобаллашув – жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви.

ФЙДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

I. Дарслик ва қўлланмалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
2. Бельсон Я.М., Ливанцев К.Е. История государства и права США. – Л.: ЛГУ, 1982. – 167с.
3. Буржуазное государство и право. – Ростов, 1977. – 208 с.
4. Графский В.Г. Всеобщая история права и государства: Учебник для вузов. – М.: Норма-Инфра, 2002. – 744 с.
5. Дадашева А.А. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2010. – 168 б.
6. Жидков О.А. История государства и права Латинской Америки. – М.: Госюриздат, 1967.
7. Жидков О.А. История буржуазного права. – М.: МГУ, 1971. – 157 с.
8. История государства и права СССР: Учебник в двух частях. Часть 2. – М.: Изд-во МГУ, 1991.
9. История государства и права зарубежных стран: Учебник для вузов, в двух частях / Под ред. проф. О.А.Жидкова и Н.А.Кращенникова. – М.: Инфра-Норма, 2001.
10. Исаев И.А. История государства и права России. – М., 1996.
11. История отечественного государства и права: Учебник. Ч.1 / Под. ред. О.И.Чистякова. – М., 1996.
12. Крутоголов М.А. Эволюция основных институтов государственно-правового строя Франции после Второй мировой войны. – М., 1963.
13. Калинина З.А., Серебренников В.П. Крушение колониальной системы империализма и образование независимых государств. – М., 1971.
14. Кращенникова Н.А. Индусское право. История и современность. – М.: МГУ, 1982. – 192 с.

15. Ливанцев К.Е. История буржуазного государства и права: Учебное пособие. – Л.: ЛГУ, 1986. – 288 с.
16. Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 1992. – 180 б.
17. Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. Биринчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 211 б.
18. Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Дарслик. Иккинчи китоб. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 291 б.
19. Муҳаммедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. – 335 б.
20. Муҳамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 2-қисм. – Тошкент: Адолат, 2003. – 568 б.
21. Орлов А.Г. Политические системы стран Латинской Америки. – М.: Международные отношения, 1982. – 192 с.
22. Полянский Н.Н. Уголовное право и уголовный суд в Англии. – М.: Госюриздат, 1969.
23. Руперт К. Прецедент в английском праве. – М.: Госюриздат, 1985. – 283 с.
24. Современное право КНР. – М.: Наука, 1985. – 206 с.
25. Супатаев М.А. Право в современной Африке. – М.: Наука, 1989. – 175 с.
26. Цунэо И. Современное право Японии. – М.: Прогресс, 1981. – 269 с.
27. Черниловский З.М. Всеобщая история государства и права: Учебник. – М.: Высшая школа, 2000. – 656 с.

II. Манбалар

28. Гражданское уложение. – М., 1947.
29. Жаҳон мамлакатларининг конституциялари. 8 жилдлик / Кириш сўз муаллифлари ва тузувчилар А.Саидов, У.Тожионов. – Тошкент: Академия, 1998 – 2004.
30. Дигесты Юстиниана / Перевод И.С.Перетерского. – М., 1984. – 456 с.
31. Законы царя Хаммурапи (текст) // Вестник древней истории. 1952. – №3.
32. Законы Ману. – М.: Наука, 1960.
33. Конституции и основные законодательные акты XVII – XIX вв. – М.: Госюриздат, 1957.
34. Лавровский М. Сборник документов английской буржуазной революции XVII века. – М.: Высшая школа, 1976. – 367 с.
35. Российское законодательство X – XX веков. В девяти томах. – М.: Наука, 1985 – 1989.
36. Саксонское зеркало. Памятник, комментарии, исследования / Отв. ред. акад. В.М.Корецкий. – М.: Наука, 1985. – 271 с.
37. Свод законов «Тайхориё». 702 – 718 г. В 2-х частях. Часть 1 – 2. – М.: Наука, 1985.
38. Хрестоматия по истории государства и права зарубежных стран. – М.: Госюриздат, 1984. – 472 с.
39. Хрестоматия по Всеобщей истории государства и права. Т.1 – 2 / Под ред. К.И.Батыра и Е.Е.Поликарповой. – М.: Юрист, 1996.

III. Ўқув-методик адабиётлар

40. Библиография по всеобщей истории государства и права. 1918 – 1978. – М.: Госюриздат, 1979. – 134 с.
41. Библиография трудов ученых Института государства и права (1978 – 1982). – М., 1983. – 41 с.
42. Историко-правовая наука: очерки становления и развития // История юридической науки. – М.: Наука, 1978. – 352 с.
43. Историко-правовые исследования: проблемы и перспективы. – М.: Наука, 1982. – 180 с.
44. Муқимов З.Ю. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи курсининг программаси хусусида // Давлат ва ҳуқуқ. 2005. – №1. – Б.76.
45. Ҳайитбоев Ф.П. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2007. – 94 б.
46. Утемиров М.У. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи: Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2008. – 128 б.

Луғатлар ва энциклопедиялар

47. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ., масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – 704 б.
48. Муқимов З.Ю. Тарихий-ҳуқуқий атамалар луғати: Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд, 2009. – 83 б.
49. Словарь иностранных слов. Издание 12-е, стереотипное. – М.: Русский язык, 1985. – 608 с.
50. Юридик атамалар қомусий луғати / Масъул муҳаррир Ҳ.Р.Раҳмонкулов. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 432 б.
51. Юридик энциклопедия / Проф. У.Тожихоновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 656 б.

Электрон таълим ресурслари

[www.doriman.ucoz.kz /index/0-312](http://www.doriman.ucoz.kz/index/0-312)

www.coast.ru/referats/uchebnik43.htm

[www.tyumeneV – vlad.narod.ru](http://www.tyumeneV-vlad.narod.ru)

[http:// bip-ip.com/?p=960](http://bip-ip.com/?p=960)

[http:// www.twirpx.com/files/law/igp_f/-](http://www.twirpx.com/files/law/igp_f/)

[http:// www.e-college.ru/xbooks/xbook004/.../page.htm](http://www.e-college.ru/xbooks/xbook004/.../page.htm)

[http:// www.tstu.ru/education/elib/pdf/2004/gavrilin.pdf](http://www.tstu.ru/education/elib/pdf/2004/gavrilin.pdf)

[http:// www.alleng.ru/d/jur/jur014.htm](http://www.alleng.ru/d/jur/jur014.htm)

[http:// www.alleng.ru/d/jur/jur521.htm](http://www.alleng.ru/d/jur/jur521.htm)

[http:// right777.ru/hiszarub.html](http://right777.ru/hiszarub.html)

[http:// www.ufalow.narod.ru/1/.../index.htm](http://www.ufalow.narod.ru/1/.../index.htm)

[http:// tematics.best-company.ru/.../docs/?links](http://tematics.best-company.ru/.../docs/?links)

[http:// www.y10k.ru/books/detail8563](http://www.y10k.ru/books/detail8563)

[http:// www.yaslil.com/.../istoriya-gosudarstva-I – prava-zarubejnih-stran-chast-2-pod-red-krasheninnikova – jidkova.html](http://www.yaslil.com/.../istoriya-gosudarstva-I-prava-zarubejnih-stran-chast-2-pod-red-krasheninnikova-jidkova.html)

[http:// ourhistory.ucoz.org/](http://ourhistory.ucoz.org/)

[http:// web-local.rudn.ru/web.../progr.htm](http://web-local.rudn.ru/web.../progr.htm)

[http:// www.lawlibrary.ru/izdanie38339.html](http://www.lawlibrary.ru/izdanie38339.html)

[http:// www.tamognia.ru/faq/detail.php?ID=1532076](http://www.tamognia.ru/faq/detail.php?ID=1532076)

[http:// ru.sites-history.com](http://ru.sites-history.com)

[http:// www.alleng.ru/d/jur/jur014.htm](http://www.alleng.ru/d/jur/jur014.htm)

МУНДАРИЖА

СУЗБОШИ	3
1-МАВЗУ. ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МЕТОДИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ	7
Таянч иборалар	7
1. Фаннинг предмети тушунчаси	7
2. Фан ва ўқув курсининг мақсад ва вазифалари	9
3. Ўрганиш услублари ва тизими	10
4. Фан ва ўқув курсининг манбалари ва номланиши	15
Назорат учун саволлар	19
Адабиётлар	20
Луғат	20
2 – 3-МАВЗУЛАР: ҚАДИМГИ ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ (ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРИ)	22
Режа	22
Таянч иборалар	22
1. Қадимги Шарқ мамлакатларида давлат ва ҳуқуқнинг ташкил топиши, ижтимоий-сиёсий тузумининг ўзига хос хусусиятлари	22
2. Миср давлати ва ҳуқуқи	27
3. Бобил давлати ва ҳуқуқи	31
4. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи	36
5. Хитой давлати ва ҳуқуқи	43
Назорат учун саволлар	46
Ҳуқуқий масала (казус) №1	47
Ҳуқуқий масала №2	47
Адабиётлар	47
Луғат	48

4 – 5-МАВЗУЛАР. АНТИК ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ

(ЮНОН-РИМ АНТИК ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ)	49
Режа	49
Таянч иборалар	49
1. Греция давлати ва ҳуқуқи	49
2. Спарта давлати ва ҳуқуқи	50
3. Афина давлати ва ҳуқуқи	53
4. Рим давлати ва ҳуқуқи	59
Назорат учун саволлар	76
Ҳуқуқий масала №3	77
Ҳуқуқий масала №4	77
Адабиётлар	78
Луғат	78

6-МАВЗУ: ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ВА МАРКАЗИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ

79	79
Режа	79
Таянч иборалар	79
Ғарбий Европада ўрта аср давлатларининг хусусиятлари	79
1. Франклар давлати ва ҳуқуқи	85
2. Англия давлати ва ҳуқуқи	92
3. Франция давлати ва ҳуқуқи	105
4. Германия давлати ва ҳуқуқи	115
5. Византия давлати ва ҳуқуқи	128
Дигеста ўғитларидан	138
Назорат учун саволлар	145
Ҳуқуқий масала №5	146
Ҳуқуқий масала №6	146
Ҳуқуқий масала №7	146
Ҳуқуқий масала №8	147
Адабиётлар	147
Луғат	148

7-МАВЗУ. ЎРТА АСРЛАРДА РОССИЯ ДАВЛАТИ

ВА ҲУҚУҚИ	150
Режа	150
Таянч иборалар	150
1. Давлатнинг ташкил топиши	150
2. Ижтимоий тузуми	152
3. Давлат тузуми	154
4. Ҳуқуқ манбалари. Рус ҳақиқати ва унинг спискалари	155
5. Тоифавий-вакиллик монархияси давлати ва ҳуқуқи	159
6. Мутлақ монархия давлати ва ҳуқуқи	163
Назорат учун саволлар	168
Ҳуқуқий масала	169
Адабиётлар	169
Луғат	170

8-МАВЗУ. ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ

ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ	171
Режа	171
Таянч иборалар	171
1. Араб халифалиги, мусулмон давлати ва ҳуқуқи	171
2. Усманийлар давлати ва ҳуқуқи	184
3. Ҳиндистон давлати ва ҳуқуқи	188
Ману қонунларидан	194
4. Хитой давлати ва ҳуқуқи	195
5. Япония давлати ва ҳуқуқи	206
Назорат учун саволлар	215
Ҳуқуқий масала №9	215
Адабиётлар	216
Луғат	216

9-МАВЗУ. ЯНГИ ДАВРДА ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ:

АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ	218
Режа	218

Таянч иборалар	218
Янги давр давлати ва ҳуқуқи (умумий таъриф)	218
1. Англия давлати ва ҳуқуқи	219
«Англия, Шотландия ва Ирландия ҳамда уларга тегишли мулкларни бошқариш шакли ҳақида»ги (Бошқариш қуроли) 1653 йил 13 декабрдаги конституциявий актдан	225
2. Франция давлати ва ҳуқуқи	234
1789 йил 26 августдаги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»дан	234
3. Германия	261
Назорат учун саволлар	273
Ҳуқуқий масала №10	274
Ҳуқуқий масала №11	274
Адабиётлар	274
Луғат	275

10-МАВЗУ. АҚШНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ХХ АСР

БОШЛАРИГАЧА КОНСТИТУЦИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИ	276
Режа	276
Таянч иборалар	276
1. Шимолий Америкадаги 13 мустамлаканинг мустақиллик учун кураши	276
2. 1776 йилнинг 4 июлидаги АҚШ мустақиллик декларацияси	281
Америка Қўшма Штатларининг 1776 йил 4 июлдаги мустақиллик декларациясидан	281
3. 1781 йилги конфедерация моддалари	285
4. 1787 йилги конституциянинг ишланиши ва унинг асосий белгилари	288
5. XIX аср ўрталарида фуқаролар уруши ва конституцияга киритилган ўзгартиришлар	293
Назорат учун саволлар	299

Ҳуқуқий масала №12	300
Адабиётлар	300
Луғат	301
11-МАВЗУ. ЕВРООСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА ҲУҚУҚИ	302
Режа	302
Таянч иборалар	302
1. Россия давлати ва ҳуқуқи	302
2. Япония давлати ва ҳуқуқи	317
3. Хитой давлати ва ҳуқуқи	321
Назорат учун саволлар	326
Жиноий судлов ҳақидаги уставдан	327
Адабиётлар	327
Луғат	328
12-МАВЗУ. ЯНГИ ДАВР ҲУҚУҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	
 ВА РИВОЖЛАНИШИ	329
Режа	329
Таянч иборалар	329
1. Миллий ҳуқуқий тизимлар шаклланишининг яқунланиши	329
2. Фуқаролик ва фуқаролик жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари	335
3. Жиноят ва жиноят жараёни ҳуқуқининг асосий белгилари ..	344
4. Социал қонунчилик	351
Назорат учун саволлар	353
Ҳуқуқий масала №13	354
Ҳуқуқий масала №14	354
Адабиётлар	355
Луғат	355
13-МАВЗУ: ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА ҒАРБҲИЙ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ:	
 АНГЛИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯ	356
Режа	356

Таянч иборалар	356
1. Англия давлати ва ҳуқуқи	357
Фавқулудда ваколатлар ҳақидаги 1920 йил ноябрь қонунидан	368
2. Франция давлати ва ҳуқуқи	369
3. Германия давлати ва ҳуқуқи	376
4. Италия давлати ва ҳуқуқи	396
Назорат учун саволлар	401
Ҳуқуқий масала №15	402
Ҳуқуқий масала №16	402
Адабиётлар	402
Луғат	403

14-МАВЗУ. СССР ВА УНИНГ ТАРҚАЛИБ КЕТИШИ.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ	404
Режа	404
Таянч иборалар	404
1. 1917 йил октябрдаги давлат тўнтариши	404
2. Совет меҳнат ҳуқуқи	411
3. Оила ва никоҳ ҳуқуқи	411
4. РСФСРнинг 1918 йилги конституцияси	412
5. Собиқ СССРнинг ташкил топиши ва унинг инқирози	415
6. Россия Федерациясининг ташкил топиши ва унинг конституцияси	417
Назорат учун саволлар	419
Адабиётлар:	419
Луғат	420

15-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА АҚШ ДАВЛАТИ

ВА ҲУҚУҚИ	421
Режа	421
Таянч иборалар	421
1. Иқтисодий инқироз ва Ф.Рузвельтнинг «янги йўли»	421

2. АҚШ конституцияга киритилган қўшимча ва тўлдиришлар	427
3. АҚШ давлати ва ҳуқуқи Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда	428
4. Ҳуқуқ манбаларидаги ўзгаришлар	436
Назорат учун саволлар	439
Адабиётлар:	440
Луғат	440
16-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВРДА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ	442
Режа	442
Таянч иборалар	442
1. Япония давлати ва ҳуқуқи	442
2. Хитой давлати ва ҳуқуқи	452
3. Мустамлака давлатларнинг мустақилликка эришиши	455
4. Африкада мустақил давлатларнинг ташкил топиши	463
Назорат учун саволлар	464
Адабиётлар	465
Луғат	465
17-МАВЗУ. ЭНГ ЯНГИ ДАВР ҲУҚУҚИ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР	467
Режа	467
Таянч иборалар	467
1. Ҳуқуқнинг манбалари ва тизимидаги ўзгаришлар	467
2. Фуқаролик ва савдо ҳуқуқидаги ўзгаришлар	473
3. Социал қонунчилик борасидаги ўзгаришлар	480
4. Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи	483
Назорат учун саволлар	490
Адабиётлар:	491
Луғат	491

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	493
I. Дарслик ва қўлланмалар	493
II. Манбалар	495
III. Ўқув-методик адабиётлар	496
Лугат ва энциклопедиялар	497
Электрон таълим ресурслари	498

Илмий нашр

ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ

**ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТИ
ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИ**

Муҳаррир: Абдулла ШАРОПОВ

Мусаҳҳиҳ: Марҳабо ЖЎРАЕВА

Бадий муҳаррир: Феруза НАЗАРОВА

Техник муҳаррир: Хуршид ИБРОҲИМОВ

M95

M95

Муқимов, Зиёдулла.

Чет (хорижий) мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи /
З.Муқимов. – Тошкент.: Akademnashr, 2012. – 508 б.

ISBN 978-9943-389-52-6

УДК: 340.1(100) (09)
КБК 67.400

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 06.06.2012 й.

Босишга рухсат этилди: 17.07.2012 й.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$.

Arial гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб-нашриёт т.: 22,88. Шартли б.т.: 29,52.

Адади: 500 нусха.

Буюртма № 156.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«AKADEMNASHR» нашриётида нашрга тайёрланди.

100156, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

20^А-мавзе, 42-уй.

Тел.: (+998 71) 217-16-77

e-mail: akademnashr@mail.ru

МЧЖ «ИПАК YO'LI OLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.

Манзил: 100170. Тошкент ш., И.Мўминов кўчаси-9.



ЗИЁДУЛЛА МУҚИМОВ

1942 йил 10 майда Самарканд вилояти Каттақўрғон туманида туғилган. 1966 йили ТошДУ (ҳозир ЎзМУ)нинг юридик факультетига ўқишга кирди. Университетни 1971 йили имтиёзли диплом билан тўқонлади. «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедрасида беш йил дарс бергач, Олий таълим вазирлиги йўлланмаси билан Самарканд давлат университетининг юридик факультетига ишга келди. 1976 йилдан 2012 йилга қадар СамДУ юридик факультетидида ўқитувчи, декан муовини, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлади. 1998 йил 18 январда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

З.Муқимов қирк йилдан ошиқ илмий-педагогик фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тарбиялади, 13 та монография (3 таси жамоавий), 7 ўқув қўлланмаси, 3 дарслик, 260 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

ISBN 978-9943-389-52-6



9 789943 389526